



الفيلقون

Munir buv kecha

ДРАБ ЭРТАҚЛАБИ

САККИЗ ТОМЛИК

8
ТОМ

863-1001 КЕЧАЛАР

ТОШКЕНТ - 1963
1973 - طاشقند

И (Араб)

Арабчадан
Солиҳ Муталлибов
таржимаси

Шеърлар таржимони
Собир Абдулла

Минг бир кеча. Араб эртаклари. Саккиз томлик.
Т. 8 Т., Узадабийнашр, 1963.

Т. 8. 863—1001 кечалар. Арабчадан Солиҳ Муталлибов тарж.
Шеърлар таржимони Собир Абдулла. 1963. 604 бет. Тиражи 90000.

1001 ночь. Т. 8.

И
М 52

Али Нуриддин ва Марям Зуннория қиссаси

Ушундай қилишларича, қадим замонда, ўтмиш даври даврада, Миср мамлакатада Тожиддин исмли бир савдогар яшаб ўтган экан. У кўзга кўринган, ишончли ва ҳимматли савдогарлардан экан. Тожиддин сафар қилишга қизиқар, олтин-кумуш иштиёқида чўллар, даштлар, водий ва



тоғу тошлар, жазира ва денгизларда юришни севар экан. Унинг қуллари, хизматкорлари, ходимлари ва канизлари бор экан. У сафарида кўпинча хавфу хатарларга ва қўрқинчли ҳодисаларга дуч келар экан. У, ўша замон савдогарларининг энг серпул ва ширин сўзlisi бўлиб, от, хачир ва туяларга, қоп ва қанорларга, той-той Ҳимс молларига, Баълабак кийимларига, Адан ипаклиларига, Марв жомаларига, Ҳиндистон газмолларига, Бағдод матоларига, Мағриб банорасларига, турк қулларига, ҳабаш хизматкорларига, Рум канизларига ва Миср ғуломларига эга экан. У, жуда бадавлат бўлиб, айрим тавсифчилар қуйидаги шеърда айтганидек жамоли гўзал, ҳаракати но-зик, юриши ёқимли экан:

Оҳ! Бу савдогарни деб, ишқ аҳли тинмай жанг қилур,
Оҳ-вовайло қилур, охирда юз аттанг қилур!

Сўрди у: «Айғил! Бу ерда халқ нечун ғавғо эгар?»,
Мен дедимки: «Қаддини эл, сен туфайлинг ё эгар!...»

У савдогарнинг Али Нуриддин исмли бир ўғли бўлиб, у худди ўн тўрт кунлик ойдек гўзал, қадди-қомати келишган экан.

У кунлардан бир куни савдо-сотик ва олди-берди қилиш учун отасининг дўконида ўтирган экан, тева-рагини савдогар ўғлонлари ўраб олишибди. Шу вақт у бола бошқа болалар орасида худди юлдузлар орасидаги ойдек кўринар экан. Унинг пешонаси ярқираган, рухсори қизил, мўйлови сабз урган, бадани мар-марсимон экан. Бир шоир унинг ҳақида шундай дебди:

Деди гўзал у йигитча: «нечуклигим қани ёз!»,
Дедим: «бўлак ҳамма юлдуз, ўзинг маҳи мумтоз!»

Ҳуснда яккалигин сўзда мухтасар қилдим,
Кейинча васфини мен бир ўзим асар қилдим.

Яна биров уни тавсиф қилиб бу шеърни айтган
экан:

Лабининг устидаги мўйлави аросида хол,
Баҳори сабзалар ичра турар у мушк мисол.

Унинг нигоҳи неча дийдани басир этмиш,
Қулиш билан менидекларни у асир этмиш.

Шунда савдогар ўғиллари: «Ҳой, ҳурматли Нуриддин! Бугун ҳаммамиз сен билан фалон боғни сайр қилсак», деб уни таклиф этишибди. Нуриддин уларга: «Мен бу тўғрида отам билан маслаҳатлашиб кўрай, унинг рухсатисиз боролмайман»,— дебди. Булар шундай гаплашаётганларида отаси — Тожиддиннинг ўзи келиб қолибди. Шунда у, отасига қараб: «Ота! Савдогар болалари мени боғ сайрига таклиф этяптилар. Борсам майлими?» деган экан; отаси: «Майли, бора қол ўғлим!» деб бир оз пул берибди. Шунда савдогар болалари эшак, хачирларга минибдилар. Нуриддин ҳам бир хачирга миниб улар билан боғ сайрига борибди. Боғда кўнгиллар тилайдиган, кўзлар қувнайдиган нарсалар кўп экан. Унинг бинолари баланд, деворлари маҳкам, ҳаво ранг дарвозаси жаннат эшикларига ўхшаш бўлиб, дарвозабоннинг исми шарифи Ризвон экан. Боғнинг юқори томонида юзларча туп турли нав узумлар бор экан. Узумларнинг қизили худди маржондек, қораси ҳабашлар бурнидек, оқи каптар тухумидек экан. Боғда булардан бошқа шафтоли, анор, нок, ўрик, олмалар ҳам бўлиб, ҳаммаси турли рангда, қўшалоқ ва якка-якка экан.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Савдогар болалари боғга киргач, расо етилган ширин-шарбат меваларни-ю, ранг-баранг узумларни кўриб ҳайрон қолишибди. Шундай узум ҳақида бир шоир бу шеърни айтган экан:

*Саккиз юз
олтмиш тўртинчи
кеча*

Бу узум таъми худди яхши шароб,
Қоп-қароликда зағчага ўхшар.
Уни қиз чимчалоғидир деса, боп,
Қайфи ширин дудоқчага ўхшар...

Яна бир шоир бундай деган экан:

Ана! Ток новдаси ётар осилиб,
Менинг озғин танимга мос тушишиб.
Шира-шарбат шароб бўлур, шошилиб —
Оби ҳайвон суви, асал қўшилиб...

Болалар сайр қилиб, шийпонга борар эканлар,
боғда худди жаннат посбони каби шийпонда ўтирган
Ризвонни ва шийпон эшигига ёзилган қўидаги байт-
ни кўрибдилар:

Боғбон! Кел, суғар узумзоринг,
Новдалар сув ичиб, етилсинлар!
Барглари елда рақс этиш ила тенг,
Доналар марварид этилсинлар!..

Шийпоннинг ичкарасига эса қўидаги бошқа бир
икки байт битилган экан:

Эй, дўстим, боққа юр, қилсак саёҳат:
Ювиб ғам зангини, бағишлар роҳат!
Чунки, бу боғ ичра кезар шаббода,
Чунки, бу боғ ичра гуллар омода...

Боғда хилма-хил мевалар билан бирга турли паррандалар ҳам сероб экан. Ғуррак, булбул, қумри ва каптарлар шохларда сайрашар экан. Ариқларда жилдираб сув оқар, сув юзини гуллар ва тотли мевалар тутиб ётар экан. Бу ҳақда бир шоир шу икки байтни айтибди:

Насим эсиш ила шўх ўйнашар ҳамма япроғ,
Унинг нафис эсиши ул гўзалнинг рақси каби.
Карашма этса агар, қошлари демангки, яроғ,
Арозми ёки у ишқ ботири учун ғазаби?..

Яна бир шоир бундай дебди:

Анор шохлари остида жуфт-жуфт копток,
Ҳамиша кўзга яқину мудом ёқиб туради.
Этарда рашк шомол, қўл уриб унга бебок,
Жудо қилиб биридан, бирини қоқиб туради.

Бу боғнинг анори, бир шоир айтганидек Қайрувон шаҳрининг коптокларига ўхшар экан:

Бу пўсти юпқа анор, сийналар каби сут ранг,
Нафис пўсти аросида мағзи ёқут ранг.
У нега ўхшашидан сўз очиб, уялтирманг,
Пичоқ қўйишда бўлинг эҳтиёт, бўялтирманг!..

Яна бир шоир бу ҳақда шундай дебди:

Кичик гумбаз ичига кимса боқса,
Кўрар ёқут билан тўлган хазина.

Шифоликда у кўп дардларга ёқса,
Жудоликда анор — қон тўла сийна.

Шароби — тан заифликнинг давоси,
Мусаффоликда гўё ҳадисдек.

Унинг шакли йигитлар муддаоси,
Юқори санъату ингичка ҳисдек...

У боғдаги олма шакардек ширин ва мушк ҳидли бўлиб, бир шоир айтганидек, кўрган кишини ҳайратда қолдиради экан:

Кўринг! Бу олмалар оқу қизил ранг,
Бу ранг ошиқ билан маъшуққа монанд.

У рангми, ёки бу? Шоҳида талланг,
Аларни боғбон айлапти пайванд.

Оқартиб ярмисини таъни ағёр,
Хижолатдан қизармиш нисби олма.

Аё ошиқ, рақибдан ҳуркма бисёр,
Аё маъшуқ, муҳаббатдан уёлма!..

Бу боғда яна куфур ҳидли, жилонжийда тусли қантак ўриклар бор экан. Бу ҳақда бир шоир шундай деган:

Ўриклар чехраси зардликда гўё,
Кўришда эслатур ошиқ юзини.
Агарда севгани бўлганда пайдо,
Ешургай барг аросига ўзини.

Бошқа шоир бундай деб яхши айтган:

Ўрик гул васлидир — боғ жилвақори,
Кумуш хилъат кийиб юртнинг баҳори,
Ғурурланса Ватан, бордир асоси,
Ошар ундан, кишилар эҳтироси.

Яна у боғда олхўри, олча, ҳамма касалликларга шифо бўладиган жилонжийда, анжир дарахтлари бўлиб, унинг новдаларини, шоир айтганидек, ақл ва кўзларни ҳайратда қолдирадиган ранго-ранг мевалар безаб турар экан:

Яшил барг қўйнида олтин ранг анжир,
Тургандек гумбазда Рум қўриқчиси.
Тўхтадим, бўйнимга тушгандек занжир,
Урганда димоққа анжирнинг иси...

Шоирлардан бирининг мана бу гапи қандай яхши:

Бир лаганда анжирга минг марта салом,
Анжирнинг ҳар бири зарбоф дастурхон,
Ҳар бири олтиндир, хоҳ пишиқ, хоҳ хом,
Бўлсам кошки эди, шу боққа меҳмон.

Бошқа бир шоирнинг бу шеъри ундан ҳам яхши:

Анжир таъми — гўзалликлар тимсоли,
Лабларидан сўриб-сўриб, лаззат ол!
Янгисидир асал билан мой боли,
У бўлмаса, қоқисини ея қол!..
Патнусда у худди ипак мисоли —
Товланадир юмшоқ, ейиш бемалол!..

Яна бир шоир шундай дебди:

У деди! «— анжирни севгайсан, нечун севмай анор?»,
Мен дедим: «— ҳар кимса ҳар хилдирки, турли таъби бор,
Мевани севмоқда ҳар ким хоҳишидир бошқароқ
Хоҳлаган мевангни боғдан иста, қилмасдан сўроқ!»

Бошқа шоир шундай ёзган:

Сажда қилгандек эгиб бош бу дарахт,
Барча анжирхўрга истар мангу бахт.
Бойси шулдир, менга анжир ёқар,
Еғса ёмғир, кўзидан шарбат оқар.

Яна у боғда, Тур, Ҳалаб ва Рум нокининг ҳар хилдан бор экан.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод.— Савдогарларнинг болалари боғга қўнғач, биз айтган мевалардан ташқари, Тур, Ҳалаб ва Рум нокларининг турли навларини, шоир айтган сариқ ва кўк туслисини кўрибдилар:

**Саккиз юз
олтмиш бешинчи
кеча**

Нок юзи ошиқ юзидек қаҳрабо,
Е ҳарир ичра гўзал маъшуқадек
Юзга зар чодир тўсиб шому сабо,
Бемаҳал узгувчи қўлдан сер ҳадик.

Бу боғда ажойиб хилма-хил шафтоли ҳам бор экан:

Боғдаги шафтолиларнинг юзлари ол товланиб,
Боғда сайр этган кишилар оғзидан сув келтирур.
«Ойлар»и олтин-у «лулчак» шоҳда ловиллаб ёниб,
Нуқра ранглиси тановул бўлса, уйқу келтирур.

Боғда кўм-кўк тусли жуда ширин, майда тошсимон, уч қават пўстли ва у ҳақда мана бу шеърда айтилган бодомлар ҳам бор экан:

Кийди бодом уч қават турли либос.
Мағзини айлар худойим эҳтиёт.
Дўстлари рашкдан унга кўзлаб қасос,
Бу мағизга йўқса бермаслар ҳаёт.

Яна бири қуйидаги ажойиб шеърни айтибди:

Баркка беркинган бодомни қўл билан ким кўрсатур?
Ажратиш бўлғай қийин баргини бодоми билан.
Меваси пишса, етилса, лаб очишни унда кўр,
Марварид тўкгай қалин пўстлар, садаф номи билан.

Боғда ҳар хил бодомлар бўлиб, гоҳисининг мағзи битта, гоҳиси ялакат экан:

Сабзранг бодом барги ўсма қўйган қош бўлиб,
Тукларини кўсаларнинг юзига таққос этинг.
Пучми ё тўқ?.. Чаққанингиздан кейин бу фош бўлиб,
Пўстини зумрадга, мағзин марваридга мос этинг.

Бошқа бири бу ҳақда мана бу ажойиб шеърни
айтибди:

Бодом гули фасли — гўзаллик боши
Шундан сўнг бошланур боғ гўзаллиги.
Тобора яшариб боғларнинг ёши,
Гули — мўйсафидлик фаслидан белги.

У боғда қўшалоқ-қўшалоқ дўланалар ҳам бор
экан:

Оқ ўрик сингари пишса дўлона,
Шохларга тизилган мевасига боқ!
Танаси гумбазли нақшин бутхона,
Унинг мевалари олтин қўнғироқ.

Бошқа шоир бундай деган экан:

Дўлона ўз ҳуснин кўз-кўз қилади,
Гоҳ баркка беркиниб, гоҳи намоён.
Ундан кўп теришни кўнғил тилади,
Аммо иштаҳамни қилмайман баён.

Боғда, худди танбул сингари, апельсин гуллар ҳам
бор экан. Бу тўғрида бир ошиқ шоир бундай дебди:

Қип-қизил пишган ўриклардирки, ёрсанг гўшти оқ,
Чўғичига қорни беркитган каби сунъи илоҳ.
Чўғи ўчмай, қори сўнмай, шоҳида тургай узоқ.
Солса ким оғзига, сўнгра у эрир, беиштибоҳ.

Бошқа бири эса мана бу шеърни айтибди:

Пишса апельсин — қизил-ол товланур,
Лабларига ғоза қўйиб боғ қизи —
Байрам этар, дилга бағишлаб ҳузур,
Юзлари ҳам, лаблари ҳам қирмизи.

Яна бири қуйидаги шеърни айтибди:

Шомол турса ўрмонда, мевали шохлар ларзон,
Маъшуқаси дўқ урса, ошиқ бўйни эгилиб...
Офатлардан қўриқла меваларинг эй, боғбон,
Тикилгандек маъшуққа, сен ҳам унга тикилиб.

Бошқа бирининг бу шеъри ҳам ажойиб:

Дедим шоирга:— боғни тасвир айланг,
Апельсин меваси ташбеҳи қандай?..
Деди: «кўрсам уни, ҳолим бўлур танг,
Сариқдир юзлари бечора мандай?!..»

Боғда худди тилла каби лимонлар ҳам бор экан,
улар новдаларда худди тилла қуйимлар сингари осилиб турар экан. Бир ошиқ шоир бу ҳақда мана шундай дебди:

Кўринг! Кенг, ям-яшил боғларда лимон,
Қуёшдан қўрқди-ю, юзни ёшурди
Кутиб шаббодани бесабр ҳар он,
Юзин сарғайтириб, ғамни ошурди.

Яна бу боғда, новдалардан осилиб турган қалин пўстли, қизларнинг кўкракларига ўхшаш, анвойи лимонлар бор экан. Бу ҳақда бир шоир бундай яхши шеър айтибди:

Боғда мен лимонни кўрдимки, ажиб,
Баргидан қошига ўсма суртади,
Шоҳ ҳам барглар узра копток ўйнашиб,
Қурмағурлар бу зор кўнглим ўртади.

Боғда яхши ҳидли, товуқ тухуми шаклида, сариқлиги меваларга зийнат бўладиган, ҳиди тераётган кишига етиб турадиган лимонлар ҳам бор экан. Бу ҳақда бир шоир шундай деган:

Мен этай таъриф-у, сен оғзингни юм,
Барча лимонлар — бӯёқланган тухум.
Бу тухумларни бӯяр шоир қўли,
Дема шоир, фаслнинг моҳир қўли...

Боғда ҳар хил мевалар, кўкатлар қаторида хуш ҳидли гуллардан: ёсуман, хинагул, мурч, анбар ҳидли сунбул, ҳар хил гуллар, баргизуб, мерта ва ҳар хил райҳонлар бор экан. Бу боғ жаннатнинг айнан ўзи экан. Бемор киши унга кирса, шердек кучли бўлиб чиқар экан. Жаннатда топилмайдиган ажойиб ва ғаройиб нарсалар у ердан топила ва тил унинг тавсифидан ожиз экан.

Савдогарларнинг болалари у боғни сайр қилиб бўлгандан кейин, пешайвонларнинг бирига келишиб, Нуриддинни пешайвоннинг ўртасига ўтқазибдилар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
олтмиш олтинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод.— Савдогар болалари Нуриддинни пешайвон ўртасида, зар тикилган тўшакка ўтирғизибдилар. У, туяқуш пари тикилган ва олмахон терисидан авра қилинган лўла ёстиққа суяниб ўтирибди. Ёстиққа қўйидаги икки байт битилган экан:

Естуғи жонларга оромбахш этиб,
Сочди хушбўйлик димоғларга яна.
Боққа хушбўйлик гўзал ёрдан етиб,
Ишқ эли базмида қилди тантана.

Сўнгра бошқа йигитлар ҳам, салла-чопонларини ечиб ўтирибдилар. Ширин суҳбат, баҳслашув бошла-

нибди. Уларнинг ҳар бири Нуриддинни ўзига қаратиб унинг ҳуснини томоша қилишни орзу қилар экан. Бир оз вақт дам олиб ўтирганларидан кейин, бир қул бошига чинни ва биллур идишларда турли таомлар тугулган дастурхон қўйиб келибди. Чунки савдогар болаларидан бири, боғга боришидан олдин ўз уйидигиларга, овқат қилиб юборишни буюрган экан. У дастурхонда каклик, бедана, каптар каби йўртувчи, учувчи ва сувда сузувчи кўпгина паррандаларнинг гўшти билан бирга қўй эти ва латиф балиқ гўштидан тайёрланган овқатлар бор экан; дастурхон ёзилгач, ҳаммалари яқин келиб керагича ебдилар. Овқатдан сўнг эса қўлларини тиниқ сув ва мушк қўшилган совун билан ювиб, ипак ва шол сочиққа артибдилар. Нуриддинга эса тилла попукли сочиқ тақдим этибдилар. Сўнгра қаҳва келтирилибди, улар истаганларича ичиб, яна суҳбат қурибдилар.

Шу вақт боғбон бир сават тўла гул келтирибдида: «Эй, ҳурматлилар! Ҳидлагудек бирор нарса истайсизларми?» — дебди. Уларнинг бири: «У нарса, айниқса гул бўлса, марҳамат, албатта қайтарилмайди»,— дебди. Боғбон: «Жуда яхши. Лекин бизнинг одатда, шеър айтдирмасдан гул берилмайди, гул олмақчи бўлган киши шу мақомга муносиб бир шеър ўқисин!»,— дебди. Савдогарларнинг болалари ўн киши экан. Уларнинг бири: «Жуда яхши. Гулдан менга бер! Сенга, мақомга муносиб шеър ўқиб бераман»,— дебди. Боғбон бир даста гул берган экан, у гулдастани олиб бу байтларни ўқибди:

Атиргулларга боғимдан бериб ер, айлаин гулзор,
У гул олдида бошқа барча гуллар қадрсиз, бекор.
Атиргул бўлмаганда, ўзга гулларда ғурур ортар,
Қилиб унга ҳасадлар, ўзга гуллар аста оҳ тортар.

Кейин боғбон иккинчисига бир даста гул тутибди,
У қуйидаги икки байтни ўқиб гулдастани олибди:

Аё боғбон! Атиргул тарқатур гулшанга мушк бўйи,
Бу сирни сезмасин ул нозанин, зулфини беркитгай,
Агар ул нозанин зулфини белдан ташласа қуйи;
Атиргулнинг бўйи ҳам мушку анбар қиммати кетгай.

Сўнгра учинчисига бир даста гул тутган экан, у
ҳам шу икки байтни ўқиб, гулдастани олибди:

Гул бўйи ҳар уду анбардан зиёд,
Қиммати ҳам дуру гавҳардан зиёд.
Барг аросидан қараб ул гунча лаб,
Ошиғидан бўсалар қилгай талаб...

Кейин тўртинчисига бир даста гул тутибди. У ҳам
бу икки байтни ўқиб, гулдастани олибди.

Сен бу гул шоҳига боқ, эй ишқибоз,
Қанча таъриф айласам мен, шунча оз!
Зарга беркинган дуру ёқут эрур.
Гунча эрмасдир у, балки ўт эрур!

Сўнгра бешинчисига гулдаста тутибди. У ҳам бу
икки байтни ўқиб, гулдастани олибди:

Товланур олтин мисоли, қўлга келган дамлари,
Баргида булбул ёши, ёинки субҳ шабнамлари.
Сап-сариқ баргида намларни кўриб, жазм айладим:
Заъфарон юзга оқизмиш ёшни, ҳижрон ғамлари...

Ундан кейин олтинчисига бир даста гул тутибди.
У ҳам шу икки байтни ўқиб, гулни олибди:

Оқ атиргулларда кўрдим мен мусаффо манзара,
Ўзга гул ҳам яхши-ю, оқда назокат ўзгача.
Дуч келишган ошиғу маъшуққа ўхшарлар, қара,
Пок доман ишқ аҳлида нафосат ўзгача.

Сўнгра еттинчисига бир даста гул тутган экан, у
ҳам бу икки байтни ўқиб, гулни олибди:

Мен қизил гулдан тиканнинг сиррини сўрсам: деган:
«Шоҳдирман барча гулга, посбонимдир тикан!..»
Гулшан иқлимига бўлса бу қизил гул гар амир,
Қуршаган ҳар бир тикан, тахтга қўриқчилар экан.

Кейин саккизинчисига бир даста гул тутибди. У
ҳам шу икки байтни ўқиб, гулни олибди:

Асрасин тангри сариқ гулдан! Надап юққан экан,
Е чаман бу гулни ой куйган туни туққан экан?..
Бу сариқ садбарк юзлар зардини эслатгуси,
Дашт аро Мажнуну, ҳижрон дардини эслатгуси,

Сўнгра тўққизинчисига бир даста гул тутибди. У
ҳам бу икки байтни ўқиб, гулдастани олибди:

Сариқ гул қиммати зўр! Чунки у олтин билан ҳамранг,
Уни кўрганда ошиқ, чеҳрасини айлагай таққос.
Унинг хосиятини айтингу, қадрини шарх айланг,
Бу ранг кайфияти, ёрини кутганлар учундир хос...

Кейин ўнинчисига бир даста гул тутибди. У ҳам
шу икки байтни ўқиб, гулни олибди:

Мудом мағрур, сариқ гул ҳам қизил гул,
Икков гулнинг ғурури ҳам сирини шул:
Сариқ ўхшар ғариб ошиқ юзига,
Қизил ўхшар ғўзал маъшуқ юзига.

Йигитларнинг ҳаммаси қўлларига гул олгач, бог-
бон шароб дастурхонини келтириб, ўрталарига қизил
тилла билан нақш солинган чинни пиёла қўйибди-да,
маъна шу икки байтни ўқибди:

Ёришмай тонг, шафақ ранг майни нуш эт,
Қуёш чиқмай, бошингдан ғамни иргит!..

Кўринсин энг тиниқ майдан пиёла,
Майи ноб аксида кўр юзни, бола!..

Сўнгра боғбон пиёлани тўлдириб ўзи ичиб, савдогар Тождин ўгли Нуриддинга навбат келгунча айлантираверибди. Ниҳоят, боғбон пиёлани тўлдириб Нуриддинга тутибди. Нуриддин: «Бу мен кўрмаган нарса эканини, ҳеч қачон ичмаганлигимни биласан! Чунки буни ичиш катта гуноҳ. Қудратли эгам ўз китобида буни ҳаром деган»,— дебди. Боғбон: «Эй, ҳурматли Нуриддин! Агар буни гуноҳлиги учун ичмайдиган бўлсанг, улуғ тангри, марҳаматли ва гуноҳларни кечирувчи, раҳмлидир. Унинг марҳамати ҳаммадан кенг. Мана бу шеърларни айтган шоирга худонинг раҳмати бўлсин!»— дебди:

Май топсанг ича бер, тангри меҳрибон,
Маст бўлиш савобдир, бу гуноҳ эмас!
Мастликдан, ном сотиш, зулм этиш ёмон,
Бундай гуноҳларни қилмагин ҳавас!..

Кейин савдогар болаларининг бири: «Эй, ҳурматли Нуриддин, ҳаётинг ҳақи! Шу қадаҳни ич!»— дебди. Бошқа бир йигит келиб, қасамёд қилиб унинг олдида тик туриб олиб: «Ичасан»,— деган экан, Нуриддин уялиб, боғбон қўлидан қадаҳни олибди-да, бир хўплам ичиб: «Аччиқ-ку!»— дебди. Шунда боғбон: «Эй, ҳурматли Нуриддин! Агар аччиқ бўлмаса бундан манфаат бўлмас эди. Билмайсанми? Даво учун ширин нарса еган кишига у аччиқ туюлади. Бу ичимликнинг фойдаси кўп: уларнинг бири шуки, овқатни ҳазм қилади, ғаму ғуссани кеткизади, елни ҳайдайди, қонни суюлтириб рангни тозалайди. Баданни кучайтириб, кўрқоқни ботир қилади, эр кишининг шаҳвоний нафсини қўзғайди. Агар унинг барча

манфаатларини айтсак, гап чўзилади. Бу ҳақда, шоирларнинг бири бундай деган:

Май ичдим, маст бўлмай, боғларда кездим,
Таъналар эшитиб, ичишдан бездим.
«Май ичиш фойда!..» деб, келди ривоят,
Шу кун хурсандликдан маст бўлдим ғоят!..

Кейин боғбон ўрнидан туриб, пешайвон ҳужрала-ридан бирига кирибди-да, катта бир бўлак каллақанд олиб чиқибди. Сўнг уни Нуриддиннинг қадаҳига солиб, «Эй, ҳурматли! Агар шаробнинг аччиқлигидан кўрқсанг, мана ширин бўлди, энди ич!»— дебди. Шу вақт Нуриддин қадаҳни кўтариб юборибди. Сўнгра савдогар болаларининг бири пиёлани тўлдириб: «Эй, ҳурматли Нуриддин! Мен қулингман»,— дебди. Бири: «Мен хизматкорларингданман»,— дебди. Яна бири туриб: «Менинг кўнглим учун»,— дебди. Бошқа бири туриб: «Худо ҳақи, эй, Нуриддин, кўнглимга даво қил!»— дебди. Шундай қилиб, ўнта савдогар болаларининг ҳар бири Нуриддинга бир қадаҳдан тугиб ўн қадаҳ ичирибдилар. Нуриддин, то шу вақтгача асло шароб ичмаган экан. Шу вақт унинг боши айланиб, шароб ўз кучини кўрсатибди. У, тили гўлдирлаб, алжираган ҳолда тик туриб: «Эй, жамоат! Азбаройи худо сизлар ёқимлисиз, гапингиз ёқимли, бу жойингиз ҳам ёқимли. Лекин яхши ашула эшитишга эҳтиёж бор: ашуласиз шаробнинг боридан йўғи яхши. Масалан, бир шоир бу ҳақда шу икки байтни айтган»,— дебди:

Аё эй соқий, куйлаб, биз учун олтин қалаҳ тўлдир.
Ҳақиқий майпарастлар тартибу қондаси шулдир!
Қўшиқсиз май ичиш, кайфу сафоларга берар барҳам.
Чунончи, отга сув тутганда ҳуштаклар чалар халқ ҳам.

Шу вақт боғбон туриб, савдогар болаларинини хачирларидан бирига миниб кўздан ғойиб бўлибди-да, мисрлик бир қиз билан қайтиб келибди. У қиз худди тоза кумуш, чинни идишдаги динор ёки саҳродаги кийикка ўхшар экан. Унинг хумор кўзлари қуёшни хижолат қиладиган жозибадор, қора ва сузик, қошлари ёйдек, юзлари гулдек, тишлари дурдек, лаблари шакардек, кўкраги фил суягидек оқ, бели хипча, таҳма-тах бадани Шом шаҳридаги ариқ сувларидек тиниқ. Бу ҳақда шу байтлар айтилибди:

Агар дуч келса шарқлик бир монахга.
Монах Шарқдан келиб, Ғарбга қочар тез.
Тупурса, сувга: тушманг иштибоҳга,
Ширинлик касб этар, шўр, катта денгиз.

Бошқа бир шoir бу байтларни айтибди:

Мени қилди асир, боққанда тикка,
Келишган қад, иссиқ юлдузи бирлан.
Боқиб бир, шерни банд этган кийикка —
Магар ўхшар сеҳрли кўзи бирлан...

Шоирларнинг бу шеърлари қандай яхши:

Кўрай дер бизни бу маҳбубу, аммо
Тўсар уч нарса: яъни, рашку иғво,
Ёқимли товушу ҳусни мунаввар.
Либосига сепилган атир-анбар.
Тўсиб юзни қўл ила, кўрса мумкин,
Бироқ, хушбўйлигин қандақ у тўссин?..

У қиз худди ўн тўрт кечалик ой каби бўлиб, зангори кийим кийган, нуроний пешонасига кўк чимбат тутган; у ақлларни ҳайратда қолдириб, кишини йўлдан оздирар экан.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя йетишни тўхтатди.



*Саккиз юз
олтинчи еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб
давом этди Шаҳризод,—
боғбон, у йигитларга биз
таъриф этган қизни олиб
келибди. У, гоят чиройли, гўзал,
қадди-қомати келишган, ой деса
ойдек, кун деса кундек, ажойибу
ғаройиб, паривашки мўътадил, гўё
шоир қуйидаги шеърида шу қизни
назарда тутган экан:

Қийиб фируза ранг кўйлак, келиб ўтирди ёнимга,
Шу дам ҳис айладимким, осмон бу кеча меҳмоним,
Зимистон фасли гўё ой сочиб нур, ошнёнимга,
Ҳаво рангли либос ичида ўтирганда жононим.

Бошқа бир шоирнинг мана бу шеъри қандай яхши
ва қандай гўзал:

Тўсиб чодирда лаълин, мен томон ул кўзларин сузди,
Олиб жонимни юз бор шу нафас юз қатла тиргузди.
Дедим: лаълингни кўрсат, ул деди: жонингга раҳм этгил,
Дедим: қўрқма фалакнинг қаҳридан, чодирни иргитгил!
Лабингдан бўса олган чоғда тангрим қилса тош бизни,
Қиёмат қойим ўлғач кўрса эл шу ҳолда кош, бизни.

Сўнгра боғбон у қизга: «Эй, гўзаллар ва барча
ялтираган юлдузлар хожаси! Шунин билгинки, сени
бу ерга келтиришдан, шу қилиқлари гўзал йигит—
ҳурматли Нуриддинга ғазаллар ўқиб, ашулалар
айтиб беришингдан бошқа мақсадимиз йўқ»,— дебди.
Шунда қиз: «Буни менга олдинроқ айтганингда, ке-
ракли асбобимни олиб келар эдим»,— дебди. Боғбон:
«Мен бориб уни олиб кела қоламан»,— дебди. Қиз:
«Майли, олиб кел!»— дебди. Боғбон: «Бўлмаса менга
бир нишона бер!»— дебди. Қиз нишона учун унга ўз
рўмолчасини берибди. Шу вақт боғбон чиқиб сир оз

вақт йўқ бўлиб кетибди-да, сўнгра қўқ атласдан тикилган, оғзининг икки томонида иккита тилла бандлик катта бир халта олиб келибди. Қиз халта оғзини ечиб ағдарган экан, ичидан ўттиз икки бўлак чўи тушибди. Кейин, у эрни хотинга ва хотинни эрга қўшгандек ҳалиги чўпларни бир-бирига қўшибди. Сўнгра билакларини шимариб, у қўшилмани тиклаган экан, ҳиндларнинг йўниб ишланган уд созига айланибди. Она ўз боласига энгашгандек қиз ҳам созга энгашиб, бармоқлари билан уни тирмалабди. Шу пайт сөз ўзининг қадимги маконларини соғиниб оху нола қилибди — уни суғорган сувларни, ўзи ўсиб-унган ерларни, кесиб йўнган дурадгорларни, мойлаган мойчиларни, уни олиб келган савдогарларни, ортиб келтирган кемаларни эслаб, доду фарёд билан ўқиб йиғлабди: гўё қиз создан у нарсаларни сўрабди-ю, у холи тили билан бу шеърларни ўқиб жавоб берибди:

Мен олдин бир дарахт эрдимки, булбул ошиён этган,
Қўниб шохимга ҳар тонг гул ғами бирлан фиғон этган.
Мени кесди биров, тилди вужудим, неча тор этди,
Чалиб базм ичра, элга бор сиррим ошкор этди.
Олиб ноз офаринлар қўлларига, соз қилдилар,
Муҳаббат маҳфилида навҳаи шаҳноз қилдилар!..
Тилардим, эй худо! Ул мутриб аҳлидан жудо қилма,
Чалишни билмаган бедардларга ошно қилма!..

Сўнгра қиз бир оз вақт тин олибди-да, кейин созни қўлтиғига қисиб, она болага энгашгандек созга энгашиб, бир неча ажойиб куй чалибди. Ниҳоят, аввалги куйга қайтиб, бу байтларни ўқибди:

Ол хабар эй, дўст! Аҳволини сўр, ошиқ ғариб,
Бўлғуси ғамдан халос, дўсти агар бўлса зариф!
Тонгда сен ғофил, чаманда андалиб фарёд этар.
Аҳли дард бедорларнинг кўнглини обод этар.
Васлнинг базми шуларсиз ҳеч тасаввур бўлмагай:
Созу беағёр ёру соқий гулфому май.

Нуриддин бу байтларни эшитгач, қизга муҳаббат кўзи билан тикилибди, унга қаттиқ берилганлигидан ўзини йўқотибди. У ёқда қиз ҳам худди шундай ҳолга тушибди. У маъракада ҳозир бўлганларни бир-бир кўздан кечирар экан, Нуриддин йигитлар ўртасида худди юлдузлар орасидаги ойдек бўлиб туюлибди. Негаки, у юмшоқ сўзли, нозик, қадди расо мўътадил, ёқимли, гўзал, тонг шамолидан латифроқ, булоқ сувидан тиниқроқ бўлиб, гўё шоир бу байтларини у ҳақда айтган экан:

Тоза қалбимдан қасамёд айларам,
 Тўсмаса тамкин агар, дод айларам.
 Утирур ул ўзни маъсум кўрсатиб,
 Улдирур, лабда табассум кўрсатиб,
 Кўп йигитлар ичра тенги оз йигит,
 Ярқироқ пешона, мўйловсоз йигит.
 Бу қасам ул хатти райҳони ҳақи,
 Санчилувчи ўқи мужғони ҳақи,
 Лаъли ноби ҳам тиши лаъли Яман,
 Бошқалар қулдир, у шоҳи анжуман,
 Ҳар фазилат унда жамулжам турур,
 Боқиши минг дард учун малҳам турур,
 Еширин сирларни қилмоқликда фош,
 Тенг бўлолмас унга ҳаттоки қуёш...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



**Саккиз юз
 олтмиш сакки-
 зинчи кеча**



Й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод, — Нуриддин қизнинг куй ва шеърини эшитгач, ҳайратга тушибди. Мاستона қизга мойил бўлган йигит уни мақтаб бу шеърларни ўқир экан:

Мойил ўлган чоғда ул соз чалиб,
 айтса қўшиқ:
 Сози дер:— парданг кўтар, жононлигинг
 авжига чиқ!..

Нуриддин бу шеър ва ғазалларни ўқигач, қиз муҳаббат кўзи билан унга қараб, ишқ савдоси ортибди. Нуриддиннинг ҳусну жамолига, қадди-бастига ва мўътадиллигига ажабланибди. Саросимага тушган қиз созини яна қўлтиғига олиб, шу байтларни ўқибди:

Гоҳ боқсам агар, сен мени сўкмай қўя қол,
Қаддим ҳам ўзи, сен яна букмай қўя қол!
Хоҳ ҳайда-ю қув, бу ихтиёрим сенда,
Йўқ менда қароримки, қарорим сенда.
Қафтимга чизиб суратингни, боққайман,
Ишқингда танзим ўтга солиб, ёққайман,
Телмурмоқ ила икки кўзим тиндираман,
Ишқ шарт шароитларини синдираман,
«Тинч бўл юрагим!» деб, бақириб шўрликка,
Юлмоқчи бўлиб, гоҳ ўтаман зўрликка...

Қиз бу байтларни ўқигач, шеърининг гўзаллигига, гапининг етуқлигига, лафзининг ширинлигига, тилининг равонлигига Нуриддин ҳайрон қолиб, ишқ дардида бетоқатлик ва беқарорликдан ақли бошидан учибди. Сабр-тоқати тугабди-да, яқин бориб уни ўз кўкрагига босиб қучоқлабди. Қиз ҳам бутун борлиги билан унга ёпишиб, юз-кўзидан ўпаверибди. Нуриддин уни қучоқлаб гўё каптар оғзини ўз боласининг оғзига қўйгани каби унинг лабларидан ўпиб, ўйнашаверибди. Қиз ҳам у нима қилса шуни қилаверибди. У ердагилар ҳайрон бўлишиб ўринларидан туришибди. Шунда Нуриддин уялиб, қизни қучоғидан бўшатибди. Сўнгра қиз, созини олиб, бир неча куй чалибди ва ниҳоят аввалги куйга кайтиб шу байтларни ўқибди:

Қаҳр ила чиқди ғилофидан қилич,
Эгди қаддим янги ой янглиқ бу кеч.
Қалби тошу кўкраги юмшоқ экан,

Оҳ, инсон мунчалар қўрқоқ экан,
Эй рақиблар! Ишқ қолур, сизлар кетиб,
Айтди ким, ғийбатчилар, ўлмайдди деб?..

Нуриддин унинг гўзал суханини ва ажойиб ашула-
сини эшитиб, шодиёна ҳаяжонга тушиб, шу байтлар-
ни ўқибди:

Мен уни кўргач хаёл айлаб қуёш,
Бармоғим лабга қўйиб, илғашда бош,
Жон ҳовучлаб, изтирсбим ортди боз:
Ақлу ҳушинг элтар у, чалганда соз,
Кетди у, бир йўл сенга солмай нигоҳ,
Улфатим ғам, дард насибам бўлди оҳ!..

Нуриддин шеърини ўқиб бўлгач, қиз унинг равон
ва ёқимли сўзларига лол қолиб, созини қўлига олиб-
ди-да, чиройли ҳаракатлар билан чертиб, барча куй-
ларни яна қайтарибди. Сўнгра бу байтларни ўқибди:

Кел, эй, мард! Менга бўса тортиқ айла,
Бу кайфим неча ҳисса ортиқ айла!..
Аё кўнглим шаҳи, айлай қасамёд,
Сенингсиз бўлмагай дил мулки обод.
Мурувват қил, ғариб жонимга ёр ўл,
Яшай ширин хаёлинг бирла, бор ўл,
Пироқ кетсанг, қолур ёдинг кўнгулда,
Тутай номинг, чалиб созимни қўлда.

Нуриддин қиз ўқиган шеърлардан лаззат олиб,
унинг шеърига бу байтлар билан жавоб берибди:

Ажиб бу сирки, қуёш кўрсатиб жамол бу кеча,
Қоронғи чодирда тўсди юз ҳилол бу кеча.
Қизарди чеҳран зардим шароби ноб ичмай,
Кўзимга кенг бу жаҳон осмони ол бу кеча.
Тўлиб оқишни аё Нил, келиб кўру ўрган,
Кўзимнинг ашкени тўсмоқ эрур маҳол бу кеча.
Келибди симтан ул дилбарим кўнгил овлаб,

**Бошимни кўкқа етурди, сўради ҳол бу кеча.
Рақиб нишонга ўқ узмай, рақибни эй бахтим —
Қилишда кўксини мўлжал, нишонга ол бу кеча.**

Қиз Нуриддиннинг ширин суханидан ҳайратланиб ўзини унутибди. Нуриддин унинг қалбини буткул эгаллаган эди. Шу сабабдан қиз уни ўз кўкрагига тортиб, каптар оғзини ўз боласи оғзига қўйгани каби унинг дудоқларидан сўраверибди. Шунингдек Нуриддин ҳам оғзини унинг лабидан олмай ўпганча тураверибди. Нуриддинни ўпиб, қучиб бўлгандан кейин қиз созини олиб бу байтларни ўқибди:

Ғанимлар таънасидан дил аламноқ,
Нягорим бевафо-ю, шўху бебок.
Муҳаббат ила хўрлик тортадурмен,
Машаққат захмидан бу кўкрагим чок.
Кулиб ишқ аҳлига, бошимга тушиди,
Бу ишқ маъносини қилмоқда идрок.

Қиз яна бу икки байтни ҳам ўқибди:

Демиш ишқ аҳли: «— ул лаб бермаса сув:
Бу кеча ташналикдан келмас уйқу...»
Қилиб, биз ташна, тангрига ибодат,
Хабар бермоқни қилдик яхши одат...

Нуриддин қиздан бу сўз, бу шеър ва ғазалчи эшитиб, ширин суханлигидан ажабланибди ва кишини мафтун этувчи унинг зийраклигига миннатдорчилик билдирибди. Қиз унинг миннатдорчилигини эшитгач, шу заҳоти ўрнидан туриб, барча уст кийимлари ва безакларини ечиб, Нуриддиннинг тиззасига ўтириб, ўзини унга ҳадя қилибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
олтмиш тўққи-
зинчи кеча*



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод.— Қиз бор нарсасини Нуриддинга ҳады қилиб:

«Эй, қалбим маҳбуби, кечир! Ҳады, ҳады қилувчига яраша бўлади-да», — дебди. Шунда Нуриддин ҳадыни қабул этиб, яна унга қайтариб юз ва кўзларидан ўпибди. Нуриддин ўрнидан туриб кетмоқчи бўлган экан; қиз унга: «Эй ҳурматли! Қаёққа борасан?» — дебди. Нуриддин: «Уйимга», — дебди. Шунда

савдогар болалари ундан кетмасликни илтимос қилишибди. Нуриддин эса бу таклифни қабул этмай кетаверибди-да, ниҳоят уйга борибди. Шу вақт онаси: «Ҳа, ўғлим, узоқ ҳаяллаб мени ва отангни ташвишлантирдинг! Фикр-ёдимиз сенда бўлиб қолди», — дебди.

Онаси уни ўпмоқчи бўлган экан, оғзидан ичкилик ҳиди келибди. Шунда у: «Ҳой, ўғлим, тоат-ибодатдан кейин яратганга гуноҳкор бўлишинг қандай гап», — дебди. Улар шундай гаплашиб турганларида Нуриддиннинг отаси келиб қолибди.

Нуриддин эса ўринга кириб ётибди. Отаси онасидан: «Нуриддинга нима бўлди?» — деб сўрабди. Онаси: «Богда шамоллабди, боши оғриётганмиш», — дебди. Шунда отаси ҳол-аҳвол сўраш учун унинг олдига борган экан, ичкилик ҳиди келибди. У ичкилик ичувчиларни ёқтирмас экан. Шунда у, боласига: «Ҳой, ўғлим, ақлсизлигинг шу даражага етдими, наинки ичкилик ичадиган бўлибсан?!» — дебди.

Отасининг гапини эшитган Нуриддин мастлик билан қўлини кўтариб, отасининг ўнг кўзига туширган экан, кўзи юзига оқиб тушиб, ўзидан кетиб йиқи-

либди. Юзига гулоб сепишибди. У ўзига келгач: «Тонг отгач, унинг ўнг қўлини кесмасам онаси талоқ бўлсин!»— деб қасам ичибди. Отасининг гапини эшитган она, ўғлининг қўли кесилишидан қўрқиб, эрига хушмуомала бўлиб, кўнглини овлабди. Эри уйқуга кетгач, ўғлининг олдига келибди. Бу вақт ўғлининг кайфи тарқаб ҳушёр тортган экан. «Ҳой, Нуриддин,— дебди у боласига,— отанга қилган бу қилиғинг нимаси?» Нуриддин: «Отамга нима қилибман?»—дебди. Онаси: «Қўлинг билан ўнг кўзига урдинг, унинг кўзи оқиб тушди. У: «Тонг отгач, унинг ўнг қўлини кесмасам хотиним талоқ бўлсин, деб қасам ичди»,— дебди. Нуриддин содир бўлган бу ишга фойдасиз пушаймон қилибди. Шу вақт онаси унга: «Ўғлим! Пушаймоннинг фойдаси йўқ. Ҳозир туриб қочишинг, қутулиш йўлини ахтаришинг керак»,— дебди.

Сўнгра онаси, сандиқни очиб ичига юз динор солинган бир ҳамённи чиқарибди-да: «Ўғлим! Бу динорларни олиб, керак нарсаларингга ишлат! Агар булар тугаса менга яширин хабар қил. Сенга яна бир ҳамён динор юбораман. Худо сени бу мушкулдан қутқазиб, ўз уйингга қайтиб келсанг ажаб эмас!»— дебди.

Кейин онаси у билан видолашиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлабди. Нуриддин бир ҳамён динорни олиб чиқиб кетаётганида онаси сандиқ ёнида унутиб қолдирган ва ичига минг динор солинган катта бир ҳамённи кўриб қолибди. Шунда Нуриддин бу ҳамённи ҳам олиб белига тугибди-да, тонг саҳар ўз кўчасидан чиқиб, Булоқ томон юрибди. Тонг отгач, халойиқ туриб, худо тақсим этган ризқни қўлга киритиш учун уйдан чиққан вақтда Нуриддин Булоққа етибди.

У дарё қирғоғида кетаётганида кўприги ёзилиб, одамлар чиқиб ва тушиб турган тўрт лангари қуруқликка қоқиб қўйилган бир кемани кўриб қолибди. У

ерда денгизчилар турган эканлар. Нуриддин улардан: «Қаёққа жўнайсиз?»— деб сўрабди. Улар: «Искандария шаҳрига»—деб жавоб берибдилар. Шунда Нуриддин: «Мени ҳам ўзингиз билан олиб кетинглар!»— деган экан, улар: «Эй, гўзал йигит! Хўп бўлади, марҳамат қил!»— дебдилар. Нуриддин шу заҳотиёқ бозорга бориб, озиқ-овқат, кўрпа-ёстиқ ва бошқа керакли нарсалар олиб кемага қайтиб келибди. Келса, кема сафарга жўнай деб турган экан. Нуриддин тушган, кема йўлга чиқибди. Кема йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ниҳоят Рашид шаҳрига етиб келибди. Кемадагилар бу ерга етганларида Нуриддин Искандарияга кетмоқчи бўлиб турган кичик бир қайиққа тушиб бўғоздан ўтибди. Қайиқ юравериб «Жоми кўприги» деб аталадиган кўприкка етибди. Шу вақт Нуриддин қайиқдан чиқиб, «Бобуссидра» деган дарвозадан кирибди. Худо ярлақаб дарвозабонларнинг биронтаси уни кўрмабди. Нуриддин юра-юра, ниҳоят Искандария шаҳрига кирибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Савқиз юз
етмишинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ.— деб давом этди Шаҳризод.— Нуриддин Искандария шаҳрига кириб келибди.

Бу ер деворлари мустаҳкам, сайргоҳлари чиройли, кишининг шавқ-завқини оширадиган, ҳар ким шу ерда туришни орзу қиладиган шаҳар экан. Бу шаҳарда қиш ўз совуғини олиб кетиб, гўзал баҳор ўз гулларини олиб келган, гуллар очилиб, дарахтлар барг ёзган, мевалар етилиб, ариқлар тўлиб сув оқаётган

экан. Шаҳар чиройли ва тартибли, аҳолиси энг яхши одамлардан иборат аскарлар бўлиб, дарвозалари кулфланганда дарвозабонлар хотиржам ётар экан. Шоир бу шаҳар ҳақида қуйидаги байтларни айтган экан:

Дедим:— Қандай шаҳар Искандария?

Деди ёрим:— Ажойиб қалъадир у!..

Шамол эсса агар, Искандария,

Қилур хурсанд уни, ким қилса орзу!..

Шоирларнинг бири бундай дебди:

Искандария суви ширин, худди шарбат мисоли,
Бу шаҳарнинг висолдир — севган ёрнинг висоли.

Нуриддин бу шаҳарни пиёда кезиб, дурадгорлар растасига, кейин айрибошлаш, ундан саррофлар растасига, сўнгра қуруқ мева, ундан ҳўл мевачилар растасига, сўнгра атторлар растасига борибди. Нуриддин сифатлари исмига мос бу шаҳарни кўриб гоят ажабланибди.

Нуриддин атторлар растасида кетаётганида, бир кекса киши дўконидан тушиб унга салом берибди-да, уни бошлаб уйига олиб борибди. Нуриддин қараса, кўчаси чиройли, супуриб сув сепилган, энгил ва майин шамол эсиб, дарахт барглари соя солиб турган экан. Бу кўчада учта уй бўлиб, кўчанинг бошида, курсивонлиги сувнинг ичига маҳкам ўрнашган, деворлари кўкка интилган баланд бир уй бор экан; унинг олди супурилиб сув сепилган экан, унга кирган кишининг димоғига гулларнинг анвойи ҳиди келар, у ёрдан майин шамол эсиб турар, кишига ҳузур-ҳаловат берувчи гўё бир жаннат экан. Бу кўчанинг бошланиш жойи супурилган ва сув сепилган бўлиб, охирига мрамар ётқизилган экан.

Қария Нуриддинни шу уйга олиб кириб, олдига овқат қўйибди. Иккови биргалашиб овқат ейшибди. Овқатдан сўнг у Нуриддинга: «Мисрдан бу шаҳарга қачон келдинг?»— деб сўрабди. Нуриддин: «Отахон! Шу кеча?»— деб жавоб берибди. У: «Исминг нима?»— дебди. У: «Али Нуриддин»,— дебди. Қария: «Ўғлим Нуриддин! Бу шаҳарда турар экансан, мендан ажрамайсан, сенинг туришинг учун бир жойни бўшатиб бераман. Агар шундай қилмасанг хотинимни уч талоқ қилишим лозим бўлади»,— дебди. Шунда Нуриддин: «Эй, ҳурматли шайх! Ўзингни менга яхшироқ танит!»— дебди. У: «Ўғлим, билгинки, мен бир йили савдо иши билан Мисрга борган эдим. Шунда молларимни сотиб, бошқа мол олдим. Шу вақт менга минг динор керак бўлиб қолди. Отанг Тожиддин мени танимаса ҳам мендан ҳужжат сўрамай минг динор тўлаб юборди ва бу шаҳарга қайтиб келиб, динорларини юборгунимча сабр қилди. Сўнгра у динорларнинг ёнига ҳадя қўшиб, бир ғуломимдан бериб юбордим. Уша вақт болалик пайтингда сени кўрган эдим. Худо хоҳласа отангнинг менга қилган яхшиликларини сенга қайтараман»,— дебди.

Нуриддин бу гапларни эшитгач, чеҳраси очилиб, кайфи чоғ бўлибди ва минг динор солинган халтани олиб, чолга узатар экан: «Ма, буни олиб бекитиб қўй, то у-бу нарса ҳарид қилиб, олди-сотди қилгунимгача сенда тура турсин»,— дебди.

Кейин Нуриддин бир неча кун Искандария шаҳрида туриб қолибди. У ҳар куни хиёбонларни кезиб, гузарларни сайр қилибди. То сарфи харажат учун олиб қолган киссасидаги юз динори нес-нобуд бўлгунича еб-ичиб, кайф-сафо қилиб юраверибди. Ниҳоят, у ўша аттор чол олдига бориб, омонат бериб қўйган минг диноридан озроқ олиб, яна гашт қилиб юрмоқчи

бўлибди. Аттормнинг дўконига борса, у йўқ экан, келишини пойлаб ўтирибди. Шунда атрофидаги савдогарларни томоша қилиб ўтирган экан, бир маҳал бозорга хачир минган бир ажамлик кириб келаётганини кўриб қолибди. Хачирга момикдай бир гўзал қиз мингашиб олганмиш. Қиз кумушдай оппоқ ва ё худди ҳовуздаги олабуға балиқларидай чиройли ва ё биёбонлардаги оҳу каби зебо экан. Унинг юзлари мисоли моҳитобон, ярқираб турган офтобни ҳам хижолатда қолдирар, кўзлари одамни мафтун қилар, тўлишган кўкраклари фил суяги каби оппоқ, тишлари эса мисоли марварид доналари экан. Қизнинг қадди-қомати шамшоддек келишган, ҳусну жамолда, фазлу камолда тенги йўқ, хушрўй экан. Худди шоир мана шу байтларини ўша гўзалга бағишлаб айтгандаймиш:

Худди сенинг хоҳишингча яратилган, туғилган,
Сутга асал, шакар кўшиб, хамирини югурган.
Ширин сўзга лаъл очди у боғ гуллари ранг олди,
Чеҳрасини раъно кўрди: сариқликдан қизорди.
Танасини марвариднинг суви билан чайқашиб,
Сарв, шамшод барно қадни ундалигин пайқашиб,
Бошдан-оёқ бекаму кўст, бошдан-оёқ бенуқсон,
Жаҳонда бор гўзалликлар шу гўзалда намоён!..

Кейин ажамлик хачиридан тушиб, у соҳиб жамолни ҳам ерга туширибди-да, бақриб даллолни чақирибди. Даллол, лаббай, деб дарҳол унинг олдига келган экан: «Мана бу қизни олиб, бозорга сол, токи харидор чиқсин»,— дебди.

Даллол қизни бозор ўртасига олиб келибди-да, ўзи бир зум ғойиб бўлиб кетиб, анбус дарахтидан ишланган, оппоқ фил суяклари қадалган ва зарҳаллар юритилган бир курси кўтариб келибди. Даллол курсини ерга қўйиб, қизни унга ўтқазибди. Ниҳоят, у қиз юзидаги пардани кўтарган экан, мисоли юлдуздек

чақнаб, ўн тўрт кунлик тўлин ойдек мавж уриб турган бир гўзал сиймо намоён бўлибди. Унинг соҳиб жамоллиги худди шоирнинг мана шу шеърларида тавсифлангандай экан:

Кўкда ўз ҳуснин намоён этди мағрур, тўлган ой,
Дилбаримни кўрди-ю, ботди, бериб ақлини бой.
Сарвни ёр қоматига этса тенг гар ҳар киши:
Бу эмас албатта ул ақли расоларнинг иши!..

Шоирнинг мана бу байтлари қандоқ яхшики:

Зарбоф очдир ичидаги гўзал барнодан сўранг:
Не сабабдан ул художўй эр ҳолини қилдинг танг?..
Қора туннинг қўшинлари мағлубият топмишлар,
Гўзаллиги қилич тортиб, улар билан қилгач жанг,
Бу нигоҳим ёр ҳуснини ўғирлашга келганда,
Телмурулмайдийдорига, мағлуб бўлди! Ҳе, аттанг!

Шунда даллол савдогарларга: «Қани, хўш, гаввоснинг дуррига, қаннос ҳурига қанча берасизлар?»— деган экан, улардан бири: «Юз динорга мена бера қол»,— дебди. Бошқа бири эса, «икки юз динор бераман»,— дебди. Учинчиси, «уч юз динор бераман»,— дебди ва шу тариқа бир-биридан оширавериб қиз баҳосини тўққиз юз эллик диноргача чиқариб юборишибди, бир тўхтамага келишолмагач, сотиш тўхтаб турибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Эй, опажон, ҳикоянгиз нақадар ажойиб экан,— деди синглиси опасига.

— Эй, синглим,— деди Шаҳризод сочини силаб,— бу ҳам ҳикоями? Агар шоҳимиз мени омон қўйсалар, эртага айтиб берадиганим бундан ҳам қизиқ.

Буни эшитган шоҳ «ке бугун ҳам ўлдирмай, ҳикоясининг бу ёғини эшитай»,— деб ўйлади.



**Саккиз юз
етмиш биринчи
кеча**



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод, — эшитишимга қараганда, савдогарлар боз-боз қилиб, чўри баҳосини тўққиз юз эллик диноргача чиқаришибди. Шунда даллол чўрининг хўжайини ажамликнинг олдига келиб: «Чўринг баҳоси тўққиз юз динорга етди, хўп десанг, пулини санаб олайлик», — дебди. Ажамлик эса: «Бу нархга қизнинг ўзи розими? — деб сўрабди. — Мен уни жуда ҳурмат

қилишим керак, чунки сафарда касал бўлиб қолган эдим, у менга кўп меҳрибонлик қилиб, йўл-йўлакай боқиб келди. Шунда мен унга, сени фақат ўзинг истаган ва кўнглинг чопган одамингга сотаман, деб онт ичгандим. Шунинг учун кимга сотилиши қизнинг ўз ихтиёрида. Ўзи билан кенгашиб кўр, хўп деса, кимни хоҳласа ўшанга сот, агар йўқ деса, сотмай қўя қол». Ажамликнинг бу гапларини эшитиб, даллол қизнинг олдига келибди-да: «Э малоҳатли гўзал, мен сенга айтсам, кимга сотилишингни хўжайининг ўз ихтиёринга топширди, нархинг бўлса тўққиз юз эллик динорга етди, шунга кўнасанми?» — дебди.

Канизақ даллолга: «Байлашмасдан олдин, сотиб олмоқчи бўлган кишини менга кўрсат», — дебди. Даллол дарҳол уни бир савдогар олдига элтибди. У афти бужмайган, бели букчайган, қариб-чириган бир чол экан. Қиз уни кўргач, даллолга ўгирилибди-да: «Ие, вой, даллол, жинни бўлиб ақлдан оздингми, нима бало, дидинг йўқ экан-да, а?» — дебди. Довдираб қолган даллол кўзларини жавдиратиб: «Нега бундай деяпсан, э жон офати?» — дебди.

Кавизак даллолга қараб: — Мункайиб қолган шу чолга мени раво кўрганинг худога ҳам ёқмас,— дебди,— эшит бундай чолларнинг хотини ҳақида мана шу байтлар айтилган:

Ул назокатли пари қаҳр ила, эрга очди сўз:
— Айбни менга тўнқадинг, менга ёмонлиқ сурқадинг!
Эр бўлиб, эрлар каби кўнглимни қондирмай ҳануз,
Энди ўт олган тилакка сен совуқ сув пурқадинг!
Таънага қолмай, мени сўкмай, умидим энди уз,
Мум каби юмшоқ танинг аста тўшакка бурқадинг...

Савдогар шайхи қиздан бундай қабоҳатли ҳажвни эшитгач, жаҳли чиқиб, кўзлари чақнаб кетибди. У даллолга: «Э наҳс босган лаънати, сен бозоримизга қандай ифлос, безори чўрини олиб келдинг, мени савдогарлар орасида шундай ҳам беобрў қиладими», — дебди.

Ундан кўрққан даллол чўрини етаклаганча нари кетибди. У чўрига: «Унақа беадаб бўлма, унинг кимлигини биласанми, сен мазах қилган ўша чол мана шу бозорнинг шайхи, савдогарлар нарх-навони ҳам шунинг маслаҳати билан белгилашади», — дебди. Чўри унинг гапини эшитиб, қиқирлаб кулиб юборибди-да, мана шу икки байтни ўқибди:

Барча шайхлар учун бу ибрат бўлсин,
Қуруқ мақтанган эр: эр бўлмай ўлсин!
Давлати, обрўи не учун даркор?
Эр бўлсин, хотиннинг ҳам кўнгли тўлсин!

Кейин чўри қиз даллолга: «Худо ҳақи, ҳазратим, мен бу чолга сотилмайман, бошқасини топ,— дебди.— Чунки бу чол мени ҳозир байлашиб олса, уялганидан бошқасига сотади, кейин балога гирифтор бўлиб қолишим мумкин. Рост хўжайиним, сотиллишим

ихтиёрини ўзимга топширибдими, шундан фойдаланиб; ўзимни қийнамаслик йўлини ахтаришим керак».

Далол унинг сўзини эшитиб: «Гапинг жуда маъкул»,— дея бошқа бир катта савдогар томон юра бошлабди. Даллол унинг олдига яқинлашгач, қизга: «Хўш, бекам, сени тўққиз юз эллик динорга ҳазрат Шарифиддинга сотсам майлими?»— дебди. Қиз қараса, уям қари бир чол экану, лекин соқол-мўйлови бўялган экан. У даллолга шундай дебди: «Ростдан ҳам сен эсингни еб, жинни бўлиб қолибсан. Мени шу мункайган чолга сотгани уялмайсанми? Нима, мен сенга ташландиқ латта ё эски кавушмидим, нуқул мени бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда чолларга рўпара қиласан, иккови ҳам нураб турган деворга ўхшайди, тўртбеш кунлик умри борми-йўқми буларингнинг. Аввалги чолингнинг афт-ангорини кўрган киши шоир айтган мана бу байтларни эслайди:

Бўса олмоқчи эдим, оппоқ соқолимни суруб.
Деди у маҳваш кулиб:— бу пахтагиз даркор эмас!
Аввали бўлса қаро, сўнгра оқармишдир, чуруб,
Ҳар баҳори сабзаким, куз бўлса бўлғай хору хас..

Шоирнинг мана бу гапларини қара, бирам ажойибки:

Дейдилар:— оппоқ соқолдан юзда нур пайдо бўлур,
Жисм сор савлатланиб, дилда ғурур пайдо бўлур.
Лек, мен мўйи қароликдан жудо бўлгач ҳазин.
Уксиниб, ойинага боққанда кўрдим ҳаммасин:
Оқ қоғозга бор гуноҳим айламиш умрим рақам,
Қора бўлса йўқ ажаб, барча гуноҳим бўлса жам.

Бошқа бир шоирнинг мана бу сўзи ҳам ажойиб:

Келди, чақирилмаган меҳмондек оқлар,
Не бўлурди улар кела қолса кеч?..
Шу оқ тушганидан, аё ўртоқлар,
Тушгани афзалдир, бошларга қилич!

Иккинчи чолинг бўлса, ошини ошаб, ёшини яшаб бўлибди. Ўзи бир майиб, мункайиб қолган, соқолини бўяб, ўзини аяб, турар иршайиб; бо худо, тагин соқолини қорайтириб, гуноҳга ботишига бало борми, унинг афт-ангори ҳам мана шу байтларни эслатиб турибди:

Сочим оқ эди-ю, бўятган эдим,
Сочим оқлигидан уятган эдим...
Деди битта дўстим кулиб.— иш ажиб,
Қора қор ёғибдир бу йил қиш! Ажиб?..

Бир шоир мана бу байтни жуда ўхшатиб айтган-да:

Оқ сочини қаро қилган эй ҳийлагар, найрангбоз,
Бўёқларинг ўчар, аммо кекса ёшинг ўчмайди!
Бу бахтимни қаро қилган доғларимдан сурт бир оз,
Бу қаро доғ шундай доғки, ўзгармайди, кўчмайди!..

Бу гапларни эшитган қора соқолли чол тутаклиб кетибди-да, ўзини тутолмай даллолга дағдага қилибди: «Э аблаҳ даллол, сен бозоримизга шунақа бемаза чўрини келтирасанми, қара, бозордагиларнинг ҳаммасини бирин-кетин аҳмоққа чиқариб, шеър ўқиб, уят гаплар билан майна қилиб, куляпти». Шундан сўнг у дўконидан чиқиб, даллолнинг юзига бир шаналоқ туширибди. Даллол чўрини етаклаганича орқасига қайтар экан, дарғазаб бўлиб: «Худо ҳақи, шунча ёшга кириб, сенга ўхшаган сурбет, шарманда чўрини биринчи кўришим,— дебди,— бугун мени ширинкомдан қолдириб, менинг ҳам, ўзингнинг ҳам ризқингни қийдинг. Сен туфайли ҳамма савдогарларнинг менадан энсаси қотди».

Улар йўлда кетишадган экан, бир савдогар йўлиқиб, чўри нархига ўн динар қўшибди. Бу савдогарнинг оти Шаҳобиддин экан. Шунда даллол чўридан:

унга сотиш-сотмасликка изн сўраган экан, чўри: «Қани, уни менга кўрсат-чи, бир кўрай, кейин ундан бир нарса сўрайман, агар уйида ўша айтган нарсам бўлса, мен унга сотиламан, бўлмаса йўқ, вассалом»,— дебди.

Даллол уни бир оз кутиб туришга буюриб, ўзи савдогар олдига борибди-да, унга: «Эй ҳазрат, Шаҳобиддин, мен сенга айтсам, бу чўри менга, сендан бир нарсани сўрайман, деди, агар ўша нарса сенда бўлса, чўри сенга сотилармиш. Сен унинг ҳамкасабаларинг билан гаплашганини кўрдингми, бай-бай-бай...» дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
етмиш иккинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, даллол ўша савдогарга: «Сен бу чўрини ҳамкасабаларинг билан гаплашганини кўрдингми, бай-бай-бай, худо ҳақи, мен уни олдингга бошлаб келсам, бу сурбет сенга ҳам ўша ошналарингга ўхшаб муомала қилса, хижолатда қоламанми, дейман. Майли, олиб келавер десанг, ихтиёринг, бошлаб келаверман»,— дебди. «Майли, бош-

лаб келавер»,— дебди савдогар. Даллол эса: «Бажону дил, олиб келганим бўлсин»,— дебди.

Шундан кейин даллол қайтиб қиз олдига келибди-да, уни етаклаб савдогар олдига борибди. Қиз савдогарга қарабди-да: «Э ҳазрат Шаҳобиддин, уйингда мўйна тиқилган ёстиғинг борми?»— деб сўраган экан, у чўрига: «Ҳа, бор, малоҳатли жовон,

уйимда сен айтган роҳатижон мўйна ёстиқлардан бир эмас, ўнта бор. Хўш, соҳибжамол, бу ёстиқларни нима қилмоқчисан?»— дебди. «Нима қилардим, ухлагунинггача пойлаб тураман-да, кейин уларни оғзу бурнингга қўйсам, нафасинг тиқилиб, ўласан-қоласан, вассалом». Каниз шундай дебди-ю, даллолга ўғрилиб: «Э тентак даллол, сенинг эсинг оғиб қолибди шекилли, сал олдин мени иккита чолга кўрсатган эдинг: у қилтириқ чолларингнинг ҳар бирини ҳам иккитадан айби бор эди. Энди мени учта айбли ҳазрат Шаҳобиддиннинг олдига олиб келдингми. Кўряпсанми ўзинг, аввало, бунинг бўйи пак-пакана бир қарич, иккинчидан, бурни катта, учинчидан, соқоли узун, бир газ келади. Бундайлар ҳақида бир шоир шундай деган экан:

Соқоли бир тутаму бўйи бир қарич келади,
Бурун иякдан ошиб, кўкрагига интилади.
Бу манзара ила ҳайвон на одамизоддир,
Одамлигига ҳақорат, башарга исноддир!..

Бошқа бир шоир эса бундай деган экан:

Юзи майдонида бир жуфт мажора,
Кўтариб юради уни бечора!..
Агар бу манорга сизга кўп одам:
Емонлар дунёда қолар эди кам...»—

дебди.

Савдогар Шаҳобиддин қиздан маломатли бу байтларни эшитгач, дарғазаб бўлиб, дўконидан чиқибди ва даллолнинг ёқасидан ушлаб бақарибди: «Ҳе лаънати, нас босган даллол экансан-ку, бу ерга кимни бошлаб келдинг. Хўш, бу шарманда чўри шеър ўқиб, бизларни майна қилсин, деб олиб келдингми; қара, бу нусҳанг қурғурни, оғзидан боди кириб, шоди чиқяпти, йўқол бу ердан!»

Бечора даллол ҳафсаласи пир бўлиб, чўрини олганича савдогар олдидан жўнабди. У йўлда қизга шундай деб гулдурабди: «Худо ҳақи, умрим бино бўлиб шу касбни қиламан, суягим ҳам шу билан қотган, аммо шунча яшаб, ҳалигача сендай беҳаё қизни кўрмаган эдим. Сен менинг бошимга битган бало бўлдинг, мунча ҳам лаб-даҳанинг тез, маҳмадана экансан. Бугунги ризқ-насибамни ҳам қирқдинг. Сени деб бугун сариқ чақа ҳам ишлолмадим, қайтанга гирибонимдан олиниб, тарсаки едим».

Кейин даллол, қиз билан бозор кезиб, чўри-ю, қулваччалари кўп бир савдогар олдида тўхтатибди-да, қиздан: «Сени шу Алауддин деган кишига сотсам розимисан?»— деб сўрабди.

Қиз даллол кўрсатган савдогарга қараса, у букри экан, энсаси қотиб: «Бунинг букри-ку, бундайлар ҳақида бир шоир шундай деган:

Елкасида юк билан юлдуз санар бу иблис,
Тўймай кўзи дунёга, ер остидан боқади;
Шунча лаънат кўтариб, оғир юкни қилмай ҳис,
Қамчин тушса белига, силагандек ёқади.

Бошқа бир шоир эса мана бундай деган:

Оғир тўнғак кўтариб олган каби бу хачир,
Гуноҳи кўп букрини элтиб борар бечора!
Бу бечора хачирга юрагим туздек ачир,
Бирор нарсадан ҳуркиб, ташлаб кетсайди зора...

Ундан бошқа бир шоир ҳам худди шунга ухшаган шу шеърни айтган:

Букрилик ғамидан оғир юк бўлмас,
Бу юкнинг ғамида доим кўнгли ғаш.
Шоҳ бўлса, шоҳликдан ҳеч кўнгли тўлмас,
Озор берар унга ҳар қайси қараш...
дебди.

Шунда даллол қизни судраб жадаллаганича бошқа бир савдогар ёнига олиб келибди-да: «Сени шунга сотайми?»— дебди. Қиз савдогарга тикилиб қараса, у шилпиқ экан. Қиз: «Мени шунга сотишга қандай кўзинг қияди, келиб-келиб шилпиққа раво кўрдингми? Бундайлар ҳақида бир шоир шундай деган»,— дебди:

Шилпиқлик дардидан, кўр бўлган маъқул,
Шилпиқнинг кўзига олам шилта, ҳўл...
Бу ифлос касалдан ким бўлмас халос:
Ҳар бир пок нарса ҳам у кўзда ифлос.

Даллол қизнинг у гапидан сўнг бошқа бир савдогар рўпарасига келиб: «Хўш, мана бу савдогар ёқса сени шунга сота қолай»,— дебди. Қиз унга боқса, у ўлгидай серсоқол экан. Чўри даллолга: «Ҳе шўринг курсин, шунга ҳам фаҳминг етмадими, бу гал бир қўйни топибсан-да, фарқи шуки, қўйнинг думи орқасидан ўсиб чиқса, буники томоғидан ўсиб чиқибди, холос. Сен мияси айниган чол, қайси юзинг билан мени шунга лойиқ кўрдинг. Соқоли узунларнинг ақли калта бўлишини билмайсанми. Соқолни қанча узайтирса, ақл шунча камайиб бораверармиш. Эс-ҳуши бор одамлар буни яхши биладилар. Шундайлар ҳақида бир шоир мана бу байтни айтган:

Дерлар:— ҳурмати ортар, узун бўлса соқоли
Узун соқол ҳар доим савлат учун ярайди.
Аммо узун соқоллик кўплар, ақлдан холи,
Халқ ичида гердайиб, соқолини тарайди.

Бу тўғрида бир шоир ҳам мана бундай ёзган:

Бир оғайним серсоқол, лекин соқолдан йўқ ҳаён,
Ё худонинг амри шулми? Они билмоқлик маҳол...
Баъзилар дер:— фойдасиз бу, баъзилар дер:— беэиёни
Билмадик, нечун керак кўксидаги бир боғ похол?..

Шундан сўнг даллол қизни етаклаганича ҳафсаласи пир бўлиб, кетига қайтган экан, чўри унга: «Хўш, мени қаёққа бошлаб кетяпсан энди?»— дебди. «Қаёққа бўларди, ўша ажамлик хўжайининг олди-га,— дебди даллол.— Етар энди лақиллаб юришимиз. Беадаблик қилиб, сен бугун менинг ҳам, хўжайинингнинг ҳам ризқини қирқиб қўйдинг».

Чўри чол томонга аланглаб қараган экан, кўзи ногаҳон Нуриддин Али Мисрийга тушиб қолибди. Қиз диққат қилиб қараса, у чиройлигина йигит экан; юзлари сухсурдек, ўзи барвастагина, қадди-қомати келишган, худди ўн тўрт яшардай ҳусн-жамолда тенги йўқ экан. Унинг чиройи гўё тунларни ёритувчи ўн тўрт кунли тўлин ойдек экан. Қиз унга маҳлиё бўлиб қараб қолибди. Йигитнинг пешонаси бежиримгина, ёноқлари сармағиздай, бўйни мисли мармардай, тишлари эса жавҳардай, лаъли лаби шакардай эканки, тавсифини айтиб тугатиб бўлмас экан. У худди бир шоирнинг мана шу байтда айтганидай экан:

Ул гўзал таърифига, шоирга айт, хат чекмасун,
Ой унинг рашки ила кўк узра диққат чекмасун.
Кўзларин ўйлаб физол ҳам қоматига сарвлар,
Лаълини истаб шакар, ортиқча меҳнат чекмасун.

Шоир мана бу шеърни ҳам жуда боплаб ёзган экан:

Чехрасидан нуру зулфидан қоронғи тарқатур,
Лаблари майл ўлса гар, оламга кулгу тарқатур.
Тарқаган бўйни чамандан келди гул бўйи деманг,
Уду анбар бўйидирким, силкиниб, у тарқатур.

Қиз Нуриддинга тикилиб туриб, ичида чуқур хўрсиниб қўйибди ва нима қилишини билмай, саросимага тушибди, кўнглининг аллақайси жойи жиз этиб-

ди, ақли бошидан учибди, муҳаббат бутун қалбини эгаллаб олибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Саккиз юз
етмиш учинчи
кеча



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод, — эшитишимга қараганда, қиз Нуриддинга боқиб, ишқ туморини тақибди ва у ёнидаги даллолга ўгирилиб: «Анави одамларнинг ўртасида ўтирган беқасам тўнли йигит ҳам савдогарми? Ушаниси менга ортиқроқ баҳо бермадими?» — деб сўрабди. «Э малоҳатли бекам, — дебди даллол, — сен айтаётган у йигит бир ғариб, унинг асли мисрлик, отаси Мисрнинг энг йирик савдогарларидан, обрў-мартабада жами тожиру киборлардан ҳам баланд. У бу шаҳарга қисқа муддатга келган, ҳозир отасининг яқин бир дўстиникида турибди. Баҳойингни ошириш ё камайтириш у ёқда турсин, у кўнгил учун қизиқиб сўрагани ҳам йўқ».

Даллолнинг гапини эшитгач, қиз бармоғидан ёқут кўзли қиммат баҳо узугини суғуриб олибди-да, унга ўгирилиб: «Мени шу чиройли йигит олдига олиб бор. Агар у мени сотиб олса, бугунги чеккан заҳматинг, одамлардан эшитган таъналаринг эвазига шу узукни сенга бераман», — дебди.

Даллолнинг кўзи чақнаб, кайфи чоғ бўлиб кетибди-да, қизни Нуриддиннинг олдига бошлаб борибди. Қиз унга тикилиб қарар экан, кўзлари сузилиб кетибди; шундайин чирой, худди тўлин ой экан, кўзлари қуралай экан, эллар баҳра олармиш, боқса ёқиб

қолармиш. У худди бир шоирнинг мана шу шеърдаги тавсифига ўхшар экан:

Юзларида қатра терлардир, гулоб дер халқ уни,
Бир кулиб, жилмайса: жонга изтироб дер халқ уни.
Жисмлардирким, бериб таб унга ҳижрон оташи,
Ишқ аҳлининг вужудидир, кабоб дер халқ уни.
Телмуриб, тўймак эмас мумкин, олур кўзни ажаб.
Пурзиё бир нурдир ул, офтоб дер халқ уни.
Сўзлашур чоғида ўргатмак ила меҳру вафо,
Келтирур дилларга равшанлик, китоб дер халқ уни.
Юз тағофил бирла ул ошиқни айлаб имтиҳон,
Мен унинг сиррини сўрсам, эҳтисоб дер халқ уни.
Бу нечук савдо? Қилур жон ила кўнгиллар талош?..
Бу рақобатдир десам мен, эҳтилоф дер халқ уни.
Лаълидан бир бўса олмоқни худо қилса насиб,
Мен учун оби ҳаёт бўлса, шароб дер халқ уни.

Кейин қиз Нуриддинга қараб: «Э хожам, худо ҳақи, ростини айт, мен гўзал эмасманми?»— дебди. Йигит бўлса уялиб: «Э гўзаллар гўзали, ҳусну жамол бобида дунёда сенга тенг келадиган жонон йўқ»,— дебди. «Нега бўлмасам, барча савдогарлар менинг баҳойимнинг оширишиб, савдолашяпти-ю, сен оғзингга талқон солгандек, лалайиб жим ўтирибсан ё мен сенга ёқмадимми-а, ҳазратим?»— дебди.

Эсанкираб қолган Нуриддин: «Э гўзалим, агар мен ўз юртимда бўлганимда, бутун молу мулк, бор буд-шудимни сотиб бўлса ҳам сени олган бўлардим»,— дебди. Қиз йигитга: «Э хожам,— дебди,— мен сенга албатта мени сотиб олгин деяётганим йўқ, лекин сен мени олмасанг ҳам, баҳойимга бир оз қўшганингда, дардимга малҳам бўлардинг. Чунки савдогарлар: «Бу қиз чиройли бўлмаганида, мисрлик унинг баҳосига шунча қўшиб анойи эмас эди, миср аҳли жуда устомон, пишиқ бўлади, каниз баҳосини билишадди»,— деб ўйлашган бўлишарди.

Қизнинг бу гапларини эшитиб, хижолатдан Нуриддиннинг юзлари қип-қизариб кетибди. Боши айла-ниб, даллолдан:

«Хўш, айт-чи, бу қизнинг баҳоси қанчага етиб тўхтади?»— деб сўрабди. Даллол: «Тўққиз юз элъяк динорга етди, ширинкома бунга кирмайди, султон ҳақи эса сотувчидан олинади»,— дебди. Шунда Нуриддин даллолга қараб: «Майли, даллол ҳақинг билан минг динор бераман»,— дебди. Қиз даллол ёнига борибди-да: «Мен шу чиройли йигитга минг динорга сотилганим бўлсин»,— дебди. Нуриддин лом-мим демай, жим қолибди. Кимдир: «Сотдик»,— дебди, яна кимдир: «Арзийди»,— дебди. Унинг сотиб олишига ишонмаган бошқа биров: «Баҳосини ошириб бор-барака қилгандан кейин айниганнынг падарига минг лаънат»,— дебди. Бошқа бир киши бўлса: «Худо ҳақи, иккови ҳам худди қўйиб қўйгандай бир-бирига монанд»,— дебди.

Нуриддин ўйлаб ўйига етмаёқ, даллол қози-ю, гувоҳларни бошлаб келибди: ҳаш-паш дегунча олди-сотди қоғозини ёзишиб, бир битимга келишибди. Даллол бўлса чўрини Нуриддинга топшириб: «Ол энди чўрингни,— дебди-да, қўшиб қўйибди:— илойим чўринг пой-қадами қутлуғ бўлсин, икковинг бир-бирингга жуда мос тушдиларинг, биринг узугу, иккинчинг унга кўз бўлдинг, худо омадингни берсин».

Даллол шундан сўнг мана шу икки байт шеърни ўқибди:

Иккиси ҳам соҳибжамол, худди ўзи ўзидек,
Бири бўлса олтин узук, бири унинг кўзидек.
Бир-бирига ярашибди, бир-бирингга хўп монанд,
Етишишдан йигит шоду, етишишдан қиз хурсанд.

Нуриддин бўлса савдогарлар олдида уялганидан дарҳол отасининг дўсти — атторчига бериб қўйган

минг динорни олиб берибди-да, қизни олганича атторчи чол ажратиб берган хонага келибди.

Қиз хонага кирса, у ер чоққина, ғарибона бир кулба экан. Ердаги йиртиқ шолча ва тарашадек қаттиқ эски пўстакни кўриб таъби тирриқ бўлиб кетибди-да, йигитга: «Э ҳазрат, келиб-келиб, ҳурмат-обруйим шу бўлдими, мени уй рўзгоринг турган жойга олиб боришни эп кўрмай, бу ерга бошлаб келдинг? Нега мени отанг турган уйга олиб бормадинг?»— дебди. Йигит эсанкираб қолиб: «Худо ҳақи, э соҳибжамол, бу уй меники эмас, шу ерлик атторники, у менга бўшатиб берган, вақтинча турибман. Сенга айтган эдим-ку, мен мусофирман деб, асли мисрликман»,— дебди. Қиз унга: «Э афандим, юртингга қайтгунингча кичкина хона ҳам бўлаверади, лекин ҳазрат, худо хайрингни берсин, бориб озроқ қоврилган гўшт билан шароб ва ҳўл, қуруқ мевалардан топиб кел»,— дебди.

Бечора Нуриддин хижолат тортиб: «Менинг ўша сенга тўлаган минг динордан бўлак бир чақам ҳам йўқ, озгина дирҳамим бор эди, кеча харж қилиб қўйдим»,— дебди. Қиз унга: «Бу шаҳарда эллик дирҳам бериб турадиган бирорта яқин кишинг йўқми. Агар бўлса қарз олиб келгин, унга нима олишни ўзим айтаман»,— дебди. Нуриддин бўлса: «Менинг аттордан бўлак танишим йўқ»,— дебди-да, дик этиб турганча, унинг олдига жўнабди. Бориб унга: «Ассалому алайкум, отахон!»— деган экан, у: «Ваалайкум ассалом, ўғлим, хуш келибсан, минг динорга бугун нима олдинг?»— деб сўрабди. «Бир чўри олдим»,— дебди йигит. «Эсинг жойидами, ўғлим, битта чўригаям минг динорми?»— деб ҳайрон бўлибди. «Э отахон, билмай-сиз, у сиз кўриб юрган чўрилардан эмас, у фаранг қизи»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
етмиш тўртинчи
кеча*



й, саодатли шох, — деб давом этди Шаҳризод, — эшитишимга қараганда, Нуриддин ўша агторга қараб: «Отахон, бу чўри сиз ўйлаган жўн қизлардан эмас, фаранг қизларидан», — дебди. Чол унинг гапини эшитиб: «Э ўғлим, ҳар қанақа фаранг қизи бўлсаям, бу шаҳарда унинг нархи юз динордан ошмайди. Сен фирибгарларга учрабсан, улар бошингни айлантиришиб, ҳамингни уришибди. Агар у сенга ёқиб қолган бўлса, шу кеча у билан бирга бўлгину, мақсадингни амалга ошириб, эрта тонгда бозорга элтиб, икки юз динор зарарига бўлса ҳам сотиб юбор, озгина зиён қилсанг ҳеч нарса қилмайди, гўё кемада фарқ бўлгандай ё қароқчиларга учраб, молдан ажралгандай бўла қоласан», — дебди.

Нуриддин хаёлга чўмиб, чолга: «Гапингиз тўғри, отахон, — дебди, — бу мусофир шаҳарда мени сиздан бўлак танийдиган одамим йўқ. Шу чўрини сотиб олган минг динордан бўлак бир пақир ҳам пулим йўқлигини ўзингиз яхши биласиз. Харажатга бир дирҳам ҳам қолмабди; худо хайрингизни берсин, эртагача харажатимга эллик дирҳамча қарз бериб турсангиз, эртага чўрини сотиб, пулингизни қайтариб бераман». Агтор чол Нуриддинга: «Жоним билан, сен пул сўрайсану, мен йўқ дейманми», — дебди.

Чол эллик дирҳам тортибди-да, беришдан олдин унга шундай дебди: «Э ўғлим, ҳали сен ўн гулингдан бир гулинг очилмаган йигитсан, сотиб олган кани-

зинг ҳам жуда гўзал, дўндиқ экан. Юрагингдан урган бўлса, балки дарров сотгинг ҳам келмас. Бунинг устига харажатингга сариқ чақанг ҳам қолмабди. Майли, бу эллик дирҳам тугаса, хижолат тортмай келавер, қарз бериб тураман; бир марта дейсанми, икки марта дейсанми, уч мартами, то ўн мартагача бериб туришим мумкин, лекин ундан кейин афтингга ҳам қарамайман, саломингга алиқ ҳам олмайман, отанг билан ошначилигимиз ҳам шу билан тугайди, вассалом».

Кейин аттор тортилган эллик дирҳамни унга берибди. Нуриддин уни олиб, қизнинг олдига келган экан, у: «Э ҳазратим, энди бозорга боргин-да, йигирма дирҳамига беш хил ипаклик ип олиб, қолган ўттиз дирҳамига гўшт, нон, мева-чева, ичимлигу резовор олиб кел»,— дебди.

Нуриддин шу заҳотиёқ бозорга жўнабди ва қиз тайинлаган нарсаларни олиб, уйига қайтибди. Қиз уни кўриши биланоқ, дик этиб ўрнидан туриб, харидни қўлидан олибди-да, енгини шимарганича ишга тушиб кетибди. Бирпаснинг ўзида қиз қулинг ўргилсин бир таом пишириб келибди. Нуриддин ҳам, қиз ҳам тўйгунларича маза қилиб ейишибди. Кейин қиз шароб келтириб, йигитга узатибди. Ўзиям ичибди. То Нуриддин маст бўлиб, ухлаб қолгунича қиз унга шароб узатиб, ишрат қилибди. Йигит маст уйқуга кетгач, қиз ўрнидан туриб, бўхчасини очибди ва ундан тоифий чарм халтачасини олиб, оғзини ечибди-да, ундан иккита узун нина олиб, иш тика бошлабди. Ниҳоят, чиройли бир ипак зуннор тайёр бўлибди. Қиз зуннорга яхшилаб безак бергач, ўраб ёстик тагига қўйибди-да, ўзи қип-яланғоч ечиниб, Нуриддиннинг ёнига ётибди. Қиз Нуриддиннинг у ёқ-бу ёғини силай бошлабди, йигит уйқудан уйғониб қараса, ёнида қу-

мушдек оҗпоқ, момикдек юмшоқ, ипакдек майин, тас-
вири қийин, қулинг ўргилсин бир жоним ётибди. Қиз
шундаям етилган, бежирим эканки, асти сўраманг.
Сийна тўлишган, қадди келишган, қошлари камон,
киприги пайкон, кўзлари шаҳло, лаблари хандон.
ёноқлар худди шақойиқул нуъмон, пардаини юмшоқ,
дуркун икки сон, васфига ожиз барча тиллисон, ёд
этса агар, бирор бир инсон, ёш чиқар кўздан зикр эт-
ган замон.

Худди мана бу байтларни айтган шоир ўша жо-
нонни кўз олдига келтириб ёзганга ўхшайди:

Зулфи — қора тун, кундуз эрур сийнан софи,
Гулгунча — лаби, тупригидир — шарбати ноби.
Васли беҳишту икки ёноқ бўсаси — кавсар,
Ҳажри — мен учун қўрқули дўзахнинг азоби.

Бошқа бир шоир мана бундай дебди:

Ушал гулчеҳранинг рост қомати қаддимни ҳам этди,
Узида дилга манзур бор ёқимликларни жам этди.
Вужуди анбар афшонликда хуш айлар димоғимни,
Висоли истагида кўзғатур дил иштиёғимни.
Енар юлдуз эрурким, хирадир бор ҳамма юлдузлар.
Тўлин ойдек жамолин сўзламай, ким ўзгани сўзлар?

Мана бу шоирнинг шеъри қалай экан:

Гул-гул очилиб, келди букун маҳлиқомиз,
Жон ваҳми билан, қўлда тутиб икки ёқомиз,
Кўрдикки, қаро кўзларига сурма нигоҳбон,
Оҳуи Хўтан кўрмак учун ташнаю тирён.

Нуриддин чидаб туролмай шу заҳотиёқ қиз томон
ўгирилиб, уни бағрига босибди, олдин пастки лабини,
кейин юқоригисини сўрибди ва тилини икки лаби ора-
сига олибди. Сўнг у билан қовушибди. Қиз ростдан

ҳам тешилмаган дур экан, ораларида битмас-туган-мас ишқу муҳаббат пайдо бўлибди. Нуриддин чарос кўзларга термилиб, лабларини сўришга, сочини ёйиб, бағрига босишга, ёноғидан тишлаб, томоғини кўкартиришга, кўксида ётиб, мисрча ҳаракат қилишга ишқибоз экан.

Қиз эса ҳусну, жамолу, фазлу камолда тенгсиз бўлиб, худди шоирнинг мана шу шеърида айтганидай экан:

Ой десанг — ой, кун десанг — кундек, жамоли турфаким,
Умри бўйи эслагай, бу баркамолни кўрса ким.
Минг тасанно ул яратганга, қилиб хўп ҳафсала,
Зеб бермиш қудрати санъат билан, қўймай чала.
Гар севиш бўлса гуноҳ, шундай гуноҳ қилмоқчиман,
Бу гуноҳни ортириш қасдиға интилмоқчиман:
Уйқусиз тунларни ўтказсам, хаёл айлаб уни,
Талх айшменким, хаёли бирла бол айлаб уни.
Ҳажрида чекканда дардини тутиб элдан ниҳон,
Шукурлар айлай фироқиға, мудом этмай фиғон,
Ишқ аро бу эҳтиросни, бошдан ўтказган билур,
Жон тикиб, ўйнаб қимор, жонини ютқиған билур.

Нуриддин эрталабгача кайфу сафо қилиб, вақтинчи чоғ этибди...

Кисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли ноҳ, -- деб давом этди Шаҳризод, — Нуриддин ўша дилбари жонон билан тонггача кайфу сафо қилибди. Йигит қизга, қиз эса йигитга печакгул каби чирмашибди. Уларнинг бу кайфиятини шу байтларни айтган шоир худди кўзи билан кўргандай ёзган экан:

Сақсияз юз
етмиш бешинчи
кеча

Худо ҳам шод, бу дунёда ошиқ-маъшуқ яратиб,
Чирмаштириб икки гулни, уду анбар таратиб,
Тонг отгунча равшан ёниб васл оқшомин чироғи,
Қайнаб-тошиб икки ёшда эҳтироснинг булоғи,
Улар учун кенглик қилур ҳар қанча тор ўрун ҳам,
Оғиз билан оғиз бирга, бурун билан бурун ҳам,
Икки юрак бир тепади, икки кўкрак бирлашиб,
Гоҳ очилиб салқинлашиб, гоҳ ёпиниб терлашиб,
Шудир жуфтлик саодати, чин инсоний аттифоқ,
Шудир севги самараси, ғаму ғашлардан йироқ,
Висол базми оқшомидан саҳаргача икки ёр,
Балки умри тугагунча бўла берсин бахтиёр.

Висол лаззатин тотгач, турибдилар. Тонг отгач, Нуриддин боқса ёрига, ул гўзал дилдорига, кўзлари хуморига, ноз билан ўтирганмиш, сув келтириб турганмиш: иккови ювинибди, росаям қувонибди. Йигит қилса ибодат, қиз келтирибди шарбат, ҳарнеки қолган бўлса, икковлан чекиб узлат хонада бўлиб улфат роса еб-ичишибди, дил розин очишибди.

Ниҳоят, қиз ёстиқ тагига қўлини тиқиб, кечаси тайёрлаб қўйган зуннорни олибди-да, Нуриддинга узатиб: «Э хожам, мана бу зуннорни ол»,— дебди. Таажжубда қолган Нуриддин: «Қаёқдан келиб қолди бу зуннор?»— деб сўрабди.

Қиз унга нозу истеҳзо билан шундай дебди: «Бу ўша, сен кеча йигирма дирҳамга олиб келган ипагинг. Энди туриб, тўппа-тўғри ажам бозорига боргин-да, ўша ердаги даллолга берсанг, мақтаб бақириб, чақириб бирпасда харидорларни тўплайди, эҳтиёт бўл, ширинкомадан ташқари нақд йигирма динордан камига сотма».

Нуриддин ҳайрон бўлиб: «Э гўзалим, йигирма дирҳамлик нарсани бир кеча ишлаб йигирма динорга сотиб бўладими?»— дебди. «Э хожам,— дебди қиз,— сен бунинг қимматини билмайсан, бозорга элтиб,

даллолга берсанг, бунинг таърифини қилиб, бирам мақтайдики, оғзинг очилиб қолади. Бунинг қиммати чи ана ўшанда биласан».

Шундан сўнг Нуриддин зуннорни олганича бозорга келибди-да, бир даллолга кўрсатиб: «Қани, буни бир пуллаб бер-чи»,— дебди, ўзи бир дўкон олдидаги супачага ўтирибди. Даллол бир қанча вақт йўқ бўлиб кетибди. Сўнг йигит олдига келиб: «Мана хўжайин, туриб пулингизни санаб олинг, бечиқим йигирма динорга байлашдим»,— дебди.

Гоят таажжубда қолган Нуриддин нима дейишин билмай, оғзи ланг очилиб, қоққан қозиқдек қотиб қолибди. Сўнг ўрнидан туриб, бир ишониб, бир ишонмай пулга қўл чўзибди ва шу заҳотиёқ йигирма динорнинг ҳаммасига ҳар хил ипак олиб қайтибди. У қизга узатар экан: «Буларнинг ҳаммасидан зуннор тўқи,— дебди Нуриддин ҳовлиқиб,— қойил, менгаям ўргатиб қўй, мен ҳам сен билан тўқишай, шунча ёшга кириб, бунақанги серфойда, бунақанги сердаромад ҳунарни кўрган эмасман. Худо ҳақи, бу иш савдогарчиликдан минг бор афзал экан».

Қиз унинг бу гапларига кулиб: «Э хожа — Нуриддин, яна бориб ўша аттордан ўттиз дирҳам қарз олгин-да, эртага буни сотиб, пулидан кечаги эллик дирҳамини ҳам элтиб бер»,— дебди. Нуриддин дарҳол туриб, аттор олдига борибди-да: «Амакижон, яна ўттиз дирҳам қарз бериб туринг, худо хоҳласа, эртага саксон дирҳамингизнинг ҳаммасини биратўласига келтириб бераман»,— дебди.

Аттор шу замон ўттиз дирҳам тортиб берибди. Нуриддин бозорга борибди-да, унга худди аввалги куни харид қилганидек гўшт, нон, резовору доривор, мена-чева олиб, қизнинг олдига келибди. У қизнинг оти Марям Зуннория экан. Қиз гўштини ола солиб,

бирпасда қулинг ўргилсин таом тайёрлабди. Дастур-хон ёзиб, уни Нуриддиннинг олдига қўйибди. Кейин шароб келтирибди. Аввал қиз йигитга, сўнг йигит қизга қуйиб берибди. Хуллас, икковларни роса кайф қилишибди. Шароб қизга андак таъсир қилгач, Нуриддиннинг ҳусну латофати, одобу бамаъналияге Марямга жудаям хуш ёқиб кетибди.

Қиз тўлқинланиб шу байтни ўқибди:

Қиз йигитга кулиб деди:— Май нимадан қилинди?..
Юзингдаги тер эмасми? Менга шундай билинди!..
Йигит деди:— Ичкуликни атиргулдан қилинмас,
Мастлигимиз ишқ кайфидир, маст айлаган май эмас!

Шу тариқа улар иккови айш-ишрат қилишибди. Марям қадаҳга шароб тўлдириб Нуриддинга берибди-да, кейин ўзига ҳам кайфбахш ичимликдан қуйдириб ичиришни сўрабди. Йигит қиз қўлини ушламоқчи бўлса, у ноз қилиб тутқизмабди. Йигит кўзлари қисилиб, қиз унга баттар чиройли кўриниб кетибди. Нуриддин кайф аралаш шу икки байтни ўқибди:

Бу хушқомат ўспиринча, май ичишга зўр бериб,
Севганининг қўли билан неча қадаҳ бўшатмиш.
Қўрқиб ундан севгани ҳам ўзи ичиб, ичириб,
Ўша кеча ёлғиз ётиш «парҳези»ни ушатмиш.

Йигит билан қиз иккови роса ичишибди. Ниҳоят, Нуриддиннинг боши айланиб, ухлаб қолибди. Қиз эса дарҳол ўрнидан туриб, одатдагидай зуннор тўқий бошлабди. Тўқиб бўлгач жило берибди-да, сўнг ени-ниб, йигит ёнига кириб ётибди. Йигит уйғонибди... Яна ўша ўпиш, қучиш, бир-бирларига чирмашиш бошланибди. Шу алфозда тонг оттиришибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
етмиш олтинчи
кеча*



Й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод, — эшитишимга қараганда, Марям Зуннория тўқиган нарсасига жило бериб, ечинибдида, йигитнинг қўйнига кирибди. Улар бир-бирисига етишиб, иккови ўртасида нима бўлиши керак бўлса, ўша бўлибди. Тонг отгач, Марям унга тўқиган зуннорни гутқазиб: «Мана буни бозорга элтгину кечагидек йигирма динордан камига сотма», — дебди. Йигит зуннорни олиб, бозорга равона бўлибди ва уни йигирма динорга сотиб, атторникига келибди. Унга саксон дирҳам тўлаб, қарз бериб тургани учун миннатдорчилик билдириб, уни дуо қилибди.

Агтор ҳайрон бўлиб: «Чўрингни сотдингми, ўғлим?» — деб сўрабди. «Йўқ, жону дилимни нега сотар эканман?» — дебди Нуриддин ва бўлган воқеанинг ҳаммасини ипидан-игнасигача айтиб берибди. Йигитнинг гапларини эшитиб аттор ўзида йўқ қувонибди. «Э ўғлим, — дебди у, — мени жуда хурсанд қилдинг, худо хоҳласа, доимо ишинг ўнгидан келади. Отангга ҳурмат ва эътиқодим зўрлигидан сенга яхшилик истайман, орамиздаги дўстлик йўқолмасин».

Шундан кейин Нуриддин атторникидан чиқиб, тўппа-тўғри бозорга борибди. У ердан ҳар кунгидай ўзига керакли гўшт, мева-чева, шароб олиб, қизнинг олдига келтирибди.

Сўнгра Нуриддин билан Марям еб-ичиб, тозаям кайф қилишибди. Шу тариқа ўйин-кулги, вақти чоғлик билан улар роппа-роса бир йил «улфати ду, унда маза-ку» қилишибди. Ҳар куни кечаси қиз бир дона

зуннор тўқиб қўяр, йигит уни эртаси бозорга элтиб, йигирма динорга сотар экан. Пулига керакли нарсаларни олар экан-да, қолганини Марямга бериб қўяр экан. У бўлса, асраб қўяр экан.

Орадан бир йил ўтгач, Марям йигитга шундай дебди: «Э ҳазратим, Нуриддин, эртага зуннорни сотиб бўлгач, пулнинг бир озгинасига олти хил ипак олгин, калламга бир фикр келди, сенга бир қийиқча тикиб бераман, бўйнингга ташлаб юрасан; бунақанги қийиқчани ҳали савдогар зоти тугул, шаҳзодалар ҳам умрида кўрмаган».

Шундай қилиб, Нуриддин бозорга бориб, каниз айтгандай турли-туман ипак олиб, Марямга келтириб берибди. У ипакни олиб ишга тушиб кетибди. У роса бир ҳафта ишлаб қийиқчани битирибди. У тез битириши ҳам мумкин экану, лекин ҳар куни кечаси аввал зуннор тўқиб, кейин қийиқчага ўтирар экан. Марям қийиқчани битириб, Нуриддинга берган экан, у елкасига ташлаб, бозорни айлана бошлабди. Савдогар ва шаҳарнинг аёну киборлари унинг ёнига келиб томоша қилишар, шу қадар бежирим, чиройли тикилганига ҳаваслари келиб, оғизлари очилиб қолар экан. Кунлардан бир куни Нуриддин ухлаб ётган экан, иттифоқо, уйғониб қолибди. Қараса, каниз хўнг-хўнг йиғлаб, шу байтларни ўқияпти:

Фигонким, севгили ёр доғи ҳижронинг яқин ўхшар,
Чекиб, андуҳу гам, чоки гирибонинг яқин ўхшар.
Жигар юз пораю минг бор оқмоқдан кўзинг ёши,
Юлиб ҳасрат билан юзларни, армонинг яқин ўхшар.
Кетиргач хотирингга у шарафли вақту онларни,
Аламли дил билан аччиқ пушаймонинг яқин ўхшар.
Чақимчи, нобакор гийбатчиларга алданиб, эвоҳ,
Тушиб бизга жудолик оми, айғонинг яқин ўхшар.

Нуриддин ундан: «Ҳа, Марямхон, нима бўлди, нега йиғлаяпсан?»— деб сўрабди.

«Фироқинг аламидан йиғлаяпман, кўнглим ваҳи-
мага тушяпти, худди бирон фалокат юз берадиганга
ўхшайди»,— дебди қиз. «Э малоҳатли бекам, бизни
ким ажрата оларди, мен сени жонимдан ҳам яхши
кўрсам, сенга ошиқу беқарор бўлсам?»— дебди Ну-
риддин.

Қиз унга шундай жавоб берибди: «Менинг меҳру
муҳаббатим сеникидан ҳам ортиқ, лекин не қилай-
ки, туннинг яхшилигига ишониш одамларни таас-
суфга олиб келармиш». Бу ҳақда бир шоир шундай
деган экан:

Бахтиёрлик бирла ўтган кунларимдан шод эдим
Шум у тақдирдан ҳайиқмай, сен билан обод эдим.
Бирга бедорликда ўтган кечалар равшан эди,
Қишларинг ёзу биёбонинг менга гулшан эди,
Осмон узра тутилгай офтоб, ойларгина,
Эслайгай бу айшу ишратларни бу жойларгина.
Мевасиз— тинч, мевали шохлар томон тош отилур,
Йиғласам қадримга гоҳо, кўз тўлиб, ёш отилур,
Марварид сув остида, устида оққай хор-хас.
Чанг солар озор, қайтармоқ менга мумкин эмас!

«Э хожа ҳазратим, Нуриддин,— дебди қиз,— агар
айрилиқ дардига гирифтор бўлмайлик десанг, бир
фаранг чолдан ўзингни эҳтиёт тут; унинг ўнг кўзи
сўқир, чап оёғи оқсоқ, ўзи серсоқол, юзлари кул
ранг. Уша чол икковимизнинг айрилиғимизга сабаб-
чи бўлади. Тушимда ўшанинг бу шаҳарга келганини
кўрдим, у худди мени ахтариб келган, бўлмаса бу
ерларда нима қиларди».

«Э гўзалим,— дебди Нуриддин,— унга кўзим туш-
ган замони, шартта ўлдириб, суробини тўғрилайман-
қўяман, вассалом».

Марям бўлса унга ўгирилиб: «Э хожам, уни ўл-
дирмаям, у билан гаплашмаям, олди-сотди қилмаям.

унинг яқинида ўтирмаям, ён-верисидан ўтмаям, ҳам-суҳбат бўлмаям, илойим унинг ҳийла-найраиғидан ўзи асрасин!»— дебди.

Тонг отгач, Нуриддин зуннорни олганича бозорга жўнабди. У бир дўкон олдидаги супачада савдосгар болалари билан эзмалашиб ўтирган экан, мудроқ босиб ухлаб қолибди. Нима бўлибди-ю, фалокат босиб, худди шу пайт ўша фаранг бозорга кириб, ухлаб ётган Нуриддин ёнидан ўтиб қолибди. Унинг ёнида яна етти нафар фаранглар бор экан. Қарашса, Нуриддин қийиқчани юзига ташлаб, бир қўли билан унинг учини ғижимлаб олганича ухлаб ётганмиш. Фаранг Нуриддин ёнига ўтириб, қийиқчанинг у ёр-бу ёғини кўра бошлабди, уни сал тортиб қўйган экан, Нуриддин чўчиб уйғонибди. Бундай қараса, Марям айтган фаранг худди ёнгинасида ўтирганмиш. Йигитнинг кайфи учиб, унга қараб шундай қаттиқ бақирибдики, нақ фаранг чўчиб тушиб: «Нега бизга бақиряпсан? Бирон нарсангни олиб қўйдикми?»— деб сўрабди. Нуриддин бўлса: «Э лаънати, агар бирон нарсамни олиб қўйганингдами, гирибонингдан судраб, волийнинг олдига олиб борардим»,— дебди унга. «Э мусулмон, дининг ва эътиқодинг ҳақи, менга айт-чи, бу қийиқча сенда қаердан пайдо бўлиб қолди?»— деб сўрабди фаранг Нуриддиндан. «Буни онам тиккан»,— деб жавоб берибди Нуриддин.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Эй, опажон, ҳикоянгиз қандай яхши-я,— деди синглиси.

— Агар шоҳим мени омон қўйсалар, эртага айтадиганимнинг олдида бу ип ешолмайди,— дебди опаси.

Буни эшитган шоҳ, бугун ҳам ўлдирмай туришга қасд қилибди.



*Саккиз юз
етмиш еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод, — эшитишимга қараганда, фаранг Нуриддиндан: «Қийиқни ким тиккан?»— деб сўраган экан, у: «Буни онам менга ўз қўли билан тикиб берган»,— деб жавоб берибди. «Бўлмаса, буни менга сот, пулингни нақд санаб бераман»,— дебди фаранг. «Худо ҳақи, э лаънати, буни сенга ҳам сотмайман, сендан бошқагаям. Чунки онам фақат менинг номимга атаб тиккан, у бундан бошқасини тикмайди ҳам»,— дебди Нуриддин.

«Кел, сота қол, пулини ҳозирнинг ўзида нақд санаб бераман,— дебди фаранг,— кел, беш юз динор бераман, буни тикиб берган одам сенга бундан ҳам яхшисини тикиб берар».

«Ҳар қанча дунё берсанг ҳам сотмайман, чунки бу шаҳарда бунга тенг келадиган нарса йўқ»,— дебди Нуриддин унга. «Э ҳазрат, олти юз динор нақд тиллагаям сотмайсанми?»— дебди фаранг. «Йўқ, кўп бошимни қотирма»,— дебди Нуриддин. Лекин у юз-юздан қўшавериб, тўққиз юз динорга чиқибди. Лекин Нуриддин қаттиқ туриб: «Буни сотмасам ҳам ризқимни худонинг ўзи етказади. Мен буни тўққиз юз динор тугул икки мингаям, ундан кўп берсанггам сотмайман»,— дебди.

Фаранг қийиқ нархини ошириб, Нуриддиннинг бошини айлантираверибди. Ниҳоят, минг динорга етканда, у ерда ҳозир бўлган савдогарлар чолга: «Бўпти, пулингни чўз, биз уни сенга сотдик»,— деб ўртага тушишибди.

Нуриддин бўлса оёқ тираб, ўламан саттор, сот-майман, деб туриб олибди. Савдогарларнинг бири йигит қулоғига шипшиб: «Ўғлим, энди ўжарлик қилма, бу қийиқчангнинг нархи юз динор, холос, ҳар қанча қилсанг ҳам ундан бир дирҳам ортиққа биров олмайди, лекин кўр бўлиб, бу фаранг сенга минг динор беряпти, ахир тўққиз юз динор нақд фойда қиялсан-а, биялсанми? Яна нима керак сенга, яхшиси харидорни қўлдан чиқарма, дарров минг динорни санаб олиб, рўмолни сот. Буни тикиб берганга бориб айт, сенга бундан ҳам яхшисини тикиб берсин, ўзинг бу лаънати ғайридиндан ҳозир минг динорни маза қилиб санаб ол, вассалом бўлди, ғинг демай, хўп дегин»,— дебди.

Нуриддин савдогарнинг бу гапидан ноилож қолиб қийиқчани минг динорга сотибди. Фаранг эса шу заҳотиёқ пулни санаб берибди.

Нуриддин динорни олиб, чўри қизга бўлган воқеани айтиб, уни хурсанд қилайин, деб энди жўнамоқчи бўлган экан, фаранг савдогарларга: «Э жамоат, Нуриддинни қайтаринглар, у билан бирга бу кеча ҳаммангиз менинг меҳмоним бўласизлар, бир кўза қулинг ўргилсин жуда эски майим, семиз қўйим бор. Ҳўлу қуруқ мева-чева дегандай, унчамунча хушбўй резоворлардан ҳам олиб келганман. Ҳаммангиз ташриф буюриб, қадам ранжийда қилсанглар, бошимиз осмонга етарди, биттангиз ҳам қолмай, барчангиз марҳамат қилинглар»,— дебди.

Савдогарлар фаранг гапини эшитиб, кетмоқчи бўлиб турган Нуриддинга: «Хўш, сайид Нуриддин, сен ҳам биз билан ўтиришга борсанг, бирга чакчақлашиб, улфатчилик қилардик,— дейишибди.— Гапимиз ерда қолмасин, биз билан бирга бўл, ҳаммамиз

бу фаранг меҳмонларимиз, бу киши жуда қўли очик, сахий одам экан».

Барча савдогарлар «бирга бормасанг, хафа бўламиз»,— деб қўярда-қўймай кетаётган йўлидан уни қайтаришибди. Уларнинг ҳаммаси ўринларидан туриб, дўконларини ёпишибди-да, ўзлари билан бирга Нуриддинни ҳам олишиб, фаранг уйига равона бўлишибди. Бир маҳал улар сахни кенг қўш равоқли катта уйга кириб келишибди. Фаранг барчасини хушмуомалалик билан қабул қилиб ўтқазибди. Дарҳол ажойиб дастурхон ёзибди. Дастурхонга шундай ажойиб-ғаройиб санъат билан суратлар чиздирганмиш, косиру максур, ошиғу маъшук, соилу масъул ҳаммасининг расми киши диққатини ўзига тортар эмиш.

Кейин фаранг нафис-нафис чинни ва биллур идишларга мева тўлдириб, дастурхон устига қўйибди. Ундан сўнг фаранг ўша кўп йиллик рум шароби солинган кўзани келтириб қўйибди ва семиз қўйини сўйишга буюрибди. Фаранг дарров гўштни қовуриб, савдогарларнинг олдига қўйибди. Уша майдан қўйиб узатар экан, меҳмонларга кўз қисиб, Нуриддинга ҳам ичиришга имо қилибди. Савдогарлар Нуриддинга ичиришавериб-ичиришавериб, ахири гирт маст қилиб қўйишибди, кайфи тароқ бўлиб лаб-лунжи осилиб қолибди. Буни кўрган фаранг секингина унинг ёнига келиб: «Э сайид Нуриддин, қадам ранжида қилиб бошимни кўкка етказдинг, қадамларингга ҳасанот, отангга раҳмат, зап улфат йигит экансан, улфатинг бўлса, шундай бўлса-да, қани, марҳамат, олиб ўтир дўстим, нозу неъматлардан»,— дебди. У Нуриддинни гап билан авраб ёнида бир оз гаплашиб ўтиргач, ниҳоят сўрабди: «Э сайид Нуриддин, сен бултур мана шу савдогарлар олдида

минг динорга сотиб олган ўша чўрингни менга сот-майсанми, агар хўп десанг, мен сенга тўрт баробар ортиқ — беш минг динор бераман».

Нуриддин «йўқ» деб рад қилибди, фаранг бўлса қўярда-қўймай, шароб ичириб таомлардан едирибди, пул билан йигит кўзини ўйнатиб, чўри баҳосини оширавериб, ўн минг динорга етказибди.

Шунда Нуриддин маст-аласт ҳолда: «Бўпти, чўримни сенга сотганим бўлсин, қани, ўн минг динорни чиқар»,— дебди.

Фаранг йигитнинг бу сўзини эшитиб, ўзида йўқ хурсанд бўлибди, савдогарларни бунга гувоҳ қилибди, шу кўйи еб-ичиб, кечаси билан айшу ишрат қилишибди. Эртасига эрталаб фаранг ўз хизматкорларига «пулни келтиринглар!»— деб буюрибди. Улар келтиришгач, нақд ўн минг динорни санаб, Нуриддиннинг олдига қўйибди. Кейин унга: «Э сайид Нуриддин, кеча кечқурун мана шу мусулмон савдогарлари олдида менга сотган чўринг ҳақини ол»,—дебди.

Бу гапларни эшитиб, Нуриддиннинг кайфи учиб: «Э малъун, нима деяпсан ўзинг, сенга ҳеч нарса ни сотганим йўқ, тилёғламалик қилма, сотадиган менинг чўрим йўқ»,— дебди.

Фаранг бўлса қаттиқ туриб: «Сен кеча чўрингни менга сотдинг, мана бу савдогарлар бунга гувоҳ»,— дебди. Барча савдогарлар бир овоздан фаранг гапини маъқуллаб: «Ҳа, рост, Нуриддин,— дейишибди,— сен кеча бизнинг олдимизда чўрингни бу кишига ўн минг динорга сотдинг, биз гувоҳ бўлганмиз. Ўтган ишга саловат, дарров туриб, пулингни санаб олиб, чўрингни бер, худо сенга ундан ҳам яхшисини ато қилади. Хўш, мулла Нуриддин, нима қилди, оғриняпсанми шунгайм, ахир минг динорга олган чўри билан бир ярим йилдан бери ҳусну жа-

молига тўйиб, айшингни суриб юрган бўлсанг, ҳар кун кечаси билан унинг висолига етишиб, ишрат қилган бўлсанг, тагин бунинг устига устак олганингдан тўққиз минг динор ортиқ нақдгина фойда олсанг, хўш, қорнинг оғрийдими, маза қилиб юравер энди, уни сотиб, қозонинг ёғда, оғзинг қаймоқда бўлади. Чўринг бўлса ҳар кун бир зуннор тикиб берарди, сен уни йигирма динорга сотардинг, хўш, шундаям кўнмайсанми, буям камми? Қани, айт-чи, бундан ҳам дурустроқ нақд фойда-ю нўмай пулни топа оласанми? Агар қиз сенга ёқиб қолган бўлса, бу вақт ичида унинг дийдорига тўйдинг. Энди ундан пулни олгин-да, ўзингга ундан ҳам яхши чўри топиб ол, ёки хўп десанг, бирортамининг қизимизга уйлантириб қўямиз. Маҳрига бу пулининг ярми сарф бўлса, қолгани ўзингга дастмоя бўлиб қолади».

Савдогарлар уни аврайвериб, аврайвериб жонҳолига қўйишмабди. Али деса бали деб, қулоқ-миясини еб, чўрини ўн минг динорга сотишга кўндиришибди. Фурсатни қўлдан бермай шу пайтнинг ўзида фаранг қози-ю гувоҳларни келтирибди. Улар эса чўри Марям Зуннорияни фарангга сотилганига ҳужжат битибди. Нуриддин билан бўлган воқеа мана шу экан.

Аммо энди Марям Зуннорияга келсак, бечора чўри ўз хўжасининг келишига мунтазир бўлиб, кунузукун пойлабди, қош қорайибди ҳам, ундан дарак бўлмабди, кечаси билан пойлабди бўлмабди, ярим кеча бўлибди келмабди, хавотир олиб юм-юм йиғлабди.

Атторчи чол Марямнинг хўнграб йиғлаётганини эшитиб қолиб,— нега йиғлаяпти у, билиб кел-чи,— деб, унинг олдига хотинини юборибди. Хотин уйга кирса, ростдан ҳам чўри йиғлаб ўтирганмиш. «Ҳа,

бекам,— дебди атторнинг хотини,— нега йиғлаясан?» «Э онажон,— дебди қиз,— ҳожам Нуриддин кеча чиқиб кетганидан бери интизор бўлиб кутиб ўтирибман, ҳалигача дараги йўқ. Юрагим ўйнаб кетяпти, мени деб худди бирон балога гирифтор бўлганга ўхшайди, ё бирон доғулининг қўлига тушиб, мени сотган, ё биронта ҳийлакорнинг тузоғига илинган...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
етмиш саккизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Марям Зуннория ўша

аттор чолнинг хотинига: «Юрагим ўйнаб кетяпти, ҳожам ё бирон доғулининг қўлига тушиб, мени сотган, ё бирорта ҳийлакорнинг тузоғига илинган, бўлмаса шу чоққача келган бўларди»,— дебди.

Атторнинг хотини: «Қаёқдаги гапларни гапирасан-а, бекам.— деб юпата бошлабди,— хожангга мана шу уйни лиқ тўлдириб тилла берсаям сени сотмайди, уни сенга ишқу муҳаббатини биламан-ку, балки Мисрдан, ота-онасининг олдидан одамлар келгандир, уларни бу тор уйга олиб келгани уялиб, ўшалар турган жойда зиёфат бергандир, ё уларни бу ерга бошлаб келгани лозим топмагандир, ё сен билан турганини ҳеч ким билмай қўя қолсин, деб ўша ерда тунаб қолгандир. Худо хоҳласа, тонг отгач келиб қолар. Хавотир олиб ўзингни кўп койитма, қўй бекам, қайғуриб ранг-рўйингни саргайтирма. Нуриддиннинг келмаганига сабаб мана шу. Мен то хо-

жанг келгунича шу ерда сен билан гаплашиб ётаман».

Атторнинг хотини Марямнинг олдида қолиб, унга тасалли бера бошлабди. У ёқ-бу ёқдан гапириб, юпатиб тонг оттирибди. Тонг отгач, Марям қараса, хожаси Нуриддин йўлакда келаётганмиш, кетида ўша фаранг, ён-верисини бир тўда савдогарлар ўраб олганмиш.

Марям уларни кўрибди-ю, турган жойида тахтадай қотиб қолибди, рангида ранг қолмай, бирпаснинг ўзида сарғайиб кетибди, худди денгиз ўртасида кучли тўфонга учраган кемадай дағ-дағ қалтирармиш. Ундаги бу ўзгаришни кўриб ҳайрон бўлган атторнинг хотини сўрабди: «Ҳа, Марям бекам, нима бўлди, бирпасда қутинг учиб, рангинг сомондек сарғайиб кетди?»

«Эҳ онажон, кўнглим фироқни сезгани рост экан, энди хожам билан икковимизни айирадилар»,— дебди қиз унга.

Марям шундай дебди-ю, оҳу нола тортиб ҳўнграганича шу байтларни ўқибди:

Заҳр эрур ҳижрон шароби, дўстлар қилманг ҳавас,
Соқний қотил фалак айлаб тағофил, индамас.
Коса-коса қон ютар ҳар шом ботганда қуёш,
Тун ўтиб, тонг касб этар қайта қуёш чекканда бош.
Барчаси тақдир отлик ҳийлагарнинг қилмиши,
Бу ситамгарнинг қўлидан қутула олмас киши.

Сўнгра Марям Зуннория юм-юм йиғлабди. Ниҳоят, айрилиқ юз беришига ишонган қиз атисрнинг хотинига: «Э онажон, сенга айтмабмидим,— дебди Марям,— булар ҳийла билан хожам Нуриддиннинг бошини айлантиришгану у мени сотган. Бўлди, иш битди, ҳеч шубҳасиз, бу кеча мени у мана шу фа-

рангга пуллаган. Эҳтиёт бўлгин, деб ҳар қанча та-
йинласам ҳам бўлмабди, лекин тақдирга қарши
эҳтиёткорлик қилиб бўлармиди, менинг гапимга
энди ишонгандирсан».

Улар шу тариқа гаплашиб туришганда бирдан
эшик очилиб, Нуриддин кириб келибди. Қиз унга
қараса, ранглари оқарган, дағ-дағ титрар, уни қай-
ғу надомат чулғаб олганди. Қиз: «Э ҳазратим Ну-
риддин, худди сен мени сотганга ўхшайсан»,— де-
ган экан, Нуриддин ҳўнграб йиғлаб юборибди. У
зор-зор йиғлаб, оғир уҳ тортгач, мана шу байтлар-
ни ўқибди:

Шум тақдирнинг тузғидан озод бўлиш мушкулроқ,
Мен янглишдим, аммо тақдир ўз йўлидан янглишмас.
Парвардигор не хоҳласа: бўлади шу ондаёқ,
Хоҳлар, эсдан оздирару, басир қилур шу нафас.
Ақлсизга ақл бериб, ожизларга кўз бериб,
Хоҳлар, ошиқ юрагидан ўчирар ишқ ўтини.
Бировларга бир ҳам бермай, бировларга юз бериб,
Бировларга насиб қилар бировнинг бор-будини.

Сўнгра Нуриддин ёлвориб, узр сўраб Марямга
шундай дебди: «Худо ҳақи, э бекам, кечир мени,
қалам худо ҳукмига юриб кетди. Одамлар ҳийла
ишлатишиб, мени йўлдан уришди. Мен шўринг қур-
ғур, лақиллаб, сени сотиб чув тушиб ўтирибман.
Мени жин урмаса, сенга беҳурматлик қилиб сота-
манми-а. Эҳ аттанг, эҳ аттанг, энди нима қиламан.
Айрилиқни юборган эгам зора дийдор кўришувни
ҳам насибу рўзи қилса». «Мен сенга бу малъундан
эҳтиёт бўлгин деб тайинлаган эдим-ку! Шундай бў-
лишини кўнглим сезганди»,— дебди қиз.

У шундай дебди-ю, йигитни қучоқлаб бағри-
га босибди, юз-кўзларидан ўпиб, шу байтларни ўқиб-
ди:

Ишқинг ҳақи, сени асло унутмам,
Мен унутиб сени, бўлак ёр тутмам.
Булбул бўлиб, тонглар фарёд чекамен,
Қумри бўлиб, ҳув-ҳувлаб, дод чекамен.
Сенсиз менинг ҳаловатим бузулди,
Фарёдимдан дил риштаси узулди.

Улар шу ҳолда туришганда бирдан ҳалиги фаранг кириб келиб, Марям беканинг қўлини ўпмоқчи бўлибди. Лекин қиз унинг юзига тарсаки тортиб юборибди-да: «Ҳе, башаранг қурсин, сен лаънати-ни,— дебди,— то пайимга тушиб, хожамни алдама-гунинггача тинмабсан-да, бўйинг лаҳатда чуригур. Сен аблаҳ, билиб қўй, худо хоҳласа, яхшилик кўрмайсан».

Фаранг бўлса қаҳ-қаҳ уриб кулибди. Қизнинг бу феъл-атворидан таажжубга тушган чол, унда у зр сўраб шундай дебди: «Хўш, Марям бекам, менда нима гуноҳ, қилғуликни хожанг Нуриддин қилиб қўйсин-да, айбни менга тўнкайсанми? Ана, қара, бамайлихотир юрибди, бекасини сотиб; Исо масиҳ ҳақи, агар у сени севганда, бунақа оёқ ости қилмасди. Нуриддиннинг сендан ҳафсаласи пир бўлгандирки назар-писанд қилмай, сени сотган, бўлмасабундай қилмасди. Бир шоир шундай деган экан:

Сенга ёққан бир кишини барча ёқтирмақ керак,
Текса ким меъдангга, ул одам йироқ турмоқ керак.
Севдириб, сен севмаган ёрга дучор бўлмоқни кўй,
Кенг бу олам ғам-аламдан сенга тор бўлмоқни қўй!»

Бу қиз, аслида, фаранглар шохининг қизи экан. Фарангистон жуда кенг жой экан, ажойиб-ғаройиб санъатларга бой, экин-текинлари мўл, дон-дунларга сероб ўлка экан. У худди Қўстантания шаҳрига ўхшар экан.

Марямнинг ўз ватанидан чиқиб кетишига ажиб-бир ҳодиса-ю, ғариб бир воқеа сабаб бўлган экан. Бу қиссани бир бошдан айтиб берамиз, зора у гингловчини шод қилса, кўнглини обод қилса...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
етмиш тўққизин-
чи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этибди Шаҳризод,— эшитишимга қарганда, Марям Зуннориянинг ўз юртидан чиқиб кетишига қуйидаги қизиқ бир ҳодиса сабаб бўлган экан:

Қиз ота-онасининг бағрида иззату икром билан тарбияланибди, ёзув-чизув, ҳисобу фасоҳат илмини ўрганибди, ҳатто от миниб шижоатли бўлиб етишибди; заркашлик, дўзандалик, зуннору уқа тикиш хунарларини эгаллаб олибди: қўйингки, қиз олтинни кумушга, кумушни олтинга айлантиришни ҳам беш қўлдай билар экан. У эркагу хотинларга мансуб барча санъатларни эгаллаб, ниҳоят, замонасининг фариди, ўз асрининг яктоси бўлиб етишибди. Худо таоло унга шундай ҳусну жамол, фазлу камол ато қилибдики, чиройда бунга тенг келадиган йўқ экан. Қизга ҳар хил оролларнинг подшоларидан совчи келибди. Лекин отаси уларнинг ҳаммасини ҳам рад қилиб, қизини узатмабди. Чунки у ўз дурдонасини жудаям яхши кўрар, бир соат кўрмаса, бетоқат бўлиб, чидай олмас экан. Бу шоҳнинг ўғиллари кўп бўлса ҳам, лекин қизи якка-ю ягона экан. Шоҳ ҳамма фарзандидан ҳам уни яхши кўрар экан. Иттифоқо, бир йили малика қаттиқ бетоб бўлиб қолиб,

Ўлар даражага етибди. Шунда у, ўзига ўзи, агар тузалсам, фалон оролдаги пистон дайрни, албатта, зиёрат қиламан, деб аҳд қилган экан. Бу дайр уларнинг улуғ зиёратгоҳи саналар экан. Ҳамма у ерга хайру садақасини олиб келар, дайрда уларни эҳсон қилиб, табаррук жойдан дуойи фотиҳа олиб қайтар экан.

Марям касалдан туриб, соғайиб кетгач, сўзининг устидан чиқиб, дайрни зиёрат қилмоқчи бўлибди. Фарангистон шоҳи ўз қизини кичик бир кемага солиб, хизмати учун шаҳар каттаконларининг бир қанча қизларини ва батрақа — аслзода ва навкарларни қўшиб юборибди.

Улар дайрга яқинлашиб қолганларида бирдан мусулмон мужоҳидларининг бир кемасига рўпара келиб қолишибди. Улар барча аслзода навқару хизматчи ва қизларни, молу дунё, хайру эҳсонлари билан қўлга тушириб, Қайравон шаҳрига элтиб сотишибди. Шунда Марям ажамлик бир савдогар қўлига тушиб қолибди.

Ажамлик савдогар жуда нимжон, сўфи одам бўлиб, аёл зоти билан иши йўқ — на хотинлар унга, на у хотинларга ҳеч бир яланғоч ҳолда кўринмаган экан, ҳатто уларга, қалайсан, дея қайрилиб ҳам қарамас экан. Ажамлик уни ўзига хизматкор қилиб олибди. Кунларнинг бирида савдогар қаттиқ бетоб бўлиб, сал бўлмаса нақ ўла ёзибди. Савдогарнинг касали бир неча ойгача чўзилибди. Шунда Марям то худо унга шифо бергунча унинг емак-ичмагидан хабар олиб турибди. Ажамлик эса қизнинг кўрсатган меҳрибончилиги, иссиқ-совуғидан огоҳ бўлиб хизмат қилгани учун яхшилигига яхшилик қилмоқчи бўлиб, Марямга: «Қани, айт, қизим, сенга қанақа яхшилик қилай?» — дебди. «Э хожам, — дебди Мар-

ям,— сендан битта илтимосим бор, мен истамаган ва севмаган кишига мени сотмай, кимни хоҳлагам, ўшанга сотсанг». «Жоним билан,— дебди савдогар,— хотиринг жам бўлсин, сен кимни хоҳласанг, ўшанга сотаман, ихтиёринг қўлингда».

Хожасининг бу гапидан қиз беҳад қувонибди. Чол уни исломга даъват қилган экан, у имон келтириб мусулмон бўлибди. Ажамлик унга қандай ибодат қилишни кўрсатибди. Марям ундан бир қанча вақт диний йўл-йўриқларни ўрганибди. Фарзу вежиб нарсаларни билибди, қуръонни ёдлабди, фақиқ-қонуншунослар илмидан, пайғамбар ҳадисидан ва бошқа шариат қоидаларидан хабардор бўлибди. Ана шундан сўнг ажамлик Искандария шаҳарига кириб келибди ва қиз истаган кишига сотилишини, унинг ихтиёрига берибди. Шундай қилиб, ҳикоя қилганимиздек, уни Нуриддин сотиб олибди-ю, юқоридаги воқеа содир бўлибди.

Марямнинг ўз юртидан чиқиб кетишига сабаб мана шу экан.

Аммо, энди қизнинг отаси Фарангистон шоҳига келсак, у қизи ва унинг ҳамроҳлари воқеасини эшитибди-ю, қиёмат-қойим бўлибди. Кейин шоҳ уларни ахтариш учун бир қанча кемаларни шайлаб, бяходиру қаҳрамон, сардору паҳлавонларни жўнатибди. Лекин улар ҳарчанд қидириб, мусулмонлар турадиган оролларгача боришсаям, на бир хабару на бир дарак топишмабди; ҳаммалари икки қўлларини бурниларига тиқиб, ўлиб-толиб, хору зор бўлиб, чор-ночор шоҳ ҳузурига кириб келишибди.

Буни эшитиб Марямнинг отаси ҳасратда доғ бўлиб, аҳволи чатоқ бўлиб, йиғлабди-сиқтабди, доду фарёд солибди. Ниҳоят, вазирлар вазири бўлмиш ўша бир кўзи сўқир, бир оёғи оқсоқ, ўта тadbиркор,

маккор, тулкидай ҳйлакор, илон ёғин ялаган, терисини шилиб қалаган ўша доғули фарангни юборибди.

Подшо барча мусулмон мамлакатларини қидиришни, агар топгудай бўлса нақд бир кема лиқ тўла тиллага бўлсаям сотиб олиб келишни тайинлабди. Лаънати фараннинг қидирмаган жойи қолмабди; дарё-ю кўл борми, оролу денгиз борми, барча шаҳару ўлка борми, ҳаммасини ахтарибди. Лекин қиздан ҳеч дарак тополмабди. Ниҳоят, Искандарияга етиб келиб, суриштирган экан, бундай қизни кўрганларини ва уни Нуриддин Мисрий деган савдогар йигит сотиб олганини айтиб беришибди.

Шундан кейин, ўша юқорида айтилган воқеа юз берибди. Фаранг уни қийиқчадан танибди, чунки бундай мандил — қийиқни Марямдан бўлак ҳеч ким тиколмас экан. Кейин фаранг савдогарларни қўлга олибди. Улар маккор вазирга ёрдам беришибди ва ҳйла ишлатиб, зикр қилганимиздек, бир амаллаб қизни Нуриддиндан сотиб олибди.

Марям йигитдан ажралиб, фаранг қўлига ўтганига ачиниб, ҳўнг-ҳўнг йиғлар, юрагини доғлар экан.

«Э малика Марям, йиғи-сиғини қўй,— дебди фаранг,— мен билан юр, отанг юрти — туғилиб ўсган элингга борамиз, у ерда сен шону шуҳрат, иззат-ҳурмат кўрасан, нима қиласан мусофир юртларда хору зор, абгору ночор бўлиб. Шунча кечмишларимиз ҳам етар. Сени деб қанчадан-қанча азобу уқубатларга гирифтор бўлдик. Сафарга чиқиб, ҳазилакам молу дунё сарф бўлгани йўқ. Уйлаб қара, бир ярим йилдан бери тинмай ўлка кезаман, чарчаб тинкам қуриди. Отанг эса бир кема лиқ тўла тиллага бўлсаям, сотиб олиб кел, деб тайинлади».

Фарангистон шоҳининг вазири ялиниб-ёлвориб, қизнинг оёқларини ўпа бошлабди. У ялиниб, ҳадеса қизнинг оёқ-қўлларини ўпар, қиз эса тобора дарғазаб бўлиб: «Ҳа, лаънати, ниятингга етмагур, худо хоҳласа, сен мақсадингга етолмайсан»,— дермиш.

Сўнгра қуллар дарҳол эгарланган яхши бир хачир келтиришибди-да, қизни унга миндиришиб, устига зарҳал чойшаб ташлаб олишибди. Шу билан фаранг олдинга тушиб, хизматчилар қиз теварагини қуршаб юришганича тўғри денгиз дарвозасига етиб келишибди. У ерда дарҳол кичик бир қайиққа тушиб, эшкак ташлаб, катта кемага сузиб боришибди. Қизни кемага жойлаштиришгач, кўр вазир ўрнидан туриб, шоввоз денгизчиларга: «Қани, лангарни кўтаришлар!»— деб буюрган экан, улар дарҳол елкану байроқларни кўтаришиб, канопу сурп чодирларни ёйишибди. Эшкаклар ишга тушибди, кема сузиб кетибди. Бечора Марям то шаҳар кўздан ғойиб бўлгунча Искандарияга тикилиб, юм-юм йиғлабди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
саксоничига ўтар
кечаси*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Фарангистон шеҳрининг кемаси Марям Зуннорияни олиб сузиб кетганда, қиз Искандария то кўздан ғойиб бўлгунча термилиб турибди. Сўнг қиз юм-юм йиғлаб, оби дийдасини шашқатор тўкибди-да, шу байтларни ўқибди:

Алвидо эй севгили шаҳрим, сенга қайтиш қани,
Менга номаълум, илоҳи сирларин айтиш қани?
Тезлатур боди сабо бу айрилиқнинг кемасин,

Ер томон бечора кўнглим не учун интилмасин?..
Йиғламоқда мижжадан қон оқди, кўксим бўлди қон,
Мен учун парвардигор сендан бўлак йўқ меҳрибон,
Сен ўзингдан бошқа ҳеч лутфу карамли сўрмайин,
Мен ўзимдан бошқани қайгу-аламли кўрмайин.

Марям Нуриддинни эслаб хаёлга чўмар ва хўр-лиги келиб, ўзини тутолмас, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлар эди. Буни кўрган кемадаги ходимларнинг бири уни юпатишга тушибди. Лекин қиз пинак бузмабди, унинг фикру ёдини ишқ-муҳаббат чулғаб олган эди. У хўрсиниб, уҳ ва оҳ тортиб, нола-ю муножат билан шу байтларни ўқибди:

Эҳтиросим тилга кириб, доим сени сўзлайди,
Номинг ёдлаб қўшиқларда фарёд чекиб, бўзлайди.
Жигар-бағрим ҳажр ўтида қуй-қуй кул бўлди,
Айрилиқнинг натижаси нима бўлса: шул бўлди.
Бекитишнинг иложи йўқ, йўл бермайди бардошим,
Ишқ сирини фош этмоқда кўздан оққан қон ёшим.

Марям шу алфозда нола-ю гирён қилаверибди. Сафарлари қарисаямки на унинг кўнгли ёришибди ва на кўз ёши арибди. Сўқир вазир келгандан кейин, Марям Зуннориянинг кечган ҳоли мана шу экан. Марям шу ерда йиглаб турсин, энди биз Нуриддинга келайлик.

Марям кемага ўтириб жўнагач, савдогар Тожиддин ўғли Нуриддин Али Мисрийнинг кўзига дунё қоронғи бўлиб кетибди. Уни ваҳима босиб, бетоқату беқарор бўлиб қолибди. У аста туриб, Марям билан бирга яшаган хонага кирган экан, кўз олдида ўз маҳлиқоси намоён бўлиб кетибди. У худди қорайиб кетгандай, маъюс ва ғамгин бўлиб ўтиргандай туюлибди. Унинг ип йиғирган чархи, зуннор тиккан жойлари, устидаги ҳарир либослари, уни қучиб

Бағрига босганлари — ҳамма-ҳаммасини бир-бир эслаб, кўзларидан дув-дув ёш тўкибди-да, ниҳоят, шу байтларни ўқибди:

Оҳким, ундан жудолик беқарор айлар мени,
Истатиб, йўл пойлатиб, кўп интизор айлар мени.
Келмаса, қайтиб яна, ўтган умрдек ўрнига,
Бўса-ю базми висоли бадхумор айлар мени.
Қўшмаса тангрим мени ёримга, бахтим қайтариб,
Бир умр ғам даштида Мажнунвор айлар мени.
Севгилим мендан йироқликда, уни ўртаб фироқ,
Дарди ҳижрони бу ерда бемадор айлар мени.
Ёрни қувдим, уволи кўр қилган яхшироқ,
Сўнгги афсусу надомат хор-зор айлар мени.
Пойи гардини кўзимга сурмадим, юз войким,
Қилмишим ишқ кўйида бир кун ғубор айлар мени.
Келса гар қайтиб вафодорим гуноҳим афв этиб,
Қайтадан ул комрону комкор айлар мени.
Бой бериб фурсатни қўлдан, оҳ тортиб, ёш тўкиш:
Қўрқаманки, эл ичида шармисор айлар мени.
Сабру тоқат битди, найлайки тугалди барчаси,
Ғам ҳужуми минг балоларга дучор айлар мени.
Васлини қайтарса менга меҳрибон парвардигор,
Янги жисму жон бағишлаб, қайта бор айлар мени.

Шу тариқа Нуриддин бўталоқдай ўкириб, фарёд чекибди. Ўзини ўзи урибди, юлибди ва уй бурчагига термилиб туриб, шу байтларни ўқибди:

Тилайман, эй худо, васлин ато қил,
Ўшал ёрим учун жоним фидо қил.
Юбор, излаб топай, ул қайси юртда,
Йўлида дарбадар айла, гадо қил.

Нуриддин шу шеърларни ўқибди-ю, дик этиб ўрнидан турибди ва уй эшигини қулфлаб денгиз томон жадал чопиб кетибди. Денгиз бўйига келиб, Марямни олиб кетган кема қаёққа йўл олди экан, деб у

ёқ-бу ёққа аланглабди. У хўрсиниб, ўксиниб шу байтларни ўқибди:

Салом сенга, аё сув тўла дарё,
Келибман сен томон мен зору шайдо.
Эмасман сувга, бир ёр ташнасиман,
Тўлин ой тусли дийдор ташнасиман.
Шу сувларда оқиб ширин хаёлим,
Олиб ақлу ҳушим ширин мақолим,
Кеманга ўтириб кетмиш қачонлар,
Бўлак бир ўлкага етмиш қачонлар!.

Шундай қилиб, Нуриддин навҳа тортиб йиғлабди, сиқтабди, дод дебди, фарёд дебди. «Оҳ Марям, воҳ Марям, қайлардасан Марямхон, менинг ҳолим сенсиз энди не кечгай, мени тушларингда кўрасанми, хаёлингга келарманми?»— дея нола қилибди ва ҳасрати ортиб шу байтларни ўқибди:

Қайта-қайта ой юзинг кўрмоқни кўзлар кўзларим,
Ер ўпиб олдингда, ҳол сўрмоқни кўзлар кўзларим.
Кетди файз уйдан, ҳувиллаб қолди сенсиз дилбарим,
Бир қушдирмен, қакотсизмен, эдинг болу парим.
Жон ато қилгил қарашда, устухоним борса гар,
Жисм пайдо қил қарашма бирла, жоним борса гар.
Бўйла ошиқлар учун даркор экан бир жуфт юрак,
Биттаси ёр ила кетса, биттаси турмоқ керак.
Мен букун парвардигордан бир нима истар эдим:
Не деса, ёримни қайтар деб туриб, қистар эдим.

Нуриддин «Оҳ Марям, воҳ Марям» дея фарёд чекар экан, шу пайт бир қайиқдан қари бир киши чиқиб, унинг олдига келибди-да, йигитнинг йиғлаётганини кўриб, унинг тилидан шу байтларни ўқибди:

Оҳ, Марям! Афв этиб, гувоҳимни ўт!
Еш тўқдим, мен қилиб жисмимни булут.
Утли пушаймоним жоним ёқмоқда,
Оққан кўз ёшимда жисмим оқмоқда.

Сўнг чол Нуриддиндан: «Хўш, ўғлим, сен худди кеча фаранг билан кетган чўрининг дардида йиғла-япсан шекилли?»— деб сўрабди.

Нуриддин чолнинг гапини эшитибди-ю юраги ўйнаб, эси оғиб, бир қанча вақт беҳуш бўлиб ётибди. Кейин ўзига келиб ҳўнграб йиғлабди. У шундай ўкириб йиғлабдики, ундан ортиқ кўз ёши-ю, ундан зиёд фарёд бўлмас эмиш, сўнг у шу байтларни ўқибди:

Оҳ, ул маҳваш висолига етар кун бормикин,
Ену оғушида тонг оттирганим, тун бормикин?
Дўстлар, истаб топинг оламга жар солмоқ билан,
Ишқ аро мендан зиёда зору мафтун бормикин?..
Аввали ҳайдаб, қувиб, охир пушаймон айлаган
Эл ичида буйла бир беору малъун бормикин?..
Кечалар ҳатто тушимга кирмагай кўнглим учун,
Бу ҳаётда, айтинг эй аҳбоб, мазмун бормикин?..
Бормикин ул Лайливашнинг тенги бу олам аро,
Бу жаҳонда мен каби расвои Мажнун бормикин?..
Вой, минг вой! Муңчалар бахту саодатдан жудо.
Қомати ҳам, чеҳраси зард, толеи дун бормикин?
Марямим янглиғ гўзалии ҳеч киши кўрганмикин.
Балки, Нуриддин каби афғору маҳзун бормикин?..

Нуриддиннинг хушбичим ва келишганлиги, лаф-зининг ширинлиги, нозик дидлиги чолга маъқул тушиб қолибди-да, унинг ҳолига ачинибди. Раҳми келиб, унга ёрдам бермоқчи бўлибди. Бу чол ўша қиз сузиб кетган шаҳарга кетаётган бошқа бир кеманинг бошлиғи экан. Унинг кемасида юз нафар мусулмон савдогарлари бор экан. У киши Нуриддинга: «Бир оз сабр қилиб тур, худо хоҳласа, ишинг ўнгидан келади, муродингга етасан, мен сени қиз шаҳрига элиб қўяман...»— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
саксон биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, кема бошлиғи Нуриддинга: «Худо хоҳласа, сени ўша дилдорингга етказаман»,— дебди.

Нуриддин бўлса жонҳолатда: «Қачон жўнаймиз?»— деб сўрабди. «Яна уч кундан кейин сафар қарийди»,— дебди бошлиқ.

Нуриддин бошлиқнинг гапини эшитиб, жудаям хурсанд бўлибди. Унинг фазлу кароматига миннатдорчилик билдирибди. Шундан сўнг у ўша дилдори, кўнглининг мадори билан ўтказган лаззатли кунлар, ишратли тунларни эслаб, ҳозирги аҳволига хўрлиги келиб хўнграб йиғлаб, шу байтларни ўқибди:

Эй худойим, бизни қайтиб учратиб, бахтимни оч,
Кўрсатиб тангрилигингни, сен чиқаргил эҳтиёж.
Айласин тақдир насиб дилдор васлини менга,
Симтан, ширинсухан, гулёр васлини менга.
Сотсалар: жон нақди бирлан мен харидори анинг,
Етмаса жон нақди, саргардон умр бори анинг.

Шундан сўнг Нуриддин у ердан чиқиб, тарҳол бозорга йўл олибди. У сафар тараддудини кўриб, кема бошлиғининг олдига келибди.

Бошлиқ уни кўриб: «Хўш, ўғлим, нималарни кўтариб юрибсан?»— деб сўрабди. «Йўл озиғим»,— дебди Нуриддин. Унинг гапини эшитиб, бошлиқ хоҳолаб кулиб юборибди. Кейин: «Оббо тентак ўғлим-ей,— дебди у,— сен худди бирпасга сайлга кетяпсан шекилли, ахир бу ер билан борадиган жойимиз ўраси икки ойлик йўл-а, биласанми? Шундаям ҳаво

очиқ бўлиб, шамол бўлмай турса, акс ҳолда, нақ ундан ҳам кўп».

Кейин Нуриддиндан озроқ пул олиб, у кишининг ўзи бозорга борибди-да, етарлик йўл озиги сотиб олиб, кўзани ширин сувга тўлдириб берибди. То савдогарлар ишларини битириб келгунларича Нуриддин уч кун кемада қолибди. Ниҳоят, вақт-соати келиб кемага чиқишибди. Бошлиқ елканни кўтариб, чодирни ёйибди ва улар ҳайё-ҳу деб эллик бир кун йўл юришибди. Эллик иккинчи куни Қарсон қароқчилари уларга ҳужум қилиб, бутун молу молкни ўлжа олибди, ўзларини эса асир қилиб, Франгистонга келтиришибди. Уларни элтиб подшоларига кўрсатишган экан, у ҳаммасини зиндонга ташлашибди. Булар ичида Нуриддин ҳам бор экан. Уларни зиндонга олиб кетишадиган бир пайтда малика Марям Зуннория тушган кема ҳам ўша сўқир вазир билан етиб келибди.

Малика кемаси шаҳарга келгач, қизининг соғсаломат олиб келгани ҳақида вазир шоҳга хушхабар етказибди. Ноғоралар чалинибди, ҳамма ёқ жудаям яхшилаб безатилибди, шоҳ ўз аёну киборлари, аскару саркардалари ва жамики давлат арбоблари билан денгиз бўйига, малика истиқболига чиқибди. Кема қирғоққа етгач, ундан Марям тушибди, шоҳ қизини бағрига босиб кўришибди, қизи отасини қучоқлаб олибди. Шоҳ қизини эгарланган бир от олдига олиб борибди. Малика унга минибди. Қасрга етишгач, қизнинг онаси пешвоз чиқиб, қучоқлаб кўришар экан, қизидан: «Қалайсан, илгаригидай софмисан ё эркак теккан жувонмисан»,— дея ҳолаҳвол сўрабди. Шунда Марям онасига шундай дебди: «Э онажон, мусулмон юртида сотилиб, қўлдан-қўлга ўтган киши савдогарнинг қули, қизлар эса

чўриси бўлиб қолади. Савдогарнинг чўриси бўлган киз соппа-соғ қолармиди. Мени сотиб олган савдогар, кўнмасанг ўлдираман, деб зўрлади, ноилож хўп дедим, кейин у мени бошқасига сотди, униси ундан бошқасига сотди».

Унинг бу сўзларини эшитгач, онасининг кўз ўнги қоренгилашиб, ўзидан кетиб қолибди. Марям у гапларни отасига ҳам айтибди, уям даҳшатга тушиб, жони ҳалқумига келибди. Кейин у ўша гапини давлат арбобларига, саркарда-ю сарлашкар, аслзодаларга айтган экан, улар шоҳга: «Э шоҳ, қизингни мусулмонлар бузибди, энди бунни поклаш учун юз нафар мусулмоннинг калласини танидан жудо қилиш керак, шундагина қизинг гуноҳдан пок бўлади»,— дейишибди.

Шунда подшо ҳибсда ётган барча асирларни келтиришни буюрибди, уларнинг ҳаммасини олиб келишибди, улар ичида Нуриддин ҳам бор экан. Асирлар келтирилгач, шоҳ: «Битта қолдирмай калласини олинглар!»— деб буюрибди. Биринчи бўлиб кема бошлигининг бошини олишибди, кейин биринкетин савдогарларни ўлдиришибди, ниҳоят, битта Нуриддиндан бошқа ҳеч ким қолмабди. Жаллодлар Нуриддиннинг этагидан бир парчасини қирқиб олиб, кўзини бойлашибди. Сўнг қонли гиламга ўтқазиб, энди калласини танидан жудо қилмоқчи бўлиб турганларида, бирдан шоҳ олдига бир кампир келиб: «Э мавлоно шаҳаншоҳ, сен, қизимни топсам ҳар бир канисага хизматкорликка бештадан мусулмон асирларини бераман, деб аҳд қилган эдинг. Мана, худога шукур, Марям қизинг ҳам қайтиб келди. Энди сен ҳам ваъданга вафо қилгин-да»,— дебди.

Кампирнинг гапини эшитган подшо унга: «Э она, дини саҳиҳ, Исо масиҳ ҳақи, мана шу кўриб турга-

нинг асирдан бошқа кимса қолмади,— дебди,— сал келмаганинда уни ҳам қатл этишарди, майли, ўшани ола қол, то мусулмонлардан асир тушгунча канисада хизматингни қилиб юрар, яна қўлга асир тушса, қолган тўрттасини юбораман. Агар ўлдирмасимиздан олдинроқ келганинда, нечта асир десанг ҳам берган бўлардик».

Кампир бўлса, шунга ҳам шукур қилиб подшонинг меҳрибонлигига миннатдорчилик билдирибди. Унга узоқ умр, шону шавкат, иззат ва бақо тилабди ва дарҳол Нуриддин олдига келибди-да, уни «қонли гилам»дан етаклаб чиқибди. Кейин унга бундай қараса, у барвастагина, истараси иссиқ, келишгангина, юзлари сухсур, мисоли ўн тўртинчи куни кечаси кўринган тўлин ойдек бир йигит экан.

Кампир уни етаклаб, канисага олиб борибди-да: «Э ўғлим, эгнингдаги кийимларингни еч, чунки бу энгил-бошинг султонлар хизмати учун ярашади»,— дебди.

Кейин кампир Нуриддинга қора жун чакмон, қора жун рўмол, энликкина камар келтириб берибди. Нуриддин камарни белига боғлабди, рўмолни салла қилиб ўрабди.

Етти кунгача у ернинг хизматини қилиб юрибди. У канисада шу тарзда юрган экан, бирдан ўша кампир келиб, унга: «Ҳей, мусулмон, қани, шойи энгил-бошингни кийгину, мана бу ўн дирҳамни олиб, тезда туёғингни шиқиллатиб қол. Майли, бугунча ўйнаб юр, агар жонингдан умидинг бўлса, бу ерда қорангни кўрсатма»,— дебди.

Нуриддин кампирдан: «Нима бўлди, она?»— деб сўрабди. «Эй ўғлим,— дебди кампир,— билиб қўй, подшоҳимизнинг қизи малика Марям Зуннория ҳозир канисага келиб, ибодат қилмоқчи. У мусулмон-

лар юртидан саломат қайтсам, Исо масиҳ ҳақи, шу канисани зиёрат қиламан, деб сўз берган экан. Бу ерга у билан бирга тўрт юз нафар азиз мукаррам, ҳусну жамолда, фазлу камолда тенги йўқ қизлар ҳам келишади. Улар ичида вазиру вузаролар, амиру умаролар ва барча аркони давлат, арбоби ҳукумат қизлари ҳам бор. Улар ҳозир бу ерга келишади, агар сенга бирортасининг кўзи тушиб қолса, вассалом, жонингдан умид қилма, калланг кетади».

Бу гапларни эшитгач, Нуриддин кампирдан ўн дирҳам пулни олиб, ўз кийимларини кийганича, бозор томон жўнабди. У шаҳар кўчаларини кезиб, томоша қилар экан, шаҳарнинг паст-баланди ва барча дарвозаларининг қаердалигини билиб олибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
саксон иккинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда,

Нуриддин ўз кийимини кийиб, кампирдан ўн дирҳамни олибди-да, бозорга бориб, бир қанча вақт тентираб юргач, шаҳарнинг паст-баланди ва ҳамма дарвоза-ю томонларини билиб олибди. Кейин канисага қайтса Фарангистон шохининг маликаси Марям Зуннория у ерда экан. Унга ҳамроҳ бўлиб тўрт юз нафар кўкраклари баланд,

ой деса ойдек қизлар келишибди. Булар вазиру вузаролар, амиру умаролар, аркони давлат, арбобу ҳукмдорларнинг қизлари экан. Марям бўлса улар орасида худди юлдузлар ўртасидаги ой каби турганмиш.

Нуриддиннинг кўзи Марямга тушибди-ю, ўзини тутолмай, вужуди бўшашиб кетибди ва жонҳолатда «Марям! Э Марям!»— деб бақирибди.

Қизлар «Э Марям!» деган овозни эшитишлари биланоқ унга ташланибдилар ва ялтиллаб турган ўткир қиличларини суғуриб, шартта ўлдирмоқчи бўлишган экан, шу пайт Марям уни кўриб қолибди. У диққат қилиб қараса, ростдан ҳам ўша Нуриддин. «Тўхтаглар, бу йигитга тегманглар! Афтидан, у жиннига ўхшайди»,— дебди Марям жонҳолатда.

Нуриддин Марям беканинг бу гапини эшитгач, яланг бош бўлиб, кўзини лўқ қилиб, қўлларини у ёқ-бу ёққа айлантириб оёғини қийшайтирибди-да, оғзининг икки чеккасидан кўпик чиқара бошлабди. Шунда Марям бека қизларга: «Айтмадимми сизларга бу жинни деб? Қани, менинг олдимга келтириб, ўзларинг нари турларинг-чи, мен ўзим у билан гаплашиб кўрай: мен арабларнинг тилини биламан. Унинг аҳволини кўрай-чи, жунунлигини даволай олармиканман ё йўқми?»— дебди.

Қизлар дарҳол уни кўтариб, маликанинг олдига элтишибди-да, ўзларини четга олишибди. Марям унга: «Сен мени деб бу ерларга келиб, хавф остида ўзингни қийнаб, жинниликка солибсан-да?»— дебди.

Нуриддин бўлса маликага: «Э бекам, шоирнинг мана бу сўзини эшитмаганмисан?»— дебди-да, қуйидаги шеърни ўқибди:

Дейдилар: «сен ўйнагэн бу ишқ» Мажнунвор ишқ!..

Мен дедим:— ўтгай умр лаззагли, токи бор ишқ!..

Таъна этмасдан жунуним, мен дейин нақд, ўрганинг,

Кўп ўқиб ул Лайли Мажнун қиссасин, ақл ўрганинг!

«Худо ҳақи, э Нуриддин,— дебди Марям унга,— сен ўзингни балога гирифтор қиласан. Мен худди мана шундай бўлишини сезиб, бундан олдин сени

огоҳлангирган эдим. Лекин гапимни қулоққа олма-
динг, ўз ҳавойи нафсинг кетидан кетдинг. Мен сенга
уни ё пайғамбарлик қилиб, ё кашф қилиб, ё фаро-
сат билан, ё тушда фол кўриш билан айтмаган
эдим. Балки бўлиши мумкин бўлган айни аҳвол эди.
Чунки мен кўр вазирни кўрдиму, бу шаҳарга у мени
қидириб келганини пайқадим, унинг бундан бўлак
мақсади йўқ эди». «Э бекам,— дебди Нуриддин,—
ўтган ишга саловат, хатойимни оқилу доно худонинг
ўзи кечирсин».

Нуриддин шундай дебди-ю, аҳволи ёмонлашиб,
шу шеърларни ўқибди:

Қул агар қилса гуноҳ, ул шоҳи одил афв этар,
Ким қоқинса йўлда, сиз менга тўнканг. Шу етар.
Ким хато этса, надомат қилса-ю, юз чекса оҳ,
Не учун унга жазо даркор ўлур, бўлмай паноҳ?..
Мен гуноҳ қилдим, яна келдим гуноҳимни тилаб,
Эй муруватли нигоро, кўнглим ол, бошим силаб!..

Шу тариқа Нуриддин билан Марям Зуннория
иккови бир-бирига гина-гизрат қилишиб, чунон гап-
лашишибдики, айтган билан тугамайди. Ҳар ким
бошидан кечирганларини ҳикоя қилиб берибди, тур-
ли-туман шеъру байтлар ўқилибди, кўзларидан ми-
соли селдай шашқатор ёш тўкилиб, ёноқларига
тушибди. Ишқу муҳаббат ўтида зорланиб, ҳоли
аламдан забун, абгорланиб, танда мадор қолмагун-
ча сўзлашибдилар, кеч кириб, шом бўлгунча юзла-
шибдилар.

Марям беканинг эғнида дурру жавоҳирлар қа-
далган зардўзи яшил кўйлаги бор экан. Жонан ўша
кўйлагини кийгач, шундай зебо, жон офати, дилрабо
бўлиб кетибдики, кўрган билан кўз тўймас, тек тур-
гани нафс қўймас экан. Бир шоир ўшандайлар ҳа-
қида мана шу байтларни айтган экан:

Келди у, кўрдим, либоси янги, зардўзи экан,
Ой десам, ойдан чиройли ул гўзал ўзи экан.
Тугмалар кўксин ёлиб, зулфи паришон ҳолида,
Ол рухсори ловуллашда, олов тимсолида.
Мен дедим:— исминг надир?.. Айтди: оти Еқут эмиш,
Яъни, ишқ аҳлин юрак-бағрига тушган ўт эмиш.
Мен дедим:— қилди адо сабрим, ғами ҳижронларинг,
У деди:— ҳеч кор этмас нолаву афгонларинг!..
Тош эрур бағрим менинг! Боргил йўлингда эртароқ!
Мен дедим:— парвардигор тошдан ато этмиш булоқ!..

Қош қорайгач, Марям бека қизларга қараб:
«Дарвозаларни беркитдингларми?»— деб сўрабди.
Қизлар бўлса: «Бекитганмиз бекам»,— дейишибди.
Шундан сўнг Марям қизларни нурлар онаси бўл-
миш «Биби Марям макони» деган жойга бошлаб
келибди. Насаролар Биби Марям сирру руҳоният-
лари келади, деб ўша жойга эътиқод қилар эканлар.
Қизларнинг ҳаммаси ўша табаррук жойларни зиё-
рат этиб, канисани тавоф қилибдилар. Канизу дуго-
налар зиёратни тугатгач, Марям уларга ўгирилиб:
«Мен бир ўзим канисага кириб, ибодат қилмоқчи-
ман. Чунки мусулмон юртларида юриб, кўпдан бери
бундай жойларда бўлмаганимдан ибодат қилишни
жуда соғинганман. Сизлар зиёрат қилишни тугатган
бўлсанглар, истаган жойларингда ётаверинглар»,—
дебди. «Хўп бўлади бекам, сен ўзинг кўнглинг нима-
ни истаса, шуни қил»,— дейишибди қизлар ва кани-
сада ҳар томонга тарқалиб ўзларига ётар жой топи-
шиб, ухлашибди. Марям бўлса уларни ғафлатда
қолдириш учун шу йўлни ўйлаб топган экан. У дар-
ҳол Нуриддинни ахтара бошлабди. Қараса, йигит
бир чеккада мўлтиллаб, унга мунтазир бўлиб ўти-
рибди. Марям унга яқинлашгач, йигит дарҳол ўрни-
дан туриб, дудоқларини ўпибди, қиз уни ёнига ўтқа-
зиб, қиммат баҳо дурру гавҳарлар қадалган кийим-

кечагу ич кўйлақларигача барисини ечиб ташлаб, Нуриддинни аввал ўз кўкрагига босибди, сўнг уни тиззасига олиб ўтирибди. Икковлари «улфати ду, унда маза-ку» қилишиб, бир-бирларини қучоқлашганларича чунон ўпишибдики, ундан «пақ-пақ», «чўлп-чўлп» овоз чиқибди. Улар: «Эҳ, фироқ кунлари узуну, дийдор тунлари қисқа-я»,— дейишиб, шоирнинг ушбу шеърларини ўқишибди:

Ҳар висол базми туни бўлмас биринчи кечадек,
 Утса кун бир дамчалик, ҳам кечаси бир йилчалик.
 Чунки, тун бошлансину этсин давом, тонг отмасин,
 Шум рақибларнинг хўрози қичқириб, уйғотмасин!
 Доимо ҳижрон туни аччиқ ичакдек чўзилур,
 Васл тонгини кутиш бирла ичаклар узилур.

Улар иккови шундай лаззату ишратда бир-бирининг дийдорига етишиб ўтирганларида, бир ходима ибодат қилмоқчи бўлганларни турғизмоқчи бўлиб, қўққисдан каниса томидаги қўнғироқни уриб қолибди. Улар чўчиб тушишибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Марям Зуннория Ну-



Саккиз юз
 саксон учинчи
 кеча

риддин билан топишиб, то ходим канисанинг томига чиқиб, қўнғироқ чалгунча лаззату ишратда бўлибди. Ибодатга қўнғироқ чалинганда, Марям ўзининг қиммат баҳолибосларини кийиб, безакларини тақибди. Ундан ажралиш Нуриддинга оғир туюлибди. Қайғудан қўнгли бузилиб, йиғлаб юборибди.

У кўзларидан шашқатор оби дийдасини оқизиб, шу байтларни ўқибди:

Оҳ, бир замон лабидан олиб неча бўсалар,
Тишлар билан ёноғига муҳрим босар эдим.
Этмай писанд, тамасхўр эли гар гапурсалар,
Зувнор этарда бўйнига қўлиб осар эдим.
Сергак чақимчи кўзлари бир он юмилса бас,
Лаззатланишга фурсатини биз топиб қулай.
Жомлар чалиб, чақирса намозга: у шарт эмас,
Шошиб-пишиб кийинса нигору, йиғилса жой..
Қўрқар эди, чақимчи бараҳман, мошах кўриб,
Тўлғизсалар мазамаат ила черков уйини,
Рад этсалар бу ишқин ёмон деб, гуноҳ кўриб,
Кўмсам уларни, фисқу фасод — гуфтигўйини!..

Кейин Марям бека севиклиси Нуриддинни бағрига босиб, ёноқларидан ўпибди ва ундай: «Э Нуриддин, бу шаҳарга келганингга неча кун бўлди?»— деб сўрабди. «Етти кун»,— деб жавоб берибди Нуриддин. «Шаҳар кезиб, у ёқ-бу ёқни кўриб, денгизу қуруқликка олиб чиқадиган эшик-тешикларни билиб олдингми?»— деб сўрабди. Нуриддин: «Ҳа, билиб олдим»,— дебди. Марям: «Канисанинг назр сандигига олиб борадиган йўлни-чи?»— деб сўраган экан, йигит: «Ҳа, униям биламан»,— дебди. «Сен буларнинг ҳаммасини яхшилаб билиб олган бўлсанг, дебди Марям,— эртага қоқ ярим кечада дарҳол назр сандиқ олдига бор-да, истаганингча тилла ол. Кейин каниса эшигини очиб, йўлакдан тўғри юрсанг, денгизга чиқасан. У ерда бир кичкина кема ва ўн нафар денгизчи бор. Кема бошлиғи сени кўриши билан қўл узатади, сен ҳам қўлингни чўзсанг, кемага тортиб олади. То мен келгунча ўшанинг олдида ўтира тур, аммо, ниҳоятда эҳтиёт бўл, зинҳор биров пайқамасин. Тагин фалокат босиб ухлаб қолма, огоҳ бўл. Акс ҳолда нақ тилингни тишлаб қоласан. Била-

санки, «Кейинги пушмон, ўзингга душман» деганлар. Сўнг ҳар қанча дод-вой қилиб, пешонангга урганинг билан бефойда».

Шу тариқа Марям бека Нуриддин билан хайрлашиб чиқибди-да, барча қизларни уйғотиб, уларни бошлаб каниса дарвозасига келибди. Улар дарвозани қоқишган экан, кампир чиқиб очибди. Марям кирса, ичкарида ходимлар ва батриқалар турган эмиш. Улар ипак-адраслар билан ясатилиб, эгарланган хачирни маликага етаклаб келишибди. Марям унга минибди, батриқа етаклабди, қизлар уларнинг кетидан кетаверишибди. Ниҳоят, қасрга етишибди.

Марям Зуннория билан бўлган воқеа мана шу. Ҳозирча у шу ерда тура турсин, энди Нуриддин Мисрийга келайлик.

Нуриддин тонг отгунча Марям билан бирга бўлган ўша парда орқасида бекиниб турибди. Кейин тонг отиб, каниса дарвозалари очилиб, одамлар кўпайгач, у ўзини улар ичига уриб, каниса мутаваллиси — кампир олдига келибди. «Бу кеча қаерда ётдинг?»— деб сўрабди кампир Нуриддиндан. «Ўзинг айтгандек, шаҳарга кираверишдаги бир маҳаллада»,— дебди Нуриддин. «Яхши қилибсан ўғлим,— дебди кампир,— агар бу кеча канисада тунаганингдами, малика сени қийма-қийма қилиб ўлдирарди». «Худога шукур,— дебди Нуриддин,— бундай туннинг ёмонликларидан мени ўзи асрабди».

Нуриддин канисада ўз одатий иши билан машғул бўлибди-да, ниҳоят кун кетиб, қоп-қоронғи тун киргач, аста бориб, назр сандиқни очибди. У ердан кўтарганича қиммат баҳо гавҳару тиллалардан олибди. Сўнгра туннинг ярмигача кутиб тургач, «худонинг ўзи асрасин»,— дебди-да, канисанинг денгизга олиб борадиган томонидаги дарвозани очибди ва тўғри

денгизга чиқибди. Қараса, денгиз бўйида ўша айтган кема турган экан. Унда бир нуронийгина чол — кема бошлиғи бор экан. Бошлиқнинг соқоли узун бўлса-ям, ўзи анча бақувват кўринармиш. У кеманинг ўртасида турганмиш, ён-верисида унинг ўнта одами бор эмиш. Нуриддин, худди Марям айтгандек, қўлини чўзган экан, бошлиқ уни қирғоқдан кемага тортиб олибди. Шундан сўнг кема бошлиғи денгизчиларига бақириб: «Қани, қозиқдан кемани бўшатишлар, тонг отгунча сузиб қолайлик»,— дебди. Шу пайт ўша ўнта одамнинг бири: «Э жаноб бошлиқ,— дебди,— биз қандай қилиб кетамиз, эртага подшо шу кемага тушиб, қизидан хабар олгани бориши керакку. Ахир у мусулмон қароқчилари малика Марямни ўғирлаб кетмасин, деб хавотир олади».

Бошлиқ ўз одамларига даҳшат билан бақириб: «Ҳали шунақа денглар, лаънатилар, тилларинг чиқиб, гапимга кирмай, қаршилиқ қиладиган ҳам бўлдиларингми?!»— дебди-ю қиличини қинидан суғуриб, ҳалиги гапирган кишининг бўйнига солибди. Қилич унинг калласини бўйнидан жудо қилиб, қонга бўялиб чиқибди. Шунда кимдир: «Ошнамининг нима гуноҳи бор эдики, калласини танидан жудо қилдинг?»— дебди. Бошлиқ унинг ҳам калласини олибди. Шу тариқа у бирин-кетин ўнта денгизчининг ҳаммасини қириб, қирғоққа отиб ташлабди. Кейин Нуриддинга ўгирилиб: «Қани, тушиб, арқон бойланган қозиқни суғуриб ол!»— деб бақирибди. Нуриддин, менинг ҳам ажалим етибди-да, деб қўрққанича, итоат қилиб, қирғоққа сакрабди. Қозиқни суғуриб зингиллаганича кемага чиқибди. Бошлиқ Нуриддинга: «Ундай қил, бундай қил, бундай бура, ундай бура, юлдузга қара!»— деб иш буюраверибди. Бошлиқ Нуриддинга қандай буйруқ берган бўлса, ҳаммасини

бажо келтирибди. У ҳар дам жонини ҳовучлаб турар экан. Кейин бошлиқ елканни кўтарган экан, кема шўх тўлқинлар мавж уриб турган денгизда суза кетибди.

Қисса шу ерга етганда тонг этди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
саксон тўртинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, ўша бошлиқ чол елканни кўтарган экан, кема мавж уриб турган денгиз томон суза кегибди. Ишлари ўнг келиб, шамол ҳам буларга ёрдам берибди. Нуриддин бўлса рожнъни маҳкам ушлаганича хаёл денгизига шўнғиб кетибди. У нима қилишини билмай боши қотган, ақли шошган. Алланималар унга махфийдай, лекин бу яширин нарса нимакин — буни билолмасди. Кўзи бошлиққа тушса, унинг ҳайбатидан юраги орқасига тортиб кетармиш. Лекин бу чол қурғур кемани қаёққа ҳайдаб кетяпти, шуни билолмай гаранг эмиш. Шу алфозда ваҳима билан телбаларча васвасада тонг оттирибди. Бир вақт бошлиқ узун соқолини ушлаб тортган экан, соқол ўз жойидан кўчибди, у ёпиштирилган — ёлғондакам соқол экан. Диққат қилиб қараса, қаршисида ўз севгилиси, маъшуқаю маҳбубаси Марям бека турганмиш. Ҳайрон бўлиб, оғзи очилиб қолибди. Билса, у ҳийла ишлатиб, кема бошлигини ўлдириб, унинг соқолини териси билан шилиб олиб, ўз юзига ёпиштириб олган экан.

Нуриддин Марямнинг шу қадар шижоати ва довиюраклигидан гоятда таажжубга тушибди. Севин-

ганидан довдираб қолибди. Сўнг ўзини тутиб, бир оз хотиржам бўлиб, кўнгли жойига тушибди. «Марҳабо, менинг орзу-тилагим, марҳабо, менинг умид-виятим!»— дебди Нуриддин ва қучоқ очиб унга отилибди. Йигит шавқу тарабнок бўлиб, ўз ёрига, дилдаги хуморига етишганига ишонибди. Ниҳоят, яхши бир нағмага солиб, шу байтларни ўқибди:

Ўзгаларни бенасиб этган нигорим бор менинг,
Севги шеъридек гўзал, мардона ёрим бор менинг.
Шум рақиблар келса дуч, ишқ оташидек гуркира,
Ишқнинг маъносини чин ишқ аҳлидан сўра!
Сенга аҳволим аёну лек, элдан ёшурун.
Васл ҳақида гапирмак ёр лаълидек ширин.
Бошласам васфингда сўзлашни, тамом бўлгунча то.
Эҳтиросим куч олиб дейдир: «давом эт, марҳабо!
Зор кўнглим шавқи-завқи ошмагидан ончинон,
Фош айлаб севгисин, эл ичра қилмиш дoston.
Ишқ важҳидан эшитмак таъналар: мумкин эмас,
Ҳеч унутмасман уни, номини ёдлаб ҳар нафас.
Бўлса ҳам юрган йўлимга диққат этмак бирла, гов,
Бўлса ҳам кўрган кунимга нописанду беаёв,
Чўғ босиб қалбимга, жон-жисмимни ул куйдирса ҳам,
Ишва бирла мен қулини жонидан тўйдирса ҳам,
Уйқусизликда кўзим ҳар кеча бедор ўтса ҳам,
Жон чекиб дарду ғамин, бу жисм бемор ўтса ҳам.
Неча қасд айлаб менга рашки, мени қилсин ҳалок,
Ўлдиришга шум рақиблар майли этсин иштирок,
Зулму тухматни улар билсин адолат, майлига,
Бор адолат ўрнини олсин адоват, майлига,
Бир йигитга шунчалар озорлар, севги учун,
Макру найранг ипларидан дорлар севги учун,
Етса етсин менга, аммо сенга озор етмасин,
Мен етиб келдим сенинг ёнингга, ағёр етмасин!
Евларим инсофга келса, кўнгли юмшаб не ажаб,
Кўргузиб раҳм ила шафқат, юз буриб қаҳру ғазаб,
Тухмату бўҳтончиларнинг сўзи ёлғонга чиқиб.
Ўзгалар фисқу, фужуру таъни тахмонга чиқиб,
Дард кетиб дилдан, жароҳатлар битиб, соғу омон,

Қайтадан қурсак висолнинг базмини, эй меҳрибон!
Шунда хоҳ қийна менинг жонимни, хоҳ бахш эт висол,
Хоҳла ноз ила карашма айла, хоҳ кўнглимни ол!
Барчасин қилдим ҳавола: хоҳла зулм, хоҳла карам,
Ихтиёримдир қўлингда, эй севимли муҳтарам!..

Нуриддин шеърни ўқиб бўлгач, Марям бека ғоят хурсанд бўлиб, бу сўзларга миннатдорчилик билдирибди: «Бундай аҳволда ким қаҳрамон эрлар йўлини тутмас экан?— дебди Марям бека,— севган ёри йўлида ҳар қанча паст ишларни қилса ҳам арзийди».

Довюрак Марям бека ҳар нарсага қодир, кема бошқарув ишларига моҳир экан. У барча шамолу, унинг юришлари ва денгиз йўлларини яхши билар экан. Нуриддин унга: «Худо ҳақи, э бекам, сен ўзингни танитмай, ўша кўйда индамай кетаверсанг, ростдан ҳам қўрққанимдан юрагим тарс ёрилиб ўлардим, ўзим ёр висоли иштиёқида кўйиб қовурилсам, яна бу етишмагандай «ўлганнинг устига кўмган» қилиб, қандай балога гирифтор бўлдим, деб қўрқдим».

Марям хохолаб кулиб юборибди-да, дарҳол туриб ноз-неъмат келтирибди. Шундай қилиб, улар қўрқув ва даҳшатни унутиб, шоду хуррамликка ўтишиб, еб-ичиш ва кайфи чоғликни бошлаб юборишибди.

Вақти чоғлик охирида қиз ўзи билан олиб келган, вазни енгилу лекин баҳоси отасининг хунини сўрайдиган ёқуту гавҳарларни, ҳар хил қиммат баҳо маъдану захираларни, анвои олтину кумушларни чиқарибди. Буларнинг ҳаммасини у хазинадан ва отасининг қасридан олиб, Нуриддинга келтирган экан. Нуриддин уларни кўриб, беҳад қувониб, оғзи қулоғига етибди. Бу орада муътадил шамол туриб, кема ҳам тинчгина сузаверибди. Шу тариқа улар сузиб-сузиб, ниҳоят Искандария шаҳрига етиб кели-

шибди. Шаҳарнинг эски ва янги кўрсаткич аломатларини, устун қилиб қўйилган лангарларни кўришибди. Улар бандаргоҳга етишгач, Нуриддин дарров кемадан туриб, уни махсус тошларга бойлабди. Йигит Марям келтирган ўша захиралардан оз-моз олибди-да, унга: «Э Марям бекам, сен шу ерда тура тур, мен ҳозир қайтиб келаман. Сўнг икковимиз шаҳарга хотиржам кириб борамиз»,— дебди. Қиз унга: «Лекин тез қайтиб кел, чунки бунақа ишда бамайлихотирлик надомат келтиради»,— дебди нолиб.

«Хотиржам бўл. Менда унақа бамайлихотирлик йўқ»,— дебди Нуриддин.

Шу билан қиз кемада қолибди, Нуриддин эса отасининг дўсти аттор чолнинг уйига равона бўлибди. У чолнинг уйдан, Искандария шаҳрида хотинлар киядиган паранжи-чачвон, кавуш ва лозим олиб келмоқчи бўлган экан. У оёғини қўлига олиб, зингиллаганича борар экан, пешонасида нима ёзиғлигини, уни қандай кўргиликлар кутиб турганини билмас эди.

Марям ва Нуриддин иккови билан бўлган воқеа мана шу экан. Булар шу ерда тура турсин, биз энди қизнинг отаси, Фарангистон подшоҳига қайтайлик.

Подшо эрталаб туриб қараса, қизи Марям кўринмабди. У ёқ-бу ёқни қидиришибди, йўқ эмиш. Каниз ва ходималаридан суриштирган экан, улар шоҳга: «Э мавлоно, малика кечаси туриб, канисага кетди, ундан кейин қаёққа кетганини билмаймиз, қайтиб келгани йўқ»,— дейишибди.

Шоҳ шу хилда канизу ходималар билан гаплашиб турган экан, бирдан қаср тагидан икки марта қаттиқ овоз эшитилиб, ҳамма ёқ ларзага келибди. Шоҳ: «Нима гап?»— деб сўраган экан, улар: «Э ма-

лик, денгиз бўйида ўн киши ўлиб ётибди. Сизнинг кемангиз ҳам йўқ. Текшириб қарасак, денгиз томондан канисага борадиган йўлакдаги эшик ҳам ланг очик. У ерда хизмат қилиб юрган мусулмон асир ҳам ғойиб бўлибди»,— дебдилар. «Денгиздаги кемам йўқолган бўлса,— дебди шоҳ,— қизим Марям шак-шубҳасиз ўшанда кетган. Ҳа, худди шунда кетган, бошқача бўлиши мумкин эмас».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
саксон бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Фарангистон шоҳи ўз қизини йўқотиш билан бирга «Кемангиз ҳам йўқ»,— деган ёмоч хабар эшитибди. Шоҳ: «Агар кемам йўқолган бўлса, қизим Марям шак-шубҳасиз ўшанда кетган, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас»,— деб жавоб берибди.

Ундан сўнг подшо бандаргоҳ бошлиғини чақиртирибди-да: «Исо масиҳ, дини саҳиҳ ҳақи, оёғингни қўлингга олиб аскарлар билан жўнайсан, дарҳол кемамни топиб, унга тушиб қочган қизимни ҳам олиб келмасанг, гўштингни қийма-қийма қилиб ейман»,— дебди. Шоҳ бандаргоҳ бошлиғига шундай бақирибдики, у бечора қўрққанидан дағ-дағ титрабди. У дарҳол канисадаги кампирни топдириб келиб: «Сен ўша асирни суриштирганмисан, қаерлик экан ўзи, қайси мамлакатдан келган?»— деб сўраган экан, у: «Ҳа, у: «мен Искандария шаҳриданман»,— деган эди»,— деб жавоб берибди. Бошлиқ кампирнинг гапини эшитган

замони бандаргоҳга қайтиб, денгизчиларига: «Қани, азаматлар, отланинглар, елканни қўйинглар»,— деб буюрибди. Улар бошлиқ айтгандай отланибдилар. Шундай қилиб, кеча-ю кундуз тинмай, ҳеч бир ерда дам олмай, тўлқинга парво қилмай, ниҳоят, улар Искандария шаҳрига етиб келишибди. Улар бу манзилга, Нуриддин Марям бекани кема ичида қолдириб, ўзи шаҳарга кетган соатда етиб келишган экан. Марямни Нуриддиндан сотиб олган шоҳнинг ўша сўқир вазири ҳам кемада бирга келган экан.

Фаранглар бойлаб қўйилган кемани кўришиб, уни танибдилар ва кемаларини нарироққа бойлаб, ўзлари қайиққа минишибди. Улар сузиб, ниҳоят, икки газ келадиган паст қирғоққа келишибди. Бу қайиқларда юзлаб аскарлар, улар билан бирга золимликда беназир, ҳийлакору мутакаббир, шайтонлар шайтони, инсонлар устомони, илэн ёғини ялаган, минг хил тусда туллаган ўша сўқиру чўлоқ вазир ҳам бор экан. Унинг ҳийласига ҳеч ким чора тополмас экан.

Фаранглар эшкак эшиб, суза-суза ниҳоят, Марям кемасига яқинлашибди-да, ҳаммалари бирваракайига ёпирилиб, кемага отилибдилар. Кириб қарашса, унда Марям бекадан бошқа ҳеч ким йўқ эмиш. Улар кема билан маликани қўлга тушириб, қирғоққа чиқибдилар ва у ерда бир оз бўлишиб, дарҳол кемаларига қайтишибди-да, уришсиз, несиз, мақсадга эришиб, Рум вилояти сари йўл олибдилар. Улар кўп сузишибди, шамол яхши юрибди, йўл тинч бўлибди ва ниҳоят Фарангистонга етиб келибдилар-да, маликани ўз тахтида ўтирган шоҳ даргоҳига олиб киришибди. Отаси қизига назар солиб, шундай дебди: «Ҳе башаранг қурсин, сен хоинни, ота-бобонг, аждодларинг юзига оёқ қўйиб, таянчимиз Исо масиҳ

дини ни тарк қилиб, ислом динига кирдингми, аблаҳ!
Демак, салиб ва санамларга қарши қилич ялан-
ғочлаганлар динини қабул қилибсанда-а?!»

«Меенда гуноҳ йўқ,— дебди қизи,— мен тунда ка-
нисага кириб, у ерда биби Марямни зиёрат қилиб,
унга сиғинмоқчи эдим, ғафлатда қолибман, мусул-
мон қароқчилари ёпирилиб келиб, оғзимга латта ти-
қиб, қўл-оёғимни боғлаб олдилар. Кейин кемага
солиб, ўз юртларига олиб кетишди. Мен уларни ал-
даб, улар дини ҳақида гаплашдим, кейин улар
кўнгли юмшаб, қўл-оёғимни ечиб юборишди. Сен
юборган одамлар кетимдан етиб бориб, мени халос
қилишига ҳеч кўзим етмаган эди. Худога минг қай-
та шукур. Исо масиҳ, дини саҳиҳ ҳақи, уларнинг
қўлидан қутулганимга беҳад хурсандман. Мусул-
монлар асирлигидан халос бўлиб, хотиржам бўлдим,
кўнглим жойига тушди».

Шоҳ бўлса боягидан дарғазаб бўлиб қизига ба-
қарибди:

«Тилёғламалик қилиб, алдаяпсанми, сен бено-
мус! Сени бурда-бурда қилиб, гўштингни ваҳший
ҳайвонлару қузғунларга сочмасам, юрган эканман.
Аввалги қилғилигинг етмасмиди, яна ҳийла-ю най-
ранг ишлатиб, тилёғламалик қилмоқчисан!»

Шоҳ қаттиқ ғазабнок бўлиб, Марямни ўлдир-
ишга, танини салибга тортиб қаср дарвозасига қоқиб
қўйишга буюрибди. Шу пайт ўша сўқир вазир кириб
келиб қолибди: У Марямга кўлдан бери ишқибоз
бўлиб, унга уйланиш чорасини тополмай юрар экан,
у дарҳол: «Э шоҳ, уни ўлдирма, менга хотинликка
бера қол,— дебди,— чунки мен уни жудаям яхши
кўраман. Мен унга қаттиқ харсанг тошлардан, дунё-
да энг балағд бир қаср қуриб бераман-да, кейин
унга қўшиламан. Негаки, бундай қасрга ҳеч қандай

Ўғри ва ё қароқчи қиролмайди. Қаср битгач, унинг дарвозасида ўттизта мусулмонни сўяман, улар ўзим ва маликадан Исога қурбонлик бўлади»,— дебди.

Шоҳ маликани вазирга хотинликка беришга рухсат этибди, роҳиб ва батриқаларга изн юбориб, вазирга никоҳлаб беришни буюрибди. Шундай қилиб, Марям бека ўша сўқир вазирга берилибди. Шоҳ қизига лойиқ баланд қаср қуришга амр қилибди, қурувчилар ишга киришибди.

Малика Марям. унинг отаси ва сўқир вазир билан бўлган воқеа мана шу. Улар шу ерда тура турсин, энди Нуриддин билан аттор чол воқеасига қайтайлик.

Нуриддин отасининг дўсти атторникига бориб, хотинидан лозим, паранжи-чачвон, зайфона кавуш ва исқандариялик хотинлар киядиган кийим-кечак олиб тўғри денгиз бўйига қайтибди. У борса, қиргоқда на кема-ю ва на Марям бормиш. У мисоли борар ери узоқ одам дашту биёбонда нима қилишини билолмай, ҳангу манг қолгандай бўлибди.

Кисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Саккиз юз
саксон олтинчи
кеча



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Нуриддин денгиз бўйига келса, на кема, на Марям бормиш. Худди чўлу биёбонда қолиб кетган одамдай нима қилишини билмай, турган жойида тахтадай қотиб қолибди. Кўз ўнги қоронғилашиб, кўнглини қайғу-алам босибди, бунга чидай олмай йиғлаганича шу байтларни ўқибди:

Мени хаёл босмоқда, даҳшат солиб, қўрқитиб,
Шум саҳронинг уйқуси кўзларимни элтганда,
Ваҳму хаёл тарқалди, чўл уйғониб, вақт етиб,
Ҳамма ёқ тинч, мақсадим йироқларга етганда.

Нуриддин шу алфозда у ёқ-бу ёққа аланглаб, денгиз бўйида бир тўда одамларни кўриб қолибди. Улар: «Э мусулмонлар, Искандария шаҳрининг об-рўйи қолмади. Қим хоҳласа, келиб истаган ишини қилиб кетяпти. Бировдан «Кимсан? Қаердансан? деб сўрайдиган киши йўқ. Фаранглар нақ қароқчилик қилиб ўлжа олиб кетадиган ҳам бўлибди. Улар билган ишини қилиб, шаҳарларига қайтиб кетяпти-ю, қани на бирон мусулмон, на ғозий аскарлар «ҳай-ҳай» деб чиқса!»— дейишар эди.

Нуриддин гала-говур бу гапларни эшитиб: «Нима гап ўзи?»— деб сўрабди. Улар: «Э ўғлим,— дейишибди,— фарангларнинг бир кемаси келди, ичида аскарлари ҳам бор экан. Улар худди яқингинада бизнинг бир кемамизга ҳужум қилиб, ичидаги бор буди билан ўз юртига жуфтакни уриб қолди».

Нуриддин бу гапларни эшитиши биланоқ ўздан кетиб йиқилибди. Кўзини очгач, ундан ҳол-аҳвол сўрашган экан, у бошидан ўтганларининг ҳаммасини бирма-бир гапириб берибди. Нуриддин аҳволини билишган у ердаги одамлар уни койиб танбеҳ бера бошлабди: «Нега энди паранжи-чачвонда олиб кетмоқчи бўлдинг уни? Шундоқ олиб кетаверсанг бўлмасмиди, ё бўри ермиди?»

Одамларнинг ҳар бири ачинганидан уни ўзича уришар, бу гаплар эса йигитни баттар қийнар эди. Баъзилар: «Уни ўз ҳолига қўйинглар, ўзиям шунча машаққат кўриб бўладигани бўпти, энди қийнаманглар»,— деса, баъзилар ҳамон уни койир, аччиқ-аччиқ гаплар билан бағрини доғлар эди. Бу гаплар-

дан йигитнинг боши гангиб, кўз ўнги қоронғилашибди ва ўздан кетиб йиқилибди.

Нуриддин билан одамлар шу алфозда туришган экан, бирдан аттор чол келиб қолибди. Аттор бу одамларнинг тўпланиб турганини кўргач, нима гап экан, деб оломон ичига кирибди. Бундай қараса, ерда Нуриддин беҳуш бўлиб ётибди. Аттор чол йигитга энгашиб, уни ҳушига келтирибди. Нуриддин кўзини очгач: «Ҳа, ўғлим, нима гап ўзи?»— дебди чол. «Э амаки,— дебди Нуриддин,— ўша чўри қизни отасининг юртидан кемада шу ерга олиб келган эдим. То бу шаҳарга келтиргунимча озмунча машаққатлар тортмадим. Бу ерга етиб, кемани қирғоққа бойладиму, ўзим унга кийим-кечак олиб келиш учун сенинг уйингга жўнадим. Мен уни бу шаҳарликлар кийимида олиб борсам, ҳеч ким сезмай қолар деб ўйлаган эдим. Бу орада фаранглар келиб, кема билан қизни ҳам олиб кетишибди».

Аттор унинг гапларини эшитгач, хафа бўлиб, ҳатто кўз ўнги қоронғилашибди. Унинг дардига шерик бўлган чол минг-минг пушаймон қилиб: «Э ўғлим,—дебди Нуриддинга,— тентак бўлдингми ўзинг, нега энди кемадан бепаранжи олиб чиқавермадинг қизни? Бўпти, ўтган ишга саловат, сўнгги пушмон, ўзингга душман, энди гап-сўздан фойда йўқ, яхшиси, ўрнингдан тур, шаҳарга борамиз. Худойи таоло, ол қулим деса, сенга ундан ҳам гўзал қиз топилиб қолар. Унга уйлансанг, аввалгиси эсингдан ҳам чиқиб кетади. Худога шукур, ўзинг соғ-саломат қолибсан, ҳатто у-бу нарсалик бўлиб ҳам олибсан. Билиб қўй, ўғлим, бирлаштириш ҳам, жудо қилиш ҳам эгам поки парвардигор қўлида, хафа бўлма». «Э отахон,— дебди Нуриддин,— худо ҳақи, севгимни унутишим қийин. Токи, танда дармон бор

экан, ахтараман, ўшанинг кўйида ўлим косасини сиб-
қарсам ҳам майли». «Хўш, ўғлим, энди нима қилмоқ-
чисан бўлмаса, ниятинг нима?»— деб сўрабди аттор.

Нуриддин унга қараб: «Мен шу Рум мамлақати-
га қайтиб Фарангистонга кирсам дейман. Нима бўл-
са пешонамдан кўраман, ишим ўнгидан келса, ёримга
етишаман, йўқса, кўйида жон фидо қиламан»,—дебди.

«Эй ўғлим, кўр ҳассасини бир марта йўқотади,—
дебди аттор йигитга.— Халқда «кўза кунда синмай-
ди, кунида синади»,— деган мақол бор. Агар улар
биринчи марта сени омон қолдиришган бўлса, лекин
иккинчи бор соғ қўйишмаса керак. Чунки ўзинг ҳам
уларга отнинг қашқасидек таниқлик одам бўлиб
қолгансан». «Э отахон,— дебди Нуриддин,— менга
фотиҳа беринг, сафарга чиқай, зора ёрим дарди-ҳа-
васида жон берсам. Чунки уни қийноқ-азобда қол-
дириб, ўзим тирик юришни истамайман».

Қаранги, замонанинг зайли билан иттифоқо,
бандаргоҳда бир кема турган экан. Кемадагилар
сафар тадорикини кўриб, арқонларини бўшатиш ан-
ларича кетишга шай бўлиб туришган экан. Нурид-
дин жонҳолатда кемага чиқиб олибди. Шу алфозда
бир неча кун сузибди; шамол ҳам уларга қўл келиб,
йўл бехатар бўлибди. Ниҳоят, Фарангистонга яқин-
лашай деганда, бирдан денгизни кезиб юрган қароқ-
чилар уларга ҳужум қилиб қолибди. Уша кемада-
гилар ҳар вақт йўловчи кемаларга ёпирилиб, мол-
мулкини босиб олар, ўзларини асир қилиш билан
шуғулланар экан. Билишса, у Фарангшоҳ қўйган
одамлар экан; улар мусулмонлар кемаси келиб, та-
гин малика Марямни ўғирлаб кетишмасин, деган
хавфда йўл қўриқлаб, шундай қилишар экан. Му-
сулмон кемасини қўлга туширишгач, улар барча
одамларни Фарангистон шоҳига элтишар экан.

Подшо қизига ўчакишиб, ваъдасига биноан уларни ўлдирар экан. Ўша айғоқчи кемадагилар Нуриддин тушган кемани қўлга тушириб, одамларини асир олишиб, Марямнинг отаси—подшо даргоҳига элтишибди.

Асирларни келтиришгач, шоҳ қараса, улар юз нафар мусулмонлар экан. Подшо бандиларни дарҳол калласини олишга амр қилибди. Улар йчида Нуриддин ҳам бор экан. Жаллод барча асирларнинг бошини танидан жудо қилибди-ю, лекин ёшларги ва қадди-қомати келишган, сухсурдаккина йигит бўлгани учун унга раҳми келиб, уни энг кейин ўлдирмоқчи бўлибди. Шу пайт подшонинг назари Нуриддинга тушган экан, у кўзига «иссиқ» кўринибди, диққат қилиб қараб танибди. Сўнгра ундан сўрабди: «Ҳай йигит, сен бундан олдинги гал асир бўлган Нуриддин эмасмисан?» «Йўқ, мен бундан илгарӣ асир бўлган эмасман. Отим ҳам Нуриддин эмас, Иброҳим»,—дебди Нуриддин. «Елгон!—дебди дўқ қилиб шоҳ,—сен худди ўша канисадаги кампирга, хизматини қилиб юрар деб, ҳадя қилиб бериб юборганим Нуриддинсан!» «Э мавлоно,—дебди Нуриддин,—ахир менинг отим Иброҳим-ку, нималар деяпсан ўзинг?» «Майли, ҳозирча тура тур,—дебди шоҳ,—ўша каниса мутаваллиси—кампир келсин, сен Нуриддинмисан ё бошқамисан кимлигингни ўша аниқлайди».

Улар шундай деб туришганида бирдан маликага уйланган сўқир вазир шоҳ ҳузурига кириб келибди. У дарҳол етти букилиб шоҳга таъзим қилиб, ер ўпибди-да: «Э шаҳаншоҳ,—дебди,—маълуминг бўлсинким бино қилинаётган қаср битди, ўзингнинг ҳам хабаринг бор, агар қаср битса, остонасида ўттиз мусулмоннинг калласини олиб, Исо масиҳ ҳақиға қурбонлик қиламан,—деб аҳд қилганман. Мана ҳо-

зир ўша ўттиз мусулмонни берсанг, мен уларни сўйиб масиҳга берган ваъдам устидан чиқсам. Ҳозирча ўшанчани менга қарз бериб турсанг, кейинчалик қўлимга асир тушгач, қарзимни қайтараман». «Исо масиҳ, дини саҳиҳ ҳақи, мана шу асирдан бўлак ҳеч ким қолмади,— дебди шоҳ Нуриддинга ишора қилиб,— ҳозирча буни олиб сўйиб тур, мусулмонлардан яна асир туширишса, қолганини ўшанда юбораман».

Сўқир вазир дарров ўрнидан турибди, Нуриддинни олганича сўймоқчи бўлиб қаср остонасига келтирибди. Шу пайт бўёқчилар: Э мавлоно, яна икки кунлик бўёқ ишимиз қолди, шунгача буни ўлдирмай сабр қилиб турсанг, зора яна қўлга йигирма тўққизта асир тушса, биратўласига ўттизта қилиб сўйиб, бир куннинг ўзида аҳднинг устидан чиққан бўлардинг»,— деб қолишибди.

Сўқир вазир бўёқчиларнинг бу гапини эшитгач, Нуриддинни қамаб қўйишга буюрибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Саккиз юз
саксон еттинчи
кеча



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, вазир ўша заҳоти Нуриддинни қамашга буюрибди. Унинг қўл-оёғини бойлаб, отхонага ташлашибди. Уша ерда у оч-яланғоч, ейишга нон, ичишга сув тополмай, нолайи зор қилиб, ўлимига рози бўлибди.

Уша подшонинг Собиқ ва Лоҳиқ деган икки оти бўлиб, иккаласи ҳам бир байталдан туғилган экан.

Бу отларнинг биронтасини ҳам қўлга туширсолмай, манман деган шоҳлар ҳасрат-надоматда экан. Бирри тўриқ от экан, иккинчиси тим қора экан. Теварак-атрофдаги орол шоҳлари, кимки бизга ўша отнинг ҳеч бўлмаса биттасини ўғирлаб келтирса, боғзига сиққанича нақд тилла, дурру гавҳар берамиз, дейишаркан. Лекин ҳеч ким уни ўғирлай олмай доғда юрар экан.

Иттифоқо, ўша отнинг биттасининг кўзига чипқон чиқибди. Байтал илмидан хабардор барча ўтарчи-мол табиблар ҳам унинг давосига ожиз қолишди. Бир куни, маликага уйланиб олган ўша сўқир вазир шоҳ олдига кирса, у хомуш ўтирганмиш; вазир унга тасалли бермоқчи бўлибди: «Э малик,— дебди вазир,— шу отингни менга бериб тур, уни даволаб берай».

Шоҳ унга отини берибди, вазир уни етаклаб, Нуриддин қамаб қўйилган отхонага келтириб боғлабди. Шеригидан ажралган от, тоқат қилолмай, ҳадеб кишнайвериб, ҳамма ёқни безовта қилиб, одамларнинг жонига тегибди. От ўз шеригидан ажралгани учун бунчалик тинмай кишнаётганини вазир ҳам тушуниб етибди. У дарҳол подшо ҳузурига бориб, отнинг аҳволидан уни хабардор қилибди. Подшо унинг гапини эшитгач, вазирга шундай дебди: «Агар ҳайвонки, ўз туғишганидан ажралиб, бунчалик бесабр бўлса, ақлу дониш эгасининг ҳоли не кечди энди?»

Сўнгра шоҳ бир хизматкорига иккинчи отни ҳам Марямнинг эри — вазирнинг уйига, ўз туғишгани ёнига элтиб қўйишни буюриб: «Вазирга бориб, подшо бу иккала отни малика Марям уйига мендан кўрмана бўла қолсин деди, деб айтинглар»,— дебди.

Нуриддин отхонада оёқ-қўли боғланган ҳолда ухлаб ётган экан, чўчиб уйғониб қараса, иккита от турибди, бирининг кўзи касал, бири соғ. Нуриддин отни яхши билар, унча-мунча касалини тузатиш ҳам қўлидан келар экан. Шунда у ўзига ўзи: «Фурсатни ғанимат билишим керак. Мен вазирга: отни тузатаман, деб алдайман, кейин бир амаллаб отнинг кўзини оқиб тушадиган қиламан. Шу билан улар мени қатл қилишади, мен бўлсам бу азобу уқубат ва мислсиз мусибатлардан ўлиб қутуламан қўяман»,— дебди.

Шу билан Нуриддин, сўқир вазир отхонага келиб, отлар аҳволидан хабар олгунича пойлаб турибди. Вазир кўрингач: «Э мавлоно, агар илож топиб шу отингни даволасам, менга нима яхшилик қиласан?»— дебди у. Вазир бўлса: «Бош-кўзим ҳақи, агар отни тузатиш чорасини топсанг, сени ўлимдан қутқараман, кейин мендан нима тиласанг тилагингга етказаман»,— дебди. «Э вазир, айт, қўлимни бўшатиб юборишин»,— дебди Нуриддин.

Вазир унинг қўлини ечиб юбортирибди. Йигит ўрнидан туриб, янги пуфланган шиша топдирибди, уни майдалаб янчибди, озроқ оҳак олиб аралаштириб уни пиёз сувига қорибди. Кейин тайёрлаган нарсаларнинг ҳаммасини отнинг касал кўзига бойлаб қўйибди-да, ўзи: «Ҳозир отнинг кўзи ўйилиб тушади-да, вазир мени дарҳол ўлдиради, шу билан мен нариги дунёга жўнайман»,— деб ўйлаб ўтирибди. Нуриддин шу алфозда ўлишига ишониб, руҳи анча енгил тортганича васвасага тушмай, хотиржамгина ухлабди. Худойи таолога тавба-тазарру қилиб: «Ё раббий, ўзинг кушойиш бер»,— дебди. Тонг отиб, офтобнинг заррин нурлари тоғу адирларга тушгач, вазир отхонага келибди. Отнинг бойлаб

қўйилган кўзини ечиб қараса, худонинг амри билан отнинг кўзи соппа-соғ бўлиб, бинойидек аслига тушиб қолибди. Шунда вазир Нуриддинга: «Э мусулмон,— дебди,— шунча ёшга келиб, сендай моҳир, бундай ожизона ишга қодир кимсани кўрган эмасман. Исо масиҳ, дини саҳиҳ ҳақи, сен мени жудаям хурсанд қилдинг. Ахир буни тузатишга ўлкамиздаги барча ўтарчилар ҳам ожиз қолишган эди». Сўнгра у Нуриддин олдига келиб, ўз қўли билан уни кишанлардан бўшатиб, қиммат баҳо саруполар кийгазибди. Шу билан вазир Нуриддинни ўша отларига нозир қилиб, ўзига отхона устидан хона ажратиб бериб, дурустгина маош ҳам тайинлабди.

Марям бекага қурилган янги қасрда вазир уйи билан Нуриддин турадиган хонага қараган дераза бор экан. Нуриддин бир неча кун еб-ичиб, кайфи тароқ, айшини сурибди: ўзига ажратилган хизматкорларга иш буюрибди, буйруғини бажармай, отларга ем бермай, боқи бегам бўлиб юрганларнинг адабини берибди. Баъзиларини уриб, ҳамма ёғини моматалоқ қилар, баъзиларининг оёғига кишан солиб, қамаб қўяр экан. Буларни кўрган вазир ўзида йўқ севинар, яхши нозир топилганига кўнгли тўлиб, ундан хотиржам бўлар экану, лекин бу иш ахир-оқибатда нималарга олиб келишини билмас экан. Нуриддин бўлса, ҳар куни иккала от ёнига тушар ва ўз қўллари билан уни артар ва у ёқ-бу ёғини қашлаб қўяр экан. У, бу отларнинг вазир учун қанчалик азиз эканлигини, у жонидан ҳам яхши кўришини яхши билар экан.

Сўқир вазирнинг жуда ҳам зебо, ғоят дилрабо, бир қизи бор экан. Иттифоқо, бир куни ўша қиз вазир уйи билан Нуриддин турадиган хона рўпарара-

сидаги дераза ёнида ўтирган экан, бирдан Нуриддиннинг ҳол-аҳволидан нолиб, ўзига тасалли бериб хиргойи қилаётганини эшитиб қолибди. Қиз диққат қилиб қулоқ солса, йигит шу байтларни ўқибди:

Қарангки, ошиғи олчи, қувончда таънагарим,
Мудом аларга боқиб кун, мудом менинг зарарим.
Агарда мен каби сен ҳам фироқ ғамин ер эдинг,
Ушанда заҳрини андак татиб кўриб, дер эдинг:
«Фироқи заҳри шу бўлса, муҳаббати қурсин,
Йўқ унга тоб ила тоқат, машаққати қурсин!
Қилиб ҳавас мен у ишқни, куйишга сал қолдим.
Кетиб фироқига ташлаб, кўринг, касал қолдим!..»
Бу ишқ баҳридан ўтким, эдинг ҳавасманди,
Муҳаббатимга рақобат этиб агарчанди,
Бошингга тушса билурсен бу ишқ қийинлигини,
Татишда заҳрини андак, у қандайинлигини,
Тасаввур айла! Муҳаббат йўлидаги ҳижрон —
Тиканли дашт ила саҳро, йўли илону чаён,
Сен унга зулм қилишдан чекил, ҳазар қилғил,
Карам қўлини чўзиб, лутф ила назар қилғил,
Муҳаббат аҳлига қасд этма, ташла сиртмоғинг,
Тутиб қўлидан унинг, тўғри йўлга элтмоғинг —
Мурод манзилига бошламак демакдир у,
Мурод-мақсад учун шунча ғам емакдир у!
Мен илгари сенидек дардсиз кезар эрдим,
Фироқ васл надир? Мен қачон сезар эрдим?
Тунимни уйқу билан ўтказиб, аламдан узоқ,
На қайғуси ила маҳзун, на йўлига муштоқ,
Деганда «ишқ эли бедор!»— кулиб-кулиб, қотдим,
Муҳаббат ўзи нима, маънисини қачон тотдим?
Бошимга тушди, кейин мен бу ишқни фаҳм эгдим,
Уриб бошимни, фироқи тошида захм этдим.
Қўярда кўксими захга, чунон фиғон этамен,
Фиғоним ила элимнинг дилини қон этамен,
Кўзимдан уйқу йироқ қочди, унга йўқ чора,
Сўнгаларим синиғу, тан сўкук, жигар пора,
Бу дийда чашмаларимдан юзимга ёш оқади,
Маломат аҳли тилидан бошимга тош ёғади,
Демай бу йўлда бир ўзим, бу йўлда кўпдирмиз,

У Қайс янглиғ, жудолик чўлида кўпдирмиз,
 Жаҳонда барча ширинлар заҳар татур бизга,
 Шифову дори-ю, дармон зарар татур бизга,
 Утарда умр мудом ишқ аро синовларда,
 Иўли ўт ичра, вужуди тикан ўровларда,
 Қилибди кимки ҳавас, мағзини татиб кўрсин,
 Бу ишқ машаққатида ўзни кўрсатиб кўрсин,
 Кўзининг ёшини тўплаб, ўзини гарқ этса,
 Ва ёки биз кабилардан ўзини фарқ этса,
 Муҳаббат аҳлини гар фаҳм этиб, қилолса чисанд,
 Муҳаббат аҳлини қилгай ҳамиша у хурсанд!
 Фақат у шунда тушунгай бу ишқнинг одатини,
 Надир висолу фироқи, ғаму фарогатини.
 Ўзини айласа бахтсиз, бу ишқ аро менидек,
 Бўлурда ишва шаҳига у мубтало менидек,
 Гадоси бўлсин унинг, шаҳру куйида тиланиб,
 Фидоси бўлсин унинг лутф этса эркаланиб,
 Чидашда жаврига ҳам, шукур этишда лутфиға ҳам,
 «Бу ишқ nasibasi» деб, жон-дил кўришда баҳам,
 Бу ишқ шарти оғир, унда бор темир қонун,
 Буви чидашга чиқарган! Чидар экансан, кўн!..

Нуриддин шеърини тугатиб, хонишдан тўхтагач,
 қиз ўзича: «Исо масиҳ, дини саҳиҳ ҳақи, бу мусул-
 мон йигит жуда келишган экан. Лекин у шубҳасиз
 ўлардай бировга ошиқ кўринади. Ажабо, маъшу-
 қаси қанақа — уни кўриш керак экан, уям бунга
 ўхшаб изтиробдами ё парвойи фалакми?

Агар маъшуқаси ҳам ўзига ўхшаб зебо-ю дил-
 рабо бўлса, у бунчалик куйиб, кўз ёши тўкса ар-
 зийди; борди-ю, севгилиси хунук бўлса, бечора
 ўзига ўзи жабр этиб, дунё лаззатидан маҳрум бў-
 либ, ҳасрату надоматда қолибди-да», — деб ўй-
 лабди.

Аммо, бу суҳсурдек йигитнинг мафтун қилган зе-
 бо кимлигини билолмай боши қотибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод
 ҳикоя айтишни тўхтатди.



**Саккиз юз
саксон саккизинчи
кеча**



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, вазирнинг қизи Нуриддиннинг аҳволига ачиниб, ўшандай деб турган экан, бу пайт Марям Зуннорияни шу қасрга олиб келиб қолишибди. Вазир қизи Марямнинг хаёли паришон эканлигидан хабардор бўлибди. Қиз Нуриддин ўқиган шеърини Марямга гапириб, уни бирпас овутиб ўтираман, деб ўйлаган ҳам экан, қўққисдан одам келиб, уни Марям ҳузурига чақириб қолибди. Қиз бориб қараса, Марям ростдан ҳам жуда сўлғин, кўзларидан шашқатор ёш оқар, ўзи бўлса ўксиб-ўксиб йиғлар экан. Вазир қизи кириб келса, у сир бой бермаслик учун шу байтларни ўқиб ўтирган экан:

Менинг умрим битса ҳам севгим давом этади
Юрагимга сиғмасдан эзгу орзу-ҳавасим,
Ҳижрон бориб битади, висол базми этади,
Ердан хабар келтириб, рақс этади шўҳ насим.
Ул қомати келишган, кўйимда маст-аласим
Кўрганамда қувончим кўкдан ошиб кетади,
Қувончимга қўшилиб қаҳқаҳам, шавқим, сасим.
Совуқ ҳижрон говини ўртадан ирғитади,
Менинг эзгу тилагим, менинг иссиқ нафасим.

Вазир қизи Марямга: «Э малика, нима бўлди сенга, рангинг сомон, ўзинг бедармон бўлибсан? Негача бунчалик юрагинг зиқ, авзойинг бузуқ?»— дебди.

Марям бека унинг бу гапини эшитиб, севиклиси билан бўлган лаззатли дамларни эслаб, шу икки байтни ўқибди:

Фироқиға кўникиб, ўргандим ҳижронига,
Эй кўзларим! Ишим йўқ, маржонингни тўқа бер!
Ташна қилиб, мен маъшуқ — шўрликнинг ўз қонига,
Эй шум тақдир қаддимни ҳам қила бер, бука бер!..

Вазирнинг қизи унга: «Э малика, кўп ўзингни қийнама, юр, ҳозир қаср деразасига борамиз, отхонамизда қадди-қомати келишган, ўзи хўп ширинсухан бир йигит бор, уям ўлгудек ошиқу беқарор»,— дебди. «Қаёқдан билдинг унинг ошиқу беқарорлигини?»— деб сўрабди Марям бека қиздан. «Маликам, унинг шеър ва қасида ўқишидан билдим, у кеча-ю кундузи нола-ю фиғон қилиб, бир дам тинмайди»,— деб жавоб берибди қиз.

Марям: «Агар вазир қизининг гапи рост бўлса, бу бечора Нуриддиннинг сифатлари, бориб қараш керак, вазир қизи айтаётган йигит ўшами, бошқамин»,— деб ўйлабди.

Малика Марям беканинг ишқи борган сари зўрайиб, кўнглига гулгула тушибди. Ошигининг жозибаси жим тургани қўймай, дарҳол ўрнидан турибди-да, вазир қизи деразаси ёнига келибди. У йигит томон қараган экан, у ерда ўша ошиғу беқарори; бир маҳалги хожаси Нуриддин турганмиш. У диққат қилиб қарабди. Рост, унинг худди ўзи; лекин йигит ишқ дардида ранги сомон, ҳоли ёмон, ўзи эса бедармон кўринибди. Севги алангасида куйиб, фироқида ёниб, ақли бошдан учганмиш, юзидан ранг қочганмиш. Севгилисига иштиёқи зўрлигидан нима қилишини билмай, қуйидаги шеърларни ўқиб ўтирганмиш:

Юрак тутқунда-ю, кўз ёшим озод,
Қилур тан поласи уйқумни барбод,
Яшармен доимо уч кулфат ичра,
Яшармен доимо беш улфат ичра:

Бу кулфатлар: алам, ғам, доғи ҳижрон,
 Яна беш улфатим менга қадрдон:
 Муҳаббат, оҳ-воҳ, фарёду нола,
 Ҳазин дил, май билан тўлган пиёла.
 Яна ҳамроҳларим мен ила бирга,
 Улар бирга борур, борсам қаерга:
 Жудолик, қийналиш, сабру қарорим,
 Азиз, пок қалбиму, номусу орим.
 Ўзим ул Мажнундан бефарқдирмен,
 Аламлар денгизига фарқдирмен.
 Бўлиб ҳамроҳларим менга кўмакдош,
 Суярлар, судралиб қолганда бардош.
 Бу саҳрода кўзимдан сув ичармен,
 Деманг сув, ўлтириб оғу ичармен.
 Гаҳи кўздан оқиб ёшу, гаҳи қон,
 Эзар бағрим жудолик бирла армон!..

Марям бека севикли ёри, тандаги мадорниши кўриб, унинг балогатли шеъри бадиатли насрини эшитибди. Бу йигит унинг Нуриддини эканига қаноат ҳосил қилибди-ю, лекин ўз сирини вазир қизидан яширибди. «Исо масиҳ, дини саҳиҳ ҳақи, юрагим сиқилганидан беҳабар бўлсанг керак, деб ўйлагандим, раҳмат бир оз ёзилдим»,— дебди малика. Шундай дебди-ю, малика дарҳол дераза ёнидан кетиб, ўз хонасига қайтибди, вазир қизи ҳам ўз иши билан банд бўлибди. Марям бека бир өз вақт сабр қилгач, дераза олдига келиб, Нуриддин томон термилиб ўтирибди. Йигитнинг сухсурдек юзларига, шаҳло кўзларига, хушбичим қоматига тикилиб, унинг ўн тўрт кунлик тўлин ойдек чиройига маҳлиё бўлиб қолибди. Лекин у бечора доимо ҳасратда, ҳар они надоматда, дийдаси шашқатор, кўнгли эса беқарор; ўтган лаззатли онларни эслаб, шу байтларни ўқиб ўтирибди:

Оҳ, бахтим кулса қайтиб, базми дилдор айласам,
 Тунларим сармаст этиб, кунларни хуммор айласам.

Ундан айрилиқда чашмидан оқизган чашмадан
Йўлда толган ташналарга чўлда аядор айласам.
Дод чексам ўлтириб қошида, бетоқатланиб,
Яширин ишқнинг сирин эл ичра ахбор айласам.
Ухлатиб бедорлар руҳини бир афсун ила.
Ухлаган бўлса агар ишқ аҳли: бедор айласам,
Очса сўз узру тазаррудан агар ул Марямим,
Жабрига инкор ўлиб, лутфини иқро айласам.
Заҳри олуд қўшмағай базмим майига қайта ул,
Соқний агёрдан ўзни хабардор айласам.
Қолдириб боғ ичра кўнглимни у дам беҳудлигим.
Топмадим эвоҳким, мен ўзни ҳушёр айласам.
Зулм аҳлидан ҳимоя айлағай кимлар мени,
Мубталолик шевасин такрор-такрор айласам.
Ерга мен бўйнимни эгдим, ошди сўнг ёрда ғурур.
Менга ёр бўйнини эгди, қаҳр изҳор айласам.
Ул нигорим юз ўгурди ишқимиз маҳв этгали,
Келди ёнимга, бу ишқдан номусу ор айласам.
Қўрқарам, ул маҳвашим қайтиб тағофил этмасув,
Ер ўпиб, бошим эгиб, ўзни харидор айласам:

Ошиқу беқарор Нуриддиннинг бу хониши Марям
бекага асар қилиб кўнгли ҳасратга тўлиб-тошибди,
кўзларига дув-дув ёш келибди, ниҳоят, чидай олмай,
шу икки байтни ўқибди:

Мен кўришмоққа шошилдим, кўрганимда лол бўлиб,
Тил, юрак, кўзлар кетишди иштиёримдан йироқ!
Ерга таън этмоқчи эрдим, бу кўнгул беҳол бўлиб,
Таънанинг ўрнини олди оҳ-воҳу инқироқ.

Нуриддин Марям беканинг овозини эшитиб, дар-
ров танибди-ю ҳўнграб йиғлаб юбораверибди. У
ўзича: «Худо ҳақи, бу ҳеч шубҳасиз бекамнинг ово-
зи»,— дер экан...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
саксон тўққизинчи
кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Нуриддин Марямнинг овозини эшитиб танибди ва ўзига ўзи: «Бир қараб боқиб керак экан, ростдан ҳам севгилимнинг овозими ё бошқа бировникими?»— дебди.

Нуриддин шундай дебди-ю, дилидаги ҳасрати ортиб, шу байтларни ўқибди:

Сенга жавоб берур, ёр билан ўзинг юзлаш!
Ёр ила дуч келишимни рақиб кўриб қолди,
Йўталди, қоқти томоқни, секин юриб қолди.
Дедимки:— таъна қилур, таънани соғинганмен,
Десун деяр сўзини, мен ани соғинганмен!..
Яқин келиб сўрашиб турди, унга сўз демадим;
Қилур у менга вафо, сен умидни уз демадим.
Деди:— нечун талабингни менга гапирмайсан,
Ва ё рақиблигим — душманингни билмайсан?..
Дедим:— адабдан эмас ишқ ҳақида сўз сўзлаш!

Нуриддин шеърни ўқиб бўлгач, Марям бека қозғоқ-қалам келтирибди ва бисмиллоийи шарифдан кейин шундай деб ёзибди:

«Ассалому алайкум, э Нуриддин, худойи таоло сени ўз паноҳида соғу саломат асрасин. Ушбу нома етиб маълум бўлсинким, чўринг Марям сенга салом йўллаяпти. Унинг сенга иштиёқи зўрлигидан тоқати тоқ, аҳволи чатоқ бўлиб, шу мактубни ёзишга журъат этди. Ушбу варақа сенга етиб бориши биланоқ, фурсатни қўлдан бермай, менинг айтганимни бажар, севгилинг гапларини рад қилишга ёки гафлатда ухлаб қолишдан эҳтиёт бўл. Кечаси уч хуфтон вақт

бўлганда — билиб қўй, бу энг шарофатли вақтлардан ҳисобланади — ўша икки отни эгарлаб, шаҳарга чиқишдан бўлак ишинг бўлмасин. Агар биров, қаёққа деб қолгудай бўлса, отларни бир айлангириб келай десанг бўлди, хотиринг жам бўлсин, сенга ҳеч ким бир нарса демайди. Бу шаҳар аҳли дарвозалар берклигига қаттиқ ишонадилар».

Марям бека хатни тўрт буклаб, шойи рўмолчага тугибди-да, деразадан Нуриддинга отибди. Нуриддин дарҳол мактубни олиб ўқибди ва севгилиси ўз қўли билан ёзганига ишониб, ундаги фикрларга тунунибди.

Йигит хатни ўпиб, пешонасига қўйиб, кейин юз-кўзига сурибди. Илгариги дийдор кўришган, висолга етишган чоғларини эслаб, кўзларидан дув-дув ёш тўкибди ва шу байтларни ўқибди:

Хуш пайғоминг етиб келди қаро тунда,
Ўқиб билдим, не ёзилган бўлса унда.
Ўтиб кетган висол кечи келиб мағрур,
Деди:— фироқ тез тугалур, қилгил шукур!

Шундан сўнг қош қорайгунча Нуриддин сабр қилиб турибди. Кечқурун отлардан хабар олиб, уларга босиб ем-хашак берибди. Ниҳоят, кутилган вақт етиб келгач, дарҳол эгар-жабдуқларнинг энг яхшиларини келтириб, иккала отни эгарлабди. Кейин отхонадан етаклаб чиқиб, дарвозани бекитибди. У тўғри шаҳар дарвозасига бориб, Марямни кутиб ўтирибди. Нуриддин билан бўлган гап шу экан.

Марям бека бўлса ўша заҳотиёқ ўз хонасига кирибди. Бундай қараса, сўқир вазир парқу ёстиққа суянганича, ишрат қилгани чоғланиб, маликани кутиб ўтирганмиш. Марям уни кўрибди-ю, юраги ор-

қасига тортиб кетибди ва ситқи дилдан раббига муножот қилиб, ишига кушойиш беришини ёлвориб сўраб: «Э худоё худовандо, шундай бадбашара таъвиядан ўз паноҳингда асра. Сўқир ўлгурни ниятига етказма, пок бўлган зотга најосатни раво кўрма!»— деб нола қилибди. Сўнгра у вазир олдига келиб, хушмуомалада бўлибди ва ёнига ўтириб, меҳрибонлик кўрсатибди. «Э хошам,— дебди Марям,— нега биздан юз ўгириб юрибсан? Бизни менсимаяпсанми ё кўнглинг йўқми? «Саломнинг қадри бўлмаса, ўтирган тик турган билан ҳам саломлашаварарди», деган мақол соҳиби тўғри айтган экан. Агар сен ҳазратим келиб, мен билан улфат бўлмасанг, мен сенинг ҳузурингга бориб ширин суҳбатингда бўлай, деб келдим».

Вазир тилга кириб: «Э ер юзининг маликаси,— дебди,— сен фазлу каромат соҳибсан. Мен сенинг бир хоксор ғуломинг, осий қулингман-ку! Сен билан гаплашишга юрагим дов бермаяпти. Э тасаддуғинг кетай, жонон, сен бебаҳо дурру гавҳарсан, сенинг олдингда менинг бошим мудом эгикдир». «Қўй, энди, бундай гапларингни йиғиштириб, оз-моз ноз-неъмат ва ичимлик келтир»,— дебди малика. Вазир хизматкору чўриларига дастурхон келтиринглар, деб буюрган экан, улар дарҳол турли-туман ноз-неъматлар билан дастурхонни тўлдириб юборишибди. Бир ёқда бедана, каптар, жўжа, қўзи гўштлари; бир ёқда семиз ғозу қовурма товуқ ва анвои таомлар муҳайё қилинибди.

Марям бека дастурхонга қўл чўзиб, ундан-бундан тановул қилибди, у-бу нарсани олиб вазир оғзига солибди, лабларидан ўпибди. Шу тариқа улар иккови алламаҳалгача еб-ичиб ўтиришибди. Сўнгра қўлларини ювишибди, ходимлар нозу неъмат дастурхо-

нини йиғиб, шароб дастурхонини ёзишибди. Марям бека ичибди, қуйиб вазирга тутибди. Соқийлик қилиб, вазирга роса ичирибди. Вазир шодлигидан ўлардай май сипқариб, ниҳоят, бошидан ақли ҳуши учибди, кўнгли ёзилиб кайф қилибди. Вазирнинг кайфи тарақ бўлиб, лаб-лунжи осилиб қолгач, Марям киссасидан ўткир банжни чиқарибди. Бу банж Мағрибдан келтирилган экан; агар унинг озгинасини ҳатто фил ҳидласа ҳам, бир йилгача ўрnidан туролмас экан. Марям бека буни худди шундай пайтга мўлжаллаб олиб юрган экан. Малика вазир кўзини шамғалат қилиб банжни қадаҳга солиб, устига май куйибди-да, узатибди.

Маликанинг бунчалик марҳаматидан беҳад қувониб кетган вазир, қадаҳга қўл чўзибди-ю, лекин Марямнинг унга май узатаётганига ҳеч ишонгиси келмабди. Вазир лаб-лунжи осилганича иршайиб, куйдирган калладек тиржайиб, қадаҳни бир сипқарган экан, шу замони гуваладек юмалаб тушибди.

Марям бека дик этиб ўрnidан туриб, иккита қопга вазни енгил, аммо ўзи қиммат баҳо дурру гавҳар, ёқуту гавҳар ва бошқа маъданлардан солиб тўлдирибди. Яна бир оз ейимлик ва ичимлик олиб, уруш либосини кийибди, анжомларини тақибди. Севикли ёри Нуриддинни хурсанд қилмоқ учун шоҳона саруполар, соҳибқирон аслаҳалар олиб, қасрдан чиқибди. Зўр куч-қувват ва шижоат эгаси бўлган Марям бека тўппа-тўғри Нуриддин билан ваъдалашган жойга равона бўлибди.

Марям билан бўлган воқеа шу экан. Энди у шу ерда тура турсин, биз йигитга қайтайлик.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
тўқсонинчига
ўтар кечаси*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Марям қасрдан чиқиб, Нуриддин олдига жўнабди. Ошиқу беқарор, мискину бемадор Нуриддин бечора шаҳар дарвозаси олдида отларнинг жиловидан ушлаганича жавдираб ўтирган экан, бир маҳал мудроқ босиб ухлаб қолибди.

Теварак-атрофдаги ороллар шоҳи ҳамон ўша икки отнинг жилла бўлмаса биттасини қўлга киритиш пайида экан. Шу кезларда улар ҳар қанча молу дунё сарф бўлса ҳам ўғирлаш пайига тушган экан.

Ўша пайтларда от ўғирлашда шуҳрат тонган ўғриларнинг ўғриси бир қора қул бор экан. Унинг усталигидан шоҳлар қанчадан-қанча мол-дунё бериб, ўзига қаратиб олишга интилар экан. Шунда бир орол шоҳи уни қўлга олиб, агар отларнинг биронтасини ўғирлаб берса, унга бутун бир оролни ва шоҳона саруполар ҳадя қилмоқчи бўлибди. Шу қул кўп вақтлардан бери писиб, шаҳар кезиб юрган экану, лекин отлар шоҳ саройида бўлгани учун ўғирлай олмай доғда экан. Подшо отлари сўқир ва зирга совға қилиниб, унинг отхонасига келтирилгач, қул жуда хурсанд бўлибди. Отни энди қўлга туширишига ишонибди. У онт ичиб: «Исо масиҳ ва дини саҳиҳ ҳақи, энди мен иккала отниям ўғирлай оламан»,— дебди. Сўнгра у ўша кечаси ўғирлаш ниятида отхонага равона бўлаётган экан, қўққисдан Нуриддинга рўпара келиб қолибди. Бундай қараса, Нуриддин иккала от жиловини ушлаганича ўликдай

қотиб ухлаб ётибди. Қул от жilовини бошидан олиб, бирига миниб бошқасини олдига солиб, энди ҳайдаб кетмоқчи бўлиб турган экан, бирдан бунинг устига елкасида қоп кўтариб Марям бека келиб қолибди. Марям қулни Нуриддин деб ўйлаб, қопни унга узатибди. Қул уни отга ўнгарибди. Иккинчисини узатган экан, буни бошқа отга ортибди. Лекин қул ҳеч индамас экан. Шу сабабдан Марям уни Нуриддин деб ўйлаган экан. Шундай қилиб, улар шаҳар дарвозасидан чиқиб кетишибди, қул ҳамон оғзига талқон солгандай, миқ этмай кетаверибди. Ниҳоят Марям: «Ҳа, сайид Нуриддин, нега мунча сукутга ботдинг?»— дебди. Қул дарғазаб бўлиб, унга ўғирлар экан: «Нима деяпсан, қизалоқ?»— дебди дудуқланиб.

Марям унинг гулдираганини эшитиб, овози негадир Нуриддинга ўхшамаяпти, деб ўйлабди. Бошини бундай кўтариб қараса, унинг энгаги худди кўзага ўхшармиш. Марям уни кўрибди-ю, кўз ўнги бир дам қоронғилашиб кетибди. У дарҳол ўзини ўнглаб олиб: «Э шайхи Бани Хом, кимсан ўзинг, отинг нима?»— деб сўрабди. «Э лаънати бузуқ, менинг отим Масъуд, билиб қўй, одамлар маст уйқуга кетганда от ўғирлайдиган одам менман»,— дебди. Марям унинг гапини эшитибди-ю, лекин лом-мим демай, секингина қиличини суғуриб, елкасига туширибди. Ўткир шамшир уни иккига ажратиб, қонга беланиб чиқибди. Қул гурс этиб ерга йиқилибди ва шундай типирчилаб бошлабдики, асти сўраманг; тангри ҳам унинг жонини олиб, дўзахга юборишга шошилибди. Шунда Марям бека отнинг бирига миниб, бошқасини етаклаб, Нуриддинни топиш ниятида орқасига қайтибди. Юриб-юриб, ўша ваъдалашилган жойга келса, Нуриддин отлар жilовини ушлаганича хуррак этиб,

уйқу лаззатини тотиб, дунёдан беҳабар ётибди. Буни кўриб Марям отдан тушибди, қўли билан Нуриддинни туртиб уйғотибди; у довдираб уйғонибди ва жоңғолатда «Худога шукур, саломат келдингми?»—дебди. Марям унга: «Тур ўрнингдан, отга мин, дамнингни чиқарма»,—дебди. Нуриддин дарҳол ўрнидан туриб, бир отга минибди, иккинчисига Марям миниб, шаҳардан ташқарига чиқишибди. Бир оз юришгач, Марям йигитга ўгирилиб: «Ахир мен сенга, ухлама, ғафлатда қолма демабмидим?»—дебди. «Э бекам,—дебди Нуриддин,—мен сен билан учрашарканман деб бир оз хотиржам бўлибману, ғафлат босиб ухлаб қолибман. Хўш, нима бўлди?»

Марям қул билан бўлган воқеани бошдан-оёқ гапириб берибди.

Нуриддин ёқасини ушлаб: «Ё тавба, хайрият, худо бир асрабди»,—дебди.

Шундан сўнг улар отга қамчи уриб, юришни тезлатибдилар-да, ўша қул ўлдирилган жойга етиб келибдилар. Нуриддин бундай қараса, мисоли бир девдай қора қул қонига беланганича тупроққа қорилиб ётибди. Марям Нуриддинга: «Қани, туш, унинг кийимини ечиб, қуроолларини ол-чи!»—дебди. «Э бекам,—дебди Нуриддин,—худо ҳақи, мен отдан тушиб унга рўпара келолмайман».

Йигит қулнинг баҳайбатлигига ёқасини ушлаб, Марямнинг бу хилқатига, шижоати ва бунчалик довураклигига қойил қолибди. Улар отларни жадаллатиб, туннинг қолган қисмини йўлда ўтказишибди. Ниҳоят, тонг отиб, теварак-атроф ёришибди, офтоб чиқиб, еру кўкни заррин нурлар қоплаб, тоғу адирлардаги оҳулару, водийлардаги кўм-кўк майсаларга, дарахтлардаги меваларгача нур бағишлабди. Улар етиб келган жойда гуллар чамандай очилиб, пар-

рандалар чуғурлашиб, ариқлар шариллаб оқиб ётганмиш. Бу манзарани бир шоир қойил мақом қилиб, мана шу шеърда битган экан:

Бизни иссиқдан ҳимоя қилди гуллар водиси,
Сайрашиб минг булбули, нолон кўнгуллар водиси.
Ўлтириб, тик арчалар остида, энгашмак билан,
Субҳидам қаймоқлашиб, суҳбат ва кенгашмак билан,
Ташналикни қондириб бу сув — шарбатдан яхшироқ,
Ҳам гўзаллик орттириб тобора завқу иштиёқ,
Тоғу тошлар ортидан партав бағишлаб офтоб,
Силкиниб ўйнар шамол шохлар уза шўху шитоб,
Қояларда йилтирар тошлар, забаржад, марварид,
Қоялар мағруланур, дунёни қилгандек харид.

Бошқа бир шоир мана бундай ёзган экан:

Тоғ сувлари шилдираши — ошиқ-маъшуқ қилган рёздек,
Қушчаларнинг сайрашлари — шўх жононлар чертган сөздек,
Тотли мева, ширин сувлар, жон роҳати соя-салқин
Бу водини кезган шоир «жаннат шу!» — деб, қилди талқин.

Марям бека билан Нуриддин ором олмоқчи бўлиб, шу водийга қўнишибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод, — эшитишимга қараганда, Нуриддин билан Марям

дам олиш ниятида ўша водийда тўхташибди. У ер меваларидан ейишибди, зилол сувларидан ичишибди, отларини ўтлоққа қўйиб юборишибди.

Марям билан Нуриддин ўтиришиб, бўлган воқеаларини эслашиб, айрилиқда ҳоллари не кечганини, фироқ аламига қандай қилиб чи-



*Саккиз юз
тўқсон биринчи
кеча*

даганларини бир-бирларига гапириб бера бошлашибди. Улар шу тариқа суҳбат қуриб ўтиришганда, бирдан осмону заминни чанг-тўзон қоплаб олибди. Улар отларнинг кишнаганини, туёқларнинг дукурдукурини ва қурол-аслаҳанинг шақир-шуқуриши эшитиб қолишибди.

Асли воқеа мана бундай бўлган экан:

Фарангистон шоҳи қизини сўқир вазирга узатган эди. Вазир қаср қуриб, Марямни у ерга элтиб, ўша кеча қаллиғи қўйнига кириши керак экан. Бунин билган подшо тонг отгач, ҳар кунги одатидек саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраш ниятида қасрга равона бўлибди ва ўзи билан совға-салом учун ҳар хил ипакликлар олиб, тилла-ю кумуш сочқилар сочибди, ходиму ходималар, канизу чўрилар таллашиб-тортишиб олишибди. Ниҳоят, подшо бир неча ғуломлари билан қасрга кириб қараса, вазир тўшагида сулайғанича, ўлакса бўлиб ётганмиш. Шоҳ ўнгу сўлига қарабди, қизи кўринмасмиш. Бирпасда авзои ўзгариб, вужудини даҳшат босибди, ақли бошидан учибди. У дарҳол одамларига буюриб, иссиқ сув, ўткир сирка, кундур келтириб, барчасини аралаштирибди-да, бурнига қуйибди. Кейин уни силкитган экан, оғзидан бир парча пишлоқдай банж тушибди. Подшо аралашмани вазир бурнига яна бир марта қуйган экан, сўқир бир акса уриб уйғонибди. Шоҳ ҳол-аҳвол сўраб: «Қизим Марям қаерда?»—дебди. «Э шаҳаншоҳ,—дебди сўқир вазир,—мен унинг қўлидан бир қадаҳ май ичганимни биламан, холос, ундай кейин нима бўлганини билмайман, шу-шу ҳозир кўз очганим, маликанинг ҳолидан ҳам хабарим йўқ».

Шоҳ, сўқир вазирнинг гапини эшитиб, кўз ўнги қоронғилашибди. Ўзини тутолмай дарҳол қиличчини иланғочлаб, вазирнинг бошига туширган экан, қилич

миядан ўтиб, тишлари орасидан чиқибди. Шоҳ шу замоннинг ўзидаёқ отхонага одам юборган экан, отбоқарлар келишибди. Подшо улардан отни сўраган экан, улар титраб-қақшаб: «Э шаҳаншоҳ, иккала от шу кечаси ғойиб бўлиб қолди, бошлиғимиз ҳам йўқ, тонг отгач, шаҳар дарвозасига борсак, ҳаммаси ланг очиқ»,— дейишибди. Шоҳ дарғазаб бўлиб: «Дину эътиқодим ҳақи, отни қизим билан ўша канисада хизмат қилаётган асир йигитдан бўлак ҳеч ким олиб қочмаган. Ўша йигит қизимни биринчи бор ўғирлаб кетган эди, уни дабдурустдан таниган эдим, мана шу сўқир ўртага тушиб халос қилган эди. Бўлмаса, мен у йигитни ўша заҳоти қатл этган бўлардим. Бўлди, вазирнинг ўзи ҳам қилмишига яраша жазосини олди»,— дебди.

Шундан сўнг подшо ўзининг уч ўғлини қақиртирибди; уларнинг ҳар бири минг отлиққа бошлиқ йирик паҳлавон, қаҳрамони замон, баҳодири майдон экан. Шоҳ ўша саркарда ўгилларига амр-фармон бериб, отланишга буюрибди. Улар отланибдилар, улар қатори шохнинг ўзи ва барча арбоби давлат, ақобири ҳукумат, аёну батриқа, ҳаммаси отланишиб, улар изидан йўлга тушибдилар. Улар жадал юриб ниҳоят, ўша водийда ошиқ-маъшуқларга дуч келишибди.

Марям уларнинг от чоптириб келаётганини кўргач, уруш анжомларини кийиб, қиличини белига боғлабди-да, дарҳол отига минибди, сўнг Нуриддиндан сўрабди: «Хўш, хўжам, урушга қалайсан, юрагинг довми ё алғов-далғовми?» «Э бекам, уруш кўрсамки бирдан, юрагим чиқар қиндан. Рост ишонгин гапимга, ёлғон эмас бу чиндан»,— дебди-да, дир-дир титраб, безгак тутгандек қалтираб бир оз тургач, ниҳоят ушбу шеърни ўқибди:

Жон Марямим! Менга раҳм эт, таъналаринг сўзлама,
Таъна билан бисмил қилма, ёмонликни кўзлама!
Қандай қилиб жангчи бўлай? Сичқондан ҳам кўрқамен,
Бирор қарга қағилласа, асов отдек ҳурқамен!
Бундай жанглар тўғри келмас, ўчиради рангимни,
Мен кўрпада бошлайдирман қиладирган жангимни!
Ана у жанг менга ёқар, бошқа жанглар бўлмайди,
Эрлар билан жанг қилганда асло кўнглим тўлмайди!
Қоронгида бўладиган жангни яхши кўраман,
Таъна қилган «душманним»нинг лабларидан сўраман!..

Марям Нуриддиндан бу сўзларни эшитиб, жавдираб турган кўзларига тикилганча хохолаб кулиб юборибди. «Э сайид Нуриддин,— дебди малика,— сен шу ерда тура тур, мен уларни даф қилиб келаман. Хотиринг жам бўлсин, улар лак-лак бўлса ҳам писанд қилмайман».

Марям шундай дебди-ю апил-тапил отининг жилловини қўйиб юбориб, найзаларини ўқталиб олибди. От ҳам шамолдай елиб, тор қувурдан оқаётган сувдай босиб борибди. Марям эса шижоату қахрамонликда ўз замонасининг нодир уякоти экан. Чунки отаси қизига ёшлик чоғидаёқ отга минишни, қоронги зулматда ҳам уруш денгизига шўнғишни ўргатган экан.

У Нуриддинга: «Отингга миниб, менинг кетимдан юр, агар улар билан жанг қилсак, отга маҳкам ёпишиб олиб, йиқилмасликнинг чорасини қил, чунки отингга ҳеч бало бўлмайди»,— дебди.

Подшо улар рўпарасига келиб қараса, ростдан ҳам қизи Марям экан. Шунда у тўнғич ўғлига ўғирилиб дебди:

— Э Расул Қаллут лақабли Бартут, бу синглинг Марямнинг худди ўзи, ундан бошқа эмас. Кўряпсанми, унинг авзои ёмон; у бизга ҳамла қилиб, жанг қилмоқчи. Қани, сен ўзинг унга рўпара келиб, бир

адабини бериб қўй, зора Исо масиҳ, дини саҳиҳ қўлласа. Лекин огоҳ бўлгин, агар қўлингга тушса, уни ўлдирма, олдинига насоро динига даъват қил, қабул қилиб, асли динига қайтса, хўп, уни дарҳол асир қилиб олиб кел, борди-ю, имон келтирмаса, жудаям қийнаб ўлдир. Яна у билан бирга юрган ўша малъунни ҳам сазойи қилиб ўлдир!»

Бартут отасига қуллуқ қилиб: «Буйруғингиз бажону дил бажарилур»,— дебди.

У шундай дебди-ю отланиб синглицси Марям томонга отилибди, синглицси акаси томон ташланибди, ниҳоят, ака-сингил бир-бирларига рўбарў келишибди. Шунда Бартут синглицсига: «Ҳей Марям, сендан шуни кутганмидик,— дебди,— ота-она, авлод-аждодинг динини оёқ ости қилиб, ўша телбалар дини исломга кирдингми? Билиб қўй, Марям, Исо масиҳ, дини саҳиҳ ҳақи, агар яхшиликча ота-бобонг, авлод-аждодинг динига қайтсанг, хўп, бўлмаса нақ ўзингдан кўр, гўштингни қийма-қийма қиламан».

Марям акасининг дўқ-пўписасини эшитиб: «Ҳай-ҳай, ўпкангни бос, йигитча,— дебди кулиб,— ўтганни қайтариб бўлмас, ўлганни тирилтириб. Сенинг адабингни мен бериб қўймайин тагин. Тангрига онт ичиб айтаманки, ўлим косасини кўтарсам кўтараман, лекин қабул қилган динимдан қайтмайман...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ, опажон,— деди синглицси,— ҳикоянг қандай қизиқ-а.

— Шу ҳам қизиқми, агар шоҳим ўлдирмасалар эртага айтадиганим бундан ҳам қизиқ,— деди Шаҳризод синглицсига.

Давомини эшитмоқчи бўлган шоҳ: «Ке, бугун ҳам ўлдирмай»,— деди.



*Саккиз юз
тўқсон икканча
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Марям акасининг дўқ-пўписасини писанд қилмай: «Бу йўлдан қайтмайман»,— дебди. Унинг бугагини лаънати Бартут эшитиб, тоқати тоқ, аҳволи чатоқ бўлибди. Тўғрилиқча йўлга солиш қийинлигига ақли етибди-ю, қиличини қинидан суғурибди. Шу билан иккови ўртасида чунон жанг бошланиб кетибдики, асти қўя беринг. Иккови бир-бирларига алядай ташланиб, шердай пишқириб, қоплондай ўшқириб, роса ўкириб-бўкириб, алламаҳалгача жанг қилишибди, бир-бирини тажаанг қилишибди, ҳолларини танг қилишибди. Ҳар гал Бартут жанг бошлашда янги усул қўлласа, Марям ўз маҳорати, куч-қуввати, шон-шухрати билан уни ўша заҳоти даф қилар, акасини мушкул бир аҳволга солиб қўяр экан. Шу тариқа иккала паҳлавон слишиб чанг-тўзон ичида кўринмай кетишибди. Марям нуқул акаси Бартутга чап бериб, унинг олдидан тўсиб чиқар, ҳамла қилиб уни эсанкиратар эди. Ниҳоят, акаси роса ҳолдан тойиб, силласи қуриб, дармони қолмабди. Ахири Бартутнинг узангида туришга ҳам мажоли келмай қолибди. Вақтни ганимат билиб, Марям шартта қилич солган экан, унинг абжағи чиқиб кетибди. Худо унинг жонини дўзахга элтишга шошилибди.

Сўнгра Марям майдонга чиқиб: «Қани, манман деганинг чиқ майдонга! Қани, ким бор белига белбоғ боғлаган, ўзини жангга шайлаган! Қани, кўкрагида ёли бор паҳлавону баҳодирларинг чиқсин, пи-

сиб турмасдан. Бугун ҳаммангнинг оғзингдан қочинг келадиган кун»,— дебди дабадаба-ю дағдаға билан ҳайқириб.

Тўнғич ўғлининг ўлимини ўз кўзи билан кўрган шоҳ, оху воҳ билан пешонасига уриб, юзини юла бошлабди; кийимларини йиртиб улоқтириб ташлабди. Сўнгра ўртанча ўғлини чақириб: «Э Харсус лақабли Бартус, энди синглинг Марямга қарши сен чиқмасанг бўлмайди. Аканг Бартут қасдини ҳам сен оласан. У лаънатини сазойи қилиб олиб келасан, она сутини оғзидан келтирамиз»,— дебди. «Хўп бўлади, отахон!»— дебди Бартус ва синглиси Марямга қарши қилич яланғочлаб чиқибди. Марям ҳам акасини қилич яланғочлаб кутиб олибди, иккови аввалгидан ҳам қаттиқроқ жангга киришибди. Шунда Бартус қараса, жангда унга бас келадиган эмас, чор-нечор, пайт пойлаб қочмоқчи бўлибди. Лекин Марям уни қочишга ҳам қўймасди, у энди қочаман деса, Марям унга яқин келиб, жанг бошлар ва ҳолини танг этарди. Бир оз олишгач, чаққонлик билан ҳамла қилиб Бартуснинг бўйнига туширган экан, қилич ярақлаганича қонга бўялиб чиқибди. Шундай қилиб, у ҳам катта акасининг олдига жўнабди. Марям яна жанг майдонига чиқиб: «Қани, баҳодир у паҳлавонларинг, қани, ўша лаънати сўқир вазиринг!»— деб хитоб қилибди. Шунда отаси — подшонинг юрак бағри доғ бўлиб, ўзи роса адо бўлиб, кўз ёшлари шашқатор, бесабру беқарор хўнграб йиғлаганича: «Ўртанча ўғлимни ҳам ўлдирди бу мочағар!»— дебди. Сўнг у кенжатайини чақирибди: «Э Салх ас-Сибён лақабли ўғлим Фасён,— дебди,— жангга кириб, Марямдан акаларинг қасдини олмасанг, нақ гўримда тик тураман. Гоҳ мирдан, гоҳ пирдан, дейдилар. Бел боғлаб жангга кир, зора устуи келсанг. Иложи

бўлса лаънатини жудаям қийнаб, сазойи қилиб ўлдир».

Ана энди кенжа акаси белини боғлаб, ўзини жангга шайлаб, ўшқирибу ҳай-ҳайлаб Марямга отилибди. Марям бўлса жанг санъатини хўп ишлатиб, акасининг бошини қашлатиб, душман кўзини ёшла-тиб шундай ташланибдики, унинг бунчалик маҳоратидан ғанимлар кўнгли ваҳимага тушибди. «Ҳей лаънати,— дебди Марям кенжа акасига,— энди сенинг ажалинг етиб, кунинг битган экан-да, қани, кел, сенинг ҳам каллангни қўлтиқлатиб юборай, акаларинг ёнига боргин, кўнглинг жойига тушиб, хотиринг жам бўлсин».

Марям шундай дея қилич солган экан, кенжа-той акасининг бўйнини узиб, билакларини кесиб кетибди. Шу билан уни ҳам акалари олдига жўнатибди.

Подшо теварагида келган аскарлар лашкарбошилар, батриқа-ю чавандозлар бу ҳолни кўриб, ваҳимага тушибдилар. Чунки бу ўлган учала шаҳзодалар замонасининг тенги йўқ паҳлавонлари экан. Малика-винг марду забардастлигидан уларнинг юраклари пўкиллабди, дағ-дағ титраганларидан тишлари тақиллабди, бошларини эгишибди, кунлари битганини билишибди. Уларнинг ҳаммаси бирваракай, баъзиси олдинда, баъзиси орқада теваракка тумтарақай қочиб қолишибди.

Гунгурсдай уч ўғли ўлганини, аскарлари тирақайлаб қочганини кўриб, бечора шохнинг ҳафсаласи нир бўлибди ва ҳангу манг қолиб ўзича: «Чиндан ҳам Марям бизнинг адабимизни берди,— дебди,— унга рўбарў келсам, мени ҳам акалари қатори қатл этиб, нариги дунёга жўнатса, унда нима бўлади?! Яхшиси, оёғимни қўлимга олиб, оро номусимни,

шон-шарафимни сақлай, хор бўлиб ўлгандан кўра шаҳримга қайта қолай».

Шоҳ шундай дебди-ю, отининг жиловини қўйиб, шаҳарга жўнабди. У ўғилларининг ўлими, аскарларининг қочгани, шармандан-шармисор бўлганига чидай олмай куйиб-пишибди, роса йиғлаб қовоқлари шишибди. Тоқати тоқ, аҳволи чатоқ бўлган шоҳ нима қилишини билмай, дарҳол аркони давлат, арбоби ҳукумат, ақобири мамлакатни чақириб, бўлган воқеани уларга тўкиб солибди ва ўз акаларини ўлдирган қизи Марямдан нолиб, ҳасрат қилибди. Уни қандай даф қилиш ҳақида маслаҳат сўрабди. Шунда барча давлат арбоблари халифа Ҳорун ар-Рашидга хат ёзиб, «Бу ҳолдан у кишини хабардор қилиш керак»,— деган маслаҳат беришибди. Маъқул топган шоҳ халифага мана шу мазмунда хат битибди:

«Саломдан сўнг етиб маълум бўлсинким, эй амир ал-мўъминин, бизнинг Марям Зуннория аталмиш бир қизимиз бор эрди. Уша бинти — маликамизни мусулмонлардан бўлмиш ўзи бизга асир тушган, бир савдогар йигит исму насаби маълум — Нуриддин ибн Али ибн Тожиддин Мисрий бузиб, йўлдан урмишдир ва ани бизга қарши қўймишдир. Ниҳоят, ўша номбурда маликани ўғирламоғи баробаринда бизни оёқ ости, хоксор айлаб, ўз юртига равона бўлмишдир. Шул жиҳатдан биз мавлоно амир ал-мўъминин Ҳорун ар-Рашиддан фазлу шафқат, эътибору марҳамат кутурмизким, барча мусулмон диёрлариға битик битиб, маликани топдирсалар ва ишончли элчи бирлан бизга юборсалар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишини тўхтатди.



*Саккиз юз
тўқсон учинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Фарангистон шоҳи халифа амир ал-мўъминин Хорун ар-Рашидга мактуб ёзибди. Фаранг шоҳ хатида ўта илтимос қилиб, қизи Марямни топиш учун барча мусулмон мамлакатларига амру фармон юборишни ва маликани ишончли элчи билан юртига қайтаришини сўрабди.

Хат сўнггида шулар ёзилган

экан:

«Сизнинг бу кўрсатган фазлу илтифотингиз, ёрдаму кўмакингиз бадалига улуғ Рум шаҳрининг ярмида мусулмонлар учун масжид жоме қуришингиз учун ижозат бергаймиз ва аларнинг хирожлари ҳам сизларга хос бўлиб, ўз ихтиёрларига ўтгай».

Фарангшоҳ давлат арбоблари маслаҳати билан мактубни ёзиб бўлгач, уни буклаб, сўқир ўрнига бўлган вазирини чақириб, унга шоҳлик муҳрини босишни буюрибди. Вазир муҳрлабди, давлат арбоблари ҳам имзо чекиб, ўз муҳрларини босишибди. Сўнгра шоҳ вазирга шундай дебди: «Агар уни олиб келсанг, мен сенга икки амирлик ерни ҳадя қиламан. Бунинг устига яна икки тироз билан мукофотлайман».

Шундан сўнг Фарангшоҳ вазирга Бағдод-Доруссалом шаҳрига жўнашга амр қилиб, хатни ўз қўли билан амир ал-мўъмининга топширишини таъинлабди. Вазир хатни олиб, йўлга тушибди, чўлу водийлар, тоғу адирлар кезиб, ниҳоят, Бағдод шаҳрига етиб келибди. У ерда уч кун дам олиб, тўрти-

нчи куни амир ал-мўъминин Ҳорун ар-Рашид қасрини суриштирибди. Одамлар унинг қаердалигини кўрсатишибди, вазир қасрга келиб, амир ал-мўъмининдан ҳузурига киришга изн сўрабди; халифадан ижозат бўлгач, вазир ичкари кирибди ва етти букилиб, таъзим қилиб ер ўпибди-да, Фарангшоҳ номасини узатибди, ажиб ва нодир совға-саломлар, ҳадя-ю туҳфалар топширибди.

Халифа номани олибди-да, ўқиб Фарангшоҳ мақсадини тушунибди. Халифа дарҳол вазиру вузароларига амр қилибди. Улар барча мусулмон мамлакатларига нома ёзишибди. Унда Марям билан Нуриддиннинг сифатлари, наслу насаби ҳам битилиб, иккаласи қочоқ одамлар, кимда-ким уларни кўриб қолса, тутиб, амир ал-мўъмининга жўнатиб юборсин, дейилибди. Шу билан бирга барча амиру умароларга фармойиш юбориб, бунга совуққонлик билан қармаслик, мабодо уларни учратиб қолинса, ғафлатда қолмаслик тайинланибди. Сўнгра амр-фармонларини муҳрлаб, чопарлар билан вилоят ҳоқимларига жўнатишибди. Улар буйруққа итоат қилиб, номада сифати кўрсатилганларни шаҳару қишлоқ, тоғу адирлардан ахтара бошлашибди.

Ҳоқимлар уларни қидириб турсин, энди Нуриддин билан Марям Зуннория воқеасига келайлик.

Подшо ва унинг аскарлари қочиб кетгач, Марям билан Нуриддин дарҳол отланиб, йўлга тушибдилар. Кўп юриб, кўп юрса ҳам мўл юриб, ниҳоят, Шом мамлакатига етиб келибдилар. Сўнг ундан Дамашқ шаҳрига кириб боришибди. Аммо, улардан бир кун элдин Дамашқ амирига буйруқ келган экан. Ҳоқим дарҳол айғоқчиларига буюриб, уларни воқеадан огоҳ қилибди. Айғоқчилар шу куниеқ йигит билан қизни кўриб исмларини сўрашган экан, улар бор

гапни рўйи-рост гапириб беришибди. Айғоқчилар ахтарган одамлари шулар эканини билишибди-да, уларни тутиб, Дамашқ амирининг ҳузурига келтиришибди. Амир бўлса уни халифанинг олдига, Бағдодга жўнатибди. Соқчилар уларни халифа қасрига келтириб, амир ал-мўъминин Хорун ар-Рашид ҳузурига киришга изн сўрашибди. Халифа ижозат берибди. Улар кириб таъзим қилиб, ер ўпишибди. Йигит билан қизни тутиб келган соқчилар: «Э амир ал-мўъминин, Фарангшоҳнинг қизи Марям Зуннория ва савдогар Нуриддин ибн Тожиддин Мисрий мана шулар,— дейишибди.— Йигит ўзи асир бўла туриб, шоҳ қизини йўлдан урган, отасига қарши низо қўзгаб, уни юртидан ўгирлаб қочиб тўғри Дамашққа бош олиб келишибди. Шаҳарга кириши билан суринтирсак, улар бор гапни рўйи-рост айтиб беришди. Сўнг тутиб ҳузурингизга олиб келдик».

Амир ал-мўъминин Марямга қараб туриб, унинг қадду қомати келишган, хушбичимлигини кўрибди. Қиз жуда гапга чечан, зийрак, замонанинг фариди, соҳибжамолу хушсухан экан. Марям халифа ҳузурига келгач, таъзим қилиб, ер ўпиб, салом берибди. Унга шону шавкат, туганмас давлат, иззату ҳурмат ва бахту саодат тилаб, дуо қилибди. Марямнинг хушқоматлиги, зебо-ю дилраболиги, лафзи ширинлиги, қанча-қанча латофатлар унда мужассамлиги халифага маъқул тушиб: «Сен Фарангшоҳ қизи, Марям Зуннориямисан?»— деб сўрабди. «Ҳа, амир ал-мўъминин»,— дебди Марям. Халифа унинг ёнига қараган экан, келишгангина, суҳсурдек худди тун қоронғисида чиққан тўлин ойдек чиройли бир йигит турибди. Халифа унга қараб: «Сен ўша Фарангшоҳ асири, асли савдогар Тожиддин Мисрий ўғли Али Нуриддинмисан?»— деб савол берибди. Нуриддин:

«Ҳа, амир ал-мўминин»,— дебди у халифага қул-
луқ қилиб. «Хўш, бўлмаса қани, айт-чи, қандай қилиб
бу қизни она юртидан олиб қочдинг?»— деб сўрабди
Ҳорун ар-Рашид. Шунда Нуриддин бошидан кечир-
ган барча саргузаштларининг ҳаммасини, оқизмай-
томизмай гапириб берибди. Нуриддин қиссасини
эшитган халифа ғоят таажжубланиб, ҳайратга ту-
шибди. У ҳаяжондан беихтиёр: «Эҳ, наҳотки эркак-
лар шунчалар ҳам азоб чекишса-я!»— деб хитоб
қилибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
тўқсон тўртинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб
давом этди Шаҳризод,—
эшитишимга қараганда,
халифа Ҳорун ар-Рашид
Нуриддиндан ҳол-аҳвол сўраган
экан, у кечмишларининг ҳаммаси-
ни бир бошдан ҳикоя қилиб бериб-
ди. Халифа бундан жуда ҳаяжон-
ланиб, беихтиёр: «Эҳ, наҳотки эр-
каклар шунчалик ҳам азоб чекиш-
са-я!»— деб юборибди-да, сўнг
Марям бекага ўгирилиб: «Э Мар-
ям, отанг Фарангшоҳ бизга сен
ҳақингда нома ёзган эди. Хўш, бунга сен нима дей-
сан?»— дебди. «Э амир ал-мўминин,— дебди Мар-
ям,— худо хайрингни берсин, умрингни узун қилиб,
барча бало-ю қазолардан асрасин! Мен ўз динимдан
чиқиб, сизларнинг динингизга кирганман. Энди сен
мендай мусулмон, мўмин-қобилни ғайридинлар қў-
лига топширасанми?! Сен шундай қилсанг, қиёмат
куни этагингдан ушлаб Муҳаммад расулиллоҳга арз
қиламан».

Унинг бу гапларини эшитган амир ал-мўъминин «Э Марям,— дебди,— сени тутиб беришдан худонинг ўзи асрасин, ўз динимиздагиларни қанақасига ғайридинга топшираман»,— дебди.

Марям шу заҳоти халифанинг олдида калимайи шаҳодатни ўқибди. Ҳорун ар-Рашид бўлса: «Э баракалла қизим,— дебди,— бало-қазолардан худонинг ўзи асрасин. Энди менга ер юзидаги барча олтину кумушларни ҳады қилишсаям, сени тутиб бермайман. Хотиринг жам бўлсин, кўнглинг жойига тушиб, бемалол юравер. Сен менга айт-чи, мана шу йигит Али Мисрий сенга эру, сен унга хотин бўлишга розимисан?» «Э амир ал-мўъминин,— дебди Марям,— у мени ўз пулига сотиб олиб, хушмуомала-ю, меҳрибон бўлса, қанақасига мен унга хотин бўлишга рози бўлмай? Мени деб, севги йўлида бу шўрлик шунчалар ўзини қийнаб, минг бир балоларга гирифтор бўлса-ю, тагин мен унинг этагини тутмайми?»

Шундан сўнг амир ал-мўъминин Ҳорун ар-Рашиднинг ўзи маҳр тайин қилибди; қози-ю гувоҳлар, акобири аъёнларни чақиртирибди. Никоҳ ўқилиб, аҳд битилибди, жуда кўп одам йиғилибди.

Сўнгра Ҳорун ар-Рашид нома келтирган Фарангшоҳ вазирига ўгирилиб шундай дебди: «Хўш, буларнинг гапларини эшидингми, энди мен буни қандай қилиб отасига юбораман. Бориб айт, хомтама бўлмасин, мен буни ғайридин қўлига юбормайман. Агар уни қайтариб юборсам, балки шоҳ маликани қийнайди, чунки у акаларини ҳам ўлдирган экан. Менинг бундай қилишим гуноҳ бўлади, қиёмат куни азобидан қўрқаман. Яхшиси, сен юртингга жўна-да, шоҳингга айт: у ўз ниятидан қайтсин».

Лекин вазир эси паст, аҳмоқ одам экан. Халифанинг гапига кўнмай: «Э амир ал-мўъминин, Исо ма-

сиҳ, дини саҳиҳ ҳақи, мен Марямсиз Фарангшоҳ даргоҳига бормайман, малика ислом динига кирган бўлсаям, уни олиб бормасам, шоҳ менинг калламни олади»,— дебди.

Халифа дарғазаб бўлиб, соқчиларига: «Ушланглар бу малъунни!»— деб амр қилибди-да, кетидан шу байтни ўқибди:

Барча саркашларга мукофот олий:
Яъни, бўйсунмаснинг шу бўлур ҳоли!..

Сўнгра у: «Бу лаънати вазирнинг калласини олиб, ўзини куйдириб юборинглар»,— деб фармон берибди. Шунда Марям бека халифага: «Э амир ал-мўминин, бу лаънатининг қони билан қиличингни ифлос қилма!»— дебди ва ўзи шартта қиличини суғуриб, вазирнинг бўйнига солган экан, калласи танасидан жудо бўлиб, ерга юмалаб тушибди. Шундай қилиб жони дўзахдан, тани лаҳатдан жой олибди.

Халифа Марямнинг куч-қувватига қойил қолибди. Халифа Нуриддинга қиммат баҳо саруполар кийгазибди, икковига қасрдан махсус жой ажратиб бериб, маош тайинлабди ва уй-рўзгорга керакли барча жиҳозлару кийим-кечаклар, гиламлару қиммат баҳо идиш-товоқлар элтиб беришга амр қилибди. Марям билан Нуриддин айшу ишратда, ҳурмату иззатда бўлиб, бир қанча вақт Бағдодда яшашибди. Ниҳоят, йигит ота-онасини соғиниб, бу ҳақда халифага маслаҳат солибди. У қариндош-уруғ, яқин-йироқларни зиёрат қилиш учун юртига кетишга изн сўрабди. Халифа Марямни ўз ҳузурига чақиртириб ҳар икковига жуда кўп совға-ю саломлар, тухфа-ю инъомлар берибди, эр-хотинни бир-бирларига, икковини эса худога топшириб, Миср амирига нома битибди. У

ердаги умаро-ю уламолар, ҳокиму кубароларга буюриб, Нуриддин ва унинг хотини ота-онасига иззат-икром, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни тайинлади. Бу ҳақда Мисрга хабар етгач, савдогар Тождин ўзида йўқ қувонибди, ўғли Нуриддиннинг соғсаломат, бемаломат қайтиб келаётганини эшитиб, онасининг ҳам боши кўкка етибди. Халифанинг топшириғига кўра шаҳар каттаконлари, амир, давлат арбоблари ва катта-кичик барча аъёнлар уларнинг истиқболига пешвоз чиқишибди. Одамман деган гуж-гуж бўлибди, кимсан Нуриддин билан Марям бека келаётганмиш, деб ҳамма ёқ тў-ю томоша, тантана-ю дабдабага айланиб кетибди. Бу шундай бир шодиёна кун бўлдики, аста сўраманг; ошиқ маъшугига, бола отасига, ота боласига етишиб, шундаям зиёфатлар бошланибдики, эҳ-ҳе, у на еган билан тугалармиш, на айтган билан; ҳар куни амирлардан бири улар шарафига зиёфат берибди. Уларнинг соғсаломат келганига ҳамма беҳад қувониб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишибди. Нуриддин ота-онасининг бағрига келибди. Улар фарзандларини бағриларига босиб, дийдорига тўйишиб, хотиржам бўлишибди. Келини Марям бекани ўтқазгани жой тополмай, парвона-ю гиргиттон бўлишибди ва уларга амиру умаролар, йирик савдогарлардан хилма-хил, ажойиб-ғаройиб совға-саломлар, ҳадя-ю инъомлар кела бошлабди. Улар шу тариқа шоду ҳуррам, вақти чоғлик, кайф тароқлик билан кун ўтказа бошлашибди.

Иззату лаззатда, давлату неъматда роса айшларини суришибди. Иккови ҳам ошларини ошаб, ёшларини яшаб, то қазоси етгунча қолган умрларини шоду ҳуррамлик билан роҳат-фароғатда ўтказибдилар.



ивоят қилишларича, Қоҳира волиси амир Шужоуддин Муҳаммад шундай ҳикоя қилибди: «Биз бир кеча саидлик бир одамникида меҳмон бўлдик. Мезбон бизни иззат-икром билан қарши олиб зиёфат қилди. У қоп-қора, қари бир киши бўлиб, болалари оппоққина эди. Биз ҳайрон бўлиб: «Эй биродар, сиз қоп-қорасизу, нега болаларингиз оппоқ, бунинг сири нимада?»— деб сўрадик. Шунда у: «Буларнинг онаси афранжлик. Унга уйланишим қизиқ бўлган»,— деди.

«Айтиб бизларни хушнуд қилмайсизми?»— дея илтижо қилган эдик. У: «Хўп бўлади, бўлмаса эшитинглар!»— дея ҳикоя қила бошлади:

«Бир вақтлар мен деҳқончилик қилиб зиғир эккан эдим. Пишгач йиғиб-териб олдим-да, сотишга ҳозирландим. Экиш-тикишга мен беш юз динар сарф қилган эдим; энди сотмоқчи бўлсам, ўз тани ҳам чиқмайдиган бўлди. Одамлар менга: «Ако шаҳрига олиб бор, катта фойда топасан»,— деб маслаҳат беришди. У вақтларда Ако шаҳри афранжлар тасарруфида эди. Мен зиғирни Акого олиб бордим-да, олти ой мобайнида тўлаш шарти билан бир қисмини сотдим. Шу кезларда иттифоқо, бир афранжлик аёл зиғир олгани олдимга келиб қолди. Афранж аёллари одатда очиқ юришар экан. Уни кўрдиму ақдан оздим. Арзон-гаров унга бир оз зиғир сотдим. Бир неча кун ўтгач, ҳалиги аёл яна келди. Бу сафар унга олдингидан ҳам арзонроқ қилиб бердим. Шу тариқа у зиғир олгани бир неча бор келди. Севиб қолганимни аёл аллақачон пайқаган эди. У ҳар гал бозорга бир кампир билан келарди. Мен кампирга дардимни айтиб, шу жувонга мафтун бўлиб қолга-

нимни билдирдим-да, унга етишиш чорасини сўрадим.

«Хўп,— деди кампир,— мен бунинг чорасини топаман, лекин бу сир учовимизнинг орамизда қолсин. Иннайкейин, сен бирмунча чиқимдор ҳам бўласан». «Унинг йўлида мол эмас, жоним фидо бўлса ҳам оз»,— дедим мен кампирга.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
тўқсон бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— кампир: «Лекин бу сир учовимизнинг орамизда қолсин, иннайкейин, сен бирмунча чиқимдор ҳам бўласан»,— деган эди, мен: «Унинг йўлида мол тугул, жоним қурбон бўлса ҳам оз»,— дедим. Ниҳоят у, эллик динор берсам, маъшуқамни олиб келадиган бўлди. Мен эллик динор тўплаб кампирга топширдим. Пулни олгач, кампир менга: «Уйингда жой ҳо-

зирла, у шу кеч ҳузурингга келади»,— деди.

«Мен бозордан қайтдим,— деб сўзида давом этди савдогар,— уйга келиб иложим борича егулик, ичкулик, чироқ ёғи ва ширинликлар ҳозирладим. Қароргоҳим дарё ёқасида эди. Ёз фасли бўлганидан томга жой қилдим. Ниҳоят, афранжиялик маҳлиқо ҳам келди. Ейишдик, ичишдик. Қоронғи тушгач, ётдик. Ой бизга нур сочарди. Денгиздаги юлдузлар мавжини томоша қилар эканмиз, юрагимга ғулғула тушди-да, ўзимча ўйладим: «Ўзинг ҳеч кими йўқ бир мусофир бўлсангу, худодан қўрқмай, осмон тагида, денгиз бўйида ётиб, бир насрония хотин

билан очикдан-очик гуноҳ ишлар қилсанг, сен, бу ишинг учун дўзах азобига лойиқсан! Эй, улуг тангрим, севдан уялганим, сенинг азобингдан кўрққаним учун, шундай кўркам хотиндан ўзимни тийдим, ўзинг кечир!»— дедим-да, эрталабгача унга тегмадим.

Тоғ отгач, хотин ўрнидан турди. У ниҳоятда дарғазаб эди. У ўз уйига, мен бўлсам дўконга йўл олдим. Бориб дўконимда ўтирган эдим, бир вақт ақлимни банд этган хотин яна ўша кампир билан ёнимдан ўтди. У ҳамон ғазабда эди. Ун тўрт кунлик ойдек кўркам бу аёлни кўриш билан яна ҳирсларим кўзғаб, ўз-ўзимга айтдим:

«Сен ўзинг қандай катта бир тақводорсанки, шундай кўркам жориядан кечасан? Ахир, сен сирри ас-сақтимисан, ёки Бишри-хофимисан ва ёки Жўанайди Бағдодимисан ёки Фузайл ибни Аёзмисан?»

Бу хотиндан ўзимни тортганим учун пушаймон бўлиб, кампир кетидан бордим-да, у гўзални бу оқшом ҳузуримга келтиришини илтимос қилдим. «Мусо ҳақи, у энди юз динорсиз келмайди»,— деди кампир. «Юз динор бераман»,— дедим, мен кампирга ва унга юз динор бердим.

Хотин ваъдасига вафо қилиб бу оқшом ҳам келди. У ёнимда ўтирар экан, мени яна ваҳима босди. Худо ризоси учун ўзимни тийиб, бу оқшом ҳам қўйнига кирмадим. Аёл қайтиб кетди.

Эрталаб яна ўз дўконимга бориб ўтирган эдим, ёнимдан ўша кампир ўтиб қолди. У қаттиқ хафа эди. Мен кампирга: «Уни олиб кел!»— деб илтижо қилдим. «Мусо ҳақи,— деди кампир,— энди беш юз динорсиз у билан маишат қилолмайсан, ё ганж хашлайсан ёки унинг ишқида ҳасратда ўлиб кетасан». Бу сўзни эшитиб оҳу фиғон чекдим. Бутун

зиғирларимнинг пулини сарфлаб бўлса ҳам, армонда кетмай, мақсадимга етиш, роҳатга эришишга жазм қилдим. Шу орада бирдан жарчи жар солиб қолди: «Эй мусулмонлар, эшитмадим деманглар, сиз билан орамизда бўлган келишув муддати тугади, сизларга яна бир ҳафта муҳлат берилади. Шу муддатда ишларингизни тамомлаб юртларингизга қайтинглар».

Хотин тамоман кўринмай кетди. Мен насыяга мол олганлардан пул ундириш, қолган молларимни айрибошлашга киришдим. Ниҳоят, бир қанча ажойиб-ғаройиб нарсалар олиб, Ако шаҳридан чиқдим, лекин афранжиялик аёл ишқида дилим ёнарди. Чунки у дилимни ҳам, жисмимни ҳам ўзига асир қилиб олган эди.

Ако шаҳрида туриш муддати тугаб қолганлигидан шошилишчи равишда молларимни Дамашқда сотдим. Шукурлар бўлсинким, бу моллардан тангри менга катта фойда етказди.

Афранжиялик аёлга бўлган севгим аламларини сўндириш ниятида Дамашқда асира жориялар савдоси билан шуғулландим ва олди-сотди қилиб уч йилни ўтказдим. Шу тариқа кун кўриб юрганымда шоҳ Носир билан фаранглар орасида жанг бошланиб қолди. Худонинг марҳамати билан шоҳ Носир фарангларни енгиб, ҳамма мол-мулкларини ўлжа олди ва денгиз қирғоғидаги шаҳарларни истило қилди. Шу кезларда иттифоқо, бир киши қелиб шоҳ Носир учун мендан бир жория сўради. Чиройли бир жориям бор эди. Мен шуни олишни таклиф қилдим. У бу жорияни мендан юз динорга сотиб олди-ю, лекин хазинада пул йўқлигидан менга тўқсон динор берди. Чунки хазинадаги пулларнинг ҳаммаси фаранг муҳорабасига сарф қилинган экан. Пул етма-

ганлиги тўғрисидаги бу хабарни шоҳга айтишган экан у:

«Уни асирлар сақланаётган жойга олиб бординглар-да, қолган ўн динори бадалига, у ердаги фаранг қизларидан бирини танлаб олишга рухсат этинглар»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
тўқсон олтинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— шоҳ Носир қолган ўн динор учун асир қизлардан бирини танлаб олишга савдогарга рухсат этинглар, дебди. «Шундан сўнг улар мени жориялар маконига олиб бордилар,— деб сўзида давом этди савдогар.— Мен у ердаги жорияларни кўздан кечирар эканман, улар орасида мени асир қилган ўша афранжиялик жувонни кўриб қолдим. У фаранг тўраларидан бирининг хотини экан. «Менга шуни беринглар»,— дедим ва уни олдим, ўз чодиримга йўл солдим. «Мени танийсанми?»— дедим мен унга, «йўқ»,— деди у. «Мен зиғирфуруш дўстингман-ку! Орамизда бўлган воқеалар ёдингдадир. Менин: қанча олтинларимни олиб яна: «Беш юз динор сарф қилмагунча мени кўролмайсан»,— деган эдинг, энди мен сени фақат ўн диноргагина олдим, холос, бунинг устига яна доимийликка олдим. «Бу ҳол диннинг шарофатидир»,— деди у шунда. Кейин у калима келтириб мусулмон бўлди.

Мен ўз-ўзимга: «Худо ҳақи, буни озод қилиб,

қози гувоҳлиги билан шаръий никоҳ қилиб олмагунимча унга қўл текизмайман»,— дедиму, ибни Шаддодга бориб бўлган воқеаларни сўзлаб бердим. Ибни Шаддод никоҳ қилиб қўйди, эр-хотин бўлиб бирга яшай бошладик. У ҳомиладор бўлди.

Орадан бир неча вақт ўтгач, шоҳлар орасида иттифоқ тузилди ва шу иттифоққа мувофиқ асир ва сургунларни сўраб шоҳ элчиси келди. Шундай қилиб, эркагу аёл асирларнинг ҳаммасини ўз юртига қайтардилар. Фақат мен билан бирга яшаётган афранжиялик жувон қолди, холос. Одамлар, «фалон тўранинг хотини қайтмади»,— деб уни ахтара ёш-лабдилар. Кўпгина суриштиришлардан сўнг унинг мен билан бирга эканини билиб қолдилар-да, олиб кетмоқчи бўлдилар. Рангим ўчиб, қоним қочиб, зўр ҳаяжон билан хотинимнинг ёнига борган эдим, у мендан: «Сенга нима бўлди, бошингга қандай ташвиш тушди?»— деб сўради.

«Ҳамма асирларни олиб кетиш учун шоҳ элчиси келди. Сени мендан талаб қилаётир»,— деб жавоб бердим. «Қўрқма, ҳеч нарса бўлмайди. Сени шоҳ ёнига олиб бораман, унга нима деб жавоб беришимни ўзим биламан»,— деди хотиним. «Мен у билан бирга,— деб давом этди савдогар:— шоҳ Носир ҳузурига бордим. Фаранг элчиси унинг ёнида ўтирар эди». «Мана, мен билан бирга яшаган хотин»,— дедим мен унга.

Шоҳ Носир ва элчи хотиндан сўрашди: «Тангри сени ҳам, бошқаларни ҳам асирликдан қутқазди. Сен ўз юртингга қайтасанми ёки эринг билан шу ерда яшайсанми?»

«Мен мусулмон бўлдим,— деди хотиним шоҳга,— унинг устига кўриб турганингиздай ҳомиладорман ҳам. Мен энди фарангларга керак бўлмасман».

Шунда элчи: «Сен учун қай бири маъқул, бу му- сулмонми ёки ўз эринг фалон тўрами?»— деб сўради.

Хотин унга ҳам шоҳга берган жавобни қайтарди. Сўнг элчи, ёнидаги фаранглардан: «Бунинг сўзла- рини эшитдингизми?»— деб сўради. «Эшитдик»,— де- дилар улар. «Хотинингни олиб кета бер!»— деди шунда элчи менга.

Биз у билан бирга йўлга тушдик. Биз йўлда борар эканмиз, фаранг элчиси юборган киши орқа- миздан етиб келиб:

«Бу хотиннинг онаси менга бир омонат топши- риб: «Қизим асирликда оч-ялангочдир», дея мана шу қутини унга элтиб беришимни илтимос қилган- ди. Буни элтиб унга топшир.»— деди-да, у қутини мен- га берди. Хотинимга топширдим. Қутини очиб қара- сак, кийимлар ва бирига эллик динар, иккинчисига юз динар солинган икки ҳамён бор экан. Мен унинг йўлида аввал сарф қилган пулларимнинг яна ўз қў- нимга келганини кўриб жуда шодландим. Худого шукурлар қилдим. Булар ундан бўлган болалардир. У ҳозир ҳам мен билан шу ерда яшайди. Дастурхон- даги бу овқатларни ҳам у пиширган».

Биз унинг ажойиб ҳикоясини эшитиб мамнун бўлдик.

БАҒДОДЛИК ЙИГИТ ВА ЖОРИЯ ҚИССАСИ

Я

на шундай ҳикоя қиладилар: Қадим за- монларда Бағдодда бир киши ўтган эди. Унинг отаси давлатманд бўлиб, унга кўп- гина дунё қолган эди. У бир жорияни яхши кўриб, сотиб олди. Қиз ҳам йигитни яхши кў- рар эди. Йигит унга бор молу дунёсини сарф қилди. Ҳеч нарсаси қолмаган йигит кун кечериш учун бирор йўл топиш ҳаракатига тушди. Аммо нима қиларини

билмас эди. Йигит яхшигина ашула айтар ва дўстлар мажлисларида кўп бўлар эди. Уртоқлари унга: «Сен учун жориянг билан бирга ашулачилик қилишдан кўра қулайроқ бир ҳунар йўқ, шу йўл билан сен яхшигина пул топишинг мумкин»,— деб маслаҳат беришди. Лекин бу маслаҳат йигитга ҳам, жорияга ҳам маъқул тушмади. «Бошимга бир фикр келди»,— деди жория бир куни.

«Қанақа фикр?»— деб сўради йигит.

«Сен мени сот. Шунда иккимиз ҳам маломатдан қутуламиз. Албатта мен давлатманд бўламан. Негаки, мендек аёлни фақат бадавлат одамгина сотиб олади ва қўлингга мол-дунё билан қайтиб келаман».

Маслаҳат билан йигит қизни бозорга олиб чиққан эди, ҳошимийларга мансуб ўқимишли, нозик табиат ва саховатли бир киши уни бир минг беш юз дирҳамга сотиб олди. «Пулни қўлга олганимда,— дейди йигит,— мен ҳам, қиз ҳам пушаймон бўлиб йиғлашдик ва мен айнаб, савдони бузмоқчи бўлдим. Бироқ ҳошимий бунга унамади. Пулни ҳамёнга солишга солдим, лекин жориямдан айрилиб, қаёққа боришимни билмай қолдим. Юзларимга уриб, ўзимда йўқ бир алам билан фарёд кўтардим. Гангиб бир масжидга кирибману, йиғлай-йиғлай ухлаб қолибман. Хаял ўтмай кимдир бошим остидан бир нарсани олиб қочгандай бўлди. Шошиб қарасам, ҳамён йўқ. Тура орқасидан қувмоқчи бўлган эдим, юз тубан йиқилиб тушдим. Қарасам, оёғим боғлаб қўйилган экан, жонингдан ҳам, молингдан ҳам айрилдинг, дея юзларимни юлиб, йиғлай бошладим».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



**Саккиз юз
тўқсон еттинчи
кеча**



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод:— йигит ҳаменини йўқотгач, ҳам жондан, ҳам молдан айрилдим. Энди аҳволимга вой,— дея сўзлай бошлади,— бу кунимдан ўлганимга рози бўлиб, Дажла дарёсига бордим-да, кийимим билан бошимни буркаб ўзимни сувга отдим. Бу ҳолни кўрган кишилар: «Бу, унга етган бениҳоят катта алам натижасидир»,— дейишибди-да, ўзларини сувга отиб мени олиб чиқишибди. Улар бу қилмишимнинг боисини сўрашган эди, мен ўз саргузаштимни сўзлаб бердим. Улар ачишишди, шу вақт орадан бир кекса киши чиқиб шундай деди:

— Хўш, молинг кетишга кетибди, жонинг кетишга ким сабаб? Ахир, сен бу ишинг билан дўзах азобига лойиқсан-ку! Урнингдан тур, иккёвими уйингга борамиз, мен уйингни кўриб қўймоқчиман.

Мен ўрнимдан туриб, уни бошлаб бордим. Чол то мен тинчлангунимча ёнимда ўтириб, сўнг кетди. Мен унга миннатдорлик билдирдим.

Чол чиқиб кетгач, ҳамон диққатим ошиб, яна ўзимни ўзим ўлдиргудек бўлдим, охира азобидан кўрқиб, ўзимни зўрға тўхтатиб қолдим. Уйдан чиқиб, ўртоқларимдан бириникига бордим-да, бошимдан кечган ҳамма воқеаларни унга ҳикоя қилиб бердим. У аҳволимга ачиниб, йиғлаб юборди ва менга эллик динар бериб, шундай деди:

«Менинг маслаҳатимга кириб, ҳозироқ Бағдоддан чиқиб кет. Ишқ дарди дилингдан кўтарилиб, баҳринг очилгунча бу пулни сарфлаб ўзингни овут. Ахир, сен

қўлидан ҳар иш келадиган, яхши хаттот, илму фазл-да комил кишисан-ку. Ўзинг хоҳлаган бирор ноибга бор-да, унга бош эг. Зора тангри сени суюклигинг билан қовуштирса».

Бу сўзларни эшитиб анча дадиллашдим, дардим енгиллашгандай бўлди. Ниҳоят, бир неча қариндош-уруғларим яшайдиган Восит шаҳарига сафар қилмоқчи бўлдим-да, денгиз соҳилига бордим. У ерда одам ва юк кемалари сафарга тайёр турар эди. Дарғалардан мени олиб кетишларини илтимос қилдим. Улар: «Бу кема ҳошимийларга мансуб. Сени олишимиз мумкин эмас»,— дейишди. Мен уларни пул билан қизиқтирмақчи бўлдим. Аммо улар: «Шунда ҳам барибир сени бу кийимларинг билан олишимиз ҳеч мумкин эмас. Ҳамон борсанг, бу кийимларингни ечиб, кемачилар кийимини кий-да, худди бизларга ўхшаб ҳаракат қил!»,— дейишди.

Мен дарров шаҳарга қайтдим, кемачилар кийимини сотиб олдим, сўнг уни кийиб, Басрага кетаётган кемага чиқиб ўтирдим.

Орадан кўп ўтмай у ерда севиклимни кўриб қолдим. Унинг ёнида икки жория бўлиб, хизматида турар эди. Кўнглим бир оз таскин топиб, ўз-ўзимга: «Мана, энди мен Басрага етгунча уни кўриб, ашуласини эшитиб бораман»,— дедим.

Орадан кўп ўтмай, бир қанча пиёда одамлар билан отда Ҳошимий келиб шу кемага тушишди. Кема сузиб кетди. Шу орада таом келтирилди. Ҳошимий ва жория овқатлана бошладилар. Қолганлар ҳам тамадди қилишди. Овқатдан сўнг Ҳошимий жорияга қараб: «Қачонгача ашуладан маҳрумлигу, қайғу йиғига ҳамдамлик!»— деди. «Сен эмасми энг аввал севгувчини севиклисидан жудо қилган?»— деди жория.

Бу гапдан унинг дилида менинг муҳаббатим қандай ўрин олганини яхши тушундим. Сўнг Ҳошимий кема қирғоғидаги пардани тушириб, мен билан ёнма-ён ўтирганларни яқинроқ келишга ундади. Улар парда яқинига бориб ўтирдилар. Мен уларнинг кимлигини сўраган эдим, «Ҳошимийнинг биродарлари»,— деб жавоб беришди. Сўнг Ҳошимий ичимлик билан таом келтиришни буюрди. Сўнг то жория қўлига чолғуни олиб созлай бошлагунча ялиниб ёлвордилар. Ниҳоят, жория қуйидаги икки байт-ни ўқиб, куйлай бошлади:

Тун қоронғи, ёр билан қарвон кетиб боради,
Йўлни давом этдириб, жавлон этиб боради
Қарвон йироқлашганда йиғлаб ошиқ бечора,
Қараб қолар орқадан, юраги пора-пора.

Упкаси тўлиб у ортиқ куйлолмади-да, қўлидаги сазни ирғитиб юборди. Одамлар хафа бўлишди. Мен бўлсам ҳушдан кетиб йиқилдим. Одамлар: «Тутқа-лоғи тутди» деб гумон қилишди. Шу дам кимдир биров қулогим тагида қуръон ўқий бошлади.

Улар ҳамон ашула талаб қилиб жорияга ёлвордилар. Ниҳоят у, қўлига яна сазни олиб қуйидаги байтларни ўқиб, куйлай бошлади:

Қолдим бу ерда йиғлаб, қарвон борар узоқлаб,
Қолдим бу ерда ёлғиз, меҳрин дилимда сақлаб.
Манзил қолиб уларсиз, бўм-бўш турар ҳувиллаб,
Ҳам кўзларим живирлаб, икки қулоқ гувиллаб...

У куйлаб бўлди-ю, ҳушдан кетиб йиқилди. Одамлар фарёд кўтаришди. Мен ҳам додлаб бақирганча ҳушдан кетдим. Кемачилар шовқин-сурон кўтаришди. Шунда Ҳошимийнинг хизматкорларидан бири уларга:

«Нима қилиб бу телбани кемада олиб юрибсизлар?»— деди. Сўнг кимдир: «Бирон қўноққа етиш биланоқ дарров кемадан чиқариб ташланглар, бизни бу довдирдан халос қилинглар»,— дея фармон берди.

Бу гапни эшитиб менда чексиз ғам, тенгсиз мудҳиш алам пайдо бўлди. Лекин, «ўзимнинг шу кемада эканлигимни жорияга билдирмагунимча ҳеч қаёққа кетишим мумкин эмас. Кемадан мени чиқариб ташламоқчи бўлсалар, ёлғиз шу жориягина қутқазиб қола билади»,— деган қарорга келдим.

Кема бир қишлоққа яқинлашгач дарға: «Қирғоққа чиқамиз»,— деди. Вақт кечқурун эди. Одамлар чиқиб кетишди. Шунда мен ўрнимдан туриб, секингина парда орқасига бордим-да, созни олиб, унинг торларини бирин-кетин ўзгарта бошладим. Ниҳоят, уни жорияга ўргатганим бир мақомга мослаб созладиму, сўнг ўз жойимга қайтдим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Саккиз юз
тўқсон саккизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Йигит айтди: Сўнг ўз жойимга қайтдим. Ҳадемай одамлар ҳам қирғоқдан қайтишди.

Ой нури ерни ҳам, денгизни ҳам ёритиб турарди. Шу чоқ Ҳошимий жорияга боқиб: «Худо ҳурмати, айшимизни аламга айлантирма»,— деди. Жория ноилож чолғуни қўлига олиб, бармоқлари билан торни тебратди-ю, бирдан қичқириб юборди. У шу қадар даҳшатли қичқирдики, одамлар унинг жони чиқдимикан деб гумон қи-

лишди. «Худо ҳақи,— деди жория,— менинг устозим шу ерда, биз билан бирга шу кемада экан». «Худо ҳақи,— деди Ҳошимий,— агар у шу ерда бўлса, мен унинг мажлисимизда бўлишига қаршилиқ қилмайман. Балки у сенинг аҳволингни енгиллашишига сабаб бўлару, биз ашулангдан яхшироқ баҳраманд бўлармиз,— деб давом этди.— Уйлашимча, бу кемада унинг бўлиши эҳтимолдан узоқдир». «Модомики, устозим шу ерда, биз билан бирга экан, мен на тор черта оламану, на куйлай оламан»,— деди жория. «Бўлмаса кемачилардан суриштириб кўрайлик»,— деди Ҳошимий. «Шундай қилинг»,— деди жория.

Ҳошимий кемачилардан: «Набодо орангизда бирон бегона киши борми?»— деб сўради. «Йўқ»,— дейишди улар. Мен кулиб юбордим-да: «Жориянинг сўзлари тўғри,— унинг устози менман, бу санъатни унга мен ўргатган эдим», дедим. «Худо ҳақи, бу худди ўша хўжамнинг овозлари»,— деди жория парда орқасидан.

Ходимлар мени Ҳошимий олдига бошлаб боришди. Ҳошимий эса мени таниди ва:

«Не сабабдан бундай аянч ҳолга тушганингни сўзлаб бер!»— деди.

Мен ўз саргузаштларимни айтиб йиғладим.

Парда орқасидан жориянинг ҳам мунгли йиғиси эшитилди. Менга раҳмлари келиб, Ҳошимий ва унинг биродарлари ҳам ҳўнграб йиғлашди. Ҳошимий айтди: «Худо ҳақи, мен сенинг жориянг билан яқинлашганим йўқ, яқинлашиш у ёқда турсин, қўл ҳам теккизмадим. Бу кунгача ҳатто унинг ашуласини ҳам эшитмадим. Мен ашула эшитиш ва амир ал-мўмининдан маошимни сўраш учун Бағдодга келган эдим. Бу ҳар икки ишни бажаргач, ватанга қайтишда Бағдод ашуласини эшитиб турсам деган мақсадда

бу жорияни сотиб олгандим. Уртангиздаги бу ҳолни билмаган эдим. Худони гувоҳ қилиб айтаманки, Басрага етгач, мен уни озод қилиб, сенга никоҳлаб бераман. Сизларни умрбод етадиган ва балки ортиб ҳам қоладиган мол-дунё билан таъминлайман. Лекин бунинг бир шарти бор. Шарт шуки, мен қачон истасам, жория парда орқасидан ашула айтиб беради, сен бўлсанг, менинг биродарим ҳам ҳамроҳларим қаторида турасан».

Мен бу сўзни эшитиб хурсанд бўлдим. Шу чоқ Ҳошимий пардага бош суқиб, жориядан: «Сен бунга розимисан?»— деб сўради. Жория Ҳошимийни дуо қилиб миннатдорчилик билдирди. Ҳошимий эса ғулломларнинг бирини чақириб, шундай деди: «Бу йигитни элтиб, ҳарир кийимлар кийдир ва хушбўй атирлар сепиб, олиб кел».

Ғуллом бошлаб бориб, хўжаси айтганидек мени ясантирди-да, Ҳошимий ёнига олиб келди. Ҳошимий эса бошқалар қатори менга ҳам шароб тутди. Жория бўлса энг яхши мақомлардан куйлай бошлади:

Койдилар, йиғласам, ёрим видолашганда,
Айрилиқнинг захрини татимаган дўстларим!
Йиғламасга йўқ чорам, ундан жудолашганда,
Қовурғалар қирсиллаб, увушади пўстларим!
Ўз бахтини узатиб, ошиқ гадолашганда,
Бор-будини йўқотиб, ортди каму кўстларим!..

Тингловчилар ғоят шодланишди. Мен завқланиб кетиб, қизнинг қўлидан созини олдим-да, ажойиб бир куйга солиб, қуйидаги қўшиқни талқин эта кетдим:

Ҳада гар сўрмоқчи бўлсанг: сўр саховат аҳлидан,
Бесаховатлар кишини музтар айлар, хор этар!
Яхшилик кўрмоқчи бўлсанг: кўр саховат аҳлидан,
Бесаховатлар ишини тангри ҳам ночор этар!

Сўргали виждонни қил мажбур, саховат аҳлидан,
Зор кўнглингни олишда, боғ этар, гулзор этар!..

Одамларнинг шодликлари борган сари ортиб борди. Қирғоққа етгунимизча гоҳ мен, гоҳ жория хилма-хил мақомлардан куйлашдик.

Ниҳоят, кемамиз тўхтаб ҳамма қирғоққа чиқди. Мен ҳам чиқиб, таҳорат ушатгани ўтирдим. Хийла кайфим бор эди, уйқу ғалаба қилиб ухлаб қолибман. Йўловчи ҳамроҳларим кемага ўтириб жўнаб кетибдилар. Улар ҳам маст бўлганликлари учун менинг йўқлигимни пайқамабдилар. Мен ҳамма пулларимни жорияга бериб қўйган эдим. Енимда ҳемири ҳам йўқ. Шу ухлагандан қуёш таъсиридангина уйғонибман. Урнимдан туриб атрофга алангладим. Ҳеч ким йўқ. Мен Ҳошимийнинг исмини ҳам, қаерда туришини ҳам, уни қандай топиш мумкинлигини сўрашни ҳам унутган эканман. Хаёл дарёсига ботдим. Суюкли жориям билан учрашиш шодлиги бир тушдек ўтди-кетди. Нима қиларимни билмай ҳайрон бўлиб турган эдим, катта бир кема келиб қолди. Унга ўтириб Басрага етиб олдим. Басрада мен ҳеч кимни танимас эдим, Ҳошимий уйини ҳам билмас эдим. Ҳайронликда бир дўкондор ёнига бориб ундан қоз, сиёҳ олдим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ опагон,— деди синглиси,— ҳикоянг қандай яхши-я.

— Эй, сеvimли синглим,— деди Шаҳризод,— бу ҳам ҳикоями, агар шоҳим мени омон қўйсалар, эртага айтадиган ҳикоям олдида бу ип ечолмайди.

Буни эшитган шоҳ ўзича: «Ке, уни бугун ҳам ўлдирмай ҳикоясини эшитиб олай, сўнг бир гап бўлар» деб ўйлади.



**Саккиз юз
тўқсон тўққизин-
чи кеча**



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод:— жориянинг хўжаси Бас-ра шаҳрига етгач, ҳайрон бўлиб қолибди. У ҳеч кимни танимас, Ҳошимий уйини ҳам билмас эди. У дедиким: «Мен дўкондор ёнига бордим-да, ундан қоғоз, қалам олиб хат ёза бошладим. Дўкондор хатимнинг чиройлилигини, лекин кийимининг кирлигини кўриб ҳайрон бўлди-да, менинг кимлигимни сўради. Мен бир мусофир

бечоралигимни айтдим».

«Менинг ёнимда қолиб хизмат қилмайсанми? Ҳар кунига ярим динор бераман. Овқатинг ҳам, кийим-кечагинг ҳам менинг устимга. Дўконимда ҳисоб ишларини олиб борасан»,— деди.

«Яхши»,— дедим-да, унинг ёнида қолиб хизматини бажо қила бошладим. Дўкон ишларини тартибга солиб, кирим-чиқим режасини туздим. Бир ой ўтгач, дўкондор даромад кўпайиб, буромад камайиб бораётганини кўрди. Бунинг учун у менга миннатдорлик билдирди-да, хизмат ҳақимни бир дирҳамга чиқарди. Кейинроқ у ўз қизига уйланишим ва дўконда шериклик иш олиб боришимни таклиф қилди.

Мен рози бўлиб, унинг қизига уйландим ва унинг дўқонида шериклик хизмат қила бошладим. Лекин мен синиқ дил, паришонхотир ва ғамгин эдим. Дўкондор кўпинча ичар ва мени ҳам бунга таклиф қилар эди. Қайғум зўрлигидан ичкилик кўнглимга сиғмас, шунинг учун унамай қайтарардим.

Икки йилни шу аҳволда ўтказдим. Бир кун дўконда ўтирган эдим, қўллариди ҳар хил озиқ-овқат

ва ичимликлар билан ясанган-тусанган бир тўда одамлар ўтиб қолди. Дўкондордан бунинг боисини сўраган эдим у:

«Букун давлатманд одамлар куни. Чолғучилар, ашулачилар, бойваччалар денгиз қирғоқларига чиқиб, кўкатзорларда, дарахтлар тагида Абалла кўли ёнида маишат қиладилар, еядилар, ичадилар»,— деб жавоб берди.

Кўнглимда уларни томоша қилиш орзуси қўзғалиб, ўз-ўзимга: «Зора у ерда ўша одамларни кўрсам, суюклим билан топишсам» дедим-да, дўкондорга: «Мен ҳам боришни истайман» дедим.

«Хоҳласанг, бора қол»,— деди дўкондор. Сўнг у менга егулик, ичгулик тайёрлаб берди ва мен йўлга тушиб кўл бўйига етиб бордим. Қарасам, одамлар жўнаб кетишяпти. Мен ҳам улар билан бирга жўнамоқчи бўлиб турган эдим, бирдан Ҳошимий ва жориялар тушган кемага кўзим тушиб қолди. У Абалла дарёсида кезиб юрган экан. Уларга қараб қичқира бошладим. У ва у билан бирга бўлган кемачилар таниб мени ўз ёнларига олдилар: «Хайрият, саломат экансиз»,— деб мени қучоқларига олдилар. Ҳолаҳвол сўрадилар. Уларга ўз саргузаштимни сўзлаб бердим. «Биз сени қаттиқ мастлик билан сувга ғарқ бўлгандирсан, деб гумон қилган эдик»,— дейишди. Мен улардан жориянинг аҳволини сўрадим. «Сенинг кемада йўқлигингни билгач, кийимларини йиртди, созини ёқди, ўзини ўзи уриб йиғлашга тутинди. Биз Ҳошимий билан Басрага қайтгач,— дея давом этишди улар,— бу йиғи-сиғи ва қайғу-гамдан фойда йўқ, дедик. У бўлса: «Мен қора кийиниб, бу уйда бир қабр ясайман-да, доим шу қабр ёнида ўтирмаман. Ашулани тарк этаман»,— деди. Биз уни ўз

майлига қўйдик. Шундай қилиб, ҳанузгача у ана шу ҳолда мотамсародир».

Улар мени ўзлари билан бирга олиб кетдилар. Бориб, мен жорияни ҳақиқатан шу қиёфада учратдим. У мени кўриши билан шундай қаттиқ бақириб юбордики, мен нақ ўлдимикан деб гумон қилдим. Уни узоқ қучдим. Ҳошимий менга: «Буни олиб кет!»— деди. «Хўп,— дедим мен унга,— лекин сен ваъданга мувофиқ, олдин уни озод қил-да, менга никоҳлаб бер».

Ҳошимий қиммат баҳо моллар, турли-туман кийим ва гиламлар билан беш юз динор пул бериб, деди: «Мен сизларга ҳар ой сайин бермоқчи бўлганим шудир. Лекин шу шарт биланким, майхўрлик қилишда, жория ашуласини тинглашда менга ҳамроҳ бўласан».

Ҳошимий биз учун махсус жой тайинлаб, керакли озиқ-овқат келтириб беришни буюрди. Бориб қарасам, уй гилам ва бошқа ипаклик палосларга кўмилиб кетибди. Жорияни уйга олиб келдим. Шундан кейин мен дўкандор шеригим олдига бориб бўлган воқеаларнинг ҳаммасини бирма-бир сўзлаб бердим-да, ундан бегуноҳ қизини талоқ қилиш ҳақида бир йўл кўрсатишини сўрадим. Маҳр ва бошқа лозим нарсаларни тўладим.

Шу йўсинда Ҳошимий билан бирга икки йил кун кечириб, катта бойликларга эга бўлдим. Тангри қарамлик ғамларимизни бошимиздан кўтарди. Бағдодда жория билан сурган давронларим яна қайтиб келди. Мўл-кўл неъматларга эга бўлдик. Оғир жудоликка чидашимиз мақсадга эриштирди.



Шоҳ Жилиод ўғли Вирдхон қиссаси

Я

на шундай ҳикоя қил-
дилар:

Қадим аср ва давр-
ларда, ҳинд мамлакатида
бир улуғ шоҳ ўтган экан. У басав-
лат, кўркам, хушфеъл, нозик
табиат ва қўли очиқ, фуқаропар-
вар экан. Унинг исми Жилиод
бўлиб, қўл остида етмиш иккита
валий, уч юз эллик қози, етмишта
вазири бор экан. У ҳар ўн аскарга
бир бошлиқ белгилаган экан. Ва-
дирларининг энг доноси Шимос



номли бир киши бўлиб, у йигирма икки ёшда экан. Шимос хушфёъл, хуштабиат, зийрак ва ширин сўз, ўз ишини билиб қиладиган фаросатли киши экан. У ёш бўлса ҳам доно ва тадбиркор, илму ҳикматни эгаллаган одобли экан. Билими хушмуомалалиги, сиёсатдаги етуклиги, халққа раҳмдил ва хайрихоҳлиги учун ҳам шоҳ уни ҳаддан ортиқ севар экан.

Шоҳ мамлакатда адолат билан иш кўриб, халққа гамхўрлик қилар ва яқин муносабатда бўлиб, катталарга ҳам, кичикларга ҳам муносиб инъомлар улашар, солиқларни енгиллатиб, халқларнинг осойишталигига алоҳида эътибор берар экан. Одил шоҳ катта-кичикларни дўст тутиб, уларга шафқат ва марҳамат назари билан ёндашар экан. У ўзининг ажойиб хатти-ҳаракатлари билан шундоқ юксак ўрин тутибдики, бундай шоҳ ер юзига асло келмаган экан. Аммо, шундай шоҳнинг бирорта фарзанди йўқ экан. Шу туфайли диллар паришон экан. Иттифоқо, бир кеч шоҳ ёнбошлаб мамлакат ишлари ҳақида узоқ ўйлаб кетибди. Шунда уни уйқу элтиб, туш кўрибди: тушида у бир дарахт тагига сув қуяётган эмиш.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ опагон-эй,— деди ёнида унинг ҳикоясини жон қулоғи билан тинглаб ўлтирган синглиси,— ҳикоянг нақадар ажойиб, қизиқ ҳамда мазмунли экан.

— Эй синглим,— деди Шаҳризод, унинг узун сочларини силаб,— ҳали шу ҳикояни қизиқ деяпсанми, агар шоҳим омон қўйсалар, эртага бундан ҳам ажойибини айтиб бераман.

Бу гапни эшитган шоҳ: «Ҳамма ҳикоясини эшитиб олгунимча ке, ўлдирмай тура турай»,— деган қарорга келди.



*Тўққиз юзни
тўлдирувчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— шоҳ шундай туш кўрибди: тушида гўёки у бир дарахт тагига сув қуяётган эмиш, атрофида дарахтлар кўп экан, бирдан ҳалиги дарахтдан ўт чиқибди-ю, атрофдаги ҳамма дарахтларни куйдирибди. Шу пайт шоҳ чўчиб уйғониб кетибди. Дарроз гуломларидан бирини чақириб, шундай дебди: «Тезлик билан Шимос ҳузурига бориб, уни бу ерга

етказиб кел».

Гулом эса ўша ондаёқ Шимос даргоҳига бориб:

«Шоҳ сизни ҳозир келсин, деб чақириб юборди. У уйқудан чўчиб уйғонди-ю, менга шу фармонни берди. Сизни тезликда келсин, деб амр қилди»,— дебди.

Шимос гулом сўзини эшитган ҳамон шоҳ томон югурибди. Шимос шоҳ олдига кирганда, у тўшакда ўтирган экан. У ер ўпиб, шоҳга битмас-туганмас бахту саодат тилаб, дуо қилгандан сўнг букилиб: «Илоҳим тангри сени ҳамиша қайғудан сақласин, эй улуғ шоҳ. Бу кеча сени нима безовта қилди? Бунча шошқич чақиринингнинг боиси не бўлса экан?»— дебди.

Шоҳ ўтиришга ижозат берибди. Вазир ўтиргач, шоҳ тушида кўрганларини ҳикоя қила бошлабди: «Бу кеч туш кўрдим,—дебди у,— тушимда мен бир дарахт тагига сув қуяётган эмишман, атрофда яна кўп дарахтлар бор экан. Шу пайт бирдан ҳалиги дарахт тубидан ўт чиқди-да, бошқа дарахтларни ҳам куйдириб юборди. Бу ҳолдан чўчиб уйғонсам тушим».

Шимос бошини қуйи солиб бир оз тургач, кулибди.

Шунда шоҳ: «Нималарни ўйладинг, эй Шимос, тўғриси айт, мендан қўрқма!»— дебди. «Эй шоҳ,— дебди Шимос сўз бошлаб,— улуғ тангри сенга қарам қилиб, бахт-саодат ато этибди. Бу тушни ҳар қандай яхшиликларга йўйиш мумкин, чунончи: худо сенга бир ўғил ато қилади. У сен узоқ яшаб, дунёдан ўтганингдан сўнг сенинг мулкингга ворис бўлади. Бундан бошқа яна бир нарса ҳам бўлади. Лекин ҳозир уни баён қилмоқчи эмасман».

Шоҳ бениҳоя суюниб, шоду хуррам бўлибди-да, вазири Шимосга:

«Агар бу тушнинг таъбири шундай яхши бўлаган бўлса, ҳозир айтишни номувофиқ кўрган қисмининг пайти келиши билан баён қилиб шодлигимга шодлик қўшарсан. Чунки мен улуғ тангри ризосидан ортиқ иш тутмайман»,— дебди.

Бу вақт шоҳ дарров ўз мамлакатадаги ҳамма мунажжимлару жамики туш таъбирчиларини чақиртириб уларга ўз тушини айтиб берибди-да, «Шунинг таъбирини изоҳлаб беришларингизни истайман»,— дебди.

Шунда улардан бири оёққа туриб, сўзлаш учун ижозат сўрабди. Шоҳ рухсат этгач: «Эй шоҳ,— деб гап бошлабди у,— ҳақиқатда вазири Шимос бу туш таъбирини изоҳлашдан ожиз эмас, лекин ҳурмат ва одоб юзасидан у сени хафа қилмаслик учун ҳаммасини тўлиқ айтиб беришдан тортинган. Агар рухсат этсанг, мен айтиб бераман».

«Эй таъбирчи тортинмай-нетмай ростини айта бер!»— дебди шоҳ. «Билгил, эй шоҳ,— дебди таъбирчи,— сендан бир фарзанд туғилади. Узоқ ҳаётингдан сўнг у сенинг мулкингга ворис бўлади. Лекин у

халқ билан сенга ўхшаш яқин муносабатда бўлмай, аксинча, сенинг тартибларингга тескари ҳаракат қилади. Бундан халқ озор чекади. Ниҳоят, сичқон билан мушук воқеаси каби ҳодиса рўй беради».

«Мушук ва сичқон воқеаси қандай?»— деб сўрабди шоҳ.

«Тангри таоло шоҳ умрини узоқ қилсин,— дея ҳикоя бошлабди туш йўювчи,— у мушук ола ва эркак экан. Кечаларнинг бирида, у бирор егулик топиш мақсадида ўнқир-чўнқирларга ўлжа излаб чиқибди. Чиқишга чиқибди-ю, лекин ҳеч нарса топа олмай, қаттиқ ёғаётган қор ва ёмғир совуғида ҳолдан тойибди. Зўр-базўр айланиб юрар экан, дарахт тагида бир ўпқон кўриб қолибди-да, искаб сичқон борлигини билибди. Уни овлаш учун бирор ҳийла ишлатмоқчи бўлибди. Сичқон эса буни сезиб, ўрма-лаб келиб ин оғзини беркитибди. Шу вақт мушук гоят хаста бир товуш билан: «Нега бундай қилаётирсан, эй биродар? Менга раҳм қил! Бу кеча инингдан менга жой берсанг, деган илтижо билан келдим. Қаричилик, дармонсизликдан қимирлашга ҳолим йўқ. Шу ҳолда анча юриб бу кеч шу ўпқонга келдим,— деб ялина бошлабди ва,— азоблардан қутулай деб ўзимга ўзим ўлим сўрадим, бўлмади, мана, мен қор, ёмғирдан қочиб сенинг эшигингга келдим. Худо ҳурмати менга карам қил, ёрдам бер, инингга киргизиб бир бурчакдан жой кўрсат. Мен ҳеч кими йўқ, ғарибу бечораман. Ахир, бечораларга ўз уйдан жой берганларнинг жони жаннатда бўлади дейишган-ку. Эй биродар, менга раҳм қилиш билан катта инъом олишга муносиб бўласан, эрталабгача ёнингда қўнишга рухсат эт. Сўнг ўз йўлимга кетаман».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
биринчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— мушук сичқонга: «Бу кеча инингнинг бурчагида қўнишга рухсат эт, эрталаб ўз йўлимга кетаман»,— дебди. Сичқон мушук сўзини эшитиб: «Нега энди сени инимга киритай, ахир сен мени еб тириклик қиладиган азалий душманимсан-ку,— дебди,— мен сендан қўрқаман. Чунки гушналик сенинг одатингдир, zeroки сенда вафо йўқдир. Бевафо кишига

чиройли хотинни, муҳтож кишига пулни ва оловга ўтинни ишониб бўлмайди, деганлар. Сен билан яшаб тирик қолишимга умид қилиш худди шундай ўринсиздир. Айтганларки: душман қанча кучсиз бўлса, ғазаби шунча кучли бўлади.

Мушук сохта мажруҳ овоз билан ёлворгани турибди: «Дарҳақиқат, ҳамма гапларинг тўғри, ҳикматомиз сўзлардир. Бундан кўз юммайман. Аммо эндиликда адоватларни қўяйлик. Ахир кимки, ўзи каби тангрининг яратганларидан юз ўгирса, худо ундан юз ўгиради, деганлар-ку! Тўғри, мен бунгача душманинг бўлиб келганман. Лекин бугун сендан садоқат истаяпман. Ахир, ривоятларда, душманингга ҳам яхшилик қил, деганлар. Эй биродар, худо ҳақи, қасамёд қилиб айтаманки, бундан сўнг сенга сира зарар кўрсатмайман. Емонлик қилишга менда мажол йўқлигини ўзинг ҳам кўриб турибсан. Худога ишон, яхшилик қил, арзи додимни қабул қил».

Сичқон ўйлади: биз бир-биримизга азалий душманмиз. Душман асло дўст бўлмас, деганлар. Унинг

аҳдига қандай қилиб ишонай. Қошки орамиздаги душманлик қондан ташқари бўлса, бу душманлик сут билан кирган, жон билан чиқади. Ўз душманига ишониш, қўлини илон оғзига солишнинг айни ўзидир, деб бежиз айтмаганлар. «Юрагим сиқилиб, жоним ҳалқумимга келди,— деди мушук ғижиниб,— ҳали замон эшигингда жон бераман. Гуноҳим сенинг бўйнингга, чунки сен мени бу аянч ҳолдан қутқазиб қолишинг мумкин эди. Бу менинг сўнгги сўзим».

Бу гапдан сичқонни хавф босди. Худодан қўрқиб, унинг кўнгли бўшашди-да, ўз-ўзига: «Дарвоқе душманингга ҳам яхшилик қил, деганлар, мен бу ишда худога таваккал қиламан-да, мушукни ҳалокатдан қутқазиб қоламан. Зора худо бу ишим учун мени ёрлақаса»,— деб ўйлади. Шундан сўнг сичқон мушукнинг олдига чиқиб, уни суяб инига киритди. Мушук ўзини ўнглаб олгунча бир оз жим турди-да, кейин ўзининг дармонсизлигидан, меҳрибонлари озлигидан шикоят қилиб, ўкина бошлади. Унга раҳми келган сичқон эса кўнглини овлаб тинчителишга ҳаракат қилар, унга яқин бориб атрофида гирдиқапалак бўларди. Сичқоннинг чиқиб кетишидан қўрққан мушук аста-секин бориб ин оғзини бекитибди. Сичқон чиқмоқчи бўлиб тешикка яқинлашиши билан мушук уни шартта тутиб, тирноқлари билан эзғилай бошлабди. У сичқонни гоҳ тишлар, гоҳ ташлар, гоҳ тишлаб ердан оғзига олар, гоҳ бўшатиб, кетидан қувлар, гоҳ ерга булғалаб қийнар экан. Сичқон худога ундан қутқаришни сўраб нола қилибди. Мушук ҳамон азоб берар экан, сичқон аламдан: «Қани у сен берган тантанали ваъдалар, қани у қасам устига ичган қасамларинг, мен сени инимга киритиб, соғ-саломат сақлаб қолдим. Яхшиликка

шунақа ёмонликми? «Душманининг ваъдасига ишонганлар жонларидан умид узсинлар». Яна: «Ўз душманига ўзини топширганлар ўзларини ҳалокатдан қутқариб қола олмайдилар», деб жуда тўғри айтган эканлар-да»,— дерди. «Лекин мен худого таваккал қилганман. Қутқарувчи зот ёлғиз удир,— дебди сичқон.

Сичқон ҳадеб зорланар, мушук эса ҳамон унга ташланиб мажақлашга интилар экан. Шу чоқ бир овчи ўз искович ити билан ўтиб қолибди. Ин тепасига бориб қолган ит, ичкаридан чиқаётган аллақандай шовқин-суронни эшитиб, бу ерда тулки бирор ганиматни гажияётган бўлса керак, деб гумон қилибди-да, уни овлаш учун тик отилиб мушукка дуч келиб қолибди. Ит панжасига тушиб қолган мушук ўзи билан ўзи овора бўлиб, сичқонни қўйиб юборибди. Шундай қилиб, сичқон соғ-саломат қутулиб қолибди. Аммо мушук ит чангалида ўлибди.

Булар воқеасига қуйидаги сўз жуда мосдир:

Вафо қилса, вафо топгусидир.

Жафо қилса, жафо топгусидир.

Мана уларнинг воқеалари, эй шоҳ. Шунинг учун ҳам ваъдага вафосизлик қилиш энг ярамас ишдир. Қимки, ваъдага вафосизлик қилса, мушук кунига тушади. Яхшилик қилган киши унга лойиқ мукофот топади. Лекин қайғурма, эй шоҳ, бу ҳол сени ташвишлантормасин, чунки ўғлинг дастлаб халққа жабру зулм қилса ҳам, лекин тезда унда сенинг яхши фазилатларинг пайдо бўлади. Вазиринг донишманд Шимос сенга баён қилган ўз рамзли таъбирида ҳеч нарсани яширмаган. Бу унинг етуклик белгисидир, чунки энг яхши хулқли ва энг зўр илмли киши серхавотир ва эҳтиёткор бўлади, деган мақол бор».

Шоҳнинг кўнгли таскин топиб, таъбирчиларга катта мукофотлар беришни буюрибди. Уларга ижозат берган шоҳ ўрнидан туриб қасрига кирибди-да, ўз ишининг оқибати ҳақида фикрга чўмибди ва кеч киргач, у энг севикли хотинларидан бирининг ёнига кирибди. Орадан тўрт ой чамаси ўтгач хотинининг ҳомиладор экани сезилиб, ҳаддан ортиқ шодланибди. Бу хушxabарни шоҳга етказишганда: «Тушим ўнг келди. Тангри мадаккордир»,— дебди-да, элчини ҳурматлаб кўп қиммат баҳо тухфалар инъом қилибди. Сўнг гуломларидан бирини чақириб, вазир Шимосни чақириб келишга буюрибди. Вазир келгач шоҳ унга хотинининг ҳомиладорлиги тўғрисида шодлана-шодлана хабар берибди-да: «Тушим ўнг келди, орзум юзага чиқа бошлади, бола ўғил бўлса-ю, мендан сўнг мулкимга ворис бўлса, деб умид қилман, сен нима дейсан, эй Шимос»,— дебди. Шимос жавоб бермай жим қолибди. Шунда шоҳ унга: «Менинг хурсандлигимга қўшилишмаётгандек кўринасан, жавоб ҳам бермаётирсан ёки сенга бу ёқмайдами, эй Шимос?»— дебди. «Эй шоҳ,— дебди Шимос ер ўпиб,— худо умрингни узун қилсин. Соя изловчи кишига ёниб кетадиган дарахт не фойда беради. Қайғу-алам етадиган бўлса, майхўрга майнинг лаззати қайда. Агар у сувга фарқ бўлиб кетса, чанқоқ кишига муздек сувнинг не фойдаси бор. Мен худонинг бир бандаси-ю сенинг қулингман, эй шоҳ. Айтганларки, охирига етмагунча доноларга уч нарса ҳақида сўзлаш нолойиқ. Чунончи: сафардан қайтмагунча мусофир ҳақида, душманни енгмагунча жангдагилар ҳақида, кўзи ёрмагунча ҳомиладор хотин ҳақида».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўққиз юз
иккинчи кеча



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— вазир Шимос шоҳга охирига етмагунча доноларга уч нарса ҳақида сўзлаш номуносиб дегач, яна сўзини давом эттирибди: «Билгинки, эй шоҳ,— дебди у,— натижаси номаълум нарса ҳақида сўзловчи киши бошига ёғ қўйилган обидга ўхшайди». «Обид воқеаси қандай, нима бўлган, сўзлагил?»— дебди унга шоҳ.

Вазир сўзлай бошлабди: «Билгинки, эй шоҳ, шарофатлиларнинг шарофатлиги Шарифнинг ҳузурда бир обид яшар эди. Унга Шариф томонидан ҳар кун учта кулча билан бир оз ёғ ва бир оз асал берилар эди. Бу шаҳарда ёғ гоят қиммат эди. Обид ўзига берилган ёғни бир идишга солиб йиғиб борарди. Ниҳоят, идиш тўлди. Эҳтиёт ва хавф юзасидан обид ёғни бошига қўйиб юрар экан.

Бир кун кечаси ҳассасини ушлаб ўтириб, ёғ ва унинг нархи навоси тўғрисида ўйлаб кетибди-да, ўз ўзига: «Бу тўпланган ёғларнинг ҳаммасини сотсаму, пулига бир совлиқ олсам ва уни бир деҳқонга шерикликка топширсам. Бир йил ўтгач, у иккита, бири эркак, бири ургочи қўзи туғади. Иккинчи йили ҳам шундай бири эркак, бири ургочи қўзи туғади. Ана шундай ҳар йили онаси ҳам, болалари ҳам қўзилай бериб жуда кўпайиб кетадилар. Ниҳоят, мен деҳқондан ўз улушимни айириб олиб, улардан хоҳлаганимча сотаман-да, пулига ер олиб боғ қиламан. У ерда матта бино қураман. Қиммат баҳо ички, устки кийимлар, қул ва чўрилар сотиб оламан. Ҳали ҳеч ким

кўрмаган дабдабали тўй қилиб, катта бир бой қизига уйланаман. Тўйга қўша-қўша мол сўйдираман, турли-туман лаззатли таомлар тайёрлатаман, ҳолва, мураббо ва бошқа аллақанча ширинликлар ҳозирлатаман. Аскиячи-ю ашулачи ва чолғучиларни тўп-латаман. Қўғирчоқ ўйинчилари ҳам келишади. Ҳар хил хушбўй гуллар, райҳон ва сумбуллар ҳозирлатаман. Тўйга бою амалдорларни, адибу олимларни, шоҳу гадоларни чақираман. Ҳар кимнинг кўнгли тусайдиган хилма-хил таом ва ичкиликларни ҳозирлатаман. Жарчи: «Истаган нарсаларингизни тўртинмай сўрай беринглар, ҳамма нарса, муҳайё!»— деб жар солади. Қайлиқни ҳозирлаганларидан сўнг унинг ёнига кириб, ҳусну жамолига тўяман, суқланиб боқиб кайфланаман. Ейман, ичаман, ўйнайман, куламан, қўйинг-чи, шодликка тўламан. Шунда ўз-ўзимга: муродингга етдинг, дейман. Сўнг қайлигим ўғил туғади. Шодланиб мен катта ақиқа тўйи қилиб бераман. Ширин ўғлимни эркалаб овутаман. Ҳар хил илмлардан таълим бердириб, баодоб қилиб тарбиялайман. Унинг номини одамлар орасига таратиб машҳур қиламан. Ана холос, бу билан мажлис аҳллари арбоблар орасида фахрланаман. Уни ёмон йўлдан қайтараман. Уни худодан қўрқиб ва яхши ишлар қилишга ундайман. У менинг айтганимни қилади. Мен уни қимматли тўғфалар билан мукофотлайман. Унинг яхши ишларини кўриб, инъомларни тобора орттираман. Борди-ю у ёмон йўлга кирганини кўрсам, мана шу ҳассам билан уни мана шундай қилиб соламан...»

Шундай дея у ҳассасини кўтарган эди, ҳасса бошидаги ёғ идишга тегиб, уни чил-чил синдирдида, ёғ бошидан қуйилиб, юзу кўзи аралаш соқол ва тўнларига оқиб тушди. Шундай қилиб, бу иш ҳамма

учун ҳам ибрат бўлди. Шунинг учун «Эй шоҳ, ҳали охири номаълум иш ҳақида одамларга олдиндан сўзлаш нолойиқдир». «Ғоят тўғри айтдинг, эй ва- зир!— деди шоҳ.— Чин ҳақиқатни сўзлаб, тўғри йўл- га ундашинг яхши, сенинг мартабанг менинг наз- лимда, ўзинг кутган даражада мароқли ва мутлақ ёқимлидир».

Шимос худога шукур қилиб, шоҳ қаршисида ер ўпгач, унга битмас-туганмас бахт-саодат тилаб дуо қилди-да: «Шоҳимнинг умрлари узун, мартабалари фузун бўлсин,— дея гап бошлади,— билгинки, эй шоҳ, мен сендан ичимда ҳам, сиртимда ҳам, ҳеч нарсани яширмайман. Сенинг шодлигинг менинг шодлигим, сенга етган қайғу менинг қайғумдир. **Мен ҳеч вақт ўзимча шодланмайман, фақат сизнинг шодлигингизгагина шерик бўламан, холос.** Сиз мен- дан аччиғланган кезларингизда, мен кечаси ухлол- май чиқаман, чунки худонинг менга қилган ҳар бир карами сизнинг менга бўлган ҳурматингиз натижа- сидир. Илоҳим худо сизни ўз паноҳида сақласин. У билан бевосита учрашганимизда яхшиликлари- нгизни зиёд кўрсин».

Шоҳ ғоят шодланди. Шимос эса ўрнидан туриб шоҳ ҳузуридан чиқди. Орадан кун ва ойлар ўтиб, шоҳнинг хотини ўғил туғибди. Бу хабарни дарров шоҳга етказиб, уни қувонтирибдилар. Бениҳоят су- юнган шоҳ худонинг карамига таҳсин ўқиб: «Худога шукур, шунча умидсизликдан сўнг менга ўғил ато қилди. У бандаларига раҳм қилувчи меҳрибондир»,— дебди. Сўнг шоҳ ўз қаламрўйидаги мамлакатларга бу шодиёна хабар ҳақида нома ёзиб уларни чақи- рибди. Амиру беклар, барча улуғ уламолар ва шоҳ ихтиёридаги барча арбоблар етиб келишибди.

Шоҳни шундай қўйиб, энди унинг ўғлига келай-

лик: бу воқеани қутлаб, шоҳ қаламрўйидаги барча мамлакатларда шодиёна ноғоралар чалиниб, мамлакат аҳллари шоҳ ҳузурига муборакбодга келибдилар. Олимлар, файласуфлар, адиблар, ҳокимлар шоҳ ҳузурига кириб, ҳар бири ўзларига муносиб ўринларга ўтирибдилар. Сўнг шоҳ етти бош вазирига ва уларнинг улуғи Шимосга бу воқеа ва ўзларининг шоҳга бўлган муносабатларини англатувчи нутқ сўзлашга ишорат қилибди.

Вазирлар эса дастлаб улуғ вазир Шимоснинг сўзлашига шоҳдан рухсат сўрашибди. Шоҳ рухсат этибди, Шимос сўзга чиқибди: «Бизларни йўқдан бор қилган тангрига шукурлар бўлсин,— деб гап бошлабди у,— тангри ўзининг қулларига ўз бандаси адолатли шоҳлар орқали марҳамат қилди. Уларнинг парҳезкор ҳаракатлари туфайли тангри тақсим қилган ризқ-рўзимиз етиштирилди. Хусусан, бизнинг шаҳаншоҳимизким, худо ер остидаги ўликларни у орқали тирилтирди, худо ҳал қилган неъматларни тановвул қилишда уни бизга таянч қилди. Унинг саломатлиги билан бизга яхши маишат ва хотиржамлик nasib бўлди. Ҳеч бир шоҳ ўз фуқароларига бизнинг шоҳимиз каби ғамхўрлик қилмаган. Ҳуқуқимизнинг поймол бўлмаслиги, ишларимизнинг яхшилиги, ўзаро инсоф билан иш кўришимиз, ғафлатнинг йўқолиб, зулм қилувчилардан муҳофаза қилинишимиз каби яхшиликларнинг ҳаммаси ана шу шоҳимиз туфайлидир. Шоҳнинг фуқароларига ғамхўрлиги, уларни душмандан сақлашга ҳаракати, худонинг бандаларига катта меҳрибонлигидир. Чунки душманининг мақсади ўз рақибини енгиш, уни ўз тасарруфига олиб эгаллашдир. Ахир, кўп одамлар душмандан қўрқиб ўз болаларини шоҳга ғулом сифатида топширадилар. Болалар шоҳ наздида қул-

лар қаторида юрардилар. Аммо бизнинг шоҳимиз замонида ерларимизга душман оёқ босмади. Мана шу ҳам ташриф қилиб тугатолмайдиган улуғ неъмат ва катта бахтдир. Бу таърифдан ташқаридир. Эй шоҳ! Сен худонинг марҳамати туфайли мана шундай яхшиликларга муносиб бўлдинг. Бизлар сенинг ҳимоянг, сенинг қанотинг остидамиз. Худо сени бундан ҳам ярлақасин. Даври давронингни узун қилсин. Бизлар доимо тангридан бахтимизга сени соғ-саломат қўйишни, сенга фарзанди солиҳ ато қилишни сўраган эдик. Улуғ тангри илтижоларимизни қабул қилди. Дуомиз мустажоб бўлди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўғқиз юз
учинчи
кеча



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— улуғ вазир Шимос шоҳга айтди: «Тангри бизнинг илтижоларимизни қабул қилди. Дуомиз мустажоб бўлди. Худди сувдаги балиқни ярлақгани каби худованди карим бизга яқиндан ёрдам берди».

«Бу қандай ҳикоя?»— деб сўради шоҳ ундан. Шимос айтди: «Билгинким, эй шоҳ, бир ерда тўпланиб қолган кўлмак сув бўлиб, унда бир қанча балиқлар яшар эди. Нима бўлди-ю, ундаги сувлар борган сари азая бориб, балиқлар яйраб юриши мумкин бўлмай қолди. Сўнгроқ эса сиқилишиб, ҳатто ҳалок бўлиш даражасига етдилар.

Шунда улар: «Бизни бу ҳолдан қутқозишга, ким маслаҳат бераркин?»— дея, ўзаро сўзлашдилар. Шу

вақт улар орасида кекса ва ақлли бир балиқ ўрнидан туриб сўз бошлади: «Аслида худодан нажот сўрашдан бошқа иложимиз йўқ. Лекин бизлар бу масалада қисқичбақага мурожаат қилиб кўрайлик, чунки у бизнинг улуғимиздир». Бу маслаҳат маъқул тушиб, ҳаммалари қисқичбақа ҳузурига бордилар. Боришса, у ўз инида бемалол ўтирган экан. Балиқлар унга салом бериб: «Бизнинг ишимизга ёрдам бермайсизми? Ахир, сиз бизнинг бошлиғимиз ва улуғимизсиз-ку»,— дейишди. Қисқичбақа эса саломга алик олгач: «Сизларга нима бўлди ўзи? Нима истайсизлар?»— деб сўради. Улар ўзларини ташвишга солган сувсизлик воқеасини, тез орада кўлмак сув қуриса, ҳалок бўлажакларини айтдилар. «Шунинг учун бизлар сизга маслаҳатга келдик,— дейишди охири,— бу ташвишдан қутулишда сизнинг маслаҳатингизга интизормиз. Ахир, сиз бизларнинг улуғимиз ва билағонимизсиз».

Қисқичбақа бошини қуйи солиб бир оз жим турди-да, сўнг сўз бошлади:

«Ҳеч шубҳасиз,— деди у,— сизларда худо раҳматидан умидсизлик, бутун махлуқлар ризқига худонинг кафил эканини унутиш каби ақли қисқалик бор. Худойи таборак ва таоло ўз бандаларига беҳисоб ризқ беришини билмайсизларми? Бандалар ризқини худо уларни яратмасдан олдин тайинлаб қўйган. Худо ўзининг улуғ қудрати билан ҳар кимга чекланган умр, ўлчоқли ризқ тайинлаган. Шундай бўлгач, бизнинг бирор нарса ҳақида ташвишланишимиз нолайиқ. Менинг фикримча, бу тўғрида худодан нажот сўрашдан бошқа нарса муносиб эмас. Ҳар биримиз эътиқодимиздаги камчиликларни тузатиб, тилда ҳам, дилда ҳам худодан бу қайғу ва ташвишлардан қутқазилишини сўрашимиз керак, зотан тангри сиғин-

ганларнинг умидини бўшга чиқармайди. Агар биз ўз хулқ-атворимизни тузатсак, худо ишларимизни ўнглайди. Ҳар турли яхши ноз-неъматларни насиб этади. Чунончи, қиш келиб қолса еримиз сувга сероб бўлади. Худо халлоқдир, ноумид шайтон. Яхшиси шуки, тақдиримизни худога ҳавола қилиб чидаб турайлик. Борди-ю, бошимизга ўлим тушса, азалий тинчиймиз. Мабодо бирор ерга қочиш зарурати тугилса у вақт ўз еримизни ташлаб, худо насиб қилган бирор жойга бориб жойлашамиз».

Балиқларнинг ҳаммаси бир оғиздан: «Тўғри айтдингиз, эй сайидимиз»,— дея, унинг фикрини маъқуладилар ва: «Худо сизга бизларга қилган яхшилигингизга муносиб мукофот ато қилсин»,— деб дуо қилдилар-да, ҳаммалари ўз жойларига йўл олдилар. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас худо уларга қаттиқ ёмғир насиб қилди. Сув аввалгидан ҳам кўпайиб, кўл тўлиб тошди. «Худди шунингдек,— деб вазир сўзида давом этибди,— бизлар ҳам сенинг фарзанд кўришингдан умид узгандик. Худо бу қутлуғ фарзанд ато қилиш билан бўйнимизга миннатдорлик юклади. Улуғ тангридан сўраймизки, бу фарзанд ризқли, насибали, тартиб-қоидали бўлсин. Кўзингни худо бу фарзанд билан ёритсин, уни сенга халоскор ўринбосар қилсин. Худо бизларга сен орқали инъом-эҳсонлар қилганидай, ундан ҳам зиёд инъом ва эҳсонлар насиб қилсин. Одил худо умидворларни ноумид қолдирмайди. Худонинг марҳаматига умидсизлик мўминларга нолойиқдир».

Шундан сўнг иккинчи вазир ўрнidan туриб шоҳга салом берди-да, шоҳ алик олгач, сўз бошлади: «Шоҳ улдирким, мўминларга ҳадя ва эҳсонлар берса, одиллик билан иш тутса, фуқаролар билан яхши муомалада бўлса, халқ орасидаги урфу одат-

ларга риюя қилса, ҳар кимнинг ўз хизматиға яраша тақдирласа ва қон тўкишга йўл қўймаса, ёмонликлардан қайтарса, фуқароларга ғамхўрлик қилиш билан шуҳрат қозонса, катталарнинг ҳам, кичикларнинг ҳам ҳожатини чиқарса, уларнинг ҳақ ва ҳуқуқларига қаттиқ риюя қилса, халқ уни олқишлаб дуо қилса ва фармонларига итоат этса. Бу хил сифатларга эга бўлган шоҳ ҳеч шубҳасиз халқ наздида сеvimли, бу дунёда мартабали, худо ярлақаган, ша-рофатли бўлади.

Биз, ҳамма қулларингиз иқрордирмизки, эй шоҳ, юқорида айтган сифатларнинг ҳаммаси сенда мавжуддир. Машойиқлар, энг улуг яхшилик шоҳнинг одиллиги, табибларнинг донишмандлиги, олимларнинг етуклиги ва ўз илмига амал қилувчилигидир, деб бежиз айтмаганлар, ахир. Бизлар ҳозир бу бахт билан шодланаётимиз. Бизлар ҳанузгача худо сенга, мулкинга ворис бўлувчи фарзанд беришидан ноумид эдик. Лекин худо умидларингни пучга чиқармади. Худога қилган илтижоларинг, ихтиёрингни унга топшириб қўйишинг туфайли эгам тилагинга етказди. Сенинг умидинг бениҳоят яхшидир. Сенинг ҳаётингда юз берган воқеа худди қарга билан илон ўртасида юз берган воқеага ўхшайди».

«У қандай воқеа экан?»— дебди шоҳ.

«Эй шоҳ,— деб гап бошлабди вазир,— бир қарга ўз рафиқаси билан бир дарахтда жуда шод ҳаёт кечирар эди. У вақт куннинг энг иссиқ кезлари эди. Бир илон ўша дарахт сари йўлланиб, қарганинг ини атрофидаги шохларга ўралиб олди. Шу зайлда илон бутун ёз бўйи у ерда қолиб кетди. Инидан маҳрум бўлган қарга яшашга жой тополмай, дарбадарликда кун кечира бошлади. Ниҳоят, иссиқ кунлар ўтгач, илон ўз маконига кетди. Шунда нар қарга модаси-

га деди: «Гарчи озиқ ҳозирлашдан маҳрум бўлган бўлсак ҳам, бизларни бу офатдан қутқазгани учун худога беҳад шукурлар бўлсин, худо бизни беризқ қўймайди. Фақат худога таваккал қиламиз. Худо хоҳласа, келгуси йил шу ой, шу кунларга омон-эсон етиб оламиз. Худонинг ўзи йўқотганимизнинг ўрнини тўлдиради». Қарғанинг бола очадиган вақти келганда, яна бирдан илон пайдо бўлиб дарахтга — қарға ини сари чиқа бошлади. У энди биринчи шохга чирмашиб чиққан эдики, шу чоқ зарб билан бир калхат унга отилди. Зарбадан боши янчилган илон ўша ондаёқ ҳушидан кетиб ерга йиқилди. Дарров уни чумолилар талаб ея бошлади. Қарға эса соғ-саломат қолиб бола-чақалик бўлганлари учун худога таҳсин айтдилар.

Эй шоҳ,— дебди вазир сўзида давом этиб,— бизларга берган нозу неъматлари учун, умид узилганда ато қилган бу муборак ва бахтли фарзанд учун худога мингбад шукурлар айтишимиз зарур.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



**Тўққиз юз
тўртинчи
кеча**



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— иккинчи вазир ўз сўзини қуйидагича тугатибди:

«Худо сени ёрлақасин, келгуси ишларингга равнақ ато қилсин».

Сўнг учинчи вазир ўридан туриб:

«Эй шоҳи одил,— деб гап бошлади,— тез орада келажак яхшиликлар ва мукофотлар билан шодлан, чунки ердагилар дўст тутган кишини кўкдагилар ҳам дўст ту-

тади. Худо сенга ўз муҳаббатини насиб қилди. Уни қўл остингда яшовчилар дилига жойлади. Унга биздан олқиш ва мақтовлар бўлсинки, бу инъомлар ёлғиз сен туфайли бизларга ато қилинди. Билгинки, эй шоҳ, худодан беамр ҳеч иш қилинмайди, ҳар бир иш унинг хоҳиши билан бўлади. Кишиларга ҳар қандай яхшилик ва инъомларни бағишловчи ёлғиз худодир. Ҳар бир яхшилик худонинг амри биландир. Худо ўз қулларига ўз майлича ризқи рўз тақсим қилган. Баъзиларига кўп, баъзиларига аранг кун ўтарлик даражада оз улашган. Баъзиларига бошлиқ бўлиш вазифасини муносиб кўрган. Баъзиларини тоат-ибодат қилишга рағбатлантириб яратган, чунки бу ҳақда худонинг ўзи зарар берувчи ҳам, фойда етказувчи ҳам манман. Дардга шифо берадиган ҳам, касаллик юборадиган ҳам манман, бой қиладиган ҳам, қашшоқ қиладиган ҳам манман, ўлдирадиган ҳам, тирилтирадиган ҳам манман. Ҳар бир ишнинг боши ҳам, поёни ҳам менга боғлиқдир, деган. Демак, барча мўминлар, худога шукур қилиши лозим ва зарурдир.

Эй, улуг шоҳ, сен алоҳида бахтга лойиқлардансан. Айтганларки: бу дунё-ю у дунё яхшиликларга муяссар бўлган зот худонинг берганига қаноат қилувчи, худо топшириғига шукур қилувчилардир. Худо берган насибасига қаноат қилмай ҳаддидан ошиб, беш қўлини оғзига тикқан киши тақдири, ёввойи эшак билан тулки воқеасига ўхшайди». «Ваҳший эшак ва тулки воқеаси қандай?»— деб сўради шоҳ ундан. «Билгинки, эй шоҳ,— дея давом этибди вазир,— бир тулки ҳар кун ўз инидан чиқиб ризқ излар эди. Бир гал излай-излай ҳеч қандай ўлжа тополмай умидсиз қайтаётган эди, битта тулки билан учрашиб қолди. Улар бир-бирларига топаётган ғаниматлари

ва ейиш-ичишлари ҳақида мақтаниб сўзлай бошлашди: «Қайси кун менинг қўлимга бир ёввойи эшак тушди,— деди ҳалиги тулки,— уч кундан бери овқат емаган, жуда оч эдим. Менга бу насибани етказган худога шукурлар қилиб шодландим-да, унинг юрагини олиб едим. Қорнимни тўйгазиб инимга қайтдим. Шундан бери уч кун ўтди, ҳеч нарса емадим. Лекин ҳозир ҳам тўқман».

Бу ҳикояни эшитиб рашки келган тулки ўз-ўзига: «Мен ҳам ёввойи эшак топиб, унинг юрагини ейишим керак экан»,— деб қўйди. Шундан сўнг у бир неча кун ёввойи эшак юрагини топиш орзусида юриб очликдан ўлар ҳолга тушди ва тинкаси қуриб, бир амаллаб ўз инига етиб олди. Шу аҳволда у ўз инида ёта берди.

Кунлардан бир кун овга чиққан иккита овчи кун бўйи бир ёввойи эшакни қувиб юришди. Ниҳоят, улардан бири камондан ўқ узди. Ўқ эшакнинг ичига ёриб кириб, юрак атрофига тақалди. Қочиб бораётган эшак ҳалиги тулкининг ини олдида ўлди. Овчилар унинг тепасига келиб, унга қадалган ўқ ёйни тортиб олдилар. Улар ёйни тортиб олдилару, лекин ўқнинг ўзи эшак ичида қолиб кетди.

Кеч бўлгач тулки инидан чиқди. Очлик ва дармонсизликдан унинг оёқлари титрар эди. Шу пайт у ини ёнида ўлиб ётган ёввойи эшакни кўриб, бениҳоят шодланиб кетди. «Худога шукурлар бўлсинким, истаган нарсамни қийинчиликсиз менга етказди,— деди у ўзича,— эшак гўшти эмас, бошқасини топишга ҳам ақлим етмай қолган эди. Худо етказди. Яна шуниси таажжубки, уни нах инимнинг оғзига етказиб берибди».

Тулки эшак устига миниб қорнини ёрди-да, бошини суқиб юрагини топиб ютиб юборди. Юрак

унинг томоғидан ўтаётганда ўқнинг учи қадалиб қолди. Тулки уни на ютиб ва на чиқариб ташлай олмай ўлимга юз тутди.

Шунинг учун, эй шоҳ,— дебди вазир сўзида давом этиб,— одамлар худонинг қисматига рози бўлиб, берган ноз-неъматларга қаноат қилишлари зарур ва лойиқдир. Яхши ният яхши ишлар туфайли эй улуғ шоҳ, умид узилганда худо сенга шундай фарзанд ато қилди. Энди бизлар худодан унга узоқ умр, битмас-туганмас бахту саодат, сендан кейин васиятларингга вафо қилувчи ўринбосар бўлишини сўраймиз». Шундан сўнг тўртинчи вазир ўрнидан туриб гап бошлабди:

«Шоҳ агар билимдон, ҳикматли, донишманд бўлса...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— тўртинчи вазир ўрнидан туриб гап бошлабди:

«Агар шоҳ билимдон, ҳикматли ва доно бўлса, мамлакатнинг идора қилиш ишларини яхши билса, эзгу тилакли бўлса, адолат билан иш кўрса сийлаш керак. Одамларни сийласа, улуғворларга муносиб иш тутса, зарур ўринларда гуноҳларни кечирса, бошлиқларни ҳам, фуқароларни ҳам ҳимоя қилса, кул-

фатларини енгиллатса, уларга эҳсонлар берса, уларни офатлардан сақласа, ўз ваъдаларига вафо қилса, бундай шоҳ бу дунё-ю у дунё бахтли бўлишга ҳақлидир. Чунки бу хил яхшиликлар худонинг марҳама-

ти, инсофи ва мадад қилиши туфайлидир. Борди-ю шоҳ ҳаракати буларга тескари бўлса, унинг қўл остидагилар турли кулфат ва қайғуда қолиб кетади. Чунки бундай шоҳ узоқдагиларга ҳам, яқиндагиларга ҳам зулм қилади. Унда Соиҳ шоҳ ўғли ҳаётида юз берган воқеа рўй беради». «У қандай воқеа?»— дебди шоҳ вазирга. «Билки, эй шоҳ, ғарб кун ботар томонда эгри ҳаракатли бир шоҳ бўлиб, у ниҳоят золим, адолатсиз эди,— деб гап бошлабди вазир,— у ҳеч кимни менсимас, кўнглига келган ҳар қандай зўрлик ҳаракатларидан тортинмасди. Унинг бу хатти-ҳаракатлари ўз одамларига ҳам, шаҳрига келган мусофирларга ҳам баб-баравар эди. Унинг мамлакатига ҳеч ким кирмас, кирган кишининг молининг бешдан бирини у олмай қўймас эди. Мусофир ўз молининг бешдан биригагина эга бўлар эди, холос. Худо унга инсофли, хуштабиат бир фарзанд ато қилди. Бола дунёдаги тутуриқсизликларни тушунди-ю, ёшлигидаёқ тарки дунё қилиб, худо ибодатига берилиб, юртма-юрт кезиш ҳаракатига тушди. У дунёдан ва дунёдаги ҳамма нарсалардан воз кечиб дашту биёбонларга йўл олди. У бир қанча шаҳарларни айланиб, бир кун ўз шаҳрига кириб келди. Шаҳар соқчилари эса уни тўхтатиб тинтув қила бошладилар. Лекин улар ундан иккита тўндан бошқа ҳеч нарсаси топа олмадилар. Тўннинг бири янги, иккинчиси эски эди. Янгисини улар тортиб олдилар-да, эскисини аллақанча сўкиш ва ҳақоратлар билан қайтариб бердилар. Шаҳзода улардан нолиб: «Аттанг-аттанг, эй золимлар,— деди,— мен бир қашшоқ художўй одамман. Сизлар бу тўнга муҳтож эмассизлар-ку. Агар қайтариб бермасанглар шоҳга бориб, устингиздан шикоят қиламан». Улар бир оғиздан: «Бизлар бу ишни шоҳнинг фармони билан қилипмиз. Кўнг-

лингга келган ишни қила бер»,— деб жавоб беришди.

Дарвеш шоҳ томонга йўл олди. Бироқ эшик қоровули шоҳ ҳузурига киритмади. У орқасига қайтар экан, шоҳга қандай йўлиқиш тўғрисида ўйлаб: «Шу ерда шоҳнинг ташқари чиқишини кутиб туришдан бошқа чора йўқ,— деди ўзига ўзи,— у чиққач. ўз аҳволим ва мени ҳайратда қолдирган уларнинг кирдикори ҳақида шикоят қиламан». Шу умидда у шоҳнинг чиқишини кутиб ўтирар экан, бирдан аскарлардан бирининг бу ҳақда сўзлаётганини эшитиб, секин-аста эшик олдига борди. У бориб, ҳали у ёқ-бу ёққа қараганча ҳам йўқ эдики, бирдан шоҳ чиқиб қолди. Дарвеш шоҳ ёнига бориб, бахт тилаб дуо қилгач, дарвозабонлардан ўзига етган озор ҳақида шикоят қилди ва ўз аҳволдан шоҳга хабар бериб шундай деди: «Мен бир тарки дунё қилиб, юртма-юрт кезиб юрган дарвеш сифат, художўй бир кишиман. Қайси шаҳар, қайси қишлоққа бормай, ҳар ерда ҳам дуч келган киши қўлидан келганча мени ҳурмат қилар эди. Мен бу шаҳарга кирганда,— деб давом этди у,— бу шаҳар халқлари ҳам бошқа шаҳарлардаги каби яхши муносабатда бўлар, деб умид қилган эдим. Афсуски, сенинг одамларинг йўлимни тўсиб, тўнимни ечиб олдилар, уриб, менга азоб бердилар. Менга раҳм қилиб, тўнимни улардан олиб бер, мен бу шаҳарда бир соат ҳам турмайман». «Модомики, бу шаҳар шоҳининг қилмишларини билмас экансан, сенга ким бу шаҳарга кирсин деб маслаҳат берди?»— деди золим шоҳ бўкириб. «Менга тўнимни олиб бер-да, нима қилсанг қила бер»,— деди дарвеш. Бу сўзни эшитиб шоҳнинг баттар феъли айнаб бақирди: «Эй нодон, тўнингни сен хўрлангин деб тортиб олган эдик. Сен бўлсанг хўрланиш

ўрнига ҳамон даъво қиласан. Олдин тўнингни тортиб олган бўлсак, энди мен сендан жонингни тортиб оламан!» У шундай деди-ю жаллод чақирди. Аммо жаллод киргач, уни ўз ҳолига қўйиб юбормай, машмашалашганига ҳовридан тушди. Жаллод чиқиб кетди, дарвеш ярим кечада туриб, узоқ намоз ўқигач, нола қила бошлади:

«Эй худо, сен адолат билан ҳукм қилувчи улуг зотсан. Сен менинг ҳолимни, бу золим шоҳ билан менинг ўртамда бўлиб ўтган воқеани билиб турибсан. Мен эзилган қулингман. Ўзинг менинг ҳолимга раҳм қилиб, бу золим қўлидан қутқаришингни, унга азоб беришингни истайман. Чунки сен ҳеч бир золимнинг зулмидан беҳабар эмассан. Агар унинг менга қилган зулмини билиб турган бўлсанг, ундан шу кеч қасос ол, уни азобга сол. Сенинг ҳукминг адолатлидир. Сен эзилганларга меҳрибондирсан. Эй қудрати абадий бўлган улуг тангрим».

Бу бечоранинг дуосини эшитгач жаллодни титроқ босди. Шу орада бирдан шоҳ уйдан ўт чиқиб, ҳамма нарсани, ҳаттоки, қамоқхона эшигини ҳам куйдирди. Охири қамоқхона бошлиғи-ю, дарвешдан бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса омон қолмади. Шундан сўнг дарвеш ва қамоқхона бошлиғи бирга йўлга тушишди-да, узоқ йўл юриб бошқа бир шаҳарга етишди. Аммо золим шоҳ шаҳри эса, шоҳнинг адолатсизлиги туфайли бутунлай куйиб кул бўлди.

Лекин биз, эй,саодатли шоҳ, эрта ҳам, кеч ҳам сени дуо қиламиз, сенга тинчлик ато қилгани учун, ўзингни эса инсофли ва хушхулқ қилиб яратгани учун улуг тангрига шукурлар қиламиз. Мулкинга меросхўр фарзандинг йўқлиги учун, сендан сўнг бизга бошқа бир одам шоҳ бўлишидан бениҳоят қайғурар эдик. Улуг тангрининг ўзи марҳамат қилиб фарзанд

ато қилди ва биздан у ташвишни кўтарди. Бу мубо-
рак фарзанд туфайли бизларга шодлик етказди. Биз
энди улуғ тангридан сенинг ўрнингга парҳезкор,
ахлоқли меросхўр бўлишини, унга абадий бахту сао-
дат ато қилишини сўраймиз».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
олтинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб
давом этди Шаҳризод,—
бешинчи вазир ўрнидан
туриб айтибди: «Киши-

ларга парҳезкорлик хулқи ва улуғ
мукофотлар ато қилган тангрига
ҳисобсиз шукурлар бўлсин. Биз
аминмизки, берган неъматларига
шукур қилиб беш вақт намозини
канда қилмаганлардан тангри ўзи-
нинг неъматларини дариг тутмай-
ди. Ана шундай яхши хулқларини
эгаллаб халқ ўртасида адолат ва

инсоф билан иш кўрганинг учун эй шоҳ, худо мар-
табангни баланд қилди, сени бахтга етказди, узоқ
умидсизликдан сўнг бу улуғ совға парҳезкор фар-
зандни ато қилдиким, бу бизлар учун битмас-туган-
мас шодлик бўлди. Чунки биз бунгача бепарзандли-
гингдан катта ташвишда ва ғоят аламда эдик. Се-
нинг меросхўринг бўлмаса адолатли давлатинг,
бизларга меҳрибонлигинг бизлар учун вақтли бў-
либ қоладими, деб хавф қилган эдик. Чунки у вақт
орамизда низо пайдо бўлиб қарга устига келган
аҳвол юз бермаса, деб ўйлар эдик». «Қарга воқеаси
қандай?»— деб сўрабди шоҳ. Вазир қуйидагича жа-
воб берибди: «Билгил, эй шоҳ,— деб гап бошлабди
у,— чўлларнинг бирида кенг водий бор эди. Унда

кўллар, дарахтлар, мевазорлар сероб бўлиб, қушлар кўп эди. Улар ҳаммани ҳал қилган, ҳаммани ўзига қаратган, кеча-кундузни яратган улў тангрига ҳамд этар эдилар. Бу қушлар орасида қарғалар ҳам бор эди, ҳаммалари бениҳоят шод яшар эдилар. Бир қарға уларнинг бошлиғи, меҳрибон ва ғамхўри эди. Улар унинг ҳимоясида тинч ва осойишта, бир-бирлари билан тотув яшар эдилар. Уларга ҳеч ким тенг келолмас эди. Иттифоқо, у ўлди. Ҳамма махлуқларнинг бошида бор иш унга ҳам етди. Ҳаммалари қаттиқ ачинишди. Чунки уларнинг орасида бирорта ҳам унинг ўрнини босадигани йўқ экан. Ҳаммалари йиғилишиб кимнинг бу вазифани бажаришга муносиблиги ҳақида ўзаро кенгашдилар. Бир хиллар қарғани мувофиқ топиб: «Шу бизга шоҳлик вазифасини ўташга лойиқ»,— дедилар. Бир хиллари унга қарши чиқдилар. Ораларида талашиш, тортишиш пайдо бўлиб, жанжал улғайди. Энг охир улар: кимки кечаси ухламай ва эрталаб овқат излаб кетмай, азонда энг олдин учиб шу ерга келса шоҳ бўлади, уни бизга бошлиқ бўлишга худо лойиқ кўрган бўлади. Биз уни ўзимизнинг шоҳимиз деб таниймиз-да, унга давлат ишини топширамиз, деган қарорга келишган эди. Шу пайт бирдан лочин парвоз қилиб қолди. Ҳаммалари унга: «Эй яхшилик отаси, биз сени ўзимизга бошлиқ қилиб сайладик, бизларнинг гапимизга диққат қил!»— дейишди. Лочин уларнинг таклифига рози бўлиб: «Умид қиламанки, худо хоҳласа мендан сизларга тезда катта яхшиликлар етади»,— деди.


Шундан сўнг ҳар кун лочин озиқ излаб учиб кетганда, улар ҳам кетидан учадиган бўлишди. Лочин эса пайт пойлаб уларнинг биттасини ушлар эди-ю, икки кўзи билан миясини еб, қолганини ташлар эди. У бу ишни то қушларда гумон пайдо бўлгунча давом

эттирди. Бир вақт қушлар ўз жинсларининг ҳалок бўлиб кетаётганини кўриб, ўзлари ҳам тез ҳалок бўлажакларига кўзлари етди-да, бир-бирларига: «Нима қилсак экан, шерикларимиз ўлиб кетди-ку, ўзимизнинг каттамиз ҳаёт даврида бундай ҳолни ҳеч кўрмаган ҳам эдик, билмаган ҳам эдик. Биз ўз жонимизни сақлашимиз керак»,— дейишди.

Келгуси кун қушлар лочиндан четланиб, узоқлашдилар...

Биз шу вақтгача сендан бошқа шоҳ бўлиб бизда ҳам шундай аҳвол юз бериб қоладими,— деган ташвишда эдик. Худо бизга бу фарзандни ато қилди. Сенинг дийдорингдан бизни маҳрум қилмади. Энди биз ишларимизнинг яхшиланишига, ташвишларимизнинг тугашига, ватанимизда тинчлик, хотиржамлик, соғлик, соламтлик бўлишига ишонамиз. Яхшиликларни ато қилувчи улуғ тангрига сонсиз-саноқсиз шукурлар бўлсин. Тангри шоҳга ва унинг фуқароларига ўз неъматларини яна ҳам зиёда қилсин. Улуғ бахту саодат ато қилсин. Ризқимизни абадий мўл қилсин».

Сўнг олтинчи вазир ўрнидан турди: «Худо сени бу дунёда ҳам у дунёда ҳам кам қилмасин, эй шоҳ,— деб гап бошлади у,— қадимгиларнинг айтган сўзлари бундан олдин зикр қилинган эди: кимки ота-оналар насиҳатиغا риоя қилса, ундай одам ўз вазифасини одиллик билан бажариб худо розилигига эришган бўлади. Сен, эй шоҳ, бизларга бошлиқ бўлиб, одиллик билан иш қилдинг, шу билан бахтли бўлдинг. Биз улуғ тангридан сен қилган яхшиликларга лойиқ катта мукофотлар беришини сўраймиз. Шоҳ бўлмаганда ёки сендан бошқа, сенга ўхшамаган шоҳ бўлганда бизларнинг бебахт бўлишимиз ва орамизда низо туғилиб, натижада турли ташвишлар юз беришини мендан олдин сўзлаган вазирлардан эшиттинг. Иш



113-6emza

шундай бўлгач, бизларнинг худо сенга муносиб ўрин-босар бўларлик парҳезкор бир фарзанд бериши ҳақида худодан тинмай сўрашимиз зарурий эди. Зеро кўпинча шундай ҳам бўладики, инсон истагининг охири ноаниқ бўлади. Шунинг учун охири сир бўлган нарсаларни худодан сўраш тўғри бўлмайди. Чунки бундай ҳолларда кўпинча ишнинг фойдасидан кўра зарари яқин бўлади. Бу нарса уни таҳликага солади. У вақт афсункор ва унинг хотин-болаларига етган ташвиш унинг бошига тушади».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



**Гўлқиз юз
еттинчи
кеча**



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Олтинчи вазир шоҳга: «Охири номаълум нарсани сўраш тўғри бўлмайди. Чунки бундай ҳолларда кўпинча ишнинг фойдасидан кўра зарари яқин бўлади. Бу истаги билан у таҳликага тушади. У вақт афсункор ва унинг хотин-болаларига етган ташвиш унинг бошига тушади»,— деди. «Афсункор, унинг хотини ва болалари ҳикояси қандай?»— деб сўрабди шоҳ.

«Билгил эй шоҳ,— деб сўз бошлабди вазир,— бир илон боқар киши бор эди. Илонларни тарбиялаш унинг ҳунари эди. Унинг катта бир савати бўлиб, унда учта илон турар эди. У ҳар кун шу саватни кўтариб чиқиб кетар, шаҳар айланиб, оиласи учун насиба топиб келар эди. Қайтгач, кечқурун илонларни бир ерга яшириб қўяр ва тонг отиши билан саватни олиб яна шаҳар айланишга кетар эди. Бу

унинг доимий одати эди. Оила аъзолари саватда нима борлигини билмас эдилар. Бир кун афсункор одатдагича уйга қайтгач хотини ундан: «Бу саватдаги нима?»— деб сўраб қолди. «Нима демоқчисан, озиқ-овқатларинг етишмаяптими? Худо берган насибага қаноат қил, бошқа нарса билан ишинг бўлмасин!»— деб жавоб қилди эри. Жим қолган хотин ўз-ўзига: «Албатта бу саватни текшириб, унда нима борлигини биламан»,— деб қўйди. Қатъий фикрга келган хотин болаларига ҳам: «Отангиздан бу саватда нима борлигини сўраб билинглар»,— деб тунтирди. Саватда бирор ейдиган нарса бўлса керак деб гумон қилган болалар оталаридан ҳар кун ундаги нарсани кўришни сўрай бошладилар. Лекин оталари ҳар гал уларни қайтарар, бундай сўроқ беришдан болаларни тияр, болалар эса кўниб жим қолардилар. Бироқ она эса болаларини қайрар эди. Шу зайл орадан анча вақт ўтди. Охири она болалари билан маслаҳатлашиб: отаси уларнинг айтганларини қилиб то, саватдаги нарсани очиб кўрсатмагунча ҳеч нарса емайдиган, ичмайдиган бўлишди. Улар шу фикрга келганларидан кейин бир кеч оталари аллақанча озиқ-овқат олиб келди-да, ўз жойига ўтириб, болаларини овқат ейишга чақирди. Болалари эса келишга тортиниб, ўзларининг хафа бўлганларини билдирдилар. Ота болаларни ширин сўзлар билан юпатиб: «Эй болаларим, менга қаранглар, сизлар ейдиган, ичадиган, киядиган нимаики истасанглар, келтириб бераман»,— деди.

Болалар эса: «Эй ота, биз ҳеч нарса истамаймиз. Фақат бизга ана шу саватни очиб кўрсатсангиз шунинг ўзи бас. Бўлмаса ўзимизни-ўзимиз ўлдирамиз»,— дейишди. «Эй болаларим,— деди ота.— Бунда сизларга муносиб яхши нарса йўқ, уни очиш сизлар учун

зарурдир». Буни эшитиб болалар баттароқ хафа бўлдилар. Оталари уларга пўписа қилиб: агар улар бу фикрдан қайтмасалар калтаклашини билдирди. Болалар раъйларидан қайтиш ўрнига аксинча ортиқ ўжарлик қилиб, қатъий қистадилар. Ғазабга келган ота, калтак олиб урмоқчи бўлди. Болалар қочиб уйга кирдилар. Ота ҳали бирор ерга бекитиб қўйишга улгурмаган сават ўша ерда эди. Ота болалар билан андармон бўлиб турганда хотин ичидаги нарсани кўриш учун шошқич саватни очди. Шу вақт бирдан сават ичидаги илонлар чиқиб, аввал хотинни, сўнг бирин-бирин катта-кичик болаларнинг ҳаммасини чақиб ўлдирди. Бу аҳволни кўрган афсункор уйни ташлаб қочди. Бу воқеани тимсол қилиб кўрганинда,— деди вазир **шоҳга**,— инсон худо хоҳлаган нарсадан бошқани талаб қилиши мувофиқ эмас. Балки инсон худо лойиқ кўриб берган нарсасига қаноат қилиши зарурдир. Эй шоҳ,— деди вазир давом этиб,— шунча кўп илминг, бениҳоят хуш фаҳмлигингга мувофиқ, узоқ умидсизликдан сўнг худо сенинг дилингни бу фарзанд билан ёритди ва хотиржамлик насиб қилди. Биз унинг худо ризосига мувофиқ иш кўрувчи, фуқароларга мақбул адолатли шоҳлардан бўлишини улуғ тангридан сўраймиз».

Сўнг еттинчи вазир ўрнидан туриб: «Эй шоҳ,— дея гап бошлабди,— сенинг яхши хулқларинг, сени бошқа шоҳлардан айирувчи яхши хислатларинг улуғ назирлар — олимлар, зўр донишманд биродарларининг айтганларидан ҳам ортиқлигини яхши биламан ва буни билишимиз керак, албатта. Мен шуни қайд қилиб айтаманки, сени ўзига яқин тутиб бизга яхшиликлар ато қилган худога ҳамдлар бўлсин. Худо сенга шоҳликни насиб қилиб, бизларга, кўпроқ шукур қилиш вазифасини юклади. Булар ҳаммаси сен туфайлидир. Модомики, сен бизга паноҳ экансан, хавф-

дан йироқмиз, адолатсизлик ҳақида ўйламаймиз, кучсиз бўлсак-да, ҳеч ким бизга зулм қила олмайди. «Фуқароларнинг энг яхшиси шоҳи одил бўлганлардир, энг ёмони эса, шоҳи золим бўлганлардир»,—деб бежиз айтмаганлар. Яна: «Йиртқич шер билан яшаш мумкин, аммо золим шоҳ билан яшаш мумкин эмас»,—ҳам дейдилар. Шуларнинг ҳаммаси учун худога битмас-туганмас ҳамдлар бўлсинки, сени бизга марҳамат қилди ва сенга кўп йиллик умидсизликдан сўнг, шу ёшда бу қутлуғ фарзандни ато қилди. Чунки дунёда мукофотларнинг энг улуғи фарзанддир. «Боласи йўқнинг, уруғ-аймоғидан сўнг эслобчиси йўқ»,—деганлар. Сенинг алоҳида одиллигинг ва алоҳида эътиқодинг туфайли худо сенга бу бахтли ва парҳезкор болани ато қилди. Бу қутлуғ фарзанд бизларга худонинг улуғ марҳамати бўлди. Сенда ўргимчак билан шамол воқеасига ўхшаган ҳол юз берди. «Ўргимчак билан шамол воқеаси қандай?»—деб сўрабди шоҳ.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
саккизинчи
кеча*



Й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод.— Шоҳ вазирдан: «Ўргимчак билан шамол воқеаси қандай?»—деб сўрабди. Вазир ҳикоя қила бошлабди:

«Билгил, эй шоҳ,—дебди у,—бир ўргимчак холи ва баланд бир эшик тепасига ин қуриб, у ерда тинч яшай бошлади. Унга зарарқунандалар хавфидан холи шундай тинч жой насиб қилгани учун худога кўп шукурлар айтди. Шу зайлда у

худого шукур қила-қила бир қанча вақт яшади. Аммо худо уни инидан маҳрум қилиб, бир синаб кўрмоқчи ва унинг эътиқоди қанчалик мустаҳкамлигини билмоқ истади-да, унга кун чиқарнинг қаттиқ шамолини юборди. Шамол уни ин-пини билан кўтариб дарёга ирғитди. Дарё тўлқини эса уни қирғоққа чиқариб ташлади. Ургимчак шунда саломат қолганлиги учун худого шукур қилди-ю, аммо шамолдан хафаланиб: «Эй шамол! Нега менга бунча озор бердинг, мени инимдан айириб бу ерга ташлашдан сенга не фойда бўлди? Ахир, мен бу эшик устидаги ўз уйимда тинч, хотиржам яшаётган эдим-ку!»— деди.

Шамол эса унга жавобан: «Мендан ранжишингни бас қил, тезда сени аввал турган жойингга элтиб кўяман»,— дебди. Ургимчак ўз жойига бориш умидида кун чиқар шамоли кетиб, кун ботар шамоли келгунча чидаб турди. Кун ботар шамоли келиб, ўргимчакни елпий бошлади. Шунда ўргимчак шамолга илашиб олди-ю, уйига равона бўлди.

Биз худодан шоҳнинг ёлғизлиги, эътиқоди учун ў кексайиб умид узганда, дунёдан фарзандсиз ўтмаслигини, унга давлат ва мулк бергандек фарзанд ҳам беришини сўрар эдик. Худо унга ва унинг фуқароларига раҳм қилиб, меҳрибонлик кўрсатди ва ўз неъматини мўл-кўл қилди».

Ниҳоят шоҳ кўзғалиб: «Улуғ тангрига шон-шарафлар бўлсинким,— деб гап бошлади,— ўзининг ҳикмат ва қудрати билан ҳар нарсани яратувчи худо бизларга ҳамма нарсани англатди. У ўз мулкидаги қулларидан хоҳлаганига давлат ва мамлакат беради. Чунки у ўз ҳукмини инсонларга ўтказиш учун улардан танлаб тайинлайди. Уни одиллик ва инсоф билан иш қилишга ундайди. Қонун-қоидалар ўрнатгиш, ҳақиқатни маҳкам тутиб халқ ишларида улар-

нинг истагига мувофиқ иш кўришни топширади. Қайси шоҳ худо амрига мувофиқ иш кўриб ўз ризқига қаноат ҳосил қилса, у бу дунё хавфидан қутулиб, у дунёда яхши мукофот олади. Зеро худо таоло яхшиларни тақдирламай қўймайди... Қайсики, шоҳ яратганнинг буйруғидан ташқари иш тутса, у бениҳоят катта хатога йўл қўйиб, худо олдида гуноҳкор бўлади. У бу дунёсини у дунёга алмашган бўлади. Ундай шоҳга на бу дунёда ва на у дунёда ҳурмат бор, чунки худо золимларга, бузуқларга муҳлат бермайди. Бандаларидан бирортасининг кўз ёшини эътиборсиз қолдирмайди. Адолат юзасидан иш тутганимиз, халқ билан яхши муомаламиз туфайли худо бизларни ярлақгани ҳақида биродарларимиз — вазирлар айтиб ўтишди. Ҳар бир вазир бу қутлуғ фарзанд ҳақида ўзлари билганча сўзлаб, худога бениҳоят ҳамду сано айтдилар. Мен улуғ тангрига шукурлар қиламан. Менинг дилим ҳам, тилим ҳам унга тобе. Бирор ҳодиса рўй бермаслиги учун бошга келган ҳар қандай жазоларга мингдан-миг розиман. Вазирлардан ҳар бири бу фарзанд ҳақида ўз мияларига келган фикрларни баён қилдилар. Уларнинг ҳар бири, мен шу ёшга етиб, умид тамом узилган бир вақтда, фарзанд кўрганлигимни қайта-қайта тилга олдилар. Худога шукурлар бўлсинки, у бизни тун билан кундуз алмашилиши каби насл-насабимиз сулоласи айрибошланишининг тугаши хавфидан бизни қутқарди. Бу бизлар учун ҳам, улар учун ҳам улуғ марҳаматдир. Бизнинг илтижоларимизни қабул қилиб, фарзанд ато қилган улуғ тангрига чексиз, чегарасиз миннатдорлик билдирамиз. Худога шукурлар қиламизки, бизнинг оҳу зорларимизга қулоқ солиб, эътибор берди ва шу фарзандни ато қилди. Шунингдек уни халифалик мероси каби улуғ мартаба эгаси қилди.

Биз улуғ тангридан ўзининг олижаноб ва хушхол меҳрибонлиги билан биринчи иш бошлашданоқ болани софдил ва саботли ҳамда бахтиёр шоҳ қилишини, ҳалокатга элтувчи ўзбошимчаликдан уни сақлашини сўраймиз».

Шоҳ сўзини тамомлагач, олимлар, донишмандлар ўринларидан туриб, миннатдорлик билан шоҳнинг қўлларини ўпишгач, ҳар қайсиси ўз уйларига йўл олдилар. Шу вақт шоҳ ҳам ўз хонасига кириб, болани кўрди, унга эзгу ниятлар тилаб Вирдхон деб от қўйди.

Бола ўн икки ёшга етгач, шоҳ уни ўқитиб, турли илмларни ўргатмоқ истади. Унга атаб шаҳар ўртасида уч юз олтмиш хоналик бир сарой бино қилди. Болани у бинога жойлаштиргач, таълим бериш учун учта зўр олим ва донишманд белгилади. Шоҳ топширигига кўра, ҳар бир эшикка у уйда қайси илм ўргатилишини ёзиб қўйишлари, шу билан бирга болага нималарни ўргатганлари ҳақида ҳар етти кунда олимлар маълумот бериб туришлари зарур эди. Олимлар кеча-кундуз бола билан бирга бўлиб, ўзлари билган илмларнинг ҳаммасини бекаму кўст ўргата бошладилар. Бола ғоят зийрак ва туйғун эди. Илм олишдаги унинг идрок, фаҳм ва уқуви кишини ҳайратга соларли эди.

«Бизлар бундай фаҳму фаросатли болани ҳеч қачон кўрмаганмиз, худо уни сенга муборак қилсин ва уни саломат қўйиб сени шодлантирсин»,— дейишарди олимлар.

Бола ўн икки ёшга тўлганда барча илм асосларини эгаллаб замонасининг олим ва донишмандларидан ҳам ўзиб кетди. Ниҳоят, унга таълим берган олимлар болани шоҳ ҳузурига келтириб: «Эй шоҳ,— дейишди улар,— худо бу бахтли бола билан кўзингни

мунаввар қилсин. У ҳозирги замон олим ва донишмандларининг бирортаси эриша олмаган даражада ҳамма илмларни эгаллаб бўлди. Энди уни ҳузурингга келтирдик».

Шоҳ бениҳоят шодланиб, худога шукроналар билдирди. Улуғ тангри ҳурмати учун узоқ вақт бош эгиб сажда қилгач: «Беҳисоб неъматлари учун улуғ тангрига олқишлар бўлсин,— деди, сўнг вазири Шимосни чақириб сўради,— билгил, эй Шимос, олимлар ўғлимни олиб келиб ҳамма илмни ўргангани ва у билмаган билим қолмаганини сўзладилар. Айтишларича, у илмнинг энг юқори чўққисини эгаллаганлардан ҳам ўзиб кетганмиш. Энди нима дейсан, эй Шимос?»

Вазир Шимос улуғ тангри ҳурмати учун мук тушиб сажда қилди-да, сўнг шоҳнинг қўлларини ўпиб деди: «Қиммат баҳо ёқутнинг қаттиқ тоғ бағрида бўлиши, унинг чироқ каби нур сочиб туришига халал бермайди. Сизнинг дурдонангизнинг ёшлиги унинг донишманд бўлишига тўсиқ бўлолмайди. Худонинг бу марҳамати учун унга беҳисоб олқишлар бўлсин. Худо хоҳласа, эртага машҳур олим ва амирларни чақираман-да, улар ҳузурида сўроқлар бериб, унинг қанчалик ҳушёрлигини аниқлайман».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ, опажон,— деди синглиси,— ҳикоянг қандай яхши-я.

— Э синглим,— деди Шаҳризод,— шу ҳам ҳикоями, агар шоҳим мени омон қўйсалар эртага айтадиганим бундан ҳам қизиқ.

Бу гапни эшитган шоҳ ўзича: «Ке, бугун ҳам ўлдирмай турай»,— деди.



*Тўққиз юз
тўққизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— шоҳ Жилиод ўз вазири Шимос сўзини эшитгач, мамлакатдаги энг ўткир олимлар, кўзга кўринган давлат бошлиқлари ва маҳоратли донишмандларни саройга тўплашни буюрди. Эртасига улар сарой дарвозасига етиб келдилар. Шоҳ эса уларни ичкари киришига рухсат этди. Сўнг вазир Шимос кириб келиб, шаҳзоданинг қўлини ўпди. Шаҳзода эса ўрнидан

туриб, Шимос ҳурмати учун бош эгди. Бунга жавобан Шимос шаҳзодага: «Шербаччага бирор ваҳший қаршисда бўйин эгиш лойиқ эмас, ёғду билан зулматнинг тенг келиши номуносибдир»,— деб камтаринлик қилгач, унга савол берди: «Бизга айт-чи, эй олий зот! Абадий мутлақ нима-ю, ундаги икки борлиқ нима, ҳар иккисидан қайбири абадий?»

Шаҳзода жавоб бериб айтди: «Абадий мутлақ бу улуғ тангридир, у бошланиши йўқ қадимий ва охири йўқ сўнггидир, ундаги икки борлиқнинг бири бу дунё, бири у дунёдир. Ҳар иккисининг донмийси охиратдир». «Айтганларинг тўғри, бу фикрларга қўшиламан,— деди Шимос,— лекин мана буни ҳам айтиб беришингни истайман: сен икки борлиқнинг бири бу дунё, иккинчиси у дунё эканини қаердан билдинг?» «Чунки дунё яратилгандир,— деди шаҳзода,— аммо у бор нарсадан яратилмай, йўқдан бор қилинган. Бас шундай экан, бу унинг дастлабкилигини тақозо қилади. Лекин сўнгроқ пайдо бўлган дунё ўткинчи ҳодисадир. Бу эса, йўқ бўлгани қайталашни тақозо қилади. У дунё — иккинчи борлиқдир». «Айт-

ганларинг тўғри, мен бунга қўшиламан,— деди Шимос,— лекин яна бир нарсани айтиб беришингни сўрайман: икки борлиқдан охиратнинг абадий эканини қаердан билдинг?»

Шаҳзода жавоб бериб айтди: «Мен уни шундан биламанки, у дунё тўхтовсиз қилинган ишлар мукофотини кўрадиган ердир».

Шимос савол бериб деди: «Айтиб бер-чи! Дунё кишиларидан кимларнинг иши мақтовга муносиброқ?» «У дунё ишларини бу дунё ишидан афзалроқ ҳисоблаган кишиларнинг ишлари»,— деб жавоб берди шаҳзода. «У дунёни бу дунёдан афзал кўрувчи ким у?»— деди Шимос. «У шундай одамки,— деди шаҳзода,— у ўзининг бу дунёда вақтинча яшаётганини, у ўзининг фано бўлиши кераклигини, фано бўлгач, у дунёда ундан ҳисоб олинишини билади. Агар бу дунёда бирор одам абадий қолгудай бўлсайди, у ҳеч вақт бу дунёдан у дунёни афзал кўрмасди». «Бу дунёсиз у дунё бўла оладими?»— деди Шимос. «Кимнинг бу дунёси бўлмаса, у дунёси ҳам йўқ,— деди шаҳзода,— лекин, бу дунё ва бунда яшовчи инсонлар тақдирини мен шунга ўхшатаманки, амир бир танг бино қуриб, унга одамларни киритганда; маълум муддатда бирор вазифани бажариш ишини юклаган. Буларга бир кишини бош қилиб, топшириқни ўз вақтида бажарганларни бу танг ердан чиқариб, бажармаганларни шу ерда қийнаб туришни буюрган эди. Шу орада бирдан эшик тирқишларидан асал силжиб чиқа бошлайди. Асални тотиб, унинг ширинлигидан лаззатлангач, топшириқни бажармагандаги жазоларни била туриб, буюрилган ишларни муддатда бажариб бу ердан тезроқ чиқиш ўрнига, орқага чўза бошлайдилар. Улар шу озгина ширинликка қаноатланиб, танг уйдаги ғам-аламлар-

га чидай бошлайдилар. Лекин, бошлиқ ишни ўз муддатида битказганларни уйдан чиқаришни давом эттирди. Бунинг мисолида биз биламизки, бу дунё кўзлар қувнайдиган бир жойдир. Унда яшовчиларнинг муддати белгили. Кимки дунёда озгина лаззат кўриб, унга берилиб кетса, у хароб бўлганлардан ҳисобланади. Чунки у бу дунёни у дунёдан афзал ҳисоблаган бўлади. Кимки у дунёни бу дунёдан афзал деб тушунса, у одам бу озгина лаззатга ҳирс қўймайди, суқланмайди-да, оқибат алоҳида ҳузур-ҳаловатларга етишганлардан бўлади».

«Фикрларинг маъқул, мен уларга қўшиламан,— деб давом этди Шимос,— маълумки, шу икки ҳол одамларга ҳукмрондир. Бас, инсон шу икковига рози бўлиши керак эмасми? Агар банда маишат истаса, у дунёда азобланади, борди-ю охиратни ўйласа, бу дунёда азоб чекади. Икки қарама-қарши нарсани бирдан қабул қилиш мумкин ҳам эмас». «Кимки бу дунёда маишатга эришса, у дунёни ташлайди,— деб жавоб бера бошлади шаҳзода,— мен бу дунё ва у дунёни одил ва золим икки шоҳ ҳолига ўхшатаман: чунончи, бир золим шоҳнинг ерлари сердарахт, сермева ва кўкатларга бой эди. Шоҳ савдогарнинг мол-ҳолини талагани талаган эди-ю, лекин савдогарлар шу хушҳаво ердан бенасиб бўлмаслик учун шу оғирликларга чидаб келар эдилар. Кунларнинг биринда бир одил шоҳ ўзининг бекларидан бирини у шаҳардан нарсалар сотиб олиш учун кўп пуллар билан шу золим шоҳ шаҳрига жўнатди. Савдогар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ниҳоят, ўз шоҳи буюрган бу шаҳарга омон-эсон етиб келди. Дарвозабонлар ўз шоҳларига бориб, шаҳарга бир бой келгани, унинг пули кўплиги, бу ердан қиммат баҳо нарсалар сотиб олиш мақсадида эканлигини етказдилар. Шоҳ

эса савдогарни ҳузурига келтириш учун одам юборди. Уни келтиришгач, шоҳ савол айлади:

«Кимсан, қаердан келдинг, менинг диёримга сени ким олиб келди, нима истайсан?»

«Мен фалон ерлик, фалон шоҳ фуқаросиман,— деди савдогар,— шоҳ менга пул бериб, бу шаҳардан қиммат баҳо матолар сотиб олишни буюрди. Мен шоҳнинг амрига мувофиқ келдим». «Шўринг қурсин,— деди золим шоҳ,— сен менинг фуқароларимга қиладиган муомаламни билмас эдингми, мен ҳар куни улар топган пулларни тортиб оламан-ку, ахир! Қандай қилиб, сен шунча пул билан менинг шаҳримга келиб, менинг еримда юрибсан?» «Бу қўлимдаги пул меники эмас, эгасига топширилиши керак бўлган омонат пулдир»,— деди савдогар. «Пулларингни топшириб, жонингни қутқазмасанг, мен сени юртимдан чиқазмайман»,— деди золим шоҳ.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўнинчи
кеча*



й, саодатли шсҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— золим шоҳ унинг юртидан қиммат баҳо матолар сотиб олишга келган савдогарга: «Бу пуллар бараварига жонингни қутқазиб қолмасанг, менинг юртимдан бирор нарса сотиб ололмайсан. Ўзинг ҳам ҳалок бўласан»,— деди. Шунда савдогар ўзига ўзи: «Мен икки шоҳ орасига тушиб қолдим. Биламанки, бу шоҳнинг зулми ўз фуқароларига ҳам, бошқа юртдан келган мусофирларга ҳам умумийдир. Агар мен буни рози қилмасам, пулдан маҳрум бўли-

шим ва унинг қўлида ҳалок бўлишим муқаррар. У ҳолда мақсадим барбод бўлади. Агар жонимни қутқазиб учун бу пулларни топширсам, мол эгаси — у шоҳ қўлида ҳалок бўлишим турган гап. Бу қатъий. Энди пулларнинг бир қисмини бериб шоҳни рози қилишдан бошқа чора йўқ. Шу пул билан жонимни ҳалокатдан қутқазаман-да, қолганини сақлаб қоламан. Сўнг қиммат баҳо матолар сотиб олгунимча, ўзим бу ер меваларидан баҳра олиб тураман. Берган пулим билан бу шоҳни рози қилган бўламану, унинг еридан ўз насибамни оламан. Пул эгаси — у шоҳга керакли нарсаларни элтаман. Борганимдан сўнг шоҳдан золим шоҳ олган пул учун менга азоб бермай, авф этиб, кечиришини сўрайман. Хусусан, у арзимас пул эканлигини айтиб узр сўрайман».

Шундай қарорга келган савдогар шоҳни дуо қилиб: «Эй шоҳ, мен бу пулнинг бир қисмини сенинг юртингга, шаҳрингга кирганимдан бошлаб чиқиб кетгунимча жонимнинг фидоси қилиб бераман»,— деди.

Шоҳ унга рози бўлиб пулни олди-да, бир йилгача ўз иши билан шуғулланишга руҳсат этди. Савдогар пулларининг ҳаммасига мол олиб, ўз юрти — пул эгаси томон йўл олди, одил шоҳ у дунёнинг намунаси-дир. Золим шоҳ юртидаги қиммат баҳо матолар эса эзгуликлар ва парҳезкорларнинг яхши ишлари намунаси-дир. Мол эгаси бу дунё маншатларини истовчи кишига ўхшайди. Унинг қўлидаги пуллар инсон турмушига ўхшайди. Мен буни кўргач билдимки,— деди шаҳзода,— бу дунё ҳаётини истаган киши, бирор кун ҳам охират ишини унутмаслиги зарур. Бу вақтда одам бир тарафдан дунё неъматларини топса, иккинчи тарафдан охиратга интилиш билан у дунёни ҳам топади». «Айтгин-чи,— деди Шимос,— мукофотланиш ва жазоланишда тан билан жон бирми ёки

жазоланиш фақат шаҳвоний бузилганларга, гуноҳкорларга хосми?» «Баъзан шаҳвоний бузуқлик ва гуноҳ ишларга рағбатланиш, сўнг ундан нафси тийиш ва тавба қилиш эзгуликка элтади. Ҳамма иш яратганинг қўлидадир. Тан учун маншат зарур. Тан жонсиз бўлмайди. Жоннинг поклиги дунё ишига самимий интилиш, охират учун фойдали нарсага ҳаракат қилиш билан юзага келади. Жон билан тан югуришга гаров қўйилган икки отдир ёки сийна эмишган икки гўдақдир. Улар ишда баҳамжиҳатдир. Умумийликнинг изоҳи ниятга мувофиқ бўлади. Тан билан жон ишларда шерик бўлганидек, мукофотланиш ва жазоланишда ҳам тенг шерикдирлар». Булар бир боғбон сотиб олган кўр ва шоллар кабидир: бир боғбон бир кўр билан бир шолни ўз қарамоғига олиб, боғига киритиб қўйди-да, уларга боғдаги нарсаларга теғмаслик, зарар берадиган бирор иш қилмасликни таъкидлади. Боғлар меваси пишгач, шол кўрга айтди: «Шўринг қурсин, мен ниҳоят ширин меваларни кўриб суқим келяпти, лекин ўрнимдан туриб уни олиб ейишга қодир эмасман. Сенинг икки оёғинг бутун, ўрнингдан тур, уни олиб кел, еяйлик»,— деди. Кўр эса: «Сенинг шўринг қурсин, мен уни билмас эдим, сен менинг эсимга солдинг, мен уни олиб келолмайман, чунки мен кўрмайман. Энди нима қилиш керак»,— деб турган эди, бирдан улар олдига боғ қоровули келиб қолди. У билимдон одам эди. «Афсус,— деди шол қоровулга,— бизлар шу мевалардан ейишга бениҳоят суқланиб турган бўлсак ҳам, кўриб турганиндай мен шол, ҳамроҳим ҳеч нарсани кўрмайдиган бўлиб, нима қилишимизни билолмай турибмиз. Худо ҳайрингни бергур, эй боғ ҳимоячиси, бизларга шафқат қилиб, бирор йўл-йўриқ кўрсат».

«Шўрларинг қурсин, эй бечоралар,— деди қоро-

вул уларга,— боғбон сизларни олганда қандай шарт қўйганини унутдиларингизми, ҳеч нарсага тегмаслик, зарар берадиган бирор иш қилмасликни таъкидламаган эдими? Қандай бўлса ҳам бу фикрдан қайтинглар». Лекин улар ўз сўзларидан қайтмадилар ва: «Бу мевалардан бир оз ейишимиз керак, бизга ҳийла ўргат!» — дедилар қоровулга. «Бўлмаса, — деди қоровул уларга,— кўр ўрнидан турсин-да, эй шол, орқасига опичиб сени суқлантирган мевалар ёнига олиб борсин. Унга яқин боргач, бўйинг етган мевани узиб оласан». Дарров кўр ўрнидан туриб, шолни опичди. Шол йўл кўрсатиб борар эди. Мўлжаллаган дарахт тагига боргач, шол хоҳлаганларини тера бошлади. Хуллас, улар то боғдаги дарахтларни ишдан чиқаргунларича шундай қила бердилар. Бир кун боғбон келиб қолиб уларга айтди: «суф сизларга-е, бу қандай аҳмоқлик? Ахир, мен сизларга боғдаги нарсаларга тегмаслик, зарар берадиган бирор иш қилмасликни тайинламаган эдимми?» Шунда улар боғбонга: «Биз ҳеч нарсага тега олмаслигимизни ўзинг биласан, биримиз ўрнидан қимирлолмайдиган шол, биримиз кўз олдидаги нарсани кўрмайдиган кўрмиз. Бизнинг гуноҳимиз нима?» — дедилар. «Сизлар қандай иш қилганингизни, боғимни қандай хароб этганингизни мени билмайди, деб ўйлайсизлар шекилли,— деди боғбон,— сен, эй кўр, ўрнингдан туриб, шолни опичиб олдинг, у сенга йўл кўрсата борди. Сен айтган дарахт тагига олиб бординг, у меваларни ола бошлади». Боғбон шундай деди-да, уларга азоб бера бошлади ва боғдан ҳайдаб чиқарди. Тан ана шу кўрга ўхшайди, чунки у кўрмайди, жон билангина кўради. Шол ҳаракатсизликда жонга ўхшайди. У фақат тан билан ҳаракат қилади. Аммо боғ бандаларнинг хизматига берилажак мукофотдан намуна-

дир. Боғ қоровули эса яхшиликка ундаб, ёмонликдан қайтарувчи ақлга мисолдир. Бас шундай экан, тан ва жон мукофотланиш ва жазоланишда шерикдирлар». «Тўғри айтдинг,— деди Шимос,— бу сўзларингни ҳам қаршиликсиз қабул қиламан. Энди шуни ҳам айтиб бер-чи, қандай олимлар сенинг наздингда мақтовга лойиқдир?» «Худо ҳақини яхши билган, илмидан сдамларга наф теккан олим»,— деди Шаҳзода. «У ким?»— деди Шимос. «Худо розилигини истовчи, унинг ғазабидан қочувчи киши»,— деди шаҳзода. «Булардан қайбири афзал?»— деди Шимос. «Худони яхшироқ билгани»,— деди шаҳзода. «Улардан энг синалгани ким?»— деди Шимос. «Илмига амал қилишда бениҳоят сабрли бўлганлари»,— деди шаҳзода. «Айт-чи,— деди Шимос,— уларнинг энг дили бўшлари ким?» «Энг кўп ўлимга тайёрланиб, худони эслобчи ва энг кам орзу қилувчилардир. Улим хавфини дилига олган киши бамисоли тиниқ ойнага қараганга ўхшайди. Чунки у ойнада ҳақиқатни кўради ва ойна янада равшанроқ, ҳамда тиникроқ бўлади». «Қандай хазина энг қиммат баҳодир?»— деди Шимос. «Осмон хазиналари»,— деди шаҳзода. «Осмон хазиналаридан қайсиниси афзал?»— деди Шимос. «Худони улуғламоқ ва мақтамоқ»,— деди шаҳзода. «Ер хазиналаридан энг афзали қайси?»— деди Шимос. «Яхшиликларни бажо келтирмоқ»,— деди шаҳзода.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ, опагонгинам, ҳикоянг қандай яхши-я,— деди синглиси.

— Э синглим,— деди Шаҳризод,— эртага айтадиганим бундан ҳам қизиқ.

Буни эшитган шоҳ: «Ке, бугун ҳам ўлдирмай тура қолай»,— деб ўйлади.



*Тўққиз юз
ўн биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод, — Шимос шаҳзодага: «Ернинг энг қиммат баҳо хазинаси нима?» — деб савол берганда у: «Эзгуликларни бажо келтирмоқ», — деб жавоб берди. «Тўғри айтдинг, бу сўзларингга қўшиламан, — деди Шимос, — энди менга уч алоҳида масала: илм, фикр ва онг ҳамда уларни бирлаштирувчи воситалар ҳақида гапириб бер?»

«Илм — ўрганишдан, фикр — тажриба ва синовдан, англаш — тафаккурдан иборатдир, уларнинг пайдо бўлиш манбаи ва қовушиши ақлдандир, — дея гап бошлади шаҳзода, — бу уч хислатга эга бўлган киши тўла инсондир. Бу уч хислатга худодан қўрқишни қўшган зот мақсадига эришган кишидир». «Тўғри айтдинг, фикрларингга қўшиламан, — деди Шимос, — энди сен менга айт-чи, тўғри тушунчаларга эга бўлган оташ қалб, зийрак ва чуқур фаҳмли, ажойиб донишманд етук олимларнинг нафс истакларига берилиши уларнинг хислатларига таъсир қила олади-ми?» «Бу икки хусусият кишида пайдо бўлса, — деди шаҳзода, — улар кишининг илмики ҳам, фикрини ҳам, идрокини ҳам ўзгартиради. У киши ўзининг зийраклиги билан овдан яшириниб осмон чўққисида ўзини эҳтиёт тутувчи шунқор каби бўлади. Шунқор фазода учиб юрар экан, бирдан ерда тўр ёяётган бир овчини кўриб қолди. Овчи тўрчи ёйиб бўлгач, унга бир бўлак гўшт қўйди. Шу вақт тўрдаги гўштни кўриб шунқорнинг ҳаваси ортди-да, тўрчи кўриб турган ҳолда, овчи домига илинган қушларнинг оғир ҳолини

унутиб, осмони фалакдан парча гўшт устига новут солди-ю, тўрга ўралиб қолди. Овчи келиб тўрга шунқор илинганини кўргач: «Мен капгарми ёки бошқа шунга ўхшаш бирор оддий қуш илинса, деб тўр қўйган эдим. Во ажабо, қандай қилиб бунга шунқор илинди экан»,— деб ғоят ҳайрон бўлди. Айтилгандирки: агар ақлли одамни ҳавас ва ҳирс бирор йўлга ундаса, бунинг натижасини ақл чуқур ўйлайди. Ақл уларни беҳуда нарсалардан ҳимоя қилиб, нафс ва ҳирс йўлидан қайтаради. Агар ҳавас ва ҳирс бирор нарсага ундаса — уни ақл эпчил чавандозга айлантиради. Эпчил чавандоз ҳатто шўх отни минганда ҳам унинг жировини қаттиқ ушлаб, хоҳлаган йўлига юргизади. Агар одам ақлсиз бўлса, унда фикр ҳам бўлмайти, ишнинг оқибати унга қоронғи бўлади. Унда ҳавас ва ҳирс ҳукмрон бўлади. У нафс ва ҳирс талабига мувофиқ иш кўради. Ундай киши ҳалокатга йўлиққанлардан бўлади. Одамлар орасида бундай нафс йўлига юрганлардан ёмон ҳолли киши йўқдир». «Айтганларинг тўғри, сўзларингга мамнуният билан қўшиламан,— деди Шимос,— энди менга айтиб берчи, ақл ҳавас ва ҳирсни йўқотадиган бўлса, қай вақтда илм фойдали бўлади?» «Илм эгаси ўз илми билан охирад ишларига интилганда,— деб давом этди шаҳзода,— чунки илм ва ақлнинг ҳар иккиси ҳам фойдалидир. Лекин уларнинг эгаси уларни фақат дунё орзусигагина сарф қилишни эмас, аксинча бирор тамаддиғи ўтарлик даражада бу дунё ишига сарф қилиб, улардан у дунё манфаатига фойдаланиши керак». «Айт-чи, эй ўғлон,— деди Шимос,— киши ўзини яхши тутиши учун нималар муносибдир, кўнгилни нима билан машғул қилмоқ лойиқ?» «Яхши ишлар қилиш керак»,— деди шаҳзода. «Агар,— деди Шимос,— одам фақат шу билан шугулланса, тириклик учун

керак яроғлар масаласи қандай бўлади?» «Бир кеча-кундуз йигирма тўрт соатдир,— деди шаҳзода,— бу вақтнинг бир қисмини тириклик учун керак яроғларни топиш учун сарф қилиш, иккинчи қисмини уйқу ва роҳат учун сарф қилиш, учинчи қисмини илм олишга сарф қилиш керак. Чунки одам ақлли бўлса-ю, унда илм бўлмаса, у киши гўё пода боқишга ҳам, экин экишга ҳам яроқсиз, беунум ер кабидир. Ундай ер бефойдадир. Шунингдек илмсиз одамдан ҳам фойда йўқдир». «Энди менга беҳуда илм ҳақида сўзлаб бер, эй шаҳзода»,— деди Шимос. «У худди қорни очганини, ейишни, ичишни, уйғониш вақтини биладиган онгсиз ҳайвонлар кабидир. Унда ақл йўқдир». «Жуда қисқа жавоб бердинг, лекин мен фикрларингга қўшиламан,— деди Шимос шаҳзодага,— энди, мен шоҳ олдида ўзимни қандай эҳтиёт қилишим керак?» «Унинг сенга ҳукмрон бўлишига йўл берма»,— деди шаҳзода «Менинг ишларимнинг жилови унинг кўлида, у менга ҳукмрон бўлгач, қандай қилиб мен унга йўл бермасликка қодир бўламан?»— деди Шимос. «Унинг ҳукмронлиги, сенинг устингдаги ҳақларидадир. Агар унинг ҳақларини адо этсанг устингдан ҳукмрон бўлолмайди»,— деди шаҳзода. «Вазирнинг шоҳ олдидаги вазифалари нималардан иборат?»— деб сўради Шимос.

«Самимий маслаҳатлар бериш, яширин ва ошкор суратда тиришқоқлик билан мулоҳазалик фикрлар билдириб туриш, унинг сирларини пинҳон тутуш, лозим нарсалардан ўз вақтида шоҳни хабардор қилиш, ҳар қандай масала юзасидан шоҳ топшириқларини бажариш, шоҳ истакларини бажаришда бепарво бўлмаслик. Унга қарши ғазабдан ўзини тийиш»,— деди шаҳзода. «Энди менга вазирнинг шоҳ билан муносабати тўғрисида сўзлаб бер?!»— деди Шимос шаҳ-

зодага. «Агар вазирлик вазифасини тўла бажариб бу ишда хавфсизликни таъмин этишни истасанг,— деди шаҳзода Шимосга,— шоҳга сўзланадиган сўзлар шоҳ сендан кутгандан кўра ортиқ савияда бўлишига диққат қилишинг керак. Агар сен шоҳнинг ювошлигига алданиб, у сенга муносиб кўрмаган бир ҳолга тушсанг, унда сен ов овлаб, ўзига керакли терисини шилиб олгач, гўштини ташлайдиган овчига ўхшаб қоласан. Шер бу ерга келиб ҳалиги гўштни ейди. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, мазахўракка ўрганган шер овчи билан яқин улфат қаторига ўтади. Овчи унга гўшт ташлаб, қўлини унинг юнглариغا артади, силайди. Шерга эса хуш ёқиб, думини силкитиб қўяди ва унинг этакларини ўйнайди. Буни кўрган овчи: «Бу шер менга ўрганиб ўзимники бўлиб қолди. Энди бунинг устига миниб, бошқа йиртқичлар каби унинг ҳам терисини шилсам бўлади»,— деб ўйлайди.

Овчи шу мақсадда хезланиб унинг орқасига минмоқчи бўлиб турганда ножўя ҳаракатини сезган шер жуда ғазабланди-да, овчига бир чангал солиб, оёқлари остига олди-ю, парча-парча қилиб ташлади. Шундан маълумки,— деди шаҳзода,— вазир шоҳ олдида ўз ҳолига яраша иш тутиши, шоҳнинг раҳмдиллигига алданиб ҳаддидан ошмаслиги зарур, чунки акс ҳолда ундан шоҳнинг ихлоси қайтиб қолади».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ опагон,— деди синглиси эркаланиб,— ҳикоянг қандай қизиқ-а?

— Шу ҳам ҳикоями,— деди Шаҳризод,— шўҳим мени омон қўйсалар эртага бундан ҳам қизигини айтаман.

Буни эшитган шоҳ: «Ке, уни ўлдирмай тура турай»,— деди.



*Тўққиз юз
ўн илқинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод, — шоҳ Жилиоднинг ўғли шаҳзода вазир Шимосга:

«Вазир шоҳ олдида ўз мартабасига муносиб ҳолда иш тутуши, шоҳнинг ювош муомаласига алданиб ҳаддидан ошмаслиги зарур, акс ҳолда у шоҳ назаридан қолади», — деди. «Шоҳ наздида вазир нималар билан фазл топади?» — деди Шимос.

«Унга топширилган омонат вазифани адо этиш, яъни самимий

маслаҳатлар бериш, соғлом фикрлар билдириш, шоҳ фармонларини амалга ошириш билан», — деди шаҳзода. «Вазирнинг вазифалари тўғрисидаги фикрларинг-да сен, эй ўғлон, — деди Шимос, — шоҳ ғазабидар қочиш, унинг хоҳишига мувофиқ иш кўриш, унинг топшириқларини бажону дил бажариш зарур деб айтдинг. Буларнинг ҳаммаси зарурий нарсалардир, — деди Шимос сўзида давом этиб. — Борди-ю, шоҳ зулмкор ва кишиларга жабр қилиш билан шодландиган бўлса, айтишлик вазир шундай золим шоҳга йўлиқиб қолган бўлади, у вақтда вазир қандай ҳийла излаши керак? Чунки вазир шоҳни нафс ва ҳирс йўлидан қайтармоқ истаса уни қилолмайди. Яъни масалан, бу иш унинг қўлидан келмайди. Агар у шоҳнинг бу қилиғига бўйсунса, унинг қилмишларини маъқуллаб, унга эргашса, у шоҳга яхши кўринади. Лекин халқ уни ёмон кўради. Бундай ҳолда нима қилиш керак, бунга сен нима дейсан?» «Бу гапирган камчиликларинг, эй вазир, — деди шаҳзода, — вазир шоҳ қилган хатоларга эргашган тақдирда содир бўлади. Лекин шоҳ агар вазирга маслаҳат қилса, у адолат

ва инсоф йўллариини кўрсатиши, зулм ва ёмонликлардан чекинишга ундаши зарур. Халқ билан яхши муомалада бўлиш зарурлигини тушунтириши, яхши ишлар қилганда келажақда савоб топишни эслатиб қизиқтириши, ёмон ишлар қилганда азоб тортишни эслатиб, ундан қайтаришга интилиши зарур. Бу сўзларга кулоқ солиб шоҳнинг кўнгли юмшаса мурод ҳосил бўлади. Борди-ю шунда ҳам мақсад амалга ошмаса, у ҳолда вазирга бирор осон йўл билан ундай шоҳдан узоқлашишдан бошқа чора қолмайди. Чунки узоқлашиш ҳар иккисини ҳам қийинчиликдан қутқаради». «Шоҳнинг ўз фуқаролари олдидаги ва фуқароларнинг ўз шоҳи олдидаги вазифалари нималардан иборат?»— деб сўради Шимос. «Фуқаролар шоҳ фармонларига софдиллик билан амал қилишлари, унинг ва худонинг истакларига бўйсунушлари шарт. Аммо шоҳнинг фуқаролар олдидаги вазифаси, уларнинг молу мулкларини муҳофаза қилиш, уларнинг аҳлу аёлларини ҳимоя қилишдан иборат. Худди шундай фуқаролар шоҳ буйруқларига итоат қилишлари, ундан ҳатто жонларини аямасликлари, унинг солиқларини тўлашлари, шоҳнинг яхши фазилатларини мақташлари керак»,— деди шаҳзода. «Шоҳ ва фуқаролар ҳақидаги сўроқларимга тўғри жавоб бердинг,— деди Шимос,— энди айт-чи, шоҳнинг фуқаро олдидаги вазифалари шу айтганларинг халосми ёки яна борми?» «Тўғри,— деб давом этди шаҳзода,— фуқароларнинг шоҳ олдидаги ҳақ-ҳуқуқи, шоҳнинг фуқаролар олдидаги ҳақ-ҳуқуқидан кўра зарурроқдир. Фуқаролар ҳақининг зое кетиши шоҳ ҳақининг зое кетишидан кўра зарарлироқдир. Чунки шоҳнинг ҳалокати ва унинг давлатига путур етиши фақат фуқаролар ҳақининг зое кетиши натижасида содир бўлади. Шоҳлик мартабасига эга бўлганлар уч нарсага қат-

тиқ риюя қилиши шарт дин қоидаларига қаттиқ амал қилиш, фуқароларга мансуб тартибга пухта риюя қилиш, идора ишларига жиддий эътибор бериш зарурдир. Мана шу уч шарт шоҳликнинг узоқ давом эттирувчи воситадир».

«Фуқаролар ишини тартибга солиш учун нималар қилиш керак?»— деди Шимос. «Улар олдидаги ўз вазифаларини адо этиш, уларнинг урф-одатларини қўллаб-қувватлаш, олимлар ва донишмандларни уларга ўргатишга жалб қилиш, одамлар бир-бирларига ноҳақ ҳужум қилмасликларини таъминлаш, қон тўкилишидан уларни сақлаш, бировнинг молига кўз олайтирмаслик, уларнинг оғирларини енгил қилиш, мудофаани мустаҳкамлаш»,— деди шаҳзода.

«Айт-чи,— деди Шимос,— вазирнинг шоҳ олдидаги вазифаси нима?» «Уч сабабдан ҳеч кимнинг ҳақи подшога вазир ҳақи каби вожиб эмас. Биринчидан, вазир хато фикрли бўлганда шоҳга етадиган зарба, вазир тўғри фикрли бўлганда шоҳга ва халққа бўладиган умумий манфаат нуқтаи назаридан, иккинчидан, вазирнинг шоҳ наздидаги юқори мартабасини кўриб, одамлар унга ҳурмат билан қараши, улуғлаш ва бўйсунушлари нуқтаи назаридан, учинчидан, вазир шоҳ ва халқдан яхшилик кўргач уларга ёқмайдиган ҳар нарсани йўқотиш, ҳамда уларга ёқадиган нарсаларни амалга оширишга интилиш нуқтаи назаридан иш тутишлари керак»,— деди шаҳзода.

«Шоҳ, вазир ва халқлар тўғрисидаги фикрларингга қўшиламан,— деди вазир Шимос давом этиб,— энди сен менга тилни ёлғондан, ҳақоратлардан, беҳуда сўзлардан сақлаш тўғрисида маълумот бер?»

«Одам сўзлаганда,— деб гап бошлади шаҳзода,— фақат рост сўзласа, беҳуда нарсалар ҳақида сўзламаса, чақимчилик қилмаса, бировларнинг сўз-

ларини оғиздан-оғизга кўчириб юрмаса, ўз шоҳи ҳузурида дўстига ҳам, душманига ҳам бирор зарарни хоҳламаса, манфаат ёки зарарни худодан бошқа ҳеч кимдан умид қилмаса, (чунки ҳақиқатда зарар ёки фойда берувчи худонинг ўзидир) бировнинг айбини очмаса, худонинг қаҳру ғазабидан ва одамлар орасида адоват пайдо бўлишидан қўрқиб, бировга ўзи билмаган нарса ҳақида сўзламаса, у тил яхшидир. Билгилки, сўз мисоли бир ўқ кабидир. Уқ отилгач, уни ҳеч ким қайтара олмайди. Сирни фош қилувчилар олдида сир айтишдан сақланиш зарур; кўпинча, ниҳоятда ишончли сирлар фош бўлишида катта зарарлар юз беради; сирни душмандан кўра дўстлардан кўпроқ яшириш зарур. Чунки сирни яшириш ҳамма одамлар наздида ҳам омонатни бажо келтиришидир».

«Энди сен менга қариндош-уруғ ва яқинлар билан яхши муомала қилиш ҳақида маълумот берсанг?»— деди вазир.

«Одам боласига муродга эришиш фақат қариндош-уруғлари билан яхши муомала қилиш ва муносиб муносабатда бўлиш натижасидагина мумкин»,— деди шаҳзода.

«Қариндош-уруғ билан қандай муносабатда бўлиш керак?»— деди Шимос. «Ота-онага итоаткор, ширин сўз, улар ҳурматига қаттиқ эътибор берувчи бўлмоқ керак,— деб жавоб берди шаҳзода.— Биродарлар билан бўладиган хушмуомалаликка келсак: эзгу маслаҳатлар, қўли очиқлик, зарур ўринларда ёрдам кўрсатиш, қўл тутиш, улар шодлигига шодланиш, улардан ўтган камчиликларга марҳаматли бўлиш. Одамлар бунин билгач, ўзлари учун энг муҳим бўлган яхшиликлар билан қайтарадилар. Ундан ўз жонларини ҳам аямайдилар. Агар бирор шундай

ишончли биродаринг бўлса, ундан ҳеч нарсангни аяма, ҳар бир ишда ёрдам беришга тириш».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
Ҷи учинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— шоҳ Жилиоднинг ўғлидан вазир Шимос юқоридаги масалалар ҳақида сўрагач, шаҳзода ҳаммасига жавоб берди.

«Мен, дўстлар икки хил бўлади, деб ҳисоблайман,— деб савол беришда давом этди Шимос.— Ишончли дўстлар, муомалали дўстлар. Ишончли дўстлар ҳақида сенинг айтганларинг тўғри. Улардан киши жонини ҳам аямаслиги керак.

Мен сендан муомала дўстлари ҳақида сўраётирман?»
«Муомала дўстларидан,— деди шаҳзода,— сен ёқимли сўзлар эшитиб, лаззатланасан, ширин сўз ва яхши муносабатлар кўрасан. Улар билан ҳам алоқани узма. Балки, ишончли дўстларинг каби улар билан ҳам яхши муносабатда бўл. Уларга нисбатан ҳам хушчақчақ, очиқ юз, ширин сўз бўл, шунда сенинг ҳаётинг ширин ўтиб, сўзларинг ёқимли бўлади».

«Буларнинг ҳаммасини билдик,— деди Шимос,— энди сен халқларга худо томонидан тайинланган ризқлар ҳақида маълумот бер! Ҳар бир инсон ва ҳайвонларга умри тугагунча бўлган ризқи тайинлаб қўйилганми? Агар шундай бўлса одамлар тайёр нарсани топиш учун қийналишлари, машаққат тортишларининг боиси нима? Модомики, тақдирда унинг ризқи аниқланган экан, машаққатсиз, ҳаракатсиз унга етишиши керак эмасми? Агар азалда унга тайин қилин-

ган бўлмаса, у ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам барибир мурод ҳосил қилолмайди. Бас, шундай экан, кўп урина бермай, худога таваккал қилиб тинч роҳатлангани яхши эмасми?»

«Биз кўрдикки,— деб сўз бошлади шаҳзода.— ҳар бир кишининг ризқи азалда тайинланган ва умри ҳам аниқлангандир. Лекин ҳар бир ризқ учун бир сабаб, бир восита бор. Ризқ йўлида ҳаракат қилувчи киши сўнггида тинчиб роҳат кўради, лекин у ҳаракат қилиши зарурдир. Ризқ изловчиларнинг иши икки хил: ё ризқ топади ёки топа олмайди. Ризқ топа олган яна икки хил роҳатланади: бири ўз ризқини топа олгани учун, иккинчиси ҳаракатининг бўш кетмагани учун». «Ризқи рўз излаш ҳақида маълумот беришингни истар эдим»,— деди Шимос. «Инсон учун улуг тағри рухсат этган нарсаларни излаш мумкину, тағри қайтарган нарсаларни излаш ман қилинади»,— деб жавоб берди шаҳзода. Шу ерга етганда улар орасидаги суҳбат бўлинди. Шимос ва мажлисда ҳозир бўлган олимлар ўринларидан туриб, шаҳзода қаршисида ер ўпдилар ва уни ҳурматлаб, улугладилар. Шоҳ эса ўглини кўксига босиб ўз тахтига ўтқазди-да: «Менга фарзанд ато қилган худога шукурлар бўлсин. У билан кўзимни мунаввар қилди»,— деди. Шу пайт шаҳзода вазир Шимос ва шу маъракадаги олимларга қараб мурожаат қилди:

«Эй маънавий илмларни эгаллаган олимлар! Худо менга озгина илм ато қилган бўлса ҳам, саволларингизга берган жавобим хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ янглиш бўлсин, рози бўлиб қабул қилдингиз! Мен ўйлайманки, сизлар хатосини кечирдингиз. Энди мен ўзимнинг ақлим етмаган ва қобилиятсизлигим билан таърифлашга тилим ожиз бўлган айрим масалаларни сиздан сўрашни истайман. Истар эдимки, сиз менга

тушунтириб берасиз-да, бунгача менга қоронғи бўлиб келган нарса келгусида ҳам қоронғи бўлиб қолмаса... Чунки худо ҳаётни сувда, кучни озиқда, касалнинг соғайишини табиблар даволашида яратганидек, нодонларга олимлар илмини даво қилди. Менинг сўзларимга қулоқ солинг, эй устозлар!»— деди шаҳзода.

Вазир Шимос айтди: «Эй, ўз ақли билан нур сочувчи эзгу масалалар билимдони, эй ўз мукаммал жавоблари билан донишмандларнинг таҳсин қилишига сазовор бўлган зот! Аминманки, мендан сўрайдиган нарсаларингда, сен энг тўғри тушунувчисен, чунки худо сенга ҳеч кимга насиб бўлмаган илм ато қилгандир. Сўрамоқчи бўлганларингни айт!» Шаҳзода ўрнидан туриб савол берди: «Қудратли тангри ҳеч нарса бўлмаган бу дунёда қайси нарсалардан халқни яратди? Улуғ тангри шубҳасиз нарсаларни йўқдан яратишга қодирдир. Лекин у йўқдан бор қилишга қудрати етган ҳолда йўқдан эмас, бор бир нарсадан яратишни тақозо қилди».

«Лойдан нарса ясовчилар ва бошқа ҳунармандлар ўз ишларини бошқача қилиб яратолмайдилар,— деди Шимос,— лекин бу ажиб санъат билан яратилган оламнинг яратувчисининг қудратини билмоқ истасанг, халқлар табақалари ҳақида чуқур фикр қил. Сен тангрининг нақадар улуғ қудратига етарли белги ва ҳужжатларни аниқ кўрасан. Улуғ тангри йўқдан бор қилишга қодирдир. Балки у буларни тамом йўқдан бор қилгандир. Зотан модданинг ташкил қилувчи унсурлари тамоман йўқ эди. Сенда шубҳа қолмасин учун мен сенга кеча-кундуз белгисини айтиб беришим мумкин. Кеча-кундуз кетма-кет нарсалардир. Кундуз кетиб кеч келса, кундуз биздан яширинади. Унинг ўрни қаерда эканини биз билмаймиз. Шунингдек, тун қоронғилиғи кетиб, кундуз келса, кечнинг ўрни қаер-

да эканини билмаймиз. Кун чиқиб ботганда, унинг нури қаерга кетишини биз билмаймиз. Бениҳоя зўр тангрининг энг ўткир фикрли одамларни ҳам ҳайратда қолдирадиган бу хил санъатлари кўпдир». «Эй олим, сен менга худонинг инкор қилиш мумкин бўлмаган қудратларини танитдинг,— деди шаҳзода,— энди менга худо ўзининг махлуқларини қандай яратишини айтиб бер?!»

«Махлуқлар худонинг асрларча олдин айтган сўзи билан яратилган,— деди Шимос,— у билан худо ҳамма нарсаларни яратган». «Тангри, халқни улар яратилмасдан олдин яратишни ўзининг истаги билан қилганми?»— деди шаҳзода. «Ҳа,— деди Шимос,— тангри уларни ўз сўзи билан яратган. Агар унда нутқ ва сўз бўлмаса эди, махлуқлар бўлмаган бўлар эди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўн тўртинчи
кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— шаҳзода вазир Шимосга юқоридагидек сўроқлар бериб жавоб олди. «Эй ўғлим,— деди Шимос шаҳзодага ниҳоят,— ҳеч ким мен айтганимдан ўзгача жавоб бермайди. Кимки бошқача жавоб қайтарса, у бизгача етиб келган шарият қоидаларини ўзгартириб, ҳақиқатларни ўзининг маъносидан айирган бўлади. У нарсаларни ўзининг сўзи билан яратди деган

сўз — у ўзининг моҳият ва сифатларида якка-ю ягона демакдир. Бунинг маъноси шуки, худо деган сўз қудратли деган сўз эмас, қудратлилик худонинг сифатидир. Чунончи, сўз ва бошқа камолот сифатлари худо-

нинг сифатларидан бўлгани каби унинг сўзларини сиз таъриф-тавсиф қилиб бўлмаганидек, унинг сўзларини ҳам усиз таъриф қилиб бўлмайди. Тангри ҳамма махлуқларини ўзининг ҳақ сўзи билан яратди. У сўзсиз ҳеч нарсани яратмади. Биз ҳам ҳақ сўзи билан яратилганмиз». «Мен яратувчи худо ишларига, сўзининг улуглигига яхши тушундим. Айтганларингни англаб, қабул қилдим,—деди шаҳзода,—лекин сен ўз сўзларингда «худо нарсаларни ҳақ (ҳақиқат) сўзи билан яратди» дединг. Ҳақиқат ёлғоннинг тескарисидир. Бас, шундай экан, ёлғон қаердан келиб чиқди? Ёлғоннинг ҳақиқат билан бир қаторда туриши қандай? Кўпинча уни ҳақиқат билан қориштириб юборадилар, уни ажратолмай адашадилар. Яратувчи тангри шу ёлғонни севадими ёки ёмон кўради? Агар тангри ҳақни яхши кўради, нарсаларни у ҳақ билан яратди, ёлғонни ёмон кўради десанг, у ҳолда яратувчи тангри ёмон кўрган ёлғон, у севган ҳақиқат орасига қаердан кириб келди?»

«Худо,—деди Шимос,—ҳақ билан яратган одам тавбага муҳтож эмас эди. Одам табиатида худо томонидан яратилган жузъий хоҳиш, манфаатпарастлик натижасида худо томонидан яратилган ҳақиқатга ёлғон аралашиб қолди. Сўнг худо одамни ана шу ёлғондан қутқариш ва ҳақиқатни мустаҳкамлаш мақсадида тавбани яратди ва ёлғонни давом эттирадиган одамга жазо тайинлади».

«Менга,—деди шаҳзода,—ҳақиқат билан бир қаторда ёлғоннинг пайдо бўлиш сабабини, ҳатто уларнинг бир-бири ўрнига алмаштирилиши ва азоб-уқубатлар сабабини тушунтириб бер?»

«Улуғ тангри одамларни яратганда ҳақиқатни севадиганини қилиб яратди. Инсонда на азобу, на тавбага зарурат бор эди. Бу ҳол тангри одамларнинг мукам-

маллиги учун зарур бўлган жон яратгунча давом этди. Одамларнинг табиатида нафс хоҳишларини қондиришга интилиш бор эди. Ана шу эҳтиёж туфайли ёлгон юзага келди ва у инсон учун яратилган ҳақиқат билан араллашиб кетди. Инсоннинг унга рағбати ортди ва бора-бора у ҳақиқатдан озди. Гуноҳ ишларга рағбатланди. Ҳақиқатдан адашган киши ёлгонга йўлиқади». «Бас, ҳақиқатга ёлгоннинг кириб келиши ундан бўйин товлаш, унга итоат этмасликдан келиб чиққан экан-да»,— деди шаҳзода. «Тўғри,— деди Шимос,— чунки худо одамларни севади. Узининг бениҳоя улуг муҳаббати билан инсонни унинг учун зарур нарсалар билан бекаму кўст қилиб яратди. Ҳақиқат ана шудир. Лекин одам кўпинча нафсу ҳавога берилиб, ҳақиқатдан узоқлашади. Унинг тескарисига мойил бўлади. Яратувчига бўйин эгмаслик билан унинг олдида гуноҳга ботади ва азобланишга сазовор бўлади. Тавба қилиш ва ҳақиқат йўлига қайтиш билан уни йўқотади, эзгуликка сазовор бўлади».

«Айтинг-чи!— деди шаҳзода Шимосга.— Ҳақиқатдан бўйин товлашнинг сабаби недан? Ахир ҳамма инсониятнинг ҳам боши Одам Ато-ку! Уни эса улуг тангри ҳақ билан яратган! У қандай қилиб бу кулфатга йўлиқди? Унда жон яратилгач, охирда эзгулик ёки азобга тушиш учун тавба зарурати қандай келиб чиқди? Биз кўрамизки, баъзи одамлар доимо тангрининг буюрганидан бўйин товлаб келадилар. Худо севамаган нарсага рағбатланадилар, асл яратилишдаги талабга мувофиқ ҳақиқатни севишга қарши турадилар. Худонинг қаҳрига лойиқ бўладилар. Баъзи одамлар эса, доим яратувчиларининг розилигига мувофиқ иш кўрадилар, унга бўйсундилар, худонинг марҳаматига сазовор бўладилар. Булар орасидаги ҳар хилликнинг сабаби нима?»

«Бу гуноҳнинг дастлабки сабабчиси шайтон, деган махлуқ бўлди. Шайтон аслида улуғ тангри ҳал қилган фаришта, инсон ва жинларнинг энг афзали эди. У севгига берилган ва ундан бошқани билмас эди. Бу борада унинг танҳолиги унда гердайиш, керилиш, манманлик, кеккайиш, мақтанчоқлик қилиқларини кўзгатди. Худонинг амрларига бўйсунушдан бош торта бошлади. Бу қилмишлари учун худо уни ҳаммадан тубан даражага туширди-да, севгидан уни тамом маҳрум қилди. Унинг макони бўйин товловчилар паноҳига айланди. Шунда у, тангри гуноҳкорликни ёқтирмаслигини англади. Лекин у одамни кўрса, у яратган тангри ишқида тинимсиз тоат-ибодат қилиш билан банд. Буни кўргач шайтоннинг дилига ичи қоралик, кўролмаслик жойлашди-ю, ўзи каби бузуқликка тортиш учун одамни йўлдан уриш пайига тушди. Шундай қилиб, шайтон сўзига кириб одам гуноҳга раҳбатланди ва у тангрининг амрини бузиб жазога маҳкум бўлди. Одам ўзининг иродасизлиги билан шайтон сўзига тез кириши ва ҳақиқатни унуттишини билгач, худо ўзининг марҳамати билан уларни гуноҳга қарши оёққа турғизиш, шу билан ўз душмани — шайтон ва унинг тобеларига зарба бериш ва одамнинг табиий ҳақиқатга қайтиши учун тавбани яратди. Шайтон, тангри одамга муҳлат тайнлаганини кўрди-ю, унга қарши курашга шошилди. У одамни худо неъматларидан маҳрум қилиш учун ҳийла қуришга, ўзи тушган азобга уни шерик қилишга интилди. Улуғ тангри инсонга ёрдам бериб тавбани яратди ва ҳақиқатдан узоқлашмаслик ва уни доим ўзида сақлашни буюрди. Инсоннинг ерда кеча-ю кундуз ундан узоқлашмай, курашувчи душмани борлигидан огоҳландирди. Шунинг учун инсон ўзининг яратилишида дўст тутган ҳақиқатдан узоқлашмаса эзгулик кўради.

Агар у нафси қаршисида енгилиб бузуқликларга рағбат қилса, азоб кўради».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.




*Тўққиз юз
ўн бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— шаҳзода вазир Шимосга юқоридагича сўроқлар берди. Шимос уларга жавоб берди. Сўнг шаҳзода: «Халқлар қандай қилиб сен таъриф қилганингдай ҳамма нарса унинг хоҳиши ва ихтиёри билан бўладиган улуг яратувчиларига қарши чиқадилар? Ахир, тангри ўз бандаларини ана шу бузуқчиликдан қайтаришга, ҳар доим ўз измида бўлдиришга қе-

дир-ку?!» «Улуг тангри адолатли, инсофли, уни севувчиларга меҳрибондир,— деб сўзида давом этди Шимос,— у халқларга яхши ийўлларни кўрсатди, уларга истаган яхши ишларни қила олми қобилиятини ато қилди. Агар улар бунинг тескарисини қилсалар, бўйин товласалар ўзларини ҳалокатга соладилар». «Агар яратувчининг ўзи уларга шу имкониятни яратган бўлса, кишилар хоҳлаганларини қила оладиган бўлсалар, нима учун худо улар билан бузуқлик истовчилар орасига, уларни ҳақиқатга қайтарувчи бирор нарса қўймади»,— деди шаҳзода. «Бу,— деди Шимос,— тангрининг бениҳоят меҳрибонлиги ва донолигидир. Чунки тангрининг шайтонга ғазаби абадий эди. Шунинг учун унга раҳм қилмади. Аммо одамга бўлган меҳр-муҳаббати азалий бўлгани учун у тавба қилгач, унга бўлган ғазабини кечирди». «Бу айни ҳақиқатдир,— деди шаҳзода,— чунки худо ҳар



кимни ўзи ишига яраша мукофотловчидир. Тангридан бошқа яратувчи йўқ. У ҳар нарсага қодирдир. Севган ва севмаган нарсаларни ҳам худонинг ўзи яратдими ёки фақат ўзи севганларнигина яратдими?»— деди шаҳзода. «Худо ҳамма нарсани яратди, лекин унга фақат севган нарсаларгина мақбулдир»,— деди Шимос.

«Икки хилликнинг ҳикмати қаерда,— деди шаҳзода,— бир хил ишлар худога мақбулу, уни бажарувчилар яхши мукофотларга эришадилар. Бир хил ишлар худо ғазабини келтиради-ю, уни бажарувчилар эса жазоланишга лойиқ бўладилар». «Олдин сен бу икки нарса ҳақидаги саволингни менга тузукроқ тунтири,— деди Шимос,— сўнг мен сенга улар ҳақида айтиб бераман». «Улар,— деди шаҳзода,— жон билан тан таркибида бўлган яхшилик ва ёмонликлардир». «Эй доно,— деди вазир Шимос шаҳзодага,— сенга маълумки, яхшилик ва ёмонлик тан билан жон қилган ишлар натижасида юзага келади. Улардан, яхшилик шунинг учун яхшилик дейиладики, унда худо розилиги бор, ёмонлик, шунинг учун ёмонлик дейиладики, унда худо розилиги эмас, аксинча, худонинг ғазаби бор. Улуғ тангрини билишинг ва яхши ишлар қилиб уни ўзингдан рози қилишинг зарур. Чунки худо бизларни яхшилик қилишга буюриб, ёмонлик қилишдан қайтарган».

«Бу икки нарсани, яъни яхшилик ва ёмонликни,— деди шаҳзода,— одам аъзосида бўлган бизга маълум беш сезги яъни сўзлаш, эшитиш, кўриш, искаш, ушлаш бажаради. Шу беш сезгини тунтириб беришингни истар эдим. Буларнинг ҳаммаси бизнинг танамиздан жой олган экан, улар яхшилик учун яратилганми ёки ёмонлик учунми?»

«Саволларингнинг жавобини эшит, эй доно зот.

чунки у асосий ҳужжатдир,— деб давом этди ва-
зир,— уни ақлингга жо қил, дилингни у билан қон-
дириб сугор. Бу шуки, улуғ тангри инсонга ҳақ
ҳақиқатни раво кўрди. У ҳар бир нарсани яратишда
ўзининг улуғ қудратини намоён қилди. У одамни яра-
тар экан, ўзига итоат қилишни буюрди. Шу билан
бирга улар табиатида ҳаво ва ҳавасларга рағбатла-
нувчи нафсни ҳам пайдо қилди. Шундай ҳавасга
уларни қодир қилди. Бу беш сезгини инсоннинг у ор-
қали лаззатланиб, роҳатланишларига ёки алданиб
дўзах ўтида куйишларига сабабчи қилди». «Бу қан-
дай?»— деди шаҳзода. «Чунки,— деди Шимос,— худо
тилни сўзга, икки қўлни ишга, икки оёқни юришга,
икки кўзни кўришга, икки қулоқни эшитишга яратди
ва беш мучанинг ҳар бирига худо сезиш қобилиятини
бериб, уларни таъсирчан қилди. Шунинг билан бирга
ҳар бирига фақат худо розилигига муносиб иш қи-
лишни буюрди. Чунончи, нутқдан худо розилиги чин
сўзлаш, унинг қарама-қаршиси ёлгондан қочиш, кў-
ришдан худо розилиги тангри дўст тутган нарсаларга
қараш, унинг тескарисидан қочиш, яъни худога хуш
келмовчи нарсаларга қарашдан ўзини тийиш, чунон-
чи, шаҳвоний нафс йўлига юрмаслик. Эшитишдан
худо розилиги, фақат ҳақиқатни эшитиш, чунончи,
ваъз-насиҳатлар ва худо каломидан бошқа нарсани
эшитмаслик, худонинг ғазаби келадиган нарсани эши-
тишдан қочиш, икки қўлдан худо розилиги, улуғ танг-
ри берганидан бошқани тутмаслик ва уни худо буюр-
ган йўлга сарф қилиш, унга қарама-қарши ҳаракат
қилмаслик, яъни қизғанчиқ бўлмаслик ёки худо бер-
ган маблағларни гуноҳ ишларга сарф қилмаслик.
Оёқлардан худо розилиги, яхшиликка юриш, чунончи,
илм ўрганиш бунга қарама-қарши нарсалардан қо-
чиш, яъни худо йўлидан ташқари юрмаслик ва бун-

дан бошқа инсон рағбатланувчи шаҳвоний ҳаракат учун бормаслик талаб қилинади. Чунки у жон буйруғи билан танадан келади. Танадан келадиган шаҳват икки хилдир: урчиш шаҳвати, қорин шаҳвати, шариатга мувофиқ бўлган урчиш шаҳватидан тангри розидир, бунинг ман қилинган тури ғайри шариатликдан худо ғазабланади. Қорин шаҳвати ейиш, ичишдир. Худонинг бергани озми, кўпми унга қаноат қилиш, бунинг учун яратгандан миннатдор бўлиш ва шукур қилиш лозимдир. Агар одам нафси бузуқлик қилиб ўзига тегишли бўлмагандан ортиқ еб-ичса худо ундан ғазабланади.

Сенга маълумки, улуғ тангри ҳамма нарсани яратди. Лекин фақат яхшиликка рози бўлди. Танда **мавжуд аъзоларнинг ҳар бирига фақат ўзига топширилгандек** иш тутишни буюрди».

«Айтинг-чи,— деди шаҳзода, виқор билан туриб Шимосга таъзим қилар экан,— ман қилинган ҳолда дон еб Одам алайҳиссаломнинг жаннатдан ҳайдалишини, худованди карим билармиди?»

«Ҳа, эй доно,— деди Шимос,— буни худо Одам алайҳиссаломни яратмасдан аввал билган эди. Бунга асос ва далил шуки, олдин тангри бу ҳақда уни огоҳлантириб, у дарахтни ейишдан қайтарган, еса гуноҳкор бўлишини огоҳлантириб қўйган эди. Бу худонинг одиллиги ва инсофлигидир. Бу, сўнг у худодан ўпка қилишга асос бўлиб қолмасин учун қилган танбеҳи эди. Одам Ато бу ботқоққа ботиб, бу хатога йўлиққач, унда ор-номуссизлик борган сари улғая борди ва бу хато ўзидан сўнгги авлодларига ҳам мерос бўлиб кўчди. Сўнг худо ерга пайғамбарлар ва элчиларни юборди. Улар бизларга шариат қоидаларини ўргатишлари, зарур ваъз-насихат ва қонунларни тушунтириб беришлари, яхшиликка элтувчи йўлларни кўр-

сатиб беришлари, биз нималар қилишу нималарни қилмаслигимиз зарурлигини уқтиришлари учун уларга махсус китоблар берди. Ихтиёр бизларнинг ўзимизга топширилган. Қимки мана шу доирада иш олиб борса, у мақсадига эришади, роҳат топади. Қимки ўз ҳаддидан ошиб бу кўрсатмаларга тескари ҳаракат қилса, у ўз қилмишига мувофиқ жазоланади. Ундай шахс ҳар икки дунёда ҳам азобда қолади. Яхшилик ва ёмонлик йўллари мана шудир.

Сенга маълумки, худо ҳамма нарсага қодирдир. У бизларда нафсу ҳавони ўз хоҳиши билан яратди. Ана шу нафс йўлида бизга эви билан иш тутишни буюрди. Агар биз улардан ман қилинган ғайри қонуний йўлда фойдалансак, ёмон бўлади. Биз худодан кўрадиган яхшилик ёки ёмонликларнинг ҳаммаси тангридан эмас, ўзимиздандир. Тангри улуг ва буюқдир».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўн олтинчи
кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— шоҳ Жилиоднинг ўғли шаҳзода вазир Шимосга шу тариқа саволлар берди, у жавоб қайтарди. «Худо ва бандаларга тегишли масалалар юзасидан менга таъриф қилиб берганларингни тушундим,— деб давом этди шаҳзода.—Энди, мени гоят ҳайратга солган масалалар ҳақида гапириб беришингни илтимос қиламан. Мен одамзотнинг бу дунёни севиб, охи-ратни унутишларига ҳайронман. Ҳолбуки, улар бу дунёнинг бевафо эканлигини яхши биладилар».

«Ҳа,— деди Шимос давом этиб,— кўриб туриб-санки, бу дунё бевафо ва унда яшовчилар алдовчидир. Бу дунёда шодликда кун кўрувчилар ҳам, кулфатда яшовчилар ҳам доимий қолмайди. Бу дунёда жуда яхши яшаб турган бўлса ҳам киши унинг вақтинчалигини англайди, балки ана шу хавф билан яшайди. Бу дунё билан фахрланишга асос йўқ. Унинг ёлгондакам ялтироқлари кишига фойдасиздир, биз бунни биламиз. Бу дунё турмушига алданиб охиратни унутганлар энг ёмон кишилар эканини ҳам биламиз. Ҳақиқатда бу дунёда эришган муваффақиятлари у дунёга боргандаги кўрқув, алам ва даҳшатга тенг келолмайди. Агар одам ўлгач, унга етадиган кулфатларни, лаззат ва неъматларни билса эди, у бу дунё ва унда мавжуд ҳамма нарсалардан воз кечар эди-да, охират яхши ва фойдалироқ деган хулосага келар эди».

«Эй доно,— деди шаҳзода,— менинг дилимни қоплаган зулмат, сенинг нур сочувчи чироғинг билан кўтарилиб кетди. Сен мени ўзингнинг ҳақиқат йўлинига бошлаб катта раҳбарлик қилдинг. Менинг қўлимга ёп-ёруғ чироқ тутқаздинг».

Шу вақт ҳозир бўлган донишмандлардан бири ўрнидан туриб: «Баҳор келганда қуённи фил инидан излаш керак,— деди у,— мен сизлардан ҳар хил масала ва изоҳлар эшитдимки, уларни ҳеч қачон эшитмагандим. Бу менда баъзи масалаларни сўрашга зарурат кўзғатди. Айтинг-чи, дунё туҳфаларидан энг яхшиси нима?» «Тани соғ, яхши ишлар қилувчи парҳезкор ўғил»,— деб жавоб берди шаҳзода. Донишманд сўради: «Айтинг-чи, катта нима-ю, кичик нима?» «Катта,— деди шаҳзода,— кичиги унга бўйсунадиган нарса, кичик эса каттага бўйсунадиган нарса». «Айтинг-чи, ҳамма учун бир хил бўлган тўрт нарса нима?»

«Ейиш-ичиш, уйқу лаззати, хотинларга муҳаббат ва ўлим олдидаги азоблар, бу барчага бир хилдир». «Унинг ёмонлигидан ҳеч ким қайтара олмайдиган уч нарса қайсилар?»— деди донишманд. «Аҳмоқлик, қурумсоқлик ва ёлгон»,— деди шаҳзода. «Қандай ёлгон яхши, ҳар қандоғи ҳам ёмон бўлгани ҳолда, унинг яхшиси қайси?»— деди донишманд. «Сўзловчини заррдан қутқариб, унга фойда етказувчи ёлгон»,— деди шаҳзода. «Тўғрилиқнинг ҳаммаси яхши бўлгани ҳолда, унинг ёмони қайси?»— деди донишманд. «Ўзида бор нарса учун керилиб, мағрурланиш»,— деди шаҳзода. «Ёмонларнинг ёмони қайси?»— деди донишманд. «Ўзида бўлмаган ёки оз бўлган нарсага шишиниш»,— деди шаҳзода. «Қандай одам аҳмоқ?»— деди донишманд. «Ҳиммати йўқ, бор нарсасини қорнига тикадиган киши»,— деди шаҳзода, «Эй шоҳ,— деди вазир Шимос,— сен бизларнинг шоҳимизсан, лекин ўзингдан сўнг бизларга ўғлингни шоҳ қилиб тайинлашингни сўраймиз. Бизлар унга хайрихоҳ фуқаролармиз».

Шу вақт шоҳ ўз ўрнига ўғлини шоҳ қилиб кўтаражagini билдирди ва маъракада ҳозир бўлган одамларга ўғлининг буйруғига доим итоат қилишларини буюрди. Қаламрўйида бўлган олимлар, ботирлар, қариялар, ёшлар ва бошқа одамлардан ўғлининг фармонига бўйсуниларига ваъда олди.

Шаҳзода ўн етти ёшга кирганда шоҳ қаттиқ касалланиб, ўлим хавфи тугилди ва у саройдагиларга қараб: «Туз насибам тугаб қолганга ўхшайди, менинг яқинларимни, ҳамда ўғлимни чақириб беринглар, мамлакатимдаги ҳамма одамларни йиғинглар»,— деди.

Улар чиқиб яқинларни чақирдилар, узоқдагиларга жар солдилар. Ҳаммалари йиғилишиб шоҳ ёнига киришар экан: «Сизга нима бўлди, эй шоҳ, соғ-

лигингиз қалай?»—деб сўрашди. «Касалим ўлим касалидир,— деди шоҳ,— улуг тангри тақдирига мувофиқ, менга ўлим ўқи тегди. Мен ҳозир бу дунё кунларининг охири, у дунё кунларининг бошидаман,— шоҳ ўғлига қараб, менга яқин кел!»— деди. Йиғлаб турган шаҳзода унга яқинлашди. Шоҳнинг кўзлари ҳам жиқ ёшга тўлган эди. Шоҳ ўғлига қараб: «Йиғлама, эй ўғлим,— деди,— мен бу қора кун тушганларнинг биринчиси эмасман. Бу кун худо бандаларининг ҳаммасига ўз вақти билан тушади. Худодан қўрққил, яхши ишлар қил, савоби ўзингдан олдин у дунёга бориб турсин. Нафсу ҳавога берилма, турганинда ҳам, ўтирганинда ҳам, бедорликда ҳам, уйқуда ҳам ҳар вақт худони эсла. Ҳақиқатни доим кўз олдинга қўй. Мана менинг охирги сўзим».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўн еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Шоҳ Жилиод васият қилиб, ўғлини шоҳликка тайинлагач, ўгли унга: «Сиз биласизки, эй падари бузруквор,— деди,— мен ҳар вақт сизнинг амри фармонингизда бўлиб келдим, топшириқларингизни унутмадим, буйруқларингизни бажариб, сизнинг розилигингизни истадим. Сиз менинг қимматли отамсиз. Қандай қилиб сиздан сўнг сизнинг йўлингиздан четга чиқаман. Сиз мени яхши тарбиялаб ташлаб кетаётирсиз. Энди мен сизни топа олмайман. Сизнинг васиятларингизни унутмаслик билан бахт қучиб, катта муваффақиятларга эришурман».

Улим азобидан бениҳоят гамга чўмган шоҳ васият қилиб деди: «Эй ўғлим, ўн хислатни ўзинга лозим бил, бунинг учун худо сенинг у дунёингу бу дунёингни ёрлақайди. Чунончи, агар бирор хусусда ғазаблансанг, ўзингни бос. Агар бирор бахтсизликка йўлиқсанг, сабр қил. Агар сўзласанг, чин сўзла. Агар ваъда қилсанг, уни бажар. Агар бировларни сўроқ қилсанг, адолат билан иш тут. Ҳукмронлигингда хайрли бўл. Ҳарбий қисмларингни ҳурматла. Душманнингга ҳам яхшилиқ қил, ёмонликдан ўзингни тий.

Шунингдек, мамлакатнинг одамларига худо сени манфаат етказадиган яна бошқа ўн хислатни қўлла. Чунончи, тақсим вақтида адолатли бўл. Айбига мувофиқ кишиларни жазолаганингда дарғазаб бўлма, музокараларда яхши насихатларга қулоқ сол, ўжарликни ташла, мамлакатингдагиларни шариат қоидаларига мувофиқ иш тутишга мажбур қил, адолат билан тўғри ҳукм қилишга тйришгилким, катта ҳам, кичик ҳам сени севсин, менсимовчилар ва бузуқ кишилар сендан чўчисин».

Шундай қилиб, шоҳ ўғлини ўзидан сўнг валиаҳд қилиб тайинлагандан кейин у ерда ҳозир бўлган олимлар ва амирларга қайрилиб деди:

«Эй аҳли мўминлар, сизлар ҳам ўз шоҳингиз фармонларига бўйсуниб уни улуғлангиз, акс ҳолда юртингиз хароб бўлиб, иттифоқингиз барбод бўлади. Заҳмат чекасиз ва молу мулкларингиз нобуд бўлади. Душманларнинг хўрлашига учрайсиз. Менга қасамёд қилиб айтган гапларингизни ўзларингиз яхши эласаларингиз керак. Энди бу ўғлим билан ҳам шундай аҳд тузишларингиз лозим. Мен билан сизлар орангизда бўлган иттифоқ, бирлик, энди у билан сизлар орангизда бўлиши зарур. Сизлар унинг буйруқларига фармонбардор бўлиб итоат қилингиз! Зероки

аҳволларингизнинг яхшиланиши ана шундадирким: менга сабот кўрсатганингиз каби унга ҳам сабот кўрсатинг, шунда ишларингиз қарор топиб, аҳволингиз яхшиланади. Мана сизнинг мурувват кўрсатувчи бошлинингиз — шоҳингиз».

Шундан сўнг шоҳнинг дарди зўрайиб, тили гўлираб қолди. Углини кўксига босиб ўпди-ю, худога шукур қилиб, оламдан ўтди. Унинг руҳи арши аълога парвоз қилди. Сарой ва бутун мамлакат аҳли унга мотам тутиб йиғлай бошлади. Ниҳоят, кафанлаб зўр шукуҳ ва дабдаба билан кўмиб қайтдилар. Шаҳзода ҳам улар билан бирга эди. Унга шоҳлик либоси ва отасининг тожини кийгиздилар, бармоғига узук тақиб, падари тахтига ўтқаздилар.

Шаҳзода отасининг йўлидан бориб бир неча вақт одамларга яхшиликлар қилиб, адолат билан ҳукм чиқарибди. Аммо, кўп ўтмай, дунё ҳузур-ҳаловатлари уни ўзига тортибди. Отаси берган топшириқларни унутиб, васиятларига бўйсунмай қўйибди. Дунё лаззатларини ғанимат ҳисоблаб, зеби-зийнатларга алданибди ва ўзини ҳалокат сари элтувчи йўлга юрибди, хотинбозлик балосига гирифтор бўлибди. Бирор ерда чиройли аёл борлигини эшитса, дарҳол келтириб, никҳлаб олаверибди. Ниҳоят, унинг хотинчлари Сулаймон ибн Довуд ва шоҳ бани Исроилнинг хотинларидан ҳам ортиб кетибди. Ҳар доим у хотинлар гуруҳи билан хилват қуриб улар ёнидан силжмай, ойлаб қолиб кетибди. Мамлакат ва давлат аҳволига, зулм кўрган фуқароларнинг шикоятларига заррача эътибор бермай, аризаларга жавоб қайтармай қўйибди. Одамлар унинг бу ҳолга тушиб, шоҳлик ишларига қарамай қўйганини, давлат ва халқ ишларига бепарво бўлиб қолганини англабдилар. Тезда фожиа аҳвол юз бера бошлаб, уларга оғир ботиб-

ди. Халойиқ бир-бирларига уни ёмонлаша бошлабди. «Вазирларнинг доноси Шимосга борайлик-да, аҳволни унга сўзлаб, шоҳнинг хатти-ҳаракатларини тушунтирайлик. У шоҳга насиҳат қилиб йўл кўрсатсин. Бўлмаса, тез орада аҳволимиз вой бўлиб қолади. Чунки шоҳни дунё лаззатлари ўзига маҳкам жиловлаб олди»,— дебдилар-да, Шимос ёнига бориб:

«Эй билимдон донишманд, бу шоҳни дунё лаззатлари бутунлай жиловлаб олди. У маишатга берилиб, мамлакат инқирозга юз тутди: Мамлакатнинг харобалиги ҳаммамизни ҳалокатга элтади. Бунинг далили шуки, бизлар зарур ишларимиз юзасидан уни ойларча кутиб қолиб кетамизу, лекин уни кўролмаймиз, у на бизларга, на вазирга-ю ва на бошқага эътибор бермай қўйди. Бирор зарур нарсани унга етказиш сира мумкин эмас. У на давлат ишларига кўз ташлайди-ю ва на бирор фуқаронинг аҳволдан хабар олади. У бутунлай ғафлатдадир. Бизлар сенга ҳақиқатни айтиш учун келдик. Чунки, сен бизларнинг паноҳимиз, илму маърифатда дономизсан. Сен барҳаёт туриб юртимизда ҳалокат юз бериши муносиб эмас. Шоҳни тўғри йўлга солиш ҳаммадан кўра сенинг қўлингдан келади. Шоҳ ёнига борда, унга тушунтир. Умид қиламизки, сенинг сўзларингни инобатга олиб тўғри йўлга, ҳақ йўлига қайтар»,— дейишибди.

Шимос ўрнидан туриб, шоҳ қароргоҳидаги ясовуллар ҳузурига келибди-да: «Эй қадрли йигит,— дебди,— менга шоҳ олдига киришга рухсат сўраб беришингни сўрайман, чунки уни кўриб ўзига айтадиган ва ундан жавобини эшитадиган ишим бор». «Худо ҳақи, эй хўжам,— дебди йигит,— неча ойдирким шоҳ ўз ҳузурига бирор кишини киритишга рухсат этмайди. Кўпдан бери ўзим ҳам унинг юзини

кўрмадим. Лекин мен сенга рухсат олиб берувчи кн-
шини айтишим мумкин. Сен ана у лаганбардор муло-
зим билан алоқа қил, у шоҳ қошида бўлиб, шоҳга таом
ташиб туради. У таом олиш учун ошхонага чиққан-
да, мақсадингни айт. Истагингни у бажаради».

Шундан сўнг Шимос ошхонага бориб бир оз
пойлаб ўтирган экан, бирдан ҳалиги айтган хушо-
мадгўй мулозим ўтиб қолибди. Эй ўғлим, мен шоҳ-
ни кўришни истайман,— дебди у, мулозим йўлини
тўсиб,— олижаноблик қилиб шоҳ овқатланиб бўлгач,
менинг ҳузурига киришимга рухсат олиб берсанг,
унда зарур ишим бор эди». «Бош устига»,— дебди
лаганбардор ва таомни олиб шоҳ ёнига кирибди-да,
шоҳ овқатланиб бўлгач: «Э шоҳи замон, вазир Ши-
мос эшикда, кириб сизга хос бир сўзни айтишга изн
сўрамоқда»,— дебди. Шоҳ бу сўзни эшитиб чўчиб
кетибди ва изтироб билан уни бошлаб киришни бую-
рибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўн саккизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб
давом этди Шаҳризод,—
шоҳ Шимосни киришга
буюрибди, лаганбардор
чиқиб, Шимосни таклиф этибди.
Шимос, шоҳ олдида мук тушиб,
қўлларини ўпибди. «Қандай ҳодиса
юз берди, эй Шимос, ҳузуримга
киришни истабсан»,— дебди шоҳ.
«Бир қанча вақтдан бери сен ҳур-
матли шоҳимиз дийдорларини кўр-
май, бениҳоят соғинган эдим,—
дебди Шимос,— мана энди дийдор-
ларини кўриш шарафига муваффақ бўлдим. Мен сен-

га баъзи нарсаларни айтиш учун келдим, эй улуғ шоҳ». «Айт бўлмаса!»— дебди шоҳ.

«Эй шоҳ,— дебди вазир Шимос,— ёш бўлсанг ҳам улуғ тангри сенга ўтган шоҳларнинг бирортасига ҳам насиб бўлмаган илму дониш ва давлат ато қилди. Энди унинг неъматлари қадрини билмай, четга чиқишинг худога ҳам, бандасига ҳам хуш келмайди. Захираларинг билан гуноҳ қилишдан сақлан. Сен унинг буйруқларини бажаришинг зарур. Бироқ сен қисқа вақт ичида отангинг васиятларини унутиб, аҳдларингни поймол қилдинг, ўғит ва насиҳатларини пучга чиқардинг, унинг одиллигидан юз ўгирдинг, марҳаматларини эсламадинг ва яратганга сизинмай қўйдинг».

«Масалан, қандай? Исботинг борми?»— дебди шоҳ. «Исботим шуки,— дебди Шимос,— сен мамлакат ва халқ ишлари ҳақида ўйламай қўйдинг. Нафсинг йўлида дунёнинг арзимаган ҳузур-ҳаловатларига берилиб кетдинг. Шоҳнинг вазифаси мамлакат, дин ва халқ ишларига гамхўрлик қилишдир. Менимча, эй шоҳ, ишнинг охири ҳақида яхшилаб ўйлашинг керак. Сен албатта бундан қутуласан. Ҳалоқат ботқоғига элтувчи арзимаган ҳузур-ҳаловатдан қайт. Акс ҳолда, балиқчи бошига тушган кулфатга сен ҳам дучор бўласан». «У қандай бўлган эди?»— дебди шоҳ. «Бир балиқчи ўз одатича балиқ овлаш учун дарё томонга жўнаган экан,— деб гап бошлади Шимос,— дарёга етгач кўприкдан туриб, катта бир балиққа кўзи тушибди-да, ўз-ўзига: «Бу ерда туришимдан не фойда, ундан кўра уни таъқиб этай-да, қаерга борганини пайқаб тутиб олай. Бу ўлжа мени бир неча кунгача ов машаққатидан қутқаради»,— дебди.

У шундай дебди-ю, кийимларини ечиб, балиқ

орқасидан сув тўлқинида суза кетибди. Бир вақт орқасига қараса, қирғоқдан анча узоқ кетиб қолибди. Буни сезса-да, балиқни ташлаб орқасига қайтмабди. Бир оз ташвишланибди-ю, икки қўли билан балиқни ушлаб сув тўлқини билан сузиб кетмоқ ниётида ўзини тўлқинга топширибди. Тўлқин эса уни ҳаш-паш дегунча одам тушса қутулмайдиган гирдоб ўртасига келтириб ташлабди. Балиқчи: «Дод қутқаринглар!»— деб бақира бошлабди. Овозни эшитиб денгизчилар етиб келишибди-да, «Сенга нима бўлди? Бундай хатарли жойга ўзингни ташлашга сени нима мажбур қилди?»— дейишибди. «Мен,— дебди овчи,— осойишта ҳаёт йўлини ташлаб, нафс ва ҳалокат йўлига юзланганларданман». «Эй нодон,— дебдилар улар,— қандай қилиб тўғри йўлни ташлаб ўзингни бу таҳликага ташладиңг? Ахир, сен бу ерга тушганларнинг саломат қолмаслигини яхши билар эдинг-ку!

Қўлингдагини қўйиб юбориб ҳаракат қилишга нима монелик қилди? У вақт бу ҳалокатдан ўзингни сақлаб қолур эдинг. Энди бирортамиз ҳам сени бу ҳалокатдан қутқаза олмаймиз. Чунки иш вақтидан ўтди».

Ҳаётдан умидини узган балиқчи бу ҳолга сабаб бўлган балиқни қўйиб юборибди-да, фожиали бир суратда ҳалок бўлибди.

Мен бу размли ҳикояни эй шоҳ, фойдали ишлардан қайтаришга сабаб бўлувчи бу бемаза ўйин-кулгини ташла, ўзингга топширилган вазифалар — халқ ва мамлакатга ғамхўрлик қил, тартиб ўрнатишга тириш, токи ҳеч ким сендан айб топа олмасин, деб айтаёғирман». «Нима амр қиласан, эй Шимос?»— дебди шоҳ. «Соғ-саломат бўлсанг, эртага ҳузурингга одамларнинг киришларига рухсат эт. Улардан ҳолаҳвол сўра, узр айт, бундан сўнг ўзингни яхши ту-

тишинг, уларга ғамхўрлик қилишинг ҳақида ваъда бер!»— дебди Шимос.

«Тўғри айтдинг, эй Шимос,— дебди шоҳ,— улутангри хоҳласа эртадан бошлаб сен кўрсатган тартибда иш кўраман».

Шимос шоҳ ёнидан чиқиб, ҳамма воқеани одамларга сўзлаб берибди. Эртаси тонг отгач, шоҳ ҳарамдан чиқиб, одамларнинг киришига рухсат этибди ва узр айтиб бундан сўнг одамлар кутган умидларига мувофиқ иш кўришга ваъда берибди. Одамлар шодланиб ўз юмушларига кетибди. Кечқурун шоҳнинг энг севимли хотинларидан бири унинг ёнига кирибди. Қараса, шоҳнинг ранг-рўйи ўзгарган. У бош вазир Шимоснинг сўзи бўйича давлат ишлари тўғрисида фикрга чўмган эди. «Э шоҳ, нега бундай руҳинг тушган, кўнглингни бирор нарса хира қилаётгани йўқми?»— дебди у шоҳга. «Йўқ,— дебди шоҳ унга,— мени ҳузур-ҳаловат қоплаб, йўлдан оздирган экан. Бу гафлатда мен ўз ҳолимдан, халқим аҳволдан хабарсиз қолибман. Агар мен шу зайлда бораверсам, тезда давлатим қўлимдан кетиши муқаррар». «Мен,— деди хотин сўз бошлаб,— ҳокимларинг ва вазирларингга қаллоблик сезаётирман. Улар сенинг давлатингдан фойдаланиб, лаззатланишингни, роҳатланишингни кўролмай, умрингни халқ ғами билан доим меҳнат, машаққатда ўтишини истайдилар. У вақтда сен бошқалар учун ҳалок бўлган кишига, тўғрироғи, бола билан ўғрига ўхшаб қоласан».

«У қандай бўлган?»— дебди шоҳ. «Айтишларича,— деб гап бошлабди хотин,— еттита ўғри бир кун ўз одатларича ўғирлиққа чиқишибди-да, ёнғоқзор бир боққа кирмоқчи бўлишибди. Шу ерда бир бола юрган экан. «Эй йигит, биз билан бу боққа кирсанми? Дарахтга чиқиб ёнғоғидан тўйгунингча ўзинг

ҳам ер эдинг, бизга ҳам ташлар эдинг»,— дейишибди. Бола «хўп» деб улар билан боққа кирибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ун тўққизинчи
кечи*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— бола ўғрилар сўзига унаб, бирга боққа кирибди.

«Ичимизда энг енгилемиз, энг кичигимиз ким бўлса, дарахтга ўша чиқсин. Бунга боладан муносиброғи йўқ»,— дейишибди улар боққа киришгач. Сўнг уни дарахтга чиқариб: «Эй бола, дарахтда ёнғоқ терма, тагин биров кўриб қолиб, сени хафа қилмасин»,— дебдилар. «Нима қилай бўлмаса»,—

дебди бола. «Бир бутуққа ўтириб ол-да, ҳамма ёнғоқ тўкилгунча силкит, биз терамиз, тушганингдан сўнг биздан ўз улушингни оласан»,— дебдилар. Бола дарахтга чиқиб ҳар бир шохни бирма-бир силкита бошлабди. Ўғрилар эса тўкилганларни теришибди. Шу пайт бирдан эгаси келиб қолибди-да: «Нима қиялпсизлар?»— деб бақарибди. Ўғрилар бўлса: «Биз ҳеч нарса қилганимиз йўқ,— деб баҳона қилишибди,— бизлар ўтиб кетаётган эдик, дарахт устида турган бу болани кўрдик. Эгаси бўлса керак деб ўйладик-да, бизларга ҳам беришини сўрадик. У силкитди. Тўкилганларини тердик, бизда айб йўқ». «Сен нима дейсан, шу гап тўғрими?»— дебди боғбон.

«Йўқ, булар ёлғон гапиришди, тўғриси мен айтаман,— дебди бола.— Биз ҳаммамиз бу ерга баробар келдик. Ёнғоққа чиқиб шохларини силкитишни менга буюришди. Мен чиқиб қоқдим, васса-

лом». «Жонингга жабр қилибсан, ўзинг ҳеч едингми?»— дебди эгаси. «Йўқ»,— деб жавоб қилибди бола. «Сен ақлсиз экансан. Ахир бировга яхшилик қиламан, деб ўзингни ҳалокатга ташлабсан»,— дебдида, ўғриларга қараб:—«Сизларни хафа қилишга ҳеч қандай асос йўқ, ўз йўлларингизга кета беринглар»,— дебди ва болани тутиб азоблабди.

«Билсанг,— дебди хотин давом этиб шоҳга,— сенинг ҳукмдорларинг ва вазирларинг уларга ғам-хўрлик қилмоқчи бўлиб, сени ҳалокатга йўлиқтирмоқчи. Уғрилар болага қилган ҳийлани, улар сенга ишлатмоқчи бўладилар». «Ҳақ гап айтдинг,— дебди шоҳ.— энди мен ўз ҳузур-ҳаловатимни бузиб, улар олдига чиқмайман».

У шундай дебди-ю, эрталабгача хотини билан бирга бўлибди. Тонг отгач Шимос ўрнидан туриб, ҳукмдорлар ва ҳозир бўлган бошқа амалдорлар билан бирга суюнган, қувонган ҳолда шоҳ қароргоҳига келишибди. Аммо шоҳ уларга эшик ҳам очмабди, киришларига рухсат ҳам этмабди. Улар умидсизланиб Шимосга: «Эй ақли етук ва донишманд вазир! Бу ақли кам ёш боланинг ҳолини кўрмайсизми, ким ўзининг гуноҳлари устига ёлғонни ҳам қўшади. Сенга қилган ваъдаларини қара-ю, уни бузиб вафосизлик қилаётганини қара. Унинг бу гуноҳи сени ғазаблантириши керак. Эй вазир, сен унинг ёнига иккинчи марта кир, чиқмаганлигининг сабабини аниқла, биз унинг бундай ёмон қилиқларини ёқтирмаймиз, у бу билан тош юракликнинг уччига чиқиб кетди».

Шундан сўнг Шимос бориб шоҳ ёнига кирди-да: «Сенга соғлиқ, саломатлик истайман»,— деди.— Сен арзимаган ҳузур-ҳаловатга алданиб, катта-катта зарур вазифаларни унутдинг ва бу билан туянинг бениҳоят фойдали сутига берилиб, жиловлашни

унутган туякашга ўхшадинг». «У қандай?»— дебди шоҳ. «Бир кун бир туякаш бепарво туя соғар эди. Шунда ўзининг жиловланмаганини сезган туя бурилди-ю, саҳро томон қочиб кетди. Туякаш эса сундан ҳам туядан ҳам ажраб қолди. Шундай қилиб, у озгина меҳнатдан қочиб, шу туфайли катта зарар кўрди».

«Эй шоҳ,— дебди у охири,— сен халқ манфаатини кўзла. Таом зарур деб одам доим ошхона эшигида ўтира бериши лойиқ бўлмаганидек, хотинга рағбати бўлгани учун доим у билан бирга бўла бериш ҳам номуносибдир. Чунончи, одам очликдан қутуларлик таом, чанқоқни босгудек ичимлик билан қаноатлангани каби, ақлли кишига, йигирма тўрт соатнинг икки соатинигина хотинга айириб, қолган вақтини ўзи ва халқи учун фойдали нарсаларга сарф қилиши кифоядир. Ҳадеб хотинларга яқинлашавериш ақлга ҳам, соғлиққа ҳам зарар. Ожизаларнинг сўзларига ҳам, ишларига ҳам қулоқ сола бериш яхши эмас. Хотин туфайли кўплар ҳалок бўлган деб эшитганман. Чунончи, уларнинг бири хотинини яхши кўриб, унинг айтганларини қилгани учун ҳалок бўлган экан».

«Бу қандай бўлган?»— дебди шоҳ.

«Айтишларича, бир одам хотинини жуда севар ва ҳурмат қилар экан. Хотинининг барча айтганларига қулоқ солар, унинг хоҳишига мувофиқ иш қилар экан. У кишининг ўз қўли билан янгидан обод қилган боғи бор экан. Бир кун хотини ундан: «Богингга нима эккансан?»— деб сўрабди. «Сен севадиган турли мевалар экканман. Уларни диққат билан парвариш қилаётирман»,— дебди у. «Мени олиб бормайсанми, сени дуо қилар эдим. Менинг дуом мустажобдир»,— дебди хотин. «Яхши, эртага олиб

бораман»,— дебди эри. Тонг отгач, у хотинини бошлаб боққа олиб борибди. Боққа киришда иккита йигит узоқдан уларни кўрибди-да, бир-бирига қараб: «Буларнинг бири Зони, иккинчиси Зониядир. Булар боққа не мақсадда киришди экан»,— дебди. Иккала йигит булар нима қилишини бир бурчакда пойлаб туришибди. Эр-хотинлар эса боққа кириб бир ерда ўтиришибди. Шунда эр хотинига қараб: «Кечаги ваъдангга мувофиқ дуо қил!»— дебди. «То хотинлар эрлардан кутадиган ишни қилмагунингча дуо қилмайман»,— дебди хотин. «Суф сенга-е,— дебди эри,— уйдаги иш етмасмиди. Бу ерда у ишни қилиш бир тарафдан номус, иккинчидан ишдан қолдирасан, биров кўриб қолса яхши эмас»,— дебди эри. «Ҳечқиси йўқ. Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич. Биз шаръий эр-хотин ҳаром ва фаҳш иш қилмаймиз, боғни суғоришга келсак, у иш қочмайди, қачон суғорсанг, суғора берасан».

Хуллас, хотин эрнинг ҳеч қандай узрини қабул қилмай, ўз фикрида туриб олибди. Ниҳоят, улар мақсадни амалга ошира бошлашибди. Буни кўриб йигитлар уларни маҳкам ушлаб: «Биз сизни қўйиб юбормаймиз, зино қилдингизлар. Агар бу хотин бизлар билан ҳам яқинлашмаса, ҳоким олдига элтиб шарманда қиламиз»,— дейишибди. «Бекор айтибсизлар, бу менинг хотиним, бу боғ менинг боғим»,— дебди эри. Йигитлар унга қулоқ солмай хотинига яқинлаша бошлабди. Хотин эрига қараб: «Мени қутқар, булар менга номус келтирадилар»,— деб бақарибди. Эри хотинига ёрдам бериш учун бақира бошлаган экан, уларнинг бири ханжар билан бир уриб уни ўлдирибди-ю, хотинга яқинлашибди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
йигирманчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Шимоснинг айтишича, йигитлар эрини ўлдириб, хотинининг номусига тегибдилар.

«Мен бу сўзларни эй шоҳ,— дебди Шимос охири,— эрлар хотинлар сўзига қулоқ солиши, уларга бўйсуниси, уларнинг хоҳиши билан иш қилиши муносиб эмаслигини англатиш учун сўзладим. Илму ҳикмат либосини кийгач, нодонликдан қочиш керак. Тўғри ва фойдали ишни қўйиб, бузуқ йўлга кириш зарарлидир. Бузуқликка, огир кулфатларга элтувчи арзимаган ҳузурга алданма». Шоҳ Шимосдан бу сўзларни эшитгач: «Худо хоҳласа эртага чиқиб, уларнинг арзларини эшитаман»,— дебди.

Шимос эса одамлар ёнига бориб, шоҳнинг гапларини уларга эшиттирибди.

Шоҳга Шимос қилган насиҳатлар хотиннинг қулоғига етибди-да, у шоҳ олдига чиқиб: «Эй шоҳ, фуқаролар шоҳнинг қулларидир,— дебди,— лекин менинг билишимча, сен фуқароларингга қул бўлиб қолгансан. Улардан қўрқиб, ҳадиксирайсан. Улар сени синаб кўришмоқчи. Сени бўш топсалар писанд қилмай қўядилар, агар сенда шижоат сезсалар қўрқадилар. Ёмон вазирлар ўз шоҳлари билан шундай иш кўрадилар. Уларнинг ҳийлалари бениҳоядир. Мен сенга ўндан бирини айтдим. Агар сен улар истагига мувофиқ иш қилсанг, сени расво қилиб, ўз йўлларига соладилар-да, лақиллатиб, ахири ҳалокатга элтадилар. Натижада, савдогар билан ўғри воқеаси каби ҳолат юз беради». «У қандай воқеа?»— дебди шоҳ.

«Айтишларича, бир бадавлат савдогар бўлган экан. У савдо иши билан бир шаҳарга бориб, ижарага бир жой олибди-да, молларини туширибди. Буни кўрган ўғрилар таъқиб қила бошлабдилар. Улар ичкари киришга ҳийла ўйлабдилару, лекин бунинг иложини қила олмабдилар. «Бунинг чорасини мен топаман»,— дебди ўғрилар бошлиғи.

Шундан кейин у бир ерга бориб табиблар кийини кийибди. Дори халталарини қўлига олибди-да: «Табибга муҳтож одам йўқми?»— деб эшикма-эшик жар солиб, ниҳоят, савдогар турган жойга етиб келибди. Савдогар уйда овқат еб ўтирган экан. «Табиб керак эмасми?»— дебди ўғри. «Йўқ, табибга муҳтож эмасман, лекин ўтир, овқат е»,— дебди у. Ўғри унинг тўғрисига ўтириб таом ея бошлабди. Савдогар жуда сертомоқ экан. Ўғри ўз-ўзига: «Хайрият баҳона топилди,—дебди-да, савдогарга қараб:— Меҳмон қилганингиз учун раҳмат, лекин мен ҳам сизга яширмай, баъзи нарсалар айтишим зарур. Сиз жуда сертомоқ экансиз, бу меъда касаллигининг аломатидир. Тезда бунинг олдини олиб қаратмасангиз, бу касал сизни йиқитиб қўйиши мумкин»,— дебди. «Сертомоқ бўлсам ҳам меъдам бақувват, худога шукур, касал-пасал эмасман»,— дебди. «Сизга шундай кўринади, аммо мен яширин ич касалингизни аниқ билиб ачинаётирман. Ахир, сиз ўзингиз еб турган нарсангизни менга бердингиз. Мен ҳам бу яхшилигингизни қайтаришим зарур»,— дебди ўғри. «Менга даво қиладиган кишини қаердан топаман?»— дебди савдогар. «Касалга даво берувчи улуғ таңрининг ўзидир, менга ўхшаш табиблар, шунчаки, тажрибаларига мувофиқ касални даволайдилар, холос». «Бўлмаса мени давола!»— дебди савдогар. Ўғри унга дори деб майдаланган пўстлоқ берибди-

да: «Буни шу кеч истемол қил!»— дебди. Савдогар уни кечқурун истемол қилган экан, тахиридан оғзи ачиб кетибди. Аммо, у ҳеч шубҳаланмабди. Иккинчи кеч ўғри савдогарга аввалгидан кўпроқ дори келтириб берибди. Уни егач савдогарнинг ичи суриб кетибди-ю, лекин ҳеч қандай норозилик билдирмабди. Унинг сўзига ишонаётганини кўрган ўғри хотиржам бўлибди-да, дарров ўлдирадиган дори келтириб берибди. Уни ичган савдогар тонг отарга қолмай ўлибди. Ўғрилар эса савдогарнинг ҳамма молларини олиб кетибди.

Эй шоҳ, сенга буларни, алдоқчилар сўзига кирсанг, хатарли ишларга дучор бўласан, деб айтяпман».

«Рост айтдинг, энди мен чиқмайман ҳам, уларни қабул қилмайман ҳам»,— дебди шоҳ.

Тонг отгач, одамлар шоҳ қасрига тўпланиб, роса кутибдилар. Лекин шоҳ чиқмабди. Унинг чиқишидан умид узган халойиқ Шимосга мурожаат қилибди: «Эй донишманд, эй етук олим,— дебди улар,— у нодон боланинг тобора ёлғончи бўлиб кетаётганини ўзингиз кўриб турибсиз. Энди унинг қўлидан давлатни тортиб олиб, ўрнига бошқа шоҳ тайинлаш фойдалидир. Шундай қилгандагина бизларнинг ишимиз тартибга тушиб, аҳволимиз яхшиланади. Лекин сен, эй вазир, учинчи марта унинг ёнига кириб, давлатни тортиб олишдан бизларни қайтариб турган нарса, отасининг бизга қилган яхшиликлари ва биздан олган ваъдаси эканини унга уқтир. Эртага ҳаммамиз қуролланиб келиб қўрғон эшигини бузамиз. Агар чиқиб бизга муносиб муомала қилса-ку зарарсиз, бўлмаса ичкари кирамиз-да, уни ўлдириб, давлатни бошқа бир инсофли, халқпарвар, одил ва соф виждонли киши қўлига топширамиз».

Шимос шоҳ томон йўлланибди ва шоҳ олдига

кириб: «Эй ўз ҳузур-ҳаловатига шўнғиган шоҳ,— дебди,— сен нима қилаётганингни биласанми, сени ким бу йўлга бошлаётир, агар ўз жонингга ўзинг қасд қилаётган бўлсанг, у вақт сендаги биз билган яхшилик, поклик, олимлик йўққа чиқибди. Агар биров ўзгартираётган бўлса, бу сени билимдонликдан жохилликка, вафодорликдан вафосизликка, кўнгилчанликдан тош юракликка, мени ҳурматлашдан юз ўгиришга олиб бормоқда. Бу қандай ҳолдирки, мен сенга уч марта насиҳат қилдим, насиҳатимни қулоққа олмадинг. Мен сени тўғри йўлга солишга ҳаракат қиламан, сен эса тескари иш қиласан. Қани, айт-чи, бу қандай йўлдан озишлик, бу қандай ўйинга берилишлик, ким сени бузуқликка бошлаётир. Билгилки, мамлакатнинг одамлари ёнингга кириб, сени ўлдириб, мамлакат идорасини бошқа бировга беришга қарор қилганлар. Уларга қарши туриб панжаларидан қутулиш учун сенда на куч бор, на имкон ёки ўлдиришгандаи сўнг қайта тирилишингга умидинг борми? Буларнинг ҳаммасидан кечсанг, улардан қутуласан. Ўзингдан қолар гап йўқ. Агар дунё ва давлат истайдиган бўлсанг, ҳушингни йиғ, мамлакатингни сақлашга тириш, одамларга ўз қудратингни кўрсат, улардан узр сўра. Улар сенга қарши қўзғолон кўтаришга жазм қилганлар. Улар бу ишда сенинг ёшлигинг, ўйин-кулгига берилишингга асосланмоқдалар. Сув тагида узоқ ётган тошни олиб бир-бирига урилса, ундан ўт чиқиб кетади. Худди шундай сенинг қарашингдаги кишилар ҳам ўтдай ёниб турибди. Улар сенга қарши қуролланганлар. Давлатни сенинг қўлингдан олиб бошқага топширмоқчилар, шундагина улар мақсадларига эришадилар, сен ҳалокатга учраб худди бўри билан тулки воқеасига ўхшаш бир ҳолга тушасан».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
аигирма биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Шимос шоҳга: «Улар сени ҳалок қилиш билан мақсадларига етадилар, сен худди тулки билан бўри воқеаси каби бир ҳолга тушасан»,— дебди.

«У қандай воқеа?»— деб сўрабди шоҳ.

«Айтишларича, эй шоҳ,— дебди Шимос,— бир қанча тулкилар бир кун ўлжа илинжида айланиб юришган экан, бирдан-бир ўлик туяни кўриб қолибдилар-да, бир-бирларига: «Анча вақтга етарли озиқ топдигу, лекин бир-биримиздан қизганиб кучлилар кучсизларга зарар бермасалар, деб хавф қиламиз. У вақт кучсизларимиз ҳалок бўлишадди. Яхшиси, бу ғаниматдан ҳаммамизни баҳралантирувчи бирор адолатли махлуқ тайинлашга ҳаракат қилишимиз зарур. Шунда кучлилар кучсизлар устидан ҳукмронлик қилишга йўл қўймайди». Улар маслаҳатлашиб турганларида бирдан ёнларига бир бўри келиб қолибди. Тулкилар эса: «Агар мувофиқ топсаларингиз бу ишга ана шу бўрини тайин қилсак,— дейишибди,— чунки бу ҳайвонларнинг кучлиси, унинг отаси бир вақтлар бизнинг шоҳимиз бўлган. Биз худодан унинг адолат билан иш олиб боришини умид қиламиз». Бу гап маъқул тушиб улар бўрига: «Кучлиларимиз кучсизларимизга тажовуз қилиб, ҳалок қилмаслиги учун ўлжани ҳар биримизга ҳар куни оз-оздан тақсимлаб беришга сени бошлиқ қилиб тайинламоқчимиз»,— дейишибди.

Бўри уларга розилик билдириб, ишларини бажара бошлабди. У бир кун адолат юзасидан тақсим қилиб бергач, эртаси ўзича ўйлади: «Агар бу туяни кучсизларга ҳам бўлиб берсам, ўзимга арзимаган бир улуш тегади. Борди-ю, уни бир ўзим еб қўя қолсам, барибир кучсизлар менга ҳеч қанча зарар бера олмайдилар. Мен ва менинг авлодим учун ҳатто уларнинг ўзлари ғаниматлар-ку. Бас, шундай экан, бу туянинг ҳаммасини ўзимга олиш учун нима монелик қилади. Худо бу туяни улар эҳсонисиз мен учун етказган бўлиши ҳам мумкин. Яхшиси шулки, бунини уларсиз ўзим ейман-қўяман».

Тонг отгач, тулкилар келишиб, одатдагича бўридан озиқ талаб қилиб: «Эй Абу Сархон, букучлик овқатимизни бер»,—дебди. Бўри эса: «Сизларга берадиган ҳеч нарса қолмади»,—деб жавоб қилибди. Тулкилар унинг ёнидан ниҳоятда хафа бўлиб қайтибдилар-да: «Худо бизни бу хиёнаткор, инсофга гирифтор қилиб ғамга солди. Унга қарши бизда ҳеч қандай куч, қудрат йўқ. Эҳтимол уни бунга очлик мажбур қилгандир. Қўйинглар, букун у қорни тўйгунча есин, эртага борамиз»,— дейишибди.

Тонг отгач, тулкилар бўри ҳузурига бориб: «Эй Абу Сархон, бу ғаниматни ўзига яраша ҳар қайсимизга бўлиб беради, кучлидан кучсизни ҳимоя қилади ва бу тамома бўлса, бошқа ғанимат топиб беришга ҳаракат қилади, деган умидда ҳар вақт ҳимоянг остида яшаймиз, деб сени бошлиқ қилиб тайинлаган эдик. Бизни очлик хароб қилди. Икки кундан бери туз тотганимиз йўқ. Бугунлик овқатимизни бер». Акс ҳолда бизлар очликдан хор-зор бўлиб ўламиз. Сен бизларнинг уволимизга қоласан»,—дебдилар.

Буларга жавоб бериш ўрнига бўри борган сари бағри тошликни оширибди. Тулкилар унга қайта-қайта ёлворибдилар. У эса унамабди. Шунда тулкилар: «Энди арслонга бориб арз қилишдан бошқа чора йўқ. Унга бориб бизлар сенинг қулингмиз, деб унинг оёғига йиқиламиз ва туяни унга топширамиз. Агар у бизларга яхшилик қилса, бу катта муваффақиятдир. Акс ҳолда у, бу ваҳшийга қараганда тамоман бошқачадир»,— дебдилар.

Сўнг арслонга бориб: «Бизлар сенинг қулингмиз, бизни шу бўридан қутултиришга ёрдам беришингни сўраб келдик. Биз сенга қул бўлиб қоламиз»,— дебдилар. Бу сўзни эшитгач арслоннинг ғазаби ортибди-да, худо йўлига уларни ҳимоя қилишга киришиб, бўри ёнига борибди. Бўри арслон келаётганини кўриши билан қочишга отланибди. Лекин арслон тутиб уни тилкалаб ташлабди-да, уларнинг ўлжаларини ўзларига топширибди.

Бас, бундан маълумки, ҳар қандай шоҳга ҳам халқ ишини оёқ ости қилиш нолойиқдир. Менинг насиҳатимни қулоққа ол, сўзларимнинг тўғрилигига ишон. Билгил, эй шоҳ, бу менинг сенга охирги сўзим».

«Сўзларингни эшитдим. Эртадан бошлаб улар хизматига чиқаман»,— дебди шоҳ. Вазир Шимос унинг ёнидан чиқиб, кишиларга, шоҳ насиҳатларни қабул қилганини, эртадан бошлаб улар хизматига чиқишга ваъда қилганини айтибди. Аммо, хотини шоҳ Шимос сўзларини эшитиб, эртадан бошлаб шоҳнинг халқ хизматига чиқишини англабди-да, унинг ёнига чиқиб: «Мен сенинг қулларингга бўйсунушингга бениҳоят ҳайронман,— дебди,— ахир бу вазирларинг сенинг қулинг-ку. Не сабабдан сен буларни бунча юқори кўтаргансанки, худди бу мар-

табани сенга улар бергандек ҳаддиларидан ошиб кетганлар. Ҳолбуки, улар сендаги кичик бир камчиликни айтишга ҳам қодир эмаслар. Сен уларга: бўйсунуш эмас, улар сенга бўйсунуши, буйруқларингни амалга ошириши керак. Улардан мунча қўрқмасанг. Дилинг метиндек бўлмаса шоҳ бўла олмайсан. Сенинг кўнгилчанлигинг уларни ошириб юборган, натижада, улар сенга қарши туришга, сени айблашга бориб етганлар. Ҳолбуки, улар сенинг тахти-фармонингда, сенга бўйин эгишга мажбур кишилардир. Сен улар сўзини қабул қилишга шошилсанг, уларни мана шу аҳволда қолдирсанг, ўз хоҳишингга қарши уларнинг кичик истакларини ҳам бажара берсанг, сенинг елкангга миниб оладилар. Агар менинг сўзимга қулоқ солсанг, бу гапларга риоя қилма, ҳеч қайсисининг сўзини инobatга олма, уларнинг ҳам сенга қарши журъат қилишига йўл берма. Чунки унда сен «Чўпон билан ўғри» ўртасида рўй берган ҳолга тушасан».

«У қандай?»— дебди шоҳ.

«Айтишларича,— деб сўз бошлабди хотин,— бир чўпон бўлиб, у қўйларини жуда яхши муҳофаза қилар экан. Бир кеч қўйларини ўғирлаш учун ўғри келибди. Келибди-ю, кундуз сергаклик билан иш тутувчи чўпон қўлидан ўғирлашнинг иложини тополмабди. Шунда ўғри ўйлаб-ўйлаб бир ҳийла топибди. У бир арслонни қўлга тушириб ўлдирибди-да, терисига сомон тиқибди ва чўпонга кўринадиган баланд бир дўнгликка келтириб қўйибди. Узи эса чўпон ёнига келиб: «Мени ану арслон юборди, кечки овқати учун бу қўйлардан талаб қилаётир»,— дебди. «Арслон қани?»— дебди чўпон. «Кўзингни очиб қара, ана у ерда ўтирибди»,— дебди ўғри. Чўпон бошини кўтариб қараса, ростдан ҳам арслон ўтирибди.

Кўрибди-ю, ҳақиқий арслон деб жон-пони чиқиб кетибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
аигирма иккинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— хотиннинг айтишича, чўпон арслонни кўриб, жон-пони чиқиб кетибди-да, ўғрига: «Эй биродар, хоҳлаганингча ол, қаршилик йўқ»,— дебди. Уғри қўйдан керагича олибди. Чўпоннинг қаттиқ кўрққанини кўрган ўғри тез-тез келиб, уни чўчитар ва: «Арслон мунча қўй сўраётир, у бундай қилмоқ истайди»,— дея хоҳлаганча қўй олиб кета бошлабди. Қўйнинг кўп қисми кетгунча ўғри чўпонни лақиллатиб юрибди.

Мен бу сўзларни сенга эй шоҳ, ҳукмдорлар сенинг юмшоқлигинг ва марҳаматли қарашингдан фойдаланиб, сенга қарши жасорат қилмасинлар деб сўзладим. Сенга қилган бу ҳаракатларидан уларнинг ўлими яқинлиги аёндир». Унинг бу сўзини тинглаган шоҳ дебди: «Насиҳатларингни қабул қилдим. Уларга қулоқ солмайман ҳам, улар ёнига чиқмайман ҳам».

Эртаси тонг отгач вазирлар, ҳукмдорлар ва барча атоқли кишилар қўлларига қурол олиб, шоҳ саройига йўл олибдилар. Етиб боргач дарвозабондан эшикни очишни сўрабдилар. Дарвозабон эшикни очмабди. Шунда оломон эшикни ёндириб кириш учун ўт ҳозирлашга киришибди. Буни эшитган дарвозабон тезлик билан шоҳ ёнига борибди-да:

«Эй шоҳ, одамлар дарвоза олдига тўпланиб, очишни сўрашди, мен очмадим. Улар дарвозага ўт қўйиб кириб, сени ўлдирмоқчи бўлиб туришибди. Нима буюрасан?»— дебди.

Шоҳ ўз-ўзига: «Мен катта кулфат остида қолдим,— дебди-ю, хотинига одам юборибди. Хотин келгач, шоҳ унга:— Шимоснинг айтганлари тўғри экан, эшикка оломон келибди. Улар иккимизни ҳам ўлдирмоқчи эмиш. Дарвозабон эшикни очмагач, ўт қўймоқчи бўлиб кетибдилар, улар уйни ёндирса, бизлар уй ичидамиз... Энди нима йўл кўрсатасан?»— дебди. «Бунинг зарари йўқ, кўп ташвишлама,— дебди хотин,— чунки ҳозир тубанлар шоҳларига қарши бош кўтарадиган замон». «Хўш, энди менга қандай йўл кўрсатасан, нима қилишим керак, бунга қандай чора бор?»— дебди жиғибийрон бўлган шоҳ хотинига.

«Менинг фикримча,— дебди хотин,— сен бошингга бир нарсани танғиб, уларга касаллигингни билдир. Сўнг вазир Шимосга одам юбориб, ёнингга чақир. У сени бу ҳолда кўргач, унга букун одамлар ёнига чиқмоқчи эдим. Касаллик тўсиқлик қилди. Одамларга менинг аҳволимни билдир, мен эртага чиқаман, уларнинг кўнглини тинчитиб, газабларини сўндир, дегин-да, тонг отгач, отангинг энг кучли навкарларидан ўнтасини чақир ва уларни эшик олдига қўйиб, одамларни битта-битта киришига амр қил. Сўнг ким кирса уларга: «Ўлдинглар»,— деб тайинла. Шундан сўнг эртаси сен тахтингга ўтириб, эшикни очиб қўй. Очилганини кўриб одамлар тинчийди-да, киришга рухсат сўрайдилар. Шунда сен айтган тартибимга мувофиқ, битта-биттадан киришга рухсат эт-да, мақсадингни бажаришга кириш. Лекин сен ўлдиришни бош вазир Шимосдан бошлашинг ке-

рак, чунки у вазирларнинг улуғи ва обрўлисидир. Шу сабабдан дастлаб уни ўлдиришинг зарур. Сўнг бошқа ҳаммасини бирин-кетин ўлдир, шубҳаланган кишиларингдан бирортасини қолдирма. Шундай чора кўрсанг, уларда сенга қарши туришга мажол қолмайди. Доим тинч ва роҳатда яшайсан, якка ва ягона ҳукмрон бўласан, истаганингни қила оласан. Билгил, эй шоҳ сенга бундан фойдалироқ чора йўқ». «Фикринг жуда тўғридир. Сен айтганингдек иш қилишим зарур»,— дебди шоҳ.

Сўнг шоҳ бошига ўрайдиган нарса келтиришни буюриб, бошини боғлабди-да, ўзини касалликка солиб, Шимосга одам юборибди. Шимос келгач унга: «Биласанки, мен сени дўст тутиб итоат қиламан, сен менинг ҳеч ким билан тенглаштириб бўлмайдиган акам ва отамсан,— деб гап бошлади шоҳ,— мен сенинг ҳамма буйруқларингни бажараман. Сен менга халқ хизматига чиқиш ва маҳкама вазифаларини бажаришни буюрдинг. Бу фойдали насиҳат эканини англадим. Кеча чиқмоқчи бўлиб турган эдим, нечораким мана шу касаллик пайдо бўлиб, ёлғончи бўлиб қолдим. Чиқмаганим учун мамлакат аҳллари норози бўлиб мендан хафа бўлганликларини айтдилар. Бунга улар ҳақли, чунки менинг касалимдан улар беҳабарлар. Сен улар ёнига чиқиб, менинг аҳволимни билдирсанг, менинг номимдан уларга узр этсанг. Мен уларнинг айтганларига бўйсуниб, улар хоҳлаганларича иш қиламан. Сен менга кафир бўлиб, бу ишни тузат. Чунки сен менга, мендан олдин отамга маслаҳатгўй эдинг. Одамлар орасидаги низоларни бартараф қилиш сенинг одатингдир. Худо хоҳласа эртага улар хизматига чиқаман. Халқ учун хизмат қилишдек яхши ниятим туфайли зора худо бў кеча дардимни аритса».

Шимос, шоҳ ҳурмати учун мук тушиб уни дуо қилибди ва шодланиб қўлларини ўпибди. Сўнгра у одамлар ёнига чиқибди-да, уларга шоҳ сўзларини тушунтирибди. Уларнинг шоҳга бўлган ғазабларидан қайтарди. Шоҳнинг узрини ва хизматга чиқа олмай қолганининг сабабини билдирибди, эртага хизматга чиқаман деб қилган ваъдасини, энди улар истаганча иш тутажagini айтибди. Одамлар ғазабдан тушиб тарқалишибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
йигирма учинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Шимос одамлар ёнига чиқиб: «Эртага шоҳ хизматларингизга чиқади ва истакларингизга мувофиқ иш кўради»,— дебди. Одамлар тарқалишибди. Энди шоҳга келсак, у навкарлари орасидан отаси даврида танилган ўнта довюрагини танлаб келишни буюрибди. Бениҳоят тошюрак ва қаҳри қаттиқ навкарлар келгач, шоҳ уларга: «Отамнинг сизга бўлган ҳурмати, сизларга қилган марҳаматлари ва яхшиликлари, сизларга бўлган муносабатлари ҳаммангизга аён. Мен сизларни бундан ҳам кўра бамандроқ даражага кўтармоқчиман. Сизлар худо панонида тинч ва роҳатда бўласизлар. Лекин мен сизларга бир қанча саволлар бераман. Сизлар менинг буйруқларимга бўйсунасизларми? Менинг сирларимни кишилардан сақлайсизларми? Буйруқларимга фармонбардор бўлганларингиз учун мендан истагандан ортиқроқ яхшиликлар кўрасиз»,— дебди.

Ун баҳодир бир оғиздан: «Нима буюрасиз, эй хўжамиз, биз уни ўша онда бажарамиз, ҳеч қачон ишоратларингиздан заррача четга чиқмаймиз. сиз бизларнинг ҳукмронимизсиз»,— дейишибди.

«Худо сизларга яхшилик ато қилсин,— деб шоҳ сўзида давом этибди,— мана энди, мен сизларга ҳурматларингизни орттирмоқчи бўлганим сабабини айтиб берайин. Менинг отам ўз тобеларининг қандай ҳурматлагани, менинг ҳақимда қандай топшириқлар бергани сизларга маълум. Ваъдага кўра улар менинг буйруқларимга бўйсунилари лозим эди. Аммо кеча улар мени ўлдириш учун йиғилиб келганликларини ўзларингиз кўрдингиз. Мен энди бир иш қилмоқчиман. Кечаги ҳаракатларини кўриб, уларни бу хил исёнкорликдан фақат қаттиқ жазоғина қайтаради, деб жазм қилдим. Мамлакатимни бу қулқатдан сақлаш учун ҳамма амалдорларни, бошлиқларни мен кўрсатгандек яширин равишда ўлдириш ишини сизлар бажаришларингиз зарур. Бу шундай бўлади: эртага мен шу ерда, шу тахтда ўтириб, уларга бирин-кетин кириш ва бир эшикдан кириб, иккинчи эшикдан чиқишни буюраман. Сизларнинг ўновингиз менинг имо-ишоратимни кутиб ёнимда турасизлару кирган кишининг қўлидан ушлаб ану уйга киритиб ўлдирасизлар-да, ўлигини яширасизлар». «Буйругингни жонимиз билан бажарамиз»,— дейишибди улар.

Шоҳ уларга инъом-эҳсонлар қилиб, эртагача кетишга рухсат этибди. Тонг отгач, шоҳ қулларни чақиртириб, тахтни ўрнатишга буюрибди. Сўнг у шоҳона хилъатлар кийибди. Қўлига қазо-ҳукм китобини олгач, эшикни очишга буюрибди. Ун навқари унинг атрофида турибди. Эшик очилгач, жарчи: «Кимнинг қандай даъво ва низолари бўлса шоҳ ҳузурига ки-

риб, гиламда ўтиришларига ижозат»,— деб эълон қилибди. Вазирлар, лашкар бошилар, сарой маъмурлари бирин-сирин ичкари киришибди-да, ўз даражаларига муносиб ўринда туришибди. Сўнг шоҳ битта-битта киришларига рухсат этибди. Дастлаб одатдагича бош вазир Шимос кириб шоҳ қаршисида тик турибди. Лекин, ҳали у бирор сўз бошлашга улгурмасданоқ ўн қул уни ўраб олиб белгиланган уйга киргизибди-да, ўлдирибди. Сўнг қолган вазирларни, олимларни, тақводорларни бирин-кетин қабул қилган бўлиб ҳаммасини ўлдиртирибди. Ахири ҳеч ким қолмабди. Сўнг шоҳ жаллодларни чақириб ғайратли, саботли одамлардан бирортасини қолдирмай қиличдан ўтказишни буюрибди. Улар довюракроқ бўлиб кўринган одамларнинг бирортасини қолдирмай ўлдирибдилар. Фақат тубан ва нимжон одамларгина қолибди.

Хотиржам бўлган шоҳ яна айшу ишратга берилибди, ўйин-кулги бошлабди. Жабр-зулм ва жиноятлар шунчалар кучайибдики, илгари ўтган золим шоҳлар зулми унинг олдида ип ечолмабди. Бу шоҳ мамлакатада олтин-кумуш конлари, ёқут ва жавоҳир кўп экан. Атрофдаги ҳамма шоҳлар бу мамлакат бойликларига суқланар ва унга офат тегишини кутар эдилар. Бу воқеадан кейин қўшни шоҳлардан бири ўзича: агар истасам бу мамлакатни жоҳил бола қўлидан осонгина оламан. Чунки у бутун вазирларини, жанговар кишиларини ва мамлакат ҳимоясига яроқли ҳамма кишиларини ўлдириб юборди. Ҳозир мамлакатни тортиб олиш учун энг қулай пайт. Сабаб, шоҳ жанг қондаларини билмайдиган, тажрибасиз ёш бола. Бунинг устига, унинг ёнида йўл-йўриқ кўрсатувчи бирорта ҳам киши қолмади. Бугун унга ёмонлик эшигини очаман. Бунинг учун бошига туш-

ган кунлар муносабати билан уни таҳқирлаб, нафратомиз бир хат ёзаман-да, жавобини кутаман,— де-ди-да, шоҳ унга нома ёзди. Номанинг мазмуни шундай эди:

«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, баъд менга сенинг ўз вазирларинг, олимларинг, ҳарбий ҳукмдорларингга қарши қилган ҳаракатларингни ва шу билан ўзингни ўзинг ҳалокатга ташлаганингни билдирдилар. Чунки душманларга қарши сенда на куч ва имконият қолмади.

Улуғ тангри сенга қарши ҳужум қилиб, мамлакатингни олиш учун менга ёрдам кўрсатди. Сўзларимни тингла, менинг фармонимга бўйсун. Мен учун денгиз ўртасида ҳашаматли сарой бино қил. Агар бунга қодир бўлмасанг, мамлакатингни ташлаб чиқиб, ўз жонингни қутқар. Мен ҳинд чегаралари орқали ҳар бири ўн икки минг кишидан иборат ўн икки саф баҳодирларни йўллайман. Улар мамлакатингни хароб қилиб, молларингни тортиб олади, халқингни ўлдиради, хотинингни таҳқирлайди. Буларга бош қилиб вазирим Бадиъни тайинлайман ва унга давлатингни бутун қўлга олмагунча чекинмасликни буюраман.

Мен бу элчи орқали уч кун ичида жавоб беришингни буюраман. Агар фармонимга бўйсунсанг қутуласан, акс ҳолда, юқорида таъриф қилинган лашкарларимни йўллайман».

У хатга муҳр босиб, элчига топширди. Элчи етиб боргач, шоҳ олдига кирибди-да, хатни топширибди. Хатни ўқиб шоҳнинг қути учибди, дили сиқилибди. Ақлдан озгудек бўлибди-ю, йўл кўрсатиб, ёрдам берувчи, ҳеч кимни эслолмабди. Шоҳ ўрнидан туриб севикли хотини ёнига кирбди. Унинг ранги ўчган, қони қочган эди. «Сенга нима бўлди, эй шоҳ?»— деб

сўрабди хотини ундан. «Мен букун шоҳ эмасман, шоҳнинг қулиман»,— дебди шоҳ ва хатни очиб, унга ўқиб берибди. Уни эшитган хотини фарёд кўтариб, ёқа йиртибди. «Бу мушкулга сен қандай ҳийла ўйлайсан?»— дебди шоҳ хотинига. «Ҳарбий масалаларда хотинлардан фикр чиқмайди. Бу тўғрида уларда на куч бор, на ақл, бу хил ишларда қувват, маслаҳат кўрсатиш, ҳийлалар топиш — ҳаммаси эрлардагина бўлади»,— дебди хотин.

Шоҳ бу сўзни эшитиб, вазир бошлиқ ўз амалдорларига қилган бениҳоят ёвузлиги учун ғоят ачиқибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
йигирма тўртинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Шоҳ хотинидан бу сўзни эшитгач, ўз вазирлари бошлиқ амалдорларини ўлдириш каби ёвузлиги учун ғоят пушаймон бўлибди. Бу кулфатли хабар етишмасдан олдин, ўзига ўлим тилаб хотинларига: «Менга сизлардан тошбақа туфайли чил қушига етган ташвиш каби жафо етди»,— дебди. «У қандай жафо?»— дебдилар улар.

«Айтишларича, бир жазирада тошбақалар яшар экан. У ерда мевали дарахтлар ҳам бор эди. Иттифоқо, бир куни бу жазира устидан чил қуш учиб ўтди. Иссиқлик ва чарчаш уни енгиб, жазирага қўнди. Утлоқдан ўз маконларига қайтаётган тошбақалар уни кўриб ҳайратга тушдилар. Худо улар кўзига бу қушни бениҳоят гўзал қилиб кўрсатди. Улар унинг

яратувчиси қудратига таҳсин қилдилар. У қушни бениҳоят севиб, суюндилар-да, бир-бирларига қараб: «Ҳеч шубҳасиз бу қуш энг яхши қушлар зотидандир»,— дедилар. Шундай қилиб, тошбақалар уни қучиб бирга бўлишни истадилар. Уларнинг бунча катта муҳаббатларини кўрган қуш рағбатланиб, уларга яқин улфат бўлиб қолди. Кундузи хоҳлаган тарафига учиб бориб овқатланар ва кеч тушгач яна шу ерга — улар ёнига етиб келар эди. Тонг отгач овқат излаб яна хоҳлаган томонга учиб кетарди, бу ҳол уларга одат бўлиб қолди. Бир қанча вақт шу йўсинда ўтди. Тошбақалар уни шунча яхши кўрганлари ҳолда, фақат кечаси кўрардилар. Эрталаб эса ҳали улар уйғонмаёқ, қуш шошилиб учиб кетарди. Унинг дийдорига тўёлмаган тошбақаларнинг бири: «Бу қушни севамиз, у бизнинг дўстимиз бўлиб қолди. Ундан айрилишга тоқатимиз йўқ. Уни доим ўз ёнимизда сақлаш учун бирор чора топиш мумкин бўлмасмикин? Чунки у кун бўйи биздан узоқда учиб юради. Биз эса уни соғиниб қолмиз»,— деди. «Эй биродарлар,— деди иккинчиси шунда,— хотиржам бўлинглар. Мен шундай бир йўл топаманки, у биздан бир лаҳза ҳам айрилмайди». «Агар шундай қилсанг ҳаммамиз сенинг қулинг бўлар эдик»,— дедилар улар. Кечқурун қуш қайтиб келганда ҳалиги хийлакор тошбақа унга яқин бориб, дуо қилди ва унга соғлиқ, саломатлик тилади-да: «Эй бекач,— деб гап бошлади,— бизларнинг дилимизга худо сенинг муҳаббатингни солди. Севгувчилар учун энг катта бахт суюклилари билан бирга бўлишдир, айрилиқ улар учун энг зўр алам ва кулфатдир. Сен тонг отиши биланоқ учиб кетасан-да, қоронғи тушганда қайтиб, бизларни ғоят соғинтирасан. Бу ҳол бизга жуда оғир, шу сабабдан кўпдан бери биз қаттиқ қайғуда қолганмиз». «Тўғри,—

деди қуш уларга,— менинг муҳаббатим ҳам сизлар-
никидан ортиқроқ, сизлардан узоқлашиш менга ҳам
енгил эмас. Лекин начораки, қанотлик қушман.
Доим сизлар билан бирга бўлишим сира мумкин
эмас. Чунки бу менинг табиатимга хилофдир.
Қанотли қушларда тиним бўлмайди. Улар фақат
кечалари уйқу учунгина бир оз қарор топадилар,
холос. Тонг отгач яна озиқ излаб, бош оққан томонга
учадилар». «Тўғри айтдинг,— деди шунда тошбақа,—
қанотли қушларнинг кўп вақtlари учиш билан ўтади.
Ана шу учишдек машаққат чекиш билан ҳам зўр-ба-
зўр кун кечирадилар. Лекин, ҳар қандай махлуқ учун
ҳам охирги мақсад тинчиш ва роҳатга эришишдир.
Худо бизларга севги ва дўстликни насиб қилган экан,
бизлар сени бирор душман қўлига тушиб ҳалок бўл-
масанг, сени кўришдан бутунлай маҳрум бўлиб қол-
масак, деб қўрқамиз».

«Тўғри,— деди қуш унга жавобан,— лекин менинг
ишим ҳақида нимаям қилиш ва қандай бир тадбир
топиш мумкин?»

«Менинг фикримча,— деди тошбақа,— сен фақат
учишгагина ярайдиган қанотларингни чимчиб, биз-
лар ёнимизда роҳатланиб, емишимиздан еб, ичкили-
гимиздан ичиб, бу сердарахт, сермева ўтлоқда биз-
лар билан бирга яшасанг. Бизлар сен билан бу кенг
мевазорда шод яшар эдик». Қуш уларнинг сўзига
кўнди. Тинчиб, роҳатланишни истади-да, бирин-кетин
тошбақа айтганча қанот парларини юлиб ташлаб,
улар ёнида бирга кун кечира бошлади. Енгил бир
ҳаловатга, ўткинчи бир шодликка рози бўлди. Шу
ҳолда кун кечираётган эди, кунлардан бир кун, бир
арслон боласи ўтиб, кўзи қушга тушди. Диққат қи-
либ қараса, унинг қанотлари утилган, қоча олмай-
диган ҳолда. Уни кўриб арслон бениҳоят қувонди-

да, ўз-ўзига: «Бу қушнинг гўшти ёғлиқ, туки кам»,— деди ва бориб уни панжалари орасига олди. Қуш фарёд кўтарди. Тошбақалардан ёрдам сўради. Аммо улар ёрдам беришга ожиз эдилар. Арслон боласи қушни қабзига олиб, азоблаётганини кўриб, қайғуриб йиглашдилар. Шунда қуш уларга: «Сизларда йиғидан бошқа ёрдам борми?»— деб сўради. «Эй биродаримиз,— деди тошбақалар,— арслон боласига қарши бизларда на куч бор, на бу аҳволга чидаму, на бирор чора бор».

Буни эшитган қуш ташвишга чўмди. Тирик қолишдан умидини узиб уларга: «Сизларда гуноҳ йўқ, гуноҳ ҳаммаси сизларнинг сўзларингизга қулоқ солиб, учадиган қанотларимни юлган менда, бу лақ-малигим учун мен ҳалок бўлишга лойиқман. Сизларга айб қўйиб бўлмайди»,— деди.

«Менинг ҳам ҳозир,— дебди шоҳ сўзида давом этиб,— сизлардан ўпкалашга ҳеч қандай ҳақим йўқ, эй хотинлар; аммо мен ўзимдан ўпкалайман. Сизлар сабаб бўлиб, мен отамиз Одам алайҳиссаломни жаннатдан ҳайдатганларингизни эсламадим. Сизлар ҳар қандай ёмонликнинг илдизи эканингизни унутдим. Қалтабинлик, нодонлик қилиб, ҳар бир ишда менга маслаҳат берувчи вазирларимни, мамлакатим ҳукмдорларини ўлдирдим. Улар менинг куч-қудратим, юз берган ҳар қандай оғир шароитда ёрдамга ҳозирланган ғамхўрларим эди. Мен ҳозир на уларни, на уларнинг ўрнини босадиган одамни топа оламан».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Ҳикояни эшитиб ўлтирган синглиси: «Давомини айтиб беринг»,— деб қистади. Шаҳризод эса: «Хўп, шоҳим ўлдирмасалар эртага албатта айтиб бераман»,— деб юпатибди.



*Тўққиз юз
йигирма бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— шоҳ ўзидан ўпка қилиб хотинларига: «Мен нодонлик билан сизларга бўйсуниб ўз вазирларимни ўлдирдим. Энди на уларни топаману, на улар ўрнини боса оладиган бир кишини. Бу балодан қутулиш учун худо менга бирор тўғри йўл кўрсатувчи кишини йўлламаса, ҳолим хароб,— дебди-да, вазир ва донишмандлари ўлимини эслаб,— эй шерлар, қани энди биргина соат менинг ёнимда бўлсангиз, мен сизга узр айтар, ўз қийин аҳволимдан арз этиб кенгашар эдим»,— дебди. Ўрнидан туриб ётоқхонасига кирган шоҳ, ғам денгизига чўмган ҳолда кун бўйи ёмабди ҳам, ичмабди ҳам. Кеч киргач, шоҳона кийимини ечиб, эски-туски кийим кийибди-ю, шаҳар кезишга чиқибди. У кўнглини юпатадиган бирор сўз эшитмоқ истагида кўчама-кўча юрибди. Бир девор тагида сўзлашиб ўтирган икки болага кўзи тушиб қолибди. Улар ўн икки ёшлардаги тенгқур болалар эди. Шоҳ уларнинг сўзини эшитиш ниятида олдиларига борибди. «Бу йил ёмғирсизликдан ва шаҳарда юз берган даҳшатли фалокат сабабли экинлар битмай, қуриб қолгани ҳақида кеча менга ойим айтиб берган сўзларини эшит, дўстим,— дебди болаларнинг бири иккинчисига,— бу кулфатнинг сабабини биласанми?» «Йўқ,— дебди иккинчиси,— агар сен билсанг сўзлаб бер». «Хўп,— деб у сўзлай бошлабди,— бунини ойимга дадамнинг ўртоқлари айтибди: шоҳимиз вазир ва ҳукмдорларини уларнинг гуноҳлари учун эмас, хотинларни яхши кўргани ва уларга алдангани учун

ўлдирибди. Вазирлар хотинларга яқинлик зарарли эканини уқтирганларида қулоқ солмай, уларни ўлдитирган эмиш. Ҳатто у ўзининг энг яқин маслаҳатчиси менинг отам Шимосни ҳам ўлдирди. Унинг бу гуноҳи учун худо унга жазо бериб, гуноҳсизлар ўчини олишини кўрасан». «Улар ўлиб кетган бўлса, худо уларни нима қилади»,— дебди иккинчи бола ўртоғига. «Биласанми?— дебди бола жавоб бериб,— Қуйи Ҳинд шоҳи бизнинг шоҳимизни менсимай, унга ҳақоратомиз хат ёзган. Хатда у ўзи учун денгиз ўртасида қаср бино қилишни буюрган. Агар шоҳимиз уни бажармаса, ҳар бири ўн икки минг лашкардан иборат ўн икки саф буюк баҳодир жанговарлар йўллашини, уларга ўзининг вазири Бадиъни бошлиқ қилиб тайинлашини, Бадиъ унинг мамлакатини забт қилишини, одамларини ўлдиришини, шоҳнинг ўзини ва ҳарамини асир олишини таъкидлаган. Элчи хатни шоҳга топширгач, уч кун муҳлат берган. Биласанми, Ҳинд шоҳи ҳеч қачон бўйин эгамайдиган золим, катта куч ва шуҳратга эга. Унинг мамлакатида халқ кўп. Бизнинг шоҳ уни қайтаришга бирор чора кўра олмаса, ўзи ҳалокатга дучор бўлади. Шоҳимизни ўлдириб, юртдаги ҳамма бойликни тортиб олади».

Шоҳ болалардан бу сўзни эшитибди-ю, бениҳоят қаттиқ изтиробга тушиб ўйлабди: «Бу бола қандай доно ва донишманд экан. У ҳали мендан бошқа ҳеч ким эшитмаган масала ҳақида сўзлаётир. Ахир, Қуйи Ҳинд шоҳидан келган хат менда яширин. Мендан бошқа ҳеч ким уни билмайди. Қандай қилиб бу бола билди экан? Бу бола билан сўзлашишим, ундан фойдаланишим керак. Худо у бола орқали мени бу кулфатдан қутқарса ажаб эмас»,— дебди-да, шоҳ мулоимлик билан болага яқинлашибди. «Эй суюкли бола,— дебди у,— шоҳимиз ўз вазир ва ҳукмдорларини

ўлдириб, катта жиноят қилгани тўғрисидаги сўзларнинг рост. Ҳақиқатда шоҳ ўз улуғларига ва халқига нисбатан шундай катта ёвузликлар қилди. Бу ҳақда айтганларнинг тўғри. Лекин эй бола, айтиб бер-чи, Қуйи Ҳинд шоҳи шоҳимизга хат ёзиб, уни қўрқитганини сен қаердан билдинг? Бу махфий сир-ку!» «Мен буни азиз-авлиёларнинг сўзларидан билдим. Худога номаълум сир йўқ. Одам болалари орасида руҳ аҳллари бор. Худо яширин сирларни уларга маълум қилади». «Тўғри айтдинг, эй ўғил,— дебди шоҳ,— бу кулфатларни шоҳимиз ва халқимиз устидан кўтардиган бирор ҳийла, бирор чора борми?» «Ҳа, бор, агар шоҳ менга одам юбориб, маслаҳат сўраса, худо ёрдамида мен унга бу ташвишдан қутулиш йўллари айтиб берар эдим»,— дебди бола. «Шоҳ сенга одам юбориши учун олдин унга биров буни билдириши керак эмасми»,— дебди шоҳ. «Мен шоҳнинг тажрибали, тўғри фикрли маслаҳатчилар излаб юганини эшитдим,— дебди бола,— агар у менга одам юборса, мен у билан бирга бориб, унинг бу кулфатлардан қутулиши учун билганларимни айтаман. Агар у ўз хотинлари билан маишатга алданиб мушкулни чўзадиган бўлса, у вақт ўзимоқ бориб, қутулиш йўллари айтиб бераман-да, ўз ҳалокатимга ўзим юз тутаман. Чунки, шоҳ ўша вазирлари сингари мени ҳам ўлдиришга буюради. У вақт донишмандлигим бошимга етади. Одамлар мени ақли камга йўйиб, масхара қиладилар. Унда мен кимники илми ақлидан кўп бўлса, у ҳалок бўлади, деган гапнинг қурбони бўлиб қоламан».

Шоҳ бола сўзини эшитгач, унинг донолигига тан бериб, юксак фазилатига ишончи комил бўлибди. Ўзининг ва халқнинг бу кулфатлардан қутулиши бу бола орқали мумкин эканини сезибди. Сўнг шоҳ, бо-

ла билан суҳбатни қайта тузибди: «Қаерликсан, уйинг қаерда?» «Мана шу девор бизнинг уйга бориб тақалади»,— дебди бола.

Шоҳ бу жойни пухта мўлжалга олибди. Бола билан хайрлашиб, қувонганича ўз саройига йўл олибди. Саройга киргач, шоҳона кийимларини кийиб, овқат келтиришга буюрибди ва хотинларнинг кирмаслигини таъкидлабди. Ебди, ичибди, худога миннатдорчилик билдириб тавба қилибди, бу кулфатларни даф қилиб ёрлақашини, олимлари, вазирларига қилган гуноҳларини кечиришини сўрабди. Рўза тутиш ва ибодатлар қилишни ўзига лозим билибди. Қулларидан бирини чақириб, унга боланинг уйини тушунтирибди-да, бориб, яхши сўзлар билан уни олиб келишни буюрибди. Қул, боланинг олдига бориб: «Шоҳ сени бир яхши иш учун чақираётир. Қўрқма, омон-эсон яна ўз уйингга қайтасан»,— дебди. «Мени чақирришга шоҳимизда қандай зарурат бор экан?»— дебди бола. «Шоҳимиз бир нарсани сўраш ва жавоб олиш учун сени чақираётир»,— дебди қул.

«Шоҳ буйруғига жон-дил билан бўйсунаман»,— дебди бола. Сўнг у қул билан бирга шоҳ ҳузурига борибди-да, мук тушиб, худога сажда қилибди, сўнг у шоҳни дуо қилибди. Саломига алик олган шоҳ жой кўрсатибди. Бола ўтирибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ, опажонгинам,— деди синглиси,— ҳикоянгни қандай яхшия.

— Э синглим,— деди Шаҳризод,— шу ҳам ҳикоями, агар шоҳим мени омон қўйсалар эртага айтадиганим бундан ҳам қизиқ.

Бу гапни эшитган шоҳ ўзича: «Ке, бугун ҳам ўлдирмай турай»,— деди.



*Тўққиз юз
йигирма олтинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— бола шоҳ ёнига келгач, салом берибди. Шоҳ ўтиришга буюрибди. У ўтирибди. «Кеча сен билан ким сўзлашганини билдингми?»— дебди шоҳ. «Ҳа»,— дебди бола. «Қани у?»— дебди шоҳ. «Мен билан ҳозир сўзлашиб турган одам»,— дебди бола. «Тўғри айтдинг, эй суюкли бола»,— дебди. Сўнг шоҳ ўз тахти ёнига ўриндиқ қўйишга буюриб, болани ўтқазиб-

ди-да, таом келтиришни буюрибди. Таомдан сўнг улар орасида суҳбат бошланибди:

«Эй вазир,— дебди шоҳ,— кеча мен билан бўлган суҳбатда Ҳинд шоҳининг макрини даф қиладиган тадбирлар ҳақида гапирган эдинг. Унинг қора ниётларидан сақланиш чораси қандай? Менга шуни айтиб бер, мамлакат идораси масласида сени биринчи маслаҳатчим ва вазим қилиб тайинлайман. Ишорат қилган ҳар бир маслаҳатингга бўйсунаман ва олий мукофотлар инъом қиламан».

«Сенинг мукофотинг эй шоҳ, хотинларингнинг сўзига кириб отам Шимос ва бошқа вазирларни ўлдиришдир»,— дебди бола. Бу сўзни эшитгач, шоҳ хижолат бўлиб: «Эй суюкли йигит, ҳақиқатан ҳам Шимос сенинг отангми?»— дебди.

«Ҳа,— дебди бола,— Шимос менинг ҳақиқий отам, мен унинг чин ўғлиман».

Шундан сўнг шоҳ бениҳоят хафа бўлиб, кўзлари жиқ ёшга тўлибди. Худодан кечирим сўрагач: «Эй йигит,— дебди шоҳ болага.— Мен бу ишни нодонлик, хотинларнинг зарарли маслаҳати ва макрлари-

га алданиб қилдим. Мендан шу гуноҳни ювиб ташлашигини сўрайман. Мен сени отанг ўрнига вазир қилиб тайинлайман. Агар бошимизга тушган бу қайғу кўтарилиб кетса, мен сенга олтин хилъат бағишлайман. Энг олий от миндираман ва жарчи сенинг олдингда: «Бу муборак йигит шоҳдан сўнг иккинчи тахт эгаси бўлади»,— деб жар солишга буюраман. Сен айтганинг хотинлар ҳақида эса, улардан ўч олишни дилимда сақлайман ва худо хоҳлаган вақтда уни бажараман. Менинг кўнглим тинчиши учун ўз тадбирларингни айтиб беришингни сўрайман». «Айтганларимга қаршилиқ қилмаслигинг учун олдин менга сўз бер, токи мен қўрқаётган хавфдан хотиржам бўлай»,— дебди бола. «Бу мен билан сен ўртамиздаги нудо аҳлдир,— дебди шоҳ сўзида давом этиб,— мен сенинг сўзингдан чиқмайман, сен менинг ёнимда ягона маслаҳатчимсан. Қачон нимани буюрсанг бажараман. Бу сўзларимга улуғ тангрининг ўзи гувоҳдир». Шундан кейин йигитнинг кўнгли ёришиб, сўзлай бошлабди: «Эй шоҳ, менинг назаримда, бу ишнинг чораси шундай,— дебди бола,— хат келтирган киши тайинланган кунни жавоб сўраб ёнингга келади. Бошқа бир кунга ваъда қилиб уни қайтар. Шу вақт у, менинг шоҳим маълум муддатни кўрсатиб муҳлат берган-ку!— деб ялинади, сен уни рад қил-да, бошқа бир кунни тайинла, лекин у кунни аниқлама, у сенинг олдингда хафа бўлиб чиқади-да, халқ орасида: «Эй шаҳар аҳллари: мен Қуйи Ҳинд шоҳининг чопариман, шоҳимиз бениҳоят тоширак, темирни эритадиган ўткир ғазабдир. Бу шаҳар шоҳига мактуб топшириш учун мени юбориб, муҳлат тайинлади. Тайинланган кунимда жавоб келтирмасанг, қаттиқ жазоланасан деб буюрган эди. Мен бу шаҳарга келиб, шоҳга мактубни топширдим. Шоҳ хатни ўқиб, уч кун

Ўтгач жавоб беришга ваъда қилувди. Мен унинг ҳурмати учун, рози бўлувдим. Уч кун ўтди. Ундан жавоб сўраб борсам, у менга яна бошқа муҳлат белгилади. Мен бунга чидаб туrolмайман. Ўз шоҳим ҳузурига қайтиб унга воқеани билдираман. Эй халойиқ, шоҳ билан менинг орамдаги ишга сизлар гувоҳдирсизлар»,— деб жар солади. Унинг бу сўзини сенга етказдилар, сен унга одам юбориб чақиртир-да, яхшилик билан: «Эй ўз ҳалокатига шошилувчи элчи, одамлар орасида бизни таҳқир қилишга сени нима мажбур қилди? Ҳеч шубҳасиз, сен тезлик билан ўлдирилишга лойиқ бир иш қилдинг. Лекин қадимги дснишмандлар: «Гуноҳни кечириш улуғлик белгиларидандир»,— деганлар. Хат жавобини бизлар кечиктираётганимизнинг сабаби бизларнинг кучсизлигимиздан эмас, ишимиз кўплигидан, шоҳингизга жавоб ёзиш учун бўш вақтимизнинг камлигидандир, дегин. Сўнг хатни сўраб, иккинчи қайта ўқи. Ўқиб бўлгач, хохлаб кул ва элчидан: «Яна бошқа хатинг борми. Унга ҳам жавоб ёзайлик»,— дегин. Элчи: «Менда бундан бошқа хат йўқ»,— деб жавоб беради. Унга сен бу саволни икки-уч қайта такрорла. У: «Менда сира бошқа хат йўқ»,— деб жавоб беради. Шунда сен: «Бизнинг гашимизни келтириб, аскаримиз билан унга ҳужум қилиб шаҳрини қўлга олишимиз керак бўлган бир хатни ёзибди. Демак, шоҳларингизнинг ақли йўқ экан. Лекин биз бу одобсизлиги учун биринчи бор жазо бермаймиз. Чунки у ақли қисқа, калтафаҳм экан. Бизнинг улуг қудратимизга муносиби, аввал уни оғоҳлантиришдир. Бу хил аҳмоқликни иккинчи қайта қилмаслиги учун ҳушёрлантирамиз. Агар ўзига келмай, бу хил ишни такрорласа, ўзини ўзи тезда балога учратишга лойиқ бўлади. Мен гумон қиламанки, сени юборган шоҳ билимсиз, ишнинг охирини ўйламайди-

ган аҳмоқдир. Шу билан бирга унга йўл кўрсатадиган пухта фикрли, ақлли вазири ҳам йўқ экан. Агар шундай бўлмаганда, бу хил масхара хатни юбормасдан олдин у билан маслаҳатлашар эди. Лекин мен унга ўзининг хати сингари, балки ундан ортиқроқ масхара хати ёзаман. Унга жавоб ёзишни бирор мактаб боласига топшираман дегин-да, одам юбориб мени чақиртир. Мен олдинга келгач, ўқиб кўриб, хатга жавоб ёзишни менга топшир».

Боланинг фикри маъқул тушиб, шоҳнинг кўнгли ёришибди. Катта инъомлар бериб, уни отасининг мартабасига кўтарибди.

Тайинланган уч кун муҳлат ўтгач, чопар келиб, шоҳ бинига кирибди-да, хатга жавоб сўрабди. Шоҳ эса бошқа бир муҳлат тайинлабди. Бола айтганидек чопар халқ ўртасида шоҳ шаънига нолойиқ сўзлар айта бошлабди. Гузарга бориб: «Эй шаҳар аҳллари, мен сизларнинг шоҳингизга Қуйи Ҳинд шоҳи томонидан нома келтирган элчиман,— дея одамларга хитоб қила бошлабди,— у хат жавобини чўзаётир. Бизнинг шоҳимиз тайинлаган муҳлат ўтиб кетди. Сизлар бунга гувоҳ бўласизлар».

Элчининг бу сўзи шоҳга етгач, унга одам юборибди. У ҳузурига келгач, шоҳ: «Эй ўз ҳалокатига шошилган элчи,— дебди,— сен бир шоҳдан иккинчи шоҳга яширин нома элтувчи чопарсан, холос. Шоҳлар сирини ошкор қилишга сенинг нима ҳақинг бор? Бу ишинг билан сен жазога лойиқ бўлдинг. Лекин у аҳмоқ шоҳга жавоб олиб боришинг зарур бўлганлиги учун сени кечирамиз. Аслида биз унга жавоб қайтармаслигимиз лозим. Лекин, сен жавоб элтишинг керак бўлгани учун майли. Аммо унга жавоб ёзишни энг кичик бир мактаб боласига топширамыз». Шундан кейин шоҳ у болани чақиришга буюрибди. Бола шоҳ

олдига кирганда, элчи ҳам шу ерда ўтирган эди. Бола худо ҳурмати учун мук тушиб шоҳга доимий бахту давлат тилабди. Шу вақт шоҳ хатни болага ирғитиб: «Сен бу хатни ўқи-да, тезлик билан жавоб ёз»,— дебди. Бола хатни олиб ўқиб кулибди-да: «Шу хатга жавоб қилиш учун менга одам юбордингми?»— дебди. «Ҳа»,— дебди шоҳ. «Фармойишинг бош устига». Бола шундай дебди-ю, сиёҳ, қалам олиб, хат ёза бошлабди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
дигирма еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод,— бола хатни ўқиб, шу он қоғоз-қалам олибди-да,

қуйидагича жавоб ёзди:

«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ҳаммага тинчлик ва осойишталик бағишловчи тангрига олқишлар бўлсин. Саломдан сўнг, эй номи билангина улуг шоҳ, сенинг хатинг бизларга келиб тегди. Ўқиб, ақлга сигмас, бениҳоят тутуриқсиз мазмунини тушундик. Сенинг нодонли-

гинг ва йўлдан озган душманлигингни аниқладик. Наинки, сен кучинг етмас нарсаларга қўл чўзибдирсан. Агар, биз худо бандалари — халойиққа раҳм қилмаганимизда, юртингга бостириб киришни кечиктирмаган бўлур эдик. Сенинг элчинг бозор ўртасига чиқиб, сенинг хат-хабарларингни ҳаммага тарқатди ва бу қилмиши билан у катта жазога лойиқ бўлди. Лекин биз унга жазо бермадик. Сен учун кечирдик. Унга жазо бермаслигимиз сендан қўрққанимиз учун эмас, унга раҳимимиз келгани учундир.

Энди сен хатда ёзганингча, мен ўз вазирларим, олимларим ва ҳукмдорларимни ўлдирганлигим хусусига келсак, бу тўғри. Аммо, бунинг сабаби бор. Мен агар бирорта олимни ўлдирган бўлсам, ундан кўра ақллироқ, серфаҳхроқ минг-мингаб олимларим бор. Менда ёш гўдаклар ҳам ҳар хил илмларни эгаллаган олимдир. Ўлдирилганларнинг ҳар бири барабарига сонунаноқсиз етук фазл эгалари бор. Менинг аскарларимнинг ҳар бири сенинг бутун ҳарбий бўлимингга қаршилиқ кўрсата олади. Энди мол-дунё тўғрисига келсак, менда олтин-кумушлар хирмон-хирмон, маъданларни эса ердаги тошчалиқ қадри йўқ. Мамлакатим халқларига келсак, мен сенга улар кўркини, зебо кўринишини, бойлигини мақташдан оғизман. Шу ҳолда сен қандай қилиб ўз ҳаддингдан ошиб, менга «Дарё ўртасида сарой бина қил!» деб фармон беришга журъат қилдинг. Бу жуда ҳайрон қолдирарлик воқеадир. Эҳтимол, бу сенинг камоли бетамизлигингдан келиб чиққандир. Чунки агар сенда ақл бўлса, мен сенга сарой қургунча қайта-қайта рўй берувчи тўлқин ва бўронларни озгина бўлса ҳам тушунар эдинг. Сен мени енгаман деб хомтама бўлибсан. Худо у кунни кўрсатмасин. Сенга ўхшашлар қандай қилиб бизга тажовуз қилади-ю, қандай қилиб галаба қозонади. Балки худо сенинг бу ҳақсиз, аҳмоқона тажовузкорлик ва босқинчилик ҳаракатинг учун бизларга бўйин эгдириб, шарманда қилади. Билгилки, сен худодан ҳам, мендан ҳам жазоланишга лойиқ бўлдинг. Лекин, мен худодан ва халқингдан қўрқаман. Фақат дастлаб сени огоҳлантиришдан сўнггина сенга қарши отланаман. Агар худодав қўрқсанг, бу йилги хирожни юборишни тезлаштир. Бўлмаса, сенга қарши юриш қилишдан қайтмайман. Мен билан бирга миғ-миғ аскарлару юз миғ фил минган саркар-

далар боради. Уларни ўз вазири атрофига тизиб қўяман. Сен элчинга берган уч кунлик муҳлат бараварига уч йилгача муҳосарада қолдиришга буюрман. Мамлакатингни забт қиламану, лекин сендан бошқа ҳеч кимни ўлдирмайман. Сенинг ҳарамингдан бошқа ҳеч кимни қўлга олмайман».

Сўнг бола хатга ўз расмини чизиб, бир чеккасига: «Бу хат энг кичик мактаб боласи томонидан битилди»,— деб ёзибди-да, буклаб шоҳга топширибди. Шоҳ эса элчига тутқазибди. Элчи хатни олиб, шоҳ қўлини ўпиб, худога шукур қилибди. Шоҳнинг юмшоқ кўнгиллиги учун унга миннатдорлик билдириб йўлга тушибди. У юрти томон борар экан, боланинг донолигига таҳсин ўқибди.

Элчи шоҳ ёнига тайинланган уч кунлик муддатдан уч кун кейин кириб борибди. Элчининг кечикиб қолганидан ташвишланиб, шоҳ шу кун вазирлар кенгашини чақирган экан. Элчи шоҳ ҳузурига киргач, унинг ҳурматига тиз чўкиб, мактубни тақдим қилибди. Шоҳ хатни олиб кечикиш сабабини сўрабди. Элчи эса унга ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитган ҳамма воқеаларни бирма-бир айтиб берибди. Шоҳнинг ақли шошиб элчига: «Ҳайф сенга эй элчи,— дебди,— ўша шоҳ тўғрисида айтаётган бу гапларинг ёлғон». «Эй ҳурматли шоҳ,— дебди элчи жовдираган кўзларини шоҳга тикиб,— менга ишонмасангиз, қўлингиздаги хатни ўқинг, ёлғондан ростни аниқлаб олиш осон бўлади».

Шу вақт шоҳ хатни очиб ўқибди. Уни ёзган бола суратини кўриб, давлатдан ажрашига кўзи етибди. Келгусида нима ишлар бошига келиши уни ҳайратга солибди ва мажлис аҳлига воқеани айтиб, хатни ўқиб берибди. Улар ниҳоятда қаттиқ қўрқибдилар. Вазирлар эса ҳар хил сўзлар билан шоҳга далда беришга

ҳаракат қилар эдилар. Ҳаммаларининг ҳам диллари изтиробдан пора-пора эди. Бош вазир Бадиъ: «Эй шоҳ, биродарларим вазирлар сўзларидан фойда йўқ. Менинг фикримча, сен у шоҳга хат ёз-да, узр айт, ўзингни у шоҳга, ундан олдин унинг отасига дўст эканингни тушунтир. Юборилган бу хат унинг мақсадини, унинг ғайрат ва жасоратини синаш, унинг билимини, амалий ишларини, яширин сирларини тушуниш ва бошқа ишлардаги етуклик даражасини билиш мақсадида ёзилган эди, дегин. Биз улуғ тангридан давлатингнинг улғайиши, ҳукмронлигингни сақлаш, халқингнинг ишларига муваффақият тилаб, давлатинг зиёда бўлишини сўраймиз, деб хатни бошқа бир чопардан юбор»,— дебди. «Худоё тавба, бу таажжуб,— дебди шоҳ,— олим ва йўл-йўриқ кўрсатувчи ёрдамчиларини, ҳатто лашкарбошиларини ўлдирганидан кейин қандай қилиб, у бошқа шоҳлар билан жанг қила олади-ю, қандай қилиб унинг мамлакати обод бўлади. Унда шунча улуғ куч қайдан топилади. Ҳаммадан ҳам қизиғи шундаким, мактаб боласи шоҳ номидан шундай ажиб бир жавоб ёза олади. Афсуски, мен суқлик қилиб ўзимни ва мамлакатим аҳлларини шундай ўтга ташладим. Бу ўтни энди шу вазиримдан бошқа ҳеч ким ўчира олишига ақлим етмай қолди».

Шоҳ қиммат баҳо буюмлар билан бирга кўпгина қарол ва хизматкорларни туҳфа йўсинда ҳозирлаб, қуйидагиларни ёзди:

«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Саломдан сўнг эй менинг қимматли биродарим шоҳ Жилиод ўғли ҳурматли шоҳ Вирдхон. Бизларга жавоб хати келиб тегди. Хатни ўқиб, беҳад шодландик. Бизнинг сенга худодан сўраган тилагимиз шу эди. Худодан мартабангнинг баланд бўлишини, давлатингнинг барқарор

бўлишини, сенга кўз тиккан ғанимларнинг шармисор бўлишини сўраймиз.

Билгил, эй шоҳ, отанг менинг яқин биродарим эди. Унинг даврида орамизда қанчадан-қанча аҳду паймонлар бўлган. У бизлардан доим фақат яхшилик кўрган, биз ҳам худди шундай ундан доим яхшилик кўрганмиз. Отанг ўлгач, шоҳлик тахтига сен ўтирдиг. Бизлар бениҳоят шодландик. Лекин вазирларнинг ва ҳукмдорларнинг хусусидаги хабарларни эшитгач, бу хабар биздан бошқа шоҳга етса-ю, бошини ташвиш тушмаса, деб қўрққан эдик. Биз сени мамлакат аҳволини яхшилаш, қўрғонларни эҳтиёт сақлаш, давлат ишларига эътибор бериш борасида бе-парво деб гумон қилиб, оғоҳлантириш мақсадида уш-бунни ёзган эдик. Бундай жавобингни ўқиб, сендан кўнглимиз тинчиди. Худо сенга шоҳлигини билан даври даврам сурғини насиб қилсин. Тамом». Шундан сўнг шоҳ Вирдхонга тухфалар ҳозирлаб уни юзта баҳодирлари билан жўнатибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққаз юз
йилгач
вақтинини
неча*



й, саодатли шоҳ,— деб деб давом этди Шаҳризод,— Қуйи Қинд шоҳи, шоҳ Вирдхонга совғалар тайёрлаб, юзта баҳодир билан жўнатибди. Улар бир неча кун йўл юриб, шоҳ Вирдхон ҳузурига етишгач, ёнига кириб, салом берибдилар-да, мактубни топширибдилар. Шоҳ хатни ўқиб, мазмунига тушунибди. Тухфаларини қабул қилиб, баҳодирлар бонлигини муносиб жойга ўтқазибди. Бу воқеа тўғри-

сидаги хабар халқ орасига тарқаб кетибди. Бениҳоят шодланган шоҳ Шимоснинг ўғлини чақиринишга одам йўллабди. Болани шоҳ ҳузурига келтирибдилар. Сўнг шоҳ юз баҳодирлар саркардасидан шоҳдан келтирган хатни олиб болага топширибди. Бола хатни очиб ўқибди. Буни эшитган шоҳ ниҳоятда севиниб, саркардадан ўпкалай бошлабди. У шоҳ қўлини ўпиб, узр айтибди. Шоҳга доимий бахту саодат ва абадий нозу неъматлар тилаб дуо қилибди. Бунинг учун шоҳ худого миннатдорлик билдирибди. Шоҳ саркардага ва у ерда ҳозир бўлган ҳамма одамларга муносиб совғалар инъом қилибди-да, болани жавоб ёзишга буюрибди. Шу вақт бола қисқа, лекин келишувга чақирувчи, ниҳоят таъсирли бир хат ёзиб шоҳга узатибди. «Ўқи, эй ҳурматли ўғлим, хатда нималар ёзилганини билайлик»,— дебди шоҳ. Шу вақт бола у ердаги баҳодирлар ҳузурига хатни ўқибди. Шоҳ ва у ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, хатнинг ёзилиш тартиби ва чуқур маъносига ҳайрон қолишибди. Бола хатни шоҳга топширибди. Шоҳ эса уни баҳодирлар саркардасига берибди. Элчи йўлга тушибди. Шоҳ эса уларни ўз мамлакати чегарасидан ўтказиб, кузатиб қолиш учун бир тўда аскарларни ҳамроҳ қилибди. Энди юз баҳодирлар бошлиғи — саркарда тўғрисига келсак, боланинг билими ва тадбиркорлиги унга ҳайратга солибди. Ишнинг осон битгани, шоҳнинг келишувга рози бўлгани учун у худого шукур этибди. У ўз юрти томон йўл олиб, ниҳоят, шоҳ ҳузурига келибди-да, тухфа ва тортиқлар билан бирга хат жавобини топширибди. У ерда кўрганларини айтиб берибди. Буни эшитиб Қуйи Ҳинд шоҳи бениҳоят шодланиб, худого шукур қилибди. Саркардани ҳурматлаб жасоратига таҳсин ўқибди ва хизмат даражасини оширибди.

Энди шоҳ Вирдхон тўғрисига келсак, у ҳақ йўлини

тутиб ёмон йўлдан қайтибди. Худога ситқи дилдан тавба қилиб, хотинларини бутунлай унутибди. Бутун эътиборини давлат ишларини тузатишга қаратибди. Худодан қўрқиб, халқларига яхши муносабатда бўлибди. Болани эса отаси Шимос ўрнига мамлакатнинг бош вазири қилиб тайинлабди. Ҳамма шаҳарларни безаб, етти кун тантана қилишни буюрибди. Мамлакат бошидан хавфу хатар кўтарилибди. Халқ шоҳнинг адлу инсофга келганидан шодланиб, уларни ташвишдан қутқарган вазирни дуо қила бошлабдилар. Бир куни шоҳ вазирдан сўрабди:— Давлатни мустаҳкамлаш, халқ ҳаётини яхшилаш учун сенинг фикрингча нималар қилиш керак?

«Эй буюк мартабали, ҳурматли шоҳ,— дебди вазир бола,— дастлаб сен дилингдаги гуноҳларни бутунлай совуришинг, ноҳақ ҳужум, хотинларга ортиқ яқинлашиш каби бемаъни ҳаракатларингни йўқотишинг зарур. Чунки сен асосий гуноҳ ишларингни қайтадан бошласанг, унинг оқибати биринчисиникидан кўра ёмонроқ бўлади».

«Мен тарк этишим керак бўлган асл гуноҳ деганинг қайси?»— дебди шоҳ. «Эй улуғ шоҳ,— дебди ўзини, аммо ақли етук вазир,— хотинлар ҳаваёсига эргашшиш, уларга рағбатланиш, улар фикрини, улар маслаҳатини қабул қилиш гуноҳнинг асли ва бошидир. Чунки бу нарса тиниқ ақлни хиралаштиради. Соғлом табиатни бузади. Бу сўзларимни аниқ далиллар ишботлайди. Бу ҳақда ўйлаб кўриб, диққат билан назар солсанг, ўзингга ўзинг йўл топасан. У вақт менинг сўзларимга ҳеч бир ҳожат қолмайди. Бас, уларни дилингдан тамом чиқариб ташла. Улар руҳсоридан кўнглингни уз. Чунки, улуғ тангри хотинлар билан муносабатни кўпайтирмасликни, ўз пайғамбари Мусо алайҳиссалом орқали буюргандир. Эй шоҳ, агар адо-

латли, етук шоҳ бўламан десанг, хотинлар билан муносабатни кўпайтирма. Чунки, у дилингни бузади ва фикрингни чулғатади. Улар билан тез кўришиш, улар муҳаббатини қўзғатади, бу эса кишини бузишга элтади. Бунга пайғамбаримиз Довуд алайҳиссалом билан ўғиллари Сулаймон алайҳиссалом ўрталарида юз берган воқеа далилдир. Худо Сулаймон алайҳиссаломга ҳеч кимга насиб қилмаган илм, ақл ва давлат берди. Шундай ҳолда Сулаймон алайҳиссалом хотинлар туфайли отаси олдида гуноҳкор бўлди. Бу хил мисоллар кўп, эй улуғ шоҳ, лекин мен атайлаб Сулаймон пайғамбарни мисолга олдим. Чунки ҳеч ким унингдай улуғ давлатга эришмаган ва унга бутун ер юзи одамлари бўйсунган эди».

Унинг сўзларини эшитган шоҳ: «Аёл жинсига бўлган рағбатимни тарк этдим!»— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
йигирма
тўққизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Шоҳ Вирдхон вазирига:

«Аёлларга бўлган рағбатимни мутлақо тарк этдим. Лекин, эй вазири аълам, хотинларнинг қилган гуноҳларига қандай жазо беришим керак? Сенинг отанг Шимосни ўлдиришга ҳам улар сабабчи бўлди. Менинг мақсадим бундай эмас эди. Ақлим қандай йўл бериб, уни ўлдиришга рози бўлганимни ўзим билмайман,— дебдида,— эсиз-эсиз шундай тўғри фикрли, тадбиркор вазирим, ақлли, билимдон давлат бошлиқларим»,— дея фарёд кўтарибди.

«Билгил, эй шоҳ,— дебди вазир,— гуноҳ фақат хотинларда эмас, чунки улар кўрганларни суқлантирувчи бир чиройли асбобдирлар. Хоҳлаган киши уни сотиб олади, хоҳламаган киши йўқ. Олишга биров уни мажбур қилмайди. Айбнинг ҳаммаси сотиб олувчида. Хусусан, унинг зарарли эканини билиб турган кишидадир. Ҳозир мен таъкидлаётганим каби мендан олдин отам ҳам сени бу йўлдан қайтарган, лекин сен ўзинг унамагансан, унинг насиҳатларига қулоқ солмагансан».

«Сен айтгандек, гуноҳ менда, мен бунга иқрорман, эй вазир,— дебди шоҳ,— ўзимни оқлашга ўрин йўқ. Лекин ҳаммаси худонинг хоҳишига мувофиқ бўлган». «Билгил, эй шоҳ, худо бизларни яратиш билан бирга бизга хоҳиш ва ихтиёр ҳам ато қилди. Агар бир ишни истасак қиламиз, истамасак қилмаймиз,— дебди вазир,— худо бизга гуноҳ орттирувчи, зарарли ишлар қилишни буюрмаган. Бас, биз қандай ишлар яхши-ю, қайси бири ёмонлигини ҳисобга олишимиз зарур. Худо бизга ҳар қандай шароитда ҳам фақат яхши ишлар қилишни, ёмон ишлардан қайтишни буюрган. Биз хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин, ҳар бир ишни ўз ихтиёримиз билан қиламиз».

«Тўғри айтдинг,— дебди шоҳ,— менинг хатоларим менинг ўзимдан, яъни ҳузур-ҳаловатга берилганимдан келиб чиқди. Мен ўзимни бир неча бор ундан қайтардим, марҳум отанг Шимос ҳам бир неча марта қайтарди. Лекин мендаги ҳавас ақлимни енгиб кетди. Мана шу хатодан қайтариб қоладиган бирор чора йўқми, токи ақлим ҳавасимни енгса?» «Бор,— деди вазир,— бу хатодан қайтарадиган нарса шуки, жоҳиллик тўнини ечиб, адолат тўнини киясан. Нафсингга эргашмай, унга қарши турасан-да, яратган тангрига бўйсунасан. Отанг каби адолат билан иш кўрасан.

Худо томонидан, халқинг томонидан бўйинингга юк-ланган вазифаларни бажаришга тиришасан. Динингни, халқингни, ўз ахлоқингни сақлашга ҳаракат қиласан, халқингни ўлдиришдан сақлайсан, ҳар ишнинг оқибатини ўйлайсан. Зулм қилиш, жазолаш, фаҳш ва бузуқ ишлар қилишдан сақланиб, яхши ишлар қилиш, адолат билан ишлаш, одамлар билан ёқимли муомала қилишга тиришасан. Худо буйруқларидан заррача четланма. Худо яратган халқларга ғамхўр, шавқатли бўл. Чунки, уларнинг ишларини назорат қилиш сенга юкланган. Сен ҳар вақт улар миннатдор бўладиган ишларни қил. Шундай бўлсанг дилинг тоза бўлади, худо сенга марҳамат назари билан қарайди, сени кўрганлар ҳурматингни орттиради. Душманларингни поймол қилади. Аскарларингга жасорат ато қилади. Ишларинг худога манзур бўлади. Ўзинг халқ орасида шукуҳли ва севимли бўласан».

«Ёқимли сўзларинг билан менга жон бағишладинг, дилимни ёритдинг, юмилган кўзимни очдинг. Эй вазир,— дебди шоҳ,— ҳамма айтганларингни худо хоҳласа амалга ошираман. Ўзимга боғлиқ фисқу фужур ва ҳузур-ҳаловатга берилишни ташлайман. Ўз жонимни танқисликдан кенгликка, қўрқувдан тинчликка чиқараман. Сен шодланишинг мумкин, ёшим катталигига қарамай, сенга ўғил бўлдим. Сен ёшинг кичиклигига қарамай, менга меҳрибон ота бўлдинг. Энди мен буйруқларингни бажаришга тиришишим зарур. Мен худо марҳаматига, сенинг меҳрибонлигингга шукур қилишим керак. Чунки улуг тангри сен орқали менга беҳисоб неъматлар ва тўғри йўл кўрсатди ва менга ғам-аламлардан қутқазувчи соғлом фикр ато қилди. Халқим тинчлиги сенинг қўлингда, сенинг билиминг ва уста тadbиринг туфайли юзага келди. Ҳозир мамлакатим ишларини йўлга солувчи

бирдан-бир маслаҳатчимсан. Мен тахт эгаси сифатида фақат кўринишдагина сендан юқориман. Сенинг ҳар бир ишинг мен учун зарур бир қондадир. Сен ёш бўлсанг ҳам, бирор сўзингни қайтарувчи йўқдир. Сабоби, сенинг ақлинг етук. Билиминг ортиқдир. Мен ҳалокатга элтувчи қинғир йўлга кирганимдан сўнг, сенга йўлиқдим, сен эса мени тўғри йўлга бошладинг. Бунинг учун худога шукур қиламан».

«Эй саодатли шоҳ,— дебди вазир,— билгилки, менинг сенга кўрсатган йўлларимдан мақтовлик ҳеч нарса йўқ, бу ишлар менгагина эмас, мендан олдин отамга қилган парваришларинг бараварига қилишим лозим бўлган яхшиликларнинг бир қисмигина, холос. Биз, ҳаммамиз сен қилган яхшилик ва ғамхўрликларингга иқрормиз. Сен бизларнинг боғбонимиз ва шоҳимизсан. Душманларимизни бизлардан даф қилиш, бизларни муҳофазат қилишга тайинланган ҳукмдоримиз, чўпонимиз, бизларнинг тинчлигимиз учун ҳар қандай қийинчиликдан тортинмай тиришувчи меҳрибонимизсан. Бас, шундай экан, қандай қилиб биз сен кўрсатган меҳрибонликларга иқрор бўлмаймиз. Йўлингда ҳатто жонимизни берсак ҳам сенинг олдинда қарздормиз. Лекин сени бизга ҳукмдор валий қилган ўша улуғ тангрига ёлвориб сўраймизки, сенга узоқ умр ва барча ишларингда муваффақият ато қилсин. То ҳаётсан, эътиборинг баланд бўлсин. Ҳамма олимлар сенга эргашсин, пирлар мадакдор бўлсин. Мамлакатинг олимлар ва довюралар мамлакати бўлсин. Жоҳиллик ва қўрқоқлик барҳам есин. Кулфат ва аламлар кўтарилсин. Халқлар ўртасида дўстлик ва меҳрибонлик авж олсин. Худо ўзининг беқиёс шафқати ва муруввати ҳамда олижаноб марҳамати билан бу дунёда сенга ҳамиша нажоғ берсин, у дунёнгни обод қилсин. Улуғ тангри ҳар нарсага қодирдир».

Ундан бу дуони эшитгач, шоҳда бениҳоят улуғ шодлик ҳосил бўлди. Унга бўлган меҳр-муҳаббати ортти-да:

«Эй вазир, сен менинг наздимда биродар, ўғил ва ота даражасига етдинг. Мени сендан ўлимдан бошқа ҳеч нарса ажрата олмайди. Қўлимдаги бор мол-мулк ва давлатни сен тасарруф қила оласан. Агар ўз авлодим бўлмаса, мен ўлгач ўрнимга мамлакатимда сендан муносиброқ одам йўқ. Мен ўз давлатимни мамлакат улуғлари ҳузурда сенга топшираман. Худо хоҳласа, албатта, сени ўзимдан сўнг мамлакатимга ворис қилиб қолдираман.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўттизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб лавом этди Шаҳризод.— Шоҳ Вирдхон вазир Шимоснинг ўғлига: «Сени ўз ўрнимга ўзимдан сўнг валиаҳд қилиб тайинлайман. Худонинг ёрдами билан бу ишга бутун давлат бошлиқларини гувоҳ қилиб тасдиқлатаман»,— дебди-да, котибини чақириб, бошқа ҳамма амалдорларни ўз ҳузурига ташриф қилишни буюрибди. Шаҳарда бор ҳамма катта-кичиклар, амирлар, ҳарбий бошлиқлар, сарой бошлиқлари, шунингдек олимлар, донишмандлар ва бошқа давлат арбоблари шоҳ ҳузурига тўпланишга амр қилинибди. Улар келгач, шоҳ ҳеч кўрилмаган катта зиёфат қилибди. Тўпланганлар бир ойгача шу ерда ейишиб, ичишгандан сўнг мамлакатнинг ҳамма аъёнлари ва фақирларига тўнлар тақдим этибди. Олимларга катта совғалар улашибди. Шун-

дан сўнг уларни, ибни Шимос билан таништирмоқчи бўлиб, унинг ёнига кирибди-да, ўзи бошлиқ вазирлар лавозимида ишлатиш учун бу олимлардан танлаб олишни буюрибди. Ибни Шимос улар ичидан ёши жиҳатидан катта, ақл томондан етук, фаҳму фаросатда зийрак ва тийрак, олижаноб кишилардан олтитасини мўлжаллаб шоҳга тақдим қилибди. Шоҳ уларга вазирлик тўнларини кийгизиб, дебди:

— Сизлар бош вазирим ибни Шимос қарамоғида бўласиз. Ибни Шимос гарчи сизлардан ёш бўлса ҳам, сиз унинг барча сўзларига ва барча фармонларига бўйсунингиз, ҳеч қачон унинг амридан чиқмаслингиз керак. Чунки ақлда у сизлардан улугдир.

Сўнг шоҳ уларни вазирларга хос зийнатли ўриндиқларга ўтқазиб, маош тайинлабди. Шундан кейин шоҳ тўпланган давлат арбоблари орасидан ҳарбий хизматга мос минг боши, юз боши, ўн бошилар айириб, уларга ҳам маош тайинлабди. У ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммасига ҳам шоҳ алоҳида мукофотлар бериб, уларни ўз жойларга иззат ва ҳурмат билан кузатиб қўйишларини буюрибди. Шоҳ халққа марҳаматли бўлишлари, адолат билан иш кўришлари тўғрисида амалдорларга кўрсатмалар берибди. Хизмат даражаларига яраша хазинадан фойдаланишларига рухсат берибди. Вазир шоҳнинг давлати узоқ ва доимий бўлишини тилаб дуо қилибди. Шоҳ шаҳарни безаб, уч кун тантана қилишни буюрибди. Тангри унга инсоф бергани учун кишилар худога миннатдорлик билдирибди. Шоҳ билан вазир ибни Шимоснинг мамлакат тартиби ва унинг амалдорлари тўғрисидаги воқеа ана шу.

Энди ўз ҳийлалари билан вазирларни ўлдиришга, мамлакатни бузишга сабаб бўлган шоҳнинг суюкли никоҳсиз хотинларига келсак, шаҳар ва қишлоқлар-

дан йиғинга келганлар ўз жойларига қайтиб ўз ишларига киришгач, шоҳ ёшда кичик, аммо ақлда катта вазир ибни Шимосга, ҳузурига ҳамма вазирларни чақиришни буюрибди. Ҳаммалари қасрга киришгач, шоҳ бир оз жим қолиб, сўнг: «Билинглар, эй вазирлар,— дебди,— мен тўғри йўлдан адашиб, нодонлик ботқоғига ботган эдим, фойдали ўғитлардан юз ўғириб, отам ва эл олдидаги ваъдаларимни бузган эдим. Менга ўғит берувчиларга қулоқ солмай, уларга оғир жазо берган эдим. Буларнинг ҳаммасига шу хотинлар билан кўнгил очишим, уларнинг алдашларига ишонишим сабаб бўлди. Уларнинг ёқимли ва майин сўзларини, самимий ўғитлар деб гумон қилган эдим. Билсам, у ҳалок қилувчи заҳар экан. Ҳозир аниқ бўлдики, улар мени ўлдириш ва ҳалок қилишни истаган эканлар. Шунинг учун булар, мен томондан адолат билан жазоланиш ва азобланишга лойиқдирлар. Токи одамлар ибрат олсинлар. Уларга муносиб жазо беришда сизларнинг маслаҳатларингиз қандай?»

«Эй улуғ мартабали шоҳ,— дебди вазир ибни Шимос,— мен илгари айтганимча гуноҳ фақат хотинлардагина эмас, балки хотинлар ва уларга эргашувчи эрлар орасида муштаракдир. Лекин хотинлар ҳар ҳолда икки жиҳатдан жазоланишга лойиқдирлар. Биринчидан, улар сенинг буйруқларингни бажаришлари зарур эди. Чунки сен улуғ шоҳ эдинг. Иккинчидан эса, улар сенга қарши сўзлашга журъат этиб, сени алдаганлар, ўзларига дахлсиз ишга аралашганлар. Шунинг учун улар ҳалок бўлишга лойиқ гуноҳ қилганлар. Лекин ҳозирча уларга тушган шу зарбанинг ўзи етарлидир. Ҳозирдан бошлаб уларни чўрилар қаторига кирит, холос, бундан бошқача жазо ихтиёри ўзингда».

Бошқа вазирлар ҳам ибни Шимос сўзлагандек

маслаҳат берибдилар. Аммо, вазирлардан бири шоҳ қаршисида ер ўпиб: «Улуғ тангри шоҳ умрларини узоқ қилсин,— дебди.— Агар бу хотинлар ўлдирилдиган бўлса, мен айтганимча иш кўрмоқ мақбулдир». «Масалан қандай»,— дебди шоҳ. «Суюклиларингиздан бирига,— дебди у,— сизни йўлдан оздирган хотинларни олиб, вазирлар ва донишмандлар ўлдирилган уйга киритиб қамашни буюриш керак-да, ҳалок бўлмасликлари учун уларга озгина озиқ-овқат бериб, у ердан чиқишга сира йўл қўймаслик керак. Уларнинг ҳаммаси то ўлиб битгунча қимирлатмай, ўша ерда қолдира бериш керак. Менинг фикримча, уларга бу энг кичик жазодир. Чунки, улар шунча катта ташвиш ва тинчсизликларга сабаб бўлганларки, асти қўя беринг. Ҳозирги турли кулфат ва ташвишларнинг асосий сабабчиси шулар бўлса ҳам эҳтимол. «Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан»,— деган мақол шуларга мосдир».

Вазирнинг бу фикри шоҳга маъқул тушиб, тош юрак тўртта хотинни чақирибди-да, гуноҳкор хотинларни уларга топширибди. Улар бу хотинларни ўлим уйига киритиб қамашибди ва жуда оз ва бемаза егулик, ичкулик бера бошлашибди. Ғам-аламларга тўлган аёллар ҳадларидан ошиб қилган ишларига қаттиқ ўкинибдилар, бениҳоят афсусланиб қайғурибдилар. Бу дунёда уларга худо шундай жазо бериб, охирада бундан ҳам оғир жазо тайинлабди. Уларнинг ҳаммаси қирилиб ана шу қоронғи, сассиқ уйда абадий қолиб кетибдилар.



Абуқир ва Абусир қиссаси

Ривоят қилишларича, Искандария шаҳрида икки одам ўтган экан. Уларнинг бири бўёқчи бўлиб, оти Абуқир экан. Иккинчиси сартарош бўлиб, исми Абусир экан. Сартарошнинг дўкони бўёқчининг дўкони билан ёнма-ён экан. Бўёқчи Фирибгар, ёлғончи ва ўлгудек пасткаш одам экан. Унинг афти башарасини кўрган киши катта тошдан атайлаб ясалган



хайкал шаклини эслар экан. У ҳар қандай шармандалик қилишдан сира тортинмас экан. Унга биров кийим бўягани берса, керакли дориворлар олишни баҳона қилиб, хизмат ҳақини олдиндан ундираар эканда, бошқа нарсага сарфлар ва ахири кийимнинг ўзини ҳам сотиб ер экан. У энг лаззатли овқатлар ер, энг яхши ичимликлар ичар экан.

Кийим эгаси кийимини сўраб келса, «Эртага кун чиқмасдан келиб ол»,— дер экан. Кийим эгаси ўзича: «Ҳа, майли, ораси узоқ эмас-ку»,— деб уйига қайтар ва ваъдага мувофиқ иккинчи кун келганда, бўёқчи унга: «Эртага кел, меҳмонлар келиб қолди. Меҳмон кутиш билан овора бўлиб, иш қилолмадим. Эртага кун чиқмасдан кел, кийиминг тайёр бўлади»,— дер экан. Кийим эгаси учинчи мартаба келганда эса, бўёқчи унга яна: «Эртага кел, кечаси хотинимнинг кўзи ёриб қолди. Эртага кел, албатта олиб кетасан»,— дер экан. Кийим эгаси эртаси келса, бўёқчи яна бир баҳона топиб қасам ичар экан.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўттиз биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эгаси кийимини сўраб келди дегунча, бўёқчи бирор баҳона топиб қасам ичар экан. Борди-ю эгаси келиб:

«Қачонгача эрта кел, индин кел, деб мени алдайсан, кийимни бер, уни бўятишдан кечдим»,— деса, «худо ҳақи, эй биродар, мен сенинг олдингда уятлиман, лекин на чора, сенга тўғриси айтмай иложим йўқ, чунки бировни хафа

илган кишини худо ҳам хафа қилади»,— дер экан. Узи нима бўлди, айт-чи?»— деса.

«Кийимингни жуда алламабало қилиб бўяб, ардонга осиб қўйган эдим, худо бехабарлар ўғирлаб етибди. Ким ўғирлаганини билмайман»,— дер экан.

Шундай кезларда кийим эгаси кўзи тўқроқ одам бўлса, иш осон кўчиб: «Ҳа, бўпти, худо менга еткар»,— деб, кета берар экан. Аммо, зиқна одам бўлса, бўёқчини роса ҳақорат қилиб, шармандасини лиқарар экан. Лекин, ҳокимга арз қилса ҳам, барибир ундан ундиролмас экан.

Бу сир ҳамма одамлар орасига тарқалиб кетгунда, у шу феълни давом эттира берибди. Кейинчалик кишилар билиб, ундан қочадиган бўлиб қолибди. Унинг тўғрисида ҳар хил гаплар тўқиб, одамларни ундан бездирар эканлар. Шу сабабдан, унинг иши касодга учрабди. Бекорчиликдан у ўзининг сартарош қўшнисини Абусир дўконига кириб, ўз дўконининг рўпасига ўтириб олар экан-да, у ердан биров келишини сузатиб ўтирар экан. Агар дўкони олдига унинг ҳотидан хабарсиз бирор киши келиб қолса, дарров чиқиб: «Қўлингдаги нима?»— деб суриштирар экан. «Бунини ол-да, бўяб бер!»— дер экан мол эгаси. «Қанақа рангни хоҳлайсан?»— деб сўрар экан бўёқчи ундан. Абуқир шунақа ёмон қилиқлари билан машҳур бўлса-да, ўз касбининг устаси экан. Лекин умрида бировга тўғри гапирмас экан. Шўри қуриган киши ўз соҳишини айтиши билан у молни қўлига олиб, олдиндан пул талаб қилар ва: «Молингни эртага оларан»,— деб ишонтирар экан. Мол эгаси пулни бериб кетиши биланоқ, бўёқчи уни бозорга элтар экан-да, пулига гўшт, кўкат, тамаки, мева ва бошқа нарсалар олар экан. Мол эгаси келгудек бўлса, у дарров бекинар экан.

У бир неча йиллар шу йўсинда кун кечирибди. Аммо, кунлардан бир кун у шафқатсиз бир кишининг молини ҳазм қилиб юборибди-ю балога қолибди. Мол эгаси ҳар кун эринмай уни истаб келар ва сартарош Абусир дўконига кириб, яшириниб ётган Абуқирни ҳеч учратолмай хуноб бўлибди. Уни дўкондан топа олмагач, ғазабидан қозига бориб арз қилибди-да, одам бошлаб келибди. Лекин дўконда синиқ-пиниқ тоғоралардан бошқа, унинг молини қоплайдиган ҳеч нарса йўқ эди. Қозихона вакили бир қанча одамлар гувоҳлигида дўконни сўрғичлаб, калитини олибди-да, шу ердаги қўшниларига: «Бўёқчига айтинглар, бу кишининг молини олиб, калитини олиш учун бизнинг олдимизга борсин»,— деб кетибди. «Сен нега бунақа йўлдан оздинг,— дебди Абусир Абуқирга, улар кетгач,— ким сенга нарса келтирса, сув қиласан. Бу ғазабкор одамнинг нарсаси қаёққа кетди?»

«Эй қўшним,— дебди Абуқир,— унинг нарсасини ўғри ўғирлади». «Қизиқ,— дебди Абусир,— ким сенга нарса берса, уни ўғри олади. Нима, сенинг уйинг ўғриларнинг тўпланадиган ерими? Менимча, бу гапларинг ёлғон, тўғриси айт, уни сен нима қилиб йўқотдинг?»

«Эй қўшним,— дебди Абуқир,— тўғриси айтсам, ҳеч ким мендан нарса ўғирлагани йўқ». «Бўлмаса, одамларнинг нарсаларини нима қиласан?»— дебди Абусир. «Қим ним берса ҳаммасини сотаман-да, пулини тирикчиликка сарф қиламан». «Ҳаром эмасми, ахир?»— дебди Абусир. «Нима қилай, бошқа ҳеч иложим йўқ, камбағалман. Ҳунарим бўлса касод бўлиб ётибди. Ейишга ҳеч нарсам йўқ»,— дебди. Абусир ҳам ўзининг бозори касодлигидан ҳасрат қила бошлабди: «Мен шаҳарда тенги йўқ устаман,— дебди у,— аммо камбағаллигим учун менга ҳеч ким соч

өлдирмейди. Шу ҳанаримдан жирканаётирман, эй биродар». «Мен ҳам буюқчиликдан безор бўлдим,— дебди Абуқир,— бу шаҳарнинг бизлар учун нима қизиги бор? Яхшиси, икковимиз ҳам бош олиб бошқа юртларга кетайлик. Иккимизнинг қўлимизда ҳам ҳар ерда ярайдиган ҳунаримиз бор. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидек, балки, бу ташвишлардан қутулмб, роҳатланармиз». Абуқир сафар хосиятларини тинмай мақтар экан, Абусирда ҳам саёҳат қилиш ҳаваси қўзғалибди. Шундай қилиб, ҳар икковлари сафар қилишга аҳд қилибдилар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шох,— деб давом этди Шаҳризод.— Абуқир сафар хосиятларини тинмай мақтар экан, ниҳоят, Абусирда ҳам сафар қилиш майли туғулибди. Абуқир бунга жуда шодланиб, шоирнинг қуйидаги шеърини тараннум этибди:

Тўққиз юз

*ўлтмиз иккинчи
кеча*

Улуг мақсад йўлида ўз юртингни тарк
этигил,
Тоғу тошларда кезиб, улуг мақсадга
етгил.

Қўн манзилга, бу ерда беш фойдали нарса бор,
Беш фойдали нарсага кўпроқ бергил эътибор!
Ташвиш, паришон хотир, яшаш учун маблағ-пул,
Муомала қилишда яхшиларга бўл маъқул!
Қайғу-алам йўл тўсса, юрагингни бой берма,
Даҳшат, фалокатларга ўз ёниндан жой берма!
Чақимчилик, пасткашлик сендан турсинлар йироқ!
Шундай нисон бўлгандан йигит ўлган яхшироқ!

Икковлари сафарга жазм қилишгач, Абуқир Абу-сирга: «Эй қўшнл,— дебди,— бизлар энди ака-укалардек бўлиб қолдик, орамизда айирмалик йўқ. Бизлар ўзаро келишиб олишимиз керак, ишлаб топганимиз билан ишламовчиларни боқамиз. Овқатдан ортганини бир сандиққа йиғамиз-да, шаҳримиз Искандарияга борганда инсоф ва адолат юзасидан бўлишиб оламиз». «Албатта шундай қиламиз»,— дебди Абусир. Ишлаб топганларини бирликда йиғиш тўғрисида ваъдалашиб фотиҳа ўқибдилар. Сўнг Абусир дўконини қулфлаб, калитни дўкон эгасига топширибди. Абуқирнинг дўкони эса қозихона кишиси томонидан қулфланиб, муҳрланганча қолаверибди. Улар сафар тайёргарлигини кўриб, кемага ўтирибдилар-да, ўша куниеқ жўнабдилар. Абусирнинг бахтчаге кемадаги одамлар орасида бирорта ҳам сартарош йўқ экан. Кемада дорға ва кемачилардан ташқари, жами бир юз йигирмата одам бор экан. Кеманинг елкани кўтарилгач, Абусир Абуқирга: «Эй бирсдар,— дебди,— бу еб-ичиб кетишимиз керак бўлган денгиздир, лекин бизнинг овқатларимиз жуда оз. Эҳтимол, бу ерда сочини олдирадиган одам чиқиб қолар. Мен уларнинг сочини нонга ёки ярим сўлкавойга, ҳеч бўлмаса бир қултум сувга оламан ва ҳар иккимиз ундан баҳраланамиз».

«Ёмон бўлмасди»,— дебди-да, бўёқчи ётиб уйқуга кетибди. Сартарош эса ўрнидан туриб, устара, қайроқ, қайчи, дукорт (кичик қайчи) ва кўзойнаклар осилган кенг чарм камарини белига боғлабди. Бир бўлак кир совун билан сопол косани қўлига олибди. Сочиқ ўрнига бир парча йиртиқ бўзни елкасига солибди ва кемада у ёқ-бу ёққа юра бошлабди. Шу вақт йўловчилардан бири: «Бери кел, эй сартарош, сочимни олиб қўй!— деб чақириб қолибди. Сарта-

рош унинг сочини олиб бўлгач, ярим сўлкавой пул берибди. «Эй биродар,— дебди унга сартарош,— ярим сўлкавойдан кўра битта кулча берсанг, бу денгизда менга катта марҳамат қилган бўлар эдинг. Чунки, биз икки ҳамроҳимиз, ейишга озигимиз кам».

У одам сартарошга битта кулча билан бир бўлак пишлоқ узатиб, сопол косасига шарват қўйиб берибди. Сартарош уларни Абуқир олдига олиб бориб: «Бу нонни пишлоққа қўшиб е, шарбатни ич!»— дебди. Абуқир бўлса маза қилиб ебди. Абусир эса қўлида сопол коса, елкасида йиртиқ латта, кемада яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлабди. Бировнинг сочини икки кулчага, бировникини бир бўлак пишлоққа олибди. Сартарошга талаб кўпайиб кетгач, соч олишининг баҳосини икки кулча қилиб, кесиб қўйибди. Ахир, кемада ундан бошқа сартарош йўқ эди-да. Кун ботмасданок, ўттизта кулча, ўттизта ярим сўлкавойлик тўпланиб қолибди. Пишлоқ, зайтун ёғи, сут, сиркалар эса уйилиб кетибди. У нима сўраса, кишилар шуни бераверибдилар. У, дарғанинг сочини олар экан, ёнида ҳамроҳи борлигини, озиқ-овқат камлигини айтиб, шикоят қилибди: «Марҳамат қилиб, кемадан тушиб кетгунларингча овқат ташвишини қилманглар, ҳар кеч ҳамроҳингни олиб келиб, биз билан бирга овқатлан»,— дебди дарға. Сўнг сартарош бўёқчи ёнига борибди. У ҳамон ухлаб ётар эди, уни уйғотибди. Бўёқчи кўзини очиб ёнбошидаги аллақанча нон, пишлоқ, сут, сиркаларни кўриб, ҳайрон қолибди. «Буларни қаердан олдинг?»— дебди бўёқчи. «Худо етказди»,— дебди сартарош. Бўёқчи улардан емоқчи бўлган эди. «Емай тур, эй биродар,— дебди Абусир унга,— буларни келгуси кунлар учун сақлаб қўйиш керак, билгилки, мен дарғанинг сочини ола туриб, йўл озигимиз камлиги

тўғрисида унга шикоят қилдим. У: «Марҳамат, ҳар кеч ҳамроҳинг билан бизга келиб овқатлан»,— деди. Бу кеч биринчи марта дарғаникида овқатланамиз». «Денгиз ҳавосидан бошим айланяпти, ўрнимдан туролмайман. Дарға зиёфатига ўзинг боравер, мен, мана шу овқатлардан ейман»,— дебди Абуқир. У: «Майли»,— дебди-да, Абуқирнинг овқат ейишини томоша қилиб ўтирибди. У худди тоғда тош кўчираётгандай ўзига луқма сиқдирад, оғзидагисини ютмай туриб, иккинчисини тиқар, худди ваҳший ҳайвон каби кўзлари олайиб кетар эди.

Сартарош унинг овқат ейшига ҳайрон бўлиб турар экан, шу чоқ кемачи келиб: «Эй уста, сени дарға кечки овқатга чақираётир, ҳамроҳингни ҳам олиб борармишсан»,— дебди. Абусир Абуқирга қараб: «Юр биз билан»,— дебди. «Мен туриб юролмайман, мазам йўқ»,— дебди Абуқир. Сартарошнинг ўзи кетибди. Қараса, дарға ўтирар, унинг олдидаги дастурхонда йигирма хилдан ортиқроқ турли овқат қўйилган эмиш. Дарға бошлиқ ҳамма, сартарош ва унинг ҳамроҳини кутиб туришган экан. «Ҳамроҳинг қани?»— дебди дарға. «Денгиз ҳавосига боши айланиб қолибди, келолмайди»,— дебди сартарош. «Зарари йўқ, бош оғриғи тезда ўтиб кетади, ўзинг кел, мен сени кутиб турган эдим»,— дебди дарға. Сўнг у бир идишни бўшатиб худди ўн кишини тўйдирадиган турли таомлардан тўлдириб солибди. Сартарош овқатлангандан кейин дарға унга: «Буни ҳамроҳингга элиб бер!»— дебди. Сартарош таомни Абуқирга олиб келибди. Абуқир олдидаги овқатларни туядек еб ётар эди. У биринчисини ютмай туриб, иккинчисини оғзига солишга шошилар эди. Абусир унга: «Мен сенга емагин демабмидим,— дебди,— дарғаникида яхши овқатлар кўп экан. Сени касал дега-

нимдан кейин, қара, қанча нарса бериб юборди, ма, буни е». Абуқир Абусир олиб келган идишдаги овқатни ҳам, олдидаги бошқа овқатларни ҳам худди кўппаит каби ёки очликдан ўлаётган шер каби, ёки каптарни кўрганда човут соладиган ёввойи йиртқичдек ва ёки очликдан ўлаётган кишидек ер эди. Абусир унинг олдидан чиқиб, дарға ёнига борибди. У ерда қаҳва ичиб, Абуқир ёнига қайтиб келгунча, у идишдаги ҳамма овқатларни ялаб бўлибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўттиз учинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Абусир Абуқир ёнига келганда, у идишдаги

ҳамма овқатни паққос еб, идишни бўшатиб қўйган экан. Абусир идишни дарға хизматчиларига олиб бориб топширибди ва Абуқир ёнига қайтиб келиб, уйқуга ётибди. Иккинчи кун Абусир яна соч олишга киришибди. Абусир топган нарасини Абуқирга келтириб берар, у эса еб-ичиб қорнини силаб ётар,

фақат таҳоратхонагагина бориб келар экан. Ҳар кеч Абусир унга дарғадан идиш тўла овқат келтирар экан. Улар йигирма кун шу хилда кун кечиргач, ниҳоят кема шаҳар қирғоғига келиб тўхтабди. Улар кемадан тушиб, шаҳар ичига кирибдилар-да, ўзларига бир саройдан ҳужра олибдилар. Абусир ҳужрага жой солиб, икковлари учун керакли нарсаларни сотиб олибди. Абуқир ҳужрага киргандан бошлаб ухлаб ётар, Абусир дастурхон ёзиб, уни уйғотар эди. Уйғонгач у таом ер, сўнг «мени безовта қилма, бо-

шим айланаётир», дерди-да, яна уйқуга ётарди. Орадан қирқ кун ўтибди. Сартарош эса ҳар кун шаҳар айланиб, тўғри келган ерда соч олиб, пул топа берибди. Абусир ҳужрага келганда ҳамроҳи доим ухлаб ётган бўлар экан. Абусир уни таомга уйғотар, у уйғониб оҳ-воҳ билан оч арвоҳдай овқат еса ҳам сира тўймас экан. Овқатдан сўнг яна уйқуга ётар экан. Шу йўсинда иккинчи қирқ кун ҳам ўтибди. Қачон Абусир унга: «Туриб ўтир, дам ол, шаҳарга чиқиб томоша қил, бу ердек жой бошқа ҳеч қайси шаҳарда йўқ, кўнгил очар кўркам зийнатлар бор», деса, Абуқир бўёқчи унга: «Мени безовта қилма, бошим айланаётир», дер экан. Абусир уни ранжитмаслик, унинг қўпол сўзларини эшитмаслик учун қаршилиқ қилмай қўя қолар экан. Қирқ биринчи кун сартарош қаттиқ оғриб, кўчага чиқа олмай қолиб, сарой хизматчисидан озиқ-овқат келтиришни илтимос қилибди. Сарой хизматчиси бозордан уларга егулик, ичкулик келтириб берибди. Абуқир ҳам бирга ебичибди-да, уйқуга ётибди.

Сартарош тўрт кунгача сарой хизматчиси орқали озиқ-овқат олдириб турибди. Бешинчи кун сартарошнинг касали оғирлашиб ҳушидан кетибди. Очликдан куйиб ёнган Абуқир ўрнидан туриб, Абусир чўнтагини кавлаб бир неча танга топиб олибди-да, Абусирнинг устидан қулфлаб бозор томон йўлга тушибди.

Абуқир бозорга бориб, яхши кийимлар олиб кийибди-да, шаҳар айлана бошлабди. Қараса, шаҳар тенгсиз гўзал экан. Шаҳардагиларнинг кийимлари фақат оқ ё кўк бўлиб, ундан бошқа рангли кийим йўқ экан. У бир бўёқчининг дўконига борибди. Қараса, дўкондаги кийимларнинг ҳаммаси кўк рангли экан. Шунда у бўёқчига дастрўмолини тутқазиб:

«Эй санъаткор, бу дастрўмолни бўяб, хизмат ҳақингни ол»,— дебди. «Буни бўяб бериш ҳақи йигирма дирҳам туради»,— дебди бўёқчи. «Биз буни,— дебди Абуқир,— ўз шаҳримизда икки тангага бўятамиз». «Олиб бор, ўз шаҳрингда бўят,— дебди бўёқчи,— мен йигирма дирҳамга бўяйман, ками йўқ». «Қандай рангга бўяб бермоқчисан?»— дебди Абуқир бўёқчига. «Кўк рангга»,— дебди бўёқчи. «Мен қизил рангга бўятмоқчи эдим»,— дебди Абуқир. «Қизил бўёқни билмайман»,— дебди бўёқчи. «Бўлмаса яшил-чи»,— дебди Абуқир. «Яшилни ҳам билмайман»,— дебди бўёқчи. «Сариқ-чи?»— дебди Абуқир. «Уни ҳам билмайман»,— дебди бўёқчи.

Абуқир хилма-хил рангларни бирин-кетин санаб кетибди. У санай бергач, бўёқчи:

«Бизнинг шаҳримизда қирқта бўёқчи бор, холос. Бундан бирорта ошмайди ҳам, камаймайди ҳам. Агар бизлардан бирортамиз ўлсак, унинг ўғлини ўргатамиз. Агар ўғилсиз бўлса, бизлардан битта камаяди. Агар ўлган кишининг иккита боласи бўлса, уларнинг биригагина ўргатамиз, агар у ўлиб қолсагина иккинчи болани ўргатамиз. Биз фақат кўкка бўяймиз. Шундан бошқа рангни билмаймиз»,— дебди.

«Билгил, эй уста,— дебди шу чоқ Абуқир унга,— мен ҳам бўёқчиман. Ҳар хил рангга бўяшни билман. Мени ўз ёнингга ишга олсанг, ҳар хил рангга бўяшни ўргатар эдим. Сен ҳамма бўёқчилар элдида мақтаниб юрар эдинг». «Бизлар ҳеч вақт мусофир кишини ҳунар ўргатишга олмаймиз»,— дебди бўёқчи. «Агар ёлғиз ўзим бўёқчилик дўкони очсам-чи?»— дебди Абуқир. «Сенга сира ҳам мумкин эмас»,— дебди бўёқчи.

Абуқир буни қўйиб, иккинчи бўёқчига борибди. Иккинчи бўёқчи ҳам худди биринчи бўёқчининг жа-

вобини айтибди. Абуқир бирин-кетин қирқта бўёқчининг ҳаммасига ҳам ўз хоҳишини айтиб кўрибди. Уларнинг бирортаси ҳам на халфаликка ва на усталикка унашмабди.

Абуқир бўёқчилар бошлиғига бориб мурожаат қилган экан: «Бизлар ҳунарга мусофирларни қабул қилмаймиз»,— дебди у ҳам. Абуқир бениҳоят ғазабланиб, шаҳар шоҳига арзга борибди: «Эй замон шоҳи,— дебди у,— мен мусофирман, ҳунарим бўёқчилик. Бўёқчилар билан шундай-шундай воқеалар бўлиб ўтди. Мен қизилга ва турли хил нозик фарқли тусларга бўйай оламан. Масалан, қизил гул рангли, жилон жийда рангли кабилар. Яшилни ҳам бир неча хил нозик фарқли тусларга бўйайман. Чунончи, кўкатсабза ранги, пистоқи, зайтун дарахтининг ранги, тўти қуш қаноти ранги кабилар. Қорани ҳам бир неча хил нозик фарқли туслар билан бўйай оламан. Чунончи, кўмир рангли, сурма рангли кабилар. Сариқни ҳам кўп хил нозик фарқли ранглар билан бўйайман. Чунончи, тўқ сариқ, оч сариқ деб, бўёқчи шоҳга рангларнинг барча турларини санаб дебди: Эй замон шоҳи, сизнинг шаҳрингиздаги бўёқчиларнинг ҳеч бири бу бўёқларни билмайдилар. Улар фақат кўк ранги биладилар. Мен уларга ўргатай ёки бирга ишлай десам, на унга, на бунга унамайдилар».

«Тўғри айтасан,— дебди шоҳ,— мен сенга бир бўёқ дўкони очиб бериб, ўзим сармоя ҳам бераман. Сенга улардан қаршилик бўлмайди. Қаршилик қилганларни дўконининг эшигига осаман».

Сўнг шоҳ бинокорларга: «Бу уста билан шаҳарни айланнинглар, қаерни маъқул топса, ўша ерга бу кишининг ўзи хоҳлагандай бўёқ дўкони қуриб беринглар. Нимани хоҳласа, унга қаршилик қилмай, айтганини бажаринглар»,— дебди шоҳ унга яхши

бир тўн кийдириб, буни бино битгунна ўзингга сарф қил, деб минг динор берибди. Бу билан ҳам чекланмай, шоҳ Абуқирга алоҳида зийнатли жабдуғланган от ва унинг хизматига икки қул ҳам тақдим этибди. Тўнни кийиб, отга минган Абуқир худди амирлардай бўлиб кетибди. Шоҳ унга махсус уй тайинлаб, гиламлар ёзиб жиҳозлашга буюрибди. Хизматчилар гилам ёзиб, жой солибдилар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўттиз тўртинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Абуқирга шоҳ махсус уй тайинлаб, гиламлар ёзиб жиҳозлашга буюрибди. Хизматчилар ҳаммасини бажо келтириб, у ерга Абуқирни жойлаштирибдилар. Иккинчи кун у дўконга жой танлаш мақсадида отга миниб шаҳар айланибди. Бинокорлар унинг олдида борар эдилар. Юриб-юриб бир ерга етгач Абуқир: «Мана шу жой яхши, эгасини уйдан чиқаринглар»,— дебди. Жой эгасини улар шоҳ ёнига олиб келиб, биноси учун керагидан ортиқроқ пул тўлабдилар-да, қурилишни бошлаб юборибдилар.

Абуқир усталарга ундай қилинглр, бундай қилинглр, у ери бундай бўлсин, бу ери ундай бўлсин, деб иш кўрсатар эди. Ахири унга тенги йўқ, ажойиб бир дўкон қуриб берибдилар-да, битганлиги ҳақида шоҳга хабар қилиб, иш бошлаб юбориш учун пул керак эканини билдирибдилар.

Шунда шоҳ унга пул узатиб:

«Сармоя учун бу тўрт минг динорни ол-да, ишни

бошлаб юбор. Қани, кўрай-чи, бўёқ дўконингнинг натижаси қандай бўлар экан»,— дебди.

Абуқир пулни олиб бозорга борса, у ерда бўёқ кўп ва жуда арзон экан. Абуқир бўёқчиликка керакли нарсаларни сотиб олибди. Сўнг шоҳ унга беш юз дона турли кийимлик юборибди. Абуқир уларни ҳар хил рангга бўяб, дўкон атрофларига осиб ташлабди. У ердан ўтаётган йўловчилар умрларида кўрмаган бу қизиқ рангларни кўриб, дўкон атрофига тўплана бошлабдилар. Ҳайрон бўлган одамлар ундан: «Бу қанақа ранг, эй уста»,— деб сўрашар эди. «Бу қизил, у сариқ, ана у кўк»,— деб ҳар бир рангни бирма-бир айтиб берар эди. Одамлар Абуқирга турли кийим-бошлар келтириб: «Бу рангда, у рангда бўяб бериб ҳақингни ол!»— дер эдилар. Абуқир шоҳ кийимларини бўяб бўлгач, саройга элтибди. Шоҳ бу эжойиб бўёқларни кўриб шодланганидан Абуқирга кўпдан-кўп инъомлар қилибди. Ҳамма аскарлар кийим бўятишга келиб: «У рангда, бу рангда бўяб бер!»— дейишарди. Абуқир улар айтган рангга бўяб берар, улар хурсанд бўлиб бўёқчига тилла, кумуш ташлашар эди. Унинг донғи кетиб, шоҳ бўёқчиси деган ном олибди. Бўёқчилар келиб унинг қўлини ўпиб, ўзларидан ўтган камчилик учун узр сўраб: «Бизни ёнингда ишлаш учун хизматга ол!»— деб ёлворишибди. Аммо, у бирортасини ҳам қабул қилмабди. Унинг ёнида хизмат қилувчи кўпгина қуллар, чўрилар бор эди. Шундай қилиб, у кўп дунё тўплабди. Абуқир мол-дунё тўплаб турсин.

Энди Абусир воқеасига келсак, Абуқир унинг бор пулларини олиб, ҳужрани устидан қулфлаб, ўз йўлига кетган, Абусир эса қаттиқ касалдан беҳушланиб ёпиқ ҳужрада ёлғиз қолган эди. Абусир шу аҳволда уч кун ётибди. Ҳужра эшигининг ҳар вақт

ёпиқлигидан хавотир олган саройбон кун ботгунча бу хонага диққат қилиб икки кишидан бирортасини ҳам кўрмабди. Саройбон ўзича: «Булар ижара пулини тўламай, қочиб кетдимикин ёки ўлиб-нетиб қолишдими, нима бўлди, кўринмай қолишди»,— деб ўйлабди. У шуларни ўйлаб, бориб қараса, эшик қулфлоғу, лекин ичкаридан сартарошнинг оҳ-воҳи эшитилибди. Калит қулф оғзида экан, ичкари кириб қараса сартарош инграб ётибди. «Сенга нима бўлди? Кўрқма, соғайиб кетасан, ҳамроҳинг қани?»— дебди саройбон. «Худо ҳақи билмайман, касалдан кўзимни фақат шу кунгина очдим,— дебди Абу-сир,— кўзимни очиб чақирсам, ҳеч ким жавоб бермади. Худо хайр берсин, эй биродар, бошим тагидаги ҳамёндан бешта ярим сўмлик олиб, бирор нарса олиб келиб бер. Мен ниҳоятда очман».

Саройбон қўлини ҳамёнига тиқиб қараса, ҳамён бўш. «Ҳамёнда ҳеч нарса йўқ-ку»,— дебди саройбон сартарошга. Сартарош пулни Абуқир олиб қочганини англабди-да: «Менинг ҳамроҳимни кўрмадингми?»— деб сўрабди. «Уч кундан бери кўрганам йўқ,— дебди саройбон,— сен ҳам у билан бирга кетиб қолгансан, деб ўйлаган эдим». «Мен кетганим йўқ. Лекин ҳамроҳим менинг касаллигимни кўриб пулимни олиб қочибди»,— деб йиғлабди. «Зарари йўқ, у қилганига яраша худодан топади»,— дебди саройбон.

Сўнг саройбон ўз жойига чиқиб, атала пиширибди-да, бир идишга солиб сартарошга келтирибди. Шу йўсинда саройбон, то унга худо шифо бергунча икки ой ўз ёнидан боқибди. Сўнг сартарош оёққа босиб, саройбонга: «Худо қодир қилса, яхшилиқларингни албатта қайтараман»,— дебди. «Яхшилиқларни ато қилувчи худонинг ўзидир. Соғ-саломатлик

учун худога шукур, мен сенга бу яхшиликни сен қайтаргин деб қилмадим, худо йўлига, худо розили учунгина қилдим»,— дебди саройбон сартарошга.

Сўнг сартарош саройдан чиқиб, бозор кезиб юриб, иттифоқо, Абуқир бўёқчи дўкони олдига бориб қолибди. Дўкон эшигига осиб қўйилган ҳар хил кийимликларни одамлар уюлишиб томоша қилар эди. Шунда Абусир ўша шаҳарлик бир одамдан: «Бу қандай жой, нега бу ерга одамлар тўпланаётирлар?»— деб сўрабди. «Бу шоҳнинг Абуқир деган музофирга қилиб берган бўёқхонаси,— дебди у.— У бирон кийим бўйса, унинг бўёғини ҳаммамиз тўпланиб томоша қиламиз. Чунки бизнинг шаҳримиздаги бўёқчилар бундай ранглар билан бўйашни билмайдилар. Бизнинг бўёқчиларимизнинг бўладигани бўлди»,— дебди-да, Абуқир билан бўёқчилар ўртасида бўлиб ўтган гаплар борми, у шоҳга бориб арз қилгани борми, шоҳ унга махсус бўёқ дўкони очиб бериб, сармоя билан таъминлагани борми — ҳаммасини батафсил айтиб берибди.

Абусир шодланиб: «Унга ёрдам берган худога шукур. У уста бўлиб тайинланибди. Афтидан, у ҳунари билан овора бўлиб, мени унутган экан-да. Демак, узрли экан. Мен унга яхшилик қилдим, ишсиз қийналган вақтларида унга ҳурмат кўрсатдим. Мени кўриши билан севинар, хаёлида нах отаси тирилиб келгандай бўлар ва мен уни ҳурмат қилгандай у ҳам менга ҳурмат кўрсатар»,— деб ўйлабди.

Сўнг у киши Абусирни бўёқчи дўкони томонга бошлаб борибди.

Абуқир дўкон эшиги олдидаги баланд курсида ўтирар, ўзи шоҳона кийингану, олдида тўртта қул, тўртта оқ, яхши кийинган асирлар туришар эди. Дўконда эса ўнта қул ишлар, Абуқир уларни сотиб

олиб, ҳунар ўргатмоқда эди. Абуқир эса ёстиқлар орасида бош вазир ёки улуг шоҳ сингари ҳеч нарса қилмай, «уни қил, буни қил»,—деб буюриб ўтирар эди.

Абуқир мени кўргач шодланар, саломлашар, хурмат қилар, яхшиликларимни хотирага олар, деб ўйлаган Абусир унинг рўбарўсига келибди. Аммо кўз-кўзга тушгач Абуқир: «Эй ифлос беодоб, мен сенга неча марта бу корхонанинг эшигида турма, деб айтдим, ёки сен муттаҳам, мени хижолат қилишни истаётирсанми, тутинглар буни,—деб бақирибди. Қуллар югуриб бориб Абусирни тутибдилар. Абуқир ўрнидан туриб, қўлига ҳассасини олибди-да: «Буни ётқизинглар»,—дебди. Улар ётқизибдилар. Абуқир унинг орқасига юз таёқ урибди. Сўнг, ағдариб қорнига юз таёқ ургач: «Эй ифлос, эй алдоқчи, агар сени иккинчи марта бу дўконнинг олдида кўрсам, ўша он шоҳга юбортираман. Шоҳ сенинг бошингни олдйради. Жўна, худо ургур»,—дебди.

Абусир калтак зарбига ва бу хўрликларга чидолмай кўнгли пора-пора бўлибди. У ердагилар бўёқчи Абуқирдан: «Унинг гуноҳи нима?»—деб сўрашган экан, у: «Одамлар нарсасини ўғирлайдиган безори»,—деб жавоб берибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ опажонгинам,—деди ёнида мўлтиллаб турган синглиси,—ҳикоянг мени мафтун қилди.

— Эй синглим,—деди Шаҳризод,—ҳали сен шунга мафтунмисан, агар шоҳим бу қора бошимни омон қўйсалар, эртага бундан ҳам ажойибини айтиб берардим.

Бу гапни эшитган шоҳ: «Ке, бугун ҳам ўлдирмай турай»,—деган ҳаёлга келди.



*Тўққиз юз
ўттиз бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Абуқир, Абусирни уриб ҳайдагач, одамларга: «Бу

безори кишилар молини ўғирлайди. Менинг нарсаларимни бир неча марта ўғирлади. Менга худо етказсин, унга озор бермай қўя қолай деб, ҳатто одамлар молини ўғирлаганда ҳам шунга озор етмасин, деб молининг пулини тўлаб юборган эдим. Шунча суяб келсам ҳам бўлмади. Энди агар яна бир марта

қайтса, тўғри шоҳга олиб бораман, шоҳ уни ўлдирсин. Одамлар бунинг касридан қутуладилар»,— дебди. Бу сўзни эшитган одамлар унинг орқасидан сўкиб қолибдилар. Абуқир воқеаси шундай.

Энди Абусир воқеасига келсак, у мусофирхонадаги ҳужрасига қайтиб, Абуқирнинг хатти-ҳаракатларини ўйлаб кетибди. Калтак зарбидан ўзига келгач, Абусир кўчага чиқиб бозор айланиб юриб, ҳаммомга тушмоқчи бўлибди ва шу ерлик бир кишидан: «Биродар, ҳаммомга қаердан боради?»— деб сўрабди.

«Бу нима деганинг?»— дебди у киши. «Одамлар ювинадиган, кирларини кетказиб покланадиган жой, шуниям билмайсанми?»— дебди Абусир. «Бизлар ҳаммом нималигини билмаймиз. Биз ҳаммамиз денгизга бориб ювинамиз. Ҳатто шоҳ ҳам шу ерда ювинади»,— дебди у киши.

Бу шаҳарда ҳаммом йўқлигини, шаҳар одамлари ҳаммом нималигини билмасликларини англагач, Абусир шоҳ саройи томон йўл солибди. Сўнг у шоҳ ҳузурига кириб, ер ўпиб, уни дуо қилгач, шундай дебди: «Мен бошқа шаҳардан келган мусофирман.

Қасбим ҳаммомчилик. Сизнинг шаҳрингизга келиб, ҳаммомга тушай десам, бирорта ҳам ҳаммом йўқ. Шундай кўркам шаҳар, ажабки беҳаммом бўлса. Ахир, ҳаммом дунёнинг энг яхши неъматларидан-ку»,— дебди Абусир. «Ҳаммом деганинг қандай нарса ўзи?»— дебди шоҳ. Абусир ҳаммомни таърифлаб: «Э шоҳ, шаҳар фақат ҳаммом билангина обод. катта, мукамал бўла олади»,— дебди Абусир. «Марҳамат қил!»— дебди шоҳ Абусирга ва унга қиммат баҳо тўн кийгизиб, от миндирибди. Унинг хизматиға иккита қул, тўртта чаққон йигит ва иккита оқ қул туҳфа қилибди. Абусирга гиламлар билан безатилган махсус уй ҳозирлатиб, унга бўёқчидан ҳам кўра ортиқроқ ҳурмат кўрсатибди. Бир қанча бинокор усталарни чақириб: «Шаҳарда бу кишига ёққан жойга ҳаммом қуришлар»,— деб топширибди. Абусир улар билан йўлга тушиб, шаҳарнинг ўрта еридаги бир ерни маъқул топибди. Унинг маслаҳати билан улар ҳаммом қура бошлабдилар. Тенги йўқ бир ажойиб ҳаммом қурилиб битгунча унинг ўзи бош бўлиб турибди. Ҳаммом битгач, унга нақш солишга буюрибди. Кўрганларнинг ақли ҳайрон қоладиган ажойиб нақшлар солибдилар. Сўнг Абусир шоҳ ҳузурига бориб, ҳаммом битганини билдириб, энди фақатгина гиламлар кераклигини айтибди. Шоҳ унга ўн минг динар берибди. Абусир унга гилам олиб тўшабди-да, сочиқларни қаторлатиб осиб қўйибди. Ҳаммом эшиги олдидан ўтган кишилар деворлардаги нақшларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолар экан. Ҳеч қачон кўрилмаган бу ажойиб нақшларни томоша қилиш учун одамлар тўда-тўда бўлиб келишар ва: «Бу нима?»— деб сўрашарди. Абусир уларга: «Бу ҳаммом»,— дер эди. Одамлар ҳайрон қолишар эди. Абусир сувни иситиб ҳаммомни ишга

тушириб юборибди. У ҳаммомга тушган кишини ҳайрон қолдирадиган, сув узлуксиз отилиб турадиган ҳовуз ҳам ишлатган экан. У шоҳдан ўнга ёш, кўркам қул сўраб, уларга ходимликни ўргатибди-да: «Ҳаммомга тушган одамларга шундай хизмат қилинглари»,— деб тайинлабди. Сўнг у хушбўй тутатқилар тутатибди. Одамларга хабар бериш учун шаҳар ичига жарчилар юборибди. Улар: «Эй худо бандалари, шоҳ ҳаммоми дейилган ҳаммомга марҳамат қилинглари»,— деб жар солибдилар.

Ҳаммомга одамлар келар, Абусир қулларига буюриб, уларни ювинтирарди. Одамлар ҳаммомга тушиб бўлганларидан сўнг пешайвонга чиқиб бир оз дам олардилар.

Ҳаммом уч кун ҳаммага текин бўлибди. Тўртинчи кун шоҳ билан унинг амалдорлари ҳаммом томон йўл олибдилар. Шоҳ ечиниб ҳаммомга кириши билан Абусир ҳам кетидан кириб, унга ходимлик қилибди. Шоҳ баданидан пилта-пилта кир чиқибди. Абусир уларни шоҳга ҳам кўрсатибди. Шоҳ хурсанд бўлибди. Абусир то шоҳ бадани тоза бўлгунча обдон нишқалаб, сўнг сув қуйиб ювинтирибди. Кейин Абусир ҳовуз сувига гулоб қўшиб, шохни унга туширибди. Шоҳнинг бадани яшарибди. Шоҳ ўзида ажойиб бир тетиклик, енгиллик ва руҳий кўтаринкилик ҳис қилибди. Сўнг Абусир пешайвонга ўтқазishi билан қуллар унинг баданларини артиб кийинтирибди. Тутатқилардан алоҳида ҳид анқир эди. Шунда шоҳ: «Эй уста, ҳаммом шуми?»— деб сўрабди. «Ҳа»,— дебди уста. «Менинг шаҳрим фақат шу ҳаммом билан энди шаҳар бўлди. Ҳар кишидан ҳаммом ҳақиға қанча оласан?»— дебди шоҳ. «Сиз қанча деб буюрсангиз, ўшанча оламан»,— дебди Абусир. «Минг динор,— деб уқтирибди шоҳ,— ҳар бир ювинган киши-

дан минг динор ол». «Кечирасиз, эй замон шоҳи,— дебди Абусир,— беш қўл баробар эмас, одамлар орасида камбағаллар ҳам, бойлар ҳам бор. Агар ҳар қайсисидан минг динор оладиган бўлсам, ҳаммом бекор қолади. Чунки камбағаллар минг динор тўлаб тушишга қодир эмаслар». «Бўлмаса қандай музд оласан?»— дебди шоҳ. «Муздни одамларнинг ҳимматларига қараб оламан,— дебди Абусир,— ким нимага қодир бўлса, ўзига нимани муносиб кўрса, ўшани берсин. Ҳар кимнинг ўз ҳолига яраша ҳақ оламан. Шундай қилганимизда одамлар кела берадилар. Бойлар ўз мартабасига муносиб ҳақ берадилар. Камбағаллар ўзлари муносиб кўрган миқдорда тўлайдилар. Агар шундай қилинса, ҳаммом тинимсиз ишлайди. Ҳаммомга ҳар ким қизиқади, шунда ҳаммомнинг шуҳрати ошади. Минг динорга ҳеч ким қодир бўлолмайди. Бу фақат шоҳга хос бахшишдир».

Давлат амалдорлари бу фикрни қувватлаб: «Тўғри, эй замон шоҳи, ахир одамларнинг ҳаммасини ўзингиздай ҳисоблайсизми, эй ҳурматли шоҳ»,— дебдилар.

«Сўзларингиз тўғри-ку, лекин,— дебди шоҳ.— бу киши мусофир ва камбағал. Бу кишини ҳаммамиз ҳурмат қилишимиз лозим ва зарурдир. Чунки умримизда кўрмаган бу ҳаммомни, шаҳримизда бўлмаган бу улуғ зийнатни бизнинг шаҳримизда фақат шу киши барпо қилди. Бу шараф шу киши орқали юзата келди. Бу кишига ҳар қанча кўп музд берсак ҳам кам». «Агар у кишини ҳурматламоқчи бўлсангиз,— дебди арбоблар,— сиз ўз молингиз билан ҳурматланг. (Камбағалга шоҳнинг ҳурмати ҳаммом ҳақини камайтиришдир.) Шунда савоб бўлади. Аммо минг динор халқ учун жуда оғирдир. Давлатингнинг умумлари бўла туриб, минг динор беришга ҳатто

бизлар оғринамиз-ку, камбағаллар қандай қилиб шунча пулни тўлайди?» «Бўлмаса,— дебди шоҳ,— эй давлатим арбоблари, ҳар бирингиз бу навбат юз динордан пул, битта-биттадан аёл ва эркак қул, ва биттадан чўри беринглар». «Хўп, бу галча шунча берамиз, сўнг ҳаммомга тушган киши ўз ҳиммати билан ҳақ тўлайди»,—дебдилар улар. «Майли»,—дебди шоҳ.

Давлат арбобларининг ҳар бири Абусирга юз динордан пул, биттадан эркак ва аёл қул ва биттадан чўри берибдилар. У кун шоҳ билан бирга ҳаммомга кириб ювинганлар тўрт юз киши эди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўттиз олтинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.—

Шу кун шоҳ билан бирга ҳаммомга тушган давлат

арбоблари тўрт юз киши эди. Улар томонидан Абусирга берилган нарсаларнинг ҳаммаси қирқ минг динор, тўрт юзта қул, тўрт юз чўри, тўрт юз жориядан иборат бўлди. Абусир улар ҳурмати учун ер ўпиб: «Эй соғлом фикрли саодатли шоҳ, энди бу қуллар, бу чўриларни мен қаерга жойлайман»,— дебди. «Бир

вақти келиб юртингни ўйлаб, оилангни соғиниб, юртингга қайтадиган бўлсанг, сенга керак бўладиган кўпроқ мол қўлингга тўпланиб қолсин, деб шундай таклиф қилдим»,— дебди шоҳ. «Эй замон шоҳи, худо мартабангизни баланд қилсин, бу қулу чўриларнинг ҳаммаси шоҳларга муносибдир. Булардан кўра менга нақд пул тўхфа қилсангиз яхшироқ бўлар эди. Чунки булар ейдилар, ичадилар, киядилар, менинг топга-

ним буларга кифоя қилмайди»,— дебди Абусир. «Худо ҳақи, тўғри айтдинг,— деб кулибди шоҳ,— булар ҳақиқатан катта бир аскарӣй бўлимдир. Сен буларни боқишга қодир эмассан. Буларнинг ҳар бирини юз динордан менга сотасанми?» «Сотаман»,— дебди Абусир. Шоҳ пул келтириш учун хазиначига одам юбориб, ҳаммасини сотиб олибди-да, уларнинг эгасига: «Ҳар ким ўзининг қулини, чўрисини, жориясини таниб олсин. Бу менинг сизларга туҳфам»,— дебди. Шоҳ фармонини бажо келтириб, ҳар ким ўз қулини олибди. «Эй замон шоҳи, ёлғиз худонинг ўзи тўйдира оладиган бу галадан мени қутқарганингиздай, сизни ҳам худо офатлардан сақласин»,— дебди Абусир.

Шоҳ кулиб, унинг сўзини эътироф қилибди-да, ўз давлат арбоблари билан ҳаммомдан чиқиб саройига йўл олибди.

Абусир у кечани олтин санаш ва уни ҳамёнга солиб, маҳкамлаш билан ўтказибди. Унинг хизматида йигирмата қул, йигирмата жория, йигирмата чўри бор эди. Тонг отгач у ҳаммомни очди-да, шаҳарга жарчи юборди. Жарчи: «Ҳаммомга кириб чўмилган киши ўзининг ҳимматига мувофиқ, нимани муносиб кўрса, ўшанча ҳақ тўлайди»,— деб жар солибди.

Ҳаммомни одам босиб кетибди. Абусир қути олдиға ўтирибди. Ҳар ким қутига ўз ҳимматича пул ташлайверибди. Қоронғи тушмасданоқ худонинг марҳамати билан қути тўлибди.

Иттифоқо, малика ҳаммомга тушишни ихтиёр қилиб қолибди. Бу хабарни эшитган Абусир, малика ҳурмати учун кунни иккыга айириб, тонг отгандя тушгача эрларга, тушдан кечгача ҳаммомни аёлларга тайинлабди. Малика келганда Абусир қути олдиға жорияни ўтказиб қўйибди.

Абусир тўртта жорияга ходималикдан таълим берган; улар энг уста ходималар бўлиб есишган экан. Милликата ҳаммом жуда ёқиб қолибди. У қутига минг динор ташлабди. Бутун шаҳарга Абусирнинг довғи келибди. Ҳаммомга кирганлар ким бўлишидан қатъи назар; бойми, камбағалми. Абусир уларни жуда ҳурмат қилар экан. Абусирга ҳамма ялшиқлик эшиклари очилибди. Хўкмдорлар билан дўстлашиб ўртоқлашиб олибди. Шоҳ ҳаммомга ҳар жума кун келар ва ҳар келганда унга минг динор пул берар эди. Жумадан бешқа кунлари ҳаммомга шаҳар аҳолиси келар эдилар. Абусир хушмуомалалик билан уларнинг кўнглини овлар эди.

Иттифоқо, бир кун шоҳ дарғаси ҳаммомга келиб қолибди. Абусирнинг ўзи ҳам ечиниб, у билан бирга ҳаммомга кирибди-да, ходимлик қилибди. Ҳурматлаб уни ювинтирибди. Ҳаммомдан чиққач, уни қаҳва билан меҳмон қилибди. Дарға бир нарға бермоқчи бўлиб, қимтинган экан, Абусир ҳеч нарса олмасликка қасам ичибди. Абусирнинг унга қилган ҳаддан ортиқ яхши муомала ва ҳимматларига ҳайрон бўлиб дарға бунчалар ҳурматга нима тўхфа қилишга шошиб қолибди. Абусир воқеаси шундай.

Энди Абуқир воқеасига келсак, у ҳамманинг оғзидаги ҳаммом мақтовини эшитиб: «Қимни кўреанг, бу ҳаммом шаҳримизга зийнат ва жоннинг роҳати бўлди, дейди, эй фалончи, худо хоҳласа эртага шу гўзал ҳаммомга борамиз»,— дебди-да, энг яхши кийимларини кийиб, ҳачирга минибди ва эртаси тўрт кул орқасида, тўрт чўри олдида ҳаммомга жўнабди. Ҳаммом эшигига бориб ҳачирдан тушиши билан димоғига хушбўй ҳидлар кирибди. Қараса, бир тўда одамлар ҳаммомга кириб, бир тўда одамлар у ердан чиқиб борар экан. Сўриларда катта-кичик одамлар

тизилишиб ўтирар экан. Абуқир йўлакка кириши билан Абусирнинг кўзи унга тушиб, суюниб ўрнидан турибди. Абуқир эса ундан гина қила бошлабди. «Халол одамлар аҳволи шундай бўладими?— дебди у.— Мен ахир бўёқ корхонаси очдим, шаҳарда бўёқчилар устоди бўлиб танилиб, шоҳга яқин кишилар қаторига ўтдим. Бахтли, давлатли бўлдим. Сен эса «менинг дўстим қаерда» деб сўрашга ярамадинг ҳам, бирор марта йўқлаб келмадинг ҳам, мен сени излаб чарчадим, ҳар ерлардан суриштириб сўроқладим. Қул ва чўриларимни сарой ва бошқа жойлардан сени сўроқлашга юбордим. Улар сени топа олмадилар ҳам, сенинг тўғрингда бирор хабар эшита олмадилар ҳам».

«Енингга борганимда мени ўғрига чиқариб, уриб, одамлар орасида шарманда қилган сен эмасмидинг?»— дебди Абусир.

«Бу нима деганинг, мен қачон сени урдим,— дея Абуқир бир қасамдан юз қасам ичибди,— кимдир сенга ўхшаш биров ҳар кун келиб, бировлар молини ўғирлаб безор қилди. Мен сени ўша ўғри деб ўйлабман-да, бўлмаса».

Пушаймон бўлган Абуқир, қўлини қўлига уриб ачинар ва «Лоҳовла валоқуввата илло биллоҳ» деб афсусланар экан. «Биз-ку сени кафа қилибмиз, ахир, нега сен «Мен фалончиман» деб ўзингни танитмадинг, айб ўзингда бўлган, ишим кўплигидан бошим айланиб, ганграб қолганман»,— дебди. «Майли, худо сени кечирсин, эй биродар, тақдирда бўлган иш учун ачиниш ортиқча. Ҳаммомга кир, ечиниб, ювингил-да, роҳатлан»,— дебди Абусир.

«Худо ҳурмати учун кечиришингни сўрайман, эй биродар»,— дебди Абуқир. «Худо сендан жавобгарликни кўтариб, сени кечирсин»,— дебди Абусир.

«Сенга бу улуғ давлат қандай насиб бўлди?»— дебди Абуқир. «Сенга бахт берган худо менга ҳам берди,— дебди Абусир давом этиб,— мен шоҳга мурожаат қилиб, унга ҳаммомнинг зарурлигини уқтирган эдим. У ҳаммом қуришни менга топширди». «Шоҳ сенга қандай меҳрибон бўлса, менга ҳам шундай меҳрибон»,— дебди Абуқир.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
Уттиз еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— улар бир-бирларидан гина қилишгач, Абуқир дебди: «Шоҳ сенга қандай меҳрибон бўлса, менга ҳам шундай меҳрибон. Агар, улуғ тангри хоҳласа мен туфайли шоҳ сени бундан ҳам ортиқроқ севиши ва ҳурмат қилишига ҳаракат қиламан. Чунки шоҳ бунгача сен менинг ҳамроҳим эканлигини билмаган, энди мен унга сени танитиб ғамхўрлик қилишини айтаман». «Мен воситага муҳтож эмасман, эй Абуқир,— дебди Абусир унга,— дилларни юмшатувчи худо бордир. Шоҳ ва барча давлат арбоблари шундоқ ҳам мени севадилар, менга шунча-шунча туҳфалар инъом қилдилар». У Абуқирга бўлган воқеаларни мувафассал айтиб бергач: «Тўнингни еч-да, қути-орқасига қўйиб, ҳаммомга кир, мен ҳам сен билан бирга кириб, ювинтириб қўяман»,— дебди. Абуқир ҳаммомга кирибди. У билан бирга Абусир ҳам кириб, Абуқирни уқалаб ювинтириб, кийинтирибди. Абуқир ҳаммомдан чиққач, унга таом ва ичимликлар ҳовирлабди. Одамлар уни бунчалик самимий ҳурмат

қилишига ҳайрон бўлишибди. Абуқир ҳаммом ҳақи учун бир нарса бермоқчи бўлган экан, Абусир ундан ҳеч нарса олмасликка қасам ичибди. «Сен менинг ҳамроҳим ҳам дўстимсан, орамизда ҳеч қандай фарқ йўқ. Шундай бўлатуриб, уялмайсанми»,— дебди у Абуқирга.

«Худо ҳақи,— дебди Абуқир Абусирга,— бу ҳаммом бу юрт учун катта воқеа бўлибди. Лекин ҳунарингда бир оз камчилик бор». «Камчилигим нима?»— дебди Абусир. «Бу ерда ҳаром мўйларни осон туширадиган зирних дориси йўқ экан. Шу дорини ҳозирлагил-да, шоҳ келгач, унга тақдим қилиб, ҳаром мўйни қандай тушириш тартибини кўрсат, у вақт шоҳ сени ҳаддан ортиқ севади ва ҳурмат қилади»,— дебди Абуқир. «Тўғри айтдинг, худо хоҳласа мен уни қиламан»,— дебди Абусир.

Абуқир ташқари чиқиб хачирига минибди-да, тўппа-тўғри шоҳ ҳузурига кириб: «Мен сизга бир нарсани тушунтириб қўйиш учун келдим, эй замон шоҳи»,— дебди. «Нимани?»— дебди шоҳ. «Шоҳ ҳаммом қурибди, деб менга хабар бердилар». «Тўғри,— дея шоҳ гап бошлабди,— олдимга бир мусофир келди. Сенга бўёқ дўкони ясатганим каби унга ҳаммом ясатдим. У менинг шаҳримга безак бўлди».

Шоҳ унга ҳаммомнинг фазилатларини санаб кетаётган экан, Абуқир: «Сиз унга тушдингизми?»— деб сўрабди. «Ҳа»,— дебди шоҳ. «Дин душмани у ифлос ҳаммомчи касофатидан сизни сақлаб қолган худога шукур»,— дебди Абуқир. «Бу нима деганинг?»— деб сўрабди шоҳ Абуқирдан. «Энди тушадиган бўлсангиз, эй замон шоҳи,— дебди Абуқир давом этиб,— у сизни ҳалок қилади». «Нега?»— дебди шоҳ. Абуқир бундай дебди: «Ҳаммомчи сизнинг душманингиздир. У бу ҳаммомни сизни заҳарлаб ўлди-

риш мақсадида қурдирган. У ерда сизга бир нарса тайёрлаб қўйган. Сиз ҳаммомга киргач, олдинтига келиб, ҳаром мўйларни осонгина тушириб юборадиган дори бор, деб уни таъриф қилади. У дори эмас, балки қўрқинчли бало, ўлдирувчи заҳардир. Бу ифлоснинг хотин, бола-чақалари носоролар шоҳи қўлида асирдир. Носоролар шоҳи унга, агар сени ўлдирса, унинг хотин, бола-чақасини озод қилишга ваъда берган. Мен ҳам у билан бирга Носоро шоҳи қўлида асир эдим. Аммо у ерда мен бўёқ дўмони очиб, кийимларини ҳар хил раисларга бўядим, одамлар мен учун шоҳ дилини юмшата бошладилар. Шоҳ мендан: «Нима талабинг бор?»— деб сўради. Мен ундан ўзимни озод қилишини сўрадим. У мени озод қилди ва мен бу шаҳарга келдим. Уни ҳали ҳаммомда кўриб қолдим-да. «Ўзинг ва хотин, бола-чақангни қандай қилиб Носоро шоҳи бандидан қутқардинг?» деб сўрадим. «Мен ҳам, хотин, бола-чақаларим ҳам ҳамон қутулган эмас,— деб гап бошлади у,— лекин бир кун Носоро шоҳи катта бир мажлис чақирди. Мажлисада кўпчилик бор эди. Мен ҳам мажлисга кириб, уларнинг сўзларига қулоқ солиб турдим. Улар шоҳлар тўғрисида сўзлашардилар. Сўз бу шаҳар шоҳи тўғрингизга етганда Носоро шоҳи қаттиқ оҳ тортиб шундай деди: «Бу дунёда менга ҳеч ким шу шаҳар шоҳи бараварида азоб бермади. Кимки шу шоҳни ўлдиришга ҳийла қура олса, мен унинг бутун орзусини қондирар эдим»,— деган эди, ўша он мен оёққа туриб: «Агар мен бу ишни бажарсам ўзимни, хотин, бола-чақамни озод қиласизми?»— дедим. Шоҳ: «Ҳа»,— деди. Сизларни озод қиламан ва истаган тилагингни бажараман». Шоҳ билан шунга иттифоқ қилдик. Шоҳ мени кемага ўтказиб, бу шаҳарга юборди. Шоҳга мурожаат қилдим. Шоҳ менга

хаммом қурдирди. Энди мен тезда шоҳни ўлдириб, Носоро шоҳига қайтаман-да, ўзимни, котин, болачақаларимни қутқараман ва орзумни унга билдираман»,— деган эди. Мен, шоҳни ўлдиришга қандай чора ўйладинг, деб ундан сўрадим. Унинг ҳийласи ҳар нарсадан осон деб сўзида давом этди ҳаммомчи: «Шоҳ ҳаммомга келади, мен унга заҳарли бир дори тайёрлаб қўйдим. Шоҳ келганда мен унга мана бу дорини олиб ҳаром мўйлар устига суринг, жуда осонгина уларни тўкиб юборади, дейман. У олиб суради. Заҳар бир кеча-кундуз ичида унинг дилига таъсир қилиб ҳалок қилади, тамом»,— деди. Бу гапни эшитдим, қаттиқ хавфга тушиб тўғри сиз томон учдим. Ахир, сизнинг қилган яқшиликларингиз гарданимда қарз эди, шунинг учун мен сизга буни эшиттирдим».

Шоҳ бу сўзни эшитгач, ҳаддан ортиқ ғазабланибди-да, бўёқчига: «Бу сирни ҳеч кимга изҳор қилма»,— дебди-да, бу гапни аниқлаш мақсадида шу кунгёқ у ҳаммомга тушмоқчи бўлибди. Шоҳ келгач, Абусир одатдагича уни ечинтириб, ходимлик қилибди. Сўнг шоҳга: «Эй замон шоҳи, мен ҳаром мўйлардан тозаланиш учун бир дори ҳозирлаганман»,— дебди. «Келтир!»— дебди шоҳ. Ҳаммомчи келтириб берибди. Шоҳ дорининг бадбўйлигини билибди-ю, уни заҳар деб жазм қилибди. Ниҳоят ғазабланган шоҳ одамларини чақириб: «Буни тутинглар!»—деб қичқирибди. Улар Абусирни дарров қўлга олибдилар. Шоҳ ғазабга тўлган эди, лекин ҳеч ким бунинг сабабини билмас эди. Камоли ғазабидан шоҳ ҳеч кимга ҳеч нарса демабди. Ундан сўрашга ҳам ҳеч ким журъат қила олмабди.

Шоҳ кийиниб сарой томон йўл олибди-да, саройга боргач, Абусирни чақиртирибди. Унинг қўллари боғ-лоғлиқ эди. Шундан сўнг шоҳ даргани чақирибди.

У келгач, шоҳ буюриб: «Бу ифлосни ол-да, бир қопга сол, бошқа бир қопга икки қинтор ўлмаган оҳак солиб, уни бунга боғла. Сўнг кемага солиб, қайиқни менинг тахтим тўғрисига келтир. Мен дераза ёнида тураман. Келганингдан сўнг мендан: «Дарёга ташлайми?»— деб сўра, мен: «Ташла!» деганимда ташлайсан, ҳам оҳакда куйиб, ҳам сувда ғарқ бўлиб ўлсин». «Буйруғингиз бош устига»,— дебди дарға. Сўнг у Абусирни шоҳ ҳузуридан чиқариб қаср тўғрисидаги жазира томонга бошлабди. Дарға уни олиб борар экан: «Эй фалончи, бир марта мен сенинг ҳаммомингга боргандим, сен менга ортиқ даража ҳурмат кўрсатдинг, мендан ҳаммом учун ҳақ олишга рози бўлмадинг. Мен сендан жуда хурсанд бўлган эдим. Шоҳ билан орангда бўлган воқеани айт-чи, нима гуноҳ қилдинг-ки, бунча қийнаб ўлдиришга буюрди»,— дебди. «Худо ҳақи, унга ҳеч нарса қилганим йўқ, шунчалар азобга лойиқ нима гуноҳ қилганимни билмайман...»— дебди ҳаммомчи.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўлттиз саккизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Кема бошлиғи Абусирдан шоҳнинг ғазабланиш сабабини сўрабди. «Худо ҳақи, эй биродар, шунчалар қаттиқ жазога лойиқ қандай ёмонлик қилганимни билмайман»,— дебди Абусир.

«Шоҳ наздида бунгача ҳеч ким кўрмаган баланд мартаба топган эдинг,— дебди у,— бахтга эришганлар доим ҳасадчиларга дучор бўлади. Кимдир биров мартабангни

кўролмай, сенинг хусусингда шоҳга чақимчилик қилиб, унинг шу қадар қаттиқ ғазабини қўзғатган бўлса керак, деб ўйлайман. Лекин зарари йўқ. Сенга оқ йўл бўлсин. Бир-биримизни танимаганимиз ҳолда сен менга шунча ҳурмат кўрсатганинг учун мен сени бу фожиадан озод қиламан. Лекин ўз юртингга борадиган кема келгунча сен мана шу жазирада менинг ёнимда тура бер. Кема келгач, солиб ўз юртингга жўнатаман».

Абусир унинг қўлларини ўпиб, миннатдорлик билдирибди. Сўнг кема бошлиғи оҳак келтириб, қопга солибди. Шу билан бирга у, худога тавваккал қилдим, деб қопга одам бўйи катта тош ҳам солибди. Сўнг бошлиқ Абусир қўлига бир тўр бериб: «Шу ерда сен тўр солиб тур, зора бирор нарса тутсанг. Чунки ҳар куни шоҳ ошхонасига балиқ етказиб бериш менинг зиммамда,— дебди у,— бугун бу ташвиш билан балиқ овлолганим йўқ. Ошхона хизматчилари овқатга балиқ сўраб келиб қолса-ю, қуруқ қайтиб кетса яхши бўлмайди. Сен тўр солиб бирор нарса тутсанг, улар қуруқ қайтмайди. Мен шоҳ қасри тагига бориб, сени денгизга ташлаган бўлиб ҳийла қиламан»,— дебди. «Сен бора бер, мен балиқ овлайман, худо ишингни ўнгласин»,— дебди Абусир. Бошлиқ қопни қайиққа солиб, шоҳ қасри томон ҳайдабди. Шоҳ ўз қасрининг деразаси ёлдида ўтирар эди. Кема бошлиғи шоҳга қараб: «Эй шоҳи замон, ташлайми?»— дебди. Шоҳ: «Ташла!»— деб қўл силтаб ишора қилган эди, шу вақт ярақ этиб бир нарса денгизга тушиб кетибди. У шоҳ қўлидаги сеҳрли узук эди. Агар шоҳ бирор кишидан ғазабланиб, уни ўлдирмоқ истаса, узук тақилган қўли билан унга ишорат қилса кифоя эди. Узукдан ўт чиқиб, мўлжалдаги кишини жароҳатлар, бошини танидан жудо

қилар эди. Аскар ва лашкар боши шоҳга бўйсунилари фақат ана шу узукнинг хосияти туфайли эди. Бармоғидаги узук сувга тушганини шоҳ сир тутибди. Аскарлар қарши чиқиб, уни ўлдиришидан қўрққан шоҳ «узугим сувга тушиб кетди», деб айтиш ўрнига жим-жим қола берибди. Шоҳ воқеаси шундай.

Энди Абусир воқеасига келсак, кема бошлиғи кетгач, у дарёга тўр солибди. Бир оз туриб тортган экан, тўр тўла балиқ чиқибди. У иккинчи марта тўр солиб, тортган экан, яна балиқ тўлиб чиқибди. Қанча тўр солса, балиқ шунча тўлиб чиқа берибди. Ҳаш-паш дегунча атрофи балиққа тўлиб кетибди. Абусир ўзича: «Қачондан бери балиқ еганим йўқ»,— дебди-да, катта, ёғлиқ бир балиқни айириб, бошлиқ келганда бу балиқни пишириб беришни сўрайман дея ёнидаги пичоқ билан балиқни ёрибди. У ёрар экан, пичоқ балиқ қорнидаги бир нарсага бориб қадалибди. Қараса, шоҳнинг узуги экан. Бу узукни шоҳ қасри яқинида сузиб юрган балиқ ютган экан-да, насиба излаб бу ёқларга келиб, Абусирнинг тўрига илинган экан. Абусир узукни олиб бармоғига тақибди. Лекин, у бу узукнинг хосиятларини билмас эди.

Шу чоқ бирдан ошхона хизматчиларидан икки киши балиқ сўраб келиб қолибди. «Кема бошлиғи каёққа кетди, эй биродар?»— дейишибди улар. Абусир ўнг қўли билан ишорат қилиб, «Билмайман!»— деган экан, шу заҳоти уларнинг бошлари елкаларидан учиб кетибди. Абусир: «Буларни ким ўлтирди, экан»,— деб ҳайрон бўлиб турган экан, бирдан кема бошлиғи келиб қолибди. Дарға Абусирнинг ёнида уйилган балиқларни ва у ерда ўлиб ётган икки кишини кўрибди. Кейин Абусир қўлидаги узукка кўзи тушибди. «Эй биродар!»— дебди у Абусирга,—

узук таққан кўлингни қимирлатмай сўзла, агар қимирлатсанг, мени ҳам ўлдирасан. Абусир кема бошлигининг сўзини эшитиб ҳайрон бўлибди. Кема бошлиғи Абусирнинг ёнига келгач: «Буларни ким ўлдирди?»— деб сўрабди. «Худо ҳақи, билмайман, эй биродар»,— дебди Абусир. «Тўғри,— дебди у,— лекин бу узук воқеасини айтиб бер, бу узук қандай қилиб, сенинг кўлингга тушиб қолди?» «Бу узукни балиқ қорнидан топдим»,— дебди Абусир.

«Тўғри,— дебди кема бошлиғи,— шоҳ қопни дарёга ташлашга кўли билан ишорат қилган вақтда бу узук унинг кўлидан дарёга ярақлаб тушганини кўрган эдим,— дебди дарёга давом этиб,— ўшанда уни балиқ ютгану, у балиқни сен овлапансан. Худо, бунга эга бўлишни сенга дозим кўрибди. Лекин сен бу узукнинг хосиятларини биласанми?» «Йўқ»,— дебди Абусир. «Мамлакатимизнинг аскарлари шу узук бўлмаса: шоҳга итоат қилмас эдилар,— дебди кема бошлиғи,— улар фақат шу узукдан кўрқиб шоҳга итоат қиладилар. Чунки бу узук сеҳрли узукдир. Агар шоҳ бирор кишидан ғазабланиб, уни ўлдирмоқ истаб мана шу узук билан ишорат қилса, унинг боши бўйнидан учиб кетади. Чунки бу узукдан бир чўрчиқиб, мўлжалланган одамга бориб тегади-да, ўша онда уни ўлдиради».

Бу сўзни эшитгач Абусир бениҳоят шодланиб: «Мени шаҳарга олиб бор!»— дебди унга.

«Сени энди шаҳарга олиб боришим мумкин. Чунки шоҳдан кўрқадиган жойимиз қолмади,— дебди у давом этиб,— сабабки, сен қачон уни ўлдиришни дилингдан ўтказсанг, ўша онда ўлдира оласан. Шоҳ тугул бутун аскарларни қириб ташлашни истасанг ҳам шубҳасиз кўлингдан келади»,— дебди-да, у Абусирни кемага ўтқазиб, шаҳарга жўнатибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод қия
коя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
ўттиз тўққизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Бошлиқ Абуфирни кемага ўтқазиб, шаҳарга жўнатибди. Шаҳарга етгач, Абуфир шоҳ қасрига кирибди. Қараса, шоҳ ўз тахтида ўтирар, аскарлар унинг атрофида турар эдилар. Шоҳ узук тўғрисида бениҳоят ташвиш тортар эди-ю, аммо унинг йўқолгани ҳақида ҳеч кимга ҳинг деёлмас эди.

Шоҳ Абуфирни кўргач: «Сени дарёга ташлатган эдим-ку, қандай қилиб ундан чиқдинг?»— дебди унга. «Эй замона шоҳи,— дебди Абуфир,— сиз мени дарёга ташлашни кема бошлиғига топширгач, у мени жазирага олиб борди. Шунда мендан сизнинг хафалигингиз сабабини сўраб: «Шоҳга нима ёмонлик қилган эдингки, у сени ўлдиришга буюрди»,— деди. Мен унга: «Худо ҳақи, нима ёмонлик қилганимни билмайман»,— дедим. Шу чоқ у: «Шоҳ наздида бунгача ҳеч ким муяссар бўлмаган баланд мартаба топган эдинг. Менимча, бирор киши ҳасад қилиб, сенинг ҳақингда шоҳга ёмон сўз эшиттириб, унинг ғазабини қўзғатган бўлса керак. Эсимда, ҳаммомга борганимда сен менга катта ҳурмат кўрсатган эдинг. Ана шу ҳурматинг бараварига мен сени қутқазиб, ўз шаҳрингга юбораман»,— деди-да, менинг ўрнимга қопга катта тош солиб, уни денгизга ташлади. Сиз қопни отишга ишорат қилиб қўл силтаганингизда узук отилиб денгизга тушибди-да, уни балиқ ютибди. Мен балиқ овлаб ўтирган эдим; ўша узукни ютган балиқ ҳам

тўрга илинди. Мен уни қовурмоқ истаб, ёрган эдим, қорнидан узук чиқди. Олиб бармоғимга тақдим. Орадан кўп ўтмай, икки ошхона хизматчиси келиб, мендан балиқ сўради. Узукнинг хосиятидан беҳабар, «Мен билмайман»,— деб уларга қўлим билан ишорат қилган эдим, бошлари шилқиллаб тушди. Кема бошлиғи келгач, бармоғимдаги узукни кўрди-да, унинг сеҳрли эканини сўзлаб берди. Менга беиҳоят катта ҳурмат кўрсатиб, қилган яхшиликларингиз бекор кетмасин деб, уни сизга келтирдим. Мана, узугингизни олинг. Агар мен ўлдиришга лойиқ бирор иш қилган бўлсам, гуноҳим нима? Айтинг-да, майли, мени ўлдилинг, у ҳолда менинг қоним уволига қолмайсиз».

Абусир қўлидан узукни чиқариб шоҳга топширибди. Шоҳ узукни олиб, ўз қўлига таққач, унга бошқатдан жон кирибди. Абусирнинг шу қадар хотамлигини кўрган шоҳ оёққа туриб, унинг бўйнидан қучибди-да: «Эй одам, сен яхшиларни яхшиси экансан, мендан хафа бўлма, қилган айбим учун мени кечир. Агар узук сендан бошқа одамнинг қўлига тушганда қайтариб бермас эди»,— дебди.

«Эй замона шоҳи,— дебди Абусир,— агар кечиримни истасангиз сизни газаблантириб, мени ўлдиришга буюришга сабаб бўлган гуноҳим нималигини айтиб беринг!». «Худо ҳақи, ҳозир аниқ билдимки, сенда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, сен тамоман пок киши экансан. Менга қилган яхшилигинг буни исботлайди. Сен тўғрингда бўёқчи менга шундай-шундай деган эди»,— деб шоҳ бўёқчининг ҳамма гапларини айтиб берибди. «Худо ҳақи, эй замона шоҳи,— дебди Абусир,— мен мутлақо Носоро шоҳини танимайман ҳам, носоролар шаҳрига бир умр қадам босмаганман ҳам ва шунингдек, сизни ўлдириш ҳеч қачон хаёлим».

га келган ҳам эмас. Аммо, ўша бўёқчи Искандария шаҳрида менинг дўкон қўшним, танишим эди. У ерда бизларнинг турмушимиз танг бўлиб қолди. Шу сабабдан биз сафарга чиқдик-да, қай биримиз ташлаб турган бўлсак, бекор қолганимизни боқиб туришга аҳд қилдик. Менинг бошимдан мана бундай воқеалар ўтди»,— деб бўёқчи билан ораларида юз берган воқеаларни, касал бўлиб, ҳушсиз ётганда бўёқчи унинг пулларини олиб, устидан кулфлаб кетгани борми, ниҳоят, саройбон касалдан тузалгунча ўз ёнидан озиқ-овқат бериб унга ёрдам кўрсатгани борми, тувалгач, ўз одатича кўчаларда айланиб юргани борми, бўёқ дўконининг олдида одамлар тўпланиб турганини кўриб, у ерга боргани борми, Абуқирни кўриб, салом бергани борми, «Бу ўғрини тутинглар!»—деб хизматчиларига урдиргани борми—ҳамма ўз бошидан кечирганларини бирма-бир сўзлаб берибди. «Эй замона шоҳи,— дея Абусир сўзида шуни ҳам илова қилибди,— бўёқчи менга: «Ҳаммом ҳар тўғрида анча мукамал, лекин, ана шу доригина етишмайди»,— деди. Эй замона шоҳи, аслида у дори зарарли эмас. Бизлар ўз шаҳримизда шундай қиламиз. У керакли нарсадир. Мен буни унутган эканман, бўёқчи ҳаммомга келгач, менга буни эслатди ва «бу дорини тайёрла!»—деди. Менинг бу сўзларимни аниқлаш учун саройбон ва бўёқчининг хизматчиларини келтириб сўрашингиз мумкин».

Шоҳ саройбон ва бўёқчининг хизматчиларини келтириш учун одам юборибди. Улар келишгач, шоҳ сўрабди. Улар бўлган воқеани тасдиқлабдилар.

Сўнг шоҳ бўёқчига одам юборар экан: «Уни бош яланг, оёқ яланг, қўлини орқасига боғлаган ҳолда келтиринг»,— деб тайинлабди.

Бўёқчи Абусирнинг ўлдирилганига шодланиб ўз

уйида ўтирган эди. У шоҳ соқчилари ҳамла қилиб, гарданига шарақлатиб туширганларини сезмай ҳам қолибди. Улар бўёқчининг қўлларини боғлаб шоҳ ҳузурига келтирибдилар.

Абуқир келиб қараса, Абусир шоҳнинг ёнида, саройбон ва бўёқхона хизматчилари унинг олдида ўтирибди.

— Сенинг пулингни ўғирлаб, касал ҳолда устингдан қулфлаб кетган ва сенга шундай-шундай ишлар қилган ҳамроҳинг шуми?— дебди саройбон.

Бизга «Бу ўғрини тутинглар» деб калтаклатган одамнинг бу киши эмасми, дейишибди бўёқчининг хизматкорлари.

Шу вақт шоҳга Абуқирнинг ёмонлиги аниқ бўлибди. Унинг мункарнакир азобидан қаттиқроқ жазога лойиқ эканига ишонган шоҳ: «Шаҳар айлантириб уни сазойи қилинглар»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Туққиз юз
қирқинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Саройбон ва бўёқчи хизматкорларининг сўзларини эшитгач, Абуқирнинг ифлослигига ишонган шоҳ, унга қаттиқ жазо қўллашга жазм қилибди-да: «Шаҳар айлантириб уни сазойи қилинглар-да, сўнг қопга солиб, дарёга ташланглар»,— дебди. «Эй замона шоҳи,— дебди Абусир, — бунини мен учун кечиринг, унинг менга қилган ёмонликларини мен кечирдим». «Сенга қилган ёмонликларини сен кечирган бўлсанг ҳам, менга қилган ёмонликларини мен кечирдим».

чира олмайман»,— дебди-да, шоҳ ўз одамларига: «Шаҳар айлангириб, уни сазойи қилганингдан сўнг, қопга ўлмаган оҳак билан бирга солинглар-да, дарёга ташланглар»,—деб буюрибди. Улар шоҳ фармони-ни бажарибдилар. Шундай қилиб, Абуқир куйиб ғарқ бўлибди. Сўнг шоҳ Абусирга: «Тила тилагингни, бажарай»,— дебди.

«Менинг бу ерда туришга рағбатим қолмади. Ўз юртимга юборишингни сўрайман»,— дебди Абусир.

Шоҳ аввалги мукофотлар устига яна қанчадан-қанча совғалар бергандан сўнг унга вазирликни таклиф қилибди. Лекин Абусир рози бўлмабди. Шоҳ унга энг яхши нарсалар юкланган махсус кема билан дарға ва қуллар инъом қилибди.

Абусир шоҳ билан хайрлашиб, кема тўла нарсалар ва қуллар билан йўлга тушибди. Тўхтовсиз йўл юриб, ниҳоят Искандария шаҳрига етибдилар-да, қирғоққа лангар ташлаб кемани тўхтатибдилар. Улар кемадан тушганларида қулларидан бири Абусирга: «Эй хўжам, дарё қирғогида катта ва оғир бир қоп кўрдим. Унинг оғзи боғланган, нималигини билмадим»,— деб хабар берибди. Абусир келиб, қопни ечибди. Қараса, Абуқир экан. Денгиз тўлқини уни Искандария қирғоғига келтириб ташлабди. Абусир уни қопдан олиб, Искандария яқинига кўмдирибди ва унга мақбара ясаптириб, вақфлар белгилабди. Шундан кейин мақбара эшигига шу байтларни ёздирибди:

Иши билан ўлчанур мард кишилар салмоғи,

Улуғлиги билинур улуғлик қилган чоғи.

Елгон, ҳазил сўз учун тил чиқазма бир қулоч,

Аблаҳларнинг базмидан, эсинг бўлса тезроқ қоч!

Асраймиз биз зотдор ит, шер сақлаймиз занжирда,

Шер бўш юриб кулганин ким кўрипти бир ерда?..

Ҳеч кераксиз мурдани, денгиз четга отади,

Дуру гавҳар денгизнинг чўнтагида ётади.
Дуч келтирар лочинга чумчуқнинг нодонлиги,
Хайр-эҳсони туфайли — инсон шараф-шонлиги
Берма баҳо барг кўриб, шаҳди шакар пояда,
Офтоб агар тушмаса, унмайди дон сояда.
Ким халқ учун улашса, қайтиб уни олади,
Ундан сўнг яхши номи халқ ичида қолади.
Таъна қилсанг бировга, сўнг ўзингга қайтади.
Бир кун келиб, ўзингга айтган сўзинг айтади.

Абусир бир қанча вақт яшаб, сўнг вафот этибди.
Уни биродари Абуқир қабри яқинига кўмбдилар. Шунинг учун ҳам бу жой Абуқир ва Абусир деб аталар экан. Ҳозир эса у ер фақат Абуқир номи билан маълум. Улар воқеасидан бизларга етиб келгани шудир.

АБДУЛЛО БАДРИ ВА АБДУЛЛО БАҲРИ ҚИССАСИ



икоя қилишларича, Абдулло деган бир балиқчи бўлиб, унинг бола-чақалари кўп экан. Тўққиз бола ва уларнинг онаси билан ўн жон унга қарам экану, лекин бисотида балиқ овлайдиган тўридан бошқа ҳеч нарсаи йўқ, камбағал экан. У ҳар куни денгизга бориб, тўр ташлар ва балиқчилик билан кун кўрар экан. Ови кам бўлса ҳам уни сотиб, худонинг берганига шукур қилиб, болалари билан баҳам кўрар экан. Агар ови ўнгидан келиб қолса, тушган пулнинг ҳаммасини шу куниёқ харжлаб болаларига яхши едириб, яхши ичирар экан. У: «Эртанинг ризқи эртага келади»,— дер экан ўзича. Хотинининг кўзи ёриб, болалар сони ўнта бўлибди. Шу кун унинг қўлида ҳеч нарса йўқ экан. «Эй хўжам, егулик бир нарса олиб кел!»,— дебди хотини унга. «Мана ҳозир, улуг тагрининг амри билан денгизга бориб, бу қутлуғ чақалоққа атаб тўр соламан-да, унинг бахтини си-

найман»,— дебди эри. «Худога таваккал қил!»— дебди хотини.

Балиқчи тўрни кўтариб, денгиз томон йўл олибди. У ёш гўдак бахтини синаб тўр солар экан: «Эй худо, бу гўдакнинг ризқи рўзини ўзинг кўп қил, қийин қилма, осон қил»,— дебди. Балиқчи бир оз кутиб тургач, тўрни тортибди. Тўр қум, шағал, тош, ўт каби ҳар хил лаш-лушларга тўлиб чиқибди. Тўрда кўнгил учун кичкина бўлса ҳам биронта балиқ йўқ эди. У иккинчи қайта тўр солиб, бир оз кутгач тортибди. Балиқдан асар ҳам йўқ эди. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи марта тўр солиб кўрибди. Барибир балиқ илинмабди. Жойни ўзгартириб, бошқа ерга тўр солибди. Шу алфозда то қоронғи тушгунча тўр солибди-ю, лекин кўнгил учун кичкина бир балиқча ҳам илинмабди. Балиқчи ҳайрон бўлиб, ўз-ўзига: «Бу болани худо беризқ яратган эканми, бундай бўлиши ҳеч мумкин эмас. Чунки, тешик оғизни яратган худо, унга насиба беришга кафилдир. Ахир, унинг ўзи саҳоватли ризқ берувчи-ку»,— дебди. Оила ташвиши билан банд бўлган балиқчи дили вайрон ҳолда тўрни кўтариб қайтибди. Унинг уйида ейдиган ҳеч нарса йўқ, болалари оч, айниқса янги бўшанган хотинига жабр бўлибди. У кетар экан: «Энди нима қилсам экан, бу кеча болаларни қандай юпатаман»,— дея ташвишланар эди. Хаёл суриб у бир нонвойхона олдига бориб қолибди. Бу вақтларда замон оғир бўлиб, озиқ-овқат етишмас, одамлар амал-тақал билан зўрға кун кечирар эди. Тўпланишиб турган одамлар нонвойга пул узатишар, нонвой эса ҳеч қарамас эди. Иссиқ нон ҳидлари димоғига уриб балиқчи ҳам шу ерда тўхтаб, кўзини нондан ололмай қолибди. Балиқчини бу ҳолда кўрган нонвой унга: «Бери кел, эй балиқчи!»— дебди. Балиқчи унинг

ёнига борган экан: «Нон керакми?»— деб сўрабди нонвой. Балиқчи нима дейишини билмай, инламабди. «Уялмай гапиравер, пулинг бўлмаса, худо марҳаматлидир. Сенга нон бериб тураман, пулини кейин тушганда берарсан». «Худо ҳақи, эй нонвой, пулим йўқ,— дебди балиқчи,— лекин оиламга етарлик нон бериб туришингни сўрайман, ўрнига мана бу тўрни қўйиб кетаман». «Эй бечора, бу тўр сенинг насибангининг дўкони ва ризқингининг эшиги-ку. Буни гаровга қўйсанг, нима билан ов қиласан. Қанча нон кераклигини айт!»— дебди нонвой. «Ўн ярим кумушли»,— дебди балиқчи. Нонвой ўн ярим кумушли нон бериш билан бирга унга ўн ярим кумуш пул ҳам бериб, **дебди: «Бу ўн ярим кумуш пулни ҳам ол-да, болаларингга едир. Мендан сен йигирма ярим кумуш қарз бўласан. Шу пулимга лойиқ эртага менга балиқ олиб кел. Борди-ю, эртага ҳам ишинг юришмаса, келиб мендан яна ўн ярим кумушлик нон ва пул олиб кетавер, қачон пул тушса ўшанда берарсан».**

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Нонвой балиқчига: «Ўзингга керагича ола-

вер, мен омадинг келгунча қистамайман. Сўнг балиқ-малиқ бериб узарсан»,— дебди. «Қилган яхшилигинг мендан қайтмаса, худодан қайтсин»,— дебди-да, балиқчи нон билан ўн ярим кумушни олиб, шодланган ҳолда йўлга тушибди. У ҳамма пулни харжлаб уйига кириб борибди. Хотини очликдан



*Тўққиз юз
қирқ биринчи
кеча*

йиғлаётган болалар кўнглини овлаб: «Ҳозир дадаларнинг сизларга овқат олиб келади»,— деб овутар эди. Балиқчи кириб нонни уларга берибди-да, хотинига бўлган воқеани айтиб берибди. «Ризқ берувчи улуғ тангрига шукур»,— дебди хотин.

Иккинчи кун балиқчи тўрни кўтариб яна овга кетар экан: «Ё худо, букун насиба ато қилиб, бу нонвой олдида юзимни ёруғ қил!»— деб худога сизгинибди-да, денгизга бориб устма-уст тўр солиб тортибди. Аммо бирорта ҳам балиқ илинмабди, шу алфозда кечгача тўр солиш билан овора бўлибди-ю, барибир ҳеч нарса илинмабди. Нонвойнинг дўкони унинг йўлида эди. У бениҳоят ғамгин кела туриб: «Уйимга қаердан борсам экан, нонвойга сездирмай тез ўтиб кета қолай»,— деб ўйлабди. У, нонвой дўконига етгач, тўпланиб турган одамларга кўзи тушибди-да, уялганидан тез-тез юра бошлабди. Иттифоқо, нонвойнинг кўзи унга тушиб:

— Ҳой балиқчи, бери кел, ноннинг билан овқат харажатингни олиб кетишни нега унутдинг?— деб чақирибди.

— Унутганим йўқ, худо ҳақи, сендан уялдим, чунки букун ҳам бирорта балиқ тутолмай қайгдим,— дебди балиқчи.

— Уялма, ахир, бахтинг бугун келмаса бошқа кун келиб қолар, ҳозирча қистамайман, деб муҳлат берган эдим-ку,— дебди-да, унга нон ва ўн ярим кумуш пул берибди. Балиқчи уларни олиб хотини ёнига кириб борибди-да, бўлган воқеани ҳикоя қилибди. «Кўп ўкинма, худо етказар, ҳақини тўларсан»,— дебди хотини унга. Шу аҳволда тўрт кун ўтибди. Ҳар кун балиқчи кун чиққандан кун ботгунгача денгизга бориб, тўр солар, лекин балиқсиз қайтар эди-ю, ҳар кун нонвойдан нон ва харажат учун

пул олар эди. Нонвой эса балиқчига балиқ келтириш тўғрисида оғиз ҳам очмас, тўлаш вақти ҳақида муҳлат ҳам кўрсатмасди. Аксинча, ҳар кун нон ва ўн ярим кумуш бераверар эди. Балиқчи: «Ҳисоб қил, эй биродар!»— деса нонвой унга: «Кета бер, ҳозир ҳисоб-китоб вақти эмас, бир кун сенга бахт оғар, ўшанда ҳисоблашармиз»,— дер эди. Балиқчи нонвойга миннатдорчилик билдириб, уни дуо қилар эди.

Қирқ биринчи кун балиқчи хотинига: «Тўрни йиртиб ташлаб, шу турмушдан кечсам дейман»,— деб бўғилибди. «Нега?»— дебди хотини. «Афтидан, денгиздан келадиган насибам тугаганга ўхшайди, қачонгача бу ҳол давом этади. Худо ҳақи, нонвойдан уятга ўлдим. Нонвой олдидан ўтмаслик учун ҳам, энди денгизга бормаслигим керак, чунки борадиган бошқа йўл йўқ. Қачон унинг олдидан ўтсам, у чақириб менга нон, пул тутқзади. Қачонгача мен ундан қарз оламан?»— дебди балиқчи. «Унинг дилига раҳму шафқат солган худога шукур, шунчалик кунимизга яраб турибди. Нега сен бунчалик чўчийсан?»— дебди хотини.

«Гарданимда ҳақи кўпайиб кетди, букунми, эртами, ҳақини талаб қилади-да, ахир»,— дебди балиқчи. «Нима, бирор нарса деб сени ранжитдим?»— дебди хотини. «Йўқ, айтсам рози бўлмай, қачон ишнинг ривожланса, ўшанда ҳисоблашамиз»,— деб жавоб беради. «Агар талаб қилса, яхши фурсат келганда тўлаймиз, деб айт»,— дебди хотини. «Биз умид қилган вақт қачон келади?»— дебди балиқчи. «Ризқ берувчи худонинг ўзидир»,— дебди хотин. Эри: «Тўғри айтасан»,— дебди-да, тўрни кўтариб, денгиз томонга жўнабди. Кетар экан, балиқчи: «Эй худо биттагина бўлсаям балиқ насиб қилсанг, нонвойга бера турар эдим»,— деб илтижо қилибди. У шу кун

тўрни солиб тортса анча оғир сезилибди. У бир амаллаб тўрни тортиб олибди. Қараса, бир ўлган эшак илинган экан. У сасиб, ниҳоятда бадбўй бўлиб кетган экан. Жиркана-жиркана уни тўрдан чиқариб ташлабди-ю, «Лоҳовла валоқуввата илло биллоҳ»,— деб зорланибди: «Хотинимга дарёда менинг насибам тамом бўлган, энди мен бу ишни қилмайман десам, у: «Худо ризқ берувчидир. Тезда сенга омад етар»,— дейди. Омад шу ўлган эшакми?»— деб у хафа бўлибди. У сассиқдан нарироққа бориб, денгизга яна тўр ташлабди-да, анча вақт кутиб тургач, тортибди. Тўр жуда оғир эди. Оғирлигидан нақ унинг қўллари шилиниб кетибди. Тўрни олиб қараса, қандайдир бир одам экан. Балиқчи ўзича: «Бу Сулаймон алайҳиссалом мис кўзага қамаб дарёга ташлаган девлардан бири бўлса керак. Кўп йиллар ўтиб, кўза синиб, дев чиқиб қолган бўлса, тўрга илашиб қолгандир»,— деб ўйлабди-да: «Раҳм қил, тинч қўй, эй Сулаймон алайҳиссалом деви»,— деганча ундан қоча бошлабди. Аммо, тўрдаги одам: «Бери кел, эй балиқчи, мендан қочма, мен ҳам сенга ўхшаш одамман. Мени қутқар, сени мукофотлайман!»— деб бақрибди. Унинг сўзини эшитган балиқчи ўзини босиб, унга яқин келибди-да: «Сен жинлар тоифаси — дев эмасмисан?»— дебди. «Йўқ,— дебди у балиқчига,— мен худога ва унинг пайғамбарига имон келтирувчи одамларданман». «Сени ким сувга ташлади?»— дебди балиқчи.

«Ҳеч ким, ўзим сув авлодиданман,— дебди у,— сувда кезиб юрар эдим, илиниб қолдим. Бизлар худонинг буйруқларига бўйсунувчи тоифамиз, биз худо махлуқларига меҳрибонлик кўрсатамиз. Агар гуноҳкор бўлишимдан қўрқмаганимда, сенинг тўрингни узиб кета берар эдим. Лекин, мен ундай қилмай,

худонинг ҳукмига рози бўлдим. Энди сен мени қут-қарсанг, менинг эгам бўласан, мен эса сенинг қулинг бўламан. Худо дийдорига мушарраф бўлиш учун, менинг эгам бўлиб қолиш учун мен билан аҳд тузишни хоҳламайсанми? Сен менинг дўстим бўласан ва мен ҳар куни шу ерга келаман. Сен ҳам узум, анжир, тарвуз, шафтоли, анор каби ер мевалари олиб келасан. Келтирган нарсаларингни олиб, эвазига денгиздаги қиммат баҳо — маржон, дур, забаржад, ёқут, зумрад каби тошлар билан саватингни тўлдириб бераман. Нима дейсан, эй биродар?» — дебди у. «Бўпти, шундай қилишга аҳдлашамиз», — дебди балиқчи. Ҳар иккови ваъдалашиб фотиҳа ўқишибди. Балиқчи девни тўрдан бўшатгандан сўнг «**Отинг нима?**» — деб ундан сўрабди. «**Отим Абдулло баҳри (денгиз Абдуллоси)** деб сўзида давом этибди: — сен келганингда мен йўқ бўлсам, «Қаердасан, эй Абдулло, эй баҳри!» — деб чақир. Мен ўша он пайдо бўламан.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
қирқ иккинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод, — Абдулло баҳри балиқчига: «Сен келганингда мен бўлмасам «Эй Абдулло, эй баҳри!» деб чақир, мен ўша он қошингда ҳозир бўламан», — дебди-да, ундан: «Сенинг отинг нима?» — деб сўрабди. «Менинг отим Абдулло», — дебди балиқчи. «Демак, сен Абдулло бадри (ердаги Абдулло), мен Абдулло баҳри (денгиздаги Абдулло). Сен шу ерда бир оз тура тур,

мен сенга тухфа келтириб бераман»,— дебди. «Бош устига»,— дебди Абдулло бадри. Абдулло баҳри сувга шўнғибди. Балиқчи Абдулло эса уни тўрдан бўшатганига пушаймон бўлиб ўзича: «Унинг келиш-келмаслигини ким билади, балки мени алдаб кетгандир. Мен унга ишониб бўшатиб ўтирибман, аттанг, бўшатмай уни тўрдалигича сақлаганимда, шаҳардаги одамларга кўрсатиб пул йиғар эдим, пулдорлар уйига олиб кириб кўрсатиб даромад қилар эдим, ўлжани қўлдан чиқардим»,— дея ачинибди. Балиқчи унинг қўлдан чиқариб юборганига ачиниб турган чоқда бирдан Абдулло баҳри икки қўли тўла марварид, маржон, зумрад, ёқутлар билан чиқиб Абдулло бадрига:

«Мана, буларни ол, лекин оз деб хафа бўлма, кўпроқ келтириш учун қўлимда идиш бўлмади»,— дебди.

Абдулло бадри севиниб қиммат баҳо тошларни ундан олибди. Абдулло баҳри Абдулло бадрига: «Ҳар кун шу ерга кун чиқмасдан олдин кел!»— деб тайинлабди-да, хайрлашиб дарёга тушиб кетибди. Хурсанд бўлган балиқчи шаҳар томон йўл олиб, ҳашпаш дегунча нонвой дўконига етибди: «Эй биродар, менинг бахтим келди. Энди ҳисоб-китоб қилишайлик»,— дебди у нонвойга. «Ҳисоб-китобнинг кераги йўқ, агар бирор нарсанг бўлса бер, бўлмаса то ишинг тамоман юришиб кетгунча яна нон ва пул олиб кетавер!»— дебди нонвой. «Эй биродар,— дебди балиқчи унга,—худонинг марҳамати билан омадим келди. Гарданимда сенинг ҳақларинг анча кўп, мана буни ол!»— дебди-да, балиқчи бир ҳовуч қиммат баҳо марварид, маржон, ёқутларни нонвойга берибди.

Бу, қўлидаги қиммат баҳо тошларнинг ярми эди.

Уни нонвойга бериб: «Энди буларни сотгунимча, бугунги харажат учун бир оз пул бериб тур»,— дебди. Нонвой қўлидаги ҳамма пулларни ҳам, саватидаги нонларни ҳам йиғиб берибди. Тошларни олиб суюниб кетганидан: «Мен сенинг қулингман, хизматчингман»,— дебди-да, ҳамма нонларни бошига қўйиб, балиқчининг орқасидан унинг уйигача борибди. Нонвой нонларни балиқчининг хотин, бола-чақаларига топшириб, ўзи бозордан гўшт, кўкат ва бошқа ҳар турли мевалар олиб келибди. У нонвойхонани йиғштириб бутун кунни Абдулло бадри хизматида, унинг ишларини бажариш билан ўтказибди. «Эй биродар, ўзингни чарчатиб қўйдинг»,— дебди балиқчи нонвойга. «Бу менинг вазифам, чунки мен сенинг яхшиликларингга ғарқ бўлиб, сенга қул бўлиб қолдим»,— дебди у. «Ахир, сен биз қийналган кунларимизда жуда кўп яхшилик қилган эдинг-ку»,— дебди балиқчи. Нонвой шу кечни у билан ажойиб таомлар еб ўтказибди.

Нонвой балиқчининг энг яқин дўсти бўлиб қолибди. Балиқчи хотинига Абдулло баҳри воқеасини айтиб берибди. Шодланган хотин эрига: «Бу сирни ҳеч кимга билдирма, чунки бу сир бировларга эшитилса, давлат бошлиқлари уни чангалларига илантириб олишлари мумкин»,— дебди. «Ҳаммадан яширсам ҳам нонвойдан яширмайман»,— дебди балиқчи. Саватга ҳар хил меваларни тўлдириб қўйган балиқчи, эртаси уларни кўтариб кун чиқмасдан олдин денгиз сари йўл солибди-да, бориб, саватни дарё қирғоғига қўйиб: «Қаердасан, эй Абдулло, эй баҳри!» деб чақирибди. Бирдан: «Хизматингга тайёрман»,— деб денгиздан Абдулло баҳри чиқиб келибди. Балиқчи Абдулло баҳрига меваларни тақдим қилибди. Баҳри уларни кўтариб дарёга шўнғибди. Анча вақт

ўтгач, сувдан чиқиб, сават тўла турли қиммат баҳо тошларни балиқчига берибди. Балиқчи бошига қўйиб кўтарганча йўлга тушибди. У дўконга етгач, нонвой унга: «Эй хўжам, қирқта ширмой ёпиб, уйингизга ташлаб келдим. Энди мен бир алоҳида нон ёпаётирман, пишгач уйингизга олиб бориб бераман. Сўнг бозорга бориб сизга кўкат, гўшт келтираман»,— дебди. Балиқчи унга уч ҳовуч қиммат баҳо тошлардан берибди-да, ўзи уйига жўнабди. Уйига келгач, у саватни қўйибди-ю, турли тошлардан битта-битта намуна олиб, гавҳар бозорига жўнабди. У бозор оқсоқолининг олдига бориб: «Қимматли тош оласанми?»— дебди. «Кўрсат-чи!»— дебди оқсоқол унга. Балиқчи унга тошларни кўрсатибди... «Бундан бошқа яна борми?»— дебди оқсоқол. «Бир сават бор»,— дебди балиқчи. «Қаерда?»— дебди оқсоқол. «Фалон кўчада»,— дебди балиқчи. Оқсоқол унинг қўлидан жавоҳирларни олибди-да, одамларига: «Шоҳнинг хотини — малика нарсасини ўғирлаган бу лаънати ўғрини тутиб, уринглар»,— дебди. Улар балиқчининг қўлларини боғлаб урибдилар. Оқсоқол ва бутун гавҳарфурушлар «хайрият, лаънатини тутдик»,— дейишар экан. Бировлар, «фалончининг молини ҳам шу ўғирлаган»,— десалар, бировлар, «фалончининг уйини уриб кетган ҳам шудир»,— дер эди. Биров ундай, биров бундай дер эди-ю, аммо балиқчи ҳеч кимга галирмай жим ўтирарди. Одамлар уни шоҳ ҳузурига олиб боргунларича ҳам у индамабди.

«Эй замона шоҳи,— дебди оқсоқол,— маликанинг марваридларини ўғирлаган киши топилганда менга хабар бер, деб амр қилган эдингиз. Ҳаммадан кўра бу ишга мен қаттиқ ҳаракат қилиб, бу безорини ушлаб келтирдим. Мана унинг қўлидан тортиб олган марваридларимиз».

Бу марваридларни маликага кўрсат-да: «Сиз йўқотган марваридлар шуларми, деб сўра»,— дебди шоҳ хизматкорига. Хизматкор марваридларни олиб малика ҳузурига кирган экан, малика бу тошларни кўриб ҳайрон қолибди. «Мен марваридларимни ўз уйимдан топдим,— дебди у,— булар меники эмас, лекин бу марваридлар меникидан яхшироқ экан, шоҳга айт, у кишини ранжитмасин».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
қирқ учинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— шоҳ хотини хизматкорга: «Булар меники эмас, лекин меникидан яхшироқ, у кишини хафа қилмаслик керак. Агар сотса, қизинг Уммуссуд учун сотиб олармишсиз, жуда тайинлади дегин»,— деб жўнатибди. Хизматкор қайтиб, шоҳга малика сўзларини айтибди. Шоҳ оқсоқол билан унинг кишиларига Ад ва Самудлар лаънатини ёғдирибди. «Биз бу кишининг камбағал бир балиқчи эканлигини яхши билардик. Бунинг қўлида шунча қиммат баҳо тошлар кўрганимиздан кейин, ўғирлаган бўлса керак деб гумон қилдик»,— дебди улар. «Эй муттаҳамлар,— дебди шоҳ,— сдамнинг дунёсини кўриб, шундай бадгумонлик қиласизми, нега ундан сўрамадинглар? Балки кутмаган ердан улуғ тангри унга бахт ато қилгандир! Нега сизлар уни ноҳақ «ўғри» деб халқ орасида шарманда қилдинглар? Йўқолинглар, сизларга худо яхшилик насиб қилмасин». Улар кўрқа-кўрқа шоҳ олдидан чиқиб кетибдилар.

Улар чиқиб кетгач, шоҳ балиқчига қараб: «Эй киши, худо давлатингни бундан ҳам зиёда қилсин, хотиржам бўл! Лекин менга бу қиммат баҳо тошларни қандай топганингни айтиб бер! Ахир, мен шоҳ бўлсам ҳам, бу хил тошлар менда йўқ»,— дебди. «Эй замона шоҳи, менда яна бир сават бор»,— дебди-да балиқчи, Абдулло баҳри воқеасини бирма-бир сўзлаб берибди.

«Бу сенинг насибанг,— дебди шоҳ,— аммо, бу моллар давлатга керак нарсалардир. Мен ҳаётлигимда сени одамлардан ҳимоя қилиб тураман. Лекин мен тахтдан тушсам, ёки ўлсам, менинг ўрнимга бошқа биров ўтирса, у бу хил қиммат баҳо нарсаларни яхши кўриб, оч кўзлик билан сени ўлдириши мумкин. Шунинг учун мен сени ўзимга куёв қилиб, ўзимга вазир қилиб тайинламоқчиман. Мен ўлгач, ўрнимга шоҳ бўлишингни васият қиламан. У вақт мендан сўнг ҳеч ким сендан умид ҳам қилмайди, кўз ҳам олайтиролмайдди». У шундай дебди-да, ўз одамларига қараб: «Бу кишини ҳаммомга элтиб, ювинтиринглар ва шоҳона кийимлар кийдириглар!»— дебди. Улар фармонни бажариб, шоҳ ҳузурига киритибдилар. Шоҳ балиқчинини ўзига вазир қилиб тайинлабди. Сўнг шоҳ чалғувчи, ўйинчилар ва амалдорларни, хотинини чақирибди. Балиқчининг хотинига ҳам чопар юборибди. Улар балиқчининг хотинини, бола-чақалари билан келтириб, шоҳона кийинтирибдилар. Ҳамма улуғлар ва саркардаларнинг хотинлари, созандалар уларни тахтиравонга солиб, ўзлари унинг олдида шоҳ қасри томон йўлга тушибдилар. Энг кичик чақалоқ хотиннинг қўлида эди. Катта болаларини шоҳ олдига киргизибдилар. Шоҳ уларни ҳурматлаб, ўз ёнига ўтқазибди. Улар тўққиз ўғил эди. Шоҳ эса ўғилсиз эди, унинг Уммус-

суд деган қизидан бошқа фарзанди йўқ эди. Шоҳнинг хотини ҳам балиқчининг хотинига ҳурмат-иззат кўрсатиб, унга инъомлар ҳадя қилибди ва ўзига вазир қилиб тайинлабди.

Шоҳ балиқчи билан ўзининг қизига никоҳ хати ёзишга фармон берибди. Балиқчи эса бахт дарвозасини очган ўзидаги ҳамма қиммат баҳо тошларни унинг маҳрига солибди. Шоҳ, тўй шарафига шаҳарни зийнатлашга буюрибди.

Балиқчи шоҳ қизи қўйнига кирибди. Эртаси шоҳ деразадан қараб турса, балиқчи бошида бир сават мева кўтариб кетаётганмиш. «Қаёққа кетяпсан, бошингдаги нима, эй куёв?»— дебди шоҳ балиқчига. «Денгиздаги дўстим, Абдулло олдига»,— дебди балиқчи. «Эй куёв, ҳозир борадиган вақт эмас-ку!»— дебди шоҳ. «Ваъдани бузиб, ёлгончи бўлиб қолмай, у: «сени мендан кўра ер ҳаёти қизиқтириб қўйган, демасин деб қўрқаман»,— дебди балиқчи. «Тўғри айтдинг, дўстинг ёнига боравер, худо сенга мадад берсин»,— дебди шоҳ.

Балиқчи дўсти томон борар экан, бу сирдан воқиф бўлган кишилар бир-бирларига: «Бу шохнинг куёви, меваларни қиммат баҳо тошларга алиштириш учун кетаётир»,— дер эдилар. Воқеадан беҳабар одамлар эса: «Эй мевафуруш, қадोगи қанча, бери кел, менга сот»,— дейишар эди. Балиқчи бўлса: «Қутиб тур, мен ҳозир қайтиб келаман»,— дея ўз йўлига кета берар эди. У Абдулло баҳрига учрашиб, меваларни берибди. Абдулло баҳри мевалар ўрнига қимматли тошлар туҳфа қилибди. Бу ҳол бир қанча вақт давом этибди. Балиқчи ҳар кун нонвойхона ёнидан ўтарди. Аммо, нонвойхона қулфлоқ бўларди. Орадан ўн кун ўтса ҳамки нонвойхона ҳамон қулфлоқ эди. «Таажжуб,— дебди балиқчи,— нонвой қаёқ

қа кетган экан?» У ҳайрон бўлиб қўшниларида: «Эй биродар, нонвой қўшнингиз қаерда? У тинч-омонми?»— деб сўрабди.

«У касал, уйдан чиқолмайди»,— дебди қўшниси. «Уйи қаерда?»— деб сўрабди балиқчи. «Фалон кўчада»,— дебди қўшниси.

Балиқчи нонвойнинг уйини сўроқлаб топибди-да, эшигини тақиллатибди. Нонвой секингина деразадан қараса, бошида қиммат баҳо тошлар тўла сават, дўсти — балиқчи турибди. У келиб эшикни очибди. Балиқчи уни қучиб: «Сенга нима бўлди, эй биродар? Ҳар ўтганимда нонвойхонанг қулф. Сендан хавотир олдим. Қўшнингдан сўрасам, «касал» деди. Уйингни сўраб-сўраб кўргани келдим»,— дебди. «Менга қилган яхшиликларинг учун худо хайр берсин. Мен касал эмасман. Лекин одамлар сени шоҳ ушлади дейишди. Бунй эшитиб, қўрққанымдан нонвойхонани қулфлаб, ўзимни панага олдим»,— дебди нонвой. «Тўғри, бу гапнинг жони бор»,— дебди-да, балиқчи гавҳар бозори оқсоқоли ва шоҳ билан бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб берибди. Шоҳ менга қизини бериб, ўзига вазир қилиб тайинлади. Саватдаги насибангни ол, қўрқма»,— деб дўстини хотиржам қилибди ва ҳамма тошларни унга бериб, ўзи шоҳ олдига бўш сават билан борибди. «Афтидан, букун дўстинг билан кўришолмаганга ўхшайсан, эй куёв?»— дебди шоҳ. «Учрашдим,— дебди балиқчи,— лекин у берган нарсаларни ўзимнинг энг яқин ўртоғим нонвойга топширдим». «У нонвой ким?»— дебди шоҳ.

«Ҳаммага маълум бир одам,— дебди у,— қўлимда ҳеч нарсам йўқ кунларда у менга кўп ёрдам бериб, шундай яхшиликлар қилди. Бирор мартаба кўнглимни қолдирмади». «Унинг оти нима?»— дебди

шоҳ. «Унинг оти Абдулло нонвой, менинг номим ер-
даги Абдулло, дўстимнинг номи эса денгиздаги
Абдулло»,— дебди балиқчи. «Менинг отим ҳам Аб-
дуллодир. Худонинг бандалари ҳаммаси дўст-биро-
дардир, дўстинг Абдулло нонвойга одам юбор, кел-
син. Уни чап қўл вазирим қилиб оламан»,— дебди
шоҳ.

Балиқчи ўзининг дўсти Абдулло нонвойга одам
юборибди. У келгач, шоҳ унга вазирлик тўнини кий-
гизибди ва чап қўл вазири қилиб тайинлабди. Ер-
даги Абдулло эса ўнг қўл вазир эди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
қирқ тўртинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ.— деб
давом этди Шаҳризод:—
Шоҳ ўзининг куёви Аб-
дулло бадрини ўнг қўл
вазир, Абдулло нонвойни чап қўл
вазир қилиб тайинлабди. Абдулло
бадри расо бир йил шундай кун
кечирибди. У ҳар кун бир сават
мевага бир сават қиммат баҳо тош
айрибошлар эди. Боғларда мевалар
тамом бўлганда, у майиз, ма-
ғиз, ёнғоқ, қовун қоқи каби қуруқ
меваларни олиб борар эди. Ден-

гиздаги Абдулло дўстининг тухфаларини қабул қи-
либ, одатдагича унга сават тўла марваридлар қайта-
рар эди. Бир кун Абдулло бадри денгиздаги дўстига
мева олиб борганда Абдулло баҳри билан қирғоқда
анча гаплашиб қолишибди. Гапдан гап чиқиб, Му-
ҳаммад алайҳиссаломнинг қабрлари ҳақида ҳам сўз
очилди. «Эй биродар,— дебди шунда Баҳри Бадри-
га,— Муҳаммад пайғамбарнинг қабри сизларнинг

ерларингизда, яъни қуруқликда дейдилар; сен кўрганмисан?» «Ҳа, кўрганман»,— дебди у.

«У қаерда?»— деб сўрабди Баҳри. «Мадинайи Тайиба деган шаҳарда»,— дебди Бадри.

«Сиз ер одамлари унинг қабрини зиёрат қилишга борасизларми?»— дебди у.

«Ҳа борамиз»,— дебди Бадри. «Эй биродар, сен уни зиёрат қилганмисан?»— дебди. «Йўқ,— дебди у,— мен зиёратга бора олмаганман, чунки ўша пайтда йўл чиқимларига кучим етмайдиган камбағал эдим. Мен бу бойликларга фақат сен туфайли муяссар бўлдим. Энди ҳаж қилиш билан бирга пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг қабрларини зиёрат қилишим ҳам лозим. Бироқ, ҳаж қилишга энди сенинг муҳаббатинг йўл бермаётир. Чунки сендан бирор кун ҳам айрилгим келмайди». «Қиёмат куни шафоат қилиб, дўзах ўтидан қутқазилганга ёрдам берувчи, жаннатга кириш учун восита бўлувчи улў пайгамбарнинг зиёратидан ҳам, менинг муҳаббатим юқори-роқми, ёки мол-дунё ишқида пайгамбар қабрини зиёрат қилишдан кечувчи шахсмисан?»— дебди Баҳри. «Йўқ»,— дебди Бадри,— унинг зиёрати менинг наздимда ҳар нарсадан кўра юқоридир. Уни зиёрат қилишга сендан рухсат сўрамоқчиман». «Зиёрат қилишга ижозат бераман»,— дебди Баҳри,— агар у кишининг қабрини кўришга етишсанг, мендан салом айт,— дебди сўзида давом этиб,— у кишига бир омонатим бор. Ҳозир сен мен билан сувга тушсан. Сенга ўз шаҳримизни кўрсатаман. Уйимга олиб кириб, меҳмон қиламан-да, у кишининг омонатларини сенга топшираман. Омонатни сен у кишининг қабрлари устига қўясан-да: «Абдулло баҳри сизга салом айтиб, бу тухфани йўллади. У дўзах ўтидан шафоат қилишингизни умид қилаётир»,— дейсан. «Эй биродар,

сен сувда яратилгансан, сенинг маконинг сувдир. Сенга сув зарар бермайди. Агар сувдан чиқсанг, сенга зарар етадими, йўқми?»— дебди Абдулло бадри. «Етади,— дебди Баҳри,— баданим қурийди, қуруқлик бод ҳавоси ёқмай ўламан». «Мен ҳам шундай,— дебди балиқчи,— қуруқликда туғилдим, у ерда ўсдим. Сувга тушсам, ғарқ бўлиб ўламан».

«Бундан қўрқма,— дебди Баҳри,— мен сенга бир ёғ бераман, бир умр сувда қолиб кетсанг ҳам зарар қилмайди». «Ундай бўлса аввал ўша ёғни келтир»,— дебди балиқчи. «Ҳозир»,— дебди-ю Баҳри саватни олиб сувга шўнғибди. Бир оз ўтгач, сигир ёғи каби сариқ, хушбўй бир нарса билан қайтиб чиқибди. «Бу нима, эй биродар?»— деб сўрабди Бадри. «Бу дандон дейдиган балиқ жигарининг ёғи,— дебди у,— бу балиқ жуда катта бўлиб, бизларнинг ашаддий душманимиздир. У қуруқликда яшовчи энг катта ҳайвондан ҳам катта. Туяни ҳам, филни ҳам ютиб юбора олади»,— дебди Баҳри. «Нима еб кун кечиради, эй биродар?»— дебди балиқчи. «Сув ҳайвонларини, ахир, дарё балиғи каби кучлиги кучсизини ейди, деган сўзни эшитмаганмисан?» «Тўғри, эшитганман.— дебди балиқчи,— дарёда бунақа ҳайвонлар кўпми?» «Кўп,— дебди у,— шунчалик кўпки, унинг сонини бир худодан бошқа ҳеч ким билмайди». «Сен билан тушсам, у еб қўймаса, деб қўрқаман»,— дебди балиқчи. «Қўрқма,— дебди Баҳри,— сен одам боласисан. У одамдан қўрқади. У денгизда ҳеч кимдан одамдан қўрққанча қўрқмайди. Чунки, у одамни еса, ўша он ўлади. Негаки, одам ёғи унинг учун заҳри қотилдир. Биз унинг жигар ёғини дарёга ғарқ бўлган одам болалари ёрдами билангина тўплаймиз. Чунки одам боласи сувга ғарқ бўлгач, илвиллаб, туси ўзгаради, баъзан узоқ қолса тилкаланиб кетади. Шунда у би-

роп сув ҳайвонининг гўшти деб еб қўяди-ю, ўша он ўлади. Улгач, унинг жигар ёғини олиб, баданимизга суртамиз. Одам боласи бор жойда улар юзтами, икки юзтами, мингтами, ундан ортиқми ишқилиб, қанча бўлса ҳам инсон товушини эшитиш билан қирилиб кетадилар».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
қарқ бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Абдулло баҳри, Абдулло бадрига: «Агар одам боласининг товушини эшитишса, уларнинг ҳаммаси ўша заҳоти ўлади»,— дебди. Абдулло бадри: «Худога таваккал қилдим»,— дебди-ю, дарё қирғоғидан бир чуқур қазиб, кийимларини у ерга кўмибди. Сўнг баданига ўша сариқ мойдан суркабди-да, сувга шўнғибди. Кўзини очса, сув зарар қилмабди. Гоҳ

ўннга, гоҳ чапга юрар, хоҳласа юқори чиқар, хоҳласа сув тагига туша олар эди. Денгиз суви унга чодир соя солгандай туюлар эди, холос.

Абдулло баҳри: «Нима кўраётирсан, эй биродар?»— дебди Бадрига. «Ажойиб нарсалар кўраётirman. Сув зарар бермайди деганинг тўғри экан, биродар»,— дебди Бадри Баҳрига. «Менинг кетимдан кела бер!»— дебди Баҳри Бадрига.

Балиқчи унинг кетидан бораверибди. Улар бир ердан иккинчи ерга сузишар экан, балиқчи сув остидаги тоғларни, сузиб юрган ҳар турли балиқларни кўриб ҳайрон қолибди. Балиқларнинг баъзилари катта, баъзилари кичик, баъзилари қўтосга ўхшаса,

баъзилари сигирга ўшар, баъзилари итга ўхшаса, баъзилари одамга ўшар эди. Уларнинг бари Бадрини кўриши билан қочар эмиш. Бадри Баҳридан: «Нега биз яқинлашсак, улар қочишади?»— деб сўрабди. «Сендан қўрқди, чунки жамики махлуқот одам зотидан қўрқади»,— дебди Баҳри Бадрига.

Абдулло бадри денгиз ажойиботларини томоша қилишда давом этибди. Ниҳоят, улар баланд бир тоққа чиқиб, у ёқ-бу ёққа қарагунларича ҳам йўқ эдики, бирдан ваҳимали бир бақирӣқ эшитилибди. Қарашса, туядан кўра каттароқ бир қора нарса улар томон қийқирӣб келаётганмиш. «Бу нима, эй биродар?»— дебди Бадри Баҳрига. «Сенга айтганим Дандон деган балиқ шу,— дебди Баҳри,— емоқ учун мени излаб келаётир. У келиб менга човут солай деганда, сен унга қараб қаттиқ қичқир». Абдулло бадри худди у айтгандай қилган экан, ўша онда Дандон балиқ ўлибди. «Худонинг қудрати нақадар улуг, мен унга на бир қилич ва на бир пичоқ урмадим. Бу ҳайвон шунча катталигига қарамай, бир бақирӣғимдан ўлса-я!»— деб ажабланибди Бадри. «Таажжубланма, эй биродар, худо ҳақи, агар улар мингта, икки мингта бўлсалар ҳамки, одам боласининг бир ҳайқирӣғига чидаш бера олмайдилар»,— дебди Баҳри. Сўнг улар шаҳарга йўл олибдилар. Шаҳар халқлари фақат қизлардан иборат бўлиб, бирорта ҳам эркак йўқ эди. «Эй биродар, бу қандай шаҳар ва нега ҳаммаси қизлар?»— деб сўрабди Бадри. «Бу ер қизлар шаҳридир. Бунинг халқи дарё қизларидан иборатдир». «Ҳечам эрлар йўқми?»— деб сўрабди Бадри.

«Йўқ»,— дебди Баҳри. «Бўлмаса эркаксиз қандай туғадилар?»— деб сўрабди. «Булар ҳомилдор ҳам бўлмайдилар, туғмайдилар ҳам. Қайси бир қиздан

шоҳ ғазабланса, у шу шаҳарга абадий сургун қилади. Агар шаҳардан чиқса, уни сув ҳайвонлари тутиб ейди. Лекин, бошқа шаҳарларда аёллар ҳам бор, эрлар ҳам бор»,— дебди Баҳри. «Денгизда бундан бошқа ҳам шаҳар борми?»— дебди Бадри. «Кўп»,— дебди Баҳри. «Сизларнинг шоҳларингиз ҳам борми?»— дебди Бадри. «Ҳа, бор»,— дебди Баҳри. «Эй биродар, мен дарёда кўп қизиқ нарсалар кўрдим»,— дебди Бадри. «Ҳали ҳеч нима кўрганинг йўқ, «денгиз—ажойиботлар кони» деган гапни эшитмаганмисан?»— дебди Баҳри. «Тўғри айтдинг»,— дебди Бадри ва қизларни томоша қила бошлабди. Уларнинг юзлари ойдек, сочлари оддий хотинларникидек узун эди-ю, лекин уларнинг қўл-оёқлари қоринларида эди. Иңнайкейин, балиқники каби думлари бор эди. Абдулло баҳри бу шаҳарни кўрсатиб бўлгач, бошқа шаҳар томон йўл солибди. Қараса, у шаҳарда эркаклар ҳам, аёллар ҳам бор экану, лекин улар аёллар сура-тида экан. Уларнинг ҳам думлари бор экан. Улар ўртасида ердаги одамлар орасидаги каби олди-сотди ҳам, сағри аврат ҳам йўқ эди. Уларнинг ҳаммаси қип-яланғоч эди.

«Эй биродар,— дебди Бадри Баҳрига,— бу ерда эркагу аёл сағри авратга риоя қилмас эканлар-ку». «Ҳа, денгиз халқларида кийим йўқ»,— дебди Баҳри. «Эй биродар,— дебди Бадри,— уйланганларида қандай қиладилар?» «Улар уйланмайдилар, шахвоний нафсларини хоҳлаганлари билан қондириб кета берадилар»,— дебди Баҳри. «Бу ҳаром-ку,— дебди Бадри,— нега улар никоҳ ўқитиб, маҳр тайинлаб, худо ва расули розилигига мувофиқ тўй қилмайдилар»,— дебди Бадри. «Бу ердагиларнинг ҳаммаси бир хил динга сиғинувчилар эмас. Булар орасида худо бир деб эътиқод қилувчи мусулмонлар ҳам,

носоролар ҳам, яҳудийлар ҳам бор. Булардан фақат мусулмонларгина уйланадилар, холос»,— дебди Бадри. «Сизлар яланғочсизлар, шу билан бирга сизларнинг орангизда олди-сотди ҳам йўқ экан, шу ҳолда хотинларингизни маҳри нима бўлади? Ёки маҳр учун қиммат баҳо тошлар тухфа қиласизларми?»— дебди Бадри. «Гавҳарлар бизнинг наздимизда оддий тош билан тенг, қимматсиз нарсадир. Уйланмоқчи бўлган одамларга куёв билан қиз отасининг келишувларига мувофиқ ҳар хил балиқлардан бир мингми, икки мингми, ортиқми, камми овлаб бериш тайинланади. Куёв талаб қилинган нарсани ҳозирлагач, ҳар икки томоннинг қариндош-уруғлари тўпланишади. Тўй зиёфатини еб, сўнгра куёвни хотин ёнига киргизадилар. Куёв ов қилиб хотинни боқади. Агар куёв бетобланиб қолса, хотин ов қилиб куёвни боқади». «Агар биров-бировни никоҳсиз зино қилса, қандай чора қўлланилади?»— дебди Бадри. «Агар, айб хотинда бўлса, уни қизлар шаҳрига ҳайдайдилар. Хотин ундан ҳоомиладор бўлган бўлса-ю, қиз тугса уни ҳам онаси билан бирга қизлар шаҳрига ҳайдайдилар, Зониянинг қизи Зония деб атайдилар. Улгунча шу ҳолда ўша ерда қолиб кетади. Агар ўғил бўлса, уни денгиз шоҳига олиб борадилар. Шоҳ уни ўлдиради».

Абдулло бадри ҳайрон бўлибди. Абдулло баҳри уни бошқа шаҳарга, сўнг у шаҳардан яна бошқа шаҳарга бошлаб, бирин-кетин саксон шаҳарни томоша қилдирибди. Ҳар қайси шаҳар халқи бир-бирига ўхшамас экан. «Эй биродар, денгизда яна мен кўрмаган шаҳар қолдими?»— деб сўрабди Бадри. «Ҳали сен денгизнинг ажойиб шаҳарларидан ҳеч қанча кўрмадинг ҳисоб. Минг йил ҳар кун мингтадан шаҳарни томоша қилдирсам, ҳар шаҳарда мингтадан

ажойбот кўрсатсам, денгиз шаҳарлари ва унинг ажойботларидан йигирма тўрт қиротдан бир қиротини ҳам кўрсата олмаган бўламан. Мен сенга фақат бизнинг тарафни — ўз еримизнигина кўрсатдим. холос»,— дебди Баҳри. «Ундай бўлса,— дебди Бадри,— шу кўрганларимнинг ўзи кифоя. Балиқ ея бериш кўнглимга тегди. Мен ахир саксон кундан бери сен билан бирга денгиздаман. Сен бўлсанг эрталаб ҳам, кечқурун ҳам фақат хом балиқ билан боққанинг боққан». «Хом балиқ қандай бўлади?»— дебди Баҳри. «Бизлар,— дебди Бадри,— балиқни ўтда қовурамиз ёки пиширамиз. Ундан ҳар хил таомлар тайёрлаймиз». «Бизларда ўт не қилсин, бизлар на қовурилганини, на қайнатилганини, на бошқачасини билмаймиз»,— дебди Баҳри. «Бизлар балиқни зайтун ёки кунжут ёғида қовурамиз»,— дебди Бадри. «Бу денгизда на зайтун ёғи бору, на кунжут ёғи бор. Бизлар сен айтганларнинг ҳеч қайсисини билмаймиз»,— дебди Баҳри. «Тўғри айтдинг,— дебди Бадри,— сен менга кўп шаҳарларни кўрсатдинг, аммо, ўз юртингни кўрсатмадинг». «Биз унинг олдидан ўтиб кетдик,— дебди Баҳри,— у биз чиқиб келган денгиз қирғоғига яқин. Сенга бу шаҳарларни кўрсатиш учун атайлаб уни қолдириб кетдим». «Бошқа шаҳарларни томоша қилиш мен учун кифоя. Ўз шаҳрингни кўрсатишингни истар эдим»,— дебди Бадри. «Хўп бўлади»,— дебди Баҳри. Сўнг у балиқчи билан ўз шаҳрига қайтибди: «Мана, менинг шаҳрим»,— дебди анчадан сўнг Баҳри. Бадри қараса, кўрган шаҳарларига қараганда анча кичик бир жой. Сўнг шаҳарга яришибди. Абдулло баҳри у билан бирга борар эди. Улар бир ғорга етибдилар. «Мана, менинг уйим,— дебди Баҳри,— бу шаҳарнинг ҳамма уйлари мана шу каби катта-кичик ғорлардир. Денгиздаги

ҳамма шаҳарлар ҳам шундай. Уй қурмоқ нстаган ҳар бир киши шоҳга бориб: мен фалон ерга уй қурмоқчиман деб арз қилади. Шоҳ у билан биб тўда нок, аққорин дейилувчи балиқларни юборади. Уларнинг тумшуқлари тошларни майдалайди. Улар тош майдалаб уй қурадилар. Эгаси эса хизмат ҳақлари учун бир миқдор балиқ тайёрлаб беради. Уй битгач, эгаси кириб олиб, яшайверади. Денгизда яшовчиларнинг ҳаммаси мана шу ҳолда кун кечирадилар. Бу ерда яшовчиларнинг ўзаро олди-берди муомалалари ана шундай — балиқ орқали бўлади. Бизда пул ўрнида балиқ ишлатилади». Сўнг у Бадрига: «Уйга кир!»— дебди. Бадри кирибди. Абдулло баҳри: «Хов қизим»,— деган экан, дарров қизи салом бериб чиқибди. У кулча юзли, узун соч, орқаси кўркам, сурма кўз, қомати расо, ой каби сулув қиз эди-ю, лекин у ҳам яланғоч ва думли эди. Қиз отаси билан Бадрини кўргач: «Эй ота, бу думсиз зот ким?»— деб сўрабди. «Бу менга ҳар куни ер меваларини келтириб берадиган дўстимдир. Кел, у билан сўраш»,— дебди отаси. Қиз унинг ёнига келиб, ёқимли ва жозибадор сўзлар билан салом бериб сўрашибди. «Эй қизим, ўз пойқадами билан бизга қут бағишлаган меҳмонга таом келтир»,— дебди отаси. Қиз ҳар бири қўзичоқдек иккита балиқ келтирибди. Балиқчига Баҳри: «Е!»— дебди. Балиқ ея бериш кўнглига тегиб кетган бўлса ҳам ноилож тотибди. Бир оздан кейин Баҳрининг хотини келибди. У ҳам ниҳоят келишган аёл бўлиб, қўлида иккита бола бор эди. Болаларнинг ҳар бирининг қўлида кичик балиқчалар бўлиб, улар худди бодринг ғажигандай балиқни ғажир эдилар. Хотин Бадрини кўргач, эридан: «Бу думсиз зот ким?»— деб сўрабди-да, болалари ҳам, ўзи ҳам унинг орқасига қараб, кулиша бошлабди. Улар: «Худо ҳақи, бу

думсиз»,— дейишар эди. «Эй биродар, мени бу ерга мазах қилгани олиб келдингми?»— дебди Бадри.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
қирқ олтинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Бадри Баҳрига: «Эй биродар, мени болаларинг ва хотининг олдида мазах қилиш учун олиб келдингми?»— дебди. «Кечир, эй биродар, ахир, бизларда бирорта ҳам думсиз одам йўқ-да! Агар бирор думсиз одам кўринса, уни кулдириш учун султон олдига элтадилар. Эй биродар, бу ёш болалар ва хотиндан ўпка қилма, чунки, буларнинг ақллари қисқа»,—

дебди Абдулло баҳри.

Сўнг у хотин, бола-чақаларига қараб: «Жим туринглар!»— деб бақирибди. Улар қўрқиб, жим бўлиб қолибдилар. Шу йўсинда Баҳри Бадрини юпатиб турган экан, бирдан баланд бўйли, қўпол, семиз бир киши келиб: «Эй Абдулло, шоҳ сенинг олдинда ердаги думсизлардан биров бор деб эшитибди»,— дебди. «Тўғри,— дебди Баҳри,— мана, у киши менга меҳмон бўлиб келган, менинг дўстим»,— деб Бадрини кўрсатибди. «Лекин мен уни ўз ерига кузатиб қўймоқчиман»,— деб тушунтирибди. «Биз уни шоҳ олди-га олиб бормаё иложимиз йўқ. Сўзинг бўлса, турда, уни шоҳ олдига ўзинг олиб бор. Бизларга айтаётган сўзингни шоҳга ўзинг айт!»— дебди улар. «Тўғри, сизлар бу ишда узрли эканликларингиз равшан. Шоҳга қарши туришимиз мумкин эмас. Бўлмаса,— дебди Баҳри Бадрига.— Эй биродар, шоҳ

ҳузурига бирга борамиз. Мен сени қутқозишга тиришаман, кўрқма! Сени кўриб, ер одами эканлигини билгач, шоҳ ҳам сени ҳурматлаб ўз еринга қайтаради». «Нима ҳам дер эдим,— дебди Бадри,— таваккал қилиб, сен билан бораман». Сўнг Баҳри Бадрини бошлаб шоҳ томон йўл олибди. Шоҳ уни кўргач, кесатиб: «Думсиз одамга шарафлар бўлсин»,— дебди. Шоҳ атрофидагилар ҳам унга қараб: «Худо ҳақи, бу қандай думсиз»,— деб кулибдилар. Абдулло Баҳри шоҳ қаршисига бориб, воқеани баён қила бошлабди. «Бу киши менинг дўстим, қуруқлик аҳллари билан биридир,— дебди Баҳри,— у бу ерда яшмайди. Чунки булар балиқни қовуриб ё пишириб ейишади. Бунга жавоб берсанг, ўз юртига элтиб кўйсам дейман». «Агар,— дебди шоҳ,— у биз билан яшашни истамаса, уни ўз жойига элтиб қўйишинга зиёфатдан кейин рухсат этаман». Сўнг шоҳ одамларига: «дастурхон ёзинглар!»— дебди. Улар турли-туман балиқлар келтирибдилар. Шоҳ буйруғига қаршилиқ қилмаслик учун Бадри улардан ебди. Сўнг шоҳ: «Нима орзунг бор?»— деб сўрабди. «Менга денгизнинг қиммат баҳо тошларидан беришингизни истар эдим»,— дебди Бадри. «Бу кишини гавҳархонага олиб боринглар-да, хоҳлаган гавҳарни танлаб олишга рухсат этинглар»,— дебди шоҳ. Сўнг Бадрини гавҳархонага олиб боришибди. Гавҳарлардан у истганча танлаб олибди. Сўнг Баҳри уни ўз шаҳрига олиб бориб, бир ҳамён бериб: «Бу омонатни пайғамбар саллолоҳу алайҳис салом қабрига олиб бориб қўй!»— дебди.

Бадри ҳамёнда нима борлигини билмаган ҳолда уни олибди. Сўнг Баҳри ерга чиқариб қўйиш учун Бадрини бошлаб йўлга тушибди. Кета туриб балиқчи йўлда музика товушини эшитибди. Одамлар еб-

ичиб, ўйнаб-кулишар эдилар. «Улар нега бунча ўйнаб-кулишяпти ёки тўй бўляптими?»— деб сўрабди Бадри. «Йўқ, тўй эмас бу ерда кимдир биров ўлган»,— дебди Баҳри. «Биров ўлса сизлар шунанга севиниб, ўйнаб-куласизларми?»— дебди Бадри. «Ҳа,— дебди Баҳри,— сизлар-чи, эй ер одамлари, сизлар бундай ҳолларда нима қиласизлар?» «Бизда биров ўлса,— дебди Бадри,— унинг учун қайғурамиз, йиғлаймиз, хотинлар юзларини юладилар, қайғудан ёқаларини йиртадилар».

Буни эшитган Абдулло баҳрининг кўзлари косасидан чиқай дебди: «Омонатни бу ёққа бер!»— дебди у Бадрига. Балиқчи омонатни топширибди. Сўнг Баҳри балиқчини ер юзига чиқарибди-да: «Бугундан бошлаб сен билан алоқани узаман, энди сен мени кўролмайсан»,— дебди. «Нега?»— дебди Абдулло бадри. «Сизлар, эй ер аҳллари худонинг омонати эмасмисизлар?»— дебди Баҳри. «Худонинг омонатимиз»,— дебди Бадри. «Бас, шундай бўлса, худо ўзининг омонатини олса, нега норози бўлиб йиғлайсизлар. Шундай бўлгач, пайғамбарлар омонатини сизларга ишониб топшира олмайман. Сизлар туғилган болага севинасиз, ҳолбуки, худо унга омонат руҳ берган, яна уни ўзи олса нега хафа бўлиб йиғлайсиз. Бас, сизлар билан дўстлашишга зарурат йўқ энди».

Сўнг Баҳри балиқчини қолдириб, денгизга шўнғиб кетибди. Балиқчи эса кийимларини кийибди-да, қиммат баҳо тошларни олиб, шоҳ томон йўл солибди. Шоҳ уни бениҳоят соғиниш билан қарши олиб, жуда шодланибди ва: «Эй куёвим, қаерларда эдинг, нима учун бунча кўринмай кетдинг?»— дебди. Балиқчи денгизда бошидан ўтган ажойиб воқеаларни айтиб берибди. Шоҳ ҳайрон бўлиб: «Сен жавоб беришда

яглишибсан»,— дебди. Шу кўйи Абдулло бадри ўқтин-ўқтин денгиз қирғоғига борар, аввалгича Абдулло баҳрини чақирар, лекин Абдулло баҳри ҳеч кўринмасди. Абдулло бадри ундан умид узиб, то айрилиқ элчиси — ўлим келгунча шоҳ даргоҳида ҳаёт кечириб ўтибди.

АБУЛ-ҲАСАН УММОНИЙ ҚИССАСИ



на шундай ҳикоя қиладиларки, халифа Ҳорун ар-Рашид бир кеч сира ухлалмай Масрурни чақирибди-да, тезлик билан Жаъфарни келтиришни буюрибди. Масрур ўша заҳоти бориб Жаъфарни олиб келибди. «Эй Жаъфар,— дебди шсҳ,— уйқусизлик бу кеч менинг мазамни қочирди. Бундан қандай қилиб қутулишга ақлим етмай қолди». «Эй амир ал-мўъминин,— дебди Жаъфар— ҳикматшунос олимлар, ойнага қараш, ҳаммомга тушиш, ашула ва куйлар тинглаш ғам-аламларни, хаёл ва ташвишларни тарқатади»,— деганлар. «Эй Жаъфар, мен бу ишларнинг ҳаммасини қилиб кўрдим. Лекин фойда бермади. Қасамёд қилиб айтаманки, агар мени бу ташвишдан қутқариш чорасини топмасанг, сени қиличдан ўтказаман»,— дебди халифа. «Эй амир ал-мўъминин, менинг маслаҳатларимга кўнасизми?»— дебди Жаъфар. «Қандай маслаҳат бермоқчисан?»— дебди халифа. «Қайиққа ўтираминиз-да, Дажла дарё оқими билан Қарн ас-Сарот деган жойгача борамиз. Иншоолло, кўз кўриб, қулоқларимиз эшитмаган нарсаларни кўрармиз деган умиддаман. Чунки билимдонлар: «Ғам-аламларнинг тарқалиши уч ишнинг бири билан: кўрмаган нарсаларни кўриш ёки эшитмаган нарсани

эшитиш, ҳеч ким юрмаган йўлдан юриш билан рўёб-га чиқади деганлар, мана шу нарсалар сизни ташвишдан халос қилади, деган умиддаман»,— дебди Жаъфар.

Бу гап халифага хуш келиб, ўрнидан турибди. Жаъфар ва унинг биродари Фазл, Абу Исҳоқ Надим, Абу Наввос, Абу Далф Масрурлар унга ҳамроҳ бўлибдилар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
қирқ еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— маслаҳат хуш келиб, халифа ўрнидан турибди.

Жаъфар билан яна бир қанча кишилар унга ҳамроҳ бўлибдилар. Улар кийимхонага кириб, савдогар либосини кийибдилар-да, олтин билан зийнатланган кемага ўтириб, Дажла сари йўл солибдилар. Аммо улар йўлда кета туриб, бир қизнинг хуш овозини эшитибдилар. У қуйидаги шеърларни ўқиб уд ча-

лар эди.

Май келтирган қизга айтдим:—Мунча ҳам қилдинг хаёл.
Шодлик базмин кечиктирмай, жадал бодангни суз!
Бу ҳаёт бизга амонат, йўқ илож, келганда гал,
Тўлдириб тутгил қадаҳни менга, эй мастона кўз!

Дейди бир носих менга: «—Эсдан чиқар!» Йўқ чораси!
Ундириб бир қўш анор, қилган эканман парвариш.
Икки гул рухсори атрофида зулфи толаси —
Тўзгиган чоғда, қилар эрдим авайлаб сарбағиш!..

Зор булбуллар дарахтлар шоҳида сайрар эди.
Мен унинг гул юзларига телмуришдан гулпараст.

У менинг бу телба ҳолимдан кулиб, яйрар эди,
Мен унинг лаъли лабидан май ичиб, масту аласт.

Бу товушни эшитган халифа: «Эй Жаъфар, бу қандай ёқимли овоз?»— дебди.

«Эй амир ал-муъминин,— дебди Жаъфар,— қулогим бундан ёқимлироқ овоз эшитган эмас. Лекин девор орқасидан эшитиш чала-ярим эшитишдир. Тўғридан-тўғри ёнида эшитсак, билмадим, қандай бўларкин?»

«Бошла, эй Жаъфар, уй эгасидан сўраймиз. Зора бу хушхонни ўз кўзимиз билан кўрсак»,— дебди халифа. «Бош устига»,— дебди Жаъфар, сўнг улар кемадан тушибдилар-да, эшикка бориб киришга рухсат сўрабдилар. Шу чоқ, бениҳоят ёқимтой, кўркам ва ширин сўз бир йигит уларни қарши олибди: «Марҳамат, мана, уйимизнинг тўри сизларга, эй инъомлар бағишловчи хўжаларимиз»,—дебди. Йигит йўл бошлабди, улар киришибди. Уйга тўрт томондан йўл бўлиб, уйнинг шипларига тилла ҳал юритилган, деворлари ажиб бир бўёқлар билан зийнатланган, уй олдидаги пешайвонга моҳирона санъат билан ишланган ўриндиқлар қўйилган экан. Бу ерда ой деса ойдек, новча, гўзал канизак ўтирар эди. Йигит уларга қичқирибди. Улар ўринларидан турибдилар. Сўнг уй эгаси Жаъфарга қараб: «Эй хўжам, мен сизларнинг энг улуғингиз кимлигини билолмаётирман. Улуғингиз мана бу энг юқори жойга ўтирса, қолганлар ҳам ўз мартабаларига муносиб жойга ўтиришса»,— дебди. Улар ҳаммалари ўз жойларини тониб ўтирибдилар.

«Эй ҳурматли меҳмонлар, рухсат этсаларингиз, егулик бир нарса келтирсак»,— деб сўрабди уй эгаси. «Маъқул»,— дебдилар улар. Сўнг у каклик, бе-

дана, жўжа, қита ва каптар каби паррандаларнинг гўшларидан ҳозирланган турли-туман лаззатли овқат келтиришибди. Улардан анқиган хушбўй ис кишига аллақандай кайф бағишлар эди. Дастурхон атрофига шу жой ва шу мажлисга мос байтлар ёзилган эди. Улар керагича овқатланиб, сўнг қўлларини ювибдилар. Шундан кейин йигит:

«Эй хўжаларим, бирор орзуларингиз бўлса марҳамат, айтинглар, шояд бажаришга мушарраф бўлсак дейман»,— дебди. «Яхши, бизлар сенинг уйингга, деворинг орқасидан эшитган товушга мафтун бўлиб кирдик. Агар иложи бўлса, шу ашулани яна бир эшитсак,— дебди халифа.— Бизни бу мақсадимизга эриштирсанг, энг юқори марҳаматинг бўлур эди. Сўнгра, биз ўз йўлимизга қайтардик». «Марҳамат, хуш келибсизлар»,— дебди йигит. Сўнг у бир қора тан канизакка қараб: «Фалон канизакни чақир!»— дебди. Қора тан канизак, аввал бир курси келтириб қўйибди-да, сўнг кетиб, тўлини ойдек бениҳоят кўркем бир канизакни бошлаб келибди. Канизак келиб курсига ўтирибди. Қора тан канизак унга атлас жилдли бир нарса узатибди. Канизак атлас жилд ичидан бутун атрофига гавҳару ёқут ва лаъл каби қиммат баҳо тошлар қадалган, пардалари олтин ҳалқали уд чалғу асбобини олиб келибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ опажон,— деди зўр қизиқиш билан тинглаётган синглиси,— ҳикоянг жуда ҳам яхши экан.

— Э синглим,— деди Шаҳризод,— шу ҳам ҳикоями? Агар шоҳимиз омон қўйсалар эртага айтадиганим бундан ҳам қизиқ. Бу гапни эшитган шоҳ ўзича: «Ке, уни ўлдирмай туратурай»,— деди.



**Тўққиз юз қирқ
саккизинчи
кеча**



й. саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— канизак келиб курсига ўтириб, атлас жилд ичидан қиммат баҳо ёқуту, гавҳару, лаъллар қадалиб, парда ҳалқалари олтиндан ишланган уд чолғусини олибди-да, торларни черта кетибди. Унинг чолғуси ҳақида шоирнинг қуйидаги байти жуда мос эди.

Онаси ян қучмоқчи бир ёш боладек очди қучоғ,
Оқ, мусаффо сийнасида нур тарқалди шу чоғ.
Сўнгра ул саз олди қўлига базмнинг асбобини,
Бошлади чалмоққа сазин, тўғрилаб мизробини.

Сўнг эмизиш учун она ўз боласига эгилгани каби у ҳам чолғусига эгилиб, уни огушига олибди. У тор қилларини чертар экан, боланинг онасига қилган фарёдини эслатар эди. У шу байтларни ўқибди:

Соқиб! Айлантириб қосанг, мени этдинг хароб,
Тўлдириб ичгил ўзинг ҳам, севгилим ҳақи, шароб!
Мард ошиқ қалби ҳар доим тўлиқдир қон билан,
Бўлмаса суҳбат муяссар севгили жонон билан.
Ким кўрибдир куппа-кундуз кўк тўла сайёрани,
Ким кўрибдир шоду хуррамликда, бахти қорани?
Бўлса гар ойдин, тўлин ой ботгунча ҳамсуҳбатим,
Гарба ой ботгач, қоронгу тунда ортар кулфатим!
Янги ой чиқса, этармен фаҳм ани, шамширдек.
Толпинурмен ҳар томонга банди занжир шердек.

Шеърни битиргач, канизак шунчалар ўкириб йиғлабдики, йиғисига уйдагиларнинг ҳаммаси ҳўнграб қўшилибди. Йиғидан ёқаларини чок қилишларига оз қолибди. Ашула завқига эриб, ўзидан кетмаган бирор одам қолмабди. Ҳаммалари кийимларини йир-

тар, юзларига урар эдилар. «Бу канизакнинг ашула, куйлари ишқ дардида куйган, севиклисидан айрилганлар фарёдидан дарак беради»,— дебди халифа. «Канизак ота-онасидан айрилган. Йигисининг боиси шудир»,— деди хўжаси. «Йўқ,— дебди халифа,— бу йиғи ота-онадан айрилганлар йиғиси эмас, бу суюк-лисидан айрилганлар фарёдидир». Унинг ашуласига мафтун бўлган халифа Абу Исҳоққа: «Бунақа ёқим-ли куйни ҳеч эшитмаганман»,— дебди. «Эй хўжам, худо ҳақи, мен жуда ҳайронман, шодликдан ўзимни йўқотаётиман»,— дебди Абу Исҳоқ. Халифа бошлиқ ҳаммалари уй эгасининг ҳусни заковатига ҳайрон қолишар эди. Халифа унинг ранги синиққанлигини кўриб: «Эй йигит»,— дебди. «Лаббай»,— дебди йигит. «Бизларнинг кимлигимизни биласанми?» «Йўқ»,— дебди йигит. «Бизлар билан танишишни истайсанми?»— дебди Жаъфар. «Ҳа»,— дебди йигит.

«Бу киши амир ал-мўъминин, пайғамбаримиз амакиларининг ўгли Ҳорун ар-Рашиддирлар»,— деб бирин-кетин ҳаммани таништирибди. Шундан сўнг халифа йигитга қараб: «Юзингни сариқлилиги недан? У тугмами ёки кейинчалик пайдо бўлганми?»— деб сўрабди. «Эй амир ал-мўъминин, ҳикоям игна билан кўз оқига ёзарлик даражада ибратомиз, ажиб ва беҳад қизиқдир»,— деб жавоб берибди йигит. «Воқеангни айт, зора сенга ёрдам бериш қўлимдан келса»,— дебди халифа. «Қулоқ бериб, эътибор билан тингланг, эй амир ал-мўъминин»,— дебди йигит. «Қани айт, ҳикоянгни эшитишга истагим ортди»,— дебди халифа. «Эй амир ал-мўъминин,— деб йигит сўз бошлабди.— Мен бир денгиз савдогари эдим. Аслим Уммон шаҳридан бўлиб, дадам бадавлат савдогарлардан эди. Денгизда уни ўттизта кемаси бор эди. Кемаларидан ҳар йил ўттиз минг динар фойда

келар эди. У ҳаддан ортиқ сахий эди. Отам менга савод ва бошқа турмушда керакли нарсаларни ўргатди. Ўлим вақти яқинлашгач, у мени ўз ёнига чақириб, васият қилди. Сўнг худо уни ўз раҳматига олди. (Улуг тангри амир ал-мўъминин сизни доимо саломат қилсин.) Савдо ишида отамнинг сармоясини ишлатадиган бир қанча гумашталари бўлар эди. Улар денгизда юрар эдилар. Кунлардан бир кун мен бир неча савдогарлар билан ўз уйимда ўтирар эдим. Кулларимдан бири ёнимга кириб келди-да: «Эй хўжам, эшикда бир киши киришга рухсат сўраётир»,— деди. Мен киришга рухсат этдим. У кирди, унинг бошида бир тугун бор эди. Тугунни менинг олдимга қўйиб очди. Қарасам, ҳали пишадиган вақти келмаган мевалар, бизнинг тарафда бўлмайдиган ажиб бир ноёб нарсалар экан. Мен унга миннатдорлик билдириб, юз динар бердим. У хурсанд бўлиб қайтди. Сўнг меваларни у ерда ўтирган ўртоқларимга улашдим. Савдогарлардан: «Бу қаернинг меваси?»— деб сўрадим. «Басрадан»,— деб жавоб бердилар. Шундан сўнг Басранинг мевалари ва шаҳарнинг кўркамлигини мақтай кетдилар. Гап шаҳарлар мақтови устида борарди. Улар: «Шаҳарлар ичида Бағдоднинг олдига тушадиган шаҳар ҳам йўқ, унинг халқидан яхшироқ халқ ҳам йўқ»,— деган фикрга келдилар. Улар Бағдодни мақташар экан, халқларининг ёқимлилигини, унинг хушҳаволигини, унинг тузилишини, ундаги кўркамликнинг таърифини ошириб юбордилар. Менда у шаҳарга иштиёқ кучайиб, уни кўриш орзуси кўнглимга қаттиқ жойлашди. Могу мулкларим ва кемаларимни юз минг динарга пулладим, жорияларимни ҳам сотдим. Қиммат баҳо тош ва гавҳарлардан ташқари қўлимга юз минг динар тўплладим. Бир кемани кирага олдим-да, ҳамма юкларимни унга жой-

лаб, бир неча кун йўл юриб, Басрага етиб бордим. Бир неча кунни Басрада ўтказгач, яна бир кема ёлладим. Молларимни унга жойлаб, кўп йўл юриб, ниҳоят Бағдодга етдим. Бағдодда савдогарларнинг турар жойлари ва шаҳарнинг энг яхши жойларини суриштирдим. Одамлар менга: «Қарх кўчаси яхши жой»,— деб айтдилар. У ерга бордим-да, Заъфарон дарвоза деган жойдан бир уйни ижарага олиб, бир қанча вақт шу ерда истиқомат қилиб турдим. Кунлардан бир жума кунни озгина пул билан кўчага чиқдим. Фақат жума намозигина ўқиладиган Мансур Жомий деб аталувчи масжидга келдим. Намоз ўқилиб бўлгач, одамлар билан бирга Қарн ас-Сарот деган жойга келдим. У ерда, яъни денгиз яқинида баланд ва кўркам болохона бор экан. Бинонинг деразалари кўчага қараган эди. Одамлар билан бирга у бинога яқин бордим. Қарасам, у ерда жуда яхши кийинган бир чол ўтирибди. Ундан хушбўй ис анқир эди. Қариянинг кўксига тушиб турган оппоқ соқоли атайлаб ўриб қўйилган икки кокил сингари икки ёққа айрилиб турарди. Унинг атрофида тўртта канизак, бешта хизматчи қул турар эди. Енимдаги бир кишидан: «Бу кишининг оти ва вазифаси нима?»— деб сўрадим. «Бу киши,— деди у,— Тоҳир ибн Уло деган кишидир. У ўзининг қовоқхонасида қизларни сақлайди. Бунга кирганлар еб-ичиб, кўҳлик қизлар-ла маишат қилади». «Худо ҳақи кўпдан бери шунақа жойни ахтариб юргандим»,— дедим мен унга.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Ҳикояга қизиқиб қолган шоҳ: «Бу қизда гап кўп экан. Улдирсам ўлади-кетеди. Олдин ҳикоясини батамом эшитиб олай, ўлдириш қочмас»,— деган қарорга келди.



*Тўққиз юз
қирқ тўққизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Йигит ҳамон сўзлар эди: «Худо ҳақи, мен қачондан бери шунақа жой иштиёқида эдим»,— дедим-да, қария олдига бориб, салом бергач: «Эй хўжам, менинг сиздан бир илтимосим бор»,— дедим. «Қандай илтимос?»— деди у. «Бу кеч сизникида меҳмон бўлишни истар эдим». «Истак ва иштиёқлар билан қабул қиламиз,— деди чол,— менинг қарамоғимда

канизаклар кўп, уларнинг баъзилари учун бир кечатга ўн динор тўлашинг керак бўлса, баъзиларига қирқ динор, баъзиларига ундан ҳам ошиқ тўлашинг керак бўлади. Танла, қанақасини хоҳлайсан?» «Ўн динор тўланадигани маъқул»,— дедим мен унга. Сўнг мен қарияга бир ой учун уч юз динор тўладим. Қария мени хизматчига топширди. Хизматчи мени ўша саройдаги ҳаммомга элтиб, яхшилаб ювинтирди. Ҳаммомдан чиққанимдан кейин у мени бир уйга бошлаб бориб, эшикни тақиллатди. Эшикни бир канизак очди. Хизматчи канизакка: «Меҳмонингни кутиб ол!»— деди. Канизак мени очиқ чеҳра билан қарши олди-да, тилла ҳаллар билан зийнатланган ажойиб бир уйга киритди. Мен у канизакка диққат билан қарадим. У худди тўлин ой каби кўркам эди. Унинг хизматида юлдуз каби тиниқ иккита канизак бор эди. У мени ўтқазиб, ўзи ҳам ёнимга ўтиргач, икки канизакка ниманидир ишорат қилди. Улар ҳар хил: товуқ, бедана, каклик ва каптар гўштлари билан тузалган дастурхон ёздилар. Керагича еб-ичдим. Умримда мен бундан лаззатлироқ таом емаган эдим.

Таом ейилгач, дастурхонни йиғдилар-да, ўрнига ичимлик, хушбўй ўсимлик, ширинлик, ҳар хил мевалардан тузалган бошқа дастурхон ёздилар. Роса бир ой мен шу йўсинда у ерда турдим.

Муҳлат тугагач, ҳаммомга тушдим-да, сўнг қария ҳузурига бориб: «Эй хўжам, мен йигирма динарлик канизакни истайман»,— дедим. «Марҳамат, пулни сана!»— деди қария, мен бориб пул келтирдим-да, бир ой учун унга олти юз динар бердим. Шу он қария бир хизматчини чақириб: «Хўжангни ол!»— деди. У ҳаммомга бошлаб борди. Ҳаммомдан чиққач, бир уйга олиб бориб, эшикни тақиллатди. Эшикни бир канизак очиб, мени бениҳоят яхши қаршилади. Шу он унинг атрофида тўртта чўри ҳозир бўлди. Канизак чўриларига таом келтиришни буюрди. Улар ҳар хил таомлар келтирдилар. Овқатландим. Таом ейилгач, дастурхон йиғилди. Канизак қўлига уд олиб қуйидаги байтларни куйга солиб айтди:

Эй, Бобилдан эсган анбар насими,
Юрагимдан қайғу-гамимни кеткиз!
Салом айтиб мен томондан самимий,
Ул бевафо ёрга арзимни еткиз!
Ер висоли — дарди ҳижроннинг эми.
Ерга айтиб, бу мушкулим ҳал еткиз!

Унинг ёнида бир ой яшадим ва муддат тугагач, қария ёнига келиб: «Қирқ динарлик канизакни истайман»,— дедим. «Марҳамат, пулни чўз!»— деди қария. Мен унга бир ой учун бир минг икки юз динар тутқаздим. У билан ҳам бир ой кун кечирдим. Унинг кўрки, унинг муомаласи шунчалик ёқимли эдики, бир ой бир кундек ўтди. Сўнг яна мен қария ёнига бордим. Вақт кеч бўлиб қолган эди. Шу чоқ қаттиқ қаҳқаҳа товушларини эшитдим. «Нима гап?»— деб

қариядан сўрасам у: «Бу кеч бизда энг муҳим кеча-дир. Бугун ҳамма одамлар бир-бирларини томоша қиладилар. Сен ҳам болохонага чиқиб, одамларни кўрмайсанми»,— деди. «Яхши бўлади»,— дедим-да, болохонага чиқдим. У ерда ниҳоят зийнатли бир парда бўлиб, орқасида ҳашаматли катта бир бино бор эди. Бино ичига қатор курсилар қўйилган бўлиб, унинг устига эса чиройли гулдор гиламлар ёзилган эди. У ерда ўзининг кўрки, қадди-қомати билан одамларни ҳайратга соладиган бир қиз сузилиб ўтирарди. Унинг ёнида эса бир йигит қизнинг бўйнига қўл ташлаб қучар ва ўпар эди. Қиз ҳам ўз навбатида уни қучиб, ўпар эди. Уларни кўргач, мен эй амир ал-мўъминин, унинг кўркига ҳайрон қолиб ўзимни йўқотиб, қаерда эканимни билолмай қолдим. Пастга тушгач, ёнимда турган бир канизакдан унинг кимлигини сўрадим. Канизак уни таърифлаб танитди-да: «Нимага уни сўраётирсан?»— деди. «Худо ҳақи, у менинг ақлимни олди»,— дедим мен. У кулди ва: «Сенда унга хоҳиш борми эй Абул-Ҳасан?»— деди. «Бўлганда қандоқ, э канизак,— дедим оҳ тортиб,— бай, бай, бай у қандай бир офатижон, гунча даҳан. Юпқа томоқ, бодом қовоқ экан. Айт-чи, бу пари-пайкар қайси боғнинг гулию, кимнинг булбули?» «У қиз, хўжамиз Тоҳир ибн Улонинг қизидир. Биз ҳаммамиз унинг чўрисимиз, унинг бир кеча-кундузлиги қанча туришини биласанми, эй Абул-Ҳасан?»— деди у менга. «Йўқ»,— дедим мен. «Беш юз динор. Унинг кўйида шоҳлар кўнгли ёнади»,— деди у. «Худо ҳақи, бор дунёмни шу канизакка бағишлайман»,— дедим мен. Ва бутун тун бўйи унинг ҳирсида куйиб ёндим. Тонг отгач, ҳаммомга тушдим-да, шоҳона кийимлар кийиб, қария ёнига бордим: «Эй хўжам, мен бир кечаси беш юз динорлик канизамни истайман»,— дедим.

«Тиллангни сана!»— деди у. Мен унга бир ойга эллик минг динор топширдим. Қария пулни олди-да, хизматчига: «Бу йигитни хўжанг фалончига элт!»— деди у. Хизматчи мени умримда кўрмаган бениҳоят зийнатли бир уйга олиб кирди. Кирсам, уйда қиз ўтирибди. Уни кўриш билан, эй амир ал-мўъминин, ҳусни жамолига маҳлиё бўлиб, ақлимдан оздим. У ўн тўрт кунли ой каби эди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
эллигинчи кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Йигит халифага канизак таърифини давом эттирди: у бениҳоят чиройли, қомати расо, худди ўн тўрт кунли ой каби кўркам эди. Унинг сўзлари музика товушини хижолатда қолдирар эди. Шу шеърни ёзган шоир худди шуни кўзда тутган эди:

Чиройли, хушбичим ҳам шўху лобар,
Бўлолмас ҳеч гўзал унга баробар.
Агар денгизга боқса, шўри қолмас,
Унинг аксини асрар сув, йўқолмас.
Моноху сўфилар кўрса баногоҳ,
Беланмак ила тупроққа, урар оҳ!..

Бошқа бир шоир шеъри:

Назар ташлаб эдим, чекди хижолат,
Тушунди севганим, ингичка фаҳми.
Қилибдир, соз чалиб, ақлимни ғорат,
Олур ҳушимни ҳам, гар келса раҳми.

Мен қизга салом бердим. Қиз ҳам: «Марҳамат, уй тўри сизники»,— деди-да, қўлимдан ушлаб, ўз ёнига ўтқазди. Эй, амир ал-мўъминин,— деди йигит давом

этиб,— мен сизга айтсам, бениҳоят қучли севгим билан айрилиқ хавфи менга даҳшат солиб, йиғлар эдим, кўз ёшларим тинимсиз оқар экан, шу байтларни ўқидим:

Мен ҳижронни ёқтираман, умид боғлаб висолга,
Ой ўнбеши қоронғи-ю ўнбеш тунни мунаввар.
Яқинликдан мен сўз очсам, ёр юз бурар малолга,
Чунки, ҳар бир бор нарсанинг йўқ бўлиши муқаррар.

Сўнг у мени ширин сўзлар билан овута бошлади. Мен унинг ҳузурида бўлсам-да, муҳаббат шиддатидан биргалик сўнггидаги айрилиқ, фироқ алангасини эслаб, шу байтларни ўқидим:

Дуч келишган дамларим мен айрилишни ўйладим,
Шодланишнинг ўрнига икки кўзимга тўлди қон.
Кўзларим суртиш учун оқ гарданига бўйладим.
Чунки, камфар тўхтатур ҳар қанча кўп қонни шу он.

Қиз таом келтиришга буюрди. Кўкраклари баланд тўрт канизак таом келтирдилар. Таомларнинг нимасини айтасиз, мевалар, ширинликлар, гуллар, ичимлик ва бутунлай шоҳларга мансуб таомлар эди. Биз ейишдик. Эй амир ал-мўъминин,— деди йигит давом этиб,— биз ичимлик ичар эдик, атрофимиз шоҳлар мажлисига хос гуллар билан безалган эди. Сўнг эй, амир ал-мўъминин, бир канизак, унга атлас жилдлик чолғу келтириб берди. Қиз жилддан удни олиб, тиззасига қўйди-ю, бола онасига ёлворган кўйи чолғу торларини чертиб, шу байтларни ўқиди:

Доимо нозик адолар қўлидан ичгил шароб,
Бир-бирига ўхшагай нозик хусусиятлари.
Ул шаробнинг аксида юз нозу ишва, изтироб,
Кўринур олтин қадаҳдан, маст қилиш ниятлари.

Шу йўсинда эй амир ал-мўъминин, мен унинг ёнида бутун дунём тугагунча яшадим. Сармоям ту-

гагач, ундан айрилиш дарди хаёлимни чулғади. Кўз ёшларим юзларимдан анҳордек оқди. Кечани кундуздан айиролмас бир ҳолга тушдим. Бунни кўриб қиз: «Нега йиғлайсан?»—деб сўради мендан. «Эй бекам,— дедим мен унга,— мен келганимдан бери отанг ҳар кун мендан беш юз динол олади. Энди пулим қолмади. Бу ҳақда бир шоирнинг шеъри жуда тўғридир:

Агар сен камбағалсен: билки, сен юртингга бегона,
Агар пулдор бўлсанг, ўзгалар юртида ҳам ўз сен!
Пулнинг йўқ бўлса ёнингда, ўтар умринг ғарибона,
Агар пул кўп экан сенда: ҳамма ерда ширин сўз сен».

«Билки,— деди қиз,— отам ўз одати бўйича савдогарнинг пули тамом бўлиб қолса, уч кун уни меҳмон сифатида сақлайди-да, сўнг бу ерга қадам босмайдиган қилиб ҳайдайди. Лекин сен сирингни яшир, бу ҳолни ҳеч кимга билдирма, мен худо ўз омонатини олгунча бир-биримиз билан бирга бўла олишимиз учун ҳийла топман. Чунки дилимда сенга муҳаббатим улуғдир. Отамнинг ҳамма пули менинг қўлимда. Отамнинг ўзи пулининг қанчалигини яхши билмайди. Мен ҳар кун сенга беш диноллик бир ҳамён бераман, сен отамга топширасан-да, унга: «Мен ҳар кунлик пулни ҳар кун топшираман»,— дейсан. Сен ҳар кун отамга берган пулингни отам менга топширади, мен сенга топшираман. Худо хоҳлаганча шу тартибни давом эттирамиз».

Мен қизга миннатдорлик билдириб, унинг қўлини ўпдим. Шу йўл билан расо бир йил мен унинг ёнида турдим, эй амир ал-мўминин,— деди йигит оҳуриб,— иттифоқо, бир кун қиз бир канизини қаттиқ урди. Шунда канизак: «Худо ҳақи, сен менинг кўнглимни вайрон қилдинг, мен ҳам сенинг кўнглингни яралайман»,— деди-ю, қизнинг отасига бориб, бизнинг орамиздаги сирларни бирма-бир айтиб берди.

Тоҳир ибн Уло канизак сўзини эшитиб, ўша ен менинг ёнимга кирди. Мен унинг қизи билан ўтирган эдим. «Эй, фалончи?»— деди у менга. «Лаббай»,— дедим. «Биз пули тамом бўлиб фақирланган кишини уч кун меҳмон қилиб жўнатар эдик. Сен бизда бир йилдан бери ейсан-ичасан, хоҳлаганингча ётасан,— деди-ю, хизматчиларига қараб: бунинг кийимларини ечинглар!»— деди. Улар менинг кийимларимни ечиб олиб, ўрнига зўрға беш дирҳамга оладиган эски-туски кийим-бош бердилар, қўлимга ўн дирҳам бериб: «Тез чиқиб кет, мен урмайман, сўкмайман, аммо бу ерда яна бир кун қолсанг, бошинг бекорга кетади»,— деди Тоҳир ибн Уло. Мен у ердан чиқдим, эй амир ал-мўъминин, қаерга боришимни билмадим. Дунёда бор гамнинг ҳаммаси менинг дилимга жойланди. Вужудимни хаёл ва алам қоплади. Ўзимга-ўзим: «Денгиздан неча минг динор билан келдим, ўттизта кеманинг пули пулимнинг бир қисми эди, холос. Шу пуллар ҳаммаси шу ифлос қариянинг уйига кетди. Бунинг уйдан яланғоч, синиқ дил билан чиқдим. Лоҳовла валоқуввата илло биллоҳ»,— дедим. Бағдодда уч кун турдим. Бу кунларда на бир нарса едим, на бир нарса ичдим. Тўртинчи кун Басрага кетадиган бир кемага ўтирдим. Кемачига кира ҳақини тўладим-да, Басрага етгач, бозорга кирдим. Жуда оч эдим. Шу чоқ мени бир дўкондор кўриб қолди-ю, югуриб келиб қучоқлашиб кўришди. Чунки, у киши отамнинг дўсти эди. Мендан ҳол-аҳвол сўради. Мен бошимдан кечирган ҳамма воқеани унга айтдим. «Худо ҳақи, бу иш ақлли одамлар иши бўлмабди, энди нима қилмоқчисан?»— деди у. «Худо ҳақи, нима қилишимни билмайман»,— дедим. «Менинг ёнимда кирим-чиқимларни ёзиш ишини қилмайсанми? Ейиш-ичишингдан ташқари ҳар кун бир дирҳам тў-

лайман»,— деди дўкондор. Мен унга рози бўлдим ва унинг ёнида пулим юз динорга етгунча расо бир йил қолиб кетдим, эй амир ал-мўъминин,— деди йигит давом этиб.— Сўнг мен денгиз қирғоғидан ижарага бир уй олдим. Мақсадим, у ерда яшаб туриб, келадиган кемани учратиш ва мол олиб Бағдодга жўнаш эди. Иттифоқо, бир кун кема келди. Ҳамма савдогарлар келувчилардан мол олиш учун кема атрофига тўпланишди. Улар қаторида мен ҳам бор эдим. Икки киши кеманинг юкхонасидан тушган эди. Одамлар дарров унга курсилар қўйиб, ўтқаздилар. Сўнг савдогарлар улардан мол сўраб мурожаат қилдилар. Шунда улар хизматчиларига «гиламни олиб келинглар»,— деб буюришди. Гиламни келтирдилар. Хизматчилардан бири қопга ўралган бир қути келтириб очди-да, ичидаги нарсаларни гиламга ёйди. Қарасам, ҳар хил рангдаги қиммат баҳо тошлар — марварид, инжу, ёқутлар киши кўзини қамаштирар эди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
аллик биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Йигит халифага савдогарлар ва қутидаги қиммат баҳо тошлар ҳақида гапиргач: «Эй, амир ал-мўъминин,— деб давом этди у,— курсиларда ўтирган икки кишидан бири савдогарларга қараб: «Эй савдогар биродалар, мен букун савдо қилмайман. Чунки жуда чарчаганман»,— деди. Лекин, савдогарлар борган сари баҳосини орттириб қистадилар, унинг баҳоси ниҳоят тўрт юз динорга кўтарилди. Қутининг

эгаси мен билан эски таниш эди. Менга қараб: «Нега сен сўзламайсан, бошқа савдогарлар каби мол нархини оширмайсан?»— деди. «Эй хўжам, менда юз динордан бошқа пул йўқ, шунинг учун бирор нарса деёлмай уялиб ўтирибман»,— дедим. Уялганимдан кўзимдан ёш чиқиб кетди. У менга қаради, аҳволимга ачинди шекилли, савдогарларга қараб: «Эй савдогарлар, сизлар гувоҳ бўлинглар, мен қутидаги ҳамма тошларни шу йигитга юз динорга сотдим,— дея сўзида давом этди,— мен биламан, бу одам мингминг динорга арзийдиган кишидир. Бу нарса менадан унга туҳфа бўлсин». Шундан кейин у жилдга ўралган қути, гилам ва гилам устидаги ҳамма қиммат баҳо тошларни менга берди. Мен унга миннатдорлик билдирдим. Савдогарларнинг ҳаммаси уни олқишлашди. Мен молларни бозорга элтиб, сота бошладим. Қиммат баҳо тошлар ичида ҳунармандлар ясаган бир ҳалқача бор эди. Унинг оғирлиги ярим питлча бўлиб, у қип-қизил анорни эслатар эди. Унинг ҳар икки томонида худди чумоли изи каби ёзув бор эди. Лекин мен унинг нимага кераклигини билмасдим. Мен олди-сотди билан роса бир йил шуғулландим. Бир гал ҳалқани қўлимга олдим-да, ўз-ўзимга: «Бу нарса кўпдан менда ётибди. Мен эса бунинг нима эканини ҳам, нимага кераклигини ҳам билмайман»,— деб уни далолга топширдим. Даллол олиб бозорга солди, сўнг қайтиб келиб: «Ҳеч ким бунга ўн дирҳамдан ортиқ бермаётир»,— деди. «Бу баҳога сотмайман»,— дедим. Даллол уни олдимга отди-да, ўз йўлига кетди. Бошқа кун ҳалқани даллолга яна сотгани бердим. «Баҳоси ўн беш дирҳамга чиқди»,— деди у. Даллолдан хафа бўлиб ҳалқани қайтиб олдим-да, яна молларим орасига ташлаб қўйдим. Бир кун мол сотиб ўтирган эдим. Бир одам келиб менга са-

лом берди-да: «Рухсат этсанг, молларингни бир кўрсам?»— деди. «Майли»,— дедим мен унга, эй амир ал мўминин, ўзим у ҳалқанинг шунча вақтдан буён сотилмай келишидан хафа эдим.

У киши молларни ағдар-тўнкар қилиб, ниҳоят улар орасидан фақат ҳалқани айириб олиб: «Бунинг баҳоси қанча?»— деб сўради. «Қанча берасан?»— дедим мен унга. «Йигирма динар»,— деди у. Мен, бу киши мен билан ҳазиллашаётир деб саросимага тушдим-да, «Жўнаб қол!»,— дедим. У: «Эллик динар бераман»,— деди. Мен индамадим. У: «минг динар бераман»,— деди. Мен жавоб бермай жим ўтира бердим. Эй, амир ал-мўминин, у менинг жавоб бермаслигимга кулиб: «Нега жавоб бермайсан?»— деди. «Йўлингдан қолма!»— дедим мен унга. У ҳар гал минг-мингдан қўшиб борар эди. Мен жавоб қайтармас эдим. «Йигирма минг динарга берасанми?»— деди у. Мен, бу киши мен билан ҳазиллашаётир деб гумон қилдим. Аτροφимизга одамлар тўпланган эди. Улар менга: «Сот, агар шу баҳога олмаса, бизлар уни уриб, шаҳардан чиқариб юборамиз»,— дейишди. «Сен сотиб оласанми ёки ҳазиллашяпсанми?»— дедим мен унга. «Сен ҳам сотасанми, ё ҳазиллашяпсанми?»— деди у менга. «Сотаман»,— дедим мен унга. «Бўлмаса, унинг баҳоси ўттиз минг динар туради, мана пулни ол-да, бор барака қил!»— деди у. Мен у ердагиларга: «Сизлар гувоҳ бўлинглар у, бу нарса-нинг хосиятини айтиб бериши шарт»,— дедим. «Аввал сен бор барака қил, сўнг мен унинг фойдасини айтиб бераман»,— деди у. «Сотдим»,— дедим мен унга. «Худо сўзларингга гувоҳдир»,— деди у. Сўнг менга пул берди-да ҳалқани олиб, қўйнига солар экан, «розимисан?»— деди. «Ҳа»,— дедим мен унга. Сўнг у кишиларга: «Савдо битганига ва ўттиз минг

динор олганига сизлар гувоҳ бўлинглар»,— деди-да, менга қараб: «Эй бечора, худо ҳақи, агар шошилмай, бир оз оёқ тираб турганингда, биз унинг баҳосини юз минг диноргача, балки бир неча юз минг диноргача орттирар эдик. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин, деган гапни эшитмаганмисан? Буни биз озмунча қидирдикми?»— деди.

Бу сўзни эшитгач, эй амир ал-мўъминин, юзимдан қоним қочди, шу кундан бошлаб юзим кўриб турганинг синиқа бошлади. Сўнг мен унга: «Бу ҳалқанинг аҳамиятини айт!»— дедим. «Билгинки, эй инсон,— деб гап бошлади у,— Ҳинд шоҳининг дунёда тенги йўқ бир қизи бўлиб, унинг бош оғриғи касали бор эди. Шоҳ бутун қалам эгалари, бутун илм аҳллари ва бутун жодугарларга уни қаратди, лекин улар касалига даво топа олмадилар. Шунда мен шоҳга: «Мен Саъдуллоҳи Бобилий деган бир одамни биламан, шу хил касалларни ундан кўра яхши биладиган одам ер юзида йўқ. Агар мени унга юборсанг, топиб келтирар эдим»,— дедим. Шоҳ: «Шундай қил, унга бор»,— деди. «Айтинг, менга бир бўлак ақиқ беришсин»,— дедим. Менга катта бир бўлак ақиқ, юз минг динор ва бошқа туҳфа ҳозирлаб бердилар. Мен уларни олиб Бобилга қараб йўл солдим. Бориб шайх Бобилийга учрашган эдим, у менга йўл-йўриқ кўрсатди. Юз минг динор билан туҳфани унга бердим. У мендан туҳфани қабул қилгач, бир бўлак ақиқни олиб, сангтарош чақирди. Сангтарош ундан тумор ясади. Унга афсун ёзиш учун шайх яхши соат келишини кутиб, етти ойни ўтқазди. Ниҳоят, юлдузлар тўғри келгач, унга афсунни ёзди. Мен уни олиб шоҳ ёнига қайтдим».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
эллик иккинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Йигит амир ал-мўъмининга ҳалқа воқеасини айтиб деди: «Шайх менга: «Бу сеҳрли ҳалқани ол!»— деди. Мен уни олиб шоҳга келтириб бердим. Шоҳ ҳалқани қизига осган эди, бош оғриғи таққа қолди. У тўртта занжирга боғланган эди. Ҳар кеч қизнинг ёнида эрталаб уни тақиб қўядиган бир канизак ётарди. Ҳалқа осилган ондан бошлаб бош оғриғи тарқади. Шоҳ бениҳоят шодланиб, менга сарпо тақдим қилди ва кўпгина тортиқлар берди. Сўнг шоҳ ҳалқани унинг маржонлари орасига қўшиб тақтирди. Иттифоқо, бир кун қиз ўзининг канизаклари билан кўнгил очгани денгизга бориб кемага ўтирди. Уртоқларидан бири у билан ўйнашиб қучоқлаган экан, қўли маржон боғига тегиб, узилди-ю денгизга тушиб кетди. Шу соатдан бошлаб шоҳ қизининг касали яна қўзиди қўйди. Шоҳ қайғуси яна янгиланди. Шоҳ менга жуда кўп мол-дунё бериб, шайхдан эски тумор ўрнига янги тумор қилдириб келишни буюрди. Мен шайх шаҳрига жўнадим. Бироқ у оламдан ўтган экан. Қайтиб келиб шоҳга бу хабарни эшиттирдим. Шоҳ мен билан ўн кишини ҳар тарафга бориб даво излашга жўнатди. Мана, худо менга бу давони сендан топишга насиб қилди. У мендан ҳалқани олиб, эй амир-ал мўъминин, ўз йўлига қайтди. Юзимнинг сарғайишига ана шу воқеа сабаб бўлди. Мен ҳамма молларимни олиб, Бағдодга жўнадим. Илғари турган уйимда турдим. Тонг отгач, яхши кийимларимни кийдим-да, севиклимни кўришни ис-

таб, Тоҳир ибн Уло уйига бордим. Чунки унинг сев-
гиси дилимни тобора ўртамоқда эди.

Севгилимнинг уйига бориб қарасам, унинг шоҳо-
на уйлари вайронага айланибди. Ҳайрон бўлиб, шу
ерда турган бир хизматчидан: «Бу уй эгаси қарияга
нима бўлди?»— деб сўрадим. «Эй биродар,— деди
хизматчи,— бир йили Абул-Ҳасан Уммоний деган
бир савдогар келиб, қариянинг қизи билан бир қан-
ча вақт бирга турган эди. Сўнг унинг пули тамом
бўлгач, қария йигитни ҳайдаб юборди. Савдогар
кўнгли вайрон бўлиб чиқиб кетди. Қиз уни бениҳоят
яхши кўрар экан. Савдогар кетгач, қиз ўлар даража-
да қаттиқ оғриб қолди. Отаси бу ҳолни кўргач, сав-
догар кетидан шаҳарларга одам юбориб излатди.
Уни келтирган кишига юз минг динар суюнчи бе-
ришга ваъда қилди. Ҳеч ким уни тополмади ҳам,
бирор дарак билолмади ҳам. Қиз ҳозиргача ўлим
тўшагида ётибди». «Отасининг аҳволи қандай?»—
деб сўрадим. «Бу оғир кулфат сабабидан отаси ка-
низакларни сотиб юборди»,— деди у. «Агар хоҳла-
санг,— дедим мен унга,— Абул-Ҳасан Уммонийни
мен сенга кўрсатаман». «Худо ҳурмати учун эй биро-
дар, уни кўрсат!»— деди хизматчи. «Отаси ёнига бо-
риб, Абул-Ҳасан Уммоний эшикда турибди, деб хуш-
хабар етказ»,— дедим мен.

Хизматчи худди тегирмондан қутулган хаҷир ка-
би учиб ичкари кириб кетди-да, орада бир оз вақт
ўтгач, қария билан бирга чиқди. Қария мени кўргач,
хизматчига юз минг динар суюнчи чиқариб берди.
Хизматчи пулни олиб, мени дуо қилди-да, ўз йўлига
кетди. Сўнг қария менинг ёнимга келиб, қучиб йиғ-
лаб деди: «Эй хўжам, шунча вақт қаерларда қолиб
кетдинг, сен кетдинг-ку, қизим бетоб бўлиб қолди.
Қани юр, мен билан уйга кир!»— деди. Уйга киргач,

қария мук тушиб худога миннатдорлик билдирди ва: «Сени етказган худога минг қатра шукур»,— деди. Сўнг у қизи ёнига кириб: «Эй қизим, худо сенинг бу касалиннга даво етказди»,— деди. «Эй ота, мен бу касалдан Абул-Ҳасаннинг юзини кўрмагунча қутулмайман»,— деди у. «Ўрнингдан туриб бир оз овқатлан, ҳаммомга туш, мен сенга уни кўрсатаман»,— деди отаси. Қиз отасининг сўзини эшитиб: «Тўғри айтяпсанми, эй отажон?»— деди. «Улуғ тангри ҳақи, сўзим тўғри»,— деди қария. «Худо ҳақи, агар унинг юзини кўрсам, таомга эҳтиёж қолмайди»,— деди қиз. Қария хизматчисига: «Хўжангни чақириб кел!»— деб буюрди. Мен уйга киргач, қиз мени кўрди-ю, хушсизланиб ерга йиқилди. Ўзига келгач, шу байтни ўқиди:

«— Кўришмасман!..» дебон ўйларди доим,
Уни бирлаштириб қўйди худойим.

Сўнг қиз қаддини ростлаб ўтирди-да: «Худо ҳақи, эй хўжам, сенинг юзингни кўролмасман девдим, ёки бу тушимми?»— деди ва мени қучиб йиғлар экан,— эй Абул-Ҳасан, энди мен овқатланиб оламан»,— деди. Унга егулик, ичкулик келтирдилар.


Мен улар уйида, эй амир ал-мўъминин, бир қанча вақт қолиб кетдим. Қиз яна аввалги кўркам ҳолига кирди. Сўнг қария қози ва гувоҳларни чақиртириб, қизни менга никоҳлатиб, катта зиёфат қилиб берди. У ҳозирга қадар мен билан яшайди, менинг хотинимдир»,— дебди-да, йигит халифа ёнидан туриб, бениҳоят кўркам бир хизматчини бошлаб келибди. У ҳайрон қоларлик келишган, хушбичим, кншини суқлантирувчи эди. Йигит унга: «Амир ал-мўъминин ҳурматига ер ўп!»— дебди. Хизматчи шоҳ қошида ер ўпибди. Шоҳ унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб қолибди. Шундай ҳусндор одамни яратувчи тангрининг санъ-

атига таҳсин қилибди. Сўнг Ҳорун ар-Рашид ўз одамлари билан бирга йўлга ётланаркан: ўзининг вазири Жаъфарга: «Бу қандай ҳодиса, умримда бундан ажиброқ воқеани кўришгина эмас, ҳатто эшитган ҳам эмасдим»,—дебди. Шоҳ бориб ўз тахтига ўтиргач: «Эй Масрур»,—дебди. «Лаббай, эй амир ал-мўъминин, хизматингиздаман»,—дебди Масрур. «Баҳра, Бағдод, Хуросон хирожларини ана шу пешайвонга тўпла!»—дебди унга халифа. Масрур уларни тўплабди. Дунё шунча кўп тўпланган эдики, худодан бошқа ҳеч ким унинг ҳисобига ета олмас экан. Халифа Жаъфарга: «Абул-Ҳасанни шу ерга чақир»,—дебди. «Бош устига»,—дебди Жаъфар. Сўнг Абул-Ҳасанни шоҳ ёнига киритибди. Абул-Ҳасан халифа қаршисида ер ўпибди-ю, лекин, «нега шоҳ мени чақиртирган экан, бирор хато ўтган эканми»,—деб чўчибди. «Эй Уммоний!»—дебди шоҳ унга. «Лаббай, эй амир ал-мўъминин, худо ўзининг неъматларини сизга абадий қилсин»,—дебди Абул-Ҳасан шоҳга. «Мана бу пардани оч!»—дебди шоҳ унга. Халифа уч шаҳар хирожини шу ерга тўплатиб, устига парда ёптириб қўйган эди. Абул-Ҳасан пардани очиб пешайвондаги пулларни кўриб, унинг кўплигидан ақлдан адашиб турган экан, шу чоқ халифа: «Эй Абул-Ҳасан, бу пуллар кўпми ёки сеҳрли ҳалққа боисинда қўлингдан кетган пул кўпми?»—дебди. «Бу пул ундан бир неча чандон кўп»,—дебди Абул-Ҳасан. «Гувоҳ бўлинглар, эй одамлар,—дебди халифа,—мен шу пулларнинг ҳаммасини шу йигитга туҳфа қилдим».

Абул-Ҳасан шоҳ қошида ер ўпиб, қизариб кетибди-да, камоли шодлигидан йиғлаб юборибди. Йиғлаганда кўз ёши юзларига оқиб, ранги асли ҳолига қайтибди-ю, юзлари тўлин ойдек порлабди. «Одам-

ларнинг ҳолини ўзгартирувчи, ўзи ўзгармовчи танг-
рига таҳсин ва олқишлар бўлсин»,— дебди халифа.
Йигит ойнада ўз юзидаги ўзгаришни кўриб, худога
миннатдорлик билдирибди. Сўнг шоҳ ўз одамларига
пулларни жойлаштириб беришларини буюрибди-да,
бундан сўнг алоқани узмасликни таъкидлабди. Куни
битиб, халифа оламдан ўтгунча Абул-Ҳасан ундан
узоқлашмади. Абадий ҳаёт бўлган тангрига олқиш-
лар бўлсин.





Иброҳим ибн Ҳосиб билан Жамила қиссаси

М

ана бу ҳикояни ҳам эшитинг, эй саодатли шоҳ, Миср ҳокими Ҳосибнинг пешонасида биргина ўғли бўлиб, унинг исми Иброҳим экан. Уша замонда ҳусн бобида унга тенг келадиган одам йўқ экан. Ёмон кўздан қўрқиб Ҳосиб уни кўчага



чиқазмай, доим уйда сақлар, фақат ҳафтада бир кун, у ҳам бўлса жума намозигагина чиқазар экан. Иброҳим бир кун жума намозини ўқиб бўлгач, уйга қайтар экан, олдига кўп китоблар ёйиб ўтирган бир қари кишини кўриб қолибди. У отдан тушибди-да, қария ёнига ўтириб китобларни варақлай бошлабди. Шу чоқ китобларнинг биридаги бир аёл суратига кўзи тушибди. У шу қадар кўркам, ой жамол эдики, Иброҳим умрида бундай кўркам аёл зотини кўрмаган эди. Бу суратни кўрибди-ю, эс-ҳушидан айрилибди. «Бу суратни менга сотинг?»—дебди у чолга қараб. Чол унинг қаршисида ер ўпиб: «Эй хўжам, текинга ола қолинг»,—дебди. Йигит чолга юз динор бериб китобни олибди. Шу-шу у ейиш-ичишдан қолиб, кеча-ю кундуз шу суратга қараб йиғлайберибди. Йиғлай-йиғлай охири у: «Китоб сотувчидан бу суратни ким ишлаганини сўрасам, у бу суратдаги гўзални қаерда эканини айтса, мен уни топишга ҳаракат қилсам»,—деб ўйлабди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
галлик учинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод.— Йигит ўзича: «Китоб сотувчидан бу сурат тўғрисида сўрасам, у айтиб берар. Агар бу сурат ноаниқ, умумий бир сурат бўлса, унинг учун оворагарчиликни ташласам, йўқ нарса тўғрисидаги азобдан қутулсам»,—дебди-ю, иккинчи жума келишини кутибди. Жума келгач, у китоб сотувчи ёнига бориб:

«Эй амаки, бу суратни ишлаган

кишини айтиб бермайсиэми?»— деб сўрабди. «Бу кимнинг сурати эканини билмайман. Аммо, бу суратни Бағдоднинг Карх кўчасидаги Абулқосим Сандалоний чизган»,— дебди чол.

Йигит ўз севгисини сир тутибди. Йигит жума намозидан чиқиб, уйига қайтибди-да, қиммат баҳо тошлардан ўттиз минг динорлик олиб, тонготарда йўлга чиқибди. Кўчада бир тўда йўловчиларга етиб олиб, бир бадавийдан: «Эй амаки, биз билан Бағдод ораси қанча?»— деб сўрабди. «Эй ўғлим, сен қаердасану Бағдод қаерда, сен билан Бағдод ораси икки ойлик йўл»,— дебди бадавий.

«Эй амаки, агар мени Бағдодга етказиб қўйсангиз, юз динор билан бирга тагимдаги минг динорлик отимни берар эдим»,— дебди йигит. «Бўпти, сўзларимизга худо гувоҳ. Лекин шарт шуки, шу кеч менинг ёнимда қоласан»,— дебди бадавий.

Йигит бунга рози бўлиб, бадавий ёнида қолибди. Эртаси кун ёришиши биланоқ, бадавий йўлга ҳозирланибди. Бадавийнинг мақсади яқин йўллар билан уни олиб бориб, ваъда қилинган отни олиш эди. Улар тинимсиз йўл юриб, ниҳоят Бағдодга етибдилар.

«Худога шукур, эй хўжам, соғу саломат Бағдодга ҳам етиб келдик»,— дебди бадавий. Йигит бениҳоят шодланиб отдан тушибди-да, ваъдасига мувофиқ бадавийга от билан бирга юз динор топширибди. Ўзи халтани кўтариб Карх кўчасини ва савдогарларнинг турар жойларини сўроқлай кетибди. Сўроқлай-сўроқлай у ниҳоят бир кўчага кириб қолибди. Кўча бошида икки тавақали дарвоза бўлиб, унинг кумуш ҳалқалари ялтираб турар эди. Эшик олдида қиммат баҳо гилам тўшалган иккита мраммар курси турар ва уларнинг бирида ниҳоят нафис кийинган, салобатли бир киши ўтирганди. Унинг хизматида эса

худди ойдек бешта гўзал қул турар эди. Йигит китоб сотувчи таъриф қилган одам шу бўлса керак, деб тахмин қилиб унга салом берибди. У киши саломга алик олиб, ундан ҳол-аҳвол сўрабди. «Мен мусофирман, ётиб туриш учун шу кўчадан бир жой кўрсатишингизни ўтиниб сўрайман»,— дебди йигит. «Эй Физола!»— деб бировни чақирибди у киши. «Лаббай, эй хўжам»,— деб бир канизак югуриб келибди. «Ўзинг билан,— дебди чол канизакка,— бир қанча хизматчиларни олиб, фалон уйни гиламлар ёзиб безанглар. Бу кўркам йигит учун ҳамма нарса муҳайё бўлсин». Канизак чиқиб буюрилган ишларни дарҳол бажарибди. Қария йигитни у уйга бошлаб борибди. «Эй хўжам, бунинг ижара ҳақиси қанча?»— дебди йигит қарияга. «Эй ой юзли йигит, қанча турсанг ҳам мен сендан ижара ҳақи олмайман»,— дебди қария. Йигит унга миннатдорчилик билдирибди. Қария чақирган экан, ичкаридан офтобдек иссиқ бир канизак чиқиб келибди. Қария унга: «Шатранжни келтир!»—дебди. Канизак шатранжни келтириб берибди. «Мен билан ўйнайсанми?»—дебди қария. «Майли»,—дебди йигит. Бир неча марта ўйнаб йигит қарияни мот қилибди. «Офарин, эй йигит, ўйинда тўла камолотга эришган экансан. Худо ҳақи, Бағдодда ҳеч ким мени мот қилолмаган эди, мени энгдинг,—дебди чол ва уй калитини унга узата туриб:—Эй хўжам, уйимга кириб тузимиздан тотсанг, биз хушнуд бўлардик»,—дебди. Йигит бу таклифга рози бўлиб, қария билан уйига йўл олибди. Унинг уйи тилла ҳаллар билан нақшланган, бениҳоят зийнатли ва ҳадсиз ҳашаматли эди. Уйда ҳар хил суратлар, ранг-баранг қиммат баҳо гиламлар, мақтовига тил ожизлик қиладиган турли буюмлар бор эди. Қария йигитга узоқ умр тилаб дуо қилгач, таом келтириш-

ларини буюрибди. Хизматчилар яман санъаткорлари томонидан ишланган хонтахтани қўйиб, ранг-баранг таомлар келтирибдилар, бундан мазали бошқа таомларни ҳатто тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас экан. Йигит маза қилиб овқатлангач, яна бир марта уйни ва ундаги жиҳозларни томоша қилибди. Кейин ўзи билан олиб келган халтасига қарабди. Халтаси жойида йўқ эди. Йигит ҳайрон бўлиб: «Лоҳовла валоқуввата илло биллоҳи алиюлазим»,— дея шивирлабди. «Бир ёки икки дирҳамлик таом ейман деб, ўттиз минг динорлик халтани қўлдан чиқарибман-да!»— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
эллик тўртинчи
кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Йигит халтасининг йўқолганини билгач, қаттиқ хафа бўлибди-ю, лекин ҳеч кимга айтолмай куюнаверибди. Қария унинг олдига шатранж келтириб: «Ўйнаймизми?»—дебди. «Майли»,— дебди йигит. Ўйнабдилар. Бу гал қария мот қилибди. Йигит «Офарин»,— дебди-да, ўйинни ташлаб ўрнидан турибди. «Сенга нима бўлди?»—дебди қария йигитга. «Халтамни излаяпман»,—дебди йигит. Қария ўрнидан туриб, халтани чиқариб берибди. «Эй ҳўжам,—дебди қария йигитга,—яна шатранж ўйнайсанми?» «Майли»,—дебди йигит. Ўйнабдилар. Йигит мот қилибди... «Хаёлинг халтанга кетганда мен енгдим, халтангни келтириб берганимдан сўнг яна енгилдим,—дебди қария,—ўғлим, сен қайси шаҳарлик-

сан?» «Мисрдан»,—дебди йигит. «Бағдодга келишининг сабаби нима?»—дебди қария. Йигит суратни қарияга кўрсатиб: «Эй амаки, мен Миср валийси Ҳосибнинг ўғлиман, бир китоб сотувчи ёнида шу суратни кўриб қолдим у ҳаловатимни йўқотдим. Китоб сотувчидан бу суратни ким ишлаган деб сўрасам, у Бағдоднинг Карх кўчасида яшовчи Абулқосим Сандалоний деган одам»,—деб тайин қилди. Мен бир оз нарса олиб, бир ўзим йўлга чиқдим. Менинг бу ишимни ҳеч ким билмайди. Мен у кишини кўришни, суратнинг чизиш сабабини, унинг кимлигини сўраш, у мендан нима талаб қилса, уни беришни истайман. Эй отахон, менга у кишининг уйини кўрсатишга ёрдам беришингизни илтимос қиламан»,—дебди йигит. «Худоё тавба, Абулқосим Сандалоний мен бўламан, эй ўғлим. Бу тасодиф қизиқ бўлди-ку! Қандай қилиб, сен менинг ўзимга рўпара бўлиб қола қолдинг?»—дебди у.

Йигит бу гапдан сўнг ўрнидан туриб, қариянинг қўлларини ўпибди-да: «Худо ҳақи, бу сурат кимнинг сурати, айтинг?»—дебди. «Бош устига»,—дебди қария. У ўрнидан туриб сандиғини очибди-да, бир тўда китоблар орасидан худди шунақа суратли китобни олибди.

«Билгил, эй ўғлим,—дебди қария йигитга,—бу сурат менинг амакимнинг қизидир, у Басрада туради. Унинг дадаси Абуллайс Басранинг ҳокими. Қизнинг исми шарифи Жамиладир. Ер юзида ундан кўркам қиз йўқдир. Лекин у эркакларни ёқтирмайди. У мажлисда эрлар ҳақида гап боришини асло ёқтирмайди. Бир вақтлари амаким уни менга никоҳлатиб бермасмикан деган умид билан уйига бориб, кўп тухфалар тақдим этдим. Лекин амаким рози бўлмади. Бу гавни қизи эшитгач, қаттиқ ғазабла-

нибди-да, менинг ҳақимда кўпгина таъналар айтибди. Ҳатто менга: «Агар ақлинг бўлса, бу шаҳарда туришни ўйлама, акс ҳолда, уволинг ўзингнинг гардинингга тушади»,— деб айтирибди. У қаҳри қаттиқларнинг учига чиққан бағри тошидир. Бу гапни эшитгач, дилим вайрон бўлиб Басрани ташлаб чиқдим-да, шу суратни китобга чизиб, бутун шаҳарларга тарқатдим. Бу сурат сенга ўхшаш бирор кўркам йигитнинг қўлига тушса-ю, йигит унга етишишга чора топса, зора қиз унга мойиллик билдирса, у вақт йигит узоқдан бўлса ҳам уни менга бир марта кўрсатса, армоним қолмас эди, деган умидда эдим».

Иброҳим ибн Ҳосиб қариянинг сўзини эшитгач, анча вақт бошини қуйи солиб ўйлаб қолибди. Абулқосим Сандалоний давом этибди: «Эй ўғлим, Бағдодда сендан кўркамроқ йигитни кўрмаганман. Агар сени кўрса, албатта севиб қолади, деб ўйлайман. Ишинг ўнгидан келиб унга етишсанг, узоқдан менга бир марта кўрсатишга ваъда қиласанми?» «Ҳа»,— дебди йигит. «Ундай бўлса, йўлга чиққунингча ёнимда бўла тур!»— дебди. «Туришга тоқат қилолмайман. Чунки, унинг севгиси дилимни ёндираётир»,— дебди Иброҳим. «Бир оз сабр қил, мен сенга уч кун ичида бир кема жиҳозлаб бераман. Унда сен Басрага борасан»,— дебди Сандалоний.

Йигит сабр қилишга рози бўлибди. Қария унга кема тайёрлаб берибди-да, турли озиқ-овқат солиб йигитга: «Энди йўлга отлан,— дебди,— йўлга керакли ҳамма нарса тахт. Кема ўзимники, кемачилар ҳам хизматчиларим. Саломат етиб олгунингча кемачилар хизматингда бўлишларини тайинладим».

Йигит ўрnidан туриб Сандалоний билан хайрлашибди. Ниҳоят Иброҳим Басрага етгач, кемачиларга юз динор чиқариб берибди. Лекин улар: «Биз хиз-

мат ҳақимизни хўжамиз Сандалонийдан олганмиз»,— дебдилар. «Бу менинг сизларга тухфам, олинглар, хўжангизга билдирмайман»,— дебди Иброҳим. Улар пулни олиб, Иброҳимни дуо қилибдилар.

Иброҳим Басрага кириб, савдогарлар турар жойини суриштирибди. Одамлар унга савдогарлар турадиган Ҳамдан саройини тайин қилибдилар. Иброҳим ўша ерга йўл олибди. Ҳуснига қарай бериб одамларнинг кўзлари толибди. Иброҳим бир кемачи билан саройга кириб: «Саройбон ким?»—деб сўрабди. Одамлар унга катта ёшли, савлатли бир одамни кўрсатибдилар. Иброҳим у кишига салом бериб: «Эй ҳурматли амаки, сизда бир яхши уй борми?»—дебди. Саройбон: «Ҳа»,—дебди-да, уларни тилла ҳал билан зийнатланган яхши бир уйга олиб кириб: «Мана, шу уй сенга мос, эй йигит»,—дебди. Йигит ёнидан икки динор чиқариб саройбонга: «Мана бу калит ҳақи, олинг!»—дебди. Саройбон пулни олиб, йигитни дуо қилибди. Йигит кемачини кемага қайтишга буюриб, ўзи уйга кирибди. Саройбон унга хизмат қила бошлабди. «Эй хўжам,—дебди у,—сизнинг шарофатингиз билан бизларда шодлик пайдо бўлди». Иброҳим: «Нон, гўшт, ширинлик, ичимликлар олиб келинг»,—деб унга бир динор берибди. Саройбон пулни олиб бозорга жўнабди-да, ўн дирҳам сарфлаб қайтибди. Қолган пулни қайтараётган экан, Иброҳим: «Ўзингизга ола қолинг»,—дебди. Саройбон бениҳоят шодланибди. Иброҳим у келтирган ноз-неъматлардан бир оз ебди-да: «Буларни болаларингизга олиб бориб беринг»,—дебди. Саройбон уларни болаларига элтиб: «Букун бизга бир йигит келди. Ер юзида ундан сахийроқ, ундан гўзалроқ одам йўқ бўлса керак. Агар у узоқроқ турса, биз учун бу катта бахтдир»,—дебди. Бир вақт саройбон Иброҳим ёнига кирса у йиғлаб

ўтирибди. Саройбон унинг оёқларини силаб: «Эй хў-
жам, нега йиглайсиз, худо мадад берсин»,— дебди.
«Эй амаки, мен сиз билан бу кеч ичимлик ичиш орзу-
сидаман»,— дебди Иброҳим унга. «Бош устига»,—
дебди саройбон. Иброҳим беш динор чиқариб бериб:
«Бунга ичимлик олинг»,— дебди-ю, яна беш динор
бериб: Бунга газак, хушбўй нарсалар ҳамда бешта
семиз товуқ олинг, сўнг менга бир чолғу келти-
ринг»,— дебди. Саройбон бозорга бориб, Иброҳим
буюрган нарсаларни олибди-да, хотинига: «Фалон
хил таом ҳозирла, бу шаробни сузиб тинит, лекин
ниҳоятда диққат билан иш тут. Бу йигит бизларга
яхшиликларни қалаштириб юборди»,— дебди. Хотин
саройбон айтганча алоҳида эътибор билан таом
ҳозирлабди. Саройбон таомларни олиб, шаҳзода
Иброҳим ёнига элтибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



**Тўққиз юз
аллик бешинчи
кеча**



й, саодатли шоҳ,— деб
давом этди Шаҳризод.—
Саройбон хотини тайёр-
лаган таом ва шароб-
ларни олиб, иззату икром билан
шаҳзода Иброҳим ёнига элтибди.
Улар еб-ичиб, бир оз гаплашиб
ўтиришгач, Иброҳим йиглаб, қу-
йидаги байтларни ўқибди:

Аё дўстим, қулоқ сол! Молу-мулким, хону монимни,
Халоватда ўтучи бахтиёр бу жисму жонимни —
Юракнинг амри бирлан, васллик бир дамга бергум бор,
Фироқли умрга бу боғу роғ, жаннат нечун даркор?..

Шеърни ўқиб бўлиши билан у қаттиқ «оҳ» дебди-ю,
беҳуш бўлиб чалқанча йиқилибди. Саройбон ҳам

оҳ урибди. Иброҳим ҳушига келгач, саройбон: «Эй хўжам, нега фарёд чекдинг. Бу шеърда сен орзу қилган севиклинг ким ўзи, у ким бўлишидан қатъи назар, сенинг қадаминг остидаги тупроқ бўлиши у учун шараф-ку!»— дебди.

Сўнг Иброҳим ўрнидан туриб, энг яхши аёллар кийими тугилган бир бўхчани олиб саройбонга: «Буни хотинингга элтиб бер!»— дебди. Саройбон тугунни олиб, хотинига элтиб берибди. Хотини миннатдорчилик билдириш учун саройбон билан бирга Иброҳим ёнига кирса, Иброҳим ҳамон йиғлаб ўтирар экан. «Сенинг йиғинг юрак-бағримизни эзиб юборди-ку. Айтчи, сени мафтун қилган гўзал ким ўзи?»— дебди. «Эй амаки,— дебди Иброҳим,— мен Миср ҳокими Ҳосибнинг ўғлиман. Дилим Абуллайс ҳокимнинг Жамила деган қизига боғланган». Бу сўзни саройбоннинг хотини эшитиб: «Эй ука, бу сўзни қўй, акс ҳолда, бу гап сени ҳам, бизни ҳам балога гирифтор қилади. Чунки ер юзида у қиздан тош юрак одам йўқ. Ҳеч ким унга эркак отини гапира олмайди. Чунки у эркакларга бутунлай рағбатсиздир»,—дебди.

Иброҳим бу сўзни эшитгач, қаттиқ йиғлабди, шунда саройбон туриб: «Менинг жонимдан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Майли, сен мақсадингга эришишинг учун жонимни аямай чора излайман»,— дебди.

Шу куни ўтиб, эртаси тонг отгач, саройбон хотини билан бирга келиб: «Эй хўжам, шу ерда бир букри тикувчи бор. У Жамиланинг тикувчисидир. Шунга бор-да, ўз дардингни айт. Зора мақсадингга эришиш йўлида бирор йўл кўрсата олса»,— дебди.

Иброҳим букри тикувчи дўконига йўл олибди. Дўконга кириб қараса, дўконда худди ой каби гўзал ўнта чўри бор эмиш. Иброҳим салом берибди. Улар саломга алик олибдилар-да, унга жой кўрсатиб ўт-

қазибдилар. Улар бу йигитнинг ҳуснига маҳлиё бўлиб саросимага туша бошлабдилар. Иброҳим чўнтагини атайлаб йиртиб қўйган экан. «Чўнтагимни тикиб беришингизни илтимос қилардим»,— дебди Иброҳим ёқимли овоз билан. Тикувчи ипак олиб, чўнтагини тикибди. Иброҳим унга беш динор узатиб, ўз йўлига қайтибди. Тикувчи хаёлга чўмибди: «Нима иш қилдимки, бу йигит менга беш динор берди». Тикувчи кечаси билан унинг сахийлиги, унинг ҳусни ҳақида мулоҳаза қилиб ётибди. Эртаси тонг отгач, Иброҳим букрининг дўконига бориб, унга салом берибди. У алик олиб, алоҳида ҳурмат кўрсатибди. «Эй амаки, чўнтагимни тикиб берсанг, яна йиртилди»,— дебди у чўнтагини кўрсатиб. «Бош устига, эй ўғлим»,— дебди-да, тикувчи тикиб берибди. Иброҳим унга яна ўн динор берибди. Пулни олган тикувчи йигитнинг чиройига, унинг олий ҳимматлилигига ҳайрон қолибди. «Эй йигит,— дебди тикувчи унга.— Бу ҳаракатинг, албатта бежиз эмас, бир сабаби бўлса керак. Гап чўнтак тиктиришдагина эмасга ўхшайди. Тўғриси айтивер. Агар бу қизлардан бирортасини севиб қолган бўлсанг, худо ҳақи, буларнинг ҳеч бири сендан кўркамроқ эмас, ҳаммаси хизматингга мунтазир. Агар бошқа биров бўлса уни айт!» «Эй амаки,— дебди Иброҳим,— менинг қиссам жуда қизиқ, лекин бу ерда айта олмайман». «Ундай бўлса, тур, бирор хилват жойга борамиз»,— дебди тикувчи.

Тикувчи ўрнидан турибди-да, Иброҳимни қўлидан ушлаб, дўкон ичкарасидаги бир уйга бошлаб кирибди.

«Қани энди мақсадингни айт!»— дебди тикувчи Иброҳимга. Иброҳим воқеани бошдан-оёқ сўзлабди. «Эй йигит,— дебди тикувчи,— ёш жонингга қасд қилма. Сен айтган қиз эркак зотини ёқтирмайдиган

бениҳоят тош юракдир. Бу борада оғиз оча кўрма, эй биродар, акс ҳолда, ўзингни ўзинг ҳалокатга йўлиқтирасан».

Бу сўзни эшитган Иброҳим тикувчининг барига осилганча: «Эй амаки, менга раҳм қил, тахту бахтимни, элу юртимни ташлаб, бегона ерларда ғариб бўлиб юрибман. Усиз туришга менда тоқат йўқ»,— дебди.

Тикувчи унинг ҳолига ачинибди-да: «Эй ўғлим, сўққа бошимдан бошқа менинг ҳеч кимим йўқ. Сен учун ўзимни қурбон қилишга ҳам розиман. Чунки сен дилимни ўзингга пайвандладинг, эртагача сенинг кўнглингни тинчитадиган бирор нарса ўйлаб топаман»,— дебди.

Иброҳим унга миннатдорлик билдириб, саройга қайтибди-да, саройбонга тикувчининг сўзларини айтиб берибди. «Сенга у жуда яхши йўл кўрсатибди»,— дебди саройбон.

Тонг отгач, Иброҳим энг яхши кийимларини кийибди. Динорлар солинган ҳамёнини ўзи билан олиб, букри ёнига келибди-да: «Эй амаки, энди ваъдани бажаринг»,— дебди. «Ҳозир бориб,— деб уқтирибди у,— учта семиз товуқ, уч калла қанд, иккита шароб тўлдирилган зийнатли идиш, битта қадаҳ ол. Эртага эрталабки намоздан сўнг бирор кемага ўтирда, кемачига: «Мени Басрага элтиб қўйишингни сўрайман», дегин. Кемачи: «Бир фарсахдан ортиқ юра олмайман»,— деса, «Ихтиёр ўзингда», дегилу, у бир фарсах юргач, пул билан қизиқтириб, йўлга сол. Басрага етганинда боғ кўринади. Ана шу боғ малика Жамиланинг боғидир. Боққа етгач, эшик томон юр. У ерда ипак матолар тўшалган баланд зинада менга ўхшаш бир букри киши ўтиради. Унга аҳволингни айтиб, кўмак сўра. Зора ҳолингга раҳми ке-

либ ёрдам берса-ю, узоқдан бўлса ҳам бир кўришга муваффақ бўлсанг. Бу иш тангрининг хоҳишига боғлиқ».

«Худодан мадад тилайман, лоҳовла валоқуввата илло биллоҳ»,— дебди-да, Иброҳим тикувчи ёнидан туриб, саройга кетибди. Тонг отгач, тикувчи буюрган нарсаларни олиб, Дажла дарёси қирғоғига келибди. Қараса, у ерда бир кемачи ухлаб ётган экан. Иброҳим уни уйғотиб, унга ўн динор бергач: «Мени Басра тагига элтиб қўй»,— дебди. «Эй хўжам, бир фарсахдан нарига ўтолмайман, агар ундан бир қарич нари ўтсам, иккимиз ҳам ўламиз»,— дебди кемачи. «Ихтиёр ўзингда»,— дебди Иброҳим. Кемачи суза бошлабди. Боққа яқинлашгач, кемачи Иброҳимга: «Эй ўғлим, мен шу ердан нари ўтолмайман. Агар ўтсам, сен ҳам, мен ҳам ҳалок бўламиз»,— дебди. Иброҳим унга яна ўн динор бериб: «Буни олинг, керак бўлиб қолар»,— дебди. Кемачи йўқ дейишга уялиб: «Таваккаали худо»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтчишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Иброҳим кемачига яна ўн динор бергач, у:

«Нима бўлса бўлар, таваккал»,— дебди-ю, суза кетибди. Боққа етгач, Иброҳим шодликдан қирғоққа кемадан сакраб тушибди. Кемачи шошганча орқага қайтибди. Иброҳим олға юриб, тикувчи таърифлагандек манзарани кўрибди. Боғнинг эшиги очиқ экан. Уйга кира беришда фил суюгидан ясалган ўриндик



*Тўққиз юз
эллик олтинчи
кеча*

бўлиб, унда нуроний бир букри киши ўтирар эди. У зарбоф тўн кийган бўлиб, кўлида тилла ҳал юритилган кумуш таёқ бор эди. Иброҳим чопганча унинг олдига бориб, тиз чўкиб кўлини ўпибди. «Сен кимсан? Қаердансан? Бу ерга сени ким келтирди, эй ўғлим?»— деб сўрабди у киши. Лекин Иброҳимнинг ҳусни у кишини ҳам ҳайратга солган эди.

«Эй амаки, мен ёш, нодон бир мусофирман»,— дея йиғлабди Иброҳим. У кишининг кўнгли юмшаб, курсига ўтқазиб, унинг кўз ёшларини артибди-да: «Умидсизланма, қарздор бўлсанг, худо қутқарар, бирор нарсадан қўрқаётган бўлсанг, худо кўмак берар»,— дебди. «Эй амаки,— дебди Иброҳим,— менда хавф ҳам йўқ, қарздор ҳам эмасман. Худонинг марҳаматига шукур, молу дунём беҳисоб». «Бўлмаса, нега бунча ташвишлисан, ранги рўйинг кетиб, афтода-хол бўлибсан?»— дебди у киши.

Иброҳим унга ўз саргузаштини сўзлаб берибди. Унинг сўзларини эшитган чол бошини қуйи солиб анча вақт жим қолгач, ниҳоят: «Букри тикувчи юборган йигит сенмисан?»— деб сўрабди. «Ҳа»,— дебди Иброҳим. «У киши менинг акам бўлади, азиз ва табаррук одам,— деб сўзида давом этибди чол,— эй ўғлим, агар муҳаббатинг дилимга тушиб қолмаганда раҳм қилмай, сени ҳам акамни ҳам, саройбонни ҳам, унинг хотинини ҳам ўлдирган бўлур эдим. Билгил, эй йигит, бу жой, ер юзида тенги йўқ бир боғдир. Буни «Инжубоғ» деб атайдилар. Бу боққа султон, мен ва унинг қизи Жамиладан бошқа ҳеч ким қадам босмаган. Мен бу боғда йигирма йилдан бери тураман, лекин бирор одам бу ерга кирганини билмайман. Ҳар қирқ кунда малика ўзининг жориялари билан атласларга ўранган ҳолда, кемада бу ерга келади. У кемадан тушиб, то боққа киргунча

Ўнта канизак олтин доира каби атрофини ўраб туради. Шунинг учун мен шу чоққача унинг афтини ҳам кўрмаганман. Мен жонимни сенинг хурсандлигинг йўлига тикаман».

Иброҳим у кишининг қўлини ўпибди. У киши бўлса: «Мен сенинг тўғрингда бир нарса ўйлаб топгунимча ёнимда ўтир»,— дебди-да, Иброҳимнинг қўлидан ушлаб боққа олиб кирибди. Иброҳим боғни кўргач, жаннат деб ўйлабди. У ердаги дарахтлар безак учун, махсус тўқилган матолар каби хушманзара, баланд хурмо дарахтлари ҳам жозибадор, тўлиб оқаётган сувлар, ажиб бир оҳангда сайраётган қушлар каби киши ақлини ўзига тортар эди. Букри Иброҳимнинг қўлидан ушлаб, қуббали хонага олиб кирибди-да: «Малика Жамила ўтирадиган жой шу»,— дебди. Бу ажойиб бинони кўриб Иброҳимнинг ақли ҳайрон қолибди. У ердаги тилла ва ложувардлардан ясалган турли суратлар кўзни сеҳрлар эди. Хонада беш зина билан чиқадиган тўртта эшик, уй ўртасида эса олтин зина билан тушадиган кўл бор эди. У зина қиммат баҳо тошлар билан зийнатланган эди. Кўл ўртасида тилладан ясалган фаввора ва унда катта, кичик турли шакллар, расмлар бор эди. Сув ана шу расмларнинг оғзидан отилиб чиқар, ҳамда тингловчига жаннатда эканини хотирлатувчи хилма-хил ёқимли овозлар чиқарар эди. Қубба ёнида тилла идишли чархпалак бўлиб, унга ипак ёпғич ёпилган эди. Чархпалакнинг чап томонида ўтлоққа очиладиган тилла дераза бор эди. Ўтлоқда кийик, қуён каби ҳайвонлар ўйнашиб чопишар эди. Унг томондаги дераза бошқа бир майдонга очилар эди. Бу майдондаги қушлар ўзига хос ёқимли овозлар билан сайраб, тингловчини ҳайратга солар эди. Бу овозларни эшитган йигит, қувончга тўлиб, маҳлиё

бўлганча, боғ эшигида ўтириб қолибди. Боғбон ҳам унинг ёнига ўтирар экан: «Боғим қалай, эй йигит?»— дебди. «Бу дунёдаги жаннат шу экан»,— дебди йигит. Боғбон қаёққадир кетиб, бир оздан сўнг келибди. Унинг қўлидаги лаганда пиширилган семиз товуқ ва бошқа лаззатли таомлар, шунингдек қанд-қурслар бор эди. У таомларни йигит олдига қўйиб: «Буларни тўйгунигча е!»— дебди.

«Керагича едим»,— дебди Иброҳим. Боғбон шодланибди: «Худо ҳақи, подшолар ва шаҳзодалар аҳволи шундай»,— дебди у. Сўнг: «Эй Иброҳим, бу халтадаги нарсалар нима?»— деб сўрабди. Иброҳим халтадаги нарсаларни унга очиб кўрсатибди. «Буларни ўзинг сақлаб тур, ҳали малика Жамила келганда керак бўлади». Чунки у келгач, мен сенинг ҳолингдан хабар ололмайман»,— дебди боғбон.

Сўнг боғбон унинг қўлидан ушлаб малика Жамиланинг қуббаси тўғрисиغا олиб келибди-да, айвончага ўхшаш бир жойга ўтқазиб: «Малика Жамила келганда сен шу ердан унга қарайсан. Аммо у сени кўрмайди. Қўлимдан келгани шудир. Худо мадад берсин. Малика ашула айтганда сен ҳам қўшил, Худо саломатлик берса, у кетгандан сўнг сен ҳам ўз йўлингга жўнайсан»,— дебди. Иброҳим боғбонга миннатдорлик билдириб, унинг қўлини ўпмоқчи бўлган экан, у қайтарибди. «Эй йигит,— дебди боғбон,— ҳозирча боғни томоша қилиб мевалардан е, малика эртага келади». Иброҳим боғда яйраб, мевалардан еб, бу тунни боғбон ҳузурда ўтқазибди. Эртаси тонг ёришгач, Иброҳим азон намозини ўқибди. Шу чоқ, бирдан унинг олдига ранги ўчган ҳолда боғбон келиб: «Эй Иброҳим, ўрнигдан тур, айвончага чиқ, жойга палослар солиш учун канизаклар келишди. Улар кетидан малика ҳам келади»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айташни тўхтади.



*Тўғқиз юз
эллик еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Боғбон боққа кириб: «Эй ўғлим, Иброҳим ибн

Ҳосиб, ўрнингдан туриб, айвончага чиқ. Қанизаклар палос тўшаш учун келишди. Булар кетидан малика ҳам келади, йўталиш, эснаш, аксиришларга эҳтиёт бўл, чунки билиб қолса, иккимизнинг ҳам бошимиз кетади»,— дебди. Иброҳим ўрnidан туриб, айвончага чиқибди. «Худо, илоҳим тинчликни ато қилсин, эй ўғлим»,— дея боғбон ўз ерига кетибди. Иброҳим айвончага чиқиб ўтирган экан, шу чоқ беқиёс кўркам бешта қанизак келиб қуббага кирибди-да, ечиниб, ҳамма ёқни артиб-суртиб, гулоб сепибдилар, анбар, уд каби хушбўй ўсимликлар тутатибдилар. Шоҳи кўрпачалар солибдилар. Сўнг элликта қанизак қўлларида ҳар хил чолғулар кўтарган ҳолда кириб келибди. Қизил ипак чодир тагида малика Жамила ҳам кириб келибди. Қанизаклар олтин ҳалқалар билан чодир этакларини ерга теккизмай кўтариб борар эдилар. Малика қанизаклари билан қуббага кирибди. Лекин Иброҳим ўзи у ёқда турсин, унинг кийимини ҳам кўролмабди. «Худо ҳақи, шунча ҳаракатлар бекор кетди. Лекин мен, албатта сабр қилишим керак, ишнинг охири нима бўлишини кутишим керак»,— деб ўйлабди Иброҳим. Қанизаклар егулик, ичкулик таом келтирибдилар. Улар еб, ичиб, сўнг қўлларини ювишибди. Қанизаклар маликага ўриндиқ келтирибдилар. Жамила курсига ўтириши

билан ҳамма канизаклар ўз чолгуларини чертиб, кишини сеҳрловчи ёқимли овозлари билан ашула айта бошлабдилар. Шу чоқ онабоши бир кампир ўртага чиқиб, чанак чалиб ўйинга тушибди. Канизаклар ҳам ўйинга тушиб, уни ўртадан чиқаришлари билан чодир кўтарилиб, Жамила чиқибди. У кулар эди. Ана шунда Иброҳимнинг кўзи унга тушиб қолибди. Унинг зийнатлари, кийимлари кўзини қамаштирар экан. Унинг бошида қиммат баҳо тошлар қадалиб зийнатланган тож, бўйнида забаржаддан ясалган шодалар, белида эса ёкут ва дурлар қадалган камар ялтирар эди. Канизаклар туриб, унинг қаршисида ер ўпибдилар. У ҳамон кулар эди. Уни кўргач Иброҳим ибн Ҳосибнинг юраги нақ ёрила ёзиб, ўзидан кетибди. Ақли шошиб, фикри чувалибди. Иброҳим унинг ҳусни жамолига ортиқ тоб бера олмай, ҳушсиз ерга йиқилибди. Бир вақт ҳушига келиб, шу икки байтни ўқибди:

Жамолигга боққанда, ҳеч бошқага боқмайман,
Ҳатто кўзим юммайман, ҳатто киприк қоқмайман.
Қамраб олғум ҳуснингга, вужудимни кўз қилиб,
Йўқса икки кўз билан тўёлмайман тикилиб...

Ишбоши кампир канизакларга: «Сизлардан ўн киши туриб ўйнасин, чолғу чалсин, ашула айтсин»,— дебди. Буни эшитгач, Иброҳим ўзича: «Малика Жамила ўйнашини истар эдим»,— дебди. Улар ўйнаб бўлгач, Жамила ёнига келиб, уни ўраб олибдилар: «Эй маликамиз, бизларнинг шодлигимиз тўлиб тошиши учун сени ўйнашингни истар эдик, чунки биз бугунгидек шодиёна бир кунни кўрмаганмиз»,— дейишибди канизаклар. «Шак-шубҳасиз осмон эшикларни очилиб, худо менинг илтижоларимни мустажоб қилди»,— деб ўйлабди Иброҳим. Канизаклар Жами-

ла оёғини ўпиб: «Худо ҳақи, эй маликамиз, сени бу-
гунгидай шодиёна кўрмаганмиз»,— деб, то у устки
кийимларини ечгунча тинимсиз илтижо қила бериб-
дилар. Малика ечиниб қиммат баҳо тошлар қадалган
зарбоф кўйлаги билан қолибди. Унинг кўкраклари
янор каби думалоқ эди. У тўлиг ойдек юзларини
очиб, ўйинга туша кетибди. У ўйинда ҳам кишини
ҳайратда қолдирарли ажойиб янги усуллар қўллар-
ди. Унинг ёзик ва жилвакор ҳаракатлари кишини
сархуш чайқалтирарди.

Дунёдаги бор таъриф севганимга андоза,
Ҳар бир софликдан софу, ҳар бир тозадан тоза.
Бадавнинг оқлиги дурга ўхшатиш шоир,
Ой билан ўртоқлиги нурга ўхшатиш шоир.

Бошқа бир шоирнинг мана бу шеъри ҳам жуда
мос:

Келишган қоматини мондадек эҳкамда раққоса,
Олиб қочди менинг фикру хаёлимни букув роса!
Қиларда рақс, аёғи йўргалаб, қўзғатди йўлдан чанг,
Йироқда мев қолиб, чанглар аёғини ўпар!.. Аттағи!..

Бирдан унинг кўзи Иброҳимга тушиб қолибди.
Уни кўриши билан қизнинг рангида аллақандай ўз-
гариш пайдо бўлибди-да, канизақларига: «Мев кел-
гунимча чалиб, куйлаб туришлар»,— дебди ва яши-
ринча пичоқ олиб йигит томон йўналибди. Иброҳим
қўрққанидан: «Лоҳовла валоқуввата илло биллоҳил
алиюлазим»,— дебди. Қиз яқинлашгач, Иброҳим бе-
ҳуш йиқилибди. Шунда қизнинг юзи унинг юзига туш-
гач, қўлидаги пичоқни яргитибди-ю, «дилларни ўз-
гартувчи тангрига шукурлар бўлсин»,— дея унга:
«Эй йигит, ўзингни тут, тинчлан, қўрқма»,— дебди.
Иброҳим эса ўзини йиғидан тўхтатолмас экан. Жа-
мила унинг кўз ёшларини қўли билан артиб: «Сўзла,
эй йигит, кимсан, сени бу ерга ким келтирди?»—

дебди. Иброҳим унинг қаршисида ер ўпиб, этагига ёпишиб олибди. «Ташвиш тортма, худо ҳақи, сендан бошқа бирор кишини эслаб кўзларим нигорон бўлмаган, айт-чи, сен ўзинг кимсан?»— дебди.

Иброҳим ибн Ҳосиб ўз кечирмаларини бошдан-оёқ сўзлаб берибди. Малика ҳайрон бўлиб: «Эй хўжам, худо ҳурмати, сен Иброҳим ибн Ҳосибмисан?»— дебди. «Ҳа»,— дебди у. Шундан сўнг Малика: «Эй хўжам, мени эркаклардан ҳуркитадиган қилган сенсан,— деб гап бошлабди,— чунки мен Мисрда бир ажойиб йигит бор, ер юзида унга тенг келадиган, кўркам киши йўқ. Унинг номи Иброҳим ибн Ҳосиб деб эшитдим. Бу таърифни эшитдим, сенга гойибона ошиқ бўлиб қолдим, ҳайратга солувчи кўркинг дилимга жойланди. Сенинг ҳақингда шоир тасвирлаган мана бу кайфиятни кечирдим:

Сени истаб қулогим, кўзларимдан илгари кетмиш.
Чунончи, муждалар аввал қулоқларга келиб етмиш...

Худога ҳамдлар бўлсинки, юзингни кўрдим. Агар сендан бошқа одам бўлганда боғбонни ҳам, саройбонни, тикувчини ҳам, уларга яқин бошқа кишиларни ҳам оёқ-қўлларидан михлатиб қўяр эдим, айтгандай,— деб давом этибди у,— канизаклар сезмасдан бирор нарса еб олсанг бўларди. Қандай чора топсам экан?» Иброҳим унга: «Егулик, ичкулик нарсаларнинг ҳаммаси ўзимда тайёр»,— дебди-да, унинг олдига-халтани очиб қўйибди. У товуқ гўштини олиб бир луқма ўзи ер, бир луқмани унга тутар экан. Иброҳим кўзларига ишонмай, «туш кўраётирманми» дер экан. Сўнг у қизга шароб тутибди. Ичишибди, канизаклар ҳамон чолғу чалиб, қўшиқ айтардилар. Шу алфоз бу ерда улар анча вақт қолиб кетишибди. Ниҳоят, малика ўрнидан турибди-да унга: «Тезда бо-

риб, кема ҳозирла ва фалон ерда мени кут, мен етиб келаман»,— дебди. Иброҳим: «Сендан айрилишга тоқатим йўқ, эй маликам, менинг ўз кемам, ёлланган кемачиларим ҳам бор. У бизни кутиб турибди»,— дебди. «Бу айни муддао»,— дебди-да, малика канизаклар ёнига йўл солибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
эллик саккизинчи
кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Малика Жамила канизаклар ёнига бориб: «Юринглар, саройга қайтамиз»,— дебди. «Эй маликамиз,— дебдилар канизаклар унга,—нега дарров қайтадиган бўлиб қолдик. Одатда биз бу ерда уч кун қўнар эдик-ку!» «Мазам қочиб турибди; бу ҳол яна оғирлашмаса деб қўрқаётирман»,— дебди малика. «Ундай бўлса амрингиз бош устига»,— дебдилар-да, канизаклар кийимларини кия бошлабдилар. Улар қирғоққа келиб, кемага ўтирибдилар. Шу чоқ боғбон Иброҳим ёнига келибди. У булар орасидаги воқеани сезмаган экан: «Эй Иброҳим,— дебди у,— малика дийдорини кўриш сенга насиб бўлмади. Одатда у бу ерда уч кун қўнар эди. Бу гал нима учундир бундай тез қайтди. Сени кўрган бўлмаса деб қўрқаман»,— дебди. «Йўқ отахон, биз бир-биримизни кўрмадик. У қуббадан ташқари чиқмади»,— дебди Иброҳим. «Тўғри айтасан, эй ўғлим, агар у сени кўрганда, бирортамиз ҳам соғ қолмас эдик. Энди сен навбатдаги келишигача менинг ёнимда қол, ўшанда зора кўриш насиб бўлса»,— дебди боғбон. «Эй отахон,— молла-

рымдан хавфсирайтман. Менинг йўқлигимдан фойдаланиб одамларим зарар бермаса деб қўрқаман»,— дебди Иброҳим. «Эй ўғлим, сендан айрилиш менга жуда оғир»,— дебди-да, боғбон уни қучиб ноқлож хайрлашибди. Иброҳим ўзи қўнган саройга йўл олибди. Саройбон Иброҳимнинг ишидан беҳабар эди. «Мақсадимга эришиш учун йўл топа олмадим. Энди юртимга қайтмоқчиман»,— дебди Иброҳим. Саройбон йиғлаб-сиқтаб ноилож у билан хайрлашибди, юқларини кемага чиқазмишга ёрдам берибди. Иброҳим эса малика кўрсатган жой томон йўл олиб, маликани кутиб турибди. Қош қорайгач, малика етиб келибди. Чўққи соқол, белида камар, у худди баҳодир кишилардек турар эди. Унинг бир қўлида камон ва ўқ, иккинчи қўлида эса яланғоч қилч бор эди. «Миср ҳокими ибн Ҳосибнинг ўғли Иброҳим сенми-сан?»— дебди у Иброҳимга бақириб. «Ҳа, мен»,— дебди Иброҳим. «Шоҳ қизини йўлдан урадиган ҳали сенмисан, муттаҳам, юр, ҳозир шоҳ олдига, жазангни торт»,— дебди малика. «Мен ҳушсиз, муккам билан ерга йиқилдим,— деб ҳикоя қилади Иброҳим.— Кемачилар қўрқувдан пичоқсиз бўғизланган эдилар. Малика ҳолимни кўргач, соқолини олиб, қиличини етиб юборди ва камарини ечди. Қарасам, у Жамиланинг ўзи экан, мен унга: «Худо ҳақи, сен дилимни жароҳатладдинг»,— дедим-да, кемачиларга қараб: «Ҳайданлар!» дедим. Улар елканни бўшатиб, кемани жадал ҳайдашди. Бир неча кун ўтгач, Бағдодга етдик. У ерда, дарё қирғоғида бир кема турган эди. У кеманинг кемачилари бизнинг кемачиларни кўргач: «Ҳой фалончилар, сизларни соғ-саломат етиб келишингиз билан қутлаймиз»,— деб бақирдилар-да, ўз кемаларини биз томонга сурдилар. Қарасак, у Абулқосим Сандалоний ўз одамлари билан турган

экан. У бизни кўриб: «Эй яхшилар, худо паноҳида бўлинглар, мен бир зарурат билан кетаётirman»,— деди. Унинг қўлида шам бор эди: у менга: «Худога шукур. Соғ экансизлар, қалай, мақсадинга эришдингми?»— деди. «Ҳа»,— дедим. У шамни яқин тутиб, Жамилани кўргач, ранги ўчиб, алланечук бўлибди-да, сир бермай: «Хайр сизларга, худо паноҳида соғ-саломат боринглар. Мен бир иш билан Басрага, султон ҳузурига кетаётirman. Лекин келганлар учун тухфа зарур»,— деди-да, бир қутича ҳолва келтириб берибди. Ҳолва деб бергани аслида наша экан. Мен маликага: «Эй кўзимнинг нури, бундан егил!»— дедим. Малика кулиб, менга: «Бу кишини биласанми?»— деди. «Ҳа, бу киши фалончи»,— дедим мен. «Бу киши,— деди малика,— амакимнинг ўғли. У бир вақт отамдан мени сўратган эди. Мен унга розк бўлмадим. Ҳозир у Басрага кетаётган бўлса, балки отамга бизнинг тўғримизда сир айтиб қўяр». «Эй маликам, у Басрага бормасдан олдин биз етиб борамиз»,— дедим мен унга. Малика билан Иброҳим ғойибда қандай сирлар борлигини билмасдилар, албатта.

«Мен ҳолвадан бир оз едим,— деб Иброҳим давом этди,— лекин ҳолва ҳали томоғимдан ўтмасданоқ, ағдарилиб тушдим. Тоғ отгач, аксирсам бурнимдан наша тушди. Қарасам, яланғоч, чалқанча бир вайронада ётибман. Юзимга уриб: «Бу Сандалонийнинг ҳийласи бўлса керак», деб ўйлардим. Иштондан бошқа ҳеч нарса йўқ. Қасққа боришимни билмас эдим. Уримдан туриб, бир оз юрдим. Қарасам, ҳоким бошлиқ таёқлар кўтариб, қилич тақинган бир қанча одамлар менга қараб келяптилар. Мен қўрқиб рўпарадаги бир хароба ҳаммомга яширинмоқчи бўлган эдим, бир нарсага қоқилиб кетдим. «Нима экан» деб ушлаб кўрдим. Қўлим қон-

га бўялди. Нима эканини билмай, қўлимни иштонимга суртдим-да, иккинчи марта қўл чўздим. У бир ўликнинг калласи экан. Чўчиб, отиб юбордим. «Лоҳовла валоқуввата илло биллоҳи алиюлазим» дедим-да, ҳаммом бурчакларининг бирига кириб биқиндим. Қарасам, ҳоким ҳаммом эшиги олдида туриб одамларга: «Мана шу ҳаммомга кириб қидиринглар»,— дея бўкиряпти. Қўлларига мой чироқ тутиб ўн киши ҳаммомга кирди. Мен қўрққанимдан девор орасига кириб, ўликка қарадим. Юзлари тўлган ойдек кўркам бир қиз, боши бир томонда, танаси бошқа томонда ётар эди. Унинг кийимлари қиммат баҳо эди. Уни кўриш билан менинг дилим ўйнаб кетди. Шу вақт ҳоким ҳаммомга кирди-да, бақириб: «Бурчакларини қидиринглар!»—деди. Улар мен томон юришди. Шу чоқ улардан бири мени кўриб қолди-да, қўлида ярим газ келадиган пичоқ билан менга тикилиб кела бошлади. Хайриятки, яқинлашгач: «Бу гўзал рухсорни яратувчи тангрига олқишлар бўлсин»,— деди-да, менга: «Эй йигит, бу қизни нега ўлдирдинг»,— деди. «Худо ҳақи, мен ўлдирганим йўқ. Ким ўлдирганини ҳам билмайман. Мен бу уйга сизлардан қўрқиб кириб қолдим»,— дедим ва унга ўз саргузаштимни гапириб, мен ўз йўлимда юрган гуноҳсиз киши эканлигимни айтдим. У менинг қўлимдан ушлаб, ҳокимнинг олдига олиб борди. Ҳоким қўлимдаги қон юқини қуриб: «Бунинг жиноятига ортиқ далил керак эмас, бўйинини узинглар!»— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Ҳикояга мафтун бўлган шоҳ Шаҳриёр: «Бу қиз ажиб бир доно экан. Худо ҳақи, ҳамма ҳикояларини роса эшитиб олмагунимча уни ўлдирмай турай»,— деб ўйлабди.



*Тўққиз юз
эллик тўққизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Иброҳим ибн Ҳосиб давом этиб деди: «У мени ҳоким олдига элтгач, ҳоким қўлимадаги қон юқини кўриб: «Бунга ҳеч қандай далил керак эмас, бўйнини узинглар!»— деди. Бу сўзни эшитиб, қаттиқ йиғладим. Кўз ёши қилиб, шу икки байтни ўқидим:

Асрларга аталган йироқ йўлдан мен келдим,
Шу бор экан тақдирда, ҳеч бошқа йўқ
иложим,
Ем бўлишга ажалга, шошдим, югурдим-
елдим,

Озод бўлишдан бошқа, йўқ унча эҳтиёжим.

Шундан сўнг ҳушсиз ҳолда бақириб, муккам билан ерга йиқилдим. Хайриятки, жаллоднинг менга раҳми келиб юмшади. «Худо ҳақи, бунинг башараси одам ўлдирганга ўхшамайди»,— деди у. Аммо ҳоким: «Бўйнини узинглар!»— деди. Улар мени қон бўйрага ўтқаздилар. Кўзларимни боғладилар. Жаллод қиличини қўлига олар экан, бўйнимни узгани ҳокимдан рухсат сўради. Мусофирлигим ва ғарибликдаги аҳволдан дод деб бақирдим. Шу чоқ бирдан бир тўда суворийлар яқин келиб: «Буни бўшатинглар, қўлингни торт, эй жаллод!»— деб хитоб қилишди.

Бунинг сабаби қизиқ ва ажойиб эди. Шундайки: Миср ҳокими Алҳосиб ўз вазирини халифа Ҳорун ар-Рашидга хат ва бир қанча тортиқлар билан жўнатган эди. Хатда ўглининг бир неча йилдан бери йўқолгани, сўнгги вақтларда уни Бағдодда эканини эшитганини айтиб, шоҳдан бу хабарни текширтириш, топилса болани вазир билан қўшиб юборишни илтимос қилган эди.

Халифа хатни ўқигач, ҳокимга суриштириб кўришни топширибди. Аммо, ҳали суриштиргунча бўлмай, Иброҳимнинг Басрада экани ҳақида хабар эшитилибди. Халифа бошқа хат ёзиб Миср вазирига бир қанча одамлар билан Басрага боришни топширибди. Вазирнинг халифа ўғлига муҳаббати алоҳида бўлгани учун ўша ондаёқ йўлга тушибди-ю кўп ўтмай, уни ҳоким ҳузурда қон бўйрасида кўрибди. Ҳоким вазирни кўргач, отдан тушиб уни қарши олибди. Вазир: «Бу йигит ним, бунинг аҳволи қандай?»— деб сўрабди. Унга бўлган воқеани айтиб беришган экан, вазир уларга: бу шоҳ ўғли — шаҳзода экани, у одам ўлдирадиган киши эмаслигини айтиб, «билмай келиб қолган»,— дебди-ю, уни бўшатишга буюрибди. Боғларини ечишибди. «Менинг ёнимга келтир?»— дебди у. Унинг ёнига элтибдилар. Оғир азоблардан Иброҳимнинг ранги кетган, ҳусни жамоли ўзгарган эди. Вазир унга: «Бу ўлдирилган қиз воқеасини айтиб бер, эй йигит»,— дебди. Иброҳим вазирга қараб уни танибди ва: «Ҳайф сенга! Ахир мен сенинг хўжангнинг ўғли Иброҳимман-ку, танимадингми? Билишимча, сен мени қидириб келган бўлсанг керак!»— дебди.

Вазир диққат билан унга қараб уни танигач, Иброҳим қошида тиз чўкибди. Бу аҳволни кўриб, ҳокимнинг ранги ўчиб кетибди. «Ҳайф сенга, эй золим!— дебди вазир ҳокимга.— Мақсадинг бизнинг улугимиз — Миср шоҳининг ўғлини ўлдириш эдими?» Ҳоким вазир этагига осилиб: «Эй хўжам, мен қайдан биладан. Биз келсак, бу йигит қизнинг мурдаси тепасида турар эди»,— деб ёлворибди у. «Ҳайф сенга,— дебди вазир унга,— шаҳзодаларни таний олишга тамизинг етмайдиган эй олчоқ, ахир, ўн бешга энди кирган, бу йигит чумчуқ ҳам сўймаган-ку, қандай қилиб одам ўлдиради? Сен ҳақиқат қилмоқчи бўлга-

нингда, бунга муҳлат берар эдинг, буниг аҳволини суриштирар эдинг, сен бу ишларни қилмадинг!»

Сўнг вазир билан ҳоким ўз одамларига: «Бу қизнинг қотилини топиб беринглар!»— дейишибди. Одамлар никкинчи марта ҳаммомга кириб текшира бошлабдилар-да, ниҳоят унинг қотилини топиб, ҳоким олдига олиб келибдилар. Ҳоким уни шоҳ маҳкамасига элтишни буюрибди. Бориб бўлган воқеани шоҳга айтиб берибдилар. Ҳорун ар-Рашид қотилни ўлдиршга буюриб, Иброҳимга илжайиб: «Қани, ўз саргузаштларингни сўзла!»— дебди. Иброҳим унга, ўз саргузаштларини бошдан-оёқ сўзлаб берибди. Буни эшитган шоҳ қиличдор Масрурни чақириб: «Ҳозир Абулқосим Сандалонийнинг уйига бостириб бор-да, уни қиз билан бирга менинг ёнимда ҳозир қил!»— дебди.

Масрур шу он йўлга тушиб, Сандалонийнинг уйига бостириб кирибди. Қараса, қиз ўз сочи билан боғланган ҳолда, ўлар ҳолда ётибди. Масрур уни ечиб, Сандалоний билан бирга халифа ҳузурига келтирибди. Халифа қизни кўриб, ҳуснига ҳайрон қолибди. «Бу қизни қийнаган Сандалонийнинг қўлларини кесиб, уни осинглар, унинг молу мулкини Иброҳимга топширинглар»,— дебди шоҳ ўз ходимларига. Улар буйруқни бажарибдилар. Шу онда қизнинг отаси Басра ҳокими Абуллайс кириб келиб: Миср ҳокими ибн Ҳосибнинг ўғли Иброҳим Абуллайснинг қизини олиб қочгани ҳақида шикоят қилибди. Шоҳ Абуллайсга унинг қизини, ўлимдан олиб қолишга Иброҳим сабаб бўлганини айтиб, чақиритиб буюрибди. Иброҳим келгач, шоҳ Абуллайсга: «Эй Абуллайс, Миср ҳокимининг ўғли шу йигитни ўзингга куёв қилиб олмайсанми?»— деб сўрабди. «Бош устига, эй амир ал-муъминин»,— дебди Абуллайс. Шоҳ қози ва гувоҳ-

ларни чақириб, қизни Иброҳимга никоҳ қилиш билан бирга Сандалонийнинг бутун молларини ҳам топширибди-да, уни ўз шаҳрига жўнатибди. Лаззатларни бўлиб, кишини кишидан айирувчи ўлим кўни келгунча Иброҳим ўз дилбари Жамила билан қувноқ ва бахтли ҳаёт кечирибди.

ХУРОСОНЛИК АБУЛҲАҶАН ҚИССАСИ



на ривоят қилишларича, эй саодатли шоҳ, Бағдодда Муътазид Биллоҳ деган олий қимматли бир шоҳ ўтган экан. Унинг отмишта вазири бор экан. Шоҳ одамлар ўртасидаги барча сир-синоатдан ҳар вақт хабардор бўлиб турар экан. Бир кун у ибн Ҳамдун билан бирга халқнинг аҳволи билан танишиш ва одамлар ўртасидаги янгиликларни билиш учун йўлга чиқибди. Туш вақти экан. Куннинг қизиғида лоҳас бўлиб, қашаматли бир иморат эшиги олдига ўтирибдилар. Уйдан ўн тўрт кунли ойдек кўркем иккита хизматчи чиқибди-да, бири иккинчисига: «Шу вақтгача ҳеч кимнинг дарағи бўлмади. Бирор меҳмон келса яхши эди. Ахир, хўжамиз меҳмонсиз таом емайдилар-ку»,— дебди. Халифа ҳайрон бўлиб: «Бу сўз уй эгасининг сахийлигидан далолат беради. Кириб, унинг олижаноблигини кўрайлик. Балки у тақдирлашга лойиқ кишидир»,— дебди-да, хизматчиларга қараб: «Хўжангдан, мусофирлар киришга рухсат сўраяпти дегин»,— дебди. Халқ аҳволини текширишга борадиган бўлса, шоҳ одатда савдогарларча кийиниб олар эди. Хизматчи ичкари кириб хўжасига айтган экан, у суюниб, меҳмонлар ҳузурига ўзи чиқибди. У ғоят кўркем ва ажиб бир келишган одам эди. У нишопур матосидан кўйлак ва зарбоф тўн кийган эди. У кишидан

ажиб бир хушбўй ҳид анқиб турар, бармоқларида ёқут кўзли узуклар ялтирар эди. Меҳмонларни кўриб: «Хуш келибсизлар, қадамларингизга ҳасанот»,— дея уйга бошлаб кирибди. Уй гоят зийнатли бўлиб, бами-соли жаннатнинг бир хонаси эди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
олтмишинчи кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— халифа ва унинг ҳамроҳлари уйга киргач, бамисоли жаннатнинг бир хонаси деб билибдилар. Бу ердаги ҳар хил дарахтлар кўзларни қамаштириб қўярди. Ҳамма ёққа хилма-хил нақшли палослар тўшалган эди. Улар ўтиришибдилар. Муътазид Биллоҳ ўтириб уй зийнати ва гиламларни кўздан кечира бошлабди.

«Қарасам,— деб сўз бошлади ибн Ҳамдун,— шоҳнинг ранги ўчган, юзидан ҳам марҳамат ҳамда қаҳру ғазаб сезилиб турарди. Мен бу аҳволни пайқаб, ўз-ўзимга: «Буни қара! Нега бу киши аччиғланияпти?»— дедим. Шу чоқ олтин дашшу келтирдилар. Қўлларимизни ювдик. Сўнг бежоглиқ бамбукдан ишланган хонтахта келтирдилар-да, таом устини очдилар. Қарасам, хилма-хил таомлар худди баҳор фаслида очилган ранг-баранг гуллардек хонтахта устида турибди. Сўнг уй эгаси: «Худо ҳақи, эй хўжаларим, менинг қорним очиб кетди. Қани, таомга марҳамат қилинглар!»— деб яна қўшиб қўйди: «Таомдан тортинмаслик яхши хулқлардандир»,— деди-да, жўжа гўштларини ўз қўли билан бўлиб, уларнинг олдларига қўя бошлади. У мулойим кулар, шеърлар

Ўқир, ҳар хил нақллар сўзлаб мажлис аҳлига монанд қизиқ гаплар айтарди.

«Биз ейишдик, ичишдик,— деб давом этди ибн Ҳамдун,— шундан кейин биз кишини ҳайратга соладиган бошқа бир уйга кирдик. Бу уйда аллақандай хушбўй ҳид кишига кайф берар эди. Бу ерда мезбонлар бизни янги узилган мевалар, иштаҳа очадиган ширинликлар билан меҳмон қилишди. Еб-ичиб шодландик. Аммо ҳали ҳам шоҳнинг чеҳраси очилмас, шунча иззат-ҳурмат ва ажойиботларни кўриб туриб ҳам пешонасининг тиришгани кетмас эди. Бу ҳол ўйин-кулгига ҳавасманд шоҳ хусусиятига мутлақо зид эди. Ундаги бу ғамгинлик, кўролмаслик ёки бировдан ғазабланиш аломати эмаслигини мен билар эдим. Мен: «Шоҳимиз нега хафалар, бунинг сабаби не бўлса экан?»— деб ўйлардим.

Сўнг, кишини маҳлиё қилувчи олтин, кумуш ва биллур қадаҳларда мусаффо ичимликлар келтирилди. Уй эгаси ҳужра эшигини бамбук таёқчаси билан тақиллатган эди, эшик очилиб, кўкраклари кўтарилган, худди офтоб каби кўркам уч канизак чиқиб келди. Кундуз соат тўртлар эди. Канизакларнинг бири удчи, иккинчиси чангчи, учинчиси ўйинчи эди. Газак учун бизга ҳар турли ҳўл ва қуруқ мевалар келтирилди. — дея давом этди ибн Ҳамдун,— кейин, биз билан канизаклар орасига олтин ҳалқали, ипак гажимли шойи парда тўсдилар. Халифа буларнинг ҳеч қайсисига қайрилиб қарамади ҳам, назарига илмади ҳам. Буни кўрган уй эгаси: «Бу ўзи ким экан?»— деб ҳайрон бўлди. Халифа ундан: «Сен аслзодаларданмисан?»— деб сўради. «Йўқ, мен халқ орасида хуросонлик Абулҳасанали ибн Аҳмадий деб танилган бир савдогар оиласиданман, холос»,— деди уй эгаси халифага. «Мени танидингми?»— деди халифа унга. «Худо

ҳақи, сиз жанобларнинг бирортангизни ҳам танимадим»,— деди уй эгаси. Шунда ибн Ҳамдун: «Бу киши амир ал-мўъминин Алмутаваккил Алаллоҳнинг набиралари амир ал-мўъминин Муътазид Биллоҳдирлар»,— деб халифани унга танитди. Уй эгаси дарров ўрнидан туриб, шоҳ қаршисида ер ўпди. У қўрқувдан титрар эди. «Эй амир ал-мўъминин,— деди у халифага,— менда бирор камчилик ёки андак одобсизлик содир бўлган бўлса, покиза ота-боболарингиз ҳурмати учун кечиришингизни сўрайман». «Бизга кўрсатган ҳурматинг етарли. Бундан ортиқ иззатнинг бўлиши мумкин эмас. Лекин мен бир нарсага ҳайронман. Агар тўғрисиини айтсанг, тасдиқлайман, қутуласан. Борди-ю алдасанг, у вақт ўзингдан кўр. Ҳеч ким кўрмаган энг олий жазога тортилсан»,— деди халифа. «Елгон сўзлашдан худо сақласин, эй амир ал-мўъминин, нимага ҳайронсиз?»— деди уй эгаси.

«Мен бу уйга кирганимдан бери унинг ҳашаматларига, ажойиб палос ва жиҳозларига, устингиздаги кийимларга қарайман, ҳаммасида менинг бобом Алмутаваккил Алаллоҳнинг исми шарифлари бор»,— деди халифа. «Тўғри,— деди Абулҳасан,— эй амир-ал мўъминин, худо сени ўз паноҳида сақласин, бу ички ва устки кийимлар сеники, сенинг қаршингда ҳеч кимга ёлгон гапириш мумкин эмас». Халифа ўтиришга буюрди, Абулҳасан ўтиргач: «Энди сўзла!»— деди халифа унга. «Эй амир ал-мўъминин,— деди Абулҳасан,— худо ўз карами билан давлатингни мустаҳкам қилсин, худо сенга мадакдор бўлсин. Бағдодда мендан ва отамдан давлатлироқ одам йўқ эди... Энди эй амир ал-мўъминин, қулоғингизни, фикру ёдингиз ва диққатингизни менга қаратинг, сизни шубҳага солган нарса тўғрисида сўзлаб берай». «Сўзла!»— деди халифа. Абулҳасан гап бошлади: «Билгил, эй амир ал-

мўъминин, менинг отам мўйчилар, баззозлар бозорида савдо-сотик қилар, ҳар бир бозорда унинг дўкони ва вакили бўлар эди. Дўконда молнинг ҳамма хилдан топилар эди. Дўконда эса мол айрибошлаш учун бир махсус жой қилиб қўйган эди. Ичкарида айрибошлаш, дўконда эса олди-сотди олиб борилар эди. Унинг мол-дунёси ҳаддан зиёд кўп, пулининг саноғи йўқ эди. Отамнинг мендан бошқа фарзанди йўқ эди. Онам мени бениҳоят севар ва жуда ғамхўрлик қилар эди. Паймонаси тўлиб, улар олдида отам мени чақирди-да, онамга яхши қараш ва худодан қўриқиб иш кўришга ундади. Сўнг кўп ўтмай, у оламдан ўтди.

Отамнинг вафотидан сўнг мен ўйин-кулгига берилдим, едим-ичдим. Ўзимга бир қанча ёру, биродарлар топиб олиб маишат қилдим. Онам мени бу йўлдан қайтарар, бу ишларим нотўғрилигини айтиб, мени койир эди. Мен унинг сўзларига қулоқ солмадим. Ниҳоят, ҳамма пулим тамом бўлди. Тасарруфимдаги молларни ҳам сотиб тугатдим. Мана шу турган уйимдан бошқа бирор нарсам қолмади. Бу уй, эй амир-ал мўъминин, данғиллаган уй эди. Мен онамга: «Уйни сотаман»,— дедим. «Эй ўғлим, сотма, ўйни сотсанг, турар жой тополмай шарманда бўласан»,— деди онам. «Бу уй беш минг динор туради. Унинг пулидан минг динорга бир жой оламан-да, қолган пул билан савдогарчилик қиламан»,— дедим мен. «Шу пулга ўйни менга сотасанми?»— деди онам. «Ҳа»,— дедим мен. Онам пастга очиладиган дераза олдига борди-да, уни очиб, ичидан бир чинни идишни олди. Унинг ичида беш минг динор бор эди. «Бу ўйнинг ҳамма ёғи олтинмикан?»— деб хаёл қилдим. «Эй ўғлим,— деди онам менга,— бу пуллар отамнинг дунёси деб ўйлама, худонинг бирлигига ишонсанг, бу пул менинг отамникидир». Бу пулни мен керак бўлганда ишлата

ман, деб сақлаб қўйган эдим. Отанг ҳаётлигида мен бойвучча эдим. Бу пулга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Пул керак бўлса, отанг берар эди.

«Эй, амир ал-мўъминин, мен онамдан пулни олдим-да, аввалгидай еб-ичиб, ошна-оғайнилар билан маишат қила бошладим. Онамининг сўзларига қулоқ солмадим ҳам, маслаҳатларини тингламадим ҳам. Ҳаш-паш дегунча беш минг динорни тамомлаб, яна онамга: «Ҳовлини сотаман»,— дедим. «Эй ўғлим,— деди онам,— ҳовлининг кераклигини айтиб, сени сотишдан қайтарган эдим. Нега яна ҳовли сотишни ўйлаётирсан». «Гапни чўзма, мен албатта уни сотишим керак»,— дедим мен онамга. «Бўлмаса,— деди онам,— ҳовлини ўн беш минг динорга менга сот. Лекин, шарт шуки, бундан сўнг сенинг ишларингни мен ўзим бошқараман».

Шу шартга рози бўлиб, ҳовлини онамга сотдим. Ишларимни онамининг ўзи идора қиладиган бўлди. Онам эса дадам даврида савдо ишларини олиб борган одамларни чақиртирди-да, уларнинг ҳар бирига минг динордан пул берди. Пулни ўзи тасарруф қилиб, олиш-бериш ишларида фақат у билан келишиш кераклигини таъкидлади. Олди-сотди қилиш учун онам пулнинг бир қисмини менга топширди ва отамнинг дўконида ўтиришни буюрди. Эй амир ал-мўъминин, мен унинг топширигига мувофиқ, иш олиб бора бошладим. Саррофлар бозоридаги дўконнинг ичида савдо қилардим. Дўстларим келиб мендан мол сўрар, мен уларга мол сотар эдим. Фойда яхши бўлиб турди. Пулим кўпайиб кетди. Онам мени шундай яхши ҳолда кўргач, сақлаб қўйган ҳар хил қиммат баҳо тошлар: дур, марварид, олтин, кумуш бойлиқларини менга кўрсатди. Утакетган исрофгарчилик билан йўқотган мол-дунём яна қайтиб келди. Пулим аввалги

миқдорга етди. Бир қанча вақт шу аҳволда кун кечирдим. Отамнинг ишончли гумашталари келишди. Мен уларга мол бердим. Бир кун одатдагича ана шу дўкон ичида ўтирган эдим, эй амир ал-мўъминин, бениҳоят чиройли, офатижон бир канизак менинг ёнимга кириб келиб: «Хуросонлик Абулҳасан Али ибн Аҳмадийнинг дўкони шуми?»—деб мендан сўради. «Ҳа»,—дедим мен. «Ўзи қани?»—деди у. «Менман»,—дедим унга. Аммо эй амир ал-мўъминин, унинг кўр-кига қараб ақлдан адашиб қолган эдим, канизак ёнимга ўтирди-да: «Хизматчингга айт, менга уч юз динар тортиб берсин»,—деди у. Мен хизматчига канизак сўраган динарни топширишни буюрдим. Хизматчи тортиб берди. Канизак динарни олиб, ўз йўлига кетди. Мен ақлимни йўқотиб қўйган эдим. Хизматчим менга: «Бу канизакни танийсанми?»—деди. «Худо ҳақи, таниймайман»,—дедим мен. «Ундай бўлса, нега менга динар тортиб беришни буюрдинг?»—деди у менга. «Худо ҳақи, мен унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб, нима дейишимки билолмай қолдим»,—дедим.

Хизматчи менга билдирмай, излаб кетибди. Бир оздан сўнг у йиғлаб қайтиб келди. Хизматчининг юзида калтак жароҳати бор эди. «Сенга нима бўлди?»—деб сўрадим ундан. «Канизак қаерга боришини билиш учун кетидан борган эдим, у буни сезгач орқага қайтди-да, мени ўласи қилиб урди, кўзим кўр бўлишига оз қолди»,—деб жавоб қилди у.

Бир ойгача уни кўрмадим, ҳеч олдимга келмади. Унинг ишқида мен ақлдан озган эдим, эй амир ал-мўъминин,—деб давом этди у,—ой охирлаб қолганда, олдимга келиб қолди. Келиб менга салом берди. Шодликдан учиб кетишимга оз қолди. У менинг аҳволимни суриштириб шундай деди: «Балки, сен бу алдоқчи канизак мени чалғитиб пулимни олиб кетди,

деб ўйлагандирсан?» «Худо ҳақи, эй маликам, менинг молим ҳам сизники, ўзим ҳам сизники. Наҳотки, мен шундай ўйласам»,— дедим. У юзини очиб, дам олгани ўтирди. Унинг юзу кўкраклариди зебу зийнат товлар эди. «Уч юз динор тортиб бер!»— деди у менга. «Бош устига»,— дедим мен. Сўнг ўзим унга уч юз динор тортиб бердим, у пулни олиб, ўз йўлига кетди. Хизматчига унинг кетидан боришни буюрдим. Хизматчи унинг кетидан борди-ю, билмадим, негадир эси кирали-чиқали бўлиб қайтди.

Яна бир қанча вақт ўтди, аммо ундан дарак бўлмади. Куллардан бир кун мен дўконда ўтирган эдим, кутилмаганда ўша париваш ёнимга кириб келди. У мен билан анчагина сўзлашиб ўтиргандан сўнг: «Менга беш юз динор жуда зарур бўлиб қолди, тортиб бер!»— деди. «Нега сенга қадеб пул бераверман?»— деб айтмоқчи бўлдим, лекин ҳусни жамолига эсим оғиб, сўзлашга тилим келмади. Мен сизга айтсам, эй амир ал-мўъминин, уни кўрдим дегунча бўғин-бўғинларим бўшашиб кетади-ю, баданимни титроқ босади. Рангим сарғайиб, эсимни йўқотаман-қўяман. Шоир айтган қуйидаги бир ҳолга тушаман:

Бир гўзалга дуч келсам, кўзни ерга тикаман,
Айтар сўзим йўқотиб, ҳовлиқиб, этикаман...

Сўнг мен унга беш юз динор тортиб бердим. Канизак пулни олиб, ўз йўлига кетди. Мен ўрнимдан турдим-да, марварид бозорига етгунча кетидан пойлаб бордим. Канизак бозорда яна бошқа бир кишига йўлиқиб, ундан бир шода марварид олди. Шу чоқ орқасига қараган эди, менга кўзи тушиб қолди. «Менга беш юз динор бер!»— деди у мени кўриши билан. Марварид эгаси мени кўриб, ўрнимдан турди-да, таъзим қилди. «Марваридни канизакка бериб

юбор, пулини мен тўлайман»,— дедим мен унга. «Бош устига, хўп бўлади»,— деди марваридфуруш. Канизак марваридни олиб, ўз йўлига кетди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
олтмиш биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Абулҳасан Хуросоний айтди: «Марваридни канизакка бериб юбор, пулини мен тўлайман»,— дедим. Канизак марваридни олиб, ўз йўлига кетди. Мен унинг кетидан Дажлагача кузатиб бордим. Ниҳоят, у бориб, кемага ўтирди. Мен қўлим билан ерга ишора қилдим. Бу билан мен сенинг ҳажрингда ер ўпаман демоқчи эдим. У кулди, қандайдир бир са-

ройга кириб, кўздан гойиб бўлгунча қараб турдим. Уйлаб қарасам, у ер халифа Алмутаваккилнинг саройи экан. Қайтдим. Эй амир ал-мўъминин, дунёдаги барча гам кўнглимга жойлангандай туюлди. Ҳисоблаб кўрсам, у мендан уч минг динор олибди. «Пулимни олди, ақлимни ўғирлади, унинг дардида жоним ҳам кетмаса яхши эди»,— дедиму уйга қайтиб, ҳамма сирни онамга бирма-бир гапириб бердим.

«Эй ўғлим, зинҳор унинг қўлига туша кўрма, сени ҳалок қилади»,— деди онам.

Мен дўконга боргач, атторликда савдо-сотик қиладиган гумаштам келди. У киши кекса одам эди. «Эй хўжам,— деди у менга,— кайфиятингиз ўзгаргандек кўринади. Нима бўлди, чехрангизда қандайдир қайғу аломати сезилаётир. Не ҳодиса рўй берди, менга айтинг?»

Мен унга канизак билан орамизда бўлган воқеаларни айтдим.

«Эй ўғлим,— деди гумаштам,— у аёл амир ал-мўъминининг сарой канизакларидан бири, халифанинг севиклисидир. Энди сен пулингни худо йўлига кетди, деб умидингни уз-да, ундан ўзингни торт. Бирор фалокатга йўлиқмаслик учун сергак бўл. Агар у келса, менга хабар қил, сени ҳалокатдан қутқариш учун бирор чора излашга ҳаракат қиламан».

У шундай деди-ю ўз йўлига кетди. Аммо менинг дилимга ўт тушди. Ой охирлагач, у яна менинг ёнимга келди. Мен бениҳоят севиндим. «Менинг кетимдан пойлаб боришга сени нима мажбур қилди?»— деди у. Мен: «Дилимда сенга бўлган муҳаббатим»,— дедим-да, йиғлай бошладим. Менга раҳми келиб, у ҳам йиғлади. «Худо ҳақи, сенинг кўнглингда мендаги севгининг учқуни ҳам йўқ. Лекин нима қилайки, сени ҳар ойда бир мартагина кўришдан бошқа чорам йўқ»,— деди. Шундан сўнг у менга бир хат узата туриб: «Бу хатни ол-да, фалончи дўкондорга элт, у менинг гумаштам, хатда ёзилган пулни ундан ол»,— деди. «Менга пул керак эмас, пулим ҳам, жоним ҳам сенга қурбон бўлсин»,— дедим мен унга. Шунда у: «Қийин бўлса-да, тезда менга етишининг учун бирор чора кўраман»,— деди.

У шундай деди-ю хайрлашиб жўнади. Мен ҳам туриб, ўзимнинг қария гумаштам ёнига бордим ва бўлган воқеани сўзладим.

Қария мени бошлаб малика кириб кетган халифа Мутаваккил саройига борди. Борди-ю, аммо, қандай ҳийла топишни билмай ҳайрон бўлиб қолди. У, у ёқ-бу ёққа аланглаб бир вақт деразалари дарё қирғоғига очиладиган тикувчи дўконини кўрди-да: «Ана шу сенинг мақсадинга етказди,— деди,— лекин ҳам-

ёнингги катта очишинг зарур. Дарров бориб, унга кийим буюр-да, тикиб бергач, ўн динар бер». «Бош устига»,— дедим мен шодланиб. Сўнг мен ўша тикувчи ёнига икки тўп рум шойисидан олиб бориб: «Бундан тўртта кийим бич, иккитасининг орқа этаги ёриқ бўлсин, иккитасиники тўғри бўлсин»,— дедим. Буюртмам бажарилгач, мен унга одатда одамлар берадигандан кўра анча ортиқроқ ҳақ тўладим. У менга ортиб қолган матони узатар экан: «Ўзинг ола қол, хизматчиларингга берарсан»,— дедим ва шу кун то кийим битгунча дўконда пойлаб ўтирдим. Ниҳоят кийим битгач, тикувчига: «Буни дўкон эшигига осиб қўй, бирор киши сотиб олар»,— дедим. Тикувчи шундай қилди. Саройдан чиққан кишилардан кимки бу кийимга қизиқса, мен унга ўшани тақдим қилдим. Ҳатто дарвозабонга ҳам шу кийимлардан бирини совға қилдим.

Қуллардан бир кун тикувчи мевга: «Эй ўғлим,— деди,— қиммат баҳо кийимлар тиктириб, текиндантекини ҳаммага бериб юбординг, ҳақиқатин айтишингни сўрар эдим. Савдогарлар бундай иш қилмайди. Улар ҳар бир танганинг сар ҳисобига боради, сенинг асосий сармоянг қанча-ю, ҳар йили қанча фойда толасан. Тўғри сўзлашингни илтимос қилар эдим. Мақсадингга етиш учун зора ёрдам беролсам. Эй ўғлим, мабодо бировга ошиқ эмасмисан?» «Ҳа, ошиқман»,— дедим мен. «Қимга?» деди у. «Халифа саройидаги канизаклардан бирига»,— дедим мен. «Худо урсин уларни,— деди тикувчи,— улар қачонгача одамларни йўлдан оздирар эканлар? Отини биласанми?» «Йўқ!»— дедим мен. «Бўлмаса, уни менга тасвирлаб бер-чи!»— деди тикувчи. Мен унинг қиёфасини тушунтириб бердим. «Афсус-афсус у халифа Алмутаваккилнинг чолғувчиси ва севиклиси. Лекин унинг бир қули бор. У билан танишишга ҳаракат қил,

зора у канизакка етишишингга ёрдам берса»,— деди тикувчи.

Биз у ҳақда сўзлашиб турганимизда, қулнинг ўзи халифа саройидан чиқиб қолди. У ҳам ўн тўрт кунли ойдек кўркам эди. Ёнимда тикувчи тикиб берган ҳар хил зарбоф тўнлар осиглиқ турар эди. Қул келиб, тўнларга тикила бошлади ва ниманидир ўйлаб, ёнимга келди. Мен ўрнимдан туриб унга салом бердим. «Сен кимсан?»— деди у менга. «Мен савдогарларданман»,— дедим. «Бу тўнларни сотасанми?»— деди у менга. «Ҳа»,— дедим, у тўнлардан бештасини айиргач: «Бу бешта тўннинг баҳоси қанча?»— деди. «Дўстлашганимиз ҳурмати учун бу тўн мендан сенга совга бўлсин»,— дедим мен. У суюниб олиб кетди. Мен уйга қайтдим ва қулга атаб яна дур, ёқутлар билан нақшланган уч минг динорлик бир тўн олдим-да, сарой томон жўнадим. У менинг бу туҳфамни ҳам олди ва сарой ичкарисидаги бир ҳужрага бошлаб кириб: «Савдогарлар орасида сени ким дейдилар?»— деб сўради. «Ҳеч қандай қозонган номим йўқ, уларнинг бириман, холос», дедим мен. «Сенинг хатти-ҳаракатинг мени шубҳага солди»,— деди қул астагина. «Нега?»— дедим мен унга. «Сен менга кўпгина туҳфалар бериб, кўнглимни ўзингга мойил қилдинг. Мен аминманки, сен хуросонлик Абулҳасан Сайрафийсан»,— деди у менга. Мен сизга айтсам, эй амир ал-мўминин, мен йиғлай бошладим. «Нега йиғлайсан?»— деди қул менга,— худо ҳақи, канизакнинг севгиси сеникидан ортиқроқ. Саройдаги ҳамма канизаклар орасида сен билан унинг ўртасидаги воқеа аллақачон маълум бўлган, хўш, мақсадинг нима?» «Менга ёрдам беришингни сўрайман»,— дедим. Эртага бирор чора кўришга ваъда қилди қул. Мен уйимга қайтиб, тонг отиши билан яна у томон бордим. Унинг ҳужрасига

кирган эдим, «Кеча,— деб сўз бошлади у,— кеча канизак халифа ёнларидан чиққач, мен сенинг аҳволингни унга батафсил сўзлаб бердим. У сен билан учрашишга жазм қилди. Кечгача шу ерда тура тур!»

Мен унинг ёнида кутиб ўтирдим. Қоронғи тушгач, қул зарҳал шоҳона кийим келтирди-да, менга кийгазиб, хушбўй нарсалар сепди. Мен худди халифаларга ўхшаб қолдим. Сўнг у мени етаклаб икки томони қатор уйлардан иборат жойга бошлаб борди-да: «Бу уйлар халифанинг махсус канизаклари турадиган уйлардир. Бу ердан ўтаётганигда ҳар бир эшик тагига бир донадан ловия қўйиб кет. Одатда шоҳ ҳар кеча шундай қилади»,— деди у менга.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
олтмиш иккинчи
кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— қул Абулҳасанга: «Ўтиб бораётганигда бу эшикларнинг ҳар бирига бир донадан ловия қўйиб кет,— дебди,— чунки шоҳ одатда ўнг қўлдаги иккинчи йўлга бурилгунча шундай қилади. У ерда мрамор эшикли уй бор. Сен у уйни қўлинг билан тимирскилаб кўр, хоҳласанг уларни санаб чиқ. Эшиклар сони фалончадир. Сўнг фалон эшикка кир. Сенинг севиқ-

линг ана шу уйда. У сени кўриши билан ўз оғушига олади. Энди у ердан чиқишинг тўғрисига келсак, зора худо менга бу ишни осон қилса, сандиққа солиб олиб чиқсам-да, бир амалларман». У шундай деди-ю, мени турган еримда қолдириб, ўзи қаёққадир кетди.

Мен қул айтгандек эшикларни санаб юра бошладим. У айтгандай ҳар қайси эшик оғзига бир донадан ловия қўйиб борардим. Йўлнинг ярмига етганимда қаттиқ шовқин-суронни эшитдим. У ерда шам нурлари порлар ва у нур мен томонга қараб келаётгандек эди. Эсим чиқиб кетди. Қарасам, бир тўда канизаклар халифа атрофида қўлларида шам тутиб туришган экан. Канизаклардан бири ёнидагига: «Нима бало, бизнинг халифамиз иккитами? Ахир, боя менинг уйим ёнидан хушбўй ҳидлар таратиб, ўз одатича эшик олдига ловия қўйиб ўтиб кетган эди-ку. Ҳозир яна халифанинг шам нурларини кўраётирман. Ана, қаранг ўзи келаётир»— деди. «Ҳақиқатда бу ажойиб ҳол»,— деди ҳамроҳи,— негаки, бошқа биров халифа қиёфасига кириб келишга албатта журъат қила олмайди». Нур менга тобора яқинлашар ва яқинлашган сари вужудимни титроқ босарди. Мен шу аҳволда турган эдим, тўсатдан, бир бичилган қул: «Канизаклар бу ёққа келинглар!»— деб бақирди. Канизаклар у кўрсатган уйларнинг бирига кирдилар. Шунда халифа: «Бу уй кимники?»— деб сўраганини мен аниқ эшитдим. Улар: «Бу уй Шажаратаддур уйидир»,— дедилар.

«Уни чақиринглар!»— деди халифа канизакларга. Канизаклар уни чақирдилар. Қиз бошқа бир хонадан чиқди-да, шоҳ оёқларини ўпди. «Бу кеч ичишга майлинг борми?»— деб сўради шоҳ. «Сенга қараш шарафига эга бўлмаганимда ичмас эдим, чунки бу кеч ичимлик танаввул қилишга рағбатсизман»,— деди қиз. Халифа бичилган қулга қараб: «Хазиначига айт, бу канизакка фалон маржонларни тақдим қилсин»,— деди.

Шоҳ ҳаммани унинг хонасига киришга буюрди. Шоҳнинг олдида кўплар шам тутиб турар эдилар. Шоҳ севиклим хонасига кирди. Шу чоқ бирдан жо-

риялар олдида турган бениҳоят кўркам бир канизакка кўзим тушди. Унинг чеҳрасида порлаб турган нур, қўллардаги шам ёғдусини хира қилар эди. У менга яқин келиб: «Бу ким?»— деб сўради-ю, кўлимдан ушлаб, уйларнинг бирига олиб кирди. Уйга киргач, у яна: «Кимсан?»— деб сўради. Мен унинг ҳурмати учун ер ўпиб: «Худо ҳурмати, сенга сиғинаман, эй маликам. Менга раҳм қилиб, бир қошиқ қонимдан кечишингни, бу ишинг билан худонинг раҳматига сазовор бўлишингни сўрайман»,— дедим.

«Ҳеч шубҳасиз, сен ўғрисан»,— деди у. «Йўқ, худо ҳақи, мен ўғри эмасман. Ахир менда бирор ўғрилик белгисини кўраётирсанми?»— дедим ва ўлимдан қўрқиб додлаб йиғладим. «Тўғрисини айт, ростини айтсанг, сени кечираман, омон қоласан»,— деди. «Мен эс-ҳушидан адашган ошиқман,— дедим,— севгим ва нодонлигим мени ана шу кўриб турганингдай, бу тузоққа илинтирди». «Мен қайтиб келгунимча шу ерда тур!»— деди-да, ўзи ташқари чиқди. Сўнг у бир канизакнинг кийимини келтириб, менга кийгизди. Сўнг: «Менинг кетимдан юр!»— дея уйдан чиқди. У ўз уйига етгач: «Шу ерга кир!»— деб буюрди, кирдим. У менга ўриндиқ кўрсатди. Ўриндиқда қават-қават атлас кўрпалар ёзиғлиқ эди. «Ўтир»,— деди у менга. Утирдим. «Сен халифа қиёфасидаги хуросонлик Абулҳасан эмасмисан? Қўрқмасдан, тўғрисини айта бер, сен учун хатар йўқ»,— деди. Мен: «Ҳа»,— дедим. У сўзида давом этди: «Агар сен ўғри бўлмай, ҳақиқатан Абулҳасан Сайрафий бўлсанг, худо сени сақлайди. Бўлмаса, шу онда ҳалок бўласан. Хусусан, сен халифа қиёфасига кириб, у каби хушбўй нарсалар сепгансан. Ростдан ҳам Абулҳасан Сайрафий бўлсанг, қилмишинг беҳатар, саломат қоласан. Чунки сен менинг синглим Шажаратаддурнинг севиқлисисан. У сени

ҳеч тилдан қўймайди. У бизга ҳар вақт сендан қанчадан-қанча пул олганини, сен унинг орқасидан дарё бўйигача келганини, унга ҳурмат юзасидан ерга ишорат қилганини эслаб сўзлагани сўзлаган. Унинг сенга бўлган муҳаббати сенинг унга бўлган севгингдан кучлироқдир. Сен бу ерга қандай қилиб келдинг, унинг буйруғи биланми ёки жонингдан кечиб келдингми? Унинг ёнига келишингдан мақсадинг нима?» «Худо ҳақи, унинг ёнига жонимдан кечиб келишимдан мақсад, фақат уни кўриш, унинг сўзларини эшитишдир»,— дедим мен. «Жуда яхши айтдинг»,— деди канизак. «Эй маликам, худо сўзларимга гувоҳдир. Дилимда унга нисбатан ҳеч қандай бузуқ ҳаёл йўқ»,— дедим мен. «Ана шу ниятинг туфайли худо менинг дилимга раҳм солиб, сени қутқарган,— деди ва жориясига:— Эй фалончи, Шажаратаддурга боргил-да, опанг сенга салом деди ва сени одатдагича бу кеч унинг ёнига боришингни тайинлади, унинг юраги сиқилиб турганмиш дегил»,— деб буюрди.

Уша ондаёқ Шажаратаддур ёнига жўнаган жория, шундай жавоб олиб қайтди: «Худо сизга узоқ умр берсин, сиз учун жоним фидо бўлсин. Агар бошқа вақт чақирганингизда тўхтовсиз борар эдим. Лекин бугун боришимга халифанинг бош оғриги тўсқинлик қилади. Халифа ёнидаги менинг аҳволим сизга маълум (бир минут силжий олмайман)». Бунини эшитган малика жорияга: «Унинг ёнига қайтиб бор-да, албатта, боришингиз керак экан, бир зарур махфий масала бор экан дегин»,— деди. Жория йўлга тушди. Бир оз ўтгач, Шажаратаддур жория билан бирга кириб келди. Унинг юзи ой каби ёғду сочар эди. Улар бир-бирларини қучиб сўрашдилар.

«Эй Абулҳасан, унинг ёнига келиб қўлларини ўп»,— деди. Мен уй ичкарисидаги ҳужрачада эдим,

униг ёнига чиқдим, эй амир ал-мўминин. У мени кўргач, менга отилди ва кўкрагига босиб: «Қандай қилиб халифа кийимларини кийиб, халифага хос хушбўй атирлар сепдинг, бўлган воқеани айт!»—деди. Мен унга бошимдан кечган бутун саргузаштларимни ипидан-игнасигача айтиб бердим. «Мени деб шунча машаққатлар чекибсан, лекин саломатлик билан мақсадга етказгани ва опамнинг уйига омон-эсон келтиргани учун худога шукурлар бўлсин»,—деди-да, мени ўз ҳужрасига олиб кирди. Шажаратаддур опасига: «Мен унга беибо яқинлашмасликка онд ичган эдим. У мени деб ўз жонидан кечиб, шунча хавф-хатарга дуч келибди. Энди мен юриши учун унга ер, кавушига эса нағал бўламан»,—деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
олтмиш учинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Шажаратаддур опасига: «Мен унга беибо яқинлашмасликка онд ичган эдим. У ўз жонини менинг йўлимда садқа қилиб, шунча қийинликлар кечирибди. Мен энди юриш учун унга ер, кавуши остидаги нағал бўламан»,—деди. Опаси унга: «Мана шундай пок нияти туфайли худо уни саломат сақлаган»,—деди. Шажаратаддур эса: «Энди у билан

қандай қилиб шаръий тартибда яқинлашийшимни кўрасизлар. Мен албатта унга жонимни тикишим керак»,—деди.

Биз шу хилда сўзлашиб турган эдик, бирдан қаттиқ шовқин-сурон кўтарилди. Қарасак, Шажаратад-

дурни жуда яхши кўрган халифанинг ўзи унинг уйи томон келаётган экан. Маликам қўлимдан ушлаб: «Эй жондан азизим, сени ертўлага яшираман-да, ўзим халифани қарши олишга чиқаман»,— деди. Халифа келгач, маликам унинг қаршисида хизмат қилишга тутинди ва жорияларига шароб келтиришни буюрди. Халифа Муътазид Биллоҳнинг отаси Банж деган жорияни севар эди. Халифани жорияга, жориянинг халифага муносабати узоқ эди. Жория ўзининг ҳуснига мағрур бўлиб халифага бош эгмас, халифа ҳам унинг ишқида ёнса ҳам, ўз салтанатига мағрур бўлиб, унга бўйин эгмас эди. Шу сабабли халифа бошқа жориялар билан ўзини юпатиб, ундан кўнгили узишга ҳаракат қиларди ва шу сабабли уларнинг уйига кирарди. Лекин Шажаратаддурга келганда, унинг соз чертиши билан ашуласини яхши кўрар эди. Халифа Шажаратаддурга ашула айтишни буюрди. Шажаратаддур удни қўлга олиб, торларини созлаб куйидаги байтларни ўқиб чертди:

Шум бу тақдир мунча ағёрлик этар,
Мунча нокаслик, кўзи торлик этар?
Ўртага ғовким, унинг ҳайрони мен,
Рашк этиб, тунларда бедорлик этар.
Севгини ташлашга даъватлар қилиб,
Ишқсизликка гирифторлик этар!..
Билмадим, тақдир қачон тинчир экан,
Тобакай мундоғ фусункорлик этар?..
Е қиёматга қўйиб ёр васлини,
Гўё, менга тарафдорлик этар.
Оҳ! Билмамким, халифам васлима
Қайси фурсатда харидорлик этар?..

Халифа куйни эшитиб ҳаддан ортиқ шодланди. Мен ҳам ертўлада у куйни эшитиб маза қилдим. Эй амир ал-мўъминин, шунчалар қувондимки, агар худо

марҳамат қилмаганда, додлаб юбориб нақ шарманда бўлар эдим.

Бу тугагач, Шажаратаддур яна қуйидаги байтларни ўқиб, ашула айтди:

Минг қучоғлай мен букун, эрта соғинмак бор яна,
Телмуруш шавқи қўзиб, бу дийдалар афгор яна.
Мен букун ўпсам неча, ул лаъл лаблардан тўйиб,
Кеча бўлгач бўлса олмоқлиққа кўнгул зор яна.
Қанча ўпмай, қанча кўксимга босиб, роҳатланай:
Бу кўнгул бечора тўймасдан, қилур изҳор яна.

Халифа ниҳоят севинди. Камоли хурсанд бўлганидан у: «Тила тилагингни, эй Шажаратаддур»,— деди. «Мени озод қилишингни сўрайман,— деди Шажаратаддур,— худо бу ишинг учун сенга осмон мукофотини ато қилсин, эй амир ал-мўъминин». Шу чоқ халифа: «Сен худо йўлига озодсан»,— деб юборди. Қиз унинг оёғи остида ер ўпди. Шунда халифа Шажаратаддурга: «Чолғуни ол-да, дилимни ўртаган ўша севиклимга муносиб бир нарса айт. Ахир, ҳамма менинг шодлигимни истаса, мен фақат унинг шодлигини истайман»,— деди. Қиз яна удни олиб, қуйидаги байтни ўқиб, черта кетди:

Чиройи, эс ила ҳушни қўшиб олиб кетди,
Бериб кўнгулни, хўдожўлигим қолиб кетди.
Бўйин эгиб сенга, кўнглинг олаймикин дейман,
Туриб улуғлигимда, ололмай қолаймикин дейман.

Халифа шодланиб қизга: «Чолғуни ол, ақлимни ўғирлаб, уйқумни ҳаром қилган уч канизак ҳақидаги аҳволимни изоҳловчи ғазални куйла. У сен ва анави канизакдир. Аммо, учинчисининг отини айтмайман. Унинг тенги йўқдир»,— деди.

Қиз чолғуни қўлига олиб, алоҳида куйга солди ва қуйидаги байтларни ўқиди:

Олди ақлимни, қилиб Мажнуну шайдо уч гўзал,
Бири Ширин, бири Лайло, бири Узро — уч гўзал.
Этди ишғол дилни, меҳри бирла ҳар уч нозанин,
Бири якка, бири ёлғиз, бири танҳо уч гўзал.
Бўлди мағлуб уч карашма бирла тахту салтанат,
Бузди дилни, ақлу ҳушни қилди яғмо уч гўзал.
Эгмасам бошим муҳаббатга, бу жондан йўқ умид,
Ишқи олий ҳукмини айлайди ижро уч гўзал.

Шеър унинг ҳолига тамоман мувофиқлигидан халифа ҳайратда қолди. Ва бу ҳайрат халифани ўзидан узоқлашиб юрган канизакка бўйин эгишга мажбур қилди. Халифа унинг уйига йўл олди. Канизаклардан бири олдинроқ бориб, халифанинг келаётгани тўғрисида хабар қилди. Бу хушxabарни эшитган канизак халифани қарши олишга чиқди ва бориб оёқларини ўпди. Улар бир-бирларига узр айтишди. Шоҳ воқеаси шу.

Энди Шажаратаддур воқеасига келсак, у менинг ёнимга суюниб келди-да: «Мен сенинг қутлуғ қадаминг билан озод бўлдим. Мақсадимга эришишда худо ёрдам берар, деган умиддаман. Сен билан пок турмуш қуриш мумкин бўлар»,—деди. «Худога шукур»,— дедим мен. Биз шу хилда сўзлашиб турган эдик, халифанинг бичилган қули кириб келди. Биз унга воқеани сўзлаб бердик. «Шунча ташвишли ҳолларнинг охирини ярлақанг худога шукур. Энди бу ердан соғ-саломат чиқиб кетишингларни худодан сўрайман»,— деди у.

Биз шундай сўзлашиб турган эдик, Шажаратаддурнинг опаси келиб қолди. (Унинг номи Фотир эди.) Шажаратаддур унга: «Эй опа, қандай қилиб бу йигитни қасрдан саломат олиб чиқиб кетаман. Худо

менга озодлик насиб қилди. Мен ҳозир бу кишининг қутлуғ пойқадами билан тамоман озод бўлдим»,— деди. «Бу йигитни саломат олиб чиқиб кетиш учун хотинлар кийимини кийинтиришдан бошқа чора йўқ»,— деди Фотир. Сўнг эй амир ал-мўъминин, у хотинлар кийимини келтириб менга кийгизди. Мен ўша ондаёқ йўлга чиқдим, саройнинг ўртасига етиб қарасам, рўпарада халифа ўтирибди. Унинг ёнида бичилган қуллар тик турар эди. Халифа мени кўриши билан қаттиқ шубҳага тушди-да, хизматчиларга: «Чиқиб кетаётган анави «канизакни» тезлик билан олдимга келтиринглар»,— деди. Мени халифа ёнига элиб, юзимдан пардани олдилар. Халифа мени кўргач, канизак либосидаги эркак эканлигимни билди ва сўроқ қила бошлади. Мен ундан ҳеч нарсани яширмай бўлган воқеанинг ҳаммасини айтдим. Менинг саргузаштимни эшитгач халифа ўйлаб қолди. Сўнг ўрнидан туриб Шажаратаддур уйига кирди-да, унга: «Нима жин уриб, сен, эй малика, менинг ўрнимга баъзи бир савдогар болаларини танлаб юрибсан?»— деди. Шажаратаддур ҳам халифа қаршисида ер ўпиб, бутун воқеанинг тўппа-тўгрисини бошдан-оёқ сўзлади. Унинг сўзини эшитгач, халифанинг раҳми келиб, кўнгли бўшашди. Севги бобида уни кечирди ва ўз йўлига кетди. Сўнг бичилган қул қиз уйига кирди-да: «Шодлан, эй малика,— деди,— сенинг севиклининг халифа олдига келтирилгач, халифа ундан ҳол сўради. У худди сен айтгандай сўзма-сўз жавоб берди»,— деди. Халифа қайтиб келиб мени уйга чақиртириб: «Сени халифа уйига киришга нима мажбур қилди?»— деб сўради. «Эй амир ал-мўъминин, аввало, менинг аҳмоқлигим, қолаверса, севги ва сизнинг афвингизга ишонч»,— дедим. Сўнг йиғлаб, халифа қаршисида ер ўпдим. «Сизларнинг ҳар иккингизни ҳам кечирдим»,—

деди-да, халифа ўтиришга буюрди. Мен ўтирдим. Халифа Аҳмад ибн Довуд деган қозини чақиртирди. Қози уни менга никоҳ қилди. Халифа уйдаги ҳамма нарсаларни ҳамда қизни менга топшириб, у турган уйга киргиздилар. Уч кундан сўнг эй амир ал-мўъминини, мана шу кўриб турилган ва севиқли хотинимга тегишли ҳамма нарсаларни уйимга кўчириб келдим, вассалом.


Кунлардан бир кун қайлиғим менга: «Билгил, эй тўрам, халифа Алмутаваккил жуда яхши одаму, лекин, у бизнинг тўғримизда ўйлаб қолмаса ёки турмушимизни кўролмайдиган бирор душман ўртамизга ораламаса деб қўрқаман. Бу хавфдан қутулиш учун бирор чора кўриб қўйсамми, деб ўйлайман»,— деди. **«Қандай чора?»**— дедим мен унга. **«Ҳажга боришга, совандаликни ташлашга ундан рухсат сўрасам, деб ўйлаётирман»**,— деди у. «Майли, ўйлаган фикринг яхши»,— дедим мен. Шу гапларни сўзлашиб турган эдик, бирдан халифанинг элчиси хотинимни таклиф қилиб келиб қолди. Чунки, халифа унинг куй ва чолгусини бениҳоят яхши кўрар эди. У халифа қошига бориб, вазифасини ўтади. Халифа: «Биздан узоқлашма!»— деб таъкидлабди. «Бош устига»,— дебди у. Одатдаги чақиригига мувофиқ, кунлардан бир кун қайлиғим унинг ҳузурига кетган эди. Кўп ўтмай кийимлари йиртилган, кўзлари ёш қайтиб келди. Мен қўрқиб кетдим. «Инно лиллоҳий ва инно илайҳи рожиъун, дедим-да, халифа бизни тутишга буюрибди», деб ўйладим. «Халифа Алмутаваккил биздан ғазабланганми?»— деб сўрадим. «Алмутаваккил, қани Алмутаваккил! Алмутаваккилнинг салтанати тугади, номи ўчди»,— деди хотиним. «Нима гап, воқеани тўла роқ айт!» дедим мен унга. «Алмутаваккил Алфатҳ ибн Ҳоқон ва Садақа ибн Садақа билан парда орқа-

сида ичиб ўтиришган экан. Унинг ўғли Алмунтасир бир тўда турклар билан унга ҳужум қилиб, ўлдирибди. Суюнч ва шодликлар қайғу-аламга, ҳаддан ортиқ айшу лаззатлар нола ва фарёдга айланибди. Мен жория билан бирга қочиб қолдим. Худо бизни қутқазди»,— деди.

Мен ўша онда ўрнимдан турдим, эй амир ал-мўъминин, Басрага йўл олдим. Сўнг менга Мунтасир билан Мустаин орасида жанг бошланганлиги тўғрисида хабар келди. Мен қўрқиб, хотиним ва бошқа ҳамма нарсаларимни Басрага кўчирдим. Мана менинг ҳикоям, эй амир ал-мўъминин, ҳаммаси бўлган гап. Бирор нарса қўшмадим ҳам, олмадим ҳам. Уйимдаги сиз кўриб турган ҳамма нарсаларда отангиз Алмутаваккилнинг номлари борлиги сабаби шудир. Булар бизга у кишининг ўзлари марҳамат қилиб берган нарсалардир. Бизнинг неъматимизнинг аслу асоси сизнинг энг улуғ карамли боболарингиздандир».

Халифа Абулҳасан ҳикоясига ҳайрон қолибди. Сўнг у халифа қаршисига хотини билан ундан бўлган болаларни олиб чиқибди. Улар шоҳ қошида ер ўпибдилар. Унинг кўркига ҳайрон қолган шоҳ, қоғоз, қалам сўратиб, уларнинг мулкидан йигирма йилгача хирож олмасликка ҳужжат ёзиб берибди. Халифа беҳад шод эди. Замон улар орасига жудолик солиб, қора ерга киритгунча шоҳ Абулҳасанни ўзига ҳамтовоқ ва ҳамроҳ қилиб олибди.





Қамаруззамон ва унинг маъшукаси

Яна ҳикоя қилишларича,—
Шаҳризод янги ҳикоя
бошлар экан шоҳдан: «Зе-
рикмадингизми?» — деб
сўрабди. «Йўқ!»— дебди у. «Эй
саодатли шоҳ,— деб бошлабди
Шаҳризод, қадим замонда Абду-
раҳмон номли бир савдогар ўт-
ган экан. Худо унга бир қиз ва
бир ўғил ато қилган экан. Қиз бе-
ниҳоят кўркам бўлганлиги учун
унга Кавкабу Сабоҳ (тонг юлду-

зи) деб от қўйган экан. Ўғил ҳам ҳуснда танҳо бўлгани учун отаси унга Қамаруззамон (замон офтоби) деб ном берган экан. Отаси болаларидаги худо берган ҳусн, қадду қоматни кўргач, ёмон кўзлардан, кўрол-мовчи суқ одамлар назлидан, ҳийлакорлар найрангидан, бузуқлар ҳийласидан қўрқиб, уларни ўн тўрт йилгача одамлардан яширин сақлабди. Уларни то шу ёшгача ота-оналари ва улар хизматидаги чўриларидан бошқа ҳеч ким кўрмабди. Уларнинг ота-оналари яхшигина саводхон экан. Онаси қизига, отаси эса ўғлига қуръон ўқишни ўргата бошлабдилар. Ҳар икки фарзандлари ҳам қуръонни ёд олибдилар. Улар хат-тотлик, риёзиёт ва бошқа илмларни ҳам, одоб, ахлоқни ҳам муаллимсиз ота-оналаридан ўрганибдилар. Ўғли балогатга етгач, онаси эрига: «Қачонгача Қамаруззамонни одамлардан қўриқлаб яширин сақлайсан. Ахир у ўғил болами?»— деб жеркибди. «Ўғил»,— дебди отаси. «Агар ўғил бўлса, нега дўконга олиб бориб олди-сотдини ўргатмайсан?»— дебди хотини.— Ахир у одамларни, одамлар уни танийди, сенинг ўғлинг экани ҳаммага маълум бўлади, оқ-қорани таниб, паст-баландни ўрганеди. Худо кўрсатмасину, бандаликни бажо келтиргудек бўлсанг, шундагина у сенинг мол-мулкингга эга бўла олади. Аммо, ҳозирги ҳолда сен ўлиб кетсанг, у одамларга: «Мен Абдураҳмон савдогарнинг ўғлиман деса», ҳеч ким тасдиқ қилмайди. Балки: «Биз сени кўрмаганмиз, марҳумнинг ўғли борлигини билмаймиз»,— дейдилар. Молларинг шоҳликка ўтказилиб, ўғлинг меросдан маҳрум бўлади. Шунга ўхшаш қизимизни ҳам одамларга танитиш керак, деб ўйлайман. Ўзига муносиб бир жой чиқса, тўй-томоша қилиб шодлансак». «Кўз тегишдан қўрқаман, ўзинг биласан-ку, кўз деган ёмон нарса, ойиси»,— дебди савдогар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
олтмиш тўртинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— савдогарнинг хотини эрига шу сўзларни айтгач, савдогар: «Кўз тегишидан қўрқаман. Кўз ёмон нарса, ёмон кўздан эҳтиёт қилган яхши. Кўриб турибсанки, фарзандларимиз гоят гўзал. Бундай фарзанд ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Ёмон кўздан сақлаш керак. Шу шеърларни ёзган шоир жуда яхши айтган»,— дебди.

**Мен сенга ўз кўзларимдан ранг этиб, кўп боқмадим.
Келмасин кўнглингда асло, асрадим кўздан сени.
Ору этдим висолниг, таъга мен ўт ёқмадим.
Келмасин кўнглингда асло, сақладим сўздан сени.**

«Худоба таваккал қил, худо хоҳласа ҳеч зарар етмайди. Бугунданок уни ўзинг билан бирга дўконга олиб бор»,— дебди-ю боланинг энг яхши кийимларини кийгизибди. Кийим кийгач, бола кишиларни васпасага солувчи, дилларни саросимада қолдирувчи бир тусга кирибди. Отаси уни бозорга олиб кетибди. Уни кўрган ҳар бир киши маҳлиё бўлар, олдига келиб кўлини ўпар, саломатлик тилаб уни дуо қилар эди. Отаси томоша қилиш учун ўглининг орқасидан эрганиб юрувчиларни койир эди. Баъзилар: кун фалон ердан чиқиб бозорни ёритаётир десалар, баъзилар: ойнинг чиқар жойи фалон ер дер эдилар. Баъзилар эса: «Худонинг бандаларига байрам ойи чиқибди»,— дер экан. Ҳеч ким боладан кўз узолмас, унга қараб соғлик, саломатлик тилаб дуо қилар экан.

Отаси бу ҳолдан қаттиқ хижолат тортибди-ю, лекин ҳеч кимни қайтара олмай, зўр бериб хотинини қойибди. Чунки боланинг кўчага олиб чиқишга у маслаҳат берган эди-да. Отаси ўғли билан дўкон томон борар экан, одамлар қуршовидан қутулолмабди. Ниҳоят, отаси дўконни очибди-да, ўғлини ёнига олиб атрофга қарабди. Қараса, йўл тўсилиб қолибди. Негаки, дўкон олдидан ўтаётган ҳар бир киши, уни кўриши билан маҳлиё бўлиб анграйганча дўкон олдида қолиб кетар эди. Эркагу аёл ҳамма тўпланар ва шоир каби шу шеърни тўхтовсиз ўқишар эди:

Кўриш учун, синаш учун чиройларни яратиб,
Бандаларни ишдан қўйиб, чиройлига қаратиб,
«—Эй бандалар ундан қўрқ!..» деб, қўрқитасан бизларни,
Кўрмайликми бизлар ахир, гўзал йигит-қизларни?..

Ҳамма тикила бергач, савдогар нима қилишни билмай қолибди. Шу орада бозорнинг ўнг томонидан бир дарвешсифат киши келиб қолибди. У савдогар ёнига етгач, шеър ўқий бошлабди. Унинг кўзларидан тишимсиз ёш оқар эди. У олмазор ўртасида ўсган мажнунтол новдаси каби эгилиб ўтирган Қамаруззамонни кўргач, кўз ёшлари селдай оқиб шу шеърларни ўқибди:

Шағал тошлар орасидан қад кўтариб бир қамиш,
Сувдаги ой акси каби доим қалқиб турармиш.
«Отинг вима?» деб сўраса, «отим Лу-лу!» депти у,
«Менга-менга!» деган экан, «чиққай ғулу!» депти у.

Сўнг дарвеш ўнг қўли билан оқ соқолини сийпаб виқор билан юра бошлабди. Одамлар унга ҳурмат юзасидан четланибдилар. Қамаруззамон анқайиб паришонҳол ўтирар эди. Қўйидаги шеър унинг аҳволига мос:

Мўйсафид чол унга яқин келди,
Шошмади йўлида, секин жилди,

Чаққасида ҳаёт изи маълум,
 Чоҳрасида шуури фазлу улум,
 Кўнглига ёшурун ҳамма сирлар,
 Фикрида неча-неча тадбирлар,
 Зоҳири марду танги, лобардир,
 Ботини барчага баробардир,
 Епишиб пўсти устиконига,
 Қасд этиб кексалик бу жонига,
 Жисмида йўқ мадори бу қарининг,
 Ҳам тугалмиш қарори бу қарининг,
 У, муҳаббатни чин ҳаёт билади,
 Ишқдан анча маълумот билади,
 Севади жони бирла саъятни,
 Яхши ҳурмат қилиб муҳаббатни,
 Ҳар хотин-қизни у улуғлайди,
 Ҳар қаерда уларни йўқлайди,
Завқ билан тебранур ҳамиша тани,
Завқу шавқли бўлиш ҳамиша фани,
Оқсоқол, бесоқол — ҳамма унга тенг,
 Айтадирган сўзи:— муродга етинг!..

Сўнг дарвеш Қамаруззамонга яқин келиб, унга садарайҳон тақдим этибди. Буни кўриб отаси чўнтагига қўл солибди-да, бир чангал дирҳам олиб: «Эй дарвеш, ма, насибангни ол-да, ўз йўлингга жўна!»— деб пул тутқазибди. Дарвеш дирҳамни олибди-ю, Қамаруззамон рўпарасидаги дўкон супасига ўтирибди. У Қамаруззамондан кўзини олмай йиғлар, оҳ урар экан, унинг кўз ёшлари тошқин булоқ суви каби оқибди. Баъзи одамлар дарвешга қараб: «Дарвешларнинг ҳаммаси ўтакетган бузуқи, бадахлоқдир»,— десалар, баъзилар: «Бу дарвеш дили бола севгисида ёнмоқда»,— деб таҳқир қилар эканлар. Юз берган бу аҳволдан таъсирланган ота ирғиб турибди-да: «Урнингдан тур, ўғлим, дўконни қулфлаб, уйимизга кетамиз. Букун бизга олди-сотди қилиш нолойиқ. Бизни шу аҳволга солган онангни худо урсин. Бунга у сабаб

бўлди»,— дебди. Сўнг отаси дарвешга қараб: «Урнингдан тур, дўконни қулфлаймиз»,— дебди. Дарвеш ўрнидан турибди. Савдогар дўконни қулфлаб, ўглини олиб йўлга тушибди. Дарвеш ҳам, одамлар ҳам то улар уйга етгунча эргашиб бораверибди. Шунда отаси унга: «Нима истайсан, эй дарвеш, нега йиғлаётирсан?»— дебди. «Эй хўжам, бу кеч меҳмонинг бўлишни истайман. Ахир, меҳмон улуғ тангрининг марҳамати дейдилар-ку»,— дебди дарвеш. «Ундай бўлса, эй тангри меҳмони, хуш келибсан, қани уйга кир»,— дебди савдогар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
олтмиш бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— дарвеш Қамаруззамоннинг отаси савдогарга: «Мен худонинг меҳмониман»,— деганда, у: «Худо меҳмонининг қадамларига ҳасанот, ичкари кир, эй дарвеш»,— дебди. Савдогар ўзича: «Агар бу дарвешнинг болам тўғри-сида бузуқ бир гарази маълум бўлса, албатта шу кеча уни ўлдираманда, ўлигини кўмиб ташлайман. Борди-ю бирор ёмон гарази маълум бўлмаса, насибасини еб кетар»,— деб ўйлабди. Сўнг у дарвеш билан Қамаруззамонни бир уйга киритиб, Қамаруззамонга секингина: «Эй ўғлим, мен ёнларингиздан чиқиб кетганимдан сўнг дарвешга яқин ўтир, унга ҳазиллашиб тегажаклик қил, мен деразадан кузатиб тураман, агар унинг бирор бузуқ ҳаракати маълум бўлса, дарров кириб уни ўлдираман»,— деб тайинлабди.

Бола билан дарвеш уйда холи қолгач, бола дарвешга яқин келиб суйкала бошлабди. Дарвеш болага термулганча оҳ уриб йиғлар эди. Кеч киргунча шу йўсин вақт ўтказибдилар. Овқат ея бошлашибди. Лекин шунда ҳам у кўзини боладан узмай, йиғидан тўхтамас эди. Тун оғиб, уйқу вақти етгач, боланинг отаси уйга кириб: «Эй ўғлим, дарвеш амакингга яхши хизмат қилишга тириш, унинг сўзларига қаршилик кўрсатма!»— дея уйдан чиқиб кетаётган эди, дарвеш унга: «Эй хўжам, болангни бу уйдан олиб чиқиб кет, ёки ўзинг ҳам бизлар билан шу уйда ёт»,— дебди.

«Йўқ,— дебди отаси,— ўғлим шу ерда, сенинг ёнингда ётиб, сенга хизмат қилади. Кўнглинг бирор нарса истаса ўғлим хоҳишингни сўзсиз бажаради». Сунг у уйни холи қолдириб ташқари чиқибди-да, деразалари у уйга қараган бир хонага кириб кузата бошлабди.

Энди бола воқеасига келсак, у дарвешга яқин ўтириб, унга тегажаклик қилар, дарвешга суйкалар ва ўзини унга таклиф қилар эди. Боланинг ҳаракатидан газабланган дарвеш унга қараб: «Бу нима қилганинг, эй ўғлим, мен лаънати шайтондан худо паноҳига қочаман. Эй худо, бу, сен рози бўлмаган, сен қайтарган ишдир. Мендан узоқлаш, эй бола»,— дебди-да, ўрнидан туриб, боладан четлашибди. Бола дарвеш кетидан бориб, унинг кўкрагига ўзини ташлаб: «Нега менга етишиш лаззатидан нафсингни тийяпсан, дилим сени севади»,— дебди. Дарвеш яна ҳам ортиқроқ газабланиб: «Агар сен мендан узоқлашмасанг, эй бола, мен отангни чақириб, хатти-ҳаракатларингни унга айтаман»,— дебди. «Отам менинг бу ҳолимни биледи,— дебди бола,— шунинг учун қаршилик қилиши мумкин эмас. Мени давола эй дарвеш! Негача ме-

нинг илтимосимни рад қиласан? Ахир ҳусним сени ҳайратга солмадими?» «Эй ўғлим, агар калламни қилич билан олсанг ҳам, бу ишга рози бўлмайман»,— дебди ва шоирнинг қуйидаги шеърини ўқибди:

Гўзалликни чиндан яхши кўрсам ҳам,
Бу сир тураб менинг кўнглимда маҳкам.
Қай вақт бўлсин, телмуришга тўймайман,
Аммо, ёмон мақсадга йўл қўймайман!..

Сўнг дарвеш йиғлаб, болага: «Тур-да, эшикни счиб бер, мен бу ерда ётмайман»,— дея оёққа турибди. Бола унга осилиб: «Наҳотки, шунча тиниқ юзларим, кўркам ёноқларим, майин аъзоларим, нозик лабларим сени мафтун қила олмаса»,— дебди-да, иштон боғини ечибди ва ҳар қандай сеҳргарни ҳайратга солувчи қараш билан дарвешга назар ташлабди. Бола бениҳоят кўркам ва нозик эди. Баъзи шоирларнинг қуйидаги шеъри унга айнан мос эди:

**Мен аёқ устига чиқмоқликни айлаб илтижо,
Юмшоғу оптоқ аёқларнинг букув қасдида мен:
Охира — маҳшар кунида ҳақ бериб менга жазо,
Оқ аёқлар тепса устимда, аёқ остида мен...**

Сўнг бола дарвешга ўзининг кўкракларини очиб кўрсатибди-да: «Кўкракларим қизлар кўкрагидан чиройли, оғзим суви ўсимлик қандидан ширинроқ. Тақводорлик, сўфиликни ташлаб, менга етишишни ғанимат бил, жамолимдан фойдалан. Ҳеч нарсадан кўрқма. Сен ҳар қандай хавфу хатардан тинчсан. Серандишаликни ташла. Уйчанлик зарарлидир»,— дебди.

Бола шундай гаплар билан ўзининг яширин кўрқларини кўрсата бошлабди. У зўр бериб дарвешнинг ақл жиловини қўлга олиш учун уринар эди. Дарвеш бўлса юзини тескари буриб: «Ё тавба, худодан уял,

эй бола, ахир бу иш ҳаромдир. Мен тушимда ҳам бундай қилишни истамайман»,— дер эди. Бола уни зўрлай бошлаган экан, дарвеш ўзини қутқазиб қиблага қараб намоз ўқишга киришибди. У икки ракаат намоз ўқиб бўлгунча сабр қилиб турган бола тамом бўлиши биланоқ яна унинг ёнига бораётган экан, дарвеш яна намоз бошлаб юборибди. У иккинчи марта икки ракаат намоз ўқибди. Шу йўсинда дарвеш учинчи, тўртинчи, бешинчи марта намоз ўқийверибди. «Бу қанақа намоз, сен булутларга учмоқчи бўлаётган бўлсанг керак. Намоз ўқиш билан бутун тунни барбод қилдинг»,— дебди бола дарвешга.

Сўнг у дарвешга осилиб, уни ўпа бошлабди. «Эй ўғлим, шайтонга ҳай бер, худога итоат қилиш вазифанг эканини тушун»,— дебди дарвеш. «Агар сен менинг истагимни бажармасанг,— дебди бола,— отамни чақириб, дарвеш мени зўрлайпти дейман, у сени мажақ-мажақ қилиб ташлайди»,— дебди.

Ота бу сўзларнинг ҳаммасини қулоғи билан эшитиб, кўзи билан кўриб турган эди. У дарвешда ҳеч қандай бузуқ мақсад йўқлигига ишониб: «Агар у бузуқ одам бўлганда шунча оғирликларга чидаб туролмаган бўлар эди»,— деб ўйлабди.

Дарвеш намоз ўқишга бошласа, бола унинг наомзини бузар, ҳамон чалғитишга уринар эди. Бениҳоят қаттиқ ғазабланган дарвеш уни койиб урибди. Бола йиғлабди. Отаси уйга кириб, ўғлининг кўз ёшларини артибди-да, дарвешга қараб: «Эй биродар, сен жуда пок одам экансан, болани кўрганда нега йиғладинг, бунинг сабаби борми?»— дебди. «Ҳа»,— дебди дарвеш. «Болани кўриб йиғлаганингдан кейин,— дебди у,— мен сендан шубҳаланиб, болага шундай ҳаракатлар қилиб сени синашни топширдим. Агар сендан бирор бузуқлик содир бўлса, кириб сени ўлдирмоқчи

эдим. Болага нисбатан тўғри иш тутганингни кўриб, тўғри одамлигингга ишондим. Энди сен, болани кўриб йиғлаганинг сабабини айтиб бер?»

Дарвеш оҳ урибди-да: «Эй хўжам, ярамни янгилама!»— дебди. Савдогар хитоб қилиб: «Албатта менга айтиб беришинг зарур!»— дебди.

«Билгил, эй хўжам, мен улуғ тангри яратган санъатлардан ибрат олиш учун турли шаҳарларда кезиб юрувчи дарвешман. Иттифоқо, жума куни кун чиққандан сўнг Басра шаҳрига кириб бордим».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



**Тўққиз юз
олтмиш олтинчи
кеча**



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— дарвеш савдогарга: «Мен юртма-юрт кезувчи бир дарвеш эдим. Иттифоқо, жума куни кун чиққандан сўнг Басра шаҳрига кириб келдим. Қарасам, дўконлар очиқ, ҳар хил молу турли таом ва ичимликлар турибди. Лекин бу дўконларда на эркак, на аёл, на ўгил ва на қиз — ҳеч ким, ҳеч қандай одам зоти йўқ эди. Бозорда ва атрофда на ит, на

мушук кўринмас, ҳатто тиқ этган товуш ҳам эшитилмасди. Мен бу ҳолга ҳайрон бўлиб, ўзимча: «Таажжуб, бу шаҳар одамлари-ю ҳатто кучук, мушукларигача қаёққа ғойиб бўлишибди, худо уларни нима кўйга солибди экан»,— дедим. Қорним жуда оч эди. Рўпарада очиқ турган нонвойхонага кириб, битта иссиқ нон олдим-да, ундан мой дўконига ўтиб, ёғ ва асал билан еб олдим. Ундан чиқиб, ичимликлар дўконига кирдим ва хоҳлаганимча қуйиб ичдим. Очиқ

турган қаҳвахонага кирсам, идиш тўла қаҳва қайнаб турган экан. Лекин бу ерда ҳам ҳеч ким йўқ эди. Истаганимча қаҳва ичдим. Ўз-ўзимга: «Бу жуда қизиқ-ку, ё бу шаҳар халқига қирғин келгану, уларнинг ҳаммаси яқиндагина қирлиб битган ёки улар бирор нарсадан чўчиб, дўконларини бекитишга ҳам улгурмай қочишган»,— дер эдим. Мен шуларни ўйлаб турганимда, бирдан ногора товуши эшитилиб қолди. Мен чўчиб, бир ерга биқиниб, тешикдан мўралаб ўтирдим. Қарасам, ойга ўхшаш канизаклар жуфт-жуфт бўлиб юзлари очиқ ўтиришипти. Улар қирқ жуфт, яъни саксонга эди. Канизаклар орасида отга минган бир қиз кўринди. Тақиб олган олтин, кумуш ва қиммат баҳо тошларининг кўплигидан у юролмас эди. У ҳам сачвонсиз, очиқ эди. Қўлларидаги билагузуқлар худди юлдузлар сингари атрофга ёғду сочар эди. Оёғидаги пойафзалига қадалган анови тошлар зийнати ҳадсиз эди. Уни канизаклар ва зумрад дандонли, олтин нақшли қилич тақинган жориялар ўраб олишганди.

Ана шу маҳлиқо мен турган томонга келгач, бирдан отининг жиловини тортди-да: «Эй қизлар, мана, бу дўкон ичидан қандайдир бир товуш эшитдим. Текшириб қараинг-чи! Бизни очиқ келаётганимизни кўриш учун бирортаси бекиниб турган бўлмасин тагин»,— деди.

Канизаклар қаҳвахона олдидаги мен турган дўконни тинтий бошладилар. Мен ниҳоят қўрқиб кетдим. Лекин, орадан кўп ўтмай канизаклар бошқа бир кишини ушлаб чиқдилар-да, қизга: «Эй маликамиз, биз у ердан мана бу кишини ушлаб келдик»,— дедилар. Малика қиличли жорияга қараб: «Бунинг калласини ол!»— деди. Жория ўша он бир зарба билан калласини учириб юборди. Бу ҳолни кўриб мен қат-

тиқ кўрқдим, лекин қиз севгиси менинг дилимни чулғаб олди. Улар ўтиб кетишгандан сўнг орадан бир оз ўтгач, бозорга одам оралай бошлади. Дўкондорлар бирин-кетин келиб, ўз дўконларини эгалладилар.

Ҳаш-паш дегунча бозорда одам ғувиллаб кетди. Улар калласи олинган мақтулни кўриш учун унинг атрофида уймалашар эдилар. Мен секингина пистирмадан чиқдим. Ҳайтовур ҳеч ким пайқамади. Аммо, қиз севгиси менинг дилимни ўртар эди. Яширинча унинг кимлигини суриштира бошладим. Лекин ҳеч кимдан қиз ҳақида бирор маълумот ололмадим. Сўнг Басрадан чиқиб кетдим. Аммо, дилим ҳамон қиз ишқида ёнар эди. Мен ўғлингни кўрганимда чеҳрасида у қизга хийла ўхшашлик сездим. Уни кўргач, севгим ўти баттар алангаланди.

Йиғлашимнинг сабаби шу».

У шундай деди-ю, аламли оҳ тортиб ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади ва: «Эй хўжам, азбаройи худо эшикни оч, мен ўз йўлимга кетай»,— дебди. Савдогар эшикни очибди. Дарвеш йўлга тушибди.

Энди Қамаруззамонга келсак, у дарвеш сўзини эшитгач, унинг ақлини ҳам ўша қиз севгиси ўраб олибди. Тун бўйи ишқ дардида ёниб чиққан бола тонг отгач, отасига: «Эй ота, ҳамма савдогар болалари ўз мақсадларига етиш учун турли юртларга сафар қиладилар,— дебди у,— улар орасида оталари сафар анжомини тайёрлаб, савдогарчиликка юбормаган бирор кишини топиш қийин. Эй ота, нега сиз мени сафарга жўнатмайсиз? Мен ҳам сафарга чиқай, ўз бахтимни синаб қарай-да, ахир!» «Эй болам,— дебди унинг отаси,— у савдогарларнинг мол-дунёси оз. Шунинг учун болаларини турли шаҳарларга фойда кўриш мақсадида юборадилар. Аммо, менинг мол-

дунём кўп, пулга эҳтиёжим йўқ. Шундай бўлгач, сени мусофир юртига юборишнинг не ҳожати бор. Сендан узоқлашишга бир соат ҳам тоқат қилолмайман. Хусусан сен, кўрқда, тарбияда тенги йўқ якка-ю ягонасан. Сени бир ёққа юборишга қўрқаман». «Эй ота,— деди Қамаруззамон,— сафарга чиқмасам бўлмайди. Акс ҳолда сизни алдаб, молсиз қочиб кетишга ҳам тайёрман. Агар сиз дилимни тинчитишни истасангиз, менга сафар анжомларини ҳозирлаб беринг, мен сафар қилиб, бошқа шаҳарларни кўрай».

Отаси, бола сафарга қаттиқ берилиб қолганини билгач, онасига: «Ўғлинг бошқа шаҳарларга бориб савдогарчилик қилгани мол тайёрлаб беришимни, молларни олиб сафарга боришни истаётир. Ҳолбуки, сафар иши оғир»,— дебди. «Сиздан нима кетяпти. Ҳамма савдогарлар ҳам шундай қилади. Улар бу иш билан фахрланадилар-ку»,— дебди хотини. «Кўпчилик савдогарларнинг давлати кам, шунинг учун давлат орттириш мақсадида улар шу ишни қиладилар, аммо менинг мол-дунём кўп, эҳтиёжим йўқ»,— дебди эри. «Мўл-кўлликнинг зарари йўқ,— дебди хотин эрига,— агар мол тайёрлаб беришга рози бўлмасанг, мен ўз бисотимдан мол тўплаб бераман». «Мусофирчиликнинг азоб-уқубатларидан қўрқаман»,— дебди эри. Хотини эса унга қарши чиқиб: «Мусофирчиликда фойда бўлгандан кейин, унинг қийинлиги билинмайди. Акс ҳолда ўғлимиз рухсатсиз кетади, сўнг уни излаб, элу юрт орасида гап-сўз бўламыш?»— дебди.

Ниҳоят, эри хотинининг фикрига рози бўлибди-да, сафар учун ўғлига тўқсон минг динорлик мол ҳозирлабди. Онаси ҳам ҳар бири беш юз динорга тенг анвои тошлар солинган халта берибди-да: «Эй, нуридийдам, бу тошларни эҳтиёт қил, булар сенга

ёрдам беради»,— дебди. Қамаруззамон бу нарсаларнинг ҳаммасини олиб, Басрага сафар қилибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
олтмиш еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Қамаруззамон ҳамма молларни олиб, Басра шаҳрига сафар қилибди. У қиммат баҳо тошларни белига тугиб олган эди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Басрага етиш учун бир қўнишликкина ер қолганда унга қўққисдан қароқчилар ҳужум қилибди, кийимларини шилиб, сафарга ҳамроҳ бўлганларнинг ҳаммасини ўлдирибди. Қамаруззамон эса ўлганлар орасига ётиб олибди. У юз-кўзларига қон суйкаб олган эди. Қароқчилар уни ҳам ўлган деб гумон қилиб, эътибор беришмабди. Улар кетгач, Қамаруззамон мурдалар орасидан туриб, у ёқ-бу ёққа қараса, белидаги қиммат баҳо тошлардан бошқа ҳеч нарса қолмабди. У йўлида давом этибди. Иттифоқо, Басрага жума куни кириб келибди. Шаҳар худди дарвеш айтгандек одамлардан холи эди. Қамаруззамон қараса, бозордаги дўконлар очиғу ичида ҳеч ким йўқ эмиш. Дўконлар ҳар хил молларга тўла эди. У хоҳлаганича еб, ичиб, атрофни томоша қилиб турган экан, бирдан ноғора товуши эшитилибди. Йигит бир дўконга яшириниб, тешикдан келаётган қизларни томоша қилибди. Шу чоқ у қизлар орасидаги от минган маликани кўрибди-ю, мафтун бўлиб қолибди. Севги уни шу қадар чулғаб олибдики, ҳатто ўрнидан туриб юришга ҳам мажоли келмай қолибди. Орадан бир оз

вақт ўтгач, одамлар пайдо бўлиб ҳаш-паш дегунча бозор одамга тўлиб кетибди.

Шунда Қамаруззамон бир гавҳарфуруш дўконига бориб, белидаги қирқта қиммат баҳо тошларидан бирини минг динорга сотибди-да, ҳаммомга тушиб кийимларини ўзгартирибди. Ҳаммомдан у ўн тўрт кечали ой каби порлаб чиқибди. Сўнг бориб тўртта тошни тўрт минг динорга сотибди-да, Басра атрофини сайр қила бошлабди. Ясаниб-тусаниб олган йигит, сартарош дўконига кириб сочини олдирибди. Сартарош ундан гап сўраган экан: «Эй ота,— деб гап бошлабди у,— мен бошқа ердан келган мусофирман. Бу шаҳарга кеча кириб келдим. Қарасам, шаҳарда на одаму, на жонивор бор, ҳамма ёқ жимжит, тиқ этган товуш эшитилмайди. Ҳайрон бўлиб турсам, бир тўда қизлар ўтиб қолишди. Улардан бири отга миниб олган эди».

Қамаруззамон шу тариқа ҳамма кўрганларини сартарошга сўзлаб берибди. «Эй ўғлим, бу гапларни мендан бошқа бировга ҳам айтдингми?»— дебди сартарош. «Йўқ»,— дебди Қамаруззамон. «Эй ўғлим,— дебди сартарош,— бу сўзни менга айтдинг, зинҳор бошқа бировга айта кўрма. Одамлар огзида гап ётмайди. Ёш бола экансан, сендан хавфланаётирман. Борди-ю, бу сўзинг огиздан-огизга ўтиб, улар қулогига етса, дарров сени ўлдирадилар. Билгил, эй ўғлим,— деб давом этибди у,— сен кўрган қизни сендан бошқа ҳеч ким кўрган эмас. Ҳеч ким уни танимайди ҳам. Басра халқи бу ҳасратдан ҳалок бўлмоқда. У ҳар жума куни кўчага чиқади. У чиққанда одамлар ҳатто кучук, мушукларигача бозордан қувиб пана ерга қўядилар-да, ўзлари масжидларга кириб олишиб, устларидан қулфлаб олишади. Бозорда юриш у ёқда турсин, ҳеч ким ҳатто дераза тирқиншидан ҳам

қараши мумкин эмас. Бу балонинг сабаби нималигини ҳеч ким билмайди. Бу кеч хотинимдан бунинг сабабини сўраб биламан. У доялик қилади. У катталар уйига кириб-чиқиб шаҳардаги воқеаларни эшитиб юради. Эртага келсанг, худо хоҳласа сенга айтиб бераман».

Қамаруззамон ҳамёнидан бир олтин чиқариб: «Эй ота, буни хотинингизга беринг, чунки у энди менинг онам бўлди»,— дебди. Шундан сўнг у яна бир олтинни олибди-да: «Бу ўзингизга»,— деб сартарошга узатибди. «Эй ўғлим,— дебди чол пулни олиб,— бўлмаса, сен шу ерда ўтира тур. Мен ҳозироқ бориб биламанда, келиб сенга айтаман».

Сартарош уни дўконда қолдириб, ўзи хотини ёнига борди-да, болани таърифлагач: «Эй хотин, бу шаҳар тўғрисида бор ҳақиқатни айтиб бер. Мен ўша саркарда йигитга маълум қилай. У, жума кунлари шаҳарга на одам, на ҳайвон қўйилмаслик сабабини билишга жуда қизиқаётир. Гумонимча, у кимгадир ошиқ бўлса керак. Аммо, ўзи жуда сахий одам. Агар бу ҳақда бирор маълумот берсак, бизга ҳам кўп фойда етиши муқаррар».

«Боргил-да, унга: бизникига марҳамат қилиб, онанг билан сўзлаш, у сенга салом айтди, ҳожатинг равон бўлади, деб тушунтир»,— дебди.

Сартарош бозорга келса, Қамаруззамон уни кутиб ўтирган эмиш. У йигитга ҳамма гапларни айтиб: «Қани юр, онангнинг олдига борамиз. У «ҳожати равон бўлади деб ишонтирди»,— дебди.

Сўнг йўлга тушиб, ҳаш-паш дегунча уйга кириб борибдилар. Сартарошнинг хотини Қамаруззамонни шодлик билан қарши олибди. «Марҳамат қилинг, қадрли йигит»,— деб ўтқазибди. Қамаруззамон ёнидан юз динор чиқариб унга узатар экан: «Эй она,

менга шу малика тўғрисида сўзлаб берсанг, у ким»,— дебди. «Эй ўғлим,— дебди сартарошнинг хотини,— билгил, Басра шоҳига Ҳинд шоҳи ажойиб бир қиммат баҳо тош тухфа қилган эди. Шоҳ у тошни тешдирмоқчи бўлиб, ҳамма заргарларни ўз қошига чорлади ва уларга: «Сизлардан мен мана шу тошни тешиб беришларингизни сўрайман, шуни тешган кишига тилаган тилагини бажаришга ваъда бераман. Лекин ким синдириб қўйса, калласини оламан»,— деди. Заргарлар қўрқиб шоҳга: «Эй улуғ шоҳ, бу тош мўрт нарсадир. Уни тешганда камдан-кам бутун чиқади. Қўпинча у синиб кетади. Қўлимиздан келмайдиган нарсани бизга юкламанг. Эҳтимол, буни ҳаммамиздан ҳунарманд устамиз шайх бажара олар»,— дедилар. «Шайхингиз ким?»— деди шоҳ уларга. «Уста Убайд,— дедилар,— у ҳаммамиздан бу ишда омилкор, етук одамдир. Унинг молу дунёси ҳам кўп, илми ҳам ўткир. Унга киши юбориб, келгач, тешишни буюринг».

Шоҳ унга одам юборди ва у келгач, тешишни буюриш билан бирга юқоридаги шартини ҳам тушунтирди. Уста Убайд тошни олиб, шоҳнинг кўнглидагидек қилиб тешди. Шунда шоҳ: «Тилагингни айт, эй уста!»— деди. «Эртагача муҳлат беринг, эй замона шоҳи»,— деди уста. Муҳлат сўрашга сабаб бу тўғрида у хотини билан кенгашмоқчи эди. Уша отга минган малика ана шу устанинг хотини эди. Уста уни ҳаддан ортиқ севар, ҳурматлар ва у билан кенгашмай бирор иш қилмас эди.

Уста Убайд хотини олдига келиб: «Эй хотин, мен шоҳнинг бир тошини тешиб берувдим,— деди,— у менга: «тилагингни айт», деди. Мен сен билан маслаҳатлашиш мақсадида эртагача муҳлат сўрадим. Сен нима дейсан. Сен нимаки истасанг, мен шоҳдан

шунни сўрайман»,— дебди. «Бизнинг мол-дунёмиз шунчалик кўпки,— деди хотин,— уни маймун ҳам емайди, демакки, бизга мол сўрашга эҳтиёж йўқ. Агар сиз мени севсангиз шоҳдан шунни сўранг: ҳар жума куни намоздан икки соат аввал, Басра халқи масжидларга кириб кетишлари ёки уйларида ўтиришлари, масжид ва уйларнинг эшиклари қулфлаб қўйилиши, кўча-кўйда ва катта-ю, на кичик, ҳеч ким қолмаслиги ҳақида жар солиниши, жарчининг бу хабарини эшитган ҳамон ҳамма дўкондорлар дўконларини очиқ қолдириб, масжид ёки уйларига яширинишини буюрсин. Бу вақтда мен ўз жорияларим билан шаҳарни сайр қилман. Лекин, ҳеч ким менга дераза, ҳатто тешиклардан қарамаслиги керак. Агар шундайларни кўриб қолсам, ўлдираман. Шоҳдан мана шунни сўранг». Заргар уста Убайд шоҳ қошига бориб шу хоҳишини айтибди. Шоҳ бу хоҳишни қабул қилиб, жарчига Басра халқлари орасида шундай жар солишни буюрибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
олтмиш саккизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— сартарош хотини Қамаруззамонга шундай дебди: «Шоҳ заргарнинг тилагини қабул қилиб, жарчи Басра халқи орасида жар солиб буйруқни эшиттирди. Одамлар: «Дўконни очиқ қолдиришга кучук, мушуклардан хавф қиламиз»,— дебдилар. Шоҳ, жума куни одамлар жума намозидан чиққунча кучук, мушукларни боғлаб қўйинглар, деб буюрибди. У хо-

тин ҳар жума, намоздан икки соат олдин Басра кўчаларида ўз жориялари билан сайр қилишни одат қилди. Бу вақтда ҳеч ким кўчада юролмайди. Ҳатто дераза ва тешиклардан ҳам қарай олмайди. Бунинг сабаби шу. Энди айт-чи, эй ўғлим, мақсаднинг бунинг сабабини билишми ёки у билан яқинлашишми»,— дебди сартарошнинг хотини Қамаруззамонга.

«Мақсадим, эй она,— дебди Қамаруззамон хотинга,— у билан яқинлашишдир». «Менга айт-чи, бўлмаса,—дебди хотин Қамаруззамонга,—сенинг қандай қиммат баҳо буюминг бор?» «Менда эй она, тўрт хил қиммат баҳо гавҳар бор. Бир хили беш юз динорлик, бир хили етти юз динорлик, учинчи бир хили саккиз юз динорлик, тўртинчи хили эса минг динорликдир». «Ўша жонон учун уларнинг ҳаммасидан кечишга розимисан?»— дебди сартарошнинг хотини Қамаруззамонга. «Розиман»,— дебди Қамаруззамон. «Ундай бўлса, эй ўғлим,— дебди сартарошнинг хотини Қамаруззамонга,— ўрнингдан тур, беш юз динорлик бир тошни ол-да, заргар шайх уста Убайднинг дўкони қаерда деб одамлардан суриштириб, унинг ёнига бор. У ўз дўконида яхши кийиниб ўтиради. Унинг ёнида халфалари ишлайди. Саломлашиб ёнига ўтир-да, тошни чиқариб: «Мана шу тошни олтин узукка ўтказиб беринг», де. «Лекин, катта бўлмасин, катталиги бир мисқол бўлсин, аммо уни жуда яхшилаб ишланг», дегину, унга йигирма динор чиқариб бер, халфаларининг ҳар бирига ҳам бир динордан бер. Сўнг унинг ёнида бир оз сўзлашиб ўтир. Агар бирор гадей келиб қолса, унга ҳам бир динор бер. Хуллас, заргар сени яхши кўриб қоларлик даражада сахийлик кўрсат. Эртаси эрталаб ёнингга юз динор солиб чиқ-да, сартарош

отанга бер, у жуда камбағал». «Хўп бўлади»,— дебди Қамаруззамон.

Қамаруззамон сартарошнинг хотини ёнидан чиқиб, тўппа-тўғри ўзи қўнган саройга борибди-да, қиммати беш юз динорлик тошдан биттасини олиб, гавҳар бозори томон йўл олибди. Одамлардан заргар устод шайх Убайд дўконини сўроқлабди. Одамлар унинг дўконини айтиб беришибди. У бориб қараса, шайх Убайд дўконда савлат тўкиб ўтирган экан. У ниҳоят яхши кийинган эмиш. Унинг қарамонигаги тўрт киши ҳам дўконда ишлаб турар эди. Қамаруззамон уларга салом берибди. Шайх саломга алик олибди-да, ҳурматлаб ўз ёнига ўтқазибди. Қамаруззамон ўтиргач, ёнидан тошни чиқариб: «Ҳурматли устод, мен сиздан мана шу тошни тилла узукка ўрнатиб беришингизни сўрайман. Лекин, узукнинг вазни бир мисқолдан ортиқ бўлмаслиги керак. Бутун санъатингизни сарфланг»,— дебди-да, ёнидан йигирма динор чиқариб устага: «Бу нақш ҳақи. Иш ҳақини мен алоҳида тўлайман»,— дебди. Хотин айтгандек у халфаларга ҳам бир динордан берибди. Халфалар ҳам, шайх ҳам уни яхши кўриб қолибдилар. Шайх ёнида ўтирган Қамаруззамон билан сўзлаша бошлабди. У ҳар бир келган гадойга бир динордан чиқариб берар эди. Дўкондагилар унинг сахийлигига ҳайрон қолишибди.

Убайднинг дўкондаги бор иш асбоблари уйда ҳам бор эди. Унинг одати, алоҳида нафис бир санъатли иш қилмоқчи бўлса, ўз санъатини бошқаларга кўрсатмаслик учун уни албатта уйда бажарар эди. Ана шундай кезларда хотини одатда ёнида ўтирар эди. Уйда қилинадиган иш, шоҳларга хос алоҳида санъатли иш бўлишини хотини яхши билар эди. Зўр ҳафсала ва тенги йўқ бир санъат билан ишлаётгани-

ни кўрган хотини эрдан: «Бу тошдан нима ясамоқчисан?»— деб сўрабди. «Тилла узукка қош ишлаётирман, бу тош беш юз динор турадиган энг қиммат баҳо тошдир»,— дебди эри. «Кимга?»— дебди хотини. «Бир кўркам савдогар йигитга,— дебди эри ва давом этиб,— унинг кўзлари сеҳргару, юзлари қипқизил нақш олмадай, унинг оғзи ҳазрати Сулаймон узуги каби кишини мафтун қилади, ёноқлари ҳақиқдай гўзал, лаблари қизил маржон каби жезибадор, бўйинлари кийикники каби суқлантирувчи, чеҳраси очиқ, ўзи нозик, ҳамда ёқимли ва бениҳоят сахийдир». Ахир у бундай қилди, ундай қилди дея хотинига унинг сахийлик ва закийликдаги камолоти тўғрисида сўзлаб кетди. Убайд Қамаруззамоннинг зеболиги, унинг нозиклиги ва барча ёқимли сифатларини таърифлар экан, хотини у йигитга тамом мафтун бўлиб қолибди. (Ахир, хотинига бировнинг кўрки, хулқи, сахийлигини мақтовчи эрдан ортиқроқ қўшмачи бўлиши мумкин эмас-ку.) Қамаруззамоннинг ишқи чулғаб олган хотин эрдан: «Менинг ҳуснининг бирор ери унда борми?»— деб сўрабди. «Сенинг ҳамма ҳуснинг унда мавжуд. Қиёфада ҳам, хулқу атворда ҳам у сенга тенгдир. Агар, сенга оғир туюлиш андишасига бормасам сендан минг марта кўркамроқ дер эдим»,— дебди эри. Хотин жим қолибди. Лекин унинг дили Қамаруззамон севгисида ёна бошлаган эди. Убайд то узук битгунча Қамаруззамон кўркини таърифлашни оғздан қўймабди. Узук битгач, уни хотини қўлига тақиб кўрибди. У худди унга мўлжаллангандай лойиқ эди. «Эй хўжам,— дебди шунда хотин эрига,— бу узукни жуда яхши кўриб қолдим, менга бўла қолсин, энди мен буни бармоғимдан чиқармайман».

«Сабр қил,— дебди шайх хотинига,— бу узукнинг

эгаси бениҳоят сахий одам. Мен ундан буни сотиб олишга ҳаракат қиламан. Агар сотса сенга келтириб бераман. Йўқса унда яна бошқа тош бўлса, уни сотиб оламану, сенга худди шунақа қилиб ясаб бераман».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
олтмиш тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— уста Убайд хотинига: «Сабр қил, узукнинг эгаси бениҳоят сахий одам. Мен ундан бу узукни сотиб олишга ҳаракат қиламан. Сотса сенга шуни олиб бераман. Агар сотмаса, ундан бошқа тош оламан-да, сенга ҳам худди шунақа узук ясаб бераман»,— дебди. Заргар ва унинг хотини воқеаси шу.

Энди Қамаруззамон воқеасига келсак, тонг отгач, қўлига юз динор олиб сартарошнинг хотини ёнига келибди-да: «Мана бу юз динорни олинг, эй она!»— дебди. «Отангга бер, болам»,— дебди кампир. Қамаруззамон сартарошга берибди. «Мен айтгандек қилдингми, эй ўғлим?»— деб сўрабди кампир. «Ҳа»,— дебди Қамаруззамон. «Бўлмаса,— дебди кампир унга,— сен ҳозир заргар Убайд ёнига бор, агар узук тайёр бўлса сен уни бош бармоғингга тақгилу, дарров: «Эй устод, адашибсиз, узук кичкина бўп қопти», дегил. Агар у сенга: «Эй ўғлим, буни бузиб қайта кенг қилиб ясаб бераман, бўлмаса»— деса, сен: «Эй устод, бузиб қайта яшашга ҳожат йўқ, буни ўзингиз ола қолинг, жорияларингиздан бирига берарсиз»,— дегин-да, ёнингдан етти юз динорлик

бошқа бир тош чиқариб: «Мана бундан ясаб беринг, бу ундан яхшироқ», деб унга бер. Шундан кейин унга ўттиз динор, халфаларнинг ҳар бирига икки динордан бер. «Бу динорлар нақшининг назри Иш ҳақини сўнг бераман», деб таъкидла. Эртага меннинг олдимга юз динор олиб кел, мен сенга яна бошқа зарур тадбирларни ўргатаман»,— дебди кампир.

Қамаруззамон кампирнинг ёнидан чиқиб, тўғри уста Убайд ёнига борибди-да, салом бериб сўрашибди. Заргар унга ўз ёнидан жой кўрсатибди. У ўтиргач: «Буюртмамни битирдингизми?»— деб сўрабди. Уста: «Ҳа»,—дебди-да, унга узукни чиқариб берибди. Қамаруззамон уни олиб бош бармоғига тақибди. Тақибди-ю, дарров қўлидан суғуриб олиб: «Эй уста, узук бармоғимга танг бўлиб қолибди»,—дебди. «Бўлмаса, бошқатдан ишлаб берай, эй савдогар»,—дебди у. «Йўқ,—дебди Қамаруззамон,—бу мендан сизга совга бўлсин. Бунни жорияларингизнинг бирига берарсиз. Бу овора бўлиб иккинчи марта ишлашга арзимайдиган, арзон нарса ниҳоят беш юз динорлик тош»,—дебди-да, ёнидан етти юз динорлик бошқа бир тош чиқариб: «Бунни ишлаб бера қолинг»,—дебди. Кампир ўргатганидек Қамаруззамон устага ўттиз динор, халфаларнинг ҳар бирига икки динордан берибди. «Эй хўжамиз, ҳозир қўя туринг, узук битгач, сўнг ҳисоблашамиз»,—дебди заргар. «Булар нақшининг назри, иш ҳақини алоҳида тўлайман».

Қамаруззамон шундай дебди-ю, хайрлашиб кетибди. Заргар ҳам, халфалар ҳам Қамаруззамоннинг шу қадар сахийлигига ҳайрон қолишибди. Шу кун заргар уйига бориб: «Эй фалончи,—дебди хотинига,—шу ёшга кириб бундай ҳимматли одамни кўрмаганман. Бахтинг бор экан. У узукни ўзинг ола қол, деб менга текинга берди». У бўлган воқеани сўз-

лар экан: «Гумонимча,— дебди у давом этиб,— бу савдогарлар авлодидан эмас, шоҳлар авлоди шаҳзодалардандир».

Эри йигитни мақтаган сари унга нисбатан хотиннинг муҳаббати ортар, ҳирси зиёдлашар эди. Хотин узукни қўлига тақиб олибди. Заргар Қамаруззамонга иккинчи узукни бир оз каттароқ қилиб ясай бошлабди ва битиргач, уни хотини қўлига аввалги узукнинг устидан тақиб кўрибди. «Эй хўжам, бармоғимга иккита узукнинг қандай ярашганини қаранг. Иккови ҳам менга бўла қолсин»,— дебди хотин эрига. «Сабр қил, буни ҳам сенга сотиб олиб бераман»,— дебди-да, тун ўтиб, тонг отгач, узукни олиб дўконига жўнабди.

Энди Қамаруззамонга келсак, у тонг отиши билан сартарош хотини — кампир ёнига келибди-да, унга икки юз динор берибди. Бу динорни олган кампир Қамаруззамонга гап ўргата бошлабди. «Устанинг ёнига бор,— дебди у,— узукни бериши билан сен бармоғингга тақгил-да, тезда чиқариб: «Узук анча кенг бўлиб қолибди, бармоғимни ўлчаб олсангиз бўлар экан. Шундай қилганингизда бундай бўлмас эди. «Майли, энди»,— дегин-да, ёнингдан саккиз юз динорлик бошқа бир тош чиқариб: «Бу узукни жорияларингизнинг бирига берарсиз, мана шу тошдан бошқа узук ясаб бера қолинг»,— дегил, сўнг унга қирқ, халфаларга уч динордан бер. «Бу нақшнинг назри, иш музди учун алоҳида тўлайман»,— дегил. Кейин устанинг сўзига қулоқ сол, у нима деркин. Унинг гапларини эшитганингдан сўнг уч юз динор келтириб отангга бер, турмушига яратсин, ахир, у бечораҳол одам.

«Бош устига»,— дебди Қамаруззамон. Сўнг у заргар дўкони томон йўл олибди. Саломлашиб, уста

уни ўз ёнига ўтқазибди-да, узукни берибди. Қамаруззамон узукни бармоғига тақди-ю, тезда чиқариб унга: «Асли бармогимни ўлчаб олсангиз бўлар экан. Узук анча катта бўлиб қолибди. Ўлчаб олганингизда бунақа бўлмас эди. Энди буни ўзингиз ола қолинг, жорийларингизнинг бирортасига берарсиз,— дебди-да, ёндан саккиз юз динорлик бошқа бир тош чиқариб,— буни олинг-да, ўз бармоғимга лойиқ бошқа узук ишлаб беринг»,— дебди. «Тўғри, сен ҳақсан»,— дебди заргар. Унинг бармоғини ўлчаб олибди. Қамаруззамон шайхга қирқ динор узатиб: «Бу нақшнинг назри. Иш муздини сўнг тўлайман»,— дебди. «Эй хўжам, узук учун сендан озмунча ҳақ олдикми, бизга берган эҳсонларинг кўпайиб кетди»,— дебди заргар. «Зарари йўқ»,— дебди Қамаруззамон. Сўнг у заргар билан бир оз сўзлашиб ўтирибди. У келган ҳар бир гадойга бир динордан бериб ўтирибди. Ниҳоят у хайрлашиб кетибди.

Энди заргарга келсак, у уйига қайтиб хотинга: «Бу йигитдан саховатлироқ одам йўқ,— дебди,— мен бундай ҳимматли кўркам, ширин сўз кишини кўрмаганман».

Заргар хотинига Қамаруззамоннинг кўркини, хотамлигини, ёқимлилигини мақтаб гапирар экан, хотини унга: «Эй эржон, таърифларингга қараганда, у жуда олижаноб, фазилатли йигит экан. У сенга иккита қиммат баҳо узук ҳадя қилган экан, сен ҳам уни ҳурматлашинг, уни уйга чақириб, зиёфат қилишинг, у билан дўстлашинг зарур. Сендаги ҳурмат ва яқинликни кўриб, уйимизга қадам ранжида қилса ажаб эмас. Ундан яна кўп яхшиликлар кўрармиз. Агар сен бунга рози бўлмасанг, ўзим зиёфат қиламан»,— дебди. «Бу нима деганинг, мени шунақа бахил деб ўйлайсанми?»— дебди эри аччиғланиб. «Бахил

эмассану, лекин расму қойдаларни билмайсан. Бу кеч уни уйга таклиф қил, ёлғиз келма, албатта, уни олиб кел»—дебди хотини. «Хўп»,—дебди заргар. Сўнг у узукни уч кун деганда битирибди-да, эрталаб дўконга йўл олибди.

Энди Қамаруззамонга келсак, у уч юз динор олиб, кампирнинг эрига элтиб берибди. «Эҳтимол, букун сени заргар уйига таклиф қилар,—дебди кампир унга,—агар таклиф қилса, бор-да, у ерда тунаб қол. Сўнг у ерда бўлган воқеани эртага эрта билан менга келиб айт. Тўрт юз динор ола келиб даданга бер». «Бош устига»,—дебди Қамаруззамон. У заргар томон йўл олибди. Заргар уни кўриши билан ўрнидан туриб, ҳурмат кўрсатибди. Унга саломатлик тилаб, яқин дўстларча суҳбатлашибди-да, узукни берибди. Узук бармоғига лоп-лойиқ келибди. «Саломат бўлинг, эй заргарлар устоди,—дебди у сўзда давом этиб,—узук-ку лойиқ, лекин тош кўнгилдагидек эмас».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод,—Қамаруззамон заргарга: «Узук-ку яхши, лекин то-

ши кўнглимдагидек эмас. Менда бундан яхшиси бор. Буни ўзингиз ола қолинг, жорияларингиздан бирига берарсиз»,—дебди-да, ёнидан бошқа бир тош чиқариб узатар экан: «Хафа бўлманг, сизни анча овора қилдим»,—деб юз динор берибди. «Эй савдогар йигит, биз қилган ишимизга яраша, балки ундан



*Тўққиз юз
етмишинчи кеча*

ортиқ ҳақ олдик,— дебди заргар,— менинг дилим сенга боғланиб қолди, сендан айрилиш мен учун мушкул. Худо ҳурмати, бу кеч бизникида меҳмон бўлишингни сўрайман.»... «Майли, лекин мен ўзим турган саройга бориб, хизматчимга бу кеч қайтмаслигини билдириб келишим керак, чунки удар ухламай, мени кутиб безовта бўлишлари мумкин»,— дебди Қамаруззамон. «Қайси саройда турасан?»— деб сўрабди заргар. «Фалон саройда»,— дебди Қамаруззамон. «Мен ўзим у ерга бориб олиб келаман»,— дебди заргар. «Майли»,— дебди Қамаруззамон. Заргар кун ботмасдан олдин у саройга борибди. Чунки у бир ўзи уйга боргани хотинидан қўрқар эди. Шундай қилиб у Қамаруззамонни уйига бошлаб келибди. Улар тенги йўқ зийнатли бир уйга кириб сўзлашиб ўтирибдилар. Хотин Қамаруззамонни кўриб мафтун бўлиб қолибди. Улар кун қорайгунча сўзлашиб, еб-ичиб ўтирибдилар. Сўнг қаҳва ва бошқа ичимликлар келтирилибди. Заргар хуфтонгача уни зериктирмай гаплашиб ўтирибди. Хуфтон намозидан сўнг, улар ёнига икки қадаҳ ичимлик билан бир жория кириб келибди. Ичишгач, уларни уйқу босиб, ухлаб қолибдилар. Шунда заргарнинг хотини уйга кириб, Қамаруззамоннинг юзига боқибди-ю, унинг ҳусни жамоли қаршисида ақлдан озибди. У: «Мени асир қилган кўркам йигитнинг ётишини қаранг»,— дебди-да, уни чалқанча ётқизиб кўкрагига минибди. Унинг севги ҳирслари тугён кўтарибди, ҳаш-паш дегунча йигит ёноқларида бўса излари пайдо бўлибди. Юзлари қизариб кетибди. У худди елимлангандай унинг лабларига лаб қўйиб, то лаблари қонаб кетгунча сўрибди. Шунда ҳам унинг на ўти сўнибди-ю ва на ҳирси қонибди. Тонг отгунча у ана шундай ўпиш, қучишдан ўзини тиёлмабди. Фа-

қат тонг отиб, қуёш нури таралгандан сўнггина у Қамаруззамон чўнтагига тўртта ошиқ солиб, чиқиб кетибди.

Сўнг у ўз жориясини қандайдир бир тамаки каби ҳидли нарса билан меҳмон ётган уйга чиқарибди. Жория кириб уни бурунларига искатган экан, улар акса уриб, ўзларига келибдилар. Шунда жория уларга: «Намоз фарзлигини албатта билсаларингиз керак, ҳурматли жаноблар, эрталабки намозга туринглар»,—дебди-да, обдаста ва тос келтирибди. «Эй устод, жуда қаттиқ ухлаб қолибмиз»,—дебди Қамаруззамон. «Ҳа, эй меҳмон, бу уйда ухлаш анча оғир, ҳар вақт бу уйда ётсам шу ҳолат юз беради»,—дебди заргар. «Тўғри айтасиз»,—дебди Қамаруззамон унга. Сўнг Қамаруззамон таҳорат қила бошлаган экан, сув теккан сари унинг юз ва лаблари ловиллаб ачишибди. Қамаруззамон таажжубланиб: «Агар, бу уйнинг ҳавоси оғир бўлиб, бизни ухлатиб қўйган бўлса, юзларим, лабларимнинг ачишиш боиси нима экан?»—деб ўйлабди-да, заргарга: «Эй бобо, юзларим, лабларим ачишаётир»,—дебди. «Гумонимча,—дебди заргар,—бунинг сабаби чивин чақиш, қурт сўришидан бўлса керак». «Таажжуб,—дебди Қамаруззамон,—бу уйда ётганда сизда ҳам шундай ҳол содир бўладими?» «Йўқ,—дебди у,—менинг соқолим бундан сақлайди. Бундай ҳол фақат соқолсизлардагина юз бериши мумкин». «Тўғри айтдингиз»,—дебди Қамаруззамон. Жория дастурхон ёзибди. Еб-ичиб, ташқарига чиқибдилар.

Қамаруззамон тўғри кампир ёнига борибди. Кампир уни кўриши билан: «Сенинг юзларингда бахт белгиларини кўраётирман, кўрганларингни айтиб бер!»—дебди. «Ҳеч нарса кўрганим йўқ,—деб гап бошлабди Қамаруззамон,—уй эгаси заргар билан

бир уйда овқатландик. Сўнг кечки намозни ўқидик, ниҳоят уйқуга кетдик. Шу ётганча тонг отгандагина уйғондик». Кампир кулиб: «Ундай бўлса, нега юз ва лабларинг қизариб кетган?»— дебди. «Уйдаги чивинлар чақибди», дебди Қамаруззамон. «Тўғри,— дебди кампир,— айт-чи, хўжайиннинг ўзида ҳам шу ҳол пайдо бўлдимми?» «Йўқ,— дебди йигит,— унинг айтишича: чивинлар соқолли одамларга зарар бермай, фақат соқолсизларни чақар эмиш. Ҳар вақт ҳам соқолсиз меҳмон келса, улар эрталаб шу аҳволдан шикоят қилар эмишлар, аммо соқоллик меҳмонларга ҳеч нима бўлмас эмиш». «Тўғри айтаётирсан,— дебди кампир,— бундан бошқа ҳеч нарса сезмадингми?» «Чўнтагимдан эрталаб тўртта ошиқ топдим»,— дебди Қамаруззамон. «Қани уларни менга кўрсат-чи!»— дебди кампир, Қамаруззамонга.

Қамаруззамон кампирга уларни берибди. Кампир олиб кулибди-да: «Буларни,— деб гап бошлабди кампир,— сенинг севиқнинг чўнтагингга солиб қўйган». «Нега?»— дебди Қамаруззамон. «У сенга турлича ишора қилган,— дебди кампир,— агар сен севганинга ухлаб қолмаган бўлар эдинг, ахир севганлар ухламайди. Сен ҳали ёшсан, сен ҳали ошиқ ўйнаб юришинг керак. Зеболарни севишни сенга ким қўйибди демоқчи. У тунда ёнингга келганда, сени ухлоқ ҳолда кўриб ҳайрон бўлган. Шунинг учун сени ўниб доғ қолдирган ва шу белгиларни чўнтагингга солиб кетган. Лекин бу билан у қапоатланмайди. У албатта эрини юбориб, сени букун ҳам меҳмонга чақиради. Энди борганинга ухлаб қолма. Эҳтиётдан беш юз динар ола кет. Сўнг келиб нима бўлганини менга айтасан. Мен сенга қолган чораларни гапириб бераман». Қамаруззамон: «Бош устига»,— дебди-да, ўз саройига жўнабди.

Энди заргарнинг хотинига келсак, у эридан: «Меҳмон кетдимиз?»— деб сўрабди. «Ҳа,— дебди эри,— лекин меҳмонни бу кеч чивин ташвишлантирди. Бечоранинг юз ва лабларини шилиб ташлабди, хижолат тортдим». «Уйимиз чивинларининг одатини қарангки, фақат соқолсизларнигина талайди. Энди келар кечага уни таклиф қил»,— дебди хотини. Эри Убайд Қамаруззамон турган саройга бориб, қўярдақўймай уни ўзи билан бирга олиб келибди. Улар ебичиб, кечки намозни ўқибдилар. Сўнг жория ичимлик келтириб, уларга бир қадаҳдан тутибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
етмиш биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— жория ичимлик келтириб, уларнинг ҳар бирига бир қадаҳдан тутқазибди. Улар ичбдилару яна ухлаб қолибдилар. Ошифта аёл уйга кириб, Қамаруззамон тепасига борибди ва ухлаб ётганини кўриб: «Эй ярамас, ошиқлик даъвосини қилиб, нега ухлаб ётибсан? Ошиқлар ухламайдиларку!»— дебди-да, унинг кўкрагига миниб, тонг отгунча уни ўпиб, тишлаб, лабларидан сўриб чиқибди. Сўнг Қамаруззамон чўнтагига пичоқ солиб кетибди. Тонг отгач, жориясини юборибди. Жория уларни уйготибди. Қамаруззамоннинг юзлари ўпиш ва сўришдан ўт каби ловиллар эди. Унинг лаблари маржондай қип-қизариб кетганди. Заргар унга: «Афтидан, чивин сенга озор берганга ўхшайди»,— дебди. «Иўқ!»—дебди Қамаруззамон. Йигит энди бунинг сирини билар эди. Шўнинг

учун шикоят қилишни нолойиқ топибди. Сўнг у чўнтагида пичоқ кўриб қолиб, сукутга чўмибди. Чойдан сўнг у заргар ёнидан чиқиб, сарой томон йўл олибди. Кейин ёнига беш юз динор солиб, кампир ёнига жўнабди. У кўрганларини кампирга ҳикоя қилар экан: «Мен тафлатда қолиб ухлаб қолибман. Эрталаб туриб ёнимда пичоқдан бошқа нарса кўрмадим»,— дебди. «Келгуси оқшом сени худонинг ўзи ҳимоя қилсин»,— дебди кампир,— бу пичоқ билан у: «Агар, яна ухлаб қолсанг, сўяман»,— деб ишора қилган. Улар сени бу кеча ҳам таклиф қилишади. Агар ухлаб қолсанг, у сени сўяди».

«Нима қилишим керак?»— деб сўрабди Қамаруззамон. «Уйқу олдидан нима ейишинг, нима ичишингни менга айт»,— дебди кампир. «Ҳамма каби кечқурун овқатланамиз, сўнг жория кириб бизларнинг ҳар биримизга бир қадаҳдан ичимлик тутади. Мен уни ичишим билан ухлаб қоламан-да, эрта билан уйғонаман»,— дебди Қамаруззамон. «Ҳамма бало мана шу қадаҳда,— дебди кампир,— сен қадаҳни жория қўлидан олишга олу, хўжайин ичмагунча ўзингни сақла. Бунинг учун эса жория сенга қадаҳ тутганда сен ундан ичишга сув беришни сўрагин. Жория сувга кетиши билан сен қадаҳдаги майни ерга тўккину, ухлаб қолган каби ёта бергил. Жория сув келтиргач, сени бу ҳолда кўриб, ичиб ухлаб қолибди, деб гумон қилади. Бир оз вақт ўтиши билан ҳамма воқеа сенга аён бўлади-қўяди. Лекин сен албатта менинг буйруғимни бажаришга тириш»,— дебди кампир. Қамаруззамон: «Бош устига»,— дебди-да, ўзи турган сарой томон йўл олибди.

Энди заргарнинг хотинига келсак, у эрига: «Қондага кўра меҳмон уч кеча кутилади. Сен уни учинчи марта таклиф қил»,— дебди. Заргар хотинига: «Ба-

жону дил», — дебди-да, кечкурун Қамаруззамон томон жўнабди. Уни таклиф қилиб қўярда-қўймай бирга олиб келибди. Улар яна ўша уйга кирибдилар. Кечки таомни еганларидан сўнг хуфтон намозини ўқибдилар. Сўнг жория кириб уларга бир қадаҳдан май тутибди. Хўжайин ичибди-ю, ўша заҳоти ухлаб қолибди. Аммо, Қамаруззамон ичмабди. Жория унга: «Сиз ичмайсизми, эй хўжам?» — дебди. «Мен жуда ташнаман бир ооз сув беринг», — дебди Қамаруззамон. Жория сув келтиришга жетибди. Қамаруззамон майни ёстуқ тагига тўкибди-да, уйқуга ётибди. Жория келгач, уни ухлоқ ҳолда кўрибди ва маликасига: «У ичиб ухлаб қолди», — дебди. Малика эса: «Унинг тиригидан кўра ўлиги афзал», — дея ўткир пичоқни олиб, унинг олдига кирибди. «Мана, учинчи марта ҳам сен сирли белгиларни тушунмадинг, эй аҳмоқ. Энди мен сенинг қорнингни ёраман», — дебди у. Қамаруззамон унинг қўлида пичоқ тутиб келаётганини кўриб, кўзини очибди-да, кулиб ўрнидан турибди. Шунда малика унга: «Сен бу белгини ўз фаҳминг билан эмас, қандайдир бир ҳийла орқали билгандирсан, қани айт-чи, кимдан билдинг?» — дебди. «Бир кампирдан», — дебди Қамаруззамон ва сартарошнинг хотини билан ораларида бўлган ҳамма воқеани сўзлаб берибди. Шунда малика унга: «Эртага бизникидан чиқиб, кампир ёнига бор-да, «Бундан бошқа яна ҳийлаларинг борми, эй кампир?!» деб сўра, агар у «бор» деса, «Унга ошкора етишишимга чора топгил!» — дегил. Агар, «менда бошқа ҳийла йўқ, энг охирги ҳунарим шу» деса, уни хаёлингдан чиқариб юбор, эрта кеч эрим бориб сени таклиф қилади. У билан бирга келиб, менга маълумог бер. Шунга қараб кейинги ишлар чорасини кўраман», — дебди. «Майли», — дебди Қамаруззамон. Сўнг улар

тонг отгунча бир-бирларини қучибдилар, нафсларини
истаганча қондирибдилар, баъзи жуфт ҳарфлар ёки
бир сўзнинг ўзак ва негизлари каби ўзаро бирикиб-
дилар. Тонг отгач, малика Қамаруззамонга: «Мени
бир кеча, бир кун, бир йил қаноатлантирмайди,—
дебди, мақсадим қолган умримнинг ҳаммасини
сен билан ўтказишдир. Лекин мен эримга нисбатан
бир чора топгунимча сабр қилиш керак. Сўнг мақ-
садга эришамиз. Бир илож қилиб мен унда бир шуб-
ҳа қўзгатаман, у мени талоқ қилади-ю, сенга тегиб
оламан. Хоҳласанг бирга ҳатто сенинг шахрингга
ҳам кетаман. Эримнинг ҳамма мол ва давлатини сен-
га ўтқазаман. Унинг уйю жойларини буздириб, ному
нишонини ўчириб юбориш чорасини кўраман, лекин
**сен сўзларимга қулоқ солишинг, менинг айтганла-
римни қилишинг керак**. «Бош устига, эй малика,
менда саркашлик бўлмайди»,— дебди Қамаруззамон.
«Энди саройга бор,— дебди малика,— агар менинг
эрим бориб сени таклиф қилса, унга: «Эй биродар,
инсон нозик феълли бўлади. Хусусан у тез-тез бора-
верса ҳар қандай сахийни ҳам, бахилни ҳам жондан
тўйдиради. Қандай қилиб, ҳар кеч иккимиз бир уйда
ётамиз. Сен хафа бўлмаганингда ҳам, ёлғиз қолгани
учун албатта хотининг хафа бўлса керак. Агар мақ-
садинг мен билан кўришиб, суҳбатлашиш бўлса,
уйинг яқинидан менга бир жой олиб бер, уйқу вақ-
тигача гоҳ сен менинг уйимда, гоҳ мен сенинг уйинг-
да бўламан. Ҳар кеч хотинингдан узоқ бўлишдан
кўра бу тadbир яхшироқдир»,— дегин. Сўнг у менга
келиб маслаҳат қилади. Мен унга қўшнимизни кўчи-
риб юборишга маслаҳат бераман. Чунки, қўшнимиз
ўтирган уй бизники, у ижарага ўтирибди. Сен бу
уйга келиб олгач, қолган чораларни худо осон қила-
ди. Ҳозир йўлга туш, мен айтганимдек қил!»— деб

тайинлабди. «Хўп»,— дебди Қамаруззамон. Шундан кейин малика уни ёлғиз қолдириб ўз жойига кетибди. Қамаруззамон ўзини ухлаб ётганга солибди. Бир оздан сўнг жория келиб уларни уйғотибди. Заргар уйғониб Қамаруззамондан: «Эй савдогар йигит, бу кеч ҳам чивни сенга озор бердимми?»— деб ҳол сўрабди. «Йўқ»,— дебди Қамаруззамон. «Ўрганиб қолган бўлсанг керак»,— дебди заргар. Сўнг улар дастурхонга ўтиришиб, еб-ичишгач, ўз ишлари билан чиқиб кетишибди. Қамаруззамон тўғри кампирнинг олдига бориб, бўлган воқеаларнинг ҳаммасини айтиб берибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
етмиш иккинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Қамаруззамон кампирга бориб: «Малика менга шуларни айтди, мен унга буларни айтдим. Энди ошкора унга етишиш учун бундан бошқа тузукроқ ҳийлаларинг борми, эй кампир?»— деб сўрабди. «Эй ўғлим, ҳийлаларимнинг бори шу»,— дебди кампир. Бу гапни эшитган Қамаруззамон ранжиб саройга йўл олибди. Кеч бўлгач, заргар келиб яна Қамаруззамонни меҳмонга таклиф қилибди. «Боришим яхши эмас»,— дебди Қамаруззамон. «Нега?»— дебди заргар,— ахир мен сени севиб қолганман, айрилиққа чидай олмайман. Худо ҳурмати учун мен билан бирга боришингни сўрайман». «Агар,— дебди Қамаруззамон сўз бошлаб,— сен дўстлигимиз узоқ давом этсин, ҳар вақт бирга кўришиб турайлик десанг, уйинг

атрофидан менга бир жой олиб бер, ана унда хоҳла-
санг сен бизникида, мен сеникида кечгача суҳбатла-
шиб ўтирадиган бўламиз-да, уйқу вақтида ўз уйимиз-
га чиқиб ётамиз». «Уйим ёнида бир уй бор. У ўзимни-
ки ёни, лекин ижарага бировни ўтказиб қўйибман.
Сен бугунча мен билан бирга бор. Эртага уни сенга
бўшаттириб бераман»,— дебди заргар. Қамаруззамон
у билан бирга бориб, одатдагидек кечки овқатдан
сбдилар, хуфтон намозини ўқибдилар. Ахири заргар
дори-дармон солинган ичимликни ичибди-ю, уйқуга ке-
тибди. Қамаруззамон ҳам ичибди. Лекин у ҳушёр
ўтира берибди. Чунки унинг қадаҳига ҳеч нарса ара-
лаштирилмаган эди. Сўнг малика қириб, Қамарузза-
мон билан эрталабгача айши ишрат қилишибди. Бе-
чора заргар бундан беҳабар худди ўлик каби ағнаб
ётар эди. Сўнг у одатдагича уйқудан уйғониб, ижара-
чини чақиртирибди-да, унга: «Эй фалончи, уйни бў-
шат! Ўзимизга керак бўлиб қолди»,— дебди.

«Хўп бўлади хўжайин»,— дебди у ва **шу** куниеқ
бўшатиб берибди. Заргар эса бу уйга Қамаруззамон-
ни кўчириб келибди. Шу кеч то ухлагунча заргар
Қамаруззамон ёнида суҳбатлашиб ўтиргач, чиқиб
кетибди. Иккинчи кун малика машҳур бинокор уста-
га одам юбориб чақиртирибди. Бинокор келгач, у
катта пул ваъда қилиб, ўзи турган уйдан Қамаруз-
замон уйига чиқадиган ер ости йўли қилиб беришни
буюрибди. Уста ер ости йўлига тушадиган эшик ҳам
ясаб берибди. Бу сирдан Қамаруззамон беҳабар эди.
Шу туниеқ малика Қамаруззамон уйига у йўлдан
кириб келибди. У ўзи билан эрининг икки халта пу-
лини ҳам олиб чиққан эди. Қамаруззамон ундан:
«Қасрдан келдинг?»— деб сўрабди. Малика унга
ер ости йўлини кўрсатибди-да, эрининг икки халта
пулини бериб, тонг отгунча Қамаруззамон билан май-


шат қилибди. Эрталаб у Қамаруззамонга: «Сен кутиб тур. Мен унинг ёнига чиқиб уйғотаман-да, ишига жўнатиб келаман»,—дебди. Қамаруззамон уни кутиб ўтирибди. Малика эри ёнига чиқиб, уни уйғотибди. Эри таҳорат қилиб, намоз ўқибди-да, дўконига кетибди. У кетиши билан малика тўрт халта пул олиб, ер ости йўлдан Қамаруззамон ёнига чиқибди ва: «Мана, бу пулларни ҳам ол!»—дея унга топширибди. Вақт ўтиб нафслари ором олгач, малика ўз уйига, Қамаруззамон эса бозорга кетибди. Қунботарда қайтган Қамаруззамон уйда ўн халта қиммат баҳо тош ва бошқа асл буюмларни кўрибди. Бу кеч заргар Қамаруззамонни ўз уйига олиб чиқибди. Улар суҳбатлашиб ўтирганларида жория одатдагича уларга ичимлик келтирибди. Маликанинг эри ичимликни ичибоқ ухлаб қолибди. Аммо, Қамаруззамонга ҳеч нарса бўлмабди. Чунки, унинг қадаҳига ҳеч нарса аралаштирилмаган эди. Малика кириб йигит билан роса ўйнаб-кулибди. Жория ер ости йўлдан уйдаги нарсаларни Қамаруззамон уйига ташир эди. Тонг отгач, малика чиқиб, хўжасини уйғотиш учун жория кирибди. Жория уларни қаҳва билан меҳмон қилиб, ишларига кузатибди.

Учинчи кун малика Қамаруззамонга эрининг бир пичоғини чиқариб берибди. (Уни заргар ўз қўли билан ясаган ва унга беш юз динор сарф қилган эди. Бунақа чиройли, серҳашам пичоқ ҳеч ерда йўқ эди. Унинг ишқибозлари кўплигидан заргар эҳтиётлаб сандиққа солиб қўйган ва ҳеч кимга сотмоқчи эмас эди). Малика Қамаруззамонга: «Бу пичоқни камарингга осиб ол-да, эримнинг дўконига бориб бир оз ўтир, сўнг пичоқни унга кўрсатиб: «Эй устод, бу пичоқни шу кун сотиб олдим. Қаранг-чи, фойда қилибманми, зарар қилибманми?»—дегин. У пичоқни

дарров тагиса ҳам лекин, «бу пичоқ меники-ку» дегани уялади. Агар сенга: «Қаердан сотиб олдинг, кимдан сотиб олдинг?»— деса, унга: «Йўлда кета туриб бир-бири билан уришаётган икки византияликни кўрдим. Уларнинг бири иккинчисидан: «Қаерда эдинг?»— деса, иккинчиси: «Севгилимнинг олдида эдим, ҳар гал кўришганимда у менга бир қанча дирҳам пул берар эди. Бу гал у: «Қўлимда дирҳамим йўқ, қўлим қисқа. Лекин бу пичоқни ол. Бу пичоқ эримнинг пичоғи»,— деди, деб у пичоқ кўрсатди. Мен ундан пичоқни олиб, у ёқ-бу ёғини қарадим. Пичоқ менга ёқиб қолди. «Сотасанми?»— дедим. У: «Сотаман?»— деди. Уч юз динорга сотиб олдим. Қаранг-чи, арзон олганманми, қиммат олганманми?— дегин-да, нима дейишига диққат қил, сўнг бир оз сўзлашиб ўтирган бўлиб, тезда қайтиб кел. Мен сени ер ости йўл оғзида кутиб тураман. Албатта пичоқни ола кел»,— дебди. «Хўп бўлади»,— дебди Қамаруззамон.

У пичоқни камарига тақиб, заргар дўконига равона бўлибди. Бориб салом берибди, заргар алик олиб, уни ўз ёнига ўтқазибди. Ўтқазибди-ю, унинг камарида осиглиқ пичоқни кўриб, ҳайрон бўлибди. «Бу менинг пичоғим, қандай қилиб бу савдогарнинг қўлига тушиб қолди ёки меникига ўхшаш бирор бошқа пичоқмикан»,— деб ўйлар эди у. Шу орада Қамаруззамон пичоғини чиқариб: «Эй устод, мана бу пичоқни томоша қилинг!»— деб қолибди. Унинг қўлидан олгач, заргар ўзиники эканини муқаррар билибди-ю, лекин: «Бу менинг пичоғим-ку!»— дейишдан уялибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
етмиш учинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— заргар Қамаруззамон қўлидан пичоқни олгач:

«Бу пичоқ меники-ку!»— дейишга уялибди-да, «Буни кимдан сотиб олдинг?»— деб сўрабди. Қамаруззамон малика тайинлаган ганларни айтибди. «Жуда арзон олибсан. Бу пичоқ беш юз динорга арзийди»,— дебди заргар. Шундай дебди-ю, юрагига ғулғула тушиб, қўли ишга бормай қолибди. Гарчи у Қамаруззамон билан сўзлашиб ўтирган бўлса-да, хаёли пичоқда эди. Хаёл денгизига фарқ бўлган заргар Қамаруззамоннинг эллик оғиз сўзига бир оғиз сўз билан жавоб берарди. Дили азобда, вужуди ҳаяжонда, ақли ҳайрон, кўнгли вайрон эди. У худди шоир айтган қуйидаги бир ҳолга тушган эди:

Мен билан сўзлашдилар, мен билмадим, не сўз дедим,
Чунки, ақлим бошқа ерда, мен ўзим беҳуш эдим.
Узида фарқ қилган эрди фикримни тубсиз хаёл,
Ажратишдан ожиз эрдим: ким эр эрди, ким аёл?..

Қамаруззамон унинг чеҳрасидаги катта ўзгаришни кўргач, «Ишингизга халал бермай»,— дея ўрнидан турибди-да, чопганча уйига йўл олибди. Малика ерости йўл оғзида уни кутиб турган эди. Қамаруззамонни кўриши билан: «Мен айтгандек қилдингми?»— деб сўрабди ундан. «Ҳа»,— дебди Қамаруззамон. «У сенга нима деди?»— деб сўрабди. «Жуда арзон олибсан, бу пичоқ беш юз динорга арзийди»,— деди-ю, аммо ранги ўзгариб кетди. Мен ёнидан туриб жўнай бердим. Сўнг нима ҳолга тушди билмайман»,— дебди

Қамаруззамон. «Пичоқни менга бер, қўрқма, ҳеч нарса қилмайди»,— дебди малика Қамаруззамонга. У пичоқни йиғитдан олиб ўз жойига қўйиб қўйибди.

Малика пичоқни қўйиб турсин. Энди заргар тўғрисига келсак. Қамаруззамон кетгач, унинг дили ўртаб, ҳар хил хаёлга борибди. У ўз-ўзига: «Дарров бориб, пичоқни текшириб, шубҳамни бир тараф қилишим керак»,— дебди-ю, ғириллаб уйига келибди. Худди аждар каби вишиллаб хотини ёнига кирибди. Буни кўрган малика сир бермай: «Ҳа хўжам, сенга нима бўлди?»— деб сўрабди.

«Менинг пичоғим қани?»— деб бақирибди эри.

«Сандиқда»,— деб жавоб берибди хотини. У шундай дебди-ю, ўзини уриб: «Ҳой эржон, нима бало, бирор киши билан уришиб қолдингми, пичоқни нима қиласан, унга урмоқчимисан?»— дебди. «Пичоқни менга кўрсат!»— дебди эри. «Ҳеч кимга пичоқ урмайман»,— деб олдин менга ваъда бер, қасам ич!»— дебди хотини унга. Эри қасам ичибди. Сўнг хотини сандиқни очиб, пичоқни олиб берибди. Гоҳ у ёғини, гоҳ бу ёғини кўрган заргар ўзига-ўзи: «Бу жуда таажжуб»,— дебди-да, хотинига узатиб: «Ол, жойига солиб қўй!»— дебди. «Нега бундай қилаётирсан, сабаби нима?»— деб сўрабди хотини. У: «Мен дўстимиз қўлида худди шундай пичоқ кўрдим»,— дебди-да, бутун воқеани сўзлаб берибди. «Пичоқни ўз жойида кўриб шубҳам тугади»,— дебди у. «Сен менинг тўғримда ёмон хаёлларга бориб, мени румликларнинг ўйнаши деб гумон қилибсан-да, а? Унга пичоқни хотиним берган деб ўйлагандирсан, ҳойнаҳой, а?»— дебди ғазаб билан хотини. «Ҳа,— дебди эри,— дастлаб шундай шубҳа қилган эдим. Лекин, пичоқни кўргач, кўнглимдаги шубҳа кўтарилди». «Эй эр, сенда яхшилик қолмабди»,— дебди хотин жаҳли чиқиб. Заргар то хоти-

нининг кўнглини овлагунча ялиниб, узр айтибди-да, сўнг чиқиб, дўконига йўл олибди.

Иккинчи кун малика Қамаруззамонга эрининг соатини берибди. Эри у соатни ўз қўли билан ясаган бўлиб, ҳеч кимда унга ўхшаш соат йўқ экан. Қамаруззамонга: «Унинг дўконига боргин-да, ёнида бир оз ўтиргач: «Кечаги кўрган одамни бугун ҳам кўрдим. У қўлидаги соатни кўрсатиб: «Бу соатни оласанми?»— деб мендан сўради. «Буни қаердан олдинг, десам у: «Ўйнашим олдида бўлган эдим, у берди»,— деди. Сўнг ундан эллик саккиз динорга сотиб олдим. Қарангиз-чи, соат шу пулга арзийдими ё йўқми?»— дегин-да, нима дейишига диққат қил. Бир оз ўтиргач, тур-да, тезлик билан менга келтириб бер»,— дебди.

Қамаруззамон йўлга тушиб, хотин айтгандек қилибди. Заргар соатни кўргач: «Бу етти юз динорга арзийди»,— дебди-ю, лекин кўнглига ғулғула тушибди. Бир оз ўтиргач, Қамаруззамон хайрлашиб дўкондан чиқибди-ю тўғри келиб соатни хотинга берибди. Кўп ўтмай, ҳаллослаганча маликанинг эри кириб келибди-да, хотинига: «Соагим қани?»— дебди. «Шу ерда турибди»,— дебди хотини. «Қани менга бер-чи!» деб хитоб қилибди эри. Хотини уни келтириб берибди. «Лоҳовла валоқуввата илло биллоҳилалиюлазим» дебди эри. «Эй худонинг бандаси, сен тагин бир янгилик топганга ўхшайсан. Менга айт-чи, яна нима гап ўзи?»— дебди хотин. «Нима десамикин! Бу ҳолларга мен жуда ҳайратда қолдим»,— дебди-да, у шу шеърларни ўқибди:

Қасам ичиб айтайки, мен ҳеч гумон қилмайман,
Вужудимни ғам-қайғу қоплаб опти, билмайман!

Мен қилурмен қаноат, қаноатим етгунча,

Ҳар нарсага ҳакамлик, қўлимдан келмас унча.

Ҳокимларга амр этиш ҳар кимнинг иши эмас,

Ҳар нарсани енгилга чидамнинг ўзи етмас!..

«Эй, хотин,— дебди у шеърли ўқиб бўлгач,— савдогар дўстим қўлида пичоғимни кўрдим. Мен уни жуда яхши танийман, чунки уни ўзим ясаганман. Унақа пичоқ ҳеч кимда йўқ. У бу ҳақда кўнгилни ёндирадиган сўзлар ҳам айтди. Шунинг учун мен дўмондан келиб, уни суриштирувдим. Бугун эса унинг қўлида соатимни кўрдим. Уни ҳам ўзим ясаганман, Басрада тенги йўқ танҳо нарса. Бу ҳақда ҳам у дилни ўртовчи сўзлар айтди. Ақлим шошиб, бошим қотиб қолди. Нима бўлаётганини билолмаётирман». «Сўзингга қараганда,— дебди малика бўкириб,— мен у савдогарнинг дўсти ва ошигиман. Сенинг нарсаларингни унга мен бераётирман, ўйлашингча мен сени алдаётирман. Шунинг учун дўконни ташлаб келиб, мендан сўрадинг. Шундайми? Агар сен, у нарсаларни уйда кўрмаганимда алдаганимга ишонсанг бўлар эди. Эй худонинг бандаси, меннинг тўғримда сенки шундай бадгумон бўлганингдан кейин, бошқалар нима демайди. Энди сен билан ҳамтавоқ бўлишни йиғиштирдим. Энди сендан жирканаман».

Заргар ялиниб маликанинг кўнглини овлай бошлабди, ялина-ялина ниҳоят унинг кўнглини юмшатибди. Шундай деб хотинини хафа қилганига пушаймон бўлган заргар дўконига чиқиб кетибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ опажон, ҳикоянгиз на қадар қизиқ а — деди синглиси завқланиб.

— Э севимли синглим,— деди Шаҳризод уни қучиб,— шу ҳам қизиқми, агар шоҳим мени омон қўйсалар эртага айтадиганим бундан ҳам қизиқ.

Бу гапни эшитган шоҳ: «Қургур жуда бало экан, ҳикоясининг буёғини ҳам эшитиб олай, ўлдириш қочмас»,— деб ўйлади.



*Тўққиз юз
етмиш тўртинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— ўз сўзларига пушаймон бўлган заргар дўконига бориб ўтирибди. У бениҳоят қаттиқ ҳаяжонда эди. Хаёл дарёсига чўмган заргар, бўлиб ўтган воқеаларга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмас эди. Кеч бўлгач, Қамаруззамонсиз бир ўзи уйга келибди. «Савдогар йигит қани?»— деб сўрабди малика. «Уйида»,— дебди эри. «Хафалашиб қолдиларингми?»— деб сўрабди хотини ундан. «Худо ҳақи, орада бўлган ишлар туфайли уни ёмон кўриб қолдим»,— дебди эри. «Бор, менинг розилигим учун уни келтир»,— дебди хотини. Заргар ўрнидан туриб, Қамаруззамон уйига кирибди. Қараса, унинг нарсалари у ерда сочилиб ётибди. Уларни таниб заргарнинг ғазаби қайнабди-да, оҳ торта бошлабди. «Жуда хафа кўринасан, эй устод, сенга нима бўлди?»— дебди Қамаруззамон. «Менинг нарсаларим сеникида турибди, уларни ким келтирди?»— дейишга истиҳола қилган заргар фақатгина: «Бошимга бир оз ташвиш тушди,— деб қўя қолибди.— Қани тур, бизникига чиқиб, овуниб ўтирамыз»,— дебди. «Мени ўз ҳолимга қўйинг, мен бормайман»,— дебди Қамаруззамон.

Заргар алдаб-сулдаб уни ўзи билан бирга олиб кетибди. Улар овқатланиб сўзлашиб ўтирибдилар. Қамаруззамон у билан сўзлашар эди-ю, лекин заргар хаёл денгизига фарқ бўлган эди. Савдогарнинг юзта сўзига у бир сўз билангина жавоб қилар эди. Сўнг одатдагича, жория уларга икки қадаҳда ичимлик келтирибди. Майни ичиши билан заргар ухлаб қо-

либди. Савдогар йигит эса уйғоқ ўтира берибди. Чунки, унинг қадаҳига ҳеч нарса аралаштирилмаган эди. Сўнг йигит ёнига малика кириб келибди-да, унга: «Хотинлар макриси билмаган юмуқ кўз бу ҳайвоннинг ҳоли қалай,— дебди ва давом этиб,— эртага уни албатта алдайман. У мени талоқ қўяди. Эртага бир жория кийимини кийиб сенинг орқангдан унинг дўконига бораман. Шунда сен унга: «Эй устод, мен букун қуллар саройига кирган эдим. Бу жорияни кўриб қолиб, минг динорга сотиб олдим. Кўринг-чи, шу баҳога бу жория арзонми, қимматми?»— деб сўрайсанда, менинг юзимни очиб кўрсатасан. Сўнг мени олиб ўз уйингга қайтасан. Мен ер остидан ўз уйимга чиқаман. Ана ундан кейин бўладиган ҳангамани кўрасан».

Улар кечани шодлик ва севинч билан, ширин суҳбат ва ўйин-кулги билан лаззатланиб ўтказибдилар. Тонг отгач, малика ўз хонасига чиқиб жорияни юборибди. Жория кириб Қамаруззамон билан ўз хўжасини уйғотибди. Улар ўринларидан туриб, эрталабки намозни ўқибдилар. Ейишиб, ичишиб бўлишгач, заргар ўз дўконига, Қамаруззамон ўз уйига кетибди.

Бирдан малика ер ости йўлдан Қамаруззамон олдига жория қиёфасида кириб келибди. (Аслида у жория эди.) Сўнг Қамаруззамон жорияни эргаштириб заргар дўкони томон йўл олибди. Дўконга етгач у: «Эй устод, мен букун томоша қилгани қуллар саройига кирган эдим. Бир даллол қўлида шу жорияни кўриб, менга ёқиб қолди. Минг динорга сотиб олдим. Арзонми, қиммат эканини билиш учун сизга кўрсатишга олиб келдим. Бир боқинг»,— дебди-да, унинг юзини очибди. Қараса, заргарнинг ўз хотини. У жуда яхши кийинган, энг олий зийнатлар таққан, кўзлари-

га сурма, қўлларига хина қўйган. Эри уйда бўлган вақтида қандай ясанадиган бўлса, худди шундай ясанган. Ҳаммадан олдин эри унинг юз-кўзларидан, кийим-бошларидан, таққан зийнатларидан танибди. Унинг қўлида яқиндагина Қамаруззамонга ясаб берган узук бор эди. Ўз хотини экани ҳар жиҳатдан унга аниқ бўлибди. «Отинг нима, эй жория?»— деб сўрабди у. «Ҳалима»,— дебди у. Унинг хотинининг оти ҳам Ҳалима эди. Исми ҳам ўз хотини эканини тасдиқлабди. Ҳайрон бўлган заргар: «Қанчага олдинг?»— деб сўрабди. «Минг динорга»,— дебди у. «Буни текинга олибсан. Чунки қўлидаги узукнинг ўзи минг динор туради. Кийимлари, зийнатлари сенга текинга қолибди. Уни яхши кўриб қолган бўлсанг, худо сени у билан шодлантирсин»,— дебди заргар ноилож. «Мен буни уйимга олиб кетаман»,— дебди Қамаруззамон. «Истаганингни қил!»— дебди заргар. Қамаруззамон уни уйига бошлаб кетибди. Боргач, хотин ер ости йўлдан ўз уйига чиқиб ўтирибди.

Энди заргар воқеасига келсак, унинг дили рашк ўтида ёнибди. «Уйга бориб кўрай,— деб ўйлабди у ўзича,— агар хотиним уйда бўлса, унда бу жория унга ўхшаш бошқа бир хотин экани маълум бўлади. Ўхшаши йўқ ёлғиз худонинг ўзидир. Агар хотиним уйда бўлмаса, унда ҳеч шубҳасиз у жория менинг хотиним бўлиб чиқади». У ўрнидан тура ҳовлиққанча уйига келибди. Қараса, хотини худди дўконда кўрганидек ясанган-тусанган ҳолда уйда ўтирибди. Ҳайрон қолган заргар қўлларини бир-бирига уриб: «Лоҳовла валоқуввата илло биллоҳилалиюлазим»,— деб юборибди. «Жинни-пинни бўлдингми? Ахир, бу нима деган гап? Албатта сенда бир гап бор!»— дебди буни кўрган хотини. «Гапириб берсам хафа бўлмайсанми, эй хотин!»— дебди эри. «Йўқ»,— дебди хотин. «Биз-

нинг дўстимиз савдогар йигит,— деб гап бошлабди заргар,— бир жория сотиб олибди, қадду қомати худди сендек, исми ҳам сенинг исминг, кийимлари ҳам сенинг кийимларингдек. У ҳар жиҳатдан бутунлай сенга ўхшайди. Бармоқларидаги узуклар ҳам сенинг узугингдек. У тақинган ҳамма зийнатлар ҳам худди сеникидақа. Қамаруззамон уни менга кўрсатганда, мен уни сен деб гумон қилдим. Мана шу ишга ҳайрон қолаётирман. Кошки бу савдогар йигитни кўрмаган бўлсагу, у билан дўстлашмаган бўлсак эди. Кошки у ўз юртидан келмаган бўлса-ю, биз уни танимаган бўлсак эди. Чунки порлоқ ҳаётимга соя солди, меҳру шафқат ўрнига кўнглимда ғазаб уйғотди. Дилимга шубҳа солди». «Менинг юзимга яхши қараб ол!— дебди хотин.— У билан балки мен бирга бўлгандирман. Балки, жория кийимини кийиб, сени алдаш учун у билан бирга боргандирман». «Бу нима деган гап?— дебди заргар.— Сен шундай иш қиласан деб мен сира ўйламайман».

Заргар хотинлар макрини тушунмайдиган, шоирнинг қуйидаги шеърини эшитмаган бир гўл одам эди.

Қалбда қўзғаб ҳаяжон, гўзалларнинг хаёли,
Мўсафидлик бошланиб, ёшлик ортда қолганда.
Қайғу-алам, фалокат бизларни қўймас холи,
Хотинлар тўғрисида маломат қўзгалганда.

Яна бошқа шоир айтгандай:

Хотинлар сўзига солма қулоғинг, эй итоаткор!
Хотинга ихтиёрин кимки топширса, бўлур бебахт.
У минг йил илму фанга интилишга бўлса ҳам тайёр,
Қилур тўсқинчилик баъзи кишилар йўл тўсиб ҳар вақт.

Бошқа бир шоир ёзгандай:

Хотинлар! Биз учун дунёга келган бир балоларсиз,
Хотинлар ҳийласидан асрашин имондан истайман.

Биз эрлар мубтало, сиз ҳам бизингдек мубталоларсиз,
Курашларда хароб қилмаслигин виждондан истайман.

«Мен шу ерда ўтирай,— дебди хотини унга,— сен
ҳозир унинг уйига бор-да, эшикни тақиллатиб, тезлик
билан уйига кир. Кирганингда агар жория ўтирган
бўлса, у вақтда унинг жорияси менга ўхшаш бошқа
бир одам, агар у ерда жорияни кўрмасанг, у вақтда
савдогар билан бирга турган жория мен бўлиб чиқа-
ман. У вақтда менинг тўғримдаги сени бемаъни шуб-
ҳаларинг тўғри бўлиб чиқади». «Тўғри айтасан»,—
дебди эри. У ўрнидан туриб, Қамаруззамон томон
йўл олибди. У эшикдан чиқиши билан хотини ҳам
ер ости йўлдан Қамаруззамон уйига ўтибди-да, унинг
ёнида ўтирибди ва воқеадан уни хабардор қилиб,
эшикни тез очиш кераклигини уқтирибди. «Келганда
мени унга кўрсат!»— деб тайинлабди.

Шу орада эшик тақиллаб қолибди. «Ким?»— деб-
ди Қамаруззамон. «Дўстинг устодман. Сен менга
дўконда жорияни кўрсатганингда сендан ғоят хур-
санд бўлдим. Эшикни оч, уни яна бир кўрай!»— деб-
ди. «Яхши бўлади»,— дея Қамаруззамон бориб, эшик-
ни очибди. Қараса, хотини унинг ёнида ўтирибди.
Жория ўрнидан туриб, уни ва Қамаруззамоннинг қў-
лини ўпибди. Заргар хотинига тикилиб қарабди. Хо-
тин ўзининг хотинидан асло фарқ қилмас эди. «Тав-
ба, худо нимани хоҳласа ўшанга қодир»,— дебди-да,
ташқари чиқиб, уйига қайтиб кирса, хотини уйда
ўтирганмиш. Малика эри эшикдан чиқиши биланоқ
ер ости йўл билан даров чиқиб олган эди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.

«Шаҳризод жуда доно экан,— деб ўйлади шоҳ,—
яхшиси уни ўлдиришга ошиқмай, ҳикояларини эши-
тиб олай».



*Тўққиз юз
етмиш бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эри эшикдан чиқиши биланоқ малика ер ости

йўл орқали эридан олдин уйига кириб олибди. Эри уйга киргач, у: «Хўш, бор эканми?»— деб сўрабди. «Ҳа, хўжасининг ёнида ўтирган экан. У худди сенга ўхшайди»,— дебди эри. «Бўлмаса қани энди дўконингга жўна, етар шунча бадгумонлик. Бундан сўнг менинг ҳақимда бадгумонлик қилмассан»,— дебди малика. «Энди гумон қилмайман, мендан ўтган гуноҳ учун кечир!»— дебди эри. «Худо кечирсин»,— дебди малика. Эри уни қучиб, ўнг ва чап бетларидан ўпибди-да, дўконига кетибди. Малика эса ер ости йўлидан Қамаруззамон ёнига тўрт халта нарса олиб чиқибди-да: «Мен ҳийла-ю найрангларимни ишлатиб бўлгунимча сен тезда сафарга ҳозирлан, пулларни олиб кетиш ҳаракатини қил!»— дебди.

Қамаруззамон бозордан бир неча хачир сотиб олиб, юкларни ортибди. Қул ва чўриларни олиб бўхча-бўхча мол-дунёларни шаҳардан ташқари чиқарибди. Сўнг маликага: «Мен сафарга тайёрман»,— дебди. «Мен ҳам,— дебди малика,— мен унинг пулларидан тортиб бутун қиммат баҳо зеби зийнатларигача сенга келтирдим. Унга ҳеч нарса қолдирмадим. Буларнинг ҳаммасини сенга бўлган муҳаббатим туфайли қилдим, эй севгилим! Сенинг йўлингда мингта эрни ҳам қурбон қилишга тайёрман. Лекин сен унинг олдига бориб: «Мен уч кундан сўнг ўз юртимга кетмоқчиман, сен билан хайрлашиш учун келдим. Ижара ҳақи учун қанча тўлашимни айтсанг, мен қарзингдан қу-

тулсам», деб кўр-чи, у нима дер экан. Сўнг келиб менга унинг жавобини айтасан. Мени талоқ қилсин деб уни газаблантириш учун ҳар хил ҳийла ишлата бериб чарчадим. Кўриб турибманки, у менга боғланиб олди. Фақат сенинг юртингга кетишдан бошқа чора қолмади»,— дебди малика. «Бу ширии хаёл амалга ошса қандай яхши бўлади»,— дебди Қамаруззамон.

Хотининг гапи билан Қамаруззамон заргарнинг дўконига борибди-да, унинг ёнида бир оз ўтиргач: «Эй устод,— деб гап бошлабди,— мен уч кундан кейин юртингга метмоқчиман, сен билан хайрлашгани келдим. Уйнинг ижара ҳақига қанча тўлашим зарурлигини айтсанг, тўлаб қарзимдан қутулсам». «Бу нима деганинг,— дебди у,— сен қилган яхшиликлар ҳали менинг бўйнимда турибди. Мен сендан ҳеч нарса олмайман. Сендан бизга кўп яхшиликлар етди. Лекин сенинг кетишинг бизни мафа қилади. Агар қўлимдан келса, сени юбормас эдим»,— дебди-да, понлож хайрлашибди. «Дўстим билан суҳбатлашимиз гапимат»,— деб заргар ўша заҳоти дўконни қулфлабди-да, Қамаруззамон қаерга борса у ҳам кетядан бораверибди. Уларга хизмат қилиб юрган жорияни (хотинини) заргар Қамаруззамон уйига чиққанда у ерда кўрса, ўз уйига кирганда ўз уйида ўтирганини кўрар эди.

Ахири малика Қамаруззамонга: «Унинг ҳамма молу дунёсини ташиб битирдим. Фақат сизларга ичимлик келтириб, хизмат қилиб юрган жория қолди, холос. Лекин мен ундан айрила олмайман. Чунки, у мен учун жуда қимматли, сир сақловчидир. Уни ҳам олиб кетишимиз керак. Бунинг учун хафа бўлган бўлиб мен уни ураман-да, эрим келганда: «Бундан буён бу жория билан яшаб туролмайман. Уни сотиб юбор!» дейман. У жорияни сотишга элтади, сен сотиб ола-

сан. Үзимиз билан олиб кетамиз». «Яхши маслаҳат»,— дебди Қамаруззамон. Сўнг у, жорияни урибди. Эри дўкондан келиб қараса, жория йиглаб ўтирибди. Нега йиглаётганини сўраган экан: «Маликам урди»,— дебди у. Шунда заргар хотинидан: «Бу лънати жория нима қилди, сени хафа қилибди, ҳатто урибсан ҳам»,— дебди. «Эй ёстиқдошим,— дебди у эрига,— мен энди бу жориянинг афтига қарашни ҳам истамайман. Ё уни сот ёки мени талоқ қил». «Сенинг бир сўзингни иккита қилмайман»,— дебди-да, эртаси куни дўконга кетарда жорияни ҳам олиб кетибди. Уни олиб кетиши биланоқ хотини ер ости йўлдан чиқибди-да, тахтиравонга ўтириб, эридан олдин Қамаруззамон билан қуллар саройига борибди. «Бу ким?»— дебди Қамаруззамон қул бозорида жорияни олиб турган заргарга. «Бизларга ичимликлар келтириб хизмат қилиб юрган жориям. Бекасини хафа қилибди. У ғазабланиб, сотиб юборишга буюрди, сотгани келтирдим»,— дебди заргар. «Бекаси ғазабланган бўлса, бунинг у ерда туриши мумкин эмас, албатта. Майли, менга сота қол, сени эслаб юрарман! Жориям Ҳалимага хизмат қилиб юрсин»,— дебди Қамаруззамон. «Майли, ола қол»,— дебди заргар. «Баҳоси қанча?»— дебди Қамаруззамон. «Сендан ҳеч нарса олмайман, сен бизларга озмунча яхшилик қилмагансан»,— дебди заргар. Қамаруззамон жорияни ундан олиб, маликага: «Хўжангнинг қўлларини ўп»,— дебди. Малика тахтиравондан тушиб эрининг қўлини ўпибди-да, яна тахтиравонга ўтирибди. Заргар худди ўз хотинига қарагандек аёлга тикилиб қарабди. «Сизни худога топшираман, эй устод Убайд»,— дебди Қамаруззамон заргарга.

«Сен менинг мушқулимни осон қилдинг, худо сенинг ҳам мушқулингни осон қилсин, оқ йўл»,— дебди

заргар унга. Қамаруззамондай дўстидан айрилгани учун у йиғлар ва айна вақтда Қамаруззамон туфайли пайдо бўлган шубҳадан қутулгани учун севи-нарди.

Энди Қамаруззамон воқеасига келсак. Малика унга: «Агар эсон-омон бориб етайлик десанг, расмий йўл билан эмас, бошқа бир йўлдан юришга тириш»,— дебди. «Бош устига!»— дебди Қамаруззамон.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
етмиш олтинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Қамаруззамон йўлга чиқ-қач, малика унга: «Агар тинч, соғ-саломат етиб борайлик десанг, катта йўлни қўйиб, бошқа бир йўлдан юришга ҳаракат қил!»— дебди. «Бош устига!»—дебди Қамаруззамон. Сўнг у ҳаммага маълум расмий йўлни ташлаб, бошқа тарафдан йўл солибди. Улар у шаҳардан-бу шаҳарга ўтиб, ниҳоят Миср чегарасига етибдилар. Шунда Қамаруззамон хат ёзиб, чопар орқали отасига юборибди. Отаси Абдурахмон бозорда савдогарлар билан ўтирган экан. Боласи Қамаруззамондан айрилган кундан бери унинг дили вайрон эди. Чунки шу вақтгача жигаргўшасидан бирор хабар эшитмаган эди. Шу орада чопар келиб: «Эй улуғлар, сизлардан қайбирингиз Абдурахмон исмли савдогарсиз?»— деб сўрабди. «Нима ишинг бор»,— дейишибди улар. «Мен унинг ўғли Қамаруззамондан хат келтирдим,— дебди чопар,— мен у билан Аришда хайрлашдим». Суюнганидан отаси ақлини йўқотаёзди. Савдо-

гарлар ҳам суюнишибдилар. Улар Абдурахмон савдогарни хушхабар билан қутлабдилар. Абдурахмон савдогар хатни олиб ўқибди. Хат шундай ёзилган эди:

«Ўглингиз Қамаруззамондан сиз, ҳурматли отамизга ва бутун савдогарларга салом. Саломдан сўнг биздан аҳвол сўрасангиз, худога шукур, сотдик, олдик, дунё орттирдик ва соғ-саломат, омон-эсон қайтаётирмиз».

Хатни ўқиб бўлиб қувонч эшиклари очилиб, Абдурахмон катта зиёфат берибди. Созандалар, ҳофизлар йиғилиб, шодиёна базми жамшид бошланибди.

Ўғли Ассолиҳи шаҳрига етганда, отаси ва барча савдогарлар унинг истиқболига чиқибдилар. Отаси у билан қучоқлашиб кўришибди, севинганидан у шунча йиғлабдики, ҳатто ҳушидан кетиб йиқилибди. Ҳушига келгач: «Эй ўғлим, бугун улуғ тангри сен билан саломат кўришишни насиб қилган қутлуғ кундир»,— дебди-да, бир шоирнинг қуйидаги байтини ўқибди:

Ошиғу маъшуқ яқинлашганда шодлик қўзғалур,
Орттирур завқин, қадаҳларга берилгач эътибор.
Бемалол кенглик, саранжомлик кўнгулда куч олур,
Тун қоронғуда кезар ой тинчу ёрқин, беғубор.

Сўнг у шодлик кўз ёшларини дарё каби оқизиб, мана бу байтни ҳам ўқибди:

Кечамизга партав сочиб, бу Қамаруззамонимиз,
Сафаридан кундуз қайтиб, кўзимизга гўё хуршид.
Қора сочи қоронғуси қуршаса ҳар томонимиз,
Тугмалари шуъла берар йўлимизга чироғ тақлид.

Сўнг савдогарлар у билан саломлашиб ҳол-аҳвол сўрашибди. Улар у билан бирга келаётган хачирларга ортилган юкларни, хизматкорларни, катта бир тах-

тиравонни кўрибдилар. Уларни кўтаришиб уйга элтибдилар. Малика тахтиравондан чиқар экан, унинг кишини йўлдан оздирувчи ҳуснини кўриб, отаси ҳайрон бўлиб қолибди. Қамаруззамоннинг онаси ҳам маликани кўриб, унинг ҳуснига ҳанг-манг бўлиб қолиб ўзини йўқотибди. Улар уни шоҳнинг қизи деб ўйлашибди. Онаси беҳад қувонганидан: «Кимсиз қизим?»— деб сўрабди ундан. «Келинингиз бўламан»,— дебди у. «Ўғлим сизга уйланган бўлса,— дебди онаси,— тўю томоша қилишимиз керак».

Энди Қамаруззамоннинг отаси Абдурахмон воқеасига келсак, у одамлар тарқалишгач ўғлини чақириб: «Эй ўғлим, бу ёнингдаги жория ким, қанчага сотиб олдинг?»— деб сўрабди.

«Эй ота, бу жория эмас, мени сафарга чиқишимга сабаб бўлган малика»,— дебди Қамаруззамон. «Бу қандай?»— дебди отаси. «Эсингизда бўлса, бир кеч бизда ухламай кетган дарвеш таъриф қилган хотин шу. У таъриф қилгандаёқ шу орзуга боғланган эдим. Сиздан фақат шу мақсадда сафарга чиқишга ижозат олгандим. Йўлда қароқчилар талаб, ҳамма мол-дунёларимни олдилар. Басрага бир ўзим кириб бордим-да, бошимдан шу-шу ҳолларни кечирдим». Қамаруззамон отасига бутун бошидан кечирган воқеаларни сўзлаб берибди. У ўз саргузаштини сўзлаб бўлгач, отаси: «Эй ўғлим, шу воқеалардан сўнг сен бунга уйландингми?»— деб сўрабди. «Ҳали уйланганимча йўқ,— дебди Қамаруззамон,— лекин уйланишга ваъда қилганман».

«Мақсадинг шунга уйланишимиз?»— дебди отаси. «Агар сиз рухсат берсангиз уйланаман, бўлмаса, уйланмайман»,— дебди Қамаруззамон. «Агар сен шунга уйланадиган бўлсанг,— дебди отаси Қамаруззамонга,— мен сендан бу дунёю у дунё асти рози бўл-

майман. Ахир сен, қандай қилиб эрига шундай бева-
фолик қилган хотинга уйланасан. Эрига қилган бева-
фоликни сенга ҳам қилади. Бу хотин хиёнатчи экан.
Хиёнатчига ишонч йўқ. Агар гапимга кирмасанг, мен
сендан норозиман. Агар сўзимга қулоқ солсанг, бун-
дан ҳам кўркам, покиза қизга уйлантириб қўяман.
Бутун молу дунём кетса ҳам сени хурсанд қиламан.
Ана шунда мен сен билан фахрланаман. Одамлар
фалончи таги-тахти номаълум бир жорияга уйланиб-
ди деб кулишларидан ёмони йўқ».

Хуллас, ота ўғлига канизажка уйланмасликни уқ-
дириб мақол, қисса, шеър, ҳикматли сўзлардан мисол
келтирибди.

«Агар шундай бўлса, унга уйланишимнинг ҳеч
қандай ҳожати йўқ»,— дебди Қамаруззамон. Отаси
унинг пешонасидан ўпиб: «Сен ҳақиқий ота ўғлисан,
онд ичиб айтаманки, сени тенги йўқ бир қизга уйлан-
тириб қўяман»,— дебди.

Сўнг Абдураҳмон заргарнинг хотини ва у билан
бирга келган жорияни баланд бир уйга киргизиб,
устларидан қулфлаб қўйибди-да, уларга егулик, ич-
кулик бериб туришни қора танли чўрига топширибди.
Абдураҳмон унга: «То сенларни сотиб оладиган бир
харидор топгунимча шу уйда турасизлар. Агар қар-
шилиқ қиладиган бўлсаларинг, икковингни ҳам ўл-
дираман. Сен хиёнатчи экансан, яхшилик сенга
эсиз»,— дебди. «Билганингни қил, ҳақиқатан мен жа-
зога лойиқман»,— дебди жория. «Бу ерга ҳеч ким
кирмасин ҳам, булар билан ҳеч ким сўзлашмасин ҳам.
Фақат қора танли чўригина деразадан вақти билан
овқат бериб турсин, холос»,— деб тайинлабди Абду-
раҳмон уйдагиларга.

Заргарнинг хотини жорияси билан ўтириб йиғлар,
ўз эрига қилган бевафолигидан пушаймон бўлар эди.

Энди савдогар Абдурахмон ишларига келсак, у ўғлига таглик-тахтлик қиз қидириш учун ҳар томонга совчи жўнатибди. Совчилар тинимсиз қиз қидира бошлабдилар. Улар ахтариб бир қизни мўлжаллаб турганларида, яна ундан яхшироқ бошқа қиз даргани эшитиб қолар эканлар. Ниҳоят, улар қиз қидириб Шайхулислом уйига кирибдилар. Унинг Мисрда танҳо, бениҳоя кўркам, қадду қомати келишган, соҳибжамол қизи бор эди. Унинг ҳусни заргарнинг хотинидан минг марта аъло эди. Совчилар бу қизни роса мақтабдилар. Абдурахмон эса бир қанча улуғлар билан қизнинг отаси ҳузурига бориб, ўз ўғлига уни сўрабди. Отаси рози бўлибди. Никоҳ хати битилиб шодиёна базм қурибдилар. Абдурахмон тўйга ҳозирланар экан, дастлаб олимларни чақириб, мавлуд ўқитибди. Иккинчи кун бутун савдогарларни таклиф қилибди. Ноғора, карнай-сурнайлар чалиниб, кўча-кўйлар безатилиб, шамлар ёқилибди. Ҳар кеч ҳар хил ўйинчилар келиб, турли-туман ўйин қилар эдилар. Навбат билан ҳар кун ҳар хил одамлар гуруҳига зиёфат берилар эди. Олимлар, амирлар, амалдорлар, қози-калонлар ўз навбатида таклиф қилинар эди. Қирқ кунгача шу йўсинда тўй берилибди. Савдогарлар эса махсус ўриндиқларда ўтириб, келган-кетганларни томоша қилар эдилар. Ўғли отасининг ёнида ўтириб, одамларни кузатар, ўйин-кулгиларни бениҳоя шод ва мамнунлик билан томоша қилар эди. Охирги кун у камбағал ва гадо, мискин ҳамда мусофирларни таклиф қилибди. Улар тўда-тўда бўлишиб келишар, еб-ичишар эди. Савдогар ва унинг ўғли одамларни кутиб, кузатиб ўтиришар эди. Улар шундай ўтирганларида бирдан маликанинг эри заргар ҳам камбағаллар орасида кириб келибди. У жулдуз кийинган ва ниҳоят ҳорғин эди. Сафардан

янги келганлиги афтидан яққол сезилиб турарди. Қамаруззамон кўрниши биланоқ дарҳол танибди. «Қамбағаллар билан бирга қирган ана у одамга қаранг!»— дебди у отасига. Қараса, икки дирҳамга ҳам арзимайдиган, эски-тускиларга ўралган, ранглари саргайиб кетган, юзлари чанг босган бир киши турибди. У худди узоқ сафардан қайтган мусофир, гадо сингари сўлғин, қилт-қилт қилар эди. Унинг ҳолига шоирнинг қўйидаги шеъри жуда мос эди:

Заъфарон айлар юзини хорлик, муҳтожлик,
Ерга эггай қоматини дарбадарлик, очлик.
Кимки қашшоқдир, ҳалойиқ кўзидан пинҳон юрар,
Бир ўзи ганҳо юрар, юрганда, бағри қон юрар.
Бўлмаса йўқланмагай, гар бўлса ҳам қатъи назар,
Қамбағал ҳатто туғишганларга ҳам номуътабар.
Бир улуш вақтида, пул тақсимида маҳрум бўлур,
Кимки бой: золим бўлур, ким камбағал: мазлум бўлур.

Бошқа бир шоирнинг мана бу шеъри ҳам мос келади:

Кимки камбағалдир, кўп киши ундан ҳазар қилгай,
«Гадо» нисбат бериб ҳар кимса унга бадназар қилгай.
Епиқдир бор эшиклар унга, гарчи бегуноҳдир у,
Юқар гўё бўлакка, бир юқимчил дилсиёҳдир у.
Агар бойларни кўрса, думларин ликиллатар итлар,
Ҳуриб қашшоққа, сакраб, занжирин силкиллатар итлар.
Қилурлар орият сўзлашгали қавму қариндош ҳам!..
Илоҳи камбағаллик кўрмасин ҳар кекса ҳам, ёш ҳам!

Мана буниси ҳам жуда мос:

Агар бир кимсага бўлганда бахт ёр:
На хоҳлар бўлса у, шу онда тайёр.
Фалокатдан ун сақловчиси кўп,
Ҳимоя этувчи, ёқловчиси кўп..
Топар ҳурмат, ошар тез эътибори,
Келар қайтиб яна кетган у ёри.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
етмиш еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— савдогар Абдурахмоннинг ўғли отасига: «Ана у камбағал кишига қаранг?»—дебди. Отаси: «Эй ўғлим, у ким?»—дебди. «Мен билан келган хотиннинг эри — заргар Убайд шу киши»,—дебди. «Сен таърифлаган кишинг шуми?»—дебди отаси Қамаруззамонга.

«Ҳа, шу»,—дебди у отасига.

Унинг келиш сабаби қуйидагича бўлган эди: у Қамаруззамон билан хайрлашгач, дўконига бориб ўтирибди. Унга кичик бир иш келибди. Кечгача уни тугатибди. Кеч бўлгач, дўконини бекитиб уйига келибди-да, эшикка қўлини тиқиб очибди. Ичкари кирса, хотини ҳам йўқ, уй ҳам ҳувиллаб турибди. Уйдаги ҳолга шоирнинг қуйидаги шеъри жуда мос келади.

Уя қолар, ари ўлиб, қириб,
Бошқаларга уяликка ярамас.
Бу уйимга отам келса тирилик,
Бўм-бўш кўриб, буни уй деб қарамас.

У ҳайрон бўлиб, у ёқ-бу ёққа қарабди. Девонадек уйни айланиб чиқибди. Ҳеч ким йўқ эмиш. Хазина эшигини очиб қараса, на пуллари-ю ва на қиммат баҳо нарсалари бор. Ҳамма ёқ шипшидам бўлиб ётибди. Кўзи очилиб ҳушига келган заргар хотини ҳар хил ҳийлалар билан уни алдаб юрганини англабди. Бошига тушган бу кулфатга қайгуриб юм-юм

йиғлабди-ю, лекин душманлар эшитиб суюнишидан, дўстлар эшитиб куюнишидан қочиб сири яширибди, сири очилиб, халқ олдида шарманда бўлишидан қўрқибди. У ўз-ўзига: «Эй, фалончи, бу хаёл ва қайғуларни одамлардан яшир. Сен шоирнинг қуйидаги шеърига амал қил»,— дебди.

Сирингни сақламоққа бўлса дил танг,
Уни кенг тутгилу, сўнг қилма аттаг!

Сўнг у уйини қулфлаб, дўконни халфаларидан бирига топшириб, унга: «Дўстим, Қамаруззамон Мисрга хотиним билан бирга бориб томоша қилиб келишни қаттиқ тайинлади. Эй ўғлим, дўконни сенга топшираман. Мени шоҳ сўраса: «У хотини билан ҳажга кетди, денглар»,— деб тайинлабди.

Сўнг у баъзи нарсаларини сотиб, хачир, қул ва бир жория сотиб олибди-да, аёлни тахтиравонга ўтқазиб, йўлга чиқибди. Дўстлари уни кузатиб қўйибди. Қўрган одамлар: «Хотини билан ҳажга кетаётир»,— деб ўйлар эдилар. Унинг хотини кетиб, жума кунлари масжид ва уйларда қамалиб туришдан қутулганлари учун халқ хурсанд эди. Кўплар: «Худо уни қайта Басрага келишдан маҳрум қилсин. Биз ҳам жума кунлари масжидларда, уйларда қамалишдан бутунлай озод бўлайлик»,— дер эдилар. Чунки, бу ҳол Басра халқига ғоят оғир ботган эди. Баъзилар: «Басра халқининг дуоси сабабли албатта сафардан қайтмайди»,— десалар, баъзилар: «Қайтса ҳам ўлгудек хўрланиб, эзилиб қайтади»,— дер эдилар. Хуллас, унинг сафарга чиқишидан бутун Басра халқи шод эди. У кетиб, ҳатто итлар, мушуклар ҳам озод бўлибди.

Жума кунини келгач, жарчилар аввалги одатга мувофиқ, одамлар жума намозидан икки соат олдин

масжидларга, уйларга бекинишлари, мушук, кучукларни ҳам яширишлари тўғрисида жар солибди. Одамларнинг дили яна сиқилибди. Шунда улар тўпланишиб, шоҳ ҳузурига бориб, таъзим қилишгач: «Эй замона шоҳи, заргар Убайд ўз хотинини олиб ҳажга кетди. Қамалишимизга сабабчи кишининг ўзи ҳозир шаҳарда йўқ. Бас, энди нега қамалишимиз керак»,— деб арз қилишибди. «У ёлғончи қандай қилиб мендан сўрамай сафарга кетибди. Ҳа майли, у сафардан қайтса албатта яхшилик бўлади. Дўконларингизга бориб олди-сотти қилаверинлар. Сизлар учун берилган бу фармойини бекор қилишди»,— дебди.

Энди заргар Убайд воқеасига келсак, у бир неча кун йўл юриб, ниҳоят Қамаруззамон шаҳари атрофидаги бир қўноққа етганда, унга ҳам Бағдод қароқчилари ҳужум қилиб, бор-йўгини тортиб олибди. Заргар эса ўзини ўлганга солиб, улар қўлидан қутулиб қолибди. Қароқчилар кетгач, у ўрнидан туриб ялангоч ҳолда йўлга тушибди. Юра-юра бир шаҳарга етганда художўй кишилар учраб, унга эски-туски кийим-бош беришибди. Чуврилдига ўралиб олган Убайд иккинчи бир шаҳарга етгунча ҳар кимлардан садақа сўраб кун кечириб, юра-юра ниҳоят кўзлаган Миср шаҳрига етибди. Очлик азобида хароб бўлган заргар, бозорга бориб ҳар кимдан садақа сўраб юрар экан, бир мисрлик киши: «Эй камбағал, тўйга бор. У ерга бугун нуқул камбағаллар, гадолар, мусофирлар чақирилган»,— дебди. «У ерга қаердан боришни билмайман»,— дебди заргар. «Менинг орқамдан юр, кўрсатиб қўяман»,— дебди у. Заргар эрташиб борибди. Бир вақт ҳалиги мисрлик унга: «Тўй мана шу уйда, кир, тортинмай еб-ич. Тўйхонанинг эшиги ёпиқ бўлмайди»,— дебди.

Заргар тўйхонага кириши билан Қамаруззамон



415-бемза

уни дарров кўриб танибди-ю, отасига уни танитибди. Савдогар Абдурахмон ўғлига: «Эй ўғлим, ҳозир унга индама, балки у очдир, ўз ҳолига қўй, еб-ичсин, очлик азобидан тинчисин. Сўнг уни чақирамиз»,— дебди. Заргар овқат еб бўлгунча кутиб турибдилар. Заргар тўйгунча овқатланиб, мушк-анбарли қаҳва ичгач, чиқиб кетаётган экан, Қамаруззамоннинг отаси унинг орқасидан одам юборибди. У киши келиб заргарга: «Юр, сени савдогар Абдурахмон чақиряпти»,— дебди. «У савдогар ким?»— дебди заргар. «Тўй эгаси»,— дебди у киши. У: «Тўй эгаси бирор садақа бермоқчидир»,— деган хаёлда савдогар олдига борар экан, унинг ёнида турган дўсти Қамаруззамонни кўриб қолибди-ю, уялганидан эси оғиб қолибди. Қамаруззамон ўрнидан туриб, уни қучоқлаб, ҳол-аҳвол сўрабди ва ҳурматлаб ўз ёнига ўтқазибди. Отаси ўғлига: «Эй туюқсиз, шу ҳам дўстлар билан кўришиш бўлдими. Олдин уни ҳаммомга юбор, унга лойиқ кийим-кечак бер, сўнг у билан ўтириб сўзлаш»,—дебди. Қамаруззамон хизматчиларига уни ҳаммомга олиб бориб ювинтириш, сўнг минг динор, балки ундан ҳам ортиқ турадиган шоҳона кийим кийинтиришларини буюрибди. Уни ювинтириб қиммат баҳо кийим кийгизибдилар. Бу девонага шунчалик хотамлик кўрсатаётганидан ажабланган кишилар, у ҳаммомга кетганида Қамаруззамондан: «Бу ким, уни қаердан танийсан?»— деб сўрашибди. «Бу мени уйига тушириб, катта ҳурматлар кўрсатган дўстимдир. Бу одам бахтли, насабли кишидир. У тенги йўқ уста заргардир. Басра шоҳи уни ҳаддан ортиқ севиб, ҳурматлайди. Унинг наздида бунинг эътибор ва мартабаси жуда баланддир,— дея Қамаруззамон уни мақтаб кетибди,— у менга ундай-бундай яхшиликлар қилган эди. Мен унинг бу яхшиликларини қандай қайтараман,

деб хижолатда эдим». Қамаруззамон унинг таърифни қилар экан, уларнинг олдида заргарнинг ҳурмати ортиб, мартабаси кўтарилибди. Улар: «Ҳаммамиз сен учун уни ҳурматлаймиз, унга лойиқ хизмат қиламиз. Лекин биз унинг ўз шаҳрини ташлаб Мисрга келиш сабабини билишни истар эдик. У худога нима гуноҳ қилдики, бу ҳолга тушибди?»— дейишибди. «Эй биродарлар,— дебди Қамаруззамон,— сизлар бунга таажжуб қилманглар, одамнинг бошига ҳар хил савдо тушиши мумкин. Қуйидаги шеърларни ёзган шоир жуда тўғри айтган:

Қийнагай тақдир сени, гар катта мансабдорсен,
Бўлма ким, тақдир қўлида доимо афгорсен.
Қоч хато йўлдан, алам-ғамдан дилингни сақла поқ,
Бил, бу тақдирнинг қўлида бўлди сендеклар ҳалок.
Майда-чуйда журму нуқсонлар қилур бахтинг хароб,
Ўзгаручандир бу олам, аста жилгай ё шитоб.

Билсанглар, мен ҳам Басрага бундан ёмонроқ аҳволда кириб борганман. Бу киши-ку Мисрга латталутталар билан оватини бекитиб кирган. Лекин, мен булар шаҳрига қип-яланғоч, бир қўлим билан орқамни, бир қўлим билан олдимни бекитиб кирганман. Менга ҳеч ким ёрдам бермади, фақат бир худо-ю, бир мана шу ҳурматли киши ёрдам берди. Воқеа мана бундай бўлганди:

Қароқчилар мени яланғоч қолдириб, туяларимни олдилар. Қул ва одамларимни ўлдирдилар, мен ўзимни ўлганга солдим. Улар мени ўлган деб гумон қилдилар-да, ёнимдан ўтиб кетдилар. Сўнг ўрнимдан туриб, Басрага киргунча яланғоч йўл кездим. Басрада мени мана шу киши қарши олди, кийинтирди. Уйига қўндириб тарбия қилди, пул, мол билан менга мадад берди. Мен келтирган нарсаларнинг ҳаммаси

дастлаб худонинг, қолаверса шу кишининг марҳамати-
тидир. Қайтишимда ҳам бу киши менга кўп нарса
берди. Мен ўз юртимга қайтишда бу кишидан нои-
лож зўрга айрилганман. Бу саховатли ва саодатли
киши эди. Афтидан, бу кишига бир офат етгану, ва-
танини ва бола-чақасини ташлаб кетишга мажбур
бўлган. Йўлда бу кишига ҳам худди менда юз берган
воқеа содир бўлган. Бу ерда ҳайрон қоларлик ҳеч
гап йўқ. Мен энди унинг яхшиликларини қайтаришга
ҳаракат қилишим ва шоирнинг қуйидаги шеърига
амал қилишим зарур.

Эй, замондан яхшилик кутган киши,
Хайру эҳсонларга кўз тутган киши!
Яхши ишлар қил яна, қайтар сенга,
Қайтса бахтинг, боисни айтар сенга»

Улар шу зайл сўзлашиб туришганида, бирдан
заргар Убайд кириб келибди. У худди савдогарлар
саркардаси каби салобатли бўлиб кетган эди. Ҳамма
уни оёққа туриб қарши олиб, ҳурматлашибди. Уни
тўрга ўтқазишибди. Қамаруззамон унга: «Эй дўс-
тим, кунингиз фаровонлик ва бахтлилик билан ўт-
син. Менга юз берган ташвишли воқеани сўзлаб
ўтирма. Қароқчилар сени ечинтириб молларингни
олиб кетган бўлса, унга ачинма. Пул қўлиниг кири-
бош-кўзнинг садақасидир. Хафа бўлма, эй дўстим, бош
омон бўлса тўппи топилади. Ахир, мен ҳам сенинг юр-
тингга яланғоч кириб боргандим-ку. Ушанда сен мени
кийинтирдинг, ҳурмат ва катта меҳрибонлик кўрсат-
динг. Мен уни қайтаришим керак»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



*Тузқиз юз
етмиш саккизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Қамаруззамон заргар Убайдга: «Мен сенинг шаҳрингга яланғоч кириб борган эдим, ўшанда мени кийинтириб, катта меҳрибонликлар кўрсатувдинг. Хафа бўлма, менга қилган яхшиликларингни ортиғи билан қайтараман»,— дея унинг кўнглини овлар ва у хотини ҳақида сўз очиб, унинг бевафолигини сўзлаб юбормасин, деб уни бетўхтов гапга тутарди. Шу сабабдан у ибратомуз ҳикоялар, мақоллар, шеърлар, ҳикматли сўзларни бир-бирига улаб заргарга бу мақсадни англатишга ва тасалли беришга ҳаракат қилар эди. Заргар ҳам Қамаруззамоннинг сир сақлаш ҳақидаги ишорасини тушуниб, ўз дардини пинҳон тутибди ва шоирнинг шу шеърини ўқибди:

Езди не пешонага тақдир? Билиш мумкин эмас,
Гар ўқиш мумкин бўлар бўлса, чунон йиғлар эдинг.
Шодсен донм, ушалса дилдаги орзу-ҳавас,
«Езмаган!» деб, шоду-хуррамликни, қон йиғлар эдинг.

Одамлар тарқалишгач, савдогар Абдураҳмон ўғли Қамаруззамон билан заргарни холи бир уйга олиб кириб, мусофирга қараб: «Одамлар маломатга қўймасин, деб бунгача сендан савол сўрамадим. Мана энди холи жойдамиз. Қани, ўзинг ва хотининг билан ўғлим ўртасида бўлган воқеани сўзла!»— дебди. Заргар ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб берибди. «Гуноҳ хотинингдами, ўғлимдами?»— дебди Абдураҳмон.

«Худо ҳақи,— дебди заргар,— ўғлингда ҳеч айб йўқ, чунки эрлар томонидан хотинларга истак бўлиши табиий. Лекин унга қаршилик қилмагач, хотин айблидир. Баски, айб хиёнатчи хотинимда».

Бу гапдан сўнг савдогар Абдураҳмон ўрнидан турибди-да, ўғлини бир четга чақириб, «Эй ўғлим, у хотиннинг жиноятчи, бузуқ эканини яхши билдик. Энди мен бу кишининг ўзини синаб кўроқчиман. Бу кишининг ўзи виждонли, тўғри кишимикин ёки қўшмачимикин, шуни билмоқчиман»,— дебди. «Қандай қилиб?»— дебди Қамаруззамон. «Аввал,— дебди отаси,— хотини билан ярашишга таклиф қиламан. Агар у хотинининг гуноҳини кечириб, ярашишга рози бўлса, қилч билан унинг калласини оламан. Сўнг хотинни ҳам жорияси билан бирга ўлдираман. Чунки бузуқлар билан қўшмачилар ўлимга маҳкумдир. Агар заргар хиёнатлари маълум бўлган бу хотиндан юз ўгирса, мен унга синглингни никоҳлаб бераман. Унга, сен ундан олган мол-дунёдан кўра кўпроқ маблағ ҳадя қиламан». У шундай дебди-да, заргар ёнига қайтиб: «Эй биродар,— дебди унга,— яхши биласизки, хотинлар билан яшаш алоҳида диққат ва эътиборни талаб қилади. Хусусан, уларни севгувчилар жуда кенг юрак бўлишлари зарур. Чунки хотинлар эрларни беаёв ранжитадилар. Улар ўз ҳусну жамолларига мағрур бўлиб, эрларни таҳқирлайдилар. Айниқса, эрларининг севишини билсалар, улар жуда кеккайиб, ҳар хил бемаза ишларга ҳам йўл қўядилар. Агар эр ўз хотинининг бўлар-бўлмас ҳаракатларидан ғазаблана берса, унда эр-хотин ўртасидаги аҳиллик, тотувлик кетади. Хотинларга фақатгина чидамли, оғир, кенг юрак одамлар ёқади. Агар эр киши хотинининг камчиликларини кечириб ўтмаса, у вақтда уларнинг ҳаёти зерикарли бўлади. Ахир,

улар ҳақида: «Агар хотинлар осмонда туришса, албатта, эрларнинг гардани осмонга қараб қотиб қолар эди», деган гап бор. Эр киши оғир бўлиб унинг гуноҳини кечирса, худо унга лойиқ мукофот беради. Бу хотин сенинг хотининг, дўстингдир. Сен у билан узоқ вақт яшагансан. Энди сенга унинг гуноҳини кечиш лойиқ ва муносибдир. Хотинлар билан яшашда муваффақият белгиларининг бири шу. Аёлларда ақл ва дин нуқсонлидир. Хотининг қилган гуноҳига афсус қилаётир. Худо хоҳласа, энди у олдин қилган номаъқулчилигини қайта қилмайди. Менинг фикримча, сен у билан ярашишинг керак. Сенга ўз молдунёнгдан кўра кўпроқ давлат бераман. Борди-ю, сен бизда қолмоқ истасанг, марҳамат қил, бош устига. Агар ўз шаҳрингга кетмоқ истасанг, сенга истасанг нарсангни бераман. Мана, тахтиравон, унга хотининг ва унинг жориясини ўтқаз-да, юртингга сафар қил. Эр-хотин орасида кўп нарса ўтади. Ундан ўтганларни кечириб, мурса қилишинг лозим».

«Эй хўжам,— дебди заргар,— қани менинг хотиним?»

«Хотининг мана бу уйда, ўрнингдан тур-да, менинг хурсандлигим учун у билан яраш, унга ташвиш берма,— дея Абдурахмон сўзида давом этибди,— ўғлим келтиргач, унга уйланмоқчи бўлди. Аммо мен уларни бир-бирларига яқинлаштирадим. Уни шу уйга киритиб, устидан қулфлаб қўйдим. Балки эри келар, шунда унга топшираман. Чунки у жуда чиройли, бундай хотинни эри ҳеч қачон ташламайди,— деб ўйлаган эдим. Қара, худди мен ўйлагандек бўлиб чиқди. Сен хотининг билан топишганинг учун худога шукурлар бўлсин. Мен ўғлимга бошқа хотин олиб бердим. Мана шу тўй ва зиёфатлар унинг шодлиги учун бўлаётир. Бу кеч келиннинг олдига кира-

ди. Ма, сен ҳам мана бу калитни ол-да, эшикни очиб хотининг ва жориянг ёнига кир, у билан кўришиб кўнглингни ёз, сизларга егулик, ичкулик бериб турадилар».

Савдогар Абдурахмон шундай деб калитни унга берибди. «Худо сенга катта мукофотлар ато қилсин, эй хўжам»,— дея заргар ундан калитни олибди-да, шодланиб, уй томон юра бошлабди. Савдогар Абдурахмон: «Менинг сўзларим унга ёқиб, рози бўлди шекилли»,— деб гумон қилибди-да, қилични қўлга олган ҳолда яширинча кетидан бориб, улар орасидаги гапни эшитиш учун кутиб турибди.

У кутиб турсин, энди заргарга келсак, у хотини турган уйга яқин борса, у Қамаруззамон бошқага уйлангани учун хафаланиб йиғлаб ўтирибди. Жория эса унга: «Эй маликам, бу йигитдан сенга яхшилик етмайди, бу билан дўстлашишдан кеч»,— деб сенга неча марта айтдим. Сўзимга қулоқ солмадинг, эрингинг ҳамма молини ўғирлаб бунга бердинг. Кейин ўз юртинг, ўз жойингни ташлаб унинг ишқида бу ерларга келдинг. Шундай қилсанг ҳам мана, у сени унутди. Бошқа бировга уйланди. Қилмишингнинг охири мана, қамоқ бўлди»,— дея дашном бераётганмиш.

«Тилингни тий, эй малъуна,— дебди у жориясига,— ҳозир у бошқага уйланаётган бўлса ҳам, барибир бир кун мени эслайди. Мен у билан бўлган тунги суҳбатларимизни унутмайман, ҳар қандай ҳолда ҳам шоирнинг қуйидаги сўзлари билан ўзимга тасалли бераман:

Аё эй хожалар! Едлармисиз ё йўқми? Билмаймен,
Бироқ, мен номингизнинг зикрини ҳеч қанда қилмаймен.
Умидим шу: унутмасиз мени, мен ҳам унутмасмен,
Тасаллилар бериб кўнгулга, ўзга йўлни тутмасмен.

У, албатта, мен билан бўлган муносабат ва суҳбатларни эслар, мени суриштирар, мен унга бўлган муҳаббатимдан қайтмайман. Унинг ишқида қамоқда ўлиб кетсам ҳам, майли. Ахир, у менинг суюклим, даволовчи табибимдир. Мен унга ташнаман. У албатта менинг олдимга қайтиб келади ва яна мен билан шодлик суҳбатини қуради».

Заргар хотинининг сўзларини эшитгач, шартта ичкари кирибди-да: «Эй жиноятчи, ифлос,— деб бақрибди,— сенинг унга чанқоқлигинг худди иблиснинг жаннатдаги чанқоқлигидекдир. Ҳамма айб сенда экан. Мен билмаган эканман. Агар мен бундай айбларингнинг бирортасини билганимда, ўз ёнимда бир дақиқа ҳам тутмаган бўлар эдим. Ҳамма айбингни энди билдим, жиноятим учун агар улар менинг бошимни олсалар ҳам, сени ўлдиришим керак». У шундай дебди-да, хотинини икки қўли билан маҳкам ушлаб, қўлидаги икки байтни ўқибди:

Эй гўзаллар! Сидду ижлосимин айлашда ҳалок.

Эттингиз тухмат тоши бирла ҳуқуқим поймол!

Бир замон ҳижрон менинг кўксимни қилган бўлса чок,
Жирканурмен энди, қайғу келтирур васфи висол!..

Сўнг у хотинининг кекирдагидан ушлаб бўғиб ўлдирибди. Буни кўрган жория: «Эй хўжам!»— деб фарёд кўтарибди. «Эй бузуқ йўлга тушган ифлос, шарманда, сен ҳам барча ишни била туриб, менга айтмагансан»,— дебди-да, уни ҳам бўғиб ўлдирибди.

Бу воқеаларнинг ҳаммасини савдогар Абдурахмон эшик орқасида қилич кўтариб турган ҳолда эшитиб ўз кўзи билан кўрибди. Бировнинг уйда икки кишини ўлдиргани учун заргар қаттиқ ваҳимага тушибди. У ишнинг оқибатидан хавфсираб ўзича:

«Агар, савдогар буларни ўлдирганимни билса, мени ўлдиради. Лекин худодан жонимни имон билан олишини сўрайман»,— дебди-да, ҳар хил хаёлларга ғарқ бўлибди. У нима қилишини билмай, шундай саросимада турганида бирдан савдогар Абдурахмон кириб келибди-да: «Зарари йўқ, сен ишни осонлаштирдинг, қўлимдаги мана бу қилични кўрдингми? Агар унинг гуноҳини кечириб, у билан ярашганинда, олдин сени ўлдирмоқчи бўлиб яшириниб турган эдим. Сен ҳақиқий эрларча иш қилдинг. Сенга минг раҳмат. Мукофот учун сенга Қамаруззамоннинг синглиси — ўз қизимни бераман»,— дебди.

Сўнг савдогар у билан бирга ташқари чиқиб, ғассол чақиртирибди. Ҳамма ёққа: «Абдурахмон савдогарнинг ўғли Қамаруззамоннинг Басрадан олиб келган иккита жорияси ўлибди»,— деган хабар тарқалибди. Одамлар таъзияга кела бошлабдилар. Улар: «Бошинг омон бўлсин, худо сабр берсин»,— дер эдилар. Сўнг уларни кафанлаб кўмибдилар. Ўшнинг аслини ҳеч ким билмабди.

Энди савдогар Абдурахмонга келсак, у Шайхулислом ва бошқа казо-казоларни чақириб: «Эй, Шайхулислом, менинг қизим Кавкабу Сабоҳ билан заргар Ubайднинг турмуш қуришлари учун никоҳ хати ёз. Унинг маҳри менинг қўлимга мукамал келиб теккан»,— дебди.

Шайхулислом никоҳ хати ёзибди. Савдогар уларни ҳар хил ичимликлар билан меҳмон қилибди. Заргар билан Қамаруззамоннинг никоҳ тўйлари бирга ўтибди. Шайхулисломнинг қизи билан Қамаруззамоннинг синглиси Кавкабу Сабоҳни бир тахтиравонга солиб бир кечада узатибдилар. Кечқурун Қамаруззамон Шайхулисломнинг қизи ёнига, заргар Ubайд эса савдогар Абдурахмоннинг қизи ёнига ки-

рибди. Заргар Убайд қиз ёнига кирар экан, унинг ўз хотинидан минг қатла гўзал эканлигини кўриб шодланибди. Тонг отгач, Қамаруззамон билан заргар Убайд бирга ҳаммомга кетибдилар. Шу тарзда бир қанча вақт уларникида шоду хуррамлик билан ҳаёт кечирган заргар ниҳоят ўз шаҳрини соғинибди-да, савдогар Абдураҳмон ёнига кириб: «Эй амаки, мен ўз юртимни соғиндим. У ерда менинг мулкларим, ер-сувларим бор. Дўконимда халфаларимдан бирини қолдирганман. Менда ўз юртимга қайтиш орзуси туғилди. Мен бориб молу мулкимни сотиб қайтмоқчиман. Рухсат берасизми?»— дебди.

«Эй ўғлим,— дебди савдогар Абдураҳмон,— мен сенга бошдаёқ рухсат берганман. Бу ишда ўнка қилишга ўрин йўқ. Чунки ватанни севиш имон белгисидир. Ўз юртида яхшилик кўрмаган киши бошқа юртда ҳам яхшилик кўрмайди. Эҳтиётдан хотинингни ҳам бирга олиб кет. Мабодо сенга у ер ёқиб қолса, хотининг ёнингда, бемалол тура берасан. Сўнг яна қайтиб келишни истасанг, бош устига, яна яхши, мана жой, марҳамат, сенга ҳам, хотинингга ҳам етади. Биз талоқни билмайдиган одамлармиз. Бизда хотинлар икки марта эрга чиқмайди. Биз арзир-арзимасга муносабатни узмоқликни истамаймиз». «Эй амаки, қизингиз бизнинг шаҳарга мен билан боришга рози бўлмас деб қўрқаман»,— дебди заргар. «Бизда эрларига қаршилик қилувчи хотинлар йўқ, эрларининг бир сўзини икки қилувчи хотинни мен билмайман»,— дебди савдогар. «Сизларга ҳам раҳмат, сизнинг юртингиздаги хотинларга ҳам раҳмат»,— дебди-да, хотини ёнига кириб: «Ўз шаҳримга қайтсам деган орзум бор, бунга сен нима дейсан?»— дебди. «Мен турмушга чиққунимча,— дебди қиз,— отамнинг ихтиёрида эдим. Эрга чиққанимдан сўнг ҳамма ихти-

ёр эримнинг қўлида, мен қарши эмасман». «Сенга ҳам, отанга ҳам раҳмат. Сени туғиб, оқ сут бериб катта қилган онанга минг раҳмат»,— дебди заргар.

Шундай қилиб, у сафарга ҳозирланибди. Қайнатаси унга кўп совғалар берибди. Бир-бирлари билан хайрлашиб, ниҳоят хотини билан йўлга тушибди.

Бир неча кун йўл юриб, ниҳоят Басрага етишибди. Дўст хеш-ақраболари уни кутиб олибди. Улар заргар Убайдни ҳажга борган деб билар эдилар. Унинг Басрага қайтиб келганидан баъзилар шод, баъзилар хафа эди. Одамлар бир-бирларига: «Аввалги одатига мувофиқ яна ҳар жума бизни масжидларга, уйларга қамаб қийнашади, ҳаттоки ит, мушукларимизни ҳам қамайди»,— дер эдилар.

Энди Басра шоҳининг воқеасини эшитинг. Унинг келганини эшитган шоҳ, одам юбориб уни ўз ҳузурига чақиртирибди-да, койий бошлабди: «Сафарга чиқмоқчи экансан, нега кетишингни менга билдирмадинг, ахир мен Байтуллоҳ зиёратига боришинг учун бирор ёрдам беришдан ожиз эдимми?»— дебди. «Кечиринг, эй хўжам,— дебди заргар шоҳга.— Мен ҳажга бормадим. Мен бошимдан шу-шу ҳолларни кечирдим».

Заргар хотини ва мисрлик савдогар Абдурахмон ҳақидаги воқеаларни ҳамда савдогар ўз қизини унга никоҳлаб бергани, ниҳоят у ўзи билан уни олиб келгани ҳақида сўзлаб берибди.

«Худо ҳақи,— дебди шоҳ хитоб қилиб,— агар худодан қўрқмаганимда сени ўлдириб, бутун бойлигим сарф бўлса ҳам у аслзодани ўзимга хотин қилиб олар эдим. Чунки у фақат шоҳларгагина муносиб экан. Лекин уни худо сенга насиб қилибди. Унга яхши ғамхўрлик қил». Сўнг шоҳ заргарга катта илтифотлар қилибди.

Заргар хотини билан беш йил умр қилгач, бандаликни бажо келтирибди. Унинг вафотидан сўнг шоҳ унинг хотинини ўзига сўратган экан, лекин у: «Эй шоҳ, мен ўз элимда эридан сўнг бошқа эрга теккан бирор хотинни кўрмаганман. Мен ҳам мутлақо бошқа эрга чиқмайман»,— деб рози бўлмабди. Сўнг шоҳ одам юбориб юртига кетиш хоҳишини сўратибди. «Ердам берганлар мукофотланадилар»,— дебди қиз. Шоҳ заргарнинг бутун молларини тўплатиб, ўзи ҳам ўз номига муносиб ҳадялар қўшибди-да, фақат яхшилик билан ном чиқарган ўз вазирларидан бирини беш юз отликқа бош қилиб жўнатибди. Вазир уни ўз отасига элтиб топширибди. Қиз то умрининг охиригача эр қилмай танҳо ўтибди.

Эри ўлгандан сўнг ҳам ҳатто шоҳга тегишга рози бўлмаган бу хотинни, эри бўла туриб, унга хиёнат қилган, таги тахти номаълум ёш йигит билан ғайри шаръий ишлар қилган у хотинга қандай тенглаштириб бўлади. Қимки, хотинларнинг ҳаммаси бир хил бўлади, деб ўйласа, ҳеч шубҳасиз, у тузалмас касалга йўлиққан девонадир.

АБДУЛЛО ИБН ФОЗИЛ ВА УНИНГ БИРОДАРЛАРИ

Яна шундай ҳикоя қиладилар. Эй, саодатли шоҳ, кунлардан бир кун халифа Ҳорун ар-Рашид шаҳарлар хирожини текшириб кўрибди. Қараса, ҳамма шаҳарларнинг хирожи хазинага келиб етгану, фақат Басра хирожигина йўқ.

Халифа девон чақириб: «Вазир Жаъфарни ҳузуримга келтиринглар!»— дебди. Вазир келгач, «Ҳамма ердан хирож хазинага келиб тушгану, фақат Басрадан келмаган. Нега ундай?»— деб сўрабди.

«Эй амир-ал муъминин, Басра ҳокимининг бирор иши чиқиб, хирож юборишни кечиктирган бўлса керак»,— дебди Жаъфар. «Юбориш муддатидан йигирма кун ўтиб кетди. Кечиктириш сабабини шу вақтгача бирор киши орқали ҳам маълум қилмабди»,— дебди халифа. «Агар хоҳласангиз, унга элчи юборамиз»,— дебди вазир халифага. «Унга латифагўй Абу Исҳоқ Мавсилиийни юбор»,— дебди халифа. «Бош устига»,— дебди вазир. Вазир уйига келиб, Абу Исҳоқ Мавсилиийни чақиртирибди-да, узундан-узоқ мактуб ёзиб узатар экан: «Сен,— дебди вазир,— Басра ҳокими Абдулло ибн Фозилга боргин-да, хирожнинг кечиктирганлик сабабини бил, сўнг Басра хирожини жамғариб, тезлик билан менга келтириб бер. Чунки, халифа хирожларни текшириб қараса, ҳамма шаҳардан хирож келгану фақат Басрадан келмаган. Агар хирож тайёр бўлмаса, у ҳолда Абдуллонинг ўзини бирга олиб кел, сабабларини халифага ўз оғзи билан сўзласин». Абу Исҳоқ: «Бош устига»,— дебди-да, беш юз отлиқ билан бирга йўлга тушибди. Бир неча кун йўл юриб Басра шаҳрига етибди. Бунинг келишини билган ҳоким, аскарлари билан унга пешвоз чиқиб кутиб олибди. Аскарларни шаҳар ташқарисида қолдириб, вазирни ўзи билан бирга Басрага олиб келибди-да, ўз тахтига ўтқазибди. Абу Исҳоқ тахтга ўтириб, Абдуллони ёнига чақирибди. Давлат арбоблари ҳам ўз мартабаларига лойиқ ўринлардан жой олишибди. Саломлашгандан сўнг Абдулло ибн Фозил:

«Эй ҳурматли зот, бизга келишингизга сабаб не бўлди экан?»— деб сўрабди. «Менинг келишимнинг сабаби шуки,— дебди Абу Исҳоқ,— халифа талаб қилган хирожни олиб кетгани келдим. Хирож тўлаш муддатидан ўтиб кетди». «Йўл қийинчиликларини

тортиб, чакки овора бўлибдилар,— дебди Абдулло,— хирож тайёр, ҳаммаси мукаммал. Эртага юбормоқчи бўлиб турган эдим. Ўзингиз келибсиз, энди сизга топшираман. Лекин уч кун бизда меҳмон бўлганингиздан сўнг, тўртинчи кун бераман. Чунки сиз ва амир-ал мўминин хўрматларига туҳфа тақдим қилишимиз керак». «Зарари йўқ»,— дебди Абу Исҳоқ.

Сўнг Абдулло мажлисдагиларга жавоб бериб, у билан саройдаги қасрга кирибди. Қаср ниҳоятда зийнатланган эди. Дастурхонлар ёзилиб, нозу неъматлар қўйилибди. Улар еб-ичиб, шодланибдилар. Сўнг дастурхон йиғилиб, қўллар ювилгач, қаҳва ва ичимликлар келтирилибди. Улар ярим кечагача сўзлашиб ўтирибдилар. Абу Исҳоққа фил суякларидан ясалган, олтин суви юритилган чорпоёга ўрин солиб берибдилар. Басра ҳокими Абдулло эса, унинг ёнидаги бошқа бир чорпоёда ётибди.

Негадир Абу Исҳоқнинг уйқуси қочиб, тизма нутқлардаги шеърини ўлчовлар ҳақида фикр юрита бошлабди. Чунки, у халифанинг энг яқин ҳамтовоқларидан бўлиб, нозик ҳикоя ва шеърда гоят маҳоратли киши эди. У шеър яратиш фикрида нақ азонгача тунни бедор ўтказибди. У ҳамон ўйлаб ётар экан, ҳоким Абдулло ўрнидан туриб, камарини боғлабди-да, қиличини олиб, қўлида шам билан қасрдан чиқиб кетибди. У Абу Исҳоқ ухлаб ётибди, деб ўйлаган эди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

«Офарин,— деди ҳикояни берилиб тинглаётган шоҳ ичида,— гоят доно экансан. Қани, ҳикоянинг буёғида нима бўларкин, тамом эшитиб бўлмагунимча яхшиysi уни ўлдирмай тура турай».



*Тўққиз юз
етмиш
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Басра ҳокими Абдулло ибн Фозил қаср эшигидан чиқар экан, Абу Исҳоқ ухлаб ётибди, деб ўйлабди. У кетгач, Абу Исҳоқ: «У бу қилич билан шу вақтда қаёққа борар экан,— деб таажжубланибди.— Балки бирор одамни жазоламоқчидир, ҳар ҳолда мен кетидан боришим, нима қилишини билишим керак»,— дебди-ю, у ҳам ўрнидан туриб, қорама-қора унинг орқасидан бораверибди. Қараса, Абдулло бир омборчани очиб, ундан ҳар хил нон билан овқат ва озгина суви бор бир идишни олибди-да, бошқа бир уйга кирибди. Абу Исҳоқ эса эшик тирқишидан кузатиб турибди. Уй кенг бўлиб, қиммат баҳо гиламлар тўшалган экан. Уйнинг ўртасида фил суягидан ишланиб, қизил олтин билан безалган чорпоя турарди. Чорпояга иккита ит олтин занжирлар билан боғлаб қўйилган эди. Абу Исҳоқ ҳамма воқеани аниқ кўриб тураверибди. Қараса, Абдулло ҳалиги идишни бир четга қўйибди-да, қиличини ялангочлаб ҳалиги итларнинг бирини ечиб юборибди. Ит унинг олдида жилпанглар, худди унга қуллуқ қилиб, ер ўпаётгандай тумшуқларини ерга суриб, аста-секин ангиллар эди. Абдулло унинг думларидан бураб ерга улоқтирибди ва қилични қўлга олиб, уни беаёв ура бошлабди. Ит унинг қаршисида тўлганиб, буралишдан бошқа чора топа олмас эди.

Абдулло то ит ҳушидан кетиб, йиқилгунча ураверибди. Сўнг уни ўз жойига боғлаб, иккинчисига худди шундай азоб берибди. Шундан кейин у даст-

рўмол олиб, итларнинг кўз ёшларини артиб, юпата бошлабди-да, ачиниб: «Хафа бўлиб мендан ўч олишни ўйламанглар, худо ҳақи, бу менинг хоҳишим билан эмас, менга енгил тутманглар. Зора худо бизларга бу аламдан қутулишни насиб қилса»,—дебди. Бу ишларнинг ҳаммасини латифагўй Абу Исҳоқ ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитиб турарди. У жуда ҳайрон бўлибди. Сўнг Абдулло итларга дастурхон ёзибди. Ўз қўли билан уларга тўйгунларича овқат едирибди. Уларнинг қўлларини артибди. Сўнг идишдаги сувни келтириб ичирибди. Ниҳоят у идишларни олиб чиқар экан, Абу Исҳоқ ундан олдин бориб, ўз чорпоясига ётиб олибди. Абдулло уни кўрмабди ва унинг кетидан борганини ҳам, кўриб турганини ҳам сезмабди. У идишларни олган ерига қўйиб, қасрга кирибди ва ечиниб ётибди-да, уйқуга кетибди.

Энди Абу Исҳоқ тўғрисига келсак, у бу тўғрида ўйлаб, ҳайрон бўлиб тонг оттирибди. Тонг отгач туриб, эрталабки намозни ўқибдилар. Сўнг овқатланиб бўлишгач, ўз ишлари билан машғул бўлибдилар. Абу Исҳоқ кун бўйи хаёл суриб юрибди-ю, лекин у бу сирни яшириб, Абдуллодан сўрамабди. Иккинчи кеча ҳам Абдулло худди шундай, итларни роса уриб, сўнг силаб-сийпаб овқат берибди. Абу Исҳоқ биринчи кечадаги каби шу тун ҳам орқасидан яширин пойлаб бориб ҳаммасини ўз кўзи билан кўрибди. Учинчи кечада ҳам айни ҳол такрорланибди.

Абдулло Абу Исҳоққа тўртинчи кун хирожни топширибди. Абу Исҳоқ хирожни олиб йўлга тушибди-ю, аммо кўрган воқеаси ҳақида унга ҳеч нарса демабди. Абу Исҳоқ бир неча кун йўл юриб Бағдодга етибди. Хирожни халифага топширибди. Халифа ундан хирожнинг кечикиш сабабини сўрабди.

«Эй, амир-ал мўминин,— дебди Абу Исҳоқ халифага,— Басра ҳокими хирожни тайёрлаб юбормоқчи бўлиб турган экан. Агар мен бир кун кечикканимда, у билан йўлда учрашар эканмиз. Аммо, эй, амир-ал мўминин, мен у ерда умримда кўрмаган қизиқ бир воқеани кўрдим».

«У қандай воқеа, эй Абу Исҳоқ»,— дебди халифа. Шундай-шундай деб, Басра ҳокимининг икки итга муомаласини сўзлаб берибди: «Уч кеча узлуксиз шундай қилганини кўрдим. Ҳар кун у бирин-кетин икки итни урар, сўнг уларни овутиб юпатар, ўз қўли билан овқат едирар, сув ичирарди. Мен бунақа ишни умримда кўрмаганим учун жуда ҳайрон қолдим»— дебди. «Бунинг сабабини сўрадингми?»— дебди халифа унга. «Бошингиз саломатлиги ҳурмати учун эй амир-ал мўминин сўрамадим»,— дебди Абу Исҳоқ.

«Сенга буюраман, эй Абу Исҳоқ. Басрага қайтиб бор-да, Абдуллонинг ўзини ўша икки ит билан бирга олиб кел»,— дебди. «Эй амир-ал мўминин, мени шундан қутқазинг, чунки Абдуллоб менга ҳаддан ортиқ зўр ҳурмат кўрсатди. Бу ҳолни мен ўйламай-нетмай сизга айтиб қўйдим. Энди мен қандай қилиб қайтиб бораман-да, уни олиб келаман. Қайтиб борсам, уялганимдан унинг бетига қаролмайман ҳам. Бас, ўз қўлингиз-ла ёзилган фармон билан бошқа бировни юборишингиз яхшироқ»,— дебди Абу Исҳоқ. «Сендан бошқани юборсам,— дебди халифа,— эҳтимол, у бу ишдан тонар, менинг итим йўқ деб жавоб берар. Аммо, сени юборсам, сен унга, «ўз кўзим билан кўрдим» дейсан, шунда у тонолмайди. Шунинг учун бориб итлари билан уни шахсан ўзинг олиб келишинг керак. Бўлмаса, ўлдирилишинг муқаррар».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
саксонимчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— халифа Ҳорун ар-Рашид Абу Исҳоққа: «Албатта, ўзинг Басрага бориб Абдуллони ити билан бирга келтиришинг керак. Бўлмаса ўлдирилишинг аниқ»,— дебди.

«Бош устига, эй амир-ал мўминин, худо ўзи раҳнамодир, «киши ўз тилидан илинади», деб жуда тўғри айтганлар. Мен ҳам бу ташвишни ўзимга ўзим орттирдим.

Лекин, эй шоҳ, сиз бениҳоя юксак шарафли фармон ёзинг, мен бориб уни сизга келтирай»,— дебди у.

Шоҳ худди шундай фармон ёзибди. Абу Исҳоқ бу фармонни олиб Басрага жўнабди. У Басра ҳокими олдига кириши билан Абдулло: «Илоҳим улуғ тангри ўз кулфатидан сақласин, эй Абу Исҳоқ, не сабабки, бундай тез қайтдинг? Балки хирож каму уни халифа қабул қилмагандир»,— дебди. «Эй, амир Абдулло, менинг қайтишим хирож боисидан эмас, хирож каму кўстсиз, халифа уни қабул қилиб олди. Лекин сен мендан ранжиб хафа бўлмаслигингни иштижо қиламан. Чунки сенинг ҳақингда мен бир хато иш қилиб қўйдим. Бу хато менга худо томонидан азалда ёзилган бўлса керак»,— дебди. «Қандай хатолик, эй Абу Исҳоқ, қани айт, сен менинг дўстимсан, сендан ранжимайман»,— дебди Абдулло.

«Эй, Абдулло,— дебди Абу Исҳоқ,— мен сенинг уйингда турганимда уч кеча узлуксиз сенинг бир ишингни сездим. Ҳар кеч сен ярим кечада туриб итларга азоб бериб, сўнг қайтиб ётар эдинг. Мен

бунга жуда ҳайрон бўлдим. Аммо ўзингдан сўрашга истиҳола қилдим. Мен бу воқеани ўйламай-кетмай бехосдан халифага айтиб қўйдим. Халифа сени олиб келишимни лозим топди. Мана унинг ўз қўли билан ёзилган фармон. Агар иш шунга бориб тақалишини билганимда, мутлақо айтмаган бўлар эдим. Тақдир шунга элтди».

Абу Исҳоқ узр айтар экан, Абдулло унга: «Модомики, сен бу сўзни халифага эшиттирибсан, сен халифа наздида ёлғончи бўлиб қолма, мен буни тасдиқлаб бераман. Чунки сен менинг дўстимсан. Агар бу хабарни халифага сендан бошқа одам етказганда, мен тониб, хабар берувчини ёлғончига чиқарар эдим. Сен туфайли халифа олдига итларни бирга олиб бораман. Агар бу ишда бошимни олга ҳам майли, бораман»,— дебди.

«Сен шоҳ олдида юзимга қалқон бўлдинг. Худо илоҳим сенга ҳам халифа олдида қалқон ато қилсин»,— дебди Абу Исҳоқ.

Сўнг Абдулло шоҳга муносиб тухфалар ҳозирлаб, олтин занжирга боғланган икки итини ўзи билан бирга олибди-да, туяда Бағдод сари йўл олишибди. Бағдодга етгач, халифанинг ҳузурига кирибдилар. Абдулло шоҳ олдида ер ўпибди. Шоҳ ўтиришга рухсат этибди. У ўтирибди. Итлар унинг ёнида турар эдилар.

«Бу қандай итлар, эй, амир Абдулло?»— деб сўрабди халифа. Итлар шоҳ олдида ер ўпгандай, қулоқларини қимирлатар, йиғлаб шоҳга шикоят қилаётгандай бўлар эдилар. Буни кўриб халифа ҳайрон бўлибди. «Эй, Абдулло,— дебди халифа,— бу итлар воқеасини айт, буларни аввал уриб, сўнг ҳурмат кўрсатишингнинг сабаби нима?»

«Эй, амир-ал мўъминин, булар ит эмас, жуда

кўркам, жуда келишган ёш йигитлар эди. Булар менинг биродарларим, ота-онамнинг ўғилларидир»,— дебди амир. «Одам бўлса қандай қилиб итга айланиб қолдилар?»— дебди халифа. «Агар рухсат этсангиз, воқеанинг аслини сўзлайман»,— дебди Абдулло. «Қани айт, бўлмаса!— дебди халифа.— Лекин ёлғон гапирма, ёлғончилик иккиюзламачилар қилиғидир. Ростгўй бўл, тўғрилиқ қутулиш кемаси ва яхшилар феълидир».

«Биягил, эй амир-ал мўъминин, — дебди Абдулло, одоб ва ҳурмат-эҳтиром билан, — мен булар тўғрисида гапирганимда, улар менинг гапимга гувоҳ бўлиб турадилар. Рост сўзласам тасдиқлаб, ёлғон сўзласам инкор қиладилар».

«Бу итлар сўзлашга қодир эмаслар-ку, қандай қилиб сенинг тўғри гапингни тасдиқлаб, нотўғрисига қарши гувоҳ бўла оладилар»,—дебди халифа. Абдулло итларга: «Эй биродарлар, мен агар ёлғон сўзласам, бошларингизни юқори кўтариб, кўзларингизни олайтиринглар, рост сўзласам, бошларингизни қуйи солиб, кўзларингизни юмиб туринглар»,— дебди-да, сўзлай бошлабди:

«Эй халифа, бизлар бир ота-ю бир онадан учта ака-укалармиз. Отамизнинг номи Фозил эди. Бундай от қўйилишининг сабаби шунда эдики, бобомизнинг аввалги хотини икки ўғил (эгизак) туққан. Бирини ўша заҳоти ўлган. Иккинчиси саломат қолган. Отаси уни Фозил деб атаган. У эс-ҳушини танингунча ота жуда яхши тарбия қилган-да, сўнг бизнинг онамизга уйланган. Бизнинг онамиз дастлаб мана бу акамни туққан. Отамиз унга Мансур деб ном берган, сўнг мана бу акамни туққан. Отам бунга Нусрат деб от қўйган. Отам бизларни балоғатга етгунимизча тарбиялаб, сўнг ўлган. Отамдан бизларга ҳар хил уй,

хуросон, ҳинд, рум кийимликлари ва мол тўла дўкон ва бошқа нарсалар қолган. Шу билан бирга олтмиш минг динар ҳам қолган.

Отамиз ўлгач, уни ювдирдик, гўр кавлатиб дафи қилдик. Савоби тегсин, деб унга худойи қилдик, куръон ўқитдик, унга атаб садақа-эҳсонлар қилдик. Шундан сўнг мен савдогарлар ва юрт улуғларини чақириб, катта зиёфат бердим. Улар еб-ичиб бўлгач, мен: «Бу дунё ўткинчидир. Доимий дунё охиратдир. Бу қутлуг кунда мен сизларни чақиришдан мақсадим нима эканини биласизларми?»— дедим. «Ҳамма сирларни билувчи тангрига олқишлар бўлсин»,— дедилар улар. «Отамиз бизларга кўп дунё қолдириб кетди. Отамнинг ҳеч кимдан қарзи, олди-бердиси йўқмикан деб қўрқаман. Агар қарзи бўлса, уни тўлаб, отамни жавобгарликдан қутқарсам деган умид-даман»,— дедим.

«Эй Абдулло,— деди савдогарлар,— бу дунёни у дунёга сотиб бўлмайди. Бизлар ярамас одамлар эмасмиз, ҳар биримиз ҳалолдан ҳаромни фарқ қилувчилармиз. Худодан қўрқамиз, етимлар нонини ейишдан яна қўрқамиз. Биз биламиз, худо раҳмат қилгур отангнинг моли ҳар кимларда қолар эди-ю, ўз гарданида ҳеч кимнинг молини қолдирмас эди. Бизлар ҳар вақт унинг: «Мен бировлар молидан қўрқаман»,— деган сўзини эшитар эдик, у доим: «Эй худо, сендан бировлардан қарздор бўлган вақтимда ўлдирмаслигингни сўрайман»,— деб илтижо қилар эди. Унинг одати агар, унда бировнинг нарсаси бўлса, у сўрамасдан олдин берар эди. Агар унинг бировдан оласи бўлса, сира сўрамас, балки унга «шошилма»,— дер эди. Агар у одам камбағал бўлса, қарздан кечиб, уни жавобгарликдан қутқарар эди. Агар биров ўлса, гарчи у камбағал бўлмаса-да, қарзидан кечар

эди. «Улган бечорани мендаги қарзини худо кечирсин»,— деб дуо қилар эди.

Унинг ҳеч кимдан қарзи йўқлигига биз ҳаммамиз гувоҳ бўламиз». «Сизларга худо раҳмат ёғдирсин»,— дедим мен.

Сўнг мен мана шу иккита акаларимга қараб: «Эй биродарлар, отамизда ҳеч кимнинг ҳақи йўқ экан. Бизга отамиздан мол, пул, уй, дўконлар қолди. Биз уч биродармиз. Ҳар биримизга мана шу молларнинг учдан бири тегади. Буюмларни бўлмай, ҳаммамиз иттифоқ бўлиб бирга еб, бирга ичаверамизми ёки тақсим қилиб, ҳар ким ўз ҳиссасини олсинми?»— дедим. Улар бўлса: «Тақсим қиламиз»,— дедилар. У шундай дебди-да, итларга қараб: «Шундай бўлганми?»— деб сўрабди. Худди «ҳа» дегандай итлар бошларини қуйи солиб, кўзларини юмибдилар. «Сўнг мен,— деб давом этибди Абдулло,— қозиликдан тақсимчи олиб келдим, эй амир-ал мўъминин! Тақсимчи отамдан қолган молларнинг ҳаммасини учаламизга баб-баравар тақсим қилди. Менга тегишли бўлган бошқа нарсалар бараварига дўкон билан уйни менга тайинлади. Биз шунга рози бўлдик. Уй билан дўкон менинг ҳиссамга ўтди. Акаларим ўз ҳиссаларини пул ва бошқа моллардан олдилар. Мен дўкон очдим. Мол сотдим. Уй билан дўкондан ташқари менга теккан пулларга ҳам яна мол олдим. Дўкон молга тўлди. Мен олди-сотди қила бошладим. Менинг акаларим мол олиб, кема ёллаб, денгиз бўйлаб бошқа юртларга кетдилар. «Худоё буларга оқ йўл ато қил, мен шу ерда ҳам бир кунимни кўрарман. Ахир, ҳаммадан тинчлик яхши, у бебаҳо нарса» дердим. Роса бир йил шу ишимни давом эттирдим, кўп фойда кўра бошладим. Ҳатто бир йилда молу дунём отамдан ҳаммамизга қолган мерос билан тенглашди. Иттифо-

қо, кунлардан бир кун дўконда савсар ва олмахон терисидан тикилган иккита пўстин кийиб ўтирган эдим. (Чунки энг қаттиқ совуқ кунлар эди.) Бирдан акаларим келиб қолишди. Улар фақат эски йиртиқ кўйлақда бўлиб, лаблари совуқдан оқариб кетган, титрар эдилар. Мен уларни бу ҳолда кўриб, ачиниб, хафа бўлдим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
саксон биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Абдулло ибн Фозил халифага: «Мен акаларимни титраб турганларини кўргач, улар аҳволига қайғуриб, ачиндим. Ақлим бошимдан учди, улар билан қучоқлашиб кўришдим ва аҳволларини кўриб хафа бўлиб йиғладим»,—дея куюниб сўзлай кетди.— Биттасига савсар пўстин, иккинчисига олмахон пўстин кийгиздим. Ҳаммомга олиб бориб, уларга

қиммат баҳо савдогарлар кийимларини кийгиздимда, тўғри уйга олиб келдим. Улар жуда оч эканлар. Дастурхон ёзиб, бирга овқатландик. Ҳазил-мутойиба-лар билан кўнгилларини овладим».

У шундан сўнг итларга қараб: «Шундай бўлганми, эй биродарлар?»— деб сўрабди. Улар бошларини қуйи солиб, кўзларини юмибдилар.

«Сўнг мен, эй амир-ал мўъминин, улардан: «Сизларга нима бўлди, молларингиз қани?»— деб сўрадим. «Биз денгиз бўйлаб йўл кезиб, Куна деган шаҳарга етдик,— деб гап бошладилар.— У ерда ярим динорлик молларимизни ўн динордан, бир динорлик-

ни йигирма динордан сотиб, жуда кўп фойда кўрдик. У ердан бир кийимлиги ўн динор турадиган ажам ипак кийимликларни сотиб олдик. Басрада бу мол қирқ динор турар эди. Биз Курх деган шаҳарга элтиб сотдик. Катта фойда кўрдик. Пулларимиз кўпайиб кетди. Улар турли шаҳарларда кўрган фойдаларини гапиришар экан, мен улардан: «Шунча фойда топиб, шундай хурсанд бўлган экансизлар, нега бундай ҳолга тушиб қолдинглар?»— деб сўрадим.

«Эй ука,— дедилар улар,— бизга кўз тегди. Ахир, сафар бехатар эмас деганларидай, йиққан-терганимизни кемага ортиб, Басрага қараб йўл олдик. Уч кун йўл юрдик. Тўртинчи кун денгизда тўфон кўтарилди. Сув чайқалиб гоҳ кўтарилар, гоҳ пастга тушар, гоҳ алоҳида овоз чиқариб ҳайқирар, кўпирар эди. Тинимсиз тўлқин дам у ёққа, дам бу ёққа тўлганиб гуриллар, бир-бирига урилиб, аланга каби учкун сочар эди. Беаёв шамол кемамизни тоғ тубига обориб урди. Кема синди. Биз чўка бошладик. Ҳамма нарсаларимиз сувга чўкиб кетди. Биз бир кечакундуз сув юзида қалқиб юрдик. Бахтимизга худо бизга бошқа бир кема етказди. Кемадагилар бизни қутқариб олдилар. Биз бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ўтар эканмиз, тиланчилик билан кун кечириб юрдик. Бошимиздан қаттиқ қийинчиликлар кечирдик. Эгнимиздаги кийимларимизни ҳам сотиб едик. Худоба шукурлар бўлсинким, минг машаққатлар билан Басрага етиб олдик. Агар жамғарган молларимизни саломат олиб кела олганимизда, шоҳлар бойлигига тенг мол келтирган бўлар эдик. Не илож, пешонамизда бу кўргулик бор экан».

«Эй акалар, бунга хафа бўлманглар, мол деган нарса топилади, ўзларингизнинг саломат қолганингиз

катта ютуқдир,— дедим мен уларга,— худо сизларга саломатликни насиб қилибди, бунга миннатдор бўлиш керак. Бойлик, камбағаллик хаёл сояси каби нарсадир. Шу байтни айтган кишини худо раҳмат қилсин.

Ҳар фалокатга сени бошловчи молу оқчадир,
Бу фалокатдан қутулгач, у ҳаром тирноқчадир».

Сўнг мен уларга: «Отамиз бугун ўлиб, барча мерос менда қолган деб фараз қилайлик. Мен ўзимдаги мол-дунёни баравар тақсимлаб бераман»,— дедим-да, қози маҳкамасидан тақсимчини чақириб келдим. Унга ҳамма молларимни кўрсатиб, «Бу молларни учга бўл!»— дедим. У тақсим қилди. Ҳар биримиз ўз ҳиссамизни олдик. Сўнг мен уларга: «Эй акалар, худо одамга ўз шаҳрида ҳам ризқ беради. Ҳар бирингиз дўкон очиб, савдо билан шуғуллансангизлар ёмон бўлмас эди»,— дедим-да, уларнинг ҳар бирига алоҳида дўкон очиб, дўконларини хилма-хил моллар билан тўлдириб бердим. Сўнг мен уларга: «Олинглар, сотинглар, пулни ҳеч нарсага сарф қилмай, йиғинглар. Ейиш, ичиш ва бошқаларга мендан олинглар»,— дедим. Ҳар вақт уларга катта ҳурмат кўрсатиб турдим. Кундузлари олди-сотди қилиб, кечаси меникида ётишарди. Пулларини ҳеч нарсага сарф қилдирмас эдим.

Мен улар билан ўтирганимда улар ҳадеб мусофирликни мақтар, унинг фазилатларини, фойдагарлигини эслар эдилар. Ишқилиб, улар мени ҳам бирга сафар қилишга қизиқтирар эдилар. Абдулло итларга қараб: «Шундай бўлганми?»— дебди. Итлар унинг сўзларини тасдиқлаб бошларини қўйи солиб, кўзларини юмибдилар.

«Эй амир ал-мўъминин,— деб давом этибди Абдулло,— улар бошқа юртдаги катта фойдаларни гапириб, мени ҳам сафарга тарғиб қилар эдилар. Ниҳоят, мен уларга: «Сизларнинг розилигингиз учун майли, мен ҳам бораман»,— дедим. Сўнг ҳаммамиз шерик бўлиб иш юритишга қарор бердик. Ҳар хил ипак кийимликлар сотиб олдик, кема кира қилиб, молларимизни юкладик. Йўлга керакли ҳамма нарсаларни олиб, кемага ўтирдик. Ниҳоят, тўлқинли денгиз бўйлаб Басрадан чиқдик. Қандайдир бир шаҳарга бориб олди-сотди қилдик, айтишганидек, яхши фойда кўрдик. Сўнг бу шаҳардан бошқа бир шаҳарга бордик. У ерда ҳам мол олиб, мол сотдик, катта фойда тўпладик. Шундай қилиб, биз бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа бориб, савдогарчилик орқали катта фойда кўрар эдик. Молларимиз кўпайиб кетди. Кемада кезар эканмиз, бир кун бир тоққа етдик. Кемачи лангар ташлаб кемани тўхтатди-да, бизларга қараб: «Эй одамлар, букунги ёмон ҳолдан қутулиш учун қирғоққа чиқинглар, бирор сувли жой топиб, дам олинглар»,— деди. Кемадагиларнинг ҳаммаси четга чиқишди. Мен ҳам чиқдим. Ҳаммамиз ҳар томонга юриб сув излар эдик. Мен тоғ тепасига чиқиб, у ердан ҳар томонга кўз ташлаб турган эдим, бир оқ илонга кўзим тушди. У жуда қаттиқ изтироб чекиб қочар, орқасидан ниҳоят мудҳиш, бад-башара бир қора аждаҳо қувлар эди. Ниҳоят аждаҳо қувиб етиб, бошидан ушлаб унинг думини ўз думи билан ўради. Илон чинқирди. Аждаҳо азоб бераётганини сездим-да, раҳмим келиб, катта бир тош олиб отдим. Тош унинг бошига тегиб, пачақлаб ташлади. Бир дам ўтгани ҳам йўқ эдики, ҳалиги илон бир тўлғаниб ниҳоятда чиройли, қоматлари келишган, ёш бир

қизга айланди. Унинг чеҳраси ой каби порлар эди. У келиб менинг қўлимни ўпди-да: «Илоҳим худо сенга икки ишда ёрдам берсин, бу дунёда ору номус ташвишидан, тонгла маҳшар кунни дўзах азобидан қутқарсин. Эй, одам, сен менинг номусимни ҳимоя қилдинг. Мен ҳам яхшилигингга муносиб яхшилик қилишим керак».— деди. Сўнг у қўли билан қандайдир бир ишора қилган эди, ер ёрилди. У ер қаърига кириб кетди. Шундагина мен уни жин эканини билдим. Аждаҳодан ўт чиқиб куйиб кул бўлди. Мен бу ишга ҳайрон бўлиб, акаларим ёнига бордим-да, кўрганимни уларга айтиб бердим. У кеч ўша ерда ётдик. Тонг отгач, кемачи лангарни бўшатиб, елканни қўйиб юборди. Биз йигирма кун сувда юрдик. На қуруқлик кўринар, на бирор қуш кўринар эди. Ичадиган сувимиз тамом бўлди.

«Эй одамлар, бизда чучук сув тамом бўлди»,— деди дарға. «Қуруқликка чиқайлик, балки у ерда сув топилар»,— дедик бизлар. «Худо ҳақи, мен йўлдан адашибман. Қуруқликка чиқиш йўлини билмаётирман»,— деди дарға. Бизлар қаттиқ ташвишга тушиб, йиғлар ва худо ўзинг тўғри йўлга сол, биз бандаларингга раҳминг келсин деб тангрига сиғинар эдик. Кечни ит ҳасратида ўтказдик. Шу байтни айтган кишини худо раҳмат қилсин:

Мен кечирган ғамли, узоқ тунларда
Гўдаклар ҳам қариб қолса эҳтимол.
Тангри инояти боққан кунларда
Мўйсафидлар яшаради бемалол.

Тонг отиб, кун чиққач, баланд бир тоғни кўриб гоят севиндик. Кемачи шу томонга ҳайдади-да, етгач: «Эй одамлар, сув топиш учун қирғоққа тушинглар»,— деди.

Биз ҳаммамиз кемадан тушиб сув излай бошладик. Лекин тополмадик. Сувсизликдан қаттиқ азобландик. Сўнг мен тоғ тепасига чиқдим. Унинг орқаси кенг водий эди. Ҳамроҳларимни чақирдим. Улар келгач: «Бу тоғ орқасидаги водийга қаранглар, мен у ерда ажойиб шаҳар, яйловлар, деворлар, баланд минораларни кўраётирман. Ҳеч шубҳасиз, у ерда сув ҳам бошқа нарсалар ҳам бўлиши керак. Юринглар, ҳаммамиз ўша ёққа борамиз-да, сув келтирамиз ва бошқа озиқ-овқат сотиб оламиз»,— дедим. Ҳамроҳларим: «Қўрқамиз, улар динсиз ва нопок душманлар бўлиб чиқса бизни қамаб қўйишлари мумкин, улар қўлида асир бўлиб қоламиз. Ҳатто ўлдиришлари ҳам мумкин. Унда биз ўз ўлимимизга ўзимиз сабабчи бўламиз. Ўзини ўзи хавфга солувчилар мақтовга нолайиқ одамлардир.

Бу ҳақда шоир шундай деган:

Ерни ер, осмоннинг осмонлигини бил,
Худбин қутулса ҳам мақталмас сабил..

Қўйинглар, бир-биримиздан адашмайлик»,— дедилар. Мен бўлсам: «Эй одамлар, сизларни қисташга менинг ҳақим йўқ. Мен ўз биродарларимни олиб, ўша шаҳарга бораман»,— дедим. Акаларим эса: «У шаҳардан биз ҳам қўрқамиз, сен билан бормаймиз»,— дейишди. Аммо, мен бир ўзим бўлсам ҳам, у шаҳарга бораман деб худога таваккал қилдим. Бир бошга бир ўлим, яратган худо нимани хоҳласа шу. Пешонада ёзилганини кўраман, дедим-да, «Сизлар мени кутиб туринглар, дарров бориб келаман»,— дедим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



**Тўққиз юз
самсон иккинчи
кеча**



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Абдулло давом этди: «Мени кутиб туринглар, дарров бориб келаман»,— дедим-да, уларни ташлаб бир ўзим йўлга тушдим. У шаҳар дарвозасига бориб қарасам, ажойиб бир шаҳар экан. Унинг қурилишига кишининг ақли ҳайрон қолади. Деворлари баланд, миноралари мустаҳкам, саройлари олий, эшиклари жуда мустаҳкам ишланиб, одам ақли ҳайрон қоларлик нақш ва ёзувлар билан зийнатланган эди. Эшикдан ичкари кирсам, тошдан ясалган ўриндиқда бир одам ўтирган экан. Унинг қўлидаги сариқ жездан ясалган занжирда ўн тўртта калит бор эди. Бу одам шаҳарнинг дарвозабони экан, шаҳарнинг ўн тўртта дарвозаси бор экан, деб тушундим. Сўнг у кишига яқинлашиб: «Ассалому алайкум»,— дедим. У саломимга алиқ олмади. Иккинчи, учинчи мартаба салом бердим. У жавоб қайтармади. Сўнг мен унинг елкасига қўлимни қўйиб: «Ухлоқмисан, ёки гунгмисан ёки мусулмон эмасмисан, нега саломимга алиқ олмайсан?»— дедим. Шунда ҳам у жавоб бермади. Ҳаттоки қимирламади ҳам. Диққат билан тикилиб қарасам, у ҳайкал экан. «Қизиқ, худди одамнинг ўзи-я, фақат гапирмайди холос»,— дедим-да, ёнидан ўтиб шаҳарга кирдим. Йўлда турган бир одамга кўзим тушди. Унга яқин бордим. Диққат қилиб тикилиб қарасам, у ҳам ҳайкал экан. Сўнг мен у шаҳар атрофларини айлана бошладим. Қаерда одам кўриб унга яқин бориб тикилсам, одам эмас, ҳайкал бўлиб чиқарди. Йўлда ювиладиган кирлар тугуғлик

бўхчани бошига қўйган бир кампир хотинни учратдим. Тикилиб қарасам, у ҳам ҳайкал экан, бошига қўйган бўхчадаги кийимлар ҳам тош экан. Сўнг бозорга кирдим. У ерда мой сотувчининг тарозлари осифлиқ, олдида ҳар хил нарсалар, пишлоқ ва бошқалар бор эди. Улар ҳам тош эди. Сўнг мен бошқа дўкондорларга разм солдим. Уларнинг баъзилари турган, баъзилари ўтирган эдилар. Аммо у ерда мен кўрган эркагу аёл ва болаларнинг ҳаммаси тош эди.

Сўнг мен кийимликлар сотувчи бойлар растасига кирдим. Одамлар ўз дўконларида ўтиришар, дўконлар ҳар хил молларга тўла эди. Уларнинг ҳам ҳаммаси тош эди-ю, лекин кийимликлар ўргимчак уяси каби эди. Мен уларни қўлим билан тимирскилаб кўра бошладим. Қайси бир кийимликни олиб кўрмай, қўлимда тўзғиб чанг бўлиб кетар эди. У ерда сандиқлар кўрдим. Уларнинг бирини очиб қарасам, халта-халта тиллалар экан. Қўлимга олган эдим, халталар тўзиб кетди, лекин тилла ўзгармабди. Кўтара олганимча ундан олдим. Ўз-ўзимга: «Акаларим ҳам мен билан бирга келганда эди, тиллалардан истаганларича олишар эди. Биз бу эгаси йўқ бойликлардан фойдаланар эдик»,— дердим. Сўнг мен бошқа бир дўконга кирдим. У ердаги олтин бундан ҳам кўп эди. Лекин, мен ундан ололмадим. Чунки қўлимдагидан бошқани кўтара олмас эдим. Сўнг мен у бозордан бошқа бозорга, ундан яна бошқа бозорларга бордим. У ерларда ҳам қанча кўп ва хилма-хил нарсаларни кўрган бўлсам, уларнинг ҳаммаси тош эди. Ҳаттоки кучук, мушуклар ҳам тош бўлиб қолган эди. Сўнг мен заргарлар растасига кирдим. Олдиларида ҳар хил буюмлар қўйган одамлар дўконларида ўтирар, улар баъзи нарсаларни қўлларида

тутиб турган, баъзи нарсалар эса махсус нозик ишланган қутиларда кўриниб турар эди. Буни кўргач, эй амир ал-мўъминин, қўлимдаги тиллаларни ташлаб, унинг ўрнига ана шу буюмлардан кўтарганимча олдим. Заргарлар растасидан ўтиб, қиммат баҳо тошлар, гавҳарлар растасига кирдим, улардан ҳам кўтарганимча олдим. «Акаларим мен билан бўлмади. Мана бу жавоҳирлардан истаганча олишар эди»,— деб пушаймон ер эдим. Сўнг мен бу растадан ўтиб, бениҳоя катта, алоҳида хатлар ёзилган ва зийнатли нақшлар билан безатилган бир эшикка етдим. Эшик орқасида турган ўриндиқларда бичилган қуллар, жангчилар, амалдорлар, шахсий қоровуллар, маҳкама хизматчилари ўтиришар эди. Улар жуда яхши кийинишган эди. Лекин уларнинг ҳам ҳаммаси тош эди. Бирининг кийимини ушлаб кўрган эдим, кийим ўргимчак ини каби узилиб кетди. Сўнг мен эшик ичкарисига кирдим. Қарасам, у ерда тенги йўқ алоҳида санъат билан қурилган сарой бор экан. Саройга кира беришдаги уйда ғоят зийнатли ўриндиқлар бор эди. Ўриндиқларда давлат арбоблари, вазирлар, амирлар, амалдорлар ўтиришар эди. Лекин уларнинг ҳам ҳаммаси тош эди. У ерда қизил олтиндан ясашиб, ҳар хил қиммат баҳо тошлар билан безалган тахт бор эди. Тахтда қиммат баҳо кийимлар кийиб, бошига ҳар хил қиммат баҳо тошлар қадалиб, ёғду сочиб турган хисрав тожи кийган киши ўтирар эди. Яқинига бориб қарасам, у ҳам тош экан. Сўнг у ердан ҳарам эшигига бориб, ичкари кирдим. У ер хотинлар хонаси экан. Унда олтиндан ясалган ҳар хил қиммат баҳо тошлар, дур, ёқутлар қадалган тахт бор эди. Унда малика ўтирар эди. Бошида қиммат баҳо тошлар ўрнатилган тож бор эди. Ойга ўхшаш кўркам жориялар ўриндиқларда уни ўраб турар

эдилар. Улар қиммат баҳо ҳар хил кийимлар кийган эдилар. Улар ёнида бичилган қуллар қўлларини кўксиларига қўйиб, худди уларга хизмат қилаётган қиёфада турар эди. У уй кишини эсидан оғдириб қўярли даражада зийнатли эди. Ундаги лавҳалар, нақшлар ранг-баранг гулли катта гиламлар кишини ҳайратга солар эди. Унда осиглиқ турган ярқироқ биллурдан ишланган шамдонлар жилваланиб, кўзни қамаштирар эди. Биллурдан ясалган қозончаларга пул билан тенглаштириб бўлмайдиган қиммат баҳо гавҳарлар солинган эди. Мен эй, амир ал мўъминин, қўлимдаги ҳамма нарсаларни ташладим-да, шу гавҳарлардан кўтарганимча олдим. Тўгриси, нимани олиб, нимани ташлашга ҳайрон эдим. Чунки, бу уй қандайдир бир шаҳарнинг хазинаси эди. Сўнг мен у ерда очиқ турган бир кичик эшикни кўрдим. Унинг ичида нарвон бор эди. У ерга кирдим. Нарвон билан қирқ пиллапоя юқори чиқдим. У ерда кимдир ёқимли овоз билан қуръон ўқир эди. Овоз келган томонга йўл олдим. Бир неча қадам юриб, у қаср эшигига етдим. Қарасам, у ерда боғичларига маржон, дур, ёқут ва зумрад қадалган ипак парда осиглиқ турибди. Яқин бориб уни кўтардим. Кўзимга алоҳида нақшдор, кишини ҳайратга солувчи эшик кўринди. Ичкари кирдим. Қарасам, олий манзара сарой. У гўё ер юзининг якка-ю ягона зеб-зийнатли жойи эди. Сарой ичида губорсиз, тиниқ осмон ўртасида туриб, ҳар ёқни ёритувчи қуёш сингари бир қиз ўтирар эди.

У гоят яхши кийинган, энг нозик ва ажойиб зийнатлар билан безанган бўлиб, ҳайрон қоларли кўркам ва жозибадор эди. Қадду қомати келишган, назокатли, хипча бел, кўкраклари тўла, оғиз сувлари касалларга шифо берувчи, бодомқовоқлари сеҳрли



570-6emza

эди. Бу шеърни айтган шоир албатта шуни назарда тутган:

Қоматига хўп ярашмишдир, қаранг, зебо либос,
Бу малоҳат бирла кўрганларда ортар эҳтирос.
Ярқирар тунда Сурайёдек, унинг пешонаси,
Ўзга юлдузлар унинг кўксида маржон донаси.
Киймиш ул гул баргидан хилъат, яна гулдир тани,
Ўзга гуллар бағрини қон айламак бўлмиш фани.
Сўзи лаззатлилиги ҳақида бор зарбулмасал:
Сўзга лаб очса томармиш оғзидан чак-чак асал...
Сеҳргар кўзлар билан ёввойи шерни банд этар.
Еки пора-пора дилни бир боқиб, хурсанд этар.

«Эй амир ал мўъминин,— деб Абдулло давом этди:— бу қизни кўрдиму унга асир бўлдим. Унинг севгиси қалбимни чулғаб олди. Мен унга яқинлашдим. У баланд ўриндиқда ўтириб, улуғ ва шарафли тангрининг каломини берилиб, ёддан ўқир эди. Унинг овози худди жаннат эшикларининг ҳурлар очгандаги янгроқ садоси каби ёқимли эди. Сўзлар унинг лаблари орасидан дур каби сочилар эди. Унинг юзлари кишини ҳайратга соларли даражада кўркам ва порлоқ эди. Шоир қуйидаги шеърда шунга ўхшаганини куйлаган:

Аё, ширин тилу гул ҳусн ила банд этгучи жонон,
Ўзингга тобе айлаб, дилга ўз меҳрингни жо қилдинг.
Товушда Довуду, ҳусн оламида Юсуфи Канъон,
Бу қўш хислат билан кўп ишқ элини мосво қилдинг.

Муқаддас қуръонни ўқишда унинг мақомини эшитгач, сўзларимдан адашиб қолдим. (Салом беришга ҳам ҳолим етмай, ақлдан адашиб, кўзим шошиб қолган эди). Шоир айтгандай бир ҳолга тушган эдим.

Муҳаббатдан таним титроғу бу ишқдан тилимдир лол,
Ифода этгали аҳволи зоримни мадорим йўқ.

Тўқарми ёки тўқмас қонларим? Агёр этиб ишғол,
Уларда ихтиёр! Ожиз қўлимда ихтиёрим йўқ...

Сўнг мен севги азобига қарши ўзимни дадил тутиб қизга: «Ассалому алайкум, эй барно малика, эй яшириниб қолган дурдона. Илоҳим худо бахтинг устунини доимий қилсин, шон-шарафинг суюнчигини баланд қилсин»,— дедим. «Мендан ҳам сенга салом,— деди қиз давом этиб,— сенга саломатлик ва ҳурмат, эй Абдулло ибн Фозил, хуш келибсан, эй менинг суюқлим, эй менинг кўз қорачиғим».

«Эй бекам, менинг исмимни қаердан билдинг, ўзинг ким бўласан?— дедим,— бу шаҳар халқига нима бўлган, ҳаммаси тош бўлиб қотиб ётибди? Ҳақиқатни айтиб беришингни сўрар эдим, мен бу шаҳарга ва бу шаҳарнинг бу хил халқига, бу ерда сендан бошқа бирор киши йўқлигига ҳайронман. Худо ҳақи, бунинг сабабини айтиб беришингни сўрайман?!» «Ўтир эй Абдулло,— деди у менга,— худо хоҳласа, мен сенга ўзимнинг ва шаҳарнинг ҳамда бу шаҳар халқи воқеасини тўла айтиб бераман. Улуғ тангридан бошқа қудрат йўқ. Ҳар нарсага фақат тангри қодирдир». Мен унинг ёнига ўтирдим. «Билгил, эй Абдулло,— деб гап бошлади у,— худо сенга раҳм қилсин. Мен шу шаҳар шоҳининг қизиман. Отам саройдаги баланд тахтда ўтирган кишидир. Унинг атрофидагилар, отам қўли остидаги сарой хизматчилари, давлат арбобларидирлар. Менинг отам жуда кучли эди, у минг мингу, юз минглаб одамларга ҳукмрон эди-ю, йигирма тўрт минг аскар билан ҳукм юргизар эди. Унинг қарамоғидаги амирлар сони ҳам йигирма тўрт минг эди. Улар ҳаммаси ҳукм эгалари, амалдорлар эди. Унинг қарамоғида қишлоқ, овул, қўрғон, истеҳкомлардан ташқари, мингта шаҳар бор эди. Унинг

қарамоғидаги араб амирларининг сони мингга етар эди. Уларнинг ҳар бири йигирма минг баҳодир устидан ҳукм сурар эди. Унинг молу дунёси ва қиммат баҳо қазилма конларининг ҳисобига ҳеч ким ета олмас эди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризед ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
саксон учинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— тош шаҳрининг қизи: «Эй Абдулло,— деди.— Менинг отам молу дунёсининг ҳисобига ҳеч ким етолмас эди. У урушда шоҳларни ўзига бўйсундирар, жанг майдонида манман деган паҳлавонларни ҳалок қилар эди. Ундан бутун улуғлар қўрқар эдилар. У билан Хисрав ҳам ҳисоблашар ва хушмуомалада бўлар эди. Лекин у худога шак келтирар, тангрига эмас, бутга сиғинар эди. Унинг бутун аскарлари ҳам якка-ю ягона ҳукмдор худога эмас, бутга чўқинишар эди. Иттифоқо, бир кун отам ўз тахтида ўтирган ва унинг атрофида давлат арбоблари фармонбардор бўлиб турган эдилар. Бирдан саройга бир киши кириб келганини пайқамай ҳам қолди. Сарой унинг юз нуридан порлади. Отам унга қаради. У яшил тўн кийган, баланд бўйли, қўллари тиззаларидан пастга етадиган, чеҳрасидан нур ёғиб турган салобатли одам эди. У отамга қараб: «Эй, гуноҳкор банда, эй ёвуз инсон,— деди,— қачонгача сен ягона ҳукмдор тангрини қўйиб, мағрур ҳолда бутларга чўқинишни давом эттирасан. «Ашҳадуан ло илоҳо иллоллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва ра-

сулуҳу», деб калимаи шаҳодат келтир. Мусулмон бўл, халқинг ҳам бутга чўқинишни ташласин. Чунки у сени ҳимоя қила олмайди. Осмонни беустун кўтариб турган, ер юзидаги қулларига меҳрибонлик кўрсатган худогагина ибодат қил.

«Бутларга ибодат қилишни инкўр қилувчи эй одам, сен кимсан? Бутларнинг сенга ғазаб қилишларидан қўрқмайсанми?»— деди отам.

«Бутлар бир тошдир,— деди у,— уларнинг на қаршиликлари зарар беради, на розиликлари фойда беради. Қани сен ўзинг ибодат қилиб юрган бутларингни менга келтир, халқингга ҳам айт, улар ҳам бутларини келтирсинлар. Ҳаммаси йиғилгач, улар менга дуойибад қилишларини буюр. Мен худодан у бутларга ғазаб қилишини сўрай. Ана унда, яратилган бутлар устидан яратувчи тангрининг ғазабини томоша қиласан. Чунки бутларни сиз ўз қўлингиз билан ясагансиз. Унга шайтон жойлашиб олган. Бут ичидан сизларга гапирувчилар шулардир. Сизларнинг бутларингиз ясамадир. Менинг худоим яратувчидир, унга ҳеч бир нарса қийин эмас. Сизлар ҳақиқатга эргашиб, бузуқликдан қочинглар».

«Қани бўлмаса, ўз худойингни менга исбот қил, кўрайлик»,— деди отам. «Йўқ, аввал сизлар ўз худоларингизни исбот қилинглар»,— деди у киши.

Шоҳ ҳар кимга ўз бутини келтиришни буюрди. Бутун аскарлар бутларини саройга келтирдилар... Бу вақтда мен отам саройига тўсилган баланд парда орқасида ўтирган эдим. Менинг яшил зумраддан ишланган одам бўйи келадиган бутим бор эди. Уни саройга олиб чиқиб, отамнинг бути ёнига қўйдилар. Отамнинг бути ёқутдан, вазирнинг бути олмосдан эди. Аммо, аскар бошлиқлари ва халқ қўлидаги бутларнинг баъзилари ёқутдан, баъзилари маржондан,

баъзилари ўсимлик ёғочидан, баъзилари сувда ўсган ёғочдан, баъзилари кумушдан, баъзилари тилладан, ҳар кимнинг бути ўзи истаганча, ўзига муносиб бир нарсадан яратилган эди. Аммо, аскарлар билан фуқароларники тоғ ўсимликларидан, ёғоч ва қулоллар лойидан эди. Ҳамма бутлар сариқ, қизил, кўк, қора, оқ ва ҳоказо ҳар хил рангларга бўялган эди. У киши отамга: «Бутларингдан менга ғазаб қилишни сўра!»— деди. Одамлар бутларни қатор қилиб тиздилар. Отамнинг бутини олтин тахтга қўйдилар, менинг бутимни эса унинг ёнига қўйдилар. Қолган бутларни ҳам ибодат қилувчи эгасига муносиб жойга ўрнатдилар. Отам ўрнидан туриб, бутига сажда қилди-да: «Эй худойим, сен меҳрибон тангримсан,— дея илтижо қила бошлади,— сендан улуғроқ бут йўқ. Бу одам сенинг худолигингга иқрор бўлмай, сени масхара қилаётир. У: «Менинг худойим кучли»,— деб даъво қилаётир, сенга сажда қилишни ташлаб, ўзининг худосига ибодат қилишни буюраётир. Эй худо, шу одамга қаттиқ жазо бер»,— деб бутлардан сўради. Бутдан садо чиқмас эди. «Нега жимсан, эй худо, бундай одатинг йўқ эди-ку, мурожаат қилганимда мен билан сўзлашар эдинг-ку, нега жим турибсан, гапир — хаёлинг паришонми ёки ухлоқмисан, уйғон, ёрдам бер, мен билан сўзлаш»,— деди-да, уни қўли билан қимирлатди. Лекин бут сўзламади ҳам, ўрнидан қимирламади ҳам.

У киши менинг отамга: «Нега ишонган бутинг индамайди?»— деди. «Ё кўнгли паришон ёки ухлоқ бўлса керак деб гумон қиламан»,— деди отам. «Эй худонинг душмани,— деди ҳалиги киши,— қандай қилиб сен сўзламайдиган, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган бир нарсага чўқиниб ибодат қиласану, энг яқин, ҳар ерда ҳозир у нозир, доим уйғоқ, ҳар вақт

хушёр, мўъжизалар яратувчи тангрига ибодат қилмайсан. Сенинг тангринг кучсиз, ўзини ҳам ҳимоя қила олмайдиган заифдир. Унинг ичига йўлдан оздирувчи шайтон жойлашиб олган. У сени ёмон йўлга бошлайди, қутуртиради. Ҳозир шайтон унинг ичидан чиқиб кетган, кел энди худога ибодат қил. Биргина тангрига гувоҳлик бераман. Ундан бошқа худо йўқ. Ундан бошқага ибодат қилиб бўлмайди, унинг яхшилигидан бошқа яхшилик йўқ,— деб имон келтир. Сенинг худойнинг ўзини ҳимоя қилолмайди-ю, қандай қилиб ёмонликни сендан даф қилади. Ахир унинг заифлигини сен ўз кўзинг билан кўриб турибсан-ку.

У киши шундай деди-да, бут ёнига келиб бўйнига ура бошлади. Бут ерга йиқилди. Шоҳ хафа бўлиб одамларга: «Бу муртад менинг худомни урди, буни ўлдиришлар!»— деди. Одамлар уни урганга ўрнидан турмоқчи эдилар. Ҳеч ким ўтирган ўрнидан туролмади. У одам ҳамон уларга динни даъват қиларди. Лекин улар қабул қилмадилар. Ҳалиги одам: «Энди мен сизларга худо газабини кўрсатаман»,— деди. «Кўрсат!»— дейишди бизникилар. У одам қўлларини кўкка очиб: «Эй раббим, эй яратган тангрим, сендан илтижо ва умидим, мана шу сенинг ризқингн еб, сендан бошқага ибодат қилувчи нопокларга қарши менинг дуомни мустажоб қилишдир. Эй бутун борлиқнинг ҳақиқий ҳукмони, эй кеча-кундузни яратувчи тангри, сендан шу одамларни тошга айлантиришингни сўрайман. Сен қодир бўлмаган бирор нарса йўқ, сен ҳамма нарсага қодирсан»,— деди.

Улар шу он тошга айланиб қолди. Мен у кишининг далилларини кўргангидан кейин, юзимни худога ўгириб, уларга тушган фалокатдан ўзимни қутқариб қолдим. Сўнг ўша киши менга яқин келиб: «Худодан сенга бахт етди. Худонинг хоҳиши бу»,— деди.

да, менга диний эътиқоддан таълим бера бошлади. Мен унга қасам ичиб ваъда қилдим. У вақт менинг ёшим еттида эди, ҳозир ўттизга кирдим. Сўнг мен у кишига: «Эй хўжам, бу шаҳардаги бор нарсаларнинг ҳаммаси, шаҳарнинг ҳамма одамлари ҳам, сенинг ҳаққоний дуойинг билан тошга айландилар. Мен сенинг ёрдаминг билан динни қабул қилиб қутулиб қолдим. Энди сен менинг пирымсан. Менга ўз номингни айт ва мадад қил, ейиш учун менга бирор нарса топиб бер»,— дедим. «Исмим Абулаббос Хизирдир»,— деди-да, ўз қўли билан анор дарахтини ўтқазди. Дарахт барг ёзди, гуллади ва ўша он битта анор қилди. Шундан кейин у киши менга: «Худо сенга насиб қилганини егил, худога ибодат қилгил»,— деди-да, мусулмончилик шартларини, намоз қондаларини, ибодат усулларини ўргатди. Менга қуръон ўқишни ҳам ўша киши ўргатди. Мана, йигирма уч йилдирки, мен шу ерда худога ибодат қиламан. Ҳар кун менга шу дарахт бир дона анор етказиб беради. Шуни еб кун кўраман. Хизир алайҳиссалом ҳар жума куни келадилар. Сенинг исмингни ўша ҳазрат менга танитди. Сенинг шу ерга келишингни менга Хизир ҳазратлари илгари айтиб: «Агар у келса, уни ҳурмат қил, буйруқларига бўйсун, унга қаршилиқ қилма, у билан дўстлаш, у сенинг умр йўлдошинг бўлади. У билан бирга қаёққа хоҳласанг бор»,— деб тайинлаган эдилар. Мен сени кўрганим ҳамоно танидим. Бу шаҳар ва халқининг воқеаси мана шу». У гўзал шундай деди-да, менга хурмо дарахтини кўрсатди. Дарахтда бир дона хурмо бор эди. Унинг ярмини қизнинг ўзи еди, ярмини менга берди. Мен бунгача ундан ширинроқ, ундан ёқимлироқ, ундан лаззатлироқ нарса емаган эдим. Сўнг мен ундан: «Алхизир алайҳиссаломнинг сенга қилган таклифига мувофиқ иккимиз эр-хотин

бўлишимизга розимисан? Мен билан бирга юртимга кетишга қарши эмасмисан? Сен мен билан Басра шаҳрида яшайсан»,— дедим. «Ҳа, агар улуғ тангри хоҳласа, мен сенинг сўзларингга бўйсунаман, буйруғингга итоат қиламан, қаршилиқ қилмайман»,— деди. Қатъий ваъдадан сўнг у мени отасининг хазинасига олиб кирди. У ердан биз кўтара олганимизча ажиб нарсалар олдик ва шаҳардан чиқиб, оғаларимиз олдига етиб бордик. Улар излашаётган экан. «Бизларни шунча куттириб, қаерда қолдинг? Сендан хавотир олдик»— дейишди. «Эй савдогар Абдулло,— деди дарға,— анчадан бери яхши шамол эсаётган эди. Юришни кечиктиришга сен сабаб бўлдинг». «Зарари йўқ, кечикиш фойдали бўлди. Чунки мен мақсадларимга эришдим. Шу шеърни айтган кишини худо раҳмат қилсин,— дея қуйидаги байтни ўқидим:

Билмадим, ер қаърига кирганда ҳолим не кечар,
Икки нарса ахтариб руҳимни, қабримни тешар.
Мен қидирган яхшилиқ, ҳам меҳрибонликдир бири,
Менга интилган ёвузлик ҳам ёмонликдир бири.

Шундан сўнг: «Қаранглар, бу кетишда мен нима-ларга эришдим»,— дедим-да, уларга қўлимдаги зийнатли нарсаларни кўз-кўз қилиб, тош шаҳарда кўрганларимни айтиб бердим. «Агар сўзимга кириб, сизлар ҳам мен билан бирга борган бўлганларингизда бу нарсалардан сизлар ҳам истаганча олар эдингизлар»,— дедим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

«Ҳам гўзал, ҳам доно экан,— деб ўйлади шоҳ ўзича,— ўлдирсам, ўлади кетади. Яхшиси аввал ҳамма ҳикояларини тинглаб олай».



*Тўққиз юз
саксон тўртинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Абдулло ибн Фозил халифа ҳузурида ўз саргузаштини давом эттирди. Акаларимга: «Менинг сўзимга кириб, бирга борганларингизда сизлар ҳам кўп яхши нарсалар олиб келардингиз»,— дедим. «Худо ҳақи, бизлар борганимизда ҳам шаҳар шоҳи олдига киришга журъат қилолмас эдик»,— дедилар улар. «Зарарсиз, мендаги нарса ҳаммамизга етади.

Бу нарсалар ўртада ҳаммамизникидир»,— дедим-да, қўлимдаги дунёни икки акам ва дарғага бўлиб бердим. Ўз улушим ҳисобидан оз-моз у ердаги хизматчиларга, кемачиларга ҳам бердим. Улар шодланиб мени дуо қилдилар, ҳамма суюнди, лекин акаларимда қандайдир норозилик сездим. Шунинг учун: «Эй акалар, афтидан, берган нарсам сизларни қаноатлантирмаганга ўхшайди. Мен сизларнинг укангизман. Сизлар менинг акаларимсиз. Орамизда фарқ йўқ. Менинг молим сизларники, сизларнинг молингиз меники. Агар мен ўлсам, молимни сизлардан бошқа ким олади. Фақат сизларга қолади»,— деб уларни юпата бошладим.

Сўнг мен қизни кеманинг юк қўядиган пастки хонасига ўтқазиб, тамадди қилиб олиши учун бир оз нарсалар бердим-да, ўзим акаларим олдига бориб, улар билан сўзлашиб ўтирдим. Улар мендан: «Эй ука, бу чиройли қизни нима қилмоқчисан?»— деб сўрашди. «Басрага боргач, ўзимга никоҳ ўқитиб катта тўй қилмоқчиман»,— дедим. «Эй ука, бу қиз жуда кўркам ва зебо экан, мен уни севиб қолдим, менга

бағишлашингни истар эдим»,— деди акаларимдан бири. «Уни менга бера қол, уйланардим!»— деди иккинчиси. «Эй акалар,— дедим мен уларга,— қиз мендан қатъий ваъда олган. Мен ваъда бериб онд ичганман. Узим унга уйланаман. Агар сизларнинг бирортангизга уни берсам, ваъдасизлик қилган бўламан. Албатта унинг дили оғрийди. Чунки у фақат ана шу қатъий ваъдамга ишониб мен билан келди. Ахир қандай қилиб унинг ўзимдан бошқага тегишига рози бўламан. Мен уни сизларданам ортиқроқ севаман. Гарчи у менга тасодифий ғанимат бўлса ҳам, мен уни бирортангизга ҳам бера олмайман. Лекин Басрага саломат етганимиздан сўнг сизларни Басранинг энг яхши қизларига уйлантиришга ҳаракат қиламан. Уларнинг маҳрларини ҳам ўз молимдан тайинлайман. Учовимиз баробар тўй қиламиз. Учовимиз бир кечада қайлиғимиз ёнига кирамиз. Сизлар бу қиздан қайтингизлар, бу қиз меникидир».

Акаларим жим қолдилар. Мен: «Улар менинг сўзларимга қаноат ҳосил қилдилар»,— деб ўйладим. Сўнг биз Басрага томон юришни давом эттирдик. Мен қизга ейдиган, ичадиган нарсаларни етказиб турар эдим. У кема остида, ўтирган еридан чиқмас эди. Мен бўлсам акаларим ёнида ухлар эдим.

Биз шу йўсинда қирқ кун йўл юрдик. Басра шаҳри кўринди. Шаҳарга яқинлашганимизни кўриб, суюниб кетдик. Мен акаларимга ишонардим, улардан кўнглим хотиржам эди. Ахир киши кўнглидаги сирни худодан бошқа ким билади дейсиз. Бир кеч мен қаттиқ ухлаб ётган эканман, акаларим мени қўлларида кўтариб бораётганларини ҳам пайқамабман. Улар шу қиз туфайли мени дарёга ташлашга қарор қилиб, бири қўлимдан, бири оёғимдан кўтариб бораётган эканлар. Мен уларга: «Эй акалар, нега бундай қил-

япсизлар?»— дедим. Улар менга: «Эй тарбиясиз, қандай қилиб сен бизнинг юзхотиримизни бу қизга алмаштирасан, шунинг учун биз сени денгизга ташлаймиз»,— дедилар-да, мени сувга отдилар. Абдулло шундай дегач, итларга қараб: «Айтганларим тўғрими ёки нотўғрими?»— деб сўрабди. Итлар бошларини қуйи солиб, сўзлар тўғрилигини тасдиқлагандай эгилар экан, халифа бунга ҳайрон бўлибди. Сўнг: «Эй, амир ал-мўъминин, — деб Абдулло сўзда давом этибди,— улар мени денгизга ташлаганларида дастлаб чўкиб кетдим. Кейин сув мени юқорига чиқариб қўйди. Шу пайт одам гавдасига тенг келадиган бир қуш келиб мени кўтариб учди...

Бир вақт кўзимни очиб қарасам, устунлари баланд, ажойиб нақшлар, ёзувлар билан безатилган олий бинода турибман. Уйда ранг-баранг қиммат баҳо тошлардан ясалган қандил осиятлик эди. У ерда аллақанча жориялар қўлларини кўксиларига қўйиб турар эдилар. Улар ўртасидаги турли жавоҳирлар қадалган олтин тахтада бир аёл ўтирар эди. Унинг кийимларидаги дуру марваридлар жилоси одам кўзини қамаштирар эди. Гавҳару ёқутлар қадалган белидаги камарни пулга чақиб бўлмас эди. Унинг бошидаги уч доиралик тож кишини ҳайратда қолдирадиган даражада гўзал эди.

Мени келтирган қуш бир силкинди-ю, ёғду сочиб турган қуёш каби ажойиб бир қизга айланди. Диққат билан тикилиб қарасам, тоғда аждаҳодан қочиб бораётган, сўнг аждаҳо тутиб, унинг думларини ўз думи орасига олиб, азоб бераётганда мен қутқарган илон суратидаги қиз экан. Тахтада ўтирган аёл ундан: «Нега бу одамни олиб келдинг?»— деб сўради. «Жин қизлари ўртасида менинг номусимни сақлаган шу одам эди, эй она»,— деди қиз. Сўнг қиз менга: «Мен

кимман, биласанми?»— деди. «Йўқ»,— дедим мен ўсмоқчилаб. «Фалон тоғда қора аждаҳо мени зўрлаётганда қутқарган сен эмасмидинг?»— деди. «Мен у ерда қора аждаҳо билан оқ илон кўрган эдим, холос»,— дедим. «Ўша оқ илон менман. Аммо мен жинлар шоҳининг қизиман, отим Саида, бу тахтада ўтирган менинг онам, исми Муборак, у қизил шоҳининг хотинидир. Мен билан олишиб, номусимга тажовуз қилмоқчи бўлган қора аждаҳо, қора шоҳининг Дарфеъл исмли вазиридир. У ниҳоятда хунук, иттифоқо мени кўриб севиб қолибди-да, у мени сўраб отамга совчи юборибди. Отам: «Эй вазирлар тубани, шоҳ қизига уйланиш учун қандай мартабанг бор?»— деб рад жавоб қилган.

Бу сўздан бениҳоя ғазабланган вазир, отамдан ўч олиш учун: «Қандай бўлмасин албатта унинг ному-сига тегаман»,— деб қасам ичибди. Шу-шу мен қаерга борсам, у ҳам менинг кетимдан бориб, пайт пойлар экан. У билан отам ўртасида катта жанг, жуда қаттиқ тортишувлар юз берди. Отам уни енга олмади. Чунки, у бениҳоя ҳийлакор золим эди. У отам билан ҳар вақт олишиб, уни енгмоқчи бўлганда, отам ундан қочиб қолар эди. Ниҳоят отам ҳолдан тойди. Мен ҳар кун ҳар хил тусга, ҳар хил шаклга кириб кун кўрар эдим. Мен қандай суратга кирсам, у шунинг душмани тусига кириб, мен қаерга борсам, ҳидимдан билиб ўша ерга етиб борар ва мени қувар эди. Мен ундан жуда кўп азоб-уқубатлар тортдим. Сўнг илон тусига кириб, шу тоғда кетаётган эдим, у тоққа келиб тушди-ю, аждаҳо шаклига кириб, орқамдан қува кетди. Мен унинг қўлига тушиб қолдим. Иккимиз роса олишдик. Лекин у мени чарчатиб, устимга миниб олди. У энди ўз мақсадига етишай деб турганда, сен келиб қолдинг-да, тош билан уни уриб ўлдирдинг. Мен бир

тўлғаниб қиз шаклига кирдим ва ўз рухсоримни сенга кўрсатдим, ўшанда: «Сен менга яхшилик қилдинг, бу яхшилигинг бекорга кетмайди. Албатта яхшилик қиламан. Фақат ҳаромдан туғилганларгина яхшиликни билмайдилар»,— деган эдим, акаларинг сенга шундай ҳийла қилиб, денгизга ташлаганларини кўрганимдан кейин шошилиш ҳаракат қилдим-да, сени ҳалокатдан қутқариб қолдим. Сенга отам, онам ҳам ҳурмат кўрсатадилар»,— деди,

Сўнг у онасига қараб: «Эй она! Менинг номусимни сақлаб қолган бу кишининг хизматига лойиқ ҳурмат қилинг»,— деди. «Хуш келибсан, эй инсон. Сен катта ҳурматга лойиқ иш қилгансан»,— деди-да, мен учун камёб анвойи кийимлар келтиришга буюрди. Сўнг у хизматчиларининг бирига: «Бу кишини шоҳ ҳузурига олиб киришлар!»— деб буюрди. Мени шоҳ олдига — саройга олиб бордилар. Шоҳ ноиблари қуршовида тахтда ўтирар эди. Бу ердаги қиммат баҳо тошларни кўриб ақлимни йўқотдим. Шоҳ мени кўргач, оёққа турди. Унинг ҳурмати учун ёнидагилар ҳам ўринларидан турдилар. У менга салом бериб, катта ҳурмат кўрсатди. Олдидаги ажойиб жавоҳирлардан бир қанчасини менга берди-да, ўз яқинларидан бирига: «Бу кишини менинг қизим ёнига олиб боринглар, қизим буни олиб келган жойига кузатиб қўйсин»,— деди. Улар мени унинг қизи Саида ёнига элтдилар. Сўнг у мени қўлимдаги ҳамма нарсаларим билан кўтариб учди.

Энди дарға воқеасига келсак, акаларим мени сувга ташлаганларида, шалоплаб тушганим овозига у чўчиб уйғонгач, «Сувга нима тушди?» деб акаларимдам сўрабди. Акаларим кўкракларига уриб: «Эй, ҳалокатга учраган биродаримиз»,— деб йиғлабдилар. «У кема чеккасига зарурат билан ўтган экан, сувга

тушиб кетибди»,— дебдилар. Сўнг менинг мол-дунёмни олишга киришибдилар. Бироқ, улар орасида қиз учун талаш бошланибди. Уларнинг иккиси ҳам: «Қизни мендан бошқа ҳеч ким ололмайди, фақат мен олишим керак»,— дер эканлар. Улар бир-бирлари билан жанжаллашиб, мени бутунлай унутиб юборибдилар. Улар шу ҳолатда турганларида, Саида мени кема ўртасига олиб тушибди.

Қисса шу ерга етганда тўнг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўғқиз юз
саксон бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— акаларим ўзаро шундай жанжаллашаётганларида Саида мени кема ўртасига олиб тушди. Улар мени кўриб, қучоқлай кетдилар, саломат кўрганлари учун шодланиб: «Эй ука, бу воқеа содир бўлгач, ҳолинг қандай кечди. Дилимиз фақат сен билан банд бўлди»,— дедилар. Саида уларга: «Агар дилларингиз у билан банд бўлиб, уни севадиган

бўлганларингизда ухлаб ётганда уни денгизга ташламасдингиз. Энди ўзларингизга ўлим танланглар!»— деди-да, уларни ўлдирмоқчи бўлди. Улар эса бақириб: «Эй ука, бизлар сенинг олижаноблигингдан умид қиламиз»,— деб ялиндилар. Мен эса акаларим гуноҳини сўраб: «Илтимос, акаларимни ўлдирма!»— дедим. «Албатта булар ўлдирилиши керак. Чунки булар хиёнаткор»,— деди у менга. Ҳамон мен ундан илтимос қилардим. Ниҳоят унинг кўнгли юмшаб: «Майли, сенинг ҳурматинг туфайли буларни ўлдирмайман, лекин сеҳрлайман»,— деди-да, бир тоғорага

сув тўлдирди. Сўнг сувга қараб бир нарсаларни ўқиди-да: «Одам шаклидан ит шаклига киринглар!»— дея сувни улар устига сочди. Шундай қилиб, улар мана шу кўриб турганингиз ит шаклига кирдилар, эй амир-ал мўъминин».

Шундан сўнг Абдулло итларга қараб: «Айтганларим тўғрими, эй акалар!»— деди. Айтганларинг тўғри дегандай улар бошларини қуйи солдилар. Уларни ит суратига киритиб сеҳрлаганидан сўнг Саида кемадагиларга: «Билинглар, эй одамлар, Абдулло ибн Фозил менинг акамдир. Мен ҳар куни бир-икки марта келиб ундан хабар олиб тураман. Сизлардан кимки унга бўйсунмаса, унга ишда ёки сўзда қаршилик кўрсатса, уни мана шу икки хиёнаткор каби сеҳрлаб, ит суратига киритаман. Бутун умри ит шаклида ўтиб кетади»,— деди. Улар: «Эй хўжам, биз унинг қул ва хизматчисимиз, ҳеч қачон унга қаршилик қилмаймиз»,— дедилар. Сўнг Саида менга қараб: «Басрага етгач, бутун молларингни текшир, агар бирор нарса камайган бўлса, менга билдир, мен дарров келаманда, ким олган бўлса, уни итга айлантираман»,— деди.

У бу гаплардан сўнг алоҳида уқтирди: «Молларингни тушириб бўлгач, бу икки хиёнаткорнинг бўйнига занжир солиб, чорпоя оёғига боғлаб қўй. Ҳар тун ярим кечада булар олдига кир-да, ҳар бирини ҳушдан озгунча савала. Билки, агар бирор кеча урмасдан қолсанг, мен келиб олдин ўзингни, сўнг уларни савалайман». «Хўп»,— дедим мен. «Уларни Басрага кирмасдан олдин боғла!»— деб тайинлади у.

Мен уларнинг бўйнидан кеманинг устунига боғлаб қўйдим. Саида ўз йўлига кетди. Иккинчи кун Басрага кириб бордик. Савдогарлар мени кутиб олишга чиққан эканлар. Салом бериб қарши олдилар. Лекин ҳеч ким мендан биродарларимни сўрамади. Аммо

улар итларга қараб: «Эй фалончи, бу иккита итни нега олиб келдинг, буларни нима қиласан?»— дедилар. Мен уларга: «Сафарда буларни боқиб олдим, ўзим билан бирга олиб келдим»,— дедим. Одамлар уларга қараб кулишар, улар менинг акаларим эканини билишмас эди. Итларни ҳужрага қамадим-да, олиб келган мол-дунёларимни тушириб жойладим. Ҳол сўрашга келган савдогарлар ёнимда эди. Шулар билан овора бўлиб, уларни урмадим ҳам, занжирга боғламадим ҳам, ухлашга ётдим. Ҳали ухлаганимча ҳам йўқ эди, бирдан қизил шоҳ қизи Саида келиб қолди. «Мен сенга бўйнига занжир солиб, ҳушдан кетгунча савала демовмидим!— деди-да, мени маҳкам ушлаб, то ҳолдан тойгунимча қамчилади. Сўнг у акаларим турган хонага кириб, уларни ҳам ўласи қилиб урди. Сўнг у менга: «Ҳар кеч уларни худди шундай савала. Агар бирор кеч сен уларни уришни унутсанг, ўзингни савалайман»,— деди. «Эй хўжам, эртага мен буларни занжирга соламан-да, ҳар кеч ураман. Уришни ҳеч канда қилмайман»,— дедим. Тонг отгач, заргарга бориб олтин занжир буюртирдим. У олтин занжир ясаб берди. Занжирни олиб келиб, уларнинг бўйнига солдим ва Саида айтгандай боғладим. Иккинчи кеч ўзимни зўрлаб бўлса-да, акаларимни ура бошладим. Бу вақтларда аббосийлардан учинчи Маҳди Замонийнинг ҳукмронлик даври эди. Мен унга туҳфалар бериб яқинлашдим. У мени Басра ҳоқими қилиб тайинлади. Бир қанча вақт шундай қилишда давом этдим. Сўнг ўзимча, зора энди Саиданинг газаби пасайган бўлса, дедим-да, бир кеча уларни урмай қўйдим. У келиб мени шундай урдик, унинг аламини бир умр унутиш мумкин эмас. Шундан кейин бутун халифа Маҳдий шоҳлик даврида бирор кеч уришни тўхтатмадим. Халифа Маҳдий ўлгач, ўр-

нига сиз бўлдингиз ва сиз ҳам мени Басрага ҳоким қилиб фармон юбордингиз. Шундан бери ўн икки йил ўтди. Мен ҳар кеч ўзимни зўрлаб буларни ураман. Уриб бўлгач, юпатиб кўнгилларини олишга ҳаракат қиламан, узр этаман, едираман, ичираман. Улар доим қамоқда турадилар. Шунинг учун ҳам бу сирни ҳеч ким билмас эди.

Сиз хирож сўраб латифагўй Абу Исҳоқни юборгач, у киши билиб, сизни бу сирдан бохабар қилибди. Сиз мени ва итларни келтириш учун Абу Исҳоқни иккинчи бор юборган экансиз, «Бош устига»,— деб фармонларига мувофиқ, уларни ҳузурингизга олиб келдим. Сўраганингиздан кейин бутун воқеани тўла айтиб бердим. Менинг қиссам шу»,— дебди Абдулло.

Ҳайрон бўлган халифа ундан: «Энди сен акаларингнинг гуноҳларини афв қиласанми?»— деб сўрабди. «Эй халифа,— дебди Абдулло,— буларни худонинг ўзи кечириб, бу жавобгарликни бу дунё-ю у дунё бўйнимдан соқит қилсин. Ўн икки йилдан бери берган азобим учун булар мени кечиришларини сўрайман». «Худо хоҳласа,— дебди халифа,— мен буларни қутқазिशга, аввалгидай одам шаклига қайтишларига ҳаракат қиламан. Сизлар қолган умларингизни илгаригидай ака-укалик муҳаббати билан дўст, тотув бўлиб кечиришларингиз керак, сен улар гуноҳини кечирганингдай, улар ҳам сенинг гуноҳингни кечирсинлар. Буларни олиб ўз жойингга борда, бу кеч урма. Ҳеч нарса бўлмайди». «Эй хўжам,— дебди Абдулло,— агар бир кеч уларни урмасам, Саида келиб мени уради. Унинг калтагига тоқат қилгудай ҳолим йўқ». «Қўрқма!— дебди халифа Абдуллога.— Мен унга хат ёзиб бераман, агар Саида келса, сен унга хатни топширасан. Хатни ўқигач, сени кечирса, мукофот олади. Агар у менинг фармонимга бўйсун-

маса, у вақт сенинг ишинг худога ҳавола қилинади. Яна бир гал сени урса ура қолсин. Сен бу кеч уларни уришни эсингдан чиқарган бўл». Шундан сўнг халифа Саидага икки энлик хат ёзиб, муҳр босибди. «Эй Абдулло,— дебди халифа хатни узатиб,— Саида келса, унга инсонлар шоҳи менга уларни урмасликни буюрди ва сенга хат ёзиб, салом айтди, дегил. Сўнг фармонни унга топшир, ҳеч нарсадан қўрқма!» Шундан сўнг халифа Абдуллодан акаларини урмасликка қатъий ваъда олибди. Абдулло хатни олиб ўз уйига йўл солибди. У борар экан, ўз-ўзига: «Қани, жинлар шоҳининг қизи агар унга бўйсунмай, мени урса, шоҳ нима қиларкин, гарчи акаларимдан менга азоб етган бўлса ҳам унинг калтагига чидаш бериб, бу кеч акаларимга дам бераман»,— деб ўйлабди. «Агар халифа бир нарсага суянмаганда, уларни урмаслик учун менга бундай буйруқ қилмас эди»,— дебди. Уйига етгач у «Таваккал»,— дебди-да оғалари бўйнидан занжирни олибди. «Энди сизларга жабр йўқ. Бани аббосий авлодларидан бешинчи халифа сизларни қутқозишни ўз зиммасига олди. Мен сизларнинг гуноҳларингизни кечирдим. Агар худо хоҳласа, сизларнинг азобдан қутуладиган вақтингиз келди. Шу кеч сиз озод бўласиз, бахтдан қувонингиз»,—дебди. Бу сўзни эшитган итлар шодликларини ифода қилиб увиллашибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ, опажон, ҳикоянг жуда қизиқ экан,— деди синглиси Дунёзод.

— Э синглим,— деди Шаҳризод,— шоҳим омон қўйсалар эртага бундан ҳам қизингни айтаман.

Буни эшитган шоҳ: «Ке, бугун ҳам ўлдирмай тура қолай»,— деб ўйлади.



*Тўққиз юз
саксон олтинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Абдулло ибн Фозил биродарларига: «Бу хушхабар билан шодланингиз!»— дебди. Бу сўзни эшитган итлар шодликларини ифодалаб увиллай бошлашибди. Улар Абдулло олдида тиз чўкиб, дуо қилаётгандек юзларини оёқларига суртар эдилар. Абдулло уларнинг ҳолига ачиниб, орқаларини силабди. Кеч бўлгач, дастурхон ёзиб: «Олдимга ўтиринглар»,— дебди, улар ўтириб, Абдулло билан бир дастурхондан овқат ея бошлабдилар. Кишилар, Басра ҳокими итлар билан бирга овқат еяётганини кўриб, «Бу девонами ёки ақлдан озганми?»— дея ҳайрон бўлишарди. «Ахир қандай қилиб Абдуллодек ҳоким итлар билан овқат ейди. Ёки у итнинг нажас эканини билмас эканми?»— дер эдилар. Улар итларнинг ҳоким олдида одоб билан овқатланишига ҳайрон бўлишар эди. Улар Абдулло итлар билан таом еб бўлгунча лол қолиб кузатибдилар. Сўнг Абдулло қўлларини ювибди. Итлар ҳам олдинги оёқларини чўзиб ювишибди. Бу ҳолни кўриб турганлар таажжубланиб кулишарди. Улар: «Итлар дастурхондан таом еб, сўнг қўлларини ювганини умримизда кўрмаган эдик»,— дейишар эди. Сўнг улар Абдуллонинг ёнига келиб ўтиришибди-ю, лекин ҳеч ким ундан бу ҳақда сўрай олмабди. Аллавақтгача қангама қуриб ўтиришгач Абдулло ўз хизматчиларига жавоб бериб юборибди. Ҳаммалари ётишибди. Итлар ҳам чорпояларига чиқиб ухлашибди. Хизматчилардан бири: «Ҳоким уйқуга ётди, итлар ҳам у билан бирга ётдилар деса, иккинчиси, бир-

га таом егач, бир уйда ётиши зарарсиз, лекин бу фақат жиннилар иши холос»,— дер эди. Уларнинг биронтаси дастурхонда қолган овқатни ейишмабди, «Ахир, қандай қилиб итдан қолган овқатни еймиз»,— дер эдилар. Сўнг улар дастурхонни қолган овқатлари билан бирга йиғиб, «Бу нажас»,— деб бир четга ташлабдилар.

Энди Абдулло ибн Фозил воқеасига келсақ, у ҳали ётганча йўқ ҳам эдики, бирдан ер ёрилиб Саида чиқиб келибди-да: «Эй Абдулло, нега уларни бу кеча урмадинг? Нега уларнинг бўйинларидан занжирни олиб қўйдинг? Бу ишларни менга бўйсунмаслик, мени таҳқирлаш учун қилдингми? Бу айбинг учун ҳозир мен сени савалайман. Акаларинг каби ит шаклига киритиб сеҳрлайман»,— дебди. «Эй хўжам,— дебди Абдулло,— худо ҳақи, менга раҳм қилишингни сўрайман. Қулоқ сол, мен бунинг сабабини айтиб берай. Шундан сўнг хоҳлаганингни қил»,— деб ёлворибди. «Қани, айт!»— дебди Саида. «Сабаби шуки, амир-ал мўъминин Ҳорун ар-Рашид шу кеч уларни урмасликни буюрди. Бунинг учун мендан қатъий ваъда олди. У сенга салом йўллади ва ўз қўли билан ёзилган хатни сенга топширишни айтди. Мен унинг буйруғига итоат қилдим. Амир-ал мўъмининнинг буйруғига бўйсунуш зарурийдир. Мана унинг хати, олиб ўқи-да, сўнг билганингни қил»,— дебди Абдулло.

«Хатни бер!»— дебди Саида. «Мана, ол!»— дебди Абдулло. Сўнг Саида хатни очиб ўқибди. Хат шундай ёзилган эди: «Бисмиллоҳираҳмонирраҳим, одамлар шоҳи Ҳорун ар-Рашиддан қизил шоҳ қизи Саидага салом! Саломдан сўнг: бу киши акаларининг гуноҳини қечирди. Мен буларнинг ярашишларини лозим топдим. Ярашиш бўлса, орадан азоб кўтарилади. Агар менинг буйруғимга қарши турсаларингиз, мен

ҳам сизларнинг буйруқларингизга қарши тураман. Қоидаларингизни бузаман. Агар, сизлар менинг буйруғимга бўйсуниб, фармонимни бажарсаларингиз, биз ҳам сизларнинг буйруқларингизга итоат қиламиз. Мен буларнинг ярашишларига ҳукм қилдим. Агар сен имонли бўлсанг, худо ва пайғамбар амрига, подшо буйруғига бўйсунинг лозим. Бунинг учун худо томонидан лойиқ мукофотлар кўрасан. Итоат қилишнинг белгиси шу икки кишидан сеҳрни кўтариб, улар эртага менга одам суратида киришларидир. Агар буларни сен бу ҳолдан қутқазмасанг, мен худонинг ёрдами билан зўрлаб қутқозишга ҳаракат қиламан». Саида хатни ўқигач: «Эй Абдулло, сен шундай тура тур. Мен отамга бориб, унга одамлар шоҳининг бу хатини кўрсатаман. Тезда қайтиб, сенга жавоб бераман»,— деб бир нарсалар сўзлаб, ерга ишорат қилган экан, ер ёрилибди. Ерга кириб гойиб бўлибди. У кетгач, севинчидан Абдуллонинг боши кўкка етгудай бўлибди. «Халифани худо азиз қилсин»,— деб дуо қилибди.

Саида отаси олдига бориб, воқеани унга эшиттирибди. Халифанинг хатини берибди. Жинлар шоҳи хатни олиб бошига теккизгандан сўнг ўқибди: «Эй қизим, одамлар шоҳининг буйруғини бажармоғимиз лозим, унинг ҳукмига бўйсунамиз, унга қаршилиқ қилишга қодир эмасмиз. Бориб, у одамларни ҳозироқ озод қил ва уларга: «Сизлар одамлар шоҳининг ҳомийлиги туфайли озод бўлаётирсизлар. Чунки, агар у бизларга ғазаб қилгудай бўлса, бирортамиз ҳам соғ қолмаймиз, дегин»,— дебди шоҳ.

«Эй ота, агар бизларга одамлар шоҳи ғазаб қилса, у нима қилиши мумкин»,— дебди қиз отасига. «Эй қизим,— дебди шоҳ,— унинг қудратлилигига бир неча сабаб бор: биринчиси шуки, у одам авлодидан-

дир. Шунинг учун у бизлардан баланддир. Иккинчиси, у худонинг ноибидир. Учунчиси, эрталабки икки ракаат намозни канда қилмайди. Уни етти иқлимдаги жинларнинг ҳаммаси ҳам алдай олмайдилар. Агар у биздан ранжиса, эрталаб икки ракаат қамоз ўқийди-да, ҳаммаси бир бўлиб зикр тушади. Биз ҳаммамиз улар олдига итоаткор бир қулдай тўпланамиз, қассоб кўлига тушган қўйдай бўламиз. У хоҳласа, дашту саҳроларга бадарға қилади. Агар ҳалок қилмоқни истаса, ўлимга маҳкум қилади. Биз унинг фармониغا қаршилиқ қилолмаймиз. Унинг буйруғига қаршилиқ қилсак, у ҳаммамизни қириб юборади. Ундан қочиб қутула олмаймиз. Эрталабки икки ракаат намозни ўқийдиган ҳар бир инсоннинг ҳукми бизлар томондан сўзсиз бажарилади. Э қизим, иккита одам деб бизларни ҳалок қилма. Тез бор-да, одамлар шоҳининг ғазаби кучаймасдан олдин уларни қутқар». Саида Абдулло ёнига қайтибди-да, унга отасининг сўзларини айтгач: «Бизлар номимиздан одамлар шоҳи халифанинг қўлларини ўп, биздан рози бўлишини талаб қил»,— дебди. У шундай дебди-да, тоғарани чиқариб, унга сув солибди. Бир нарсалар ўқибди. Киши тушунмас бир қанча сўзлар сўзлабди. Сўнг сувни улар устига сепиб: «Ит қиёфасидан одам шаклига киришлар»,— дебди. Сеҳр боғини узиб, улар ўша ондаёқ аввалги ҳолларига айланибдилар. Уларнинг ҳар иккови: «Ашҳадуан ло илоҳа иллоллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан расулуҳу», деб калимаи шаҳодат келтирибди. Сўнг улар укасининг оёқ-қўлларини силаб, ўпиб, кечирим сўрай бошлабдилар. «Сизларнинг гуноҳингиздан кечдим»,— дебди Абдулло. Сўнг улар қатъий тавба қилибдилар-да: «Лаънати шайтон бизларни йўлдан оздириб хомтама қилди. Худо бизларга лойиқ жазо берди. Кечирिश улуғлик белгиси-

дир»,— дея укаларидан афв сўраб йиғлабдилар. Улар қилган ишларидан пушаймон эдилар. Сўнг Абдулло уларга: «Тош шаҳридан келтирган хотинимга нима қилдингизлар?»— деб сўрабди.

«Шайтон бизни йўлдан оздириб, сени сувга таш- лагач,— дебди улар,— қиз учун орамизда жанжал бошланди. Ҳар биримиз: «Унга мен уйланаман»,— деб тортиша бошладик. Қиз уни талашаётганимизни сезиб, сенинг денгизга ташлаганимизни билгач, кема остидан ташқарига чиқиб: «Мен учун хусумат қил- манглар, мен сизларнинг бирортангизга ҳам тегмай- ман. Эрим денгизга тушган экан, мен ҳам унинг ке- тидан бораман»,— деди-да, ўзини денгизга отиб фарқ бўлди. «Лоҳавла валоқуввата илло билоҳилазим, у албатта шаҳид бўлибди»,— дебди-да, Абдулло қаттиқ оҳ тортиб: «Сизлардан шу иш лозим эмас эди, хоти- нимни ўлдириб, мени ундан жудо қилибсизлар»,— дебди. «Бизлар хато қилибмиз. Шунинг учун тангри қилмишимизга яраша жазо берди. Бу, худо бизни яратмасдан олдин пешонамизга ёзган кўргулигимиз экан»,— дебдилар. Абдулло улар узрини қабул қи- либди. Саида унга: «Сенга қарши булар шунча иш- лар қилган бўлсалар ҳам, сен буларни кечираётир- сан»,— дебди. «Эй синглим,— дебди Абдулло,— кам- чиликларни кечира олган кишига худо катта мукофот беради». «Чакки қиласан, улардан узоқлаш, чунки улар хиёнаткордир»,— дебди-да, Саида Абдулло би- лан хайрлашиб, ғойиб бўлибди.

Ҳисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Ҳикояга қизиқиб қолган шоҳ ўзича ўйлади: «Кўп доно аёл экан, унинг устига устак гўзаллигини айт- майсизми. Ўлдирсам, ўлади кетади. Ке, ҳикояларини обдон эшитиб олмагунимча яхшиси ўлдирмай турай».



*Тўққиз юз
саксон еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Саида Абдуллони акаларидан эҳтиёт бўлишга ундаб, у билан хайрлашиб, ғойиб бўлибди.

Абдулло кечани акалари билан еб-ичиб, ўйнаб-кулиб ўтказибди. Тонг отгач, уларни ҳаммомга туширибди. Ҳаммомдан чиққач, уларга қиммат баҳо кийимлар кийгизибди. Сўнг у дастурхон ёзишга буюрибди. Дастурхон ёзилибди. Абдулло акалари билан бирга овқатланибди. Хизматчилар улар Абдуллонинг акалари эканини билиб, салом берибдилар. «Эй хўжам, ҳурматли акаларингиз билан учрашишингизни худо ёрлақасин. Булар ҳозиргача қаерда эдилар?»— деб сўрашибди улар Абдуллодан: «Иккита ит қиёфасида кўриб юрганларингиз шулар эди. Шукур, худо уларни бу азобдан қутқазди»,— дебди Абдулло уларга.

Сўнг Абдулло уларни Ҳорун ар-Рашид саройига элтиб, халифа қошида ер ўпибди. Унга абадий бахту иқбол ва ғаму ғуссадан халослик тилабди. «Хуш келибсан, эй амир Абдулло, қани, бошдан кечирганларингни сўзла!»— дебди халифа.

«Эй амир-ал мўъминин, худо мартабангизни кўкларга кўтарсин,— дебди Абдулло,— мен сизнинг олдингиздан чиқиб акаларим билан ўз жойимга бордим. Буларни қутқаришга сиз восита бўлганингиз учун хотиржам бўлиб, ўз-ўзимга: «Шоҳлар қилмоқчи бўлган ишларини албатта бажарадилар. Чунки, уларнинг баланд мартабалари шунга муносибдир»,— дедим-да, худога таваккал қилиб, уларнинг бўйинла-

ридан занжирни ечдим ва улар билан бирга ўтириб, бир дастурхонда овқатландим. Хизматчиларим ит қиёфасидаги акаларим билан бирга овқатланаётганимни кўриб, мени беҳазар, ақлсизга чиқардилар. Улар бир-бирларига: «Басра ҳокимидек одам қандай қилиб итлар билан ҳамтовоқ бўлиб ўтирибди. Эҳтимол у ақлдан озгандир»,— дер эдилар. Шунинг учун улар дастурхонни қолган таомлар билан бирга бир четга олиб бориб ташладилар. Улар: «Итдан қолган овқатни қандай қилиб еб бўлади, ит нажас-ку»,— дейишарди. Улар менга паст назар билан қараб, писанд қилмай қўйдилар. Мен уларнинг бу хил сўзларини эшитсам ҳам, улар менинг акам эканини билмаганлари учун жавоб қайтармас эдим. Уйқу вақти етгач, уларга жавоб бериб, энди ухламоқчи бўлиб турганимда бирдан ер ёрилди-ю, қизил шоҳ қизи Саида чиқиб келди. У мендан аччигланган, кўзларида ўт чақнар эди»...

Шу тариқа Абдулло халифага Саиданинг отаси билан гаплашгани борми, қандай қилиб уларни ит қиёфасидан одам қиёфасига айлантиргани борми, ҳаммасини батафсил сўзлаб берибди ва охири: «Мана, улар энди сенинг фармонингда, эй амир-ал мўминин»,— дебди.

Халифа уларга қараса, улар худди ойдек келишган ёш йигитлар экан. «Худо сени ёрлақасин эй Абдулло, мен билмаган бир муҳим нарсани билдирдинг. Худо хоҳласа тирик эканман, эрталабки икки ракаат намозни сира тарк қилмайман»,— дебди-да, халифа Абдуллога зарар берган акаларини қаттиқ койибди.

Улар халифа қошида Абдуллога узр айтибдилар. «Бир-бирларингизга қўл беришиб, дўстлашинглар, бир-бирларингизни кечирингизлар, ўтган ишга сало-

ват»,— дебди халифа. Сўнг Абдуллога юз ўғириб: «Эй Абдулло, акаларингни ўзингга ёрдамчи қилиб ол, уларга ғамхўрлик кўрсат»,— дебди-да, акаларини ҳам унга итоат қилишга ундабди. Шундан кейин халифа уларга тухфалар бериб, Басра шаҳрига жўнашларига ижозат берибди. Улар шоду хуррамлик билан саройдан чиқибдилар. Бу воқеадан кўрган фойдаси учун халифа беҳад қувонибди-да: «Бировларга етган кулфат бошқалар учун ибратомуз фойдали дейилган мақол ажаб бир мўъжизадир»,— дебди.

Энди Абдулло ибн Фозил воқеасига келсак: у акалари билан иззат-ҳурмат ва баланд мартабада Бағдоддан Басрага жўнабди. Уларни кутиб олиш учун шаҳар улуғлари, амалдорлари чиқибдилар. Уларнинг келишига шаҳар алоҳида безатилган эди. Уларни катта тантана билан кутиб олибдилар. Одамлар Абдуллони дуо қилар эдилар. Абдулло уларга олтин-кумушлар сочарди. Ҳамма одамлар баланд овоз билан Абдуллони олқишларди. Акаларига эса ҳеч ким эътибор ҳам бермас эди. Шу чоқ акаларининг дилида яна рашк, кўролмаслик ҳисси пайдо бўлибди. Абдулло бўлса уларни кўз қорачигидек авайлар эди-ю, у акаларини қанча авайласа, уларнинг рашки шунча ортар эди. Шоирнинг шеъри шу ўривга жуда муносиб эди:

Барча бирлан дўст, тотув бўлмоқни гарчанд истайми,
Бу менинг истакларимга ҳасад зиддир тамом.
Балки ғийбатчи билан дўстликни маҳкамлаш қийин,
Иккиси ҳам заҳрини сочгай менга, топса мақом.

Абдулло акаларининг ҳар бирига биттадан тенги йўқ гўзал канизак берибди. Уларга махсус хизматчилар, малайлар, оқ, қора қуллар, жориялар тайин-

лабди. Ҳар бирига элликтадан чопқир от бердирибди. Шундай қилиб, улар ўз жория ва турли хизматчиларига эга бўлибдилар. Уларнинг ҳар бирига маҳсус маошлар тайинлабди ва ҳар икки акасини ўзига ёрдамчи қилиб олибди-да: «Эй биродарлар, ҳаммамиз тенг ҳуқуқлимиз, орамизда ҳеч қандай фарқ йўқ»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
саксон саккизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Абдулло акаларига бир қанча хизматкорлар топшириб, уларни ўзига ёрдамчи қилиб тайинлабди-да: «Эй биродарлар, ҳуқуқда ҳаммамиз тенгмиз, орамизда ҳеч қандай фарқ йўқ,— дея уқтирибди,— давлат идораси худо хоҳласа халифадан сўнг мен билан сизларнинг қўлимиздадир. Мен йўғимда сизлар ҳукм юргизаверинг. Сизларнинг ҳукмларингиз эътиборлидир. Лекин худодан қўрқиб иш кўришингиз, зинҳор зулм қилмаслигингиз лозим. Чунки зулм юртни хароб қилади. Ҳар доим адолат билан иш кўрингиз. Одиллик билан иш олиб бориш қанча чўзилса, одамлар сизларни шунча дуо қиладилар. Қулларга жабр қилманг, сизларни қарғайди. Бу хабар халифага етиб, менга ҳам, сизларга ҳам гап тегеди. Бирор кишини ранжита кўрманглар. Одамлардан пул тама қилмай, керагича менинг пулимдан олиб сарф қилинг. Адолатсизлик натижасида кўриладиган аломатлар сизларга яширин эмасдир. Шу байтларни айтган кишини худо ёрлақасин.

Мард йигитлар иродаси юрагида ёшурин,
 Доно йигит ҳар кишига айта бермас ўз сирин.
 Ун бор ўйлаб, бир бор сўзлар, тили дилига пайванд.
 Ўз тилини юрагида сақлаганлар — донишманд.
 Нодонларнинг юраклари тилларининг учида,
 Бору йўғи ташида-ю, ҳеч нарса йўқ ичида.
 Кишиларда бўлмас экан юксак фикру зўр идрок.
 Кичик аъзо ғолиб келиб, қилар ўзини ҳалок...
 Ҳақиқий мард ёшурингай мағрурликдан ҳар доим,
 Индамасдан қилган иши халқ дардига бўлиб эм.
 Бўлса кимнинг кўнгли қора, ташга урар бир куни,
 Сўзларидан фаҳмлаб олар кимлигини, халқ уни.
 Қалби покнинг сўзлари ҳам хушмазмуну сермаъно,
 Олдиндан ҳеч мақтанмайди, бурчин адо этмай то.
 Ким нодонни муҳим ишга йўллар: ўзи нодондир.
 Хоҳ муҳим иш, хоҳ номуҳим, иши халққа товондир.
 Сир сақлашда наҳоятда ҳушёр бўлмоқлик керак,
 Сир олишга душман уста, сир олишга ёв зийрак.
 Тушунчали бир йигитга етарлидир ўз иши,
 Унга юклар ўз ишини тушунчасиз бир киши».

Абдулло, зулм қилмаслик, адолат билан иш кўриш тўғрисида сўзлаб, акаларини тўғри йўлга солишга тиришибди. «Насихатлар натижасида улар чиндан дўстлашдилар»,— деб ўйлаган Абдулло акаларига суяниб, уларни яна ҳам ортиқроқ ҳурмат қила бошлабди. Лекин уларда борган сари кўролмаслик, рашк зиёда бўла борибди. Бир кун акалари — Носир билан Мансур бирга ўтиришиб, ҳасратлашибди: «Эй биродар,— дебди Носир Мансурга,— қачонгача биз укамиз Абдуллога бўйсунамиз. Қачонгача у ҳоким бўлиб туради. У савдогарликдан амирликка ўтди, кичикдан катта бўлди. Биз ҳеч катта бўлмадик, обрўйимиз қолмади. У бизларни масхара қилиб, ўзига ёрдамчи қилиб тайинлади. Бунинг маъноси нима? Бизлар унинг қарамоғида, унга тобилегимиз эмасми? У соғ-саломат экан, бизнинг мартабамиз

ошмайди. Мақсадимизга фақат уни ўлдириб, молларини қўлимизга олганимиздагина эришимиз мумкин. Унинг молини фақат ҳалок қилиб олишимиз мумкин. Унинг хазинасидаги нарсаларни ўзаро тақсимлаб, халифага ҳам туҳфалар берамиз. Ана шундан кейин биз халифадан Куфа ҳокимлигини талаб қиламиз, сен Басрага ҳоким бўласан, мен Куфага ҳоким бўламан, ёки аксинча, сен Куфага ҳоким бўласану, мен Басрага ҳоким бўламан. Ҳар биримизнинг ҳуқуқ ва давлатимиз ортади. Лекин бу мақсадга эришиш учун уни ўлдиришимиз керак». «Гапларинг тўғри,—дебди Мансур,—лекин уни қандай қилиб ўлдираемиз?» «Биримизникида зиёфат ташкил қиламиз-да, уни чақириб, жуда катта ҳурмат кўрсатамиз,—деб гап бошлабди Носир,—сўнг гапга солиб, чарчагунча ҳар хил қизиқ-қизиқ ҳикоялар, ажойиб афсоналар сўзлаб берамиз. Сўнг ўрин солиб ухлашни таклиф қиламиз. Ухлагач, унинг устига чиқиб тиззаларимиз билан мажақлаб ўлдираемиз-да, денгизга ташлаймиз. Тонг отгач: «У бизлар билан сўзлашиб ўтирган эди. Унинг жин синглиси келиб, унга: «Эй одамларнинг пачоғи. Нега менинг тўғримда амир-ал мўъминин — халифага шикоят қилдинг? Бизларни ундан қўрқади деб ўйлайсанми? У қандай шоҳ бўлса, биз ҳам шундай шоҳмиз. Агар у биз билан яхши муносабатда бўлмаса, биз уни жуда даҳшатли жазо билан ўлдираемиз. Мен чидай олмайман. Ҳозир сени ўлдираман. Қани, амир-ал мўъмининнингнинг қўлидан нима келар экан»,—деди-да, уни маҳкам ушлади. Ер ёрилди, уни ўзи билан ер остига олиб кетди. Биз буни кўргач, ҳушимиздан кетиб йиқилдик. У ёғи нима бўлди, билмаймиз,—деб овоза тарқатамиз-да, халифага одам юбориб, воқеани маълум қиламиз. Сўнг халифа унинг ўрнига бизни та-

йинлайди. Бир қанча вақт ўтгач, халифага қиммат баҳо тухфалар тортиқ қилиб, ундан Куфа ҳокимлигини сўраймиз. Шундай қилиб, биттамыз Басрада ҳоким бўламиз, биттамыз Куфада даврон сурамиз. Бизлар бу шаҳарларда қувнаб-яйраймиз. Қулларни асир қиламиз. Мақсадга эришамиз, вассалом». «Жуда яхши фикр айтдинг, эй биродар»,— дебди Мансур уни қувватлаб. Улар укаларини ўлдиришга аҳд қилишгач, Носир зиёфат уюштирибди-да, укаси Абдуллога: «Эй биродар, мен сенинг аканг бўламан. Мақсадим шуки, кўнглимни ёзиш учун ўзинг билан бирга биродарингни олиб, менинг уйимга қадам ранжида қилиб, зиёфатимда бўлсаларинг бениҳоя қувонардим. Одамларнинг амир Абдулло акаси Носир зиёфатига келди дейишларига фаҳрланардим»,— дебди. «Жуда яхши, эй ака, орамизда ҳеч қандай фарқ йўқ. Сен чақиргач, албатта бораман. Зиёфатдан фақат ёмон одамларгина қочади»,— дебди-да, иккинчи акаси Мансурга қараб: «Уканг Носир уйига мен билан бирга борасанми, борсанг уканг дилининг ярасига даво бўлар эдинг»,— дебди. «Эй биродар Абдулло, худо ҳурмати, то уникадан чиқиб меникига киришга қасам ичмагунингча бормайман, Носир биродаринг бўлса, мен биродаринг эмасманми, унинг кўнглини овлайсану, менинг кўнглимни овламайсанми?»— деб туриб олибди Мансур. «Ҳеч зарарсиз, биродаринг уйдан чиққач, сеникига жоним билан бораман. У менинг биродарим бўлса, сен ҳам менинг биродаримсан»,— дебди Абдулло. Сўнг Носир укаси Абдуллонинг қўлларини ўлибди. Девондан тушиб, зиёфатга ҳозирлик кўра бошлашибди.

Иккинчи кун Абдулло отга минибди. Узи билан бирга бир қанча аскарлар ва Мансурни олиб Носир уйи томон йўл олибди. Абдулло ва унинг ҳамроҳ-

лари уйга кириб ўтиришибди. Носир бўлса улар билан сўрашиб, олдиларига турли таомлар келтира бошлабди. Еб-ичиб, роҳатланибдилар. Дастурхон йиғилиб, қўллар ювилибди. Аллавақтгача ўйнаб-кулиб ўтирибдилар. Кечки овқатдан сўнг хуфтон намозини ўқибдилар. Сўнг Мансур билан Носир ҳар хил ҳикоялар айтиб бера бошлабди. Абдулло уларнинг ҳикояларини завқ билан эшитиб ўтирибди. Уларнинг ўзлари айрим бир уйда бўлиб, аскарлар бошқа бир уйда эканлар. Носир билан Мансур биродарлари Абдулло уйқуга ётгунча, тўхтовсиз ҳар хил ҳикоя, чўпчак, тарихий қизиқ воқеа ва хабарлар айтишдан тўхтамабдилар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўққиз юз
саксон тўққизинчи
кеча



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— узоқ вақт бедор ўтириш Абдуллони зериктириб, у ётмоқ истабди. Унга ўрин солиб берибдилар. У ечиниб уйқуга кетибди. Акалари эса унинг ёнига ўрин солиб ётишибди. Улар Абдулло уйқуга чўмгунча кутиб турибдилар-да, сўнг тура унинг кўкрагига чиқиб, тиззалай бошлабдилар. Абдулло уйғониб қараса, улар кўкрагига тепмоқда эдилар. «Бу нима қилиқ, эй, биродарлар?»— дебди Абдулло акаларига. «Биз сенинг акаларинг эмасмиз, ҳатто сени танимаймиз, одобсиз, сенинг тиригингдан ўлигинг яшироқ»,— дебдилар-да, ҳиқилдоғидан бўғибдилар. У ҳушдан кетгач, ўлди деб ўйлабдилар-да, дарров денгизга улоқтирибдилар. У сувга тушиши билан

худо унга делфин деган сув ҳайвонини етказибди. Делфин бу ерга келишга одатланган экан. Чунки сарой ошхонасининг деразаси денгизга қаратган бўлиб, бу ерда қачон бирор мол сўйилса, унинг ичак-човоқлари шу деразадан денгизга ташланар эди. Делфин сузиб келиб, уларни сув устига олиб чиқиб ер эди. Букун зиёфат сабабли денгизга жуда кўп чиқитлар ташланган эди. Делфин букун ҳар вақтдагидан ортиқроқ овқат еб, катта куч тўплаганди. Денгизга шалолаб тушган нарса товуши эшитилиши билан у ўша заҳоти етиб келибди. Қараса, одам. Тангри унга йўл кўрсатибди. У Абдуллони ортмоқлаб денгиз ўртасидан сузиб кетибди. Суза-суза уни денгиз қаршисидаги кўча қирғоғига чиқариб ташлабди. У кўча жуда серқатнов экан. У ердан ўтиб бораётган бир тўда одамлар, Абдуллонинг денгиз қирғоғида ётганини кўриб, «Бу одам фарқ бўлган экан, сув тўлқини қирғоққа чиқариб ташлаган бўлса керак»,— деб ўйлабдилар. Бир оз ўтар-ўтмас жуда кўп одамлар тўпланиб томоша қила бошлабдилар, қариялардан бири доно, зийрак, тиббиётдан хабардор, ғамхўр бир киши экан.

«Нима гап?»— дебди у одамларга. «Бу одам сувга чўкиб ўлган экан»,— дейишибди улар. Қария унга яқин бориб, у ёқ-бу ёқларини кўрибди-да:

«Эй одамлар, бу йигитда ҳали жон бор. Бу аслзода одамнинг бахтли болаларидан экан. Худо хоҳласа, бундан умид бор»,— дебди-да, кийимлар кийги-зиб, иссиқ ўраб уни даволай бошлабди. Уч манзил ўтгунча қария ардоқлаб боқибди. Ниҳоят, у кўзини очибди. Лекин қария уни фойдали ўсимликлар билан даволай бошлабди.

Улар ўттиз кун йўл юриб, Басрадан анча узоқлашибдилар. Шунча ерни босгунча ҳам, қария даво-

лашни давом эттирибди. Сўнг улар Ажам шаҳридан Ғуж деган шаҳарга кириб борибдилар-да, бир саройга тушибдилар. Унга жой солиб берибдилар. Абдулло у кечани инграб ўтказибди. Ёнидагилар унинг инграшидан тинчсизланибдилар. Тонг отгач, саройбон қария олдига келиб, «Бу қандай касал? Бу ким бўлади? Бизларга тинчлик бермади-ку!» деб суриштирибди. «Буни биз кета туриб, йўлда қирғоқда ётган ҳолда кўрдик. Ғарқ бўлган экану, тўлқин чиқариб ташлабди дедик-да, ўзимиз билан бирга олиб юриб даволай бошладик. Шифо топмаётир»,— дебди қария. «Буни Рожиҳага кўрсат бўлмаса!»— дебди саройбон. «Рожиҳа ким у?»— дебди қария. «Бизнинг олдимизда бир қиз бор, ўзи ниҳоятда чиройли. Исми Шайх Рожиҳа. Ким касал бўлса, унга олиб борадилар. Касал унинг уйида ётиб, дард кўрмагандек бўлиб кетади»,— дебди саройбон. «Бизни унга бошлаб бор бўлмаса»,— дебди қария. «Юрингизлар!»— дебди саройбон. Қария касални опичиб олибди, саройбон йўл бошлабди. Улар бир ҳужра олдига етганда, қария одамлар ҳар турли назру ниёзлар билан кириб бораётганини, баъзилар қувониб, у ердан чиқаётганларини кўрибди. Саройбон ичкари кириб, ҳужрага осиглиқ парда ёнида тўхтабди-да: «Эй Шайх Рожиҳа, бу касални кўринг!»— дебди. «Парда ичкарисига кирит!»— дебди Шайх Рожиҳа. Саройбон қарияга: «Касални у ерга олиб кир!»— дебди. Абдулло ичкари киргач, уни дарров танибди. Шайх Рожиҳа Тош шаҳридан келтирган ўз хотини эди. Хотин ҳам Абдуллони танибди. Улар бир-бирларига салом беришибди. «Қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг?»— деб сўрабди Абдулло ундан. «Акаларинг сени дарёга ташлагач, менга хусумат қилиб талаша бошладилар. Мен ўзимни денгизга отдим,— деб гап бошлабди қиз.— Лекин,

Хизир Алайҳиссалом менга ёрдамга келди. Мени қутқариб шу ҳужрага келтириб қўйди-да, касалларни даволашни буюрди. Ўзи эса: «Шаҳарда ким касал бўлса, Шайх Рожиҳага ўзини боқизсин»,— деб ҳар ёққа хабар тарқатди. У: «Эринг шу ерга келгунча, кутиб тур!»— деди менга. Менга келган ҳар қандай касал биргина дори билан тузалиб кетади. Ҳамма ёққа овозам тарқалди. Ҳамма одамлар турли назру ниёзлар билан кела бошладилар. Менда мол-дунё катта. Ўзим ҳам иззат ва ҳурматдаман. Бутун шаҳар халқи мендан дуо ва шифо кутадилар». Сўнг у Абдуллони даволабди. Худонинг қудрати билан у бир дамда тузалибди. Одатда Хизир Алайҳиссалом ундан ҳар жума хабар олар эди. Иттифоқо, Абдулло билан кўришган кунни жума эди. Кеч бўлгач, жуда лаззатли овқатлар еб, Шайх Рожиҳа Абдулло билан Хизир Алайҳиссаломнинг келишини кутиб ўтирибдилар. Бир вақт Хизир Алайҳиссалом кириб келибди-да, уларни олиб тўғри Абдулло ибн Фозилнинг Басрадаги саройига элтиб қўйибди-ю, ўзи ғойиб бўлибди. Тонг отгач, Абдулло саройини кўздан кечирибди. Сарой ҳақиқатан ўз саройи эди. Уни танибди. Ташқарида у одамларнинг шов-шувларини эшитибди. Деразадан қараса, акалари қўл-оёқлари бир ёғочга михланган ҳолда кўчада ётишганмиш. Бунинг сабаби қуйидагича эди:

Улар Абдуллони денгизга ташлагач, «Бизнинг укамизни жин олиб қочди»,— деб йнглабдилар.

Сўнг улар халифага туҳфа ҳозирлаб, бу воқеани унга етказибдилар ва халифадан Басра шаҳрига ҳокимлик вазифасини сўрабдилар. Халифа эса уларни ўз ҳузурига чақиртириб, воқеани сўрабди. Улар юқорида айтилган гапларни такрорлабдилар. Халифа қаттиқ ғазабланибди. Кеч бўлгач, халифа ўз ода-

тича икки ракаат намоз ўқибди-да, жинлар гуруҳини чақириб бақирбди. Ҳамма жинлар халифа олдида итоаткор ҳолда ҳозир бўлибдилар. Халифа улардан Абдуллони сўроқлабди. Улар кўрмаганликларини ва ундан беҳабар эканликларини айтиб, қасам ичибдилар. Шу топда қизил шоҳ қизи Саида етиб келиб, халифага Абдулло воқеасини айтиб берибди. Халифанинг амри билан жинлар ўз йўлларига кетибдилар.

Иккинчи кун халифа Носир ва Мансурларни калтаклай бошлабди. Улар ишларига иқрор бўлибдилар. Улардан ғазабланган халифа хизматчиларига: «Буларни Басрага олиб бориб Абдуллонинг уйи рўпарасида оёқ-қўлларини михланглар»,— деб фармон берибди.

Энди Абдулло воқеасига келсак, у акаларини кўмишга буюрибди. Сўнг ўзи отга миниб Бағдодга йўл олибди ва бориб, халифага ўз саргузаштлари ҳамда акаларининг унга қилган ишларини бошдан-оёқ сўзлаб берибди. Халифа худонинг қудратига ажабланибди. Қози ва гувоҳларни чақиртириб, Абдуллони Тош шаҳридан келтирган қизга никоҳлатибди. Унга уйланган Абдулло то лаззатларни тугатиб, қариндош-уруғлардан ажратувчи ўлим келгунча Басрада яшабди.





Маъруф Аскофий қиссаси

Р

ивоят қилишларича, эй саодатли шоҳ, Мисрда бир ямоқчи ўтган экан. У эски-туски оёқ кийимларни ямаб тирикчилик ўтказар экан. Унинг номи Маъруф экан. Унинг Фотима деган бир хотини бўлиб, лақаби манжалақи экан. У жуда шаллақи, заҳар, бетсиз ва фисқу фасод ковловчи бўлгани учун шу лақабни қўйган эканлар. У эри бечорага кун бермас, бекордан-бекорга ҳадеса қаргаб-илгаб,

дашном берар экан. Бечора эр унинг азобидан зириллар экан. Ямоқчи эса ор-номусли, ақлли ва мўмин киши экану, лекин гоят қашшоқ экан. У кўп топса ҳаммасини сарфлар, кам топса, хотини ўша кеча унинг баданларини ўймалар, қарғайвериб қулоқ-миясини ер экан.

Шоирнинг қуйидаги шеъри унга жуда мос эди:

Бўлмаса ҳамёстуғинг фикрингга мос,
Сабр битгай ҳам йўқолгай эҳтирос.
Бир умр ўз душманинг қўйинигдадир,
Тунда занжирдек қўли бўйинигдадир.

Кунлардан бир кун хотин эрига: «Эй Маъруф, бу кеч менга асал билан кунофа олиб келасан»,— дебди. «Худо менга етарли пул ишлашни насиб қилса, албатта, олиб келаман. Худо ҳақи, ҳозир пулим йўқ. Зора худо мушкулимни осон қилса»,— дебди эри унга. «Зора-моранг билан ишим йўқ!»— дебди хотини.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Маъруф Аскофий хотинига: «Худо ҳақи, ҳозир пулим йўқ. Худо мушкулимни осон қилиб, букун ўшанга етарли пул ишлай олсам, албатта, олиб келаман. Зора худо мушкулимни осон қилса»,— дебди. «Зора-моранг билан ишим йўқ. Қандай бўлмасин, асал билан кунофа келтирмагунингча, уйга қадам босмайсан. Агар кунофасиз келсанг, нақ она сутинг-



*Тўққиз юз
тўқсонинчи кеча*

ни оғзингдан келтираман»,— дебди хотини. Шўринг қурғур ямоқчи бечора: «Зора менга худонинг раҳми келса»,— дебди-ю, уйдан чиқибди. Ғам-ғуссага тўлган ямоқчи бориб дўконни очар экан: «Эй худо, якка-ю ягоналигинг ҳурмати, бугун кунофага етарли ризқни ўзинг етказиб, у бадбахт хотиннинг бу тунги азобидан ўзинг қутқазишингни сўрайман»,— деб нола қилибди. У куннинг ярмигача ҳақ деб ўтирибди. Ҳеч иш келмабди. Хотинини ўйлаб, қўрқуви яна ҳам ортибди. Ўрнидан туриб, дўконни қулфлабди. Кунофа ҳажрида нима иш қилишини билмай ҳайрон бўлибди. «Қора нонга етарли ҳам иш келмади»,— дебди-ю, у кунофа дўкони ёнига бориб, ҳайрон бўлиб, туриб қолибди. Кўзларидан ёш оқар эди, буни сезган кунофафуруш: «Эй Маъруф, нега йиғлаяпсан, айт-чи, сенга қандай кулфат етди?»— деб сўрабди. Маъруф воқеани сўзлаб: «Хотиним ҳаддан ортиқ зolim, менга бугун кунофа олиб боришимни буюрган эди. Дўконда ўтирдим. Куннинг ярми ўтди. Лоақал қора нонга етарли ҳам иш келмади. Шунинг учун жуда қўрқиб кетаётирман»,— дебди.

«Зарарсиз,— дебди кунофафуруш кулиб Маъруфга.— Неча ритл олмоқчисан?» «Беш ритл»,— дебди Маъруф. Сотувчи унга беш ритл кунофа торттиб бериб: «Менда қиздирилган ёғ бору, лекин аря асали эмас, қамиш асали бор. Қамиш асали ундан яхшироқ. Ҳақиқатда кунофа қамиш асали билан тоғлироқ»,— дебди.

Маъруфга бу таклиф жуда ёқса ҳам шунча нарсани насияга олаётганидан хижолат бўлибди. «Яхши, ўша асалдан беринг»,— дебди у сотувчига. Сотувчи кунофани ёғ билан қовуриб устига асал сурибди. Ҳақиқатан шоҳлар еса арзийдиган кунофа бўлибди. «Пишлоқ ва нон керак эмасми?»— дебди-да, сотувчи

унга тўрт пуллик нон, бир пуллик пишлоқ ҳам берибди. Кунофанинг баҳоси ўн пул эди. «Билгил, эй Маъруф, қарзингининг ҳаммаси ўн беш пул бўлди. Энди хотининг ёнига бориб, маишат қил!— дебди,— мана бу бир пул ҳаммомга. Қарзингни тўлашга шошилма, бир-икки кун, уч-тўрт кун, худо етказгунча сенга муҳлат. Хотинингни хафа қилма. Мен қўлингга кундалик чиқимингдан ортиқча пул тушгунча кута берман».

Маъруф кунофа, пишлоқ ва нонни олибди-да, дуо қилиб у билан хайрлашибди. Кўнгли тинчиб йўлга тушибди. «Худо ўзингга шукур, сен қандай марҳаматлисан»,— дебди бечора Маъруф. Сўнг у хотини ёнига кирибди. «Кунофа келтирдингми?»— дебди хотини. У: «Ҳа»,— дебди-да, олдига қўйибди. Хотини қараса, қамиш асали сурилган экан. «Сенга ари асалидан демабмидим, қамиш асали олибсан. доим менинг айтганимга тескари иш қиласан!»,— деб бақирибди у. «Мен нақд пулга сотиб олганим йўқ, насиёга олдим»,— дея Маъруф узр айта бошлабди. «Бўлмаган гап, мен фақат ари асали сурилган кунофа ейман,— деб вақиллабди хотини ва кунофани унинг юзига отибди-да,— тур ҳозир, эй қўшмачи, бошқасини олиб кел»,— деб бир урган экан, ямоқчи бечоранинг тиши синиб, кўкрагига қон оқа бошлабди. Қаттиқ ғазабланган Маъруф хотинининг бошига секингина урган экан, хотин унинг соқолидан тутамлаб: «Ҳой мусулмонлар, бормисизлар!»— дея дод солиб қўшниларини чақира бошлабди. Қўшнилари кириб ямоқчини унинг қўлидан қутқазибдилар-да, хотинни айблаб, унга дашном бера бошлабдилар: «Ахир биз, ҳаммамиз қамиш асали сурилган кунофани жон деб еймиз, камбағал бечорани шунча хўрлайсанми. Ҳамма айб сенда. Хайф сенга»,— деб шаллақи Фоти-

мага танбеҳ берибдилар-да, уларни бир-бири билан яраштириб қўйибдилар. Лекин одамлар кетгач, хотин: «Мен буни ўлсам ҳам емайман»,— деб қасам ичибди. Маъруф жуда очиққан экан. У ўз-ўзига: «Бу емайман деб қасам ичди, ўзим еб қўя қолай»,— дебди-ю, кунофани ўзи ея бошлабди. Буни кўргач хотини: «Худоё бу заҳар бўлиб, аъзойи баданингдан тешиб чиқсин»,— деб қарғабди. «Бу нима деганинг хотин?—дебди Маъруф кулгиликка олиб,— сен буни емайман, деб қасам ичдинг. Худойим меҳрибон, худо хоҳласа эртага ари асали сурилган кунофа олиб келаман, уни бир ўзинг ейсан»,— дея кўнглини овлашга тиришибди Маъруф. Хотин тинмай вайсалаб қарғар, ярамас сўзлар билан ҳақорат қилар эди. Тонг отгунча қарғаб, ҳақоратлаб чиққан хотин, ниҳоят уни уришга енг шимарибди. «Муҳлат бер, мен сенга бошқасини келтириб бераман»,— дебди-да Маъруф, масжид томон кетибди ва намоз ўқиб, дўконига жўнабди. Дўконни очиб, ҳали у ёқ-бу ёққа қарагунча бўлмай, қози маҳкамасидан икки киши келиб: «Ўрнингдан тур, сени қози чақираётир, хотининг устингдан қозига арз қилган экан. Унинг башараси ундай, бундай» деб сўзлаб беришибди. Маъруф ўзининг хотини эканини билибди. «Унинг жазосини худонинг ўзи берсин»,— дебди-да, ўрнидан туриб, улар билан бирга қозихонага борибди. Қозихонага кириши билан хотинини кўрибди. У тирсақларини бойлаган, чачвонига қон суркаб олган, йиғлаб кўз ёшларини артиб ўтирар эди. Маъруф қози олдига келгач: «Эй ноинсоф одам, нега бу муштипарнинг билакларини қайириб, тишларини синдиридинг? Бу ишларни қилишга худодан қўрқмадингми?»— дебди қози. «Агар урган бўлсам, тишини синдирган бўлсам, истаганингни қил. Мен тайёрман.

Аmmo воқеа бундай»,— деб қўшнилар чиқиб яраштириб қўйганигача бўлган ҳамма воқеани бошдан-оёқ сўзлаб берибди. Қози инсофли одам экан. Унга чорак динор берибди-да: «Эй одам, бу пулга у айтган асалли кунофа олиб бер, хотининг билан тотув яша, пул хотинингда турсин»,— деб буюрибди. Маъруф пулни хотинига топширибди. Қози уларнинг иноқ яшашлари учун ҳаракат қилиб: «Эй хотин, сен эрингга яхши муомалада бўл! Эй одам, сен ҳам хотининг билан мурсо қилишга, яхши муомала қилишга тириш!»— дебди. Улар қозининг зўри билан тотувлашгандай бўлиб кўчага чиқибдилар. Кўчага чиқишгач, хотин бошқа йўл билан кетибди. Маъруф бошқа йўл билан дўконига жўнабди. Маъруф дўконига ўтирган экан, бирдан ҳалиги элчилар келишиб, «Бизнинг хизмат ҳақимизни тўла!»— дейишибди. «Қози мenden ҳеч нарса олмади, балки у менга чорак динор берди»,— дебди Маъруф. «Қози сендан оладими, сенга берадими, унинг бизга дахли йўқ. Агар бермасанг, зўрлаб оламиз»,— дебдилар. Улар шундай деб Маъруфни бозор томонга судрай бошлашибди. Маъруф асбобларини сотиб, уларга ярим динор берибди. Улар Маъруфни бўшатибдилар. Ишлай деса асбоблари қолмаган косиб, қўлини лунжига қўйганича дўконда хаёл суриб ўтирган экан, бирдан бад-башара икки киши унинг олдига келиб: «Урнингдан тур, сени қози чақираётир, хотининг сендан нолиб қозига арз қилибди»,— дейишибди. «Ҳозиргина қози у билан мени яраштириб қўйди-ку!»— дебди Маъруф. «Биз бошқа қозихонадан келдик. Хотининг бизнинг қозига шикоят қилган»,— дейишибди элчилар. Маъруф бадбахт хотинига қарши худодан мадад сўраб, ўрnidан турибди. Улар билан қозихонага борибди. Қозихонада хотинини кўриб: «Қози биз-

ларни яраштириб қўймадим, эй ҳаромзода», — дебди Маъруф. «Барибир муросамиз тўғри келмайди», — дебди хотини. Маъруф қози ҳузурига бориб: «Фалон қози ҳозиргина бизларни яраштириб қўйган эди», — дебди. «Эй ахлоқсиз, ўзларингиз ярашган экансизлар, тагин нега мента шикоят қилиб келдинг?!» — дебди қози хотинга. «Шундан кейин у яна мени урди», — дебди Фотима қозига. «Келишинглар, бундан сўнг эринг сени урмайди, бундан сўнг хотиниңг ҳам сенга ғалва қилмайди», — дебди қози уларга. Эр-хотин келишибдилар.

Сўнг қози уларга: «Элчиларниң хизмат қақини тўланглар», — дебди. Маъруф уларга хизмат ҳақи тўлаб, дўкон томон йўл олибди. У дўконини очиб бошига тушган ташвишлардан маст каби ёниб-куйиб, гаранг ҳолда ўтирганда, бир киши келиб унга салом берибди-да: «Эй Маъруф, ўрнингдан тур, дарров яширин. Хотиниңг сениңг ҳақингда шикоят ёзган экан, турма бошлиғи сени излаб юрибди», — дебди. Маъруф ўрнидан туриб, дўконини қулфлабди-да, Ғалаба Дарвозаси томон йўл олибди. Сотган асбоблари пулидан беш кумуш қолган эди. У Фотимадан қочиб кетар экан, тўрт пулга нон, бир пулга пишлоқ сотиб олибди. Қиш фасли экан. Кун оғиб, кеч бўлиб қолибди. У ахлат тўкиладиган бир жойдан ўтиб бораётганида бирдан қаттиқ жала қуйибди. Ёмғир худди осмондан биров челақлаб қуяётгандай эди. Бирпасда ҳамма кийимлари жиқ ҳўл бўлибди. Маъруф рўпарада кўринган ҳуқуқ маҳкамасига кириб бекинибди. Бахтига у ерда тепаси ўпирилган, эшиги йўқ бир ахлатхона бор экан. Ёмғирдан қочиб ўша уйга кирибди. Бошига тушган бу савдолардан ҳадсиз эзилган ямоқчи бечораниңг кўзларидан ёш тўхтовсиз оқар эди. У: «Бу

расво манжалақидан қаерга қочсам экан, бир илож қилсаму, у тополмайдиган жойларга яшириниб ундан қутулсам»,— деб худога нола қилар эди. Шундай деб турганида бирдан девор ёрилиб, баланд бўйли, сочлари ҳурпайган, баҳайбат бир киши чиқиб келибди. «Тунда кишини безовта қилаётган ким? Мен бу ерда икки юз йилдан бери яшаб, бирор киши келиб, сенга ўхшаш шикоят қилганини кўрмаганман. Сенинг аҳволингни кўриб раҳмим келди. Мақсадингни айт? Мен сенинг истагингни бажараман!»— дебди. «Сен ўзинг кимсан? Ким бўласан?»— дебди Маъруф. «Шу ерда яшовчи одамман»,— дебди у. Маъруф унга хотини билан бўлган бутун воқеани сўзлаб берибди. «Хотининг йўл топиб боролмайдиган бир шаҳарга олиб бориб қўйсам, розимисан?»— дебди у Маъруфга. «Ҳа»,— дебди у. «Орқамга опич!»— дебди у. Маъруф унинг орқасига опичиб олибди. У шомдан тонггача учиб, ниҳоят баланд бир тоғ тепасига туширибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
таъқсон биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Номалум одам ямоқчи Маъруфни опичиб, баланд бир тоғ тепасига олиб бориб туширибди-да: «Эй инсон, бу ердан пастга тушсанг, шаҳарнинг устидан чиқасан. Бу йўлларни хотининг билмайди ҳам, етиб келолмайди ҳам»,— дебди-ю, уни ташлаб ўзи гойиб бўлибди. Маъруф нима қилишини билмай, тонг отгунча ҳайрон бўлиб ўтирибди. Сўнг ўз-ўзига:

«Тоғ тепасида ўтира беришдан фойда йўқ»,— дебди-да, ўрнидан туриб пастга тушибди. Қараса, баланд деворлар билан ўралган шаҳар бўлиб, унда кишини ҳайратга солувчи ҳашаматли саройлар, бинолар беҳисоб экан. Дарвозадан кириши биланоқ, ғамгин дилларни қувнатувчи шаҳар манзараси намоён бўлибди. У бозорга кирган экан, бозордагилар уни кўриб ҳайрон бўлишибди. Уни томоша қилишга жуда кўп одам йиғилибди. Унинг кийимлари ҳам у шаҳар кишилари кийимига ўхшамас эди. Шу шаҳар одамларидан бири Маъруфдан: «Сен мусофирмисан?»— деб сўрабди. «Ҳа»,— дебди Маъруф. «Қайси шаҳардансан?»— дебди у. «Саодатли Басрадан»,— дебди Маъруф. «У ердан чиққаниннга қанча кун бўлди?»— дебди у. «Кеча кечга яқин йўлга чиққан эдим»,— дебди Маъруф. Унинг жавобига у кулиб юборибди-да: «Эй одамлар, бери келинглар, бу кишининг нима деяётганини эшитинглар»,— дебди. Одамлар: «У нима деяпти?»— дебдилар унга. У: «Кеча кеч Мисрдан чиққан эмиш»,— дебди. Одамларнинг ҳаммаси кулиб юборишибди. Атрофига яна кўпроқ одамлар тўпланибди. «Девона эмасмисан, эй биродар? Уйлаб гапирсанг-чи, Мисрдан кеча кеч чиқиб, эрта тонгда бу ерга етганман дейсан, ҳолбуки, бизнинг шаҳар билан Басранинг ораси расо бир йиллик йўлди»,— дебдилар улар. «Балки сизлар жиннидирсизлар, аммо менинг гапим тўғри, мен тўғри айтаётирман. Мана Мисрнинг нони, ҳали суви ҳам қочмаган»,— дебди Маъруф. Нонни кўриб ҳайрон қолибдилар. Чунки нон бу шаҳарнинг нони эмас эди. Атрофига бунданам кўп одам йиғилибди. Улар бир-бирига: «Бу нон ҳақиқатан Мисрнинг нони»,— деб ҳайрон бўлишар эди. Маъруфнинг овозаси бутун шаҳарга ёйилибди. Бировлар бу сўзга ишонса, бировлар

ишонмай, масхара қилиб кулар эди. Одамлар уни мазах қилиб туришганда хачир минган бир савдогар улар ёнига келиб, салом берибди. Унинг орқасида икки қули ҳам бор экан. У одамларга қараб: «Эй биродарлар, бир мусофир атрофига тўпланиб олиб, уни мазах қилиш сизлар учун уят эмасми, у билан ишларингиз нима?»— деб сўка бошлабди. Одамлар савдогарга қарши ҳеч нарса дея олмай тарқалишибди. «Қани бери кел, эй биродар»,— дебди савдогар Маъруфга. «Булардан хафа бўлма, улар уятсиз одамлардир»,— дебди-да, уни ўзи билан бирга олиб кетибди. Зийнатли бир уйга элтиб, шоҳона ўриндиқларга ўтқазибди. Қулларига сандиқдан савдогарларнинг қиммат баҳо кийимларини олишга буюрибди. Савдогар Маъруфга уларни кийгизибди. Маъруф барваста, норғул одам эди, кийиниб, худди савдогарлар оқсоқолига ўхшаб кетибди. Сўнг савдогар дастурхон ёзишга буюрибди. Унинг олдида дастурхон ёзибдилар. Дастурхон ҳар хил лаззатли таомлар билан тўла эди. Улар бирга еб-ичибдилар. Сўнг савдогар: «Номинг нима?»— дебди Маъруфга. «Номим Маъруф, ҳунарим ямоқчи, ҳар хил эски оёқ кийимларини ямайман»,— дебди Маъруф. «Қайси шаҳардан келдинг?»— дебди. «Мисрдан»,— дебди у. «Қайси кўчадан?»— дебди савдогар. «Сиз Мисрни кўрганмисиз?»— дебди Маъруф. «Мен Мисрда тугилганман»,— дебди савдогар. «Мен қизил кўчаданман»,— дебди Маъруф. «Қизил кўчада кимларни танийсан?»— дебди савдогар. «Фалончи, фалончиларни»,— деб жуда кўп одамларни санаб кетибди Маъруф. «Аттор Аҳмад Шайхни танийсанми?»— дебди савдогар. «У мен билан девор дармиён қўшни»,— дебди Маъруф. «У киши саломатми?»— дебди у. «Ҳа»,— дебди у. «Унинг нечта боласи бор?»— деб

сўрабди. «Мустафо, Муҳаммад, Али исмли уч бола-
си бор»,— дебди Маъруф. «Худо унинг болаларига
нимани муносиб кўрган?»— дебди савдогар. «Муста-
фонинг аҳволи яхши, у мадрасада дарс берадиган
олим, Муҳаммад бўлса, уйланганидан сўнг отаси-
нинг дўкони ёнидан атторлик дўкони очган, унинг
Ҳасан исмли бир ўғли ҳам бор»,— дебди. «Бу хуш-
хабаринг учун сенга ҳам худо яхшилик ато қил-
син»,— дебди савдогар. Маъруф сўзида давом этиб-
ди: «Шайх Аҳмаднинг учинчи ўғлига келсак, у
менинг ёшлигимдаги ўртоғим эди. Биз ҳар вақт бир-
га ўйнар эдик, у билан насоролар болаларининг
кийимини кийиб бутхонага бориб, уларнинг китоб-
ларини ўғирлаб сотар эдик-да, пулига ҳар нарсалар
олиб ер эдик. Иттифоқо, бир кун улар бизни кўриб
қолиб тутиб олдилар. Ота-оналаримизга келиб ши-
ксят қилдилар. Алининг отасига: «Агар ўғлингни
бундан сўнг бизга зарар беришдан тиймасанг, шоҳга
арз қиламиз»,— дедилар. Отаси уларни тинчитиб хо-
тиржам қилди-да, кейин Алини қаттиқ савалади. Али
қочиб кетди. Отаси шундан бери унинг қаёққа кетган-
ини билмайди. Йигирма йилдан бери у бедарак. Ҳа-
нуз ҳеч ким ундан бирор хабар бермади». «Аҳмад
Шайх Атторнинг ўша ўғли Али менман. Сен эй Маъ-
руф, менинг ўртоғимсан»,— дебди Али. Улар бир-бир-
лари билан қайтадан сўрашиб-саломлашибдилар.

«Хўш биродар, сен нима қилиб шаҳардан чиқиб
келдинг?»— дебди Али Маъруфга. Маъруф бадбахт
хотини Фотиманинг унга қилган кўргиликларини
айтиб берибди. «Унинг менга озори ошиб кетгач,
Ғалаба Дарвозаси томондан қочмоқчи бўлган эдим.
Қаттиқ ёмғирда қолдим. Ёмғирдан қочиб ҳуқуқ
маҳкамаси ёнидаги бир бузилган уйга яшириниб,
йиғлаб ўтирган эдим. У харобанинг эгаси бир жин

экан. У чиқиб мендан аҳвол сўради. Мен ўз саргузаштимни унга айтиб бердим. У мени орқасига опичиб учди. Бутун кеч осмон билан ер орасида кездим. Сўнг мени тоғ тепасига тушириб, шаҳар йўлини тушунтирди. Тоғдан пастга тушиб, шаҳар ичкарасига кирдим. Одамлар мени ўраб олиб савол бердилар. Мен: «Кеча кеч Мисрдан йўлга чиқдим»,— деган эдим, улар ишонмадилар. Сен келиб одамлардан мени қутқариб, бу уйга олиб келдинг. Менинг Мисрдан чиқишим сабаби шу. Сенинг бу ерга келишининг сабаби нима?»— дебди Маъруф Алига. «Менда,— деб сўз бошлабди Али,— етти ёшлик чоғимда ўйламай иш қилиш ва ўзимни тута олмаслик ҳолати пайдо бўлди. Уша вақтдан бошлаб мен то бу Эхтонулхутан шаҳрига келгунимча, бир юртдан иккинчи юртга, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кезиб юрдим. Қарасам, бу шаҳар одамлари олижаноб ва гоят раҳмдил, камбағалларга эътибор бериб, уларга қарз берувчи, нима десанг, ишонувчи соддадил одамлар экан. Мен уларга: «Мен савдогарман, бу ерга мол юборган эдим, молларимни тушириш учун менга жой керак»,— дедим. Улар ишониб, менга жой бўшатиб бердилар. Сўнг мен уларга: «Молларим келгунча минг динар қарз бериб турадиган одам бўлмасми, молим келгач, дарров қайтариб берар эдим, менга баъзи нарсалар керак бўлиб қолди»,— дедим. Улар сўраган пулимни бердилар. Пулни олиб савдогарлар бозорига бордим-да, бир қанча буюмлар сотиб олдим. Иккинчи кун мен у буюмларни сотиб, эллик динар фойда қилдим. Эртасига яна бошқа мол олиб сотдим. Мен уларни ҳурмат қилардим. Улар ҳам мени яхши кўрар эдилар. Шу хил олиб-сотишни давом эттирдим, молим кўпайди».

«Билгил эй биродар,— деб давом этибди у,— машойиҳлар: «Бу дунё мақтанчоқ ва алдамчи»,— деганлар. Бу ерда сени ҳеч ким билмайди. Хоҳлаганингни қил. Сен агар сўраганларга: «Мен ямоқчиман, камбағалман, хотинимдан қочиб, кеча Мисрдан чиқиб келдим»,— десанг, сенга ҳеч ким ишонмайди. Ҳамма масхара қилиб, сендан кулади. Агар мени дев опичиб келди десанг, «Бу жинлардан экан, бунга яқинлашган одам зарар кўради»,— деб ҳамма сендан қочади. Бу сенга ҳам, менга ҳам иснод келтиради. Ахир улар мени ҳам мисрлик эканимни билдилар-да». «Нима қилишим керак?»— дебди Маъруф Алига. «Худо хоҳласа, мен сенга нима қилишинг кераклигини ўргатиб қўяман. Эртага мен сенга минг диноҳ ва хачир бераман. Хачирга миҳасан, сенга хизмат қилувчи қул олдингга тушиб, сени савдогарлар бозори эшигига бошлаб боради. Сен ичкари кирасан. Мен савдогарлар орасида тураман-да, сени кўришим билан ўрнимдан туриб, салоҳ бериб, қўлингни ўпаман, сенга ҳурмат кўрсатиб, мартабангни ошираман. Қачон мен сендан мол турларини айтиб, фалон хил молдан келтирдингми, десам, сен: «Ҳа, ундан кўп»,— дегин. Агар улар мендан сени сўрасалар, мен сени ошириб-тошириб мақтайман-да: «Бу кишига мол тахлайдиган жой, дўкон топиб беринглар, бу кишининг давлати катта, саховатли одам»,— деб кўкларга кўтараман, агар бирор гадо сендан садақа сўраб келса қўлингга сиққунча ҳадя қил. У вақт одамлар менинг сўзимга ишонадилар. Сени сахийлигинг, улуғлигингга жазм қиладилар. Сени дўст тута бошлайдилар. Сўнг мен сени меҳмонга таклиф қиламан, сенинг ҳурматинг учун ҳамма савдогарларни ҳам чақираман. Сен билан уларни учраштираман, сен уларни, улар сени танийди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
тўқсон иккинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— савдогар Али Маъруфга: «Мен сени меҳмонга чақираман-да, сенинг ҳурматинг учун ҳамма савдогарларни ҳам таклиф қиламан. Сен билан уларни учраштириб сени уларга, уларни сенга танитаман. Сўнг сен уларга мол сотасан, улардан мол оласан, мол берасан. Орадан кўп ўтмай молу мулклик бўласан»,— дея роса уқтирибди.

Тонг отгач, Али Маъруфга минг динор берибди. Яхши кийимлар кийгизибди. Хачирга миндириб, унга бир қулни қўшибди. «Буларнинг ҳаммаси учун худо сени масъулиятдан қутқазсин. Чунки менинг дўстимсан. Сенга ҳурмат кўрсатиш менинг бурчимдир. Узинга ҳам юкини юклаб қийналма. Хотинингдан етган аламларни хаёлингдан чиқар. Бирор одамга уни сўзлама»,— дебди Али. «Яхшиликларинг мендан қайтмаса, худодан қайтсин»,— дебди Маъруф Алига. Сўнг у хачирга минибди. Савдогарлар бозорини кўрсатиш учун қул унинг олдига тушиб борибди. Али ўртада, савдогарлар тўпланиб ўтиришган экан. Маъруфни кўриши биланоқ Али ўридан туриб унга отилибди ва: «Қутлуғ кун, ҳурматли савдогар Маъруф, эй яхшилик ва карамлар эгаси»,— дебди-да, савдогарлар ҳузурида унинг қўлларини ўпибди. Сўнг уларга: «Эй биродарлар, мен сизларга савдогар Маъруфни таништирай»,— дебди. Улар Маъруфга салом берибдилар. Маъруфга уларни

ҳурматлашга ишорат қилибди. Улар назарида ўзи ҳам Маъруфни ҳурмат қилибди. Сўнг Али уни хачирдан туширибди. Савдогарлар бир-бир у билан ҳол-аҳвол сўрашибдилар. Келганига шодлик билдиришибди. «Бу киши савдогарми?»—дебдилар улар. «Ҳа, бу киши катта савдогар, ҳатто савдогарлар сардори. Бу кишидан кўра давлатманд одам топилмайди,—дея мақташда давом этибди,—бу киши ўзининг дунёси, ота-боболари дунёси билан Миср савдогарлари орасида машҳурдир. Буларнинг Ҳиндистонда, Синда, Яманда, шериклари, гумашталари бор. Саховатли киши. Бу кишини ҳурматланглар, қадрига етинглар. Унинг бу ерга келишидан мақсад, савдогарчилик, фойда топиш эмас, шаҳарларни томоша қилишдир. Чунки, бу кишининг мусофир юртларига бориб фойда топишга эҳтиёжи йўқдир. Бу кишининг мол-дунёси тўлиб-тошиб ётибди. Мен бу кишининг энг кичкина хизматчисиман»,—деб мақтай берган экан, улар Маъруфни бошларига кўтара бошлабдилар. Уларнинг ўзлари ҳам бир-бирларига уни мақтай бошлабдилар. Савдогарлар унинг атрофига тўпланибдилар. Унга ҳар хил лаззатли овқатлар, ёқимли ичимликлар тақдим этишар эди. Ҳатто савдогарлар бошлиғи ҳам уни зиёрат қилишга келиб, салом бериб Маъруф билан сўрашибди. Улар олдидан Али Маъруфга: «Эй ҳурматли хўжамиз, ўзингиз билан фалон хил кийимликдан олиб келдингизми?»—дебди. «Ҳа, ундан кўп»,—дебди Маъруф. Али унга олдин энг аъло баҳоли ҳарир кийимликлар номини, уларнинг баҳосини ўргатиб қўйган эди. Савдогарлардан бири: «Эй хўжам, сариқ мовут ҳам олиб келдингизми?»—дебди. «Ундан кўп»,—дебди Маъруф. «Оҳу қони каби қизил мовутчи?»—дебди у. «Ундан кўп»,—дебди Маъруф. Қим

нимани сўрамасин, Маъруф: «Ундан кўп»,— деб жавоб берар эди.

«Эй, савдогар Али, агар ҳамшаҳарнинг истаса, минг тойлаб қиммат баҳо буюмлар келтира олар экан-да»,— дебди. «Ҳа, оғборларининг биридан шунча буюм келтирса ҳам ҳеч қанча мол олингани сезилмайди»,— дебди Али. Савдогарлар шу зайл гаплашиб ўтиришганда, иттифоқо, бир гадоёй айланиб ҳар кимдан садақа сўрай бошлабди. Бировлар бир пул, бировлар ярим пул берибди. Кўпчилик ҳеч нарса бермабди. Гадоёй Маъруфнинг олдига келганда, у бир сиқим тилла берибди. Гадоёй қайта-қайта дуо қилиб йўлига кетибди.

Савдогарлар бунга ҳайрон қолишибди. Улар: «Бу шоҳлар садақаси-ку, ахир гадоёйга санамай сиқимига сиққунча олтин берди»,— дейишар эди. «Бундан маълум бўладики, бу одамнинг молу дунёси беҳисоб экан. Агар кўп бўлмаганда гадоёйга сиқимлаб олтин бермас эди»,— дер эдилар. Орадан бир оз вақт ўтгач, бир камбағал хотин сўраниб келибди. Маъруф унга ҳам бир сиқим тилла берибди. Хотин дуо қила-қила ўз йўлига кетибди-да, ҳовлиқиб бу воқеани ҳамма камбағалларга эшиттирибди. Бирин-кетин улар ҳам кела бошлабдилар. Ким сўраниб келса у бир сиқим олтин бераверибди. Минг динор тамом бўлгач, у қўлларини қоқибди. «Худонинг ўзи бизга кифоя, у улуг гувоҳдир»,— дебди. «Сенга нима бўлди, эй савдогар Маъруф?»— дебди савдогарлар бошлиғи. «Афтидан, бу шаҳарда яшовчиларининг кўплари қашшоқ гадоёйга ўхшайди! Агар мен бундай эканини бияганимда хуржунда пул олиб келиб камбағалларга улашар эдим. Гадоларни ҳуруқ қайтармаслик менга одат эди. Афсуски, пулим тамом бўлди. Бегона юртда узоқ қолиб кетсам, бу аҳволга қандай чидай-

ман, гадолар келса нима дейман, деб қўрқаётирман»,— дебди Маъруф. «Гадолар келса худо берсин дегин!»— дебди савдогарлар бошлиғи. «Менинг ода- тим бунақа эмас эди. Шунинг учун жуда ташвишла- наётирман. Мақсадим молларим келгунча минг ди- нор садақа қилсам деган эдим»,— дебди Маъруф. «Зарари йўқ»,— дебди бошлиқ ва ўзининг хизматчи- ларидан бирини минг динор келтиришга юборибди. У бошлиққа минг динор келтириб берибди. Бошлиқ минг динорни Маъруфга берибди. Маъруф пешин намозига чақириб азон айтилгунча, ёнидан ўтган камбағалларга садақа бера бошлабди. Сўнг улар пешин намозини ўқиш учун масжидга кирибдилар. Намоз ўқибдилар. Минг динордан қолган пулни Маъруф намоз ўқиётганлар устидан сочибди. Одам- лар унга тикилишиб дуо қилибдилар. Савдогарлар унинг сахийлигига ҳайрон эдилар. Сўнг Маъруф бошқа бировдан минг динор олиб ўтган-кетганга тарқата бошлабди. Али унинг ишига аччигланиб- ди-ю, аммо ҳеч нарса дея олмабди. Улар шу ҳолат- да турганларида сўфи асрга азон айтибди. Маъруф масжидга кириб, намоз ўқибди. Чўнтагида қолган пулни олиб намоз ўқиган одамлар устига сочибди. Бозор эшиги ёпилгунча, ҳар кимлардан беш минг динор олиб садақа қилибди. Кимдан қарз олган бўл- са: «Молларим келгач, олтин десаңг олтин, мол де- санг мол бераман, менинг молларим кўп»,— дер эди. Кечқурун Али Маъруфни, у билан бирга бутун сав- догарларни меҳмонга таклиф қилибди. Маъруфни тўрга ўтқазибди. Маъруф фақатгина кийимликлар, қиммат баҳо тошлар ҳақидагина сўзлар эди. Ким бирор кийимликни мақтаб гапирса, «Менда у кўп»,— дер эди. Иккинчи кун Маъруф бозорга борибди-да, савдогарлардан пул сўраб олиб, камбағалларга тар-

қата бошлабди. Йигирма кунгача шу аҳволни давом эттирибди. Одамлардан олган қарзи олтмиш минг динор бўлибди. Лекин шунча вақтгача на мол келибди, на ўлим келибди. Одамлар ўз пуллари ҳақида шовқин кўтарибдилар. «Савдогар Маъруфнинг моли келмади. Қачонгача у одамлардан қарз олиб камбағалларга тарқатади»,—дебдилар улар. «Унинг ҳамшаҳари Алига айтиш мувофиқ»,—дебди уларнинг бири. Улар Али олдига келиб: «Эй савдогар Али, савдогар Маъруфнинг моли келмади-ку»,—дейишибди. «Сабр қилинглар, яқинда келиб қолади, сабр қилинглар»,—дебди Али уларга. Сўнг Али Маъруфни бир четга чақириб: «Эй Маъруф, бу нима қилганинг, мен сенга нонни қип-қизил қилиб пишир дедимми ёки куйдириб юбор дедимми. Ахир, одамлар пулларини сўраб шовқин кўтаряптилар. Уларнинг айтишларича, олтмиш минг динор қарз олиб камбағалларга тарқатибсан. Қачон сен уларнинг пулларини тўлайсан, олмасанг, сотмасанг»,—дебди.

«Нима бўпти, олтмиш минг динор ҳам пулми. Молларим келгач, мен тўлайман. Агар кийимлик истасалар кийимлик, агар олтин-кумуш истасалар олтин-кумуш бераман. Худонинг карами кенг»,—дебди Маъруф. «Оббо қуруг-эй, қаёқда сенда мол бор?»—дебди Али. «Менда кўп»,—дебди Маъруф. «Илоҳи худо ва одамлар сенинг разиллигингга яраша қайтарсинлар. Ахир бу сўзни (менда кўп деган сўзни) менга ҳам айтгин деб ўргатган эдимми? Мен сенинг кимлигингни одамларга айтиб бераман»,—дебди Али. «Гапни чўзмай ишингни қил,—дебди Маъруф,—мен камбағал эмасман. Мол-дунём кўп, улар йўлда, келди дегунча улар ўз ҳақларини бирига икки қилиб оладилар. Мен уларга муҳтож эмасман»,—дебди Маъруф. Савдогар Али қаттиқ газабланибди.

«Мендан уялмай ёлгон гапираётганингни сенга кўрсатиб қўймасам қараб тур»,— дебди у, «Қўлингдан келганини қил, одамлар менинг молларим келгунча кутиб турадилар. Улар ўз ҳақларини ортиси билан оладилар»,— дебди Маъруф. Савдогар Али унинг олдида туришга тоқат қилолмабди. Уни ташлаб йўлга тушибди. У ўз-ўзига: «Мен бунинг олдин мақтаган эдим, агар энди қораласам, ўзим ёлгончи бўлиб қоламан. «Олдин мақтаб, кейин қоралаган икки марта ёлгончидир» деган одамлар қаторига ўтаман»,— деб ҳайрон бўлибди. Сўнг савдогарлар келишиб: «Гапирдингми?»—дебди Алига. «Эй одамлар,—дебди Али.— Унда менинг ўзимнинг минг динорим бор. Шунинг учун унга айтишдан уяламан. Сизлар қарз беришда мен билан маслаҳат қилмагансиз, у ҳақда сиз билан сўзлашадиган сўзим йўқ. Сизлар энди ундан ўзларингиз сўрашларингиз керак. Агар бермаса, «бу доғули бизларни алдаб юрибди»,—деб шаҳар шоҳига арз қилинглр. У сизларни бундан қутқзади»,—дебди.

Улар шоҳ ҳузурига бориб, Маъруф билан ораларида бўлган воқеаларни айтиб беришибди: «Эй замонна шоҳи, биз бу саховатли савдогар тўғрисида нима қилишимизни билмай қолдик. Бу ундай қилади, бундай қилади, қарз олган пудини камбағалларга ҳовучлаб сочади. Агар унинг ақли бўлса, шунча пулларни олиб, камбағалларга ҳовучлаб сочмас эди. Агар бу давлатли одам бўлса, моллари келиб гапининг тўғрилиги бизларга маълум бўлиб қолар эди. Лекин биз унинг молларини кўрмадик. Ҳолбуки, у юқорида айтганимиздек, ҳар вақт «молларим келмади» деб даъво қилади. Агар биз бирор кийимлик ҳақида гапириб қолсак, «ундан менда кўп», деб мақтанади. Шунча вақт ўтиб кетди. Унинг молларидан ҳеч қандай дараж йўқ. У биздан олтмиш минг динор қарз.

У пулларнинг ҳаммасини камбағалларга улашган. Камбағаллар уни мақтаб, сахийлигини ҳамма ёққа ёймоқдалар»,— дебдилар.

Шоҳ бениҳоя очкўв экан. Очкўзликда донги чиққан Ашъаб унинг олдида ип эшолмас экан. Унинг сахийлиги, олий ҳимматлилигини эшитгач, бунинг очкўзлик ҳирси кўзгағалиб келибди. «Агар унинг молдунёси кўп бўлмаганда, бунчалик сахий бўлмас эди. Албатта унинг моли желади,— деб савдогарларни жўнатибди-да, вазирига:— Савдогарлар унинг ёнига тўпланиб, кўп пулларини оладилар. Улардан кўра ундан кўпроқ фойдаланиши менинг ҳақимдир. Бунинг учун унинг моллари келмасдан олдин мен у билан яқин дўстлашишим керак экан, бу бойлар ундан оладиган нарчасини мен ҳам оламан. Қивимни унга узатаман, унинг молу дунёсини ўв дунёмга кўшаман»,— дебди.

«Эй замона шоҳи,— дебди вазир,— тумонимча, у алдоқчи ҳийлажордир».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўққиз юз
тўқсон унанич
кеча



й, савдатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— вазир шоҳга: «Монимча у доғули бўлса керак.

Доғули тамагирлар уйини хароб қилади, деган гап бор»,— дебди. «Алдоқчими, тўғрими, дунё кўрганми, йўқми эканини синаб кўраман»,— дебди шоҳ вазирга. «Қандай қилиб синайсиз?»— дебди вазир шоҳга. «Менда ҳиммат баҳо тош бор. Уни чақиртираман-да, келиб ўтиргач, билиб бер, деб кў-

лига тошни бераман. Агар тошнинг қимматини билса, давлатли, дунё кўрган одам экани маълум бўлади. Агар билмаса, у вақт алдоқчи, доғули экани маълум бўлади. Унга азоб бериб ўлдираман»,— дебди-да, шоҳ Маъруфга киши юборибди. Уни олиб келибдилар. Маъруф шоҳ олдига кириб, салом берибди. Шоҳ саломига алик олиб ўз ёнига ўтқазибди-да: «Савдогар Маъруф сенмисан?»— деб сўрабди. «Ҳа»,— дебди Маъруф. «Савдогарларнинг сенда олти миш минг динори бор эмиш, тўғрими?»— дебди шоҳ унга. «Ҳа, тўғри»,— дебди Маъруф. «Нега уларнинг ҳақларини бермайсан?»— дебди шоҳ. «Менинг молларим келгунча улар сабр қилиб туришлари керак,— деб жавоб бера бошлабди Маъруф,— молим келгач, икки баравар қилиб бераман. Тилла десалар тилла, кумуш десалар кумуш, кийимлик десалар кийимлик бераман. Қимларга минг динор беришим керак бўлса, улар камбағаллар олдида мени хижолатдан қутқазганлари учун минг динори ўрнига икки минг динор бераман. Мол-дунём кўп, ҳаммасига етади».

Бу гапни эшитган шоҳ унга ёнғоқдай тош бериб: «Бунинг навини, қимматини аниқлаб бер?»— дебди. У тошни шоҳ минг динорга олган эди. Ундан бошқа ҳеч ерда бунақа тош йўқ эди. Шоҳ уни энг қимматли буюм деб ҳисоблар эди. Маъруф тошни қўлига олиб, бармоқлари билан сиқиб, синдирибди. (Одатда қиммат баҳо тош нозик бўлади. Сиқишга чидамайди.) «Тошни нега синдирдинг?»— дебди шоҳ унга. У бўлса кулиб: «Эй замона шоҳи, бу қиммат баҳо тош эмас, минг динорлик оддий бир тош холос. Не вадан буни қиммат баҳо тош дейсиз, қиммат баҳо тош етмиш минг динор туради,— дебди Маъруф давом этиб,— ёнғоқдай келмайдиган бу тошнинг менинг

наздимда қиммати йўқдир. Мен уни назаримга илмайман ҳам. Шоҳ бўла туриб, минг динорлик бу оддий тошни қандай қилиб қиммат баҳо тош деб айтаётирсиз. Лекин сизлар камбағал бўлганларингиз учун узрлисизлар. Чунки сизларда қиммат баҳо буюмлар йўқ». «Айтаётган тошингдан сенда борми?»— дебди шоҳ. «Менда кўп»,— дебди Маъруф. «Сен менга ҳақиқий қиммат баҳо тошдан берасанми?»— дебди шоҳ қизиқиб. «Молларим келгач, нима талаб қилсангиз шуни бераман. Улар менда кўп, сизга текинга бераман»,— дебди Маъруф. Шоҳ суюниб савдогарларга: «Ўз йўлларингизга борингиз, моллари келгунча кутингиз. Моллари келгач, пулларингизни мендан олинглар»,— дебди. Улар ўз йўлларига кетибдилар.

Энди шоҳ воқеасини эшитинг. Шоҳ вазирга юз ўгириб: «Эй вазир, сен Маъруф билан сўзлашиб, уни қизимга уйланишга қизиқтир. Шу йўл билан унинг бутун молларини қўлга киритайлик»,— дебди. «Эй замона шоҳи,— дебди вазир,— бу киши менга ёқмаётир. Мен бу кишини ҳийлакор, ёлғончи одам деб гумон қилаётирман, бу сўзингизни қўйинг, қизингиз бекорга хароб бўлмасин».

Вазир илгари шоҳга унинг қизига уйланишни сўраб совчи қўйганда шоҳ рози бўлган эди-ю, лекин қизи унамагаң эди. Шунинг учун шоҳ вазирга: «Эй хиёнаткор, сен илгари менинг қизимга уйланишни истаб сўратганингда кўнмагани учун менга яхшиликни хоҳламайсан,— деб дарғазаб бўлибди.— Ҳозир сен унинг турмушга чиқишига тўсқинлик қилаётирсан. Мақсадинг қизим шундай қолиб кетсада, ахийри унга сен ўзинг уйлансанг, менинг фармоишимни бажар. Менга сенинг маслаҳатинг керак эмас. Қандай қилиб бу одам ёлғончи бўлади, мен

сотиб олган қиммат баҳо тошнинг баҳосини тўпна-
тўғри айтиб берди. Ҳатто уни назарга илмай сизди-
риб ташлади. Унинг қиммат баҳо тошлари кўп. Ме-
нинг қизимни кўргач, унинг ҳусни жамолига асир
бўлиб, қамма қиммат баҳо тошлар ва бутун молу
дунёларини унга беради. Сенинг мақсаднинг мени бу
бойликлардан маҳрум қилишдир». Вазир шоҳ ғаза-
бидан кўрқиб, жим бўлибди. Ўз-ўзига: «Итларга
ҳўкиани олқишлаш»,— дебди-ю, унинг амрига муво-
фиқ савдогар Маъруф томон жўнабди. «Эй савдо-
гар Маъруф, сени шоҳ севиб қолибди,— дебди унга
бориб,— унинг жуда кўркам бир қизи бор. Шоҳ уни
сенга никоҳлаб беришни истайди. Сен нима дейсан?»
«Майли-ю, лекин, молларим келгунча сабр қилишим
керак,— деб гап бошлабди у,— чунки шоҳ қизларин-
нинг маҳри баракалидир. Ахир, уларнинг маҳри ўз
даражаларига лойиқ бўлиши зарур. Ҳозир менинг
қўлимда ҳеч нарса йўқ. Шоҳ мен молларим келгунча
сабр қилсинлар. Мен албатта қизга наэр йўсинида
беш минг калта динор беришим керак. Кечаси унинг
олдига киришда камбағалларга улашиш учун минг
халта динор зарур. Минг калта динор бирга борув-
чиларга, минг халта динор ҳарбийлар ва бошқалар-
ни меҳмон қилиш учун керак. Никоҳдан сўнг мали-
кага бериш учун юз дона, жориялар ва қулларга
бериш учун юз дона қиммат баҳо тошлар зарур.
Мен уларга қиммат баҳо тошларни малъкамнинг ҳур-
мати учунгина бераман. Мен минглаб оч-яланғонни
кийинтиришим керак. Шундай садақалар қилмай
туриб, тўй қилишим мумкин эмас. Буларнинг ҳамма-
си фақат менинг молларим келгандагина мумкин.
Менда давлат катта. Моллар келгач, бу сарфу хара-
жатлар ҳечам билинмайди».

Вазир бориб, бу сўзларни шоҳга айтибди. «Унинг

мақсади шундай бўлгач, сен уни қандай қилиб алдоқчи, ёлғончи дея оласан!»— дебди шоҳ вазирга. «Мен ҳамон ўз фикримдаман»,— дебди вазир. Шоҳ уни таҳқирлаб сўкибди. «Қасам ичиб айтаманки, агар сен бу сўзларингдан қайтмасанг, мен сеини ўлдирарман. Сен бор-да, уни менинг ёнимга келтир. Мен уни ўзим йўлга соларман»,— дебди шоҳ. Вазир Маъруф ёнига бориб: «Қани юр, сеини шоҳ чақираётир»,— дебди. «Бош устига, жон деб бораман»,— дебди Маъруф. Маъруф шоҳ ёнига келгач: «Эй савдогар, бу хил узрлар билан ишни кечиктирма,— дебди шоҳ.— Менинг хазинамда мол тўлиб ётибди. Калитларини ол, истаганингча сарф қил, хоҳлаган одамнингга хоҳлаган нарсаниги бериб эҳсон қил, яланвочларни кийинтир, нимани хоҳласанг шуни қил. Қиз ва унинг жорийялари томонидан сенга ҳеч қандай қаршилиқ бўлмайди. Молларинг келгач, ўз хотинингга ҳар қанча ҳурмат кўрсатсанг бўлаверади. Биз унинг маҳри учун молларинг келишини кутамиз. Иккимиз бир кишидекмиз».

Бу гаплардан сўнг шоҳ шайхулисломни чақиртириб, унга никоҳ хати ёзишни буюрибди. Шайхулислом шоҳ қизини савдогар Маъруфга никоҳлабди. Шоҳ эса тўй ҳаракатига тушибди. Шаҳарни безатишга буюрибди. Ноғоралар чалинибди. Турли таомлар ҳозирланибди. Тўда-тўда созандалар, раққосалар ҳозир бўлибдилар. Маъруф никоҳ хонасида ўриндиқда ўтирар эди. Унинг олдига ўйинчилар, масҳарабозлар, созандалар, самъаткорлар, кўнгиш ёзувчи қизиқчилар келишиб, ўз ҳунарларини намойиш қилибдилар. Маъруф хазиначига олтин-кумуш келтиришни буюрибди. Хазиначи келтириб берибди. Маъруф томошабинлар атрофида айланиб юриб, ўйинчиларнинг ҳар бирига сиқимлаб тилла берар,

камбағал ва фақирларга садақа қилар, яланғочларга кийим тарқатар эди. Тўй бениҳоя сершавқ эди. Хазиначи тинмай хазинадан мол келтириб турарди. Вазирнинг дили сиқилиб ёрилай деса ҳам бирор сўз айта олмас эди.

Савдогар Али бу сарфларни кўриб, ҳайрон бўлар ва Маъруфга: «Илоҳи худодан ва одамлардан сенга қасос қайтсин. Савдогарлар молларини созуриб юборганинг етмасмиди. Шоҳнинг молу дунёсини ҳам созураётирсан»,— дер эди. «Сенинг ишинг бўлмасин, бунинг сенга дахли йўқ. Молларим келгач, икки баравар қилиб қайтараман»,— дея Маъруф, пулларни ҳар тарафга сочишни давом эттирар эди. Лекин у ўз-ўзига: «Нима бўлса бўлди, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди»,— дер эди. Шу йўсинда шодлик тўйи қирқ кун давом этибди. Қирқ биринчи кун келинни куёвга топшириш маросими бўлибди. Келин олдида амиру ҳарбийлар борар эдилар. Келин келтирилгач, Маъруф кишиларнинг бошларидан олтин сочибди. Улар келинни куёвга тантана билан топширибдилар. Маъруф жуда кўп пул сарф қилиб юборибди. Маъруфни малика ёнига киритибдилар. Маъруф баланд ўриндиққа ўтирибди. Пардани тушириб, эшикларни беркитибдилар. Ҳамма ташқари чиқиб, малика ҳузурида уни танҳо қолдирибдилар. Маъруф қўлларини бир-бирига уриб: «Лоҳовла валоқуввата илло биллоҳилазим»,— деб ғамгин ўтирибди. «Эй хўжам, сенга нима бўлди. Соғлигинг дурустми, нега ғамгинсан?»— дебди малика. «Қандай ғамгин бўлмай, отанг мени кўкати куйдирган каби ташвишга солиб қўйди»,— дебди Маъруф. «Айт-чи, отам сенга нима қилди?»— дебди малика. «Отанг молим келмасдан олдин мени сенинг қошинга киритди,— деб шикоят қилибди Маъруф.— Мен сенинг жсрияла-

рингга улашиш учун энг ками юзта қиммат баҳо тош билан кирмоқчи эдим. Уларнинг ҳар бирига биттадан тош бермоқчи эдим. Улар: «Хўжамиз малика олдига киришда бизга қиммат баҳо тош берди»,—деб шодланар эдилар. Бу улар назарида сенинг қадрингнинг ошишига сабаб бўлар эди. Улар сени яна ҳам яхши қадрлар эдилар. Мен тинмай уларга улаша берар эдим. Ахир менда ундай тошлар жуда кўп эди-да». «Бунинг учун ташвишланма, эй азизим, ўзингни хафа қилма. Ахир, мен сенинг молларинг келгунча сабр қиламан. Жорияларим ҳам кўнглига олмайди. Улар ҳам молинг келишичи кутадилар. Кийимларингни еч!»—дебди малика. Маъруф ечиниб малика билан ўйнаша бошлабди. У қўлини маликанинг тиззасига чўзибди. Малика унинг тиззасига ўтириб, лабларини унинг лабларига қўйибди. Ота-оналарини унутадиган соатлар келибди, уни қучиб, кўкракларини кўксига қўйибди. Уларнинг сўрибди. Тонг отгунча улар ўйнаб-кулибдилар. Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
тўқсон тўртинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб лавом этди Шаҳризод,—улар тонг отгунча ўйнаб-кулибдилар. Сўнг Маъруф ҳаммомга тушибди-да, шоҳона либослар кийиб саройга кирибди. Сарой аъёнлари ўринларидан туриб, иззат-ҳурмат билан уни қарши олибдилар. Унга бахт-саодат тилабдилар. У шоҳ ёнига ўтирибди-да: «Хазиначи қани?»—деб сўрабди. «Мана у хизматингда»,—дебдилар улар. «Саруполар келтир,

амирлар, вазирлар ва амалдорларнинг ҳаммасига тўн кийгиз»,— деб буюрибди. Хазиначи унинг зўтганларини келтирибди. Маъруф ўтирган жойида ҳар кимларга ўз мартабасига мувофиқ ҳар хил тухфалар тақдим қила берибди. Шу тариқа орадан йигирма кун ўтибди. Лекин на молдан, на бошқадан дарак бўлмабди. Хазиначи ундан қаттиқ хафа бўлиб, Маъруф йўқ вақтида шоҳнинг ёнига кирибди. Шоҳ ёнида фақат вазир ўтирган эди. Хазиначи шоҳ қаршисида ер ўпиб: «Эй шоҳи замон,— дебди,— мен сенга бир масала ҳақида маълумот бермоқчиман. Кейинча хабар бермагансан деб, мен гап эшитаман. Билгил, эй шоҳ, хазина бўшаб, жуда озгина мол қолди қолди. Ун кундан кейин тамоман ҳеч нарса қолмайди». Шоҳ вазирга қараб: «Куёвимнинг моллари кечикди, ундан хабар йўқми?»— дебди. Вазир кулиб: «Сенга худонинг ўзи раҳм қилсин, эй замонна шоҳи,— дебди,— сен бу жодугар, алдоқчи ишида тамоман гафлатда қолдинг. Бошинг ҳурмати қасам ичиб айтаманки, на унинг моли бор, на бизни ундан қутқарувчи вабо бор. У шундай алдадики, сенинг молингни тугата ёзди. Қизингга текинга уйланди. Қачонгача сен унинг макрига алданиб юрасан, эй шоҳ?» «Ҳақиқатни билиш учун нима қилсак экан, эй вазир»,— дебди шоҳ. «Эй замонна шоҳи, эрлар сирини фақатгина хотинлар билади. Қизингга одам юбор, у парда орқасига келсин, мен ишнинг ҳақиқатини ундан сўрайман»,— дебди вазир. «Маъқул,— дебди шоҳ,— агар у ёлғончи, алдоқчи бўлса, худо ҳақи, уни қийнаб ўлдираман».

Сўнг шоҳ вазир билан қизининг уйига кириб, уни чақирибди. Қиз парда орқасига келибди. Маъруф уйда йўқ эди. «Мен келдим, нима гапингиз бор, эй ота»,— дебди қиз. «Вазир билан сўзлаш»,— дебди

шоҳ. Малика вазирга: «Нима хизмат, эй вазир?»— дебди. «Эй маликамиз,— дебди вазир,— сенинг эринг отанг дунёсини тугатди. Сенга текинга уйланди. У ҳар вақт бизга ваъда қилади-ю, ваъдани бажармайди. Унинг моллари тўғрисида бирор аниқлик йўқ. Энди сен унинг аҳволи тўғрисида бизларга маълумот берсанг». «У ҳар вақт келиб, қиммат баҳо тошлар, аъло буюмлар, қимматли ипак кийимликлар ҳақида гапиради. Аммо, мен ҳам бирор нарса кўрмадим»,— дебди малика. «Эй маликамиз, бу кеч сен уни гапга солиб: «Сен менинг эримсан, мен сени ҳимоя қиламан. Лекин сен менга ҳақиқатни айт, ҳеч нарсадан кўрқма, мен сени қутқазिश учун бир ҳийла тузай»,— дегин. Ундан узоқлаш, сўнг яқинлашиб у гапнинг тўғрисиани айтиб беришга чора кўр. Сўнг бизга унинг тўғрисида маълумот бер»,— дебди вазир. «Уни қандай қилиб синашни ўзим яхши биламан»,— дебди малика.

Сўнг малика ўз уйига кирибди. Кечки таомдан сўнг одатдагича эри Маъруф уйга кирибди. Малика унинг ҳурматига оёққа турибди. Унинг пинжиги кириб, турли нозу карашмалар билан алдашга киришибди. Малика нозланар, кулар, қувнар ва болдан тотли, ёқимли сўзлар билан унинг кўнглини овлар эди. Ниҳоят, унинг кўнглини бутунлай ўзига тортганини билгач, гап очибди: «Эй кўзимнинг нури, эй жоним меваси, худо илоҳим сендан айрилиш аламига дучор қилмасин. Замона бизларни бир-биримиздан узоқлаштирмасин. Сенинг севгинг дилимга жойлашган, сенга бўлган муҳаббатим ўти юрагимни куйдираётир. Сендан айрилиш ҳеч қачон мумкин эмас. Лекин менинг мақсадим сендан бор ҳақиқатни эшитишдир. Чунки ёлғончилар ҳийласи ҳар вақт ҳам фойда беравермайди. Қачонгача отамни

алдаб, унга ёлгон гапириб юрасан. Мен бирор чора кўришга улгурмай туриб, сир очилиб қолишидан, сенга ёмон жазо етишидан кўрқаётирман, сен менга тўғриси айт. Кўрқма, тўғриси айтавер, ҳеч нарса бўлмайди. Қачонгача «Савдогарман, менинг дунём кўп, молларим келади»,— деб алдаб юрасан. «Менинг молларим, менинг молларим», дегаингга қанча бўлди. Молингдан эса сира хабар йўқ. Шунинг учун ҳам қайғурасан. Агар алдаётган бўлсанг, тўғриси айт. Худо хоҳласа, мен сени қутқазадиган бир чора ўйлайман»,— дебди малика.

«Эй севгилим, тўғриси айт қолай»,— дебди Маъруф. «Лекин ростини айт,— дебди малика,— тўғрилиқ қутқазиш кемасидир, ёлгондан қоч, ёлгон кишини шарманда қилади.

Қуйидаги шеърни айтган кишини худо ёрлақасин:

Ҳаётда тўғри бўл ҳам рост сўзла,
Оловда куймагайсен шу туфайли.
Ғазабларга дучор бўлмасни кўзла,
Шифо топгай киши дору туфайли».

«Эй маликам,— дебди Маъруф,— билгил, мен савдогар эмасман, менда мол у ёқда турсин куйдирми ҳам йўқ. Мен ўз юртимда ямоқчи эдим. Менинг Фотима исмли шаллақи бир хотиним бор эди. У билан орамизда шу-шу воқеалар юз берганди...»

Шу тариқа Маъруф маликага ўз саргузаштини бошдан-оёқ сўзлаб берибди. Малика кулиб: «Сен ёлгончиликда тенги йўқ экансан-ку!»— дебди.

«Эй маликам, сирларни яшириш, қайғуларни тарқатиш учун илоҳи улуг тангри ҳар вақт сени саломат қилсин»,— дебди Маъруф. «Утакетган мақтанчоқлик билан отамни йўлдан оздириб, роса алдабсан. У ўзининг очкўзлиги, молпарастлиги билан

алданиб, ҳатто мени ҳам сенга берган,— дея сирни очибди малика,— сен унинг дунёсини совуриб юбординг. Вазир сендан ҳар вақт ўпкаланиб келарди. Неча марталаб отамга: «У ёлгончи»,— деб айтганди. Лекин вазир илгари отамдан мени сўратганида мен унамаганим учун отам вазирнинг сўзларига эътибор бермади, ишонмади. Орадан бир қанча вақтлар ўтиб кетса ҳам, молингдан дарак бўлмагач, отамда шубҳа пайдо бўлди. Мендан текширишни буюрди. Текширган эдим, мана тугун ечилди. Отам бунинг учун сенга қаттиқ жазо беришга қатъий қарор қилган. Лекин сен менинг эримсан. Сени бу жазодан қутқаришга тиришаман. Агар мен бу сўзларни отамга айтсам, отам сенинг ёлгончи эканингни билса, алдоқчилик билан шоҳ қизига уйланганинг, шоҳ молини совурганинг учун у сени ҳеч қачон кечирмайди, дарров ўлдиради. Одамлар ўртасида менинг ёлгончига турмушга чиққаним овоза бўлиб, шарманда бўламан. Шуниси ҳам борки, отам сени ўлдирса, албатта мени бошқа бировга узатишга ҳаракат қилади. Улсам ҳам мен бунга кўнмайман. Сен ҳозир ўрнингдан тур, қуллар кийимини кий, мен сенга эллик минг динор бераман. Уни олиб отга мин-да, отамнинг ҳукми ўтмайдиган бирор шаҳарга қараб йўл ол. У ерда савдогарчилик қил. Қаерда эканингни менга хат билан маълум қил, лекин хат бирор одам орқали яширин менга етсин. Мен қаердалигингни биламан. Давлатингни ошириш учун қўлимдан келган ёрдамимни кўрсатиш мумкин бўлади. Агар отам ўлса, мен сенга хат ёзаман, иззат-ҳурмат билан келасан. Агар иккимиздан биримиз ўлсак, унда маҳшарда кўришармиз, иккимиз саломат бўлсак хат ва молу дунё алоқасини узмайман. Кун чиқмасдан олдин тур, ғафлат босиб, ҳалокат ўраб олмасин, бошинг омон бўлсин».

«Эй маликам, мен ҳимоянг учун беҳад шодман»,— деб, қуллар кийимини кийиб, отбоқарларга чопқир отлардан бирини эгарлашни буюрибди. Улар энг чопқир бир отни эгарлаб келтирибдилар. Сўнг у малика билан хайрлашиб, тонг отарда йўлга чиқибди. Уни йўлда кўрган одамлар бир хизмат билан кетаётган шоҳ қулларидан бири деб ўйлабдилар.

Тонг отгач, маликанинг отаси, вазир билан бирга уйга кириб, қизини чақирришга одам юборибди. Қиз чодир орқасига келгач, отаси унга: «Нима гап, қизим?»— дебди. «Эрим олдида юзимни қора қилмоқчи бўлган вазирингнинг юзини худо қора қилсин»,— дебди малика. «Бу нима деганинг»,— дебди шоҳ. «Эрим кеча кеч келди, ҳали у билан сўзлашганимча ҳам йўқ эди. Бирдан менинг ёнимга бичилган қуллардан Фараж қўлида хат билан кириб келди-да: «Ўнта қул сарой деразаси остида турибди, улар менга хўжамиз қўлларини бизнинг номимиздан ўпиб, бу хатни унга топшир, бизлар унинг моллари билан келаётган қуллариданмиз. Биз унинг шоҳ қизига уйланганини эшитдик. Йўлда юз берган воқеаларни унга айтиш учун келдик»,— дедилар. Мен хатни олиб ўқидим. Хат шундай ёзилган эди: «Хўжамиз савдогар Маъруф жаноб олийларига беш юз қул номидан саломдан сўнг, маълумот шулким, бизлардан сен узоқлашгач, йўлда бизга қароқчилар ҳужум қилдилар. Орамизда жанг бошланди. Улар бир минг иккита отлиқ экан, бизлар беш юз қул эдик. Улар билан орамизда катта жанг бўлди. Улар бизларнинг юришимизга имкон бермадилар. Уттиз кун вақт ўтди, ҳамон бизлар улар билан жанг қилмоқдамиз. Яна бизларнинг кечикишимиз сабаби...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



**Тўққиз юз
тўқсон бешинчи
кеча**



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.

Шоҳ қизи отасига:

«Эримга ўзининг хизматчиларидан: «Қароқчилар бизларнинг йўлимизни тўсиб қолдилар. Бизларнинг кечикишимизнинг сабаби шу. Улар бизларнинг икки юз бойлам кийимликларимизни олдилар. Бизлардан элликта қулни ўлдирдилар»,— деган мазмунда хат келди.

Маъруф хатни ўқиб: «Худо уларни йўлдан оздирсин. Нима қилиб икки юз бойлам мол учун қароқчилар билан жанг қилиб ўтирибдилар. Икки юз бойлам мол нима экан, шугина нарса учун кечикиб ўтиришлари керак эмас эди. Ахир икки юз бойлам молнинг қиммати етти минг динор туради холос-да, мен улар олдига шошилиш боришим, уларни тезлатишим керак экан. Қароқчилар олган бўлса олибди-да, арзимаган нарса, ҳечқиси йўқ эди. Мен уларга эҳсон қилдим деб ҳисоблайман холос»,— деди ва на йўқолган нарсасига-ю ва на ўлдирилган қулларига ачинмай, кулиб, ёнимдан чиқиб кетди. У кетгач, мен деразадан қарасам, хат келтирган ўн қули худди ойга ўхшар, уларнинг ҳар бири икки минг динорлик ниҳоят қиммат баҳо кийимлар кийган, бизнинг қулларнинг бирортасини ҳам уларга ўхшатиб бўлмас эди.

Эрим хат келтирган ўн қули билан молини келтиришга кетди. Худога шукурлар бўлсинки, мен унга сен айтган сўзларни сўзламасдан олдин бу ҳол маълум бўлди. Ахир у вақтда эрим мени ҳам, сени ҳам масхара қилар эди. Балки менга паст назар билан

қарар, мендан ранжир эди. Ҳамма айб эрим ҳақида сенга нолайиқ сўзлар сўзлаган вазирада».

«Эй қизим,— дебди шоҳ маликага,— сенинг эринг бениҳоя бой. Ахир шаҳарга келган кунидан бошлаб озмунча пулларни садақа қилиб юбордим, у. Худо хоҳласа яқин кунларда унинг моллари етиб келади. Бизлар ундан кўп яхшиликлар кўрамиз». Шундай сўзлар билан шоҳ бир тарафдан қизининг кўнглини кўтариб, иккинчи тарафдан базирга танбеҳ бериб уни койибди.

Энди савдогар Маъруф воқеасига келсак, у отга миниб, одамсиз чўлларни кезар, лекин қайси шаҳарга боришини билмас эди. Маликадан айрилганига қайғуриб йиғлар эди. Севги алами ва кўрган қийинчиликларидан қаттиқ изтиробга тушган Маъруф қуйидаги байтларни ўқибди:

Васлига бўлгач муяссар, айрилиқ келди етиб,
Севганимни унда ташлаб, мени чўлга иргитиб.
Ернинг оғушидан айлаб жудо ҳижрон мени,
Дарбадар этди, яна сарсон мени, гирён мени.
Чўларо зулматдадирмен, ул тўлин ойдан йироқ,
Кўзи шаҳло, ўзи барно, қонлари ёйдан йироқ!
Ноумидлик даштида ризқим менинг қайғу-алам,
Ер нонинсофу номехрим менга қилмай қарам!
Тарқатиб зулматни, партав айла касб эй офтоб,
Битди бор сабр иля тоқат, қолмади ҳижронга тоб!
Оҳ! Қайта учрашиб, суҳбатлашиш бўлса насиб,
Қуму тупроқлар орасида адашган мен ғариб —
Қайтадан келсам жаҳонга, бахт ёр бўлса яна,
Ердан дилга қувонч етса, мадор бўлса яна!
Қайтадан этсам нигоримга яна ишқ ошқор,
Чунки, ҳар ҳижрон қоронғуси кетида тонги бор.

У шеърни тугатиб, қаттиқ йиғлабди. Унинг йўли тўсылган, ҳаётдан кўра унга ўлим яқин эди. У ҳай-

ронликдан мастларча гангир эди. Тушдан сўнг у бир кичик қишлоққа етиб, қўш ҳўкиз билан ер ҳайдаётган бир кишини кўрибди. Жуда очиққан Маъруф ер ҳайдаётган киши томон йўл олибди-да, ёнига бориб, «Ассалому алайкум»,— дебди. Деҳқон у кишининг саломига алик олиб: «Хуш келибсан, эй хўжам, сен шоҳ қуллариданмисан?»— дебди. «Ҳа»,— дебди Маъруф. «Отдан тушиб бизга меҳмон бўл!»— дебди деҳқон. Унинг сахийлигини сезган Маъруф: «Эй биродар, олдинда егулик ҳеч нарса кўринмайди-ку, нега мени таклиф қилаётирсан?»— дебди Маъруф. «Эй, хўжам, нарса топилади, сен туш, ана шаҳар кўриниб турибди, бораман-да, бирпасда ўзингга таом, отингга хашак келтираман»,— дебди у. «Шаҳар яқин бўлса, сен бориб олиб келгунингча ўзим бориб овқатлана қоламан»,— дебди Маъруф. «Эй хўжам,— дебди деҳқон,— қишлоқ кичкина, унда бозор ҳам йўқ. Олди-сотди ҳам йўқ. Худо ҳурмати учун ёнимга туш, кўнглимни хотиржам қил. Тезда бориб, олиб келаман». Маъруф отдан тушибди. Деҳқон уни ўтқазиб, ўзи овқат келтириш учун шаҳарга жўнабди. Уни кутиб ўтирган Маъруф ўз-ўзига: «Бу камбағални ишдан қолдирдим. Унинг ўрнига, унинг хизмати бараварига мен ер ҳайдаб турай»,— дебди-ю, ер ҳайдай бошлабди. Бир оз ҳайдагач, омоч нимагадир қадалиб ҳўкизлар тўхтаб қолибди. Ҳўкизларни уриб кўрибди, аммо улар юра олмабди. Маъруф омочни текшириб қараса, омоч олтин ҳалқага қадалиб қолган экан. Ҳалқани ердан айириб олибди. Диққат қилиб қараса, ҳалқа тегирмон тошига тенг мрамар тош ўртасига ўрнатилган экан. Маъруф ҳалқани тортиб кўрибди, лекин ўрндан кўзгата олмабди. Лекин мрамар тошнинг кўтарилган ердан унинг тагида нарвон қўйилган ер ости уйи борлиги маълум бўлибди. Маъруф нар-

вондан пастга тушибди. Пастда тўрт-беш айвонлик ҳаммомга ўхшаш уй бор экан. Бешта айвоннинг бирига шифтигача олтин тўлдирилган, иккинчисига зумрад, маржонлар тўлдирилган. Учинчисига ёқут, бадахшон лаъли, фирузалари тўлдирилган эди. Тўртинчи пешайвон олма ва бошқа ҳар турли қиммат баҳо тошларга тўлдирилган эди. Бу уйнинг ўртасида олий навли ялтироқ биллурдан ясалган сандиқ бор эди. Ҳар бир сандиқ ўрмон ёнбоғидай келадиган энг қиммат баҳо тошлар билан тўлдирилган эди. Бу сандиқ устида катталиги лимонга тенг олтиндан ясалган шинам бир қутича бор эди. Буни кўриб, Маъруф бениҳоя шодланди. Ўз-ўзига: «Буни қара, бу қутичада нима бор экан»,— дебди-да, қутини очибди. Унда устига чумоли излари каби аллақандай тилсимлар, номлар ёзилган олтин узук бор эди. Лекин узук дарров кўздан ғойиб бўлибди-да, бирдан кимдир биров овоз чиқариб: «Мен шу ерда, шу ерданан эй хўжам, сўра, истаганингни оласан, шаҳар қурмоқчимисан ёки бирор шаҳарни бузмоқчимисан, ёки бирор шоҳни ўлдирмоқчимисан, ёки ариқ қазиб сув чиқармоқчимисан, ёки бошқа ишлар қилмоқчимисан. Қачон нимани истасанг, кеча-кундузни яратувчи ҳокими мутлақнинг рухсати билан у бажарилади»,— дея сўзлай бошлабди. «Эй, тангрининг махлуқи, сен кимсан? Ким бўласан?»— дебди Маъруф. «Бу узук эгасининг фармони адо этувчи хизматчисман,— деб тушунтира бошлабди,— у қандай хоҳиш билдирса, мен уни бажараман. Унинг ҳар қандай буйруғига ҳеч бир баҳона кўрсатишим мумкин эмас. Мен жинлар аскарларининг шахсий соқчисман. Менинг аскарларим етмиш икки уругдир. Ҳар бир уруг аскарининг сони етмиш икки мингдир. Ҳар бир мингги минг харидга ҳукмронлик қилади, ҳар бир харид мингта ёрдамчи-

га ҳукмрондир. Ҳар бир ёрдамчи миғ шайтонга ҳо-
ким. Ҳар бир шайтон миғта жинга ҳукмронлик қи-
лади. Улар ҳаммаси менга бўйсунадилар. Мен мана
шу узукка сеҳрланганман. Унинг эгасига қаршилик
қилишга қодир эмасман. Мана, сен унга эга бўл-
динг. Мен сенинг хизматингдаман. Хоҳлаганингни
айт, бир сўзингни икки қилмайман, фармонингни ба-
жараман. Қай вақт, қаерда қуруқликдами, тешгиз-
дами мен керак бўлсам, узукни сийпасанг бас, мен
ёнингда ҳозир у нозир бўламан. Лекин зинҳор узукни
кетма-кет икки марта сийпалай кўрма, номлар ўти
билан мени куйдириб юборасан. Мени ҳалок қила-
сан-да, кейин ачиниш пушаймон бўласан. Мана мен
сенга ўзимни танитдим, тамом».

Қисса шу ерда етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



Тўққиз юз
тўқсон олтинчи
кеча



Эй, саодатли шоҳ,— деб
давом этди Шаҳризод,—
Маъруфга узукнинг хиз-
матчиси ўзи ҳақида маъ-
лумот бергач, Маъруф унга: «Синг
нима?»— дебди. «Менинг отим
Абусса Одотдир»,— дебди у. «Эй,
Абусса Одот, бу ер қанақа жой,
сени бу қутичага ким сеҳрлаб қўй-
ди»,— дебди Маъруф. «Эй хўжам,—
дебди морид,— бу одамнинг ўғли
Шадлод деган шоҳнинг дунёда
жуда кўп устунлар билан қурган
тенги йўқ хазинасидир. Мен у тириклик вақтида
унинг хизматида бўлган эдим. Бу узук унинг узуги.
Бу узукни у ўзининг хазинасига қўйган эди. Энди
сенга насиб бўлди». «Бу хазинадагиларни ер юзига
чиқара оласанми?»— деб сўрабди Маъруф. «Ҳа, жу-

да осон»,—дебди морид. «Бўлмаса ҳаммасини ер юзига чиқар, ҳеч нарса қолдирма!»—дебди Маъруф.

Абусса Одот ерга ишорат қилган экан, ер ёри-либди-ю, у кириб кетибди. Орадан бир оз ўтгач, бирдан ер остидан ниҳоят келишган бир тўда ёш йигитлар қопларда олтин ташиб чиқа бошлабди. Олтин қопларга тўлдириб солинган эди. Улар идишларни бўшатиб кетибдилар-да, яна бошқа келтирибдилар. Шу зайл улар олтин ва қиммат баҳо тошларни тўхтовсиз ташийверибдилар: Орадан бир соатча ўтгач, «Хазинада ҳеч нарса қолмади»,—дебдилар улар.

Сўнг Абусса Одот Маъруфга: «Эй хўжам, хазинадаги ҳамма нарсани ташиб битирдик»,—дебди. «Бу кўркам йигитлар ким?»—дебди Маъруф моридга. «Менинг болаларим,—дебди морид,—чунки бу хизматга ёрдамчиларни чақиришни муносиб кўрмадим. Хизматни ўз болаларим бажардилар. Сенинг ҳурматинг учун булар келдилар. Бундан бошқа яна нима хизмат буюрасан?»—деб сўрабди морид Маъруфдан. «Хачирлар келтириб, бу олтинларнинг ҳаммасини сандиқларга жойлаб, ортиш керак эди. Бу ишни қила оласанми?»—дебди Маъруф моридга. «Бу жуда осон»,—дебди морид. У қаттиқ бақирган экан, болалари дарров етиб келибдилар. Улар саккиз юзта эди. Морид болаларига: «Баъзингиз хачир, баъзингиз бирор шаҳарда тенги топилмайдиган чиройли қул, баъзингиз мол ҳайдайдиган подачи, баъзингиз хизматчилар қиёфасига киринглар»,—дебди морид. Улар айтилган қиёфага кирибдилар. Сўнг ёрдамчиларини чақирибди-да, улар келгач: «Баъзингиз тилла эгарлар билан эгарланиб, ҳар хил қиммат баҳо тошлар тақилган отлар қиёфасига кирингиз»,—дебди. Шундан сўнг: «Сандиқ келтириб, ҳамма олтин ва қиммат баҳо тошларни жойланглар!»—дебди

Маъруф. Уларни сандиқларга жойлаб, уч юзта хачирга ортибдилар. «Эй Абусса Одот, энг нозик кийимликлар тўпидан келтира оласанми?»—деб сўрабди буни кўрган Маъруф. «Мисрникиданми, Шомникиданми, Ажамникиданми, Ҳиндникиданми, Румникиданми?»—дебди морид Маъруфга. «Ҳар бир мамлакат матосидан юз-юз тўпдан юз хачирга ортдир!»—дебди Маъруф. «Бир оз муҳлат бер, мен ёрдамчиларимни шунга ҳозирлаб, ҳар қайси мамлакатдан юз хачирдан мол келтиришга буюрай. Менинг ёрдамчиларим хачир тусига кириб, тайинланган молларни ортиб келадилар»,—дебди морид. «Қанча вақт керак?»—дебди Маъруф. «Кун чиққунча бутун айтганларинг олдингда ҳозир бўлади»,—дебди морид. «Сенга муҳлат бердим»,—дебди Маъруф. Сўнг Маъруф уларга чодир қуришни буюрибди. Улар чодир қурибдилар. У чодирга кириб ўтирибди. Унга таом келтирибдилар. Абусса Одот Маъруфга: «Эй хўжам, чодирда хотиржам ўтиравер, менинг болаларим атрофда сени қўриқлаб турадилар, ҳеч нарсадан қўрқма. Мен ёрдамчиларимни тўплашга кетаётиман. Ишларингни бажаришга юбораман»,—дебди морид. Сўнг морид ғойиб бўлиб кетибди. Маъруф чодир ичида, турли-туман таомлар унинг олдида эди. Абусса Одот болалари эса унинг атрофида қуллар, чўрилар, хизматчилар қиёфасида ўтирар эдилар. Улар шу ҳолда турганларида, ҳалиги овқатга кетган деҳқон унинг қаршисига келиб салом берибди. У бир идишда ўсимликдан тайёрланган овқат, бир халтада арпа келтирган эди. Қараса, чодир тикилган, қуллар унинг ҳузурида қўлларини кўксиларига қўйиб турибдилар. «Шоҳ келиб, шу ерга қўнибди-да» деб гумон қилган деҳқон, ҳайрон бўлганича турган ерида қотиб қолибди. У ўз-ўзига: «Шоҳ ҳурмати учун иккита

жўжа сўйиб, мол ёнига қовуриб пиширсам яхши бўлар эди»,— деб жўжа сўйиб султонга таом ҳозирлашга қайтмоқчи бўлиб турганида, Маъруф уни кўриб қолибди-да, қулларга: «Уни келтиринглар!»— дебди. Қуллар уни овқатлари билан бирга Маъруф ёнига келтирибдилар. «Бу нима?»— дебди Маъруф унга. «Бу сенга ва сенинг отингга келтирилган овқат. Мендан хафа бўлма, шу вақтда шоҳ келиб қолар деб ўйламаган эдим. Агар бунинг билганимда иккита жўжа сўйиб, лаззатли таом ҳозирлар эдим»,— дебди деҳқон. «Шоҳ келгани йўқ,— дебди Маъруф,— лекин мен унинг куёвман. Мен ундан хафа эдим. У олдимга қулларини юборибди. Улар мени у билан яраштирамоқчи. Мен ҳозир шаҳарга қайтмоқчиман. Сен мени танимай туриб шундай зиёфат қилдинг, шунинг учун зиёфатинг менга жуда манзурдир. Ўсимликдан қилинган бўлса ҳам мен фақат сенинг таомингни ейман». Маъруф таомни дастурхонга қўйишни буюрибди ва тўйгунча ебди. Деҳқон эса ҳар хил лаззатли мевалар билан қорнини тўйғизибди. Сўнг Маъруф қулларини артиб, қулларга таом ейишга рухсат этибди. Улар дастурхон атрофига ўтириб, қолган овқатларни ебдилар. Идиш бўшагач, Маъруф идишга тилла тўлдириб берибди-да, деҳқонга: «Бунинг уйингга олиб кет, кейин менинг олдимга — шаҳарга бор, мен сенга ҳурмат кўрсатаман»,— деб таклиф қилибди. Деҳқон олтин тўла идишни олиб ҳўкизларини ҳайдаб юбориб, ўз кулбасига йўл олибди. У Маъруфни шоҳнинг куёви деб гумон қилар эди. Маъруф у кечани беҳад шодлик-қувонч билан ўтказибди. Хазинанинг кўркам қизлари унинг олдига келиб соз чалишар, рақс тушишар эдилар. У бундай базимни умрида ҳеч кўрмаган эди.

Тонг отганини Маъруф ҳали сезгани ҳам йўқ эди,

бирдан кўкда чанг учиб, юк ортилган хачирлар кўзга кўринибди. Бу ҳар хил кийимликлар ортилган етти юз хачир эди. Унинг атрофида машъала кўтарган қуллар, хизматчилар бор эди. Абусса Одот улар олдида карвон боши қиёфасида хачирга миниб олган эди. Унинг олдида қизил олтиндан тўрт қубба қўндирилиб, турли қиммат баҳо тошлар билан безатилган тахтиравон бор эди. Чодир ёнига келиб морид хачирдан тушибди-да, Маъруф олдида ер ўпиб: «Эй хўжам, вазифа охиригача тўла ва мукаммал бажарилди. Мана бу тахтиравонда дунёда кўрилмаган тенгсиз қиммат баҳо кийим бор, уларни кий, тахтиравонга ўтир. Нимани истасанг айт?»—дебди. «Эй Абусса Одот, энди сенга илтимосим шулки, бир хат ёзиб бераман. Сен уни Хитан Алхитан шаҳрига—менинг амаким шоҳга топширасан. Лекин сен албатта унинг олдида ёқимли бир чопар қиёфасида киришинг керак»,—дебди. «Бош устига»,—дебди морид. Маъруф хат ёзиб, муҳр босиб моридга топширибди. Морид хатни олиб йўлга тушибди ва кўп ўтмай шоҳ олдида кирибди. Қулоқ солса шоҳ вазирига: «Эй, вазир, менинг куёвимни қароқчилар ўлдирмаганмикин, деб ташвишланаётирман. Агар қаёққа кетганини билганимда, кетидан аскар билан борар эдим. Кетишидан олдин менга бу хабарни айтган бўлганида қандай яхши бўлар эди»,—дебди.

«Илоҳим сенинг соддадиллигингга худонинг ўзи меҳрибонлик қилсин. Сенинг бошинг ҳурмати учун қасам ичаман, у одам шарманда бўлишдан қўрқиб қочган, у қип-қизил ёлгончи, доғулидир»,—дебди вазир.

Шу вақт иттифоқо шоҳ олдида чопар кириб бориб, шоҳ қаршисида ер ўпибди ва унга абадий шону шарафлар тилаб дуо қилибди.

«Кимсан, сенга нима керак?»— деб сўрабди шоҳ. «Мен элчиман, мени куёвинг юборди. У моллари билан яқин келиб қолди. У мендан мана бу хатни бериб юборди»,— дебди.

Шоҳ хатни олиб ўқибди. Хатда соғинчли саломдан сўнг, амакимиз шонли шоҳга: «Мен молларим билан етиб келдим, мени аскар билан қарши ол»,— деб ёзилган эди. «Худо сенинг юзингни қора қилсин, эй вазир»,— дебди ғазаб билан шоҳ. «Қачонгача сен менинг куёвим шаънига ҳақорат етказасан, уни ёлғончи, деб тухмат қиласан. Мана у моллари билан етиб келибди. У эмас, сен алдоқчи». Вазир шундай уялибдики, қани энди ер ёрилса-ю ерга кириб кетса. «Эй замона шоҳи, мен унинг моли кечикиб кетганидан, сен сарф қилган молларнинг бекорга кетишидан қўрқиб айтган эдим»,— дебди вазир. «Эй алдоқчи, унинг моли олдида менинг молим нима бўпти. Ахир молим эвазига у икки ҳисса кўп мол беради-ку!»—деб жеркибди шоҳ.

Сўнг шоҳ шаҳарни безатишга буюрибди-да, ўзи қизининг ёнига кириб: «Сенга хушxabар келгирдим, эй қизим,— дебди у,— эринг моллари билан келатганмиш. Менга хат юборибди. Мана хат. Мен уни кутиб олишга чиқаман».

Қиз буни эшитиб ҳайрон бўлибди. «Қизиқ, бизларни масхара қилиб, устимиздан кулаётган эмасмикин ёки мен ямоқчиман, камбағалман деб мени алдаганмикан. Хайриятки, мен уни камситадиган бир ҳаракат қилмагандим»,— деб ўйлабди.

Энди Миср савдогари Али тўғрисига келсак, у шаҳарнинг безатаётганларини кўргач, одамлардан унинг сабабини сўрабди. Одамлар унга: «Шоҳнинг куёви савдогар Маъруф моллари билан қайтаётган эмиш»,— дебдилар. «Ё тавба,— дебди Али,— бу қан-

дай хабар. Ахир у хотинидан қочиб келган бир кам-бағал одам эди-ку, унга мол қаёқдан келар экан. Балки шоҳ қизи шарманда бўлишидан уялиб бир ҳийла ўйлаб топганмикин. Ахир шоҳлар нималарни қила олмайдилар. Худо ўзи ҳимоя қилсин, шарманда қилмасин».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
тўқсон еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— савдогар Али шаҳарни безатаётганларининг сабабини сўраганда, одамлар унга воқеани айтиб берибдилар. «Эй, тавба, худонинг ўзи ҳимоя қилсин, шарманда қилмасин»,— деб ёқасини ушлабди у. Бу хабарни эшитиб бошқа савдогарлар ҳам молларининг қўлга тегишига умид қилиб шодланибдилар. Сўнг шоҳ аскар тўплаб, уни қарши олгани йўлга

тушибди.

Абусса Одот Маъруф ёнига қайтиб, шоҳга хатни топширгани ҳақида маълумот берган экан, Маъруф уларга: «Молларни ортинглар»,— дебди-да, ўзи қиммат баҳо кийимлар кийиб, тахтиравонга ўтирибди. У шоҳдан минг марта савлатли бўлиб кетган эди. Улар ярим йўлга етган эдилар ҳамки, шоҳ уни аскарлари билан бирга қарши олибди. Шоҳ яқинлашгач, тахтиравонда қиммат баҳо кийимлар кийиб ўтирган Маъруфга ўзини отибди. У билан сўрашиб, унга саломатлик тилабди. Шоҳнинг ҳамма давлат арбоблари ҳам унга соғлик тилабдилар. Маъруф ёлғончи эмаслиги ҳаммага равшан бўлибди.

У шаҳарга зўр тантана билан кириб боғибди. Савдогарлар у томон чолиб, қаршисида ер ўйибдилар. Шунда савдогар Али унга: «Шунча найраңглар кўлингдан келди, офарин, эй, алдоқчилар устоди, энди сенга бу тантана арзийди. Худонинг ўзи ўз карами билан мартабангни зиёда қилсин»,— дебди. Маъруф унга кулибди. Саройга киргач, тахтга ўтирибди-да, «Олтинларни шоҳ амаким хазинасига ташинглар, кийимликларни эса бу ерга келтиринглар!»— деб буюрибди. Улар юкларни бирма-бир очиб, қиммат баҳо молларни унга тақдим қилибдилар. Хизматкорлар етти юз бойлам молни очиб унинг олдига келтирибдилар. Маъруф улардан энг яхшиларини айириб, «Буларни маликага топширинглар, жорияларига тарқатсин, бу сандиқлардаги қиммат баҳо тошларни ҳам маликага топширинглар, хизматчи ва жорияларига улашсин»,— дер эди. Савдогарлардан олган пуллари ўрнига кийимлик берар, бир минг қарзи бўлган одамларга икки минг, балки ундан ҳам кўпга тенг келадиган кийимлик топширар эди. Сўнг у камбағал ва гадоларга тарқата бошлабди. Бунни кўриб турган шоҳ қайтаришнинг иложини топа олмас эди. У етти юз бойлам юкни тарқатиб юборибди. Сўнг у аскарларига ўгирилиб, зумрад, ёқут, дур маржон ва бошқа қиммат баҳо тошларни тарқата бошлабди. У қиммат баҳо тошларни ҳовучлаб саноқсиз улашар эди. Шоҳ унга: «Эй ўғлим, шу берганинг бўлар. Ахир жуда оз нарса қолди»,— дебди. «Парво қилманг, бундан кўп»,— дебди Маъруф. Шундай қилиб, унинг сўзларининг ростлиги тасдиқланиб, ҳеч ким уни ёлғончи деёлмай қолибди. У ҳеч ўйламай улашишни давом эттираверибди. Чунки қачон нима ни талаб қилса, узук хизматчиси унга келтира берар эди. Шу вақт хазина бошлиғи шоҳ ёнига келиб: «Эй

замона шоҳи, хазина тўлди. Қолган олтин-кумуш, қиммат баҳо тошларга у ерда жой қолмади. Уларни қаерга қўйишни билмаётирман?»— дебди. «Бошқа бир ерга»,— деб шоҳ унга ишорат қилибди. Малика бу аҳволни кўриб, севиниб кетибди. У ҳайрон бўлиб ўзига-ўзи: «Буни қара, бунча катта давлат унга қаердан келди?»— дер эди. Шунингдек савдогарлар ҳам ўзларига берган моллари учун ортиқ даражада шодланиб, уни дуо қилар эдилар. Лекин савдогар Али: «Е тавба, бундай ҳийлани қандай уюштирди экан, бу ишларга қандай муваффақ бўла олди экан, агар шоҳ қизининг тадбири бўлса, камбағал-гадоларга бунча улашмас эди»,— деб ёқасини ушлар эди.

Қўйидаги шеърни ёзган шоир жуда яхши таърифлаган:

Эй шаҳаншоҳ! Келса сенга кўп тортиқ:
Сабабини суриштирма, халқ ниши.
Суриштирмоқ бўлур олобдан ортиқ,
Бу совғалар парвардигор хоҳиши.

Энди шоҳ воқеасига келсак, у Маъруфнинг сажийлигига, молларни совуришига ҳайрон қолар эди.

Сўнг Маъруф хотини ёнига кирибди. Малика уни кулиб, шодлик билан қарши олибди. Унинг қўлларини ўпибди-да: «Сен: «хотинимдан қочиб келган бир камбағалман»,— деб мени мазах қилмоқчи бўлган эдингми ёки мени синаб кўрмоқчи эдингми, хайриятки, мен у гапларга алданиб ҳурматингга халал берадиган бир камчилик кўрсатмадим. Сен менинг суюклим, дўстимсан. Хоҳ бой бўл, хоҳ камбағал, мен учун сендан кўра қимматлироқ киши йўқ. Менга айт-чи, нима мақсадда менга шундай деган эдинг?»— дебди малика. «Мен сени синамоқчи бўлган эдим, сенинг севгинг давлат орзусидаги севгими, ёки ҳақиқий севгими шуни билмоқчи эдим. Севгинг-

нинг ҳақиқийлиги аниқланди. Раҳмат сенга. Мени қанчалик қадрлашингни билдим»,— дебди-да, хилватга чиқиб, узукни силабди. «Лаббай, нима хизмат?»— дея, Абусса Одот пайдо бўлибди. «Менинг хотинимга хазинадаги буюмлардан қирқ хил ранг-баранг тошлар қадалган қиммат баҳо кийимлар келтиришингни сўрайман»,— дебди. «Бош устига»,— дебди у. Бирпасда у Маъруф айтган кийимларни келтирибди. Маъруф узук хизматчисига жавоб бериб юбориб, кийим ва зийнатларни олиб хотини ёнига кирибди. Хотинига узатар экан: «Буларни кийинг, жонгинам»,— дебди. Уларни кўриб шодликдан хотиннинг ақли бошидан уча ёзибди. Тилладан ишланиб, ҳар хил қиммат баҳо тошлар билан безалган оёққа тақадиган кўшалок занжирлар, сеҳргарларникига ўхшаш билагузуклар, зираклар, камар ва бошқаларни пул билан баҳолаш мумкин эмас эди. Малика кийимларни кийибди. Зийнатларни тақибди-да, «Эй хўжам, мен буларни улуғ байрам кунларига сақлаб қўйсам, дейман»,— дебди. «Кия бер, улардан менда жуда кўп»,— дебди Маъруф.

Малика либосларни кийгач, уни кўрган жорияларнинг оғзи очилиб қолибди. Маъруф уларни қолдириб хилват жойга кирибди-да, узукни силаб, хизматчини чақирибди. Узук хизматчиси унинг қарши-сига келиб: «Нима хизмат!»—дебди. «Менга кийим ва зийнатлар келтир!»—дебди Маъруф унга. «Бош устига»,—дебди хизматчи. Сўнг у кийим ва зийнатлар келтирибди, ҳар бир кийимнинг ўзига мос зеби зийнати бор эди. Маъруф жорияларни чақириб, ҳар бирига кийимлар тухфа қилибди. Кийимларни кийиб улар ҳам худди шахло кўз ҳурлар қиёфасига кирибдилар. Малика улар ёнида юлдузлар орасидаги ой каби кўринар эди. Жориялар бу хабарни шоҳга етказиб-

дилар. Шоҳ қизи ёнига кириб қараса, қизи ҳам, жориялар ҳам киши ҳушини учирар даражада кийинишган. Шоҳ бу ҳолга бениҳоя ҳайрон бўлибди. Сўнг у чиқиб, вазирни чақиртирибди-да: «Эй вазир, воқеа шу-шу» — деб сўзлаб берибди, ва ундан: «Сен бунга нима дейсан?» — деб сўрабди. «Эй замоня шоҳи, савдогар бундай иш қилмайди, — дебди вазири, — чунки савдогар бир молни озгина фойдага сотиш учун бир неча йиллар сақлаб ўтиради. Қайси савдогарда бунга ўхшаш сахийлик бўлади? Унда бунча пул ва бунча қиммат баҳо нарсалар қаердан бўлади? Ахир шоҳларда ҳам жуда оз бўлади. Бойлам-бойлам қиммат баҳо буюмлар савдогарда бўлиши сира мумкин эмас. Вунинг қандайдир бир сири бўлса керак! Агар сен мейинг тапимга унасанг, сенга ҳақиқатни айтман». «Гапир, эшитаман, қулбоғим сенда», — дебди шоҳ вазирга.

«Эй шоҳ, сен у билан сўзлаш, ўзининг жуда яқин тут-да: «Эй куёв, сен, мен ва вазир учаламиз боғ сайрига бориб, кўнгил очсак, деб таклиф қил, — дебди вазир, — боққа боргач шароб келтирамиз. Мен зўрлаб ичираман. У ичгач, ақли кетади. Эс-ҳуши йўқолади. Ана шу ерда сен ишнинг ҳақиқатини ундан сўра. У ўзининг сирларини айтади. Шароб йўлдан оздирувчи бир нарсадир. Қуйидаги шеърни айтган шоирга худонинг раҳмати ёгилсин.

Май қуйилгач қадаҳларга кўзадан,

Яширинган сир кўринар юзадан.

Ёритганда қоронғуни май нури,

Ойдинлашар юракларнинг чуқури.

У бизга ҳақиқатни айтгач, ҳамма сирни билиб оламиз-да, сўнг нима қилиш керак бўлса, шунинг қиламиз. Унинг бу ҳаракатларининг натижаси сен учун ёмон бўлмаса деб қўрқаман. Балки у шоҳ бўлишни

истар, сахийлик билан пулни аямай сарф қилишдан мақсади аскарларни ўзига оғдириб, сенинг ўрнингни олишдир»,— дебди вазир. «Тўғри айтасан»,— дебди шоҳ вазирга.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўққиз юз
тўқсон саккизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— вазирнинг берган маслаҳати шоҳга маъқул тушиб: «Тўғри айтасан»,— дебди. Улар мана шу маслаҳатга қарор қилиб, кечани ўтказибдилар. Тонг отгач, тахтга бориб ўтириши билан бирдан хизматчилар, отбоқарлар унинг ёнига ҳовлиқиб кирибдилар. «Нега бунча ҳовлиқдиларингиз?»— дебди шоҳ уларга. «Эй замона шоҳи,— дебдилар отбоқар-

лар,— кеча моллар ортиб келинган от ва хачирларга хашак солиб қўйилган эди. Уларни ўғирлаб кетибдилар. Ҳамма оғилхоналарни қидирдик ҳам текширдик, бирорта ҳам қолмаган. Қандай олиб қочганлар, билолмаймиз». Шоҳ ҳайрон бўлибди. Чунки шоҳ Абусса Одот ёрдамчиларини, ҳақиқий отлар, хачирлар, қуллар деб билар эди. Шоҳ уларни узук хизматчисининг ёрдамчилари эканини билмаган эди. «Эй лаънатилар!— деб бақирибди шоҳ хизматчиларига,— мингта ҳайвон, беш юз қул ва бошқа хизматчилар йўқолганини қандай қилиб пайқамай қоласизлар». «Биз билмаймиз, қандай қилиб ғойиб бўлди улар»,— дебдилар хизматчилар. «Чиқинглар, хўжаларингиз ҳарамдан чиққач, унга бу воқеани айтинглар»,— дебди шоҳ.

Хизматчилар шоҳ олдидан чиқибдилар, бу воқеа қандай рўй берганини ўйлаб тушуна олмас эдилар. Улар шу аҳволда ўтирган эдилар, бирдан Маъруф ҳарамдан чиқиб қолибди. Қараса, хизматчилар ғамгин ўтирибдилар. «Нега хафасизлар?»— деб сўрабди Маъруф улардан. Улар унга бўлган воқеани айтиб берибдилар. «Сизлар шунгайм хафа бўлиб ўтирибсизларми, ишларингизга бораверинглар, ҳечқиси йўқ»,— дебди Маъруф. У бу ишга хафа бўлмай кулар эмиш. Шоҳ вазирга қараб: «Бу қандай одам, бунинг учун пулнинг пўчоқча ҳам қадрин йўқ»,— дебди-да, Маъруфнинг олдига чиқиб бир оз сўзлашиб ўтиргач унга: «Мен, сен ва вазир билан бирга боғ сайрига чиқиб, кўнгил очишни истайман, бунга нима дейсан»,— дебди. «Яхши таклиф»,— дебди Маъруф. Сўнг улар ҳар хил мевалар жуфт-жуфт экилган, анҳор тўла сув шалдираб оқаётган, ҳар хил қушлар сайраб турган боғ томон йўл олибдилар. Киши дилидан ғам-аламни кўтарувчи саройга кириб, сўзлашиб ўтирибдилар. Вазир ҳар хил қизиқ ҳикоялар, ажойиб латифалар, кулдирувчи аскиялар айтибди. Маъруф дастурхон ёзиб, таом келтиргунларича унинг сўзларини тинглаб ўтирибди. Дастурхон ёзилиб овқатланишгач, вазир қадаҳга май қуйиб, шоҳга узатибди. Шоҳ ичибди. Сўнг вазир иккинчи қадаҳни тўлдириб ҳурмат қадаҳи сизга деб Маъруфга тутибди-да: Бу узоқ вақт эрсиз ўтирган оппоқ қиздир. Бу кўнгилларга шодлик келтиради у ҳақда шоир шундай деган:

Қадаҳнинг бошқа бир оти «аёғ» ҳам аталур,
Хумори эрди, узоқ вақт «аёғ» кўтармасдан.
Маст этди бода уни-ю, яна қадаҳ кўтарур.
Қадаҳни икки қўлида узоқ туталмасдан.

Бу шеър ундан ҳам яхши:

Бир чиройли соқийни кўрдимки, илгида шароб.
Юзлари гулгун, қўли титраб, танида изтироб.
Нур тарқатган қуёш янглиғ пиёла тарқатур,
Юзларидан тер оқиб, шарм-истиҳола тарқатур.
Беллари ингичкаким, олтин қадаҳнинг сопича,
Бизга ой соқий эди, ишқ аҳлининг авсофича.

Шоирнинг бу шеъри қандай яхши:

Кечани мен бирга ўтказдим ул ой оғушида,
Косани гумбазнинг орқасига беркинди қуёш.
Лаълидан сўрдим хуморимга, қадаҳлар бўшида,
Барча афсунлар қўйиб бошийни ерга, бўлди фош.

Бошқа шоир шеърини эшитинг:

Юрарди барча бўғинда, ғамим кузатгандек,
Бўлиб табиб, касалликларим тузатгандек.

Бошқа шоир бундай дейди:

Шаробга ташналардан бу жаҳонда яхши от қолди,
Улар ўтди жаҳондан, бизга бу оби ҳаёт қолди

Шоир Абу Навос шеъри яна яхши:

Эй дўст! Мендан койима! Қутуртирар бу койиш!
Кел, дардимни давола, дўстликни қилсанг хоҳиш.
Эй бевурдлик! Ғам-қайғум ташқаримга чиқарма!
Махмуригим орттириб, бошимни тошда ёрма!
Тошга текса бош, сўнгра шодлик нима, билурсен,
Ғам-қайғунгни ичингда сақлашга интилурсен...
Май кўза очилганда қоп-қоронги тун эди,
Хонамизга нур кирди, руҳимиз тушқун эди,
Бўйинимиз эгик эди, бир-бир айланиб ўтди,
Дардингизга қилай деб тадбир, айланиб ўтди,
Бирданга соқийга бузуқ жазман кўпайди,
Қайфи баланд, кўзлари сузук жазман кўпайди!
Айтмасликка йўқ чорам, яширмас дўст ўз сирин,
Бўлиб ўтган ҳаводис сиздан эмас яширин.

Шоир Алмута Азр шеъри яна ҳам жозибали:

Тангрим! Тўйдир Жазoirни! Экин учун томчи сув йўқ,
Дарахтларнинг шoхи ерда, меваси хом, барги қуруқ!
Қуш галаси учиб келиб, кетолмасдан саҳар чоғи,
Роҳибларнинг ибодати, бутхонанинг қўнғироғи —
Ваҳимага тўлдиришар, оқарганда субҳ ёришиб,
Қора жанда кийган кўплар, тангриларга ёлвориб,
Дайр-Абдун — фаровонлик ёмғирин тилашарди.
Тонготарда май ичишиб, кўкракларин силашарди.
Қора жанда орасидан гўзаллар ҳам кўринарди,
Кўкдан ёмғир тилаш учун гўзаллар ҳам уринарди.
Йиғламоқдан ҳолдан тойиб, қовоқлари шишиб-кўпиб,
Кўк томонга қўлини чўзиб, гоҳ энгашиб, ерни ўпиб...
Турар эдим ўша ерда, турганлигим билишдилар,
Судраб қора жандаларни, яқинимга келишдилар,
Чекиш билан кўп хавотир, улар томон юзни бурдим,
Этагимни йиғиштириб, улар томон тез югурдим.

Бу шеърни айтган шоирни худо раҳмат қилсин,

Мен ҳаммадан бадавлатроқ, бахтим ёри,
Ўзим учун истаганмен бахт ҳам қувонч.
Қўлимдадир бутун умрим мададкори —
Яъни, суюқ олтин билан тўлган бир ганж.

Мана бу шоирнинг шеъри қандай яхши.

Бошқа алхимияни тоғиб бўлмайди асло,
Бу тўррида тангрига қиладирмен қасамёд.
Бу ҳақдаги сўзларга кўнгул тўлмайди асло,
Бу ҳаммаси ёлғондир, унга қўйманг эътимод!

Бошқа шоирнинг бу шеърини ҳам эшитинг:

Бўш қадаҳ — ҳар бир оғир тошдан оғир,
Май тўла келган қадаҳ енгил кўчар.
Ғар қадаҳларга қўйилганда чағир:
Бодаҳўрнинг руҳи қушлардек учар.

Мана бу унинг яна бошқа шеъри:

Жому шарбатнинг ҳуқуқидир улуғ,
Чўқтирар тиз, жом агар бўлса тўлиғ.
Улганимда ток ёнига кўминг,
Баргидан боғланг менинг бошимга туғ.
Чўлга кўммангким, менинг васиятим,
Ташна ётмоқлик ўликка, кўргулуғ.

Вазир ана шу тарзда устма-уст шеърлар ўқиб, тинимсиз шаробни мақтар, унга майл уйғотар, унинг яхшиликлари ҳақида ҳар хил нақл ва ҳикоялар айтиб уни қизиқтирар эди. Ниҳоят Маъруфда қадаҳ кўтаришдан бошқа чора қолмабди. Вазир қадаҳни тўлдириб Маъруфга тутар, Маъруф лаззат билан шодланиб ичар эди. Тезда у эс-ҳушидан айрилиб, алжиллаб қолибди. Вазир Маъруфнинг кайфи ошганини сезгач, унга мурожаат қилибди:

«Эй, савдогар Маъруф, мен жуда ҳайронман. Сен Хисрав шоҳ хазинасида топилмайдиган шунча қиммат баҳо тошларни қаердан олдинг? Умрyamизда сендек бой савдогарни ҳам, сендек сахий одамни ҳам кўрмаганмиз. Сенинг ишларинг савдогарлар иши эмас, шоҳлар ишига ўхшайди. Худо ҳақи, масалани рўй-рост айтиб беришингни сўрайман. У вақт сенинг мартабанг бизларга маълум бўлиб, қадр-қимматингни яна ҳам ортттирар эдик».

Вазир уни гапга солиб, сир олишни давом эттирди, Маъруф эса тамоман ақлдан озган эди.

Ниҳоят, Маъруф тилга кириб: «Мен савдогар ҳам эмасман, шоҳлар авлоди ҳам эмасман»,— дея ўз тарихини бошдан-оёқ сўзлаб берибди. «Худо ҳурмати учун узугингни бизларга кўрсат, қандай ишланган экан, томоша қилайлик»— деб аврабди вазир. Қаттиқ маст Маъруф узукни қўлидан суғуриб олиб: «Олинглар, томоша қилинглар»,— деб вазирга уза-

тибди. Вазир узукни қўлга олиб, у ёқ-бу ёгига қарабди-да: «Агар мен буни сийпасам хизматчи пайдо бўладими?»— деб сўрабди. «Уни сийпагил, хизматчи келади»,— дебди Маъруф. Вазир узукни сийпаган экан, «Лаббай, нима хизмат, бирор шаҳарни вайрон қилиш керакми ёки обод қилиш керакми ёки бирор шоҳни ўлдириш керакми, нима хоҳласанг, лом-мим демай шуни қиламан»,— деб хизматчи чиқибди. Вазир унга Маъруфни кўрсатиб: «Буни, бу ердан кўтарда, одам оёғи етмайдиган, ейдиган, ичадиган нарса топилмайдиган чўлу биёбонга олиб бориб ташла, у ерда очликдан ўлиб кетсин, уни ҳеч ким кўрмасин ҳам, билмасин ҳам»,— дебди. Хизматчи уни опичиб, осмон билан ер ўртасида учибди. Буни сезгач, Маъруф қаттиқ изтироб чекиб йиғлабди. «Эй Абусса Одот, мени қаерга олиб борасан?»— дебди. «Эй, тарбиясиз, мен сени ернинг тўртинчи харобасига элтаман. Шундай сеҳрли узукка эга бўлган киши уни бошқалар қўлига томоша қилишга топширса, ундай кишининг жазоси шудир. Агар мен худодан қўрқматанимда сени осмону фалакдан ташлаб юборар эдим, ерга етмай тўзонга айланиб кетар эдинг». Абусса Одот ернинг тўртинчи харобасига етгунча Маъруф билан бошқа сўзлашмабди ва уни кимсасиз чўлга ташлаб, ўзи ғойиб бўлибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

— Оҳ опажонгинам,— деди Дунёзод,— ҳикоянг қандай яхшия.

— Э синглим,— деди Шаҳризод,— афсуски, умрим қисқа, бўлмаса, янада қизиқроқларини айтардим.

Бу гапни эшитган шоҳ ўзича: «Дарҳақиқат, буюрсам ўлади кетади, ундан кўра ҳикояларини эшитиб олай, ўлдириш қочмас»,— деб ўйлади.



*Тўққиз юз
тўқсон*

*тўққизинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Абусса Одот Маъруфни олиб тўртинчи харобага элтиб, кимсасиз чўлда танҳс қолдириб, ғойиб бўлибди.

Энди вазирга келсак, у узукни олгач, шоҳга: «Мен сенга бу ёлгончи, десам сен ишонмадинг. Кўрдингми, тўғри айтган эканманми?»— дебди. «Сен ҳақ экансан, худо сенинг ишингни унгласин»— дебди шоҳ вазирга. «Қани, узукни менга берчи, томоша қилиб кўрай?»— дебди шоҳ вазирга. Вазир шоҳга ғазаб билан қараб, унинг юзига туфлабди-да: «Эй, беақл одам, қандай қилиб буни мен сенга бераман. Энди хўжайин бўлганимда сенга хизматчи бўлиб қолайми?»— дебди-да, у узукни силабди. Уша он хизматчи келиб, «Нима хизмат!»— дебди.

«Бу тарбиясизни ол-да, буни ҳам, алдоқчи куёвини қаерга олиб бориб ташлаган бўлсанг, ўша ерга элтиб ташла?»— дебди вазир. Морид шоҳни кўтариб учибди. Шоҳ унга: «Эй худонинг махлуқи, менинг гуноҳим нима?»— дебди. «Мен билмайман, менга хўжам буюрди. Мен бу сеҳрланган узук эгасининг фармонига қарши туролмайман»,— дебди Абусса Одот. У учганча Маъруфни ташлаган жойга шоҳни ҳам элтиб ташлагач, ўзи ғойиб бўлибди.

Шоҳ қараса, Маъруф у ерда йиғлаб ўтирганмиш. Шоҳ унинг ёнига келиб, воқеани айтибди. Икковлари ўз бошларига тушган бу кулфат учун қайғуриб йиғлашар эди. Уларнинг на ейдиган, на ичадиган нарсалари бор эди.

Энди вазир тўғрисига келсак, у шоҳ ва Маъруфни ватанларидан жудо қилгач, боғдан чиқибди-да, бутун ҳарбийларни чақиртириб мажлис очибди ва уларга Маъруф ва шоҳга берган жазосини сўзлаб берибди. Сўнг у узук тарихини тушунтириб: «Агар, сизлар мени ўзларингизга шоҳ қилишга қарши бўлсангиз, мен узук хизматчисига сизларнинг ҳам тўртинчи харобага олиб бориб ташлашга фармон берман. Сизлар у ерда очлик, сувсизликдан ҳалок бўласизлар»,— дебди.

«Бизларга ёмонликни раво кўрма, ҳаммамиз шоҳ бўлишингга розимиз, сенинг фармонингга қаршилик қилмаймиз»,— дебдилар. Улар вазирдан қўрққанларидан унинг шоҳ бўлишига рози бўлибдилар. Вазир уларга сарполар кийгизибди. У ўзи истаган ҳамма нарсани Абусса Олотга буюрар ва ўша онда келтириб берар эди.

Вазир тахтга ўтирибди. Бутун ҳарбийлар унга итоат қилибдилар. Вазир шоҳ қизига одам юбориб, унга шу сўзларни айтишни буюрибди: «Мен сени жуда соғинганман, бу кеч сенинг ёнингга бораман, ҳозирланиб туришинг зарур».

У йиглабди. Отаси ва эри бошига тушган кулфатлар унинг учун жуда оғир эди. Сўнг малика унга одам юбориб, шу сўзларни етказишни буюрибди: «Менга муҳлат бер, иддам ўтсин, сўнг никоҳлаб, шариятга мувофиқ мен билан бирга бўл». Вазир иккинчи одамни юбориб унга шу сўзларни айтишни буюрибди: «Мен идда-пиддани билмайман, узоққа чўзишни ҳам истамайман. Менга никоҳ керак эмас, мен ҳалол, ҳаром деб қараб ўтирмайман. Албатта шу кеч сенинг ёнингга кираман».

Сўнг малика унга одам юбориб шу сўзларни етказибди: «Қани, марҳамат, майли, мен розиман».

Вазир бу жавобдан севиниб кетибди. Чунки, маликани қаттиқ севар эди. Вазир бутун халққа таомлар беришни буюрибди-да: «Бу таомларни енглар, бу никоҳ тўйининг таомларидир. Мен букуи малика ёнига кираман»,— дебди севиниб.

«Унинг иддаси тамом бўлмагунча сенга унинг ёнига кириш, никоҳ хати ёзиш мумкин эмас»,— дебди шайхулислом унга. «Мен идда-пиддани, расму русумларни билмайман. Гапни кўпайтирма»,— дебди вазир унга. Шайхулислом ундан қўрқиб жим бўлибди-ю, лекин аскарларига: «Бу кофир, бунда дин ҳам йўқ, мазҳаб ҳам йўқ»,— дебди.

Кеч бўлгач, вазир малика ёнига кирибди. Малика ўзининг қиммат баҳо кийимларини кийиб, алоҳида безаклар билан ясанган эди. Вазирни кўргач, очиқ чеҳра билан унга салом берибди. «Кечангиз муборак. Отам билан эримни ўлдирганингизда менга яхшироқ бўларди»,— дебди. «Уларни албатта ўлдиришим керак»,— дебди вазир. Малика уни ўтқазибди. Ўйнаб-кулиб унга ўз муҳаббатини изҳор қила бошлаганда бу ширин муомалаларга вазирнинг ҳуши учибди. Малика унга шундай ёқимли муомалалар қилиб узукни қўлга олмоқчи, унинг шодлигини қайғуга айлантирмоқчи бўлган эди. У бу ишларни қилишда шоирнинг қуйидаги шеърига амал қилган эди:

Тилакка найрангим бирлан эришдим,
Қўлимга кирди бу қиммат ганнмат.
Қулай пайтни толиб ишга киришдим,
Узукдан кўз юмиш — куфронн неъмат!

Вазир маликанинг бундай ёқимли муомалаларини кўргач, ҳирси ортиб, унга яқинлашмоқ истабди. Вазир маликага яқинлашган сари малика ўзини олиб қочиб, ноз-карашма қилибди-да: «Эй хўжам,— дебди назокат билан охири,— бизларга қараб турган бу

одамларни кўрмайсанми? Худо ҳурмати учун улар кўзидан яширинишинг зарур. Улар қараб турибди-ю, сен қандай қилиб менга яқинлашмоқ истайсан?» «Қани одам, ким кўриб турибди?»—дебди вазир ҳайрон бўлиб. «Ана, узук кўзидан бош чиқариб бизга қараб тургани кўрмайсанми?»—дебди малика. Вазир: «Узук хизматчиси қараб турган экан»,—деб ўйлабди-да, кулиб: «Бундан хавф қилма. У узук хизматчисидир. У менинг хизматим, менинг фармонимга мунтазир нарса»,—дебди. «Мен жинлардан кўрқаман. Узукни қўлингиздан олиб мендан узоқроққа қўйинг!»—дебди малика. Вазир узукни қўлидан чиқариб ёстиқ остига қўйибди-да, маликага сурқала бошлабди. Малика эса мўлжаллаб туриб оёғи билан унинг кўкрагига бир тепган экан, у ҳушсизланиб чалқанчасига йиқилибди. Шундан сўнг малика дарҳол хизматчиларини чақириб: «Тутинглар!»—дебди. Қирқта жория уни ўраб олибди. Малика дарров узукни олиб сийпалабди. Абусса Одот: «Нима хизмат, эй хўжам?»—деб етиб келибди. «Бу кофирни кўтар-да, оғир кишанга боғлаб зиндонга ташла!»—дебди, малика унга.

Абусса Одот уни оғир кишан билан боғлаб, зиндонга ташлабди-да қайтиб: «Зиндонга ташладим»,—деб ахборот берибди. «Отам билан эримни қаерга ташладинг?»—деб сўрабди малика Абусса Одотдан. «Тўртинчи харобага ташлаганман»,—дебди Абусса Одот. «Ҳозир уларни келтир!»—дебди малика. «Бош устига»,—дебди-да, ўша он учиб, тўртинчи харобага—улар ёнига тушибди. Шоҳ билан Маъруф йиғлаб бир-бирларига вазир хиёвати ҳақида шикоят қилиша ётган экан. Абусса Одот: «Хафа бўлманглар, сизларга шодлик соати етди»,—дебди-да, вазир қилган ишларни уларга сўзлаб берибди: «Мен уни малика

буйругига мувофиқ ўз қўлим билан кишанладим. Сўнг малика менга сизларни келтиришни буюрди». Бу сўзлардан улар бениҳоя шодланибдилар. Сўнг Абусса Одот уларни кўтариб учибди-да, бир зумда малика ҳузурига келтирибди. Малика туриб отасига, эрига салом берибди. Уларни ўтқазиб, таом ва ширинликлар билан меҳмон қилибди-да, отасига ҳам, эрига ҳам энг яхши кийимлар кийгизгач: «Эй ота, ўз тахтингга ўтириб, илгаригидек ўз вазифангни ба- жар. Эримни ўнг қўл вазир қилиб тайинла, бўлган воқеани аскарларга тушунтир. Вазирни зиндондан келтириб ўлдир-да, сўнг мурдасини куйдир, чунки у кофир экан. Олдимга иддам чиқмасдан беникоҳ ки- ришга ҳаракат қилди, ўзи: «Мен динсизман, унақа- мунақаларни билмайман»,—деб иқрор бўлди. Унг қўл вазир куёвинга ғамхўрлик қил»,—дебди.

«Бош устига, эй қизим, лекин узукни менга ёки эринга бер»,—дебди шоҳ. «Эй ота, узукни сенга ҳам, унга ҳам бериш тўғри келмайди. Узук менда туради,—дебди қизи тушунтириб,—сизлардан кўра мен уни яхшироқ сақлайман. Нима истасанглар мен- га айтинглар. Узукка айтиб олиб бераман. Мен ти- рикман сизлар ташвиш қилманглар, мен ўлгач, билган- ларингни қиларсиз». «Тўғри маслаҳат»,—дебди шоҳ.

Сўнг у куёвини олиб саройга кирибди. Ҳарбийлар тун бўйи вазирнинг зўрлик билан никоҳсиз малика ёнига киргани. унга қандай кулфат етказгани, шоҳ ва унинг куёви бошига солган ташвишлар тўғрисида ўйлаб, ачинишиб тонг оттиришибди. Улар вазирнинг дини исломни оёқ ости қилганидан ғоят хафа эди- лар. Ҳарбийлар саройга кириб, шайхулисломга: «Нега сен малика ёнига беникоҳ киришдан вазирни қайтармадинг!»—дейишибди: «Эй халойиқ,—дебди шайхулислом,—у бедин сламининг қўлида сеҳрли

узук бор. Бизларнинг қўлимиздан унга қарши ҳеч қандай иш келмайди. Унинг хиёнатига яраша худонинг ўзи жазо берсин. Сизлар унга бирор қаршилик кўрсатманглар, бекорга сизларни ҳалок қилади». Аскарлар йиғилиб, шундай сўзлашиб туришганда шоҳ кириб келибди. Унинг ёнида куёви Маъруф ҳам бор эди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Аскарлар саройда вазирнинг шоҳга ва унинг куё-

вига қилган хиёнатига ачиниб туришганда, бирдан шоҳ билан куёви Маъруф кириб келибди. Аскарлар уни кўриш билан шодланиб оёққа турибдилар. Шоҳ тахтга ўтириб, уларга бўлган воқеани айтиб берибди. Шоҳ шаҳарни безашни буюрибди. Вазирни зиндондан олиб, шоҳ ҳузурига келтирибдилар. Ас-



Мингинчи кеча

карлар унга лаънатлар ўқиб сўкишар экан. Шоҳ уни қаттиқ азоблаб ўлдиришга буюрибди. Буйруқ ижро қилинибди. Сўнг мурдасини куйдирибдилар. У шармандаларча дўзахга йўл олибди.

Бир шоирнинг мана бу шеъри жуда мос эди:

Тангри жазо юборса гумроҳ кўмилган ерга:

Тергов берар то маҳшар гўрда, Мункарнакирга.

Сўнг шоҳ Маъруфни ўнг қўл вазир қилиб тайинлабди. Вақtlари шод, кўнгиллари тинч бўлибди. Беш йил шундай ўтиб, олтинчи йил шоҳ ўлибди.

Малика отаси ўрнига Маъруфни шоҳ қилиб та-

йинлабди-ю, лекин унга ҳам узукни бермабди. Малика ҳомиладор эди. У чиройли бир ўғил туғибди. Бола кўркам ва соғлом эди. У беш ёшга киргунча энагалар қўлида тарбияланибди.

Шу вақт қаттиқ оғриб қолган малика эри Маъруфни чақиртириб: «Мен касалман»,— дебди. «Эй дилим суюклиси, сени худо сақласин»,— дебди Маъруф. «Мен болага ғамхўрлик қилишни сенга васият қилмоқчи эмасман. Сен ва боладан хавотирланиб узук тўғрисида васият қилмоқчиман. Узукка эҳтиёт бўл». «Худо хоҳласа ҳеч гап бўлмайди»,— дебди Маъруф. Малика узукни қўлидан чиқариб, Маъруфга топширибди-ю, иккинчи кун вафот этибди. Маъруф шоҳ бўлиб ўзи ҳукм юргиза бошлабди.

Кунларнинг бирида у ўз уйига кириб кечгача ўтирибди. Қоронғи туша бошлаганда одатдагича унинг ёнига амалдор дўстлари кириб келибди. Ярим кечгача унинг ёнида бўлиб, сўнг уйларига қайтишга рухсат сўрабдилар. У рухсат этибди. Сўнг ўрин солиб туриш вазифаси топширилган жория унинг ёнига кириб, жой солиб, уни ечинтириб, ички кийимларини кийгизибди. Уйқуси келгунча унинг оёқларини уқалаб ўтирибди. У ухлагач, жория секин туриб ўз уйига кетибди.

Шоҳ Маъруф хотиржам ухлаб ётган эди. Ёнида бир нарса сезиб чўчиб, кўзини очибди-да, «Худоё тавба»,— дебди. Ёнида бад-башара бир хотин турганмиш «Сен кимсан?»—деб бақарибди у хотинга. «Кўрқма, мен сенинг алвасти хотининг Фотимаман»,—дебди. Маъруф тикилиб қараса, ҳақиқатан ўша, унинг башараси, узун тишларидан танибди. «Қаердан ва ким билан бу ерга келдинг?»—дебди Маъруф. «Ҳозир сен қайси шаҳардасан?»—деб сўрабди хотин. «Мен Хитан Алхатан шаҳридаман. Сен ўзинг Миср-

дан қачон чиққан эдинг?»— деб сўрабди Маъруф. «Бундан бир соат олдин»,— дебди хотин. «Наҳотки гапинг рост бўлса!»—дебди Маъруф. «Мей,— деб сўз бошлабди хотин,— сен билан жанжаллашгач, шайтон сенга қарши мени қутуртирди. Мен қозига бориб сенинг устингдан арз қилдим. Қози ҳар томонни қидиртирди-ю, сени топа олмади. Икки кун ўтгач, қилган ишимга пушаймон бўлдим. Бекорга сенга озор берганим учун афсус қилдим. Лекин пушаймон фойда бермади. Сендан айрилганим учун бир қанча кунларни йиғлаб ўтказдим. Озиқ-овқатларим тугади. Гадойлик билан кун кечира бошладим. Ҳар кимдан сўраниб топганларимни еб, энг оғир аҳволда қолдим. Ҳар кеча сендан айрилганимга, сендан сўнгги қийинчилик, хўрлик, шармандалик аламларига тинмай йиғлар эдим».

Хотин шу тарз Маъруфга бошдан кечирганларини сўзлар, Маъруф ҳайрон бўлиб тинглар эди. Энг охири у шундай дебди: «Кеча мен эртадан кечгача садақа сўрадим. Ҳеч ким ҳеч нарса бермади, кимга бориб бир нарса сўрасам у мени сўкар, ҳеч нарса бермас эди. Кечаси ҳеч нарса емай ётдим, очлик мени эзиб юборди. Аҳволим оғир эди. Ўзимни тўхтата олмай йиғлар эдим. Бирдан қаршимда бир одам пайдо бўлиб: «Нега йиғлайсан, эй хотин!» деди. «Менинг эрим бор эди. У менга ҳамма керак-яроғларимни қилиб берар эди. У мени ташлаб кетди. Қаёққа кетганини билмайман. Усиз менинг аламларим ортди»,— дедим. «Эрингнинг оти нима?»— деди у. «Унинг номи Маъруф»— дедим. «Мен уни биламан эй хотин, эринг ҳозир фалон шаҳарда шоҳ бўлган, агар хоҳласанг сени унинг олдига олиб бориб қўяман»,— деди. «Шундай қил, худо хайрингни берсин»,— дедим. У мени кўтариб, осмон билан ер ўрта-

сида учди. Ниҳоят шу саройга келтириб менга: «Мана, шу уйга кир, эринг шу ерда ухлаб ётганини кўрасан»,— деди. Уйга кирдим. Мана бу ерда сени кўриб шодландим. Сендан айриламан деб ўйламаган эдим. Мен сенинг хотинингман. Худога шукур, мен яна сенга етишдим»,— дебди хотин. «Мен сени ташлаб кетдимми ёки сен мени ташладингми? Ҳар кун бу қозидан у қозига, ҳаттоки олий дарвозага шикоят қилганинг учун бандиликдан қўрқиб қочдим-ку»,— дея Маъруф ўз бошидан кечирган воқеаларни, шоҳ бўлгани, шоҳ қизига уйлангани ва у ўлиб, ундан етти ёшли бола қолганини айтиб берибди.

«Бу ҳаммаси пешонада ёзилган, худонинг тақдир экан, энди мен тавба қилдим, мен сенинг хизматингда тураман. Мени ҳайдама, менга бир бурда нонни садақа қилишни аяма»,— деб ялиниб-ёлвора берибди. Маъруфнинг кўнгли бўшашиб раҳми келибди. «Тавба қил, ёмонликни ташла. Шунда яхшиликка яхшилик кўрасан,— дея унга насиҳат қила бошлабди,— энди бирор ёмонлик қилсанг ўлдираман. Мен ҳеч кимдан қўрқмайман. Шикоят қилиб мени қаматишни хотирингдан чиқар. Мен шоҳман. Ҳамма мендан қўрқади. Мен худодан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайман. Менда узук хизматчиси бор. Унинг номи Абусса Одотдир. Узукни силасам, у ҳозир бўлади. Нимани десам ўшани қилади. Агар сен ўз юртингга бормоқ истасанг, бутун умрингга етадиган пул, мол бераман ва тезда ўз уйингга етказиб қўяман. Агар бу ерда туришни истасанг, мен ўзингга бир уйни холи қилиб бериб, ипак тўшаклар билан тўлдираман, хизматингга йнгирмата жория тайинлайман. Энг лаззатли овқатлар еб, қиммат баҳо кийимлар кийиб, малика ўрнида бўласан. Улгунимизча давлат билан, шодлик билан кун кечирасан, бунга нима дейсан?»

«Мен сенинг ёнингда қоламан»,— деб Маъруфнинг қўлини ўпибди. Ёмонлик қилмасликка тавба-таззару қилибди. Маъруф унга алоҳида уй ажратиб, хизматига жория ва энг яхши қуллар тайинлабди. Етим қолган бола гоҳ унинг, гоҳ отасининг ёнига кириб-чиқиб юрар эди. Ўз боласи бўлмагани учун хотинундан жиркана бошлабди. Бу ҳолни сезган бола, ундан узоқлашибди. Маъруф хотинига қарамай, чиройли жориялар билан маишат қилар эди. Чунки унинг сочлари тўкилиб, афти башарасини доғ босиб, илондан ҳам хунукроқ бир тусга кириб қолганди. Унинг устига бу манжалақи унинг дилини қаттиқ вайрон қилган эди. «Ёмонлик хоҳишларни сундирадди, дил майдонига душманлик уругини экади», деган мақол жуда тўғридир. Шу шеърни айтган шоирга раҳмат:

Озор бериб кўп унга, ёшиқ кўнглини совутини;
Сўнг иситиш кўнгулни, мушкул иш қийин иш!
Бу ҳар икки кўнгулдан ишқининг ўти ўчса, бас;
Икки синиқ шишаким, жуфтлаб, елимлаб бўлмас.

Маъруф бу яхшиликларни унинг бирор яхши феълли учун эмас, балки у худонинг бир бандаси бўлгани учун қилибди...

Шу чоқ Дунёзод опаси Шаҳризодга: «Қандай ажойиб гаплар, сеҳргарлар сеҳридан ҳам дилни боғловчи, киши ҳайрон қоларли ҳикоя»,— деди.

«Эй синглим, шоҳимиз рухсат этсалар, эртага айтиб берадиган ҳикоям олдида бу ҳеч гап эмас»,— деди Шаҳризод.

Тонг отиб, қуёш ўз нуруни сочгач, шоҳнинг кўнгли очилди. Кеч бўлишини кутган шоҳ: «Худо ҳақи,

ҳикоянинг давомини эшитмагунимча буни ўлдирмай-
ман»,— деб ўйлади.

Сўнг у одатдагича ўз маҳкамасига чиқди. Ва-
зир ҳам ўз ўрнига ўтирибди. Шоҳ кун бўйи ҳукм-
дорлик вазифасини бажо этди. Ниҳоят кеч бўлгач,
у одатдагича қасрга, хотини — вазирнинг қизи Шаҳ-
ризод ёнига кирди.



*Минг биринчи
кеча —
бу китобнинг
охиридир*



оҳ ўз қасрига — хотини
вазир қизи Шаҳризод
ёнига кирганда синглиси
Дунёзод опаси Шаҳри-
зодга: «Бизларга Маъруф ҳикоя-
сини тамомлаб берсанг?»— деди.
«Шоҳ сўзлашга руҳсат этсалар,
жоним билан айтиб бераман»,—
деди у. «Сўзлаш учун сенга руҳ-
сат. Мен ҳам унинг давомини эши-
тишга муштоқман»,— деди шоҳ.

— Эй, саодатли шоҳ,— деб да-
вом этди Шаҳризод.— Маъруф ун-
га бу ҳурматларни уни яхши кўргани учун эмас,
балки худо йўлига эҳсон тариқасида қилибди. Эри-
нинг унга раъйи йўқлиги ва ўзгалар билан алоқа қил-
ганини билгач, Фотиманинг нияти бузилибди. У эри-
дан узукни олиш ва уни ўлдириб, ўрнига ўзи малика
бўлиш орзусига киришибди. Бир куни Маъруф ўзи-
нинг энг яхши, ёқимтой ва энг кўркам жорияларидан
бири билан ётган эди. Одатда шоҳ Маъруф жория
билан яқинлашган вақтда узукни қўлидан олиб қўяр,
яқинлашиб бўлгандан сўнг узукдан хавф қилиб, жо-
рияни чиқариб юборар, покланишга чиқаётганда
уйни қулфлаб қўяр, таҳорат қилиб бўлгандан сўнг-
гина олиб тақар эди. Ана шундан сўнг саройга бема-
лол кириш мумкин бўлар эди.

Фотима шу ҳолларнинг ҳаммасини билиб олгач, кечаси яширинча саройга кириб, у ухлоқ вақтида узукни олиш пайига тушибди. Шу ният билан Фотима бораётганда Маъруф шоҳнинг ўғли қоронғида сарой эшигини очиқ қолдириб, ҳожатхонага кирибди. Қараса, Фотима отасининг уйи томонга шошилганча келмоқда. У ўзича: «Бу жодугар кечаси нега бундай қилиб юрибди, бевақт отамнинг уйига шошилиб келиши бежиз бўлмаса керак», деб шубҳаланибди. У ҳожатхонадан чиқиб, Фотима орқасидан яширин борибди. Унинг ёнида пўлатдан ишланган кичкинагина қиличи бор эди. У одатда отасининг саройига ҳар вақт ана шу қиличини тақиб кирар эди. Буни кўргач, отаси унга кулиб: «Эй ўғлим, қиличинг жуда катта, худонинг хоҳиши билан урушга кириб, одамлар калласини олмагин-да»,— деса, ўғли: «Албатта жазога лойиқ одамлар калласини шу қилич билан оламан»,— дер эди. Отаси унинг сўзига шодланиб кулар эди.

У эшик орқасига беркиниб, Фотимани кузатиб турибди. Фотима ичкари кириб узукни олиб, энди сийпамоқчи бўлганда бола унинг бўйнига қилич билан тушириб қолибди. Фотима қаттиқ бир овоз чиқариб, йиқилибди-ю, дарҳол жон берибди.

Маъруф уйғониб кетибди. Қараса, унинг хотини Фотима юзтубан йиқилиб, қони оқиб ётибди. Ўғли эса қилич кўтарган ҳолда у ерда турибди. «Нима гап, эй ўғлим?»— дебди Маъруф. «Эй ота,— дебди ўғли,— неча марталаб менга: «Сенинг қиличинг катта, сен бу билан жангга кириб бировлар бошини узма», дер эдингиз. Мен, албатта ёмонлар бошини оламан, дер эдим. Мана, мен сизга ёвузлик қилмоқ истаганнинг бошини уздим». У отасига Фотиманинг ножўя ҳаракатини сўзлаб берибди. Маъруф узукни

қидира кетибди. Йўқ. Қараса, Фотима чапгаллаб
ётган экан. Маъруф узукни олибди-да, миннагдор
бўлиб ўглига: «Сен ҳақиқий ота ўгли экансан,— деб-
ди.— Мени бу ялмоғиздан қутқарганинг учун худо
сени бу дунё-ю у дунё хор қилмасин. Унинг қилмиш-
лари ўз бошига етди. Шу шеърни айтган шоирга
раҳматлар бўлсин:

Тангри қилиб марҳамат, қилар бўлса ҳимоя:

Ўз-ўзидан у киши муродига етади.

Агар тангри қолдирса беҳимоя, бесоя:

Айтинг! Ундай кишининг ким додига етади?».

Сўнг Маъруф хизматчиларини чақариб, жодугар
хотини нималар қилганини сўзлаб берибди-да, эрта-
лабгача уни бирор ерга чиқариб қўйишни буюрибди.
Улар топшириқни бажарибдилар.

Эрталаб Маъруф бир қанча хизматчиларига уни
топширибди. Улар ювиб, кафанлаб, гўр қазиб кўмиб-
дилар. У Мисрдан атайлаб гўрга кириш учун келган
экан-да!

Шу шеърни айтган шоирга раҳматлар бўлсин:

Пешонага ёзилган йўлларни босиб ўтдик!

Яна қандай йўллар бор? Пешонадан кўрамиз.

Бу шаҳарга гўр қазиб, бир кун ўлишни кутдик,

Қавланди бошқа юртда «гўр» аталган ўрамиз...

Шоирнинг бу шеъри ҳам ажойиб:

Елғиз гўрга кирганда жуфт бўлишни кутмаймен,

На яхши-ю на ёмон: ҳеч кимга кўз тутмаймен.

Гўр деган сўз васл эмас, у абадий фироқдир,

Ҳамма ундан узоғу, у ҳаммадан йироқдир!..

Шундан сўнг шоҳ Маъруф қочиб кетаётганида
уни меҳмон қилган ўша камбағал деҳқонни излаш

учун одам юборибди. У келгач, уни ўзининг маслаҳатчиси ва ўнг қўл вазири қилиб тайинлабди. Деҳқоннинг ақлли, баланд насабли, чиройли бир қизи бор экан. Шоҳ унга уйланибди. Бир оз вақт ўтгач, ўғлини ҳам уйлантирибди. Лаззатларни тугатгувчи, ёру дўстлардан ажратувчи, ҳашаматли биноларни вайронага айлантирувчи, ўғил-қизларни етим қолдирувчи ўлим соати келгунча улар шод ва мамнун ҳаёт кечирибдилар.

ШОҲ ШАҲРИЕР ВА ШАҲРИЗОД ҚИССАСИ

(Хотима)

Шаҳризод бу вақт орасида шоҳдан уч ўғил кўрган эди. Шу ҳикояни тугатгач, Шаҳризод ўрнидан туриб, шоҳ олдида ер ўпиб:

— Эй замона шоҳи, деди: аср ва даврларнинг яғонаси, мен сизнинг қулингизман. Сизга мен ўтганлар саргузаштида, қадимгиларнинг кечирма ва насихатомиз воқеаларидан бир минг бир кеча ҳикоя сўзлаб бердим. Энди сизнинг улуғлигингизга суяниб, бир истак арз қилсам майлими?

— Истагингни айт, мақсадингга етасан!— деди шоҳ.

Шаҳризод жорияларга: «Менинг болаларимни келтиринглар»,— деди. Улар тезлик билан болаларини келтирдилар. Улар уч ўғил эди. Бирининг ўзи юрар, иккинчиси эмаклар, учинчиси ҳали эмизукли эди. Жориялар болаларни келтиргач, Шаҳризод уларни шоҳ қаршисига ўтқазди-да:

— Буларнинг ҳаммаси сизнинг фарзандларингиз, эй саодатли шоҳ,— деб сўз бошлади,— мана шу болаларингиз ҳурмати учун мени ўлдирмаслигингизни

сўрайман. Агар мени ўлдирсангиз, булар етим қоладилар. Сиз буларни менчалик яхши тарбияловчи бошқа киши топа олмайсиз.

Шоҳ болаларни қучиб йиғлар экан:

— Эй Шаҳризод,— деди,— мен сени бу болалар дунёга келмасдан олдиноқ кечирганман. Чунки сен ақлли, покиза, олижаноб, яхши фазилатли, тақводор аёл эканингни илгарийёқ билган эдим. Худо сенга, сенинг ота-онагга ва авлод-аждодаларингга марҳамат назари билан қарасин. Худони гувоҳ қилиб айтаманки, мен сени ҳар қандай жабру жафолардан озод қилдим.

Гоят шодланган Шаҳризод шоҳнинг қўл-оёқларини ўпди ва: «Худо илоҳим умрингни узун, давлатингнинг фузун қилсин»,— деб дуо қилди.

Шюдиёна бу хабар бутун сарой ва шаҳарга жуда тез тарқалиб кетди. Бу тун тун эмас, кишилар учун кундуздан ёруғроқ туюлди.

Шодлик ва қувончларга тўлган шоҳ эртаси эрта-лаб ҳамма ҳарбийларини чақиртирди. Улар саф тортиб келишгач, ўз вазири — Шаҳризоднинг отасига қиммат баҳо сарполар кийгизди-да:

— Сен ўз доно қизингни менга беришинг натижасида мен бировлар қизини ноҳақ ўлдиришдан қутулдим. Уларга сенинг қизинг ҳимоячи бўлди. Шунинг учун сени худо ҳимоя қилсин. У ниҳоятда доно, тақводор, покиза аёл экан. Худога ҳамдлар бўлсинки, менга ундан уч ўғил ато қилди,— деди.

Сўнг у бутун вазирлар, беклар, сарой аъёнларига қиммат баҳо тўнлар кийгазди. Шаҳарни безатиб, ўттиз кунгача ҳеч ким ўз уйида қозон осмай, шоҳ зиёфатидан баҳраманд бўлишни буюрибди.

Шаҳарни ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ безадилар. Ноғоралар чалинди, карнай-сурнайларнинг овози

янграбди. Ҳамма ўйинчилар ўйинга тушдилар. Шоҳ ҳамма фуқаро ва ҳатто фақир ва гадоларгача мукофотлар улашди, инъом ва эҳсонлар қилди.

Паймона тўлиб, кишиларни ширин ўғил-қизларидан, яқин ёру биродарларидан жудо этувчи шафқатсиз ўлим соати етиб келгунча шоҳ ўз аъёнлари билан шоду хуррам ҳаёт кечирди.



ИЗОҲЛАР

- Абу Наввос**—VII асрнинг машҳур шоири. Абу Далф — саркарда, тахминан 942 йилда ўлган.
- Ал Карх**—Бағдоднинг шарқи-жанубига жойлашган жой бўлиб, ўрта асрда савдо маркази бўлган.
- Афранж**—Францияни шундай аташган.
- Ако**—Сурия соҳилида Байрут вилоятига тобе бир шаҳар.
- Аҳмад ибн Довуд**—Ал-Мутавакк халифалиги даврининг қози калони.
- Ариш**—Сурия билан Миср чегарасидаги бир жойнинг номи. Бу ер ўрта асрда йирик савдо маркази бўлган.
- Зуннор**—христианлар елкасига ташлаб юрадиган белбоғсимон нарса.
- Ибни Ҳамдун**—халифа Муътазид Биллоҳнинг вазири.
- Константинопол**—Истамбул.
- Кунофа**—араблар истъмол қиладиган бир хил таом.
- Канисо**—хотинлар черкови.
- Мансур жомъи**—Мансур Аббосий халифаларидан бири бўлиб, масжид унинг номига қўйилган.
- Муътазид Биллоҳ**—Аббосийлар сулоласи халифаларидан бўлиб, 892—902 йилларда яшаган.
- Малик Носир**—Бу исм билан кўпгина шоҳлар ўтган. Чунончи, Шаҳобуддин, Абусаодат Фараҳ, Абусаодат Муҳаммад, Абулмафохир Салоҳиддин, Носириддин Муҳаммад бинни Қуловуз ва бошқалар. Бу ерда ана шу шоҳлардан энг кучлиси, кўпгина мамлакатларни забт қилган, 741 ҳижрийда вафот этган Малик Носириддин Муҳаммад бинни Қуловузнинг фаранглар билан қилган жанги кўзда тутилган.
- Сири ас-Сақти**. Бишри-хофи. Жунайд-Бағдоди. Фузайл ибни Аъз—VIII—IX асрларда ўтган машҳур руҳонийлар.
- Саъид**—Шимолий Мисрдаги жойнинг номи.
- Тиروز**—бир хил кийим кечак.

- Т о и ф** — бир вақтлар чармдан қилинган буюмлари билан маш-
хур бўлган Арабистондаги шаҳар.
- Т о й и б а** — Мадинанинг бир ери.
- Р о ж и з** — сувга кема оғирлигини туширмайдигли асбоб.
- Р у м о** — Рим маъносида.
- Ш а р и ф и й** (шарофатли) — Муҳаммаднинг қизи Биби Фотима
билан Алидан бўлган ўғиллари Имом Ҳасан, Имом Ҳусан-
нинг авлодлари.
- Ш а к о й и қ у л н у з м о н** — гулларнинг бир тури.
- Ш о м** — ҳозирги Сурия.
- Ғ а в в о с** — сувчи, **қ а н н о с** — овчи.

Изоҳлар таржимонники

МУНДАРИЖА

А. Расулов ва А. Ирисов таржимаси

Али Нуриддин ва Марям Зуннория қиссаси (863—894 кечалар)	3
--	---

С. Муталлибов таржимаси

Саидлик киши ва афранжлик хотин қиссаси (891—896 кечалар)	132
Бағдодлик йигит ва жория қиссаси (896—899 кечалар)	138
Шоҳ Жилиод ўғли Вирдхон қиссаси (899—930 кечалар)	150
Абуқир ва Абусир қиссаси (930—940 кечалар)	269
Абдулло бадри ва Абдулло баҳри қиссаси (940—946 кечалар)	307
Абул-ҳасан Уммоний қиссаси (946—952 кечалар)	333
Иброҳим ибн Ҳосиб билан Жамила қиссаси (952—959 кечалар)	357
Хуросонлик Абул-ҳасан қиссаси (959—963 кечалар)	384
Қамаруззамон ва унинг маъшуқаси (963—978 кечалар)	407
Абдулло ибн Фозил ва унинг биродарлари (978—989 кечалар)	476
Маъруф Аскофий қиссаси (989—1001 кечалар)	532
Шоҳ Шаҳриёр ва Шаҳризод қиссаси (хотима)	597
Изохлар	600

1001 НОЧЬ
ТОМ VIII
Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1963